

Қ. ЙЎЛДОШЕВ, С. МАХСУМХАНОВ, В. ҚОДИРОВ.

ЎЗБЕК 8 АДАБИЁТИ



Кыргыз Республикасынын
Мамлекеттик Герби



Кыргыз Республикасынын
Мамлекеттик Туусу



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Текстин авторлору:

Ж. Садыков менен Ш. Кулуев:

Музыкасынын авторлору:

Н. Давлесов, К. Молдобасанов.

Ак мөңгүлүү аска-тоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма.

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Бийик сактап урпактарга берели.

Кайырма.

Қ. Йўлдошев, С. Махсумханов, В. Қодиров

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Ўрта мактабларнинг 8-синфи учун дарслик-мажмуа

*Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан
вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек – 2012

Масъул муҳаррир: *М. Юлдашева* – ЎшДУ катта ўқитувчиси, ўзбек адабиёти мутахассиси;

Тақризчилар: *З. Нўмонова* – вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўзбек тили ва адабиёти кабинети муdiri;
Н. Жамолдинова – олий тоифадаги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Йўлдошев Қ. ва бош.

Й-99 Ўзбек адабиёти: Ўрта мактабларнинг 8-синфи учун дарслик-мажмуа / Қ. Йўлдошев, С. Махсумханов, В. Қодиров. - Б.: 2012 - 400 б., ил.
ISBN 978-9967-439-90-0

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ МАРКАЗИ» томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: *Уш шаҳри,
Г.Айтнев кўчаси, 27*

Й 4306020400-12

УДК 373.167.1
ББК 83.3 Уз я 721

ISBN 978-9967-439-90-0

© Қ. Йўлдошев, С. Махсумханов, В. Қодиров, 2012
© Дарсликлар яратилган маркази, 2012
© Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги, 2012.

ДАВР, ИЖОДКОР ВА АДАБИЁТ

Миллий маънавият ва бадий адабиёт. Азиз ўқувчим, бадий адабиёт инсон маънавияти ва эътиқодини шакллантириш воситаси бўлган санъат туридир. Чунки бадий асарларнинг қаҳрамонлари тимсолида муайян миллатга мансуб энг эзгу фазилатлар акс эттирилади. Бунинг устига, миллатнинг ижобий сифатлари шунчаки айтиб қўйилмайди, балки кишининг туйғуларига таъсир кўрсатадиган, уни лоқайд ҳолдан чиқариб юборадиган тарзда берилади. Бадий адабиёт инсоннинг тафаккурига қалби орқали таъсир кўрсатади ва ақли билан англаганларини унинг табиатига сингдириб юборишга хизмат қилади. Миллий маънавият бирор миллатга мансуб кишилар эътиқоди ҳамда ахлоқининг асосий жиҳатларини ифодалайдиган умумий қадрият ва тушунчалар тизимини англатади. Шунинг учун ҳам умумтаълим мактаблари ўқувчиларига, сизларга миллий маънавиятни сингдиришда адабиёт дарслари алоҳида аҳамият касб этади.

Бу борада адабиёт машғулотларининг алоҳида мавқеини тайин қилган муҳим жиҳатлардан бири шундаки, агар ўзга ўқув фанларида миллий маънавият ва мафкурага дахлдор қарашлар фақат тегишли мавзулар орқали таркиб топтирилиши мумкин бўлса, адабиёт дарсларидаги деярли барча мавзулар у ёки бу даражада миллат онгига, унинг яшаш тарзини белгилаб берувчи эътиқодни шакллантиришга йўналтирилиши мумкин. Чунки бадий адабиёт фақат миллий кўринишда бўлади. Миллатнинг адабиёти ўша миллатнинг тилида ўша миллатта хос ахлоқий-маънавий сифатларни акс эттиради.

Ҳар қандай асл бадий асар фақат ижодкоригагина хос сифатларни акс эттириб қолмай, балки у мансуб бўлган миллатга тегишли фазилатларни ҳам ифодалайди. Чунки ким бўлишидан қатъий назар, ижодкор ҳам миллатнинг вакилидир ва ўз табиатида ўша халққа мансуб бўлган хусусиятларни бир қадар мужассамлаштирган бўлади. Миллий маънавият миллат аҳлининг кўнгил мулкига айланиб, халқнинг онги ва туйғулар оламига сингишгандагина таъсирли кучга айланади. Адабиёт кишининг характер хусусиятларини шакллантиришда, унинг туйғулар тизимини қарор топтиришда қатор афзалликларга эга бўлгани учун ҳам миллий маънавиятни ўқувчиларга сингдиришда катта самара бериши табиий. Турли даврларда, турли ижодкорлар томонидан яратилган бадий асарларни ўқиш жараёнида ўқувчиларда ифтихор, ғурур туйғуси пайдо бўлади, у ёки бу ҳаётини ҳодисага ўз нуқтан назари билан қарай бошлайди, ниманидир ёқлаб, ниманидир инкор этади, қайсидир бир адабий қаҳрамонга ўхшагиси келса, ўзгасидан нафратланади. Бундай ҳолатлар ёшларда ҳаёт ҳодисаларини миллат нуқтан назаридан туриб баҳолаш сифати шаклланишидан даражат беради.

Сиз, азиз ёшларимизда миллий ва умуминсоний маънавиятни, қадриятларни шакллантиришда ўтмиш ва замонавий адабиётимиз бой материал бера олади.

Ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат. Айтилганидек, миллатнинг маънавиятини шакллантиришда, жамият аъзоларини миллий ғоя атрофига бирлаштиришда, миллий руҳиятни қарор топтиришда бадий адабиёт энг кўп самара берадиган воситадир. Адабиёт бу вазифаларни одам ва оламда рўй берадиган ҳолату ҳодисаларни акс эттириш йўли билан бажаради. Аммо адабиёт борлиқдан ҳам, одамлардан ҳам шунчаки нусха кўчирмайди, балки ҳаёт ва одамни бадий акс эттиради. Бадий асарга ҳаётдаги ҳодиса ва шахслар аслида қандай бўлса, шу ҳодича кўчириб олинмайди. Бундай қилинганда, кўчирмачиликка йўл қўйилган бўларди. Чунки ҳаётдан кўчириш ҳам китобдан кўчиришга ўхшаб кетади.

Ҳаётини ҳақиқат билан бадий ҳақиқат ҳаминша ҳам бир-бирига мувофиқ келавермайди. Баъзан бадий ҳақиқат ҳаётини ҳақиқатдан чуқурроқ, таъсирлироқ бўлиб чиқади. Ҳаёт адабиётга нисбатан солиштириб бўлмайдиган даражада бой, ранг-баранг ва серқирра эканлигига қарамай, кўпинча, ҳаётнинг бадий асарда акс эттирилган қисми мукамаллиги, ортиқча ўринларнинг йўқлиги, мақсадга мувофиқлиги билан ажралиб туради. Ижодкор ҳаёт ҳодисаларини тасвирлар экан, унинг адабий қаҳрамон табиатини очишга бевоёсита хизмат қилмайдиган ўринларини, кераксиз тафсилотларини, аҳамиятсиз лавҳаларини олиб ташлаб, уларни маълум бир бадий мақсад атрофига тўплайди. Бу жараёнда адиб воқеа ва қаҳрамонларни танлаш, индивидуаллаштириш, умумлаштириш, сюжет қуриш, яхлит композиция яратиш, бадий характерлар чизиш ва уларни ўзаро мулоқотга киритиш каби бадий ижодга хос юмушларни бажаради.

Бадий ҳақиқат дегани шу даражада мураккаб ва нозик ҳодисаки, ҳатто ҳаётда ҳақиқатан бўлиб ўтган қандайдир воқеа асарга кўчганда бадий ҳақиқатга айланмай қолиши, асар вужудига сингишмаслиги мумкин. Демак, бадий ҳақиқат бўлиши учун воқеаларнинг чиндан ҳам бўлиб ўтганлигининг ўзи етарли эмас. Ўзувчи бирор ҳаётини ҳақиқатнинг айнан шундайлигини, бошқача бўлиши мумкин эмаслигини бадий қаҳрамонлар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари ва характер мантиғи орқали асослаб, шунга китобхонни ишонтира олаётганина, у бадий ҳақиқатга айланади. Масалан, миллатимизнинг фахри шоҳ ва шоир Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо қаптархонадан қулаб, ҳалок бўлган. Бу тарихий факт „Бобурнома“да қайд этилган. Аммо мана шу фалокат Пиримқул Қодировнинг „Юлдузли туллар“ романида бошқачароқ талқин этилган. Негаки, ҳаёт ҳақиқати романига шундай олиб кирилса, у ўқувчини ишонтира олмайди ва, бинобарин, бадий ҳақиқат бўла олмайди. Чунки ўқувчида уруш кетаётган, тоғу тахт хавф остида қолган таҳликали пайтда наҳотки ҳукмдор қаптар уйнаб юрган бўлса, деган ҳақли

савол туғилиши мумкин. Худди мана шу жойда **бадий тўқима** деб аталмиш муҳим восита ёрдамга келади. Ёзувчи бунинг сабабини ўзи тоғиши, уни вазият ҳамда қаҳрамон табиатидан келиб чиқиб, мантиқан асослаган ҳолда асар вужудига сингдириб юбориши керак. Пиримқул Қодиров худди шундай қилади: Умаршайх тахт таҳлика остида қолганини сезиб, ҳарбий ёрдам сўраб, бошқа ҳукмдорга мурожаат қилиши керак. Чопар юборса, вақт ўтади, албатта, энг қулай йўли мактубни қаптар орқали жўнатиш (қаптарлар илгари чопар ўрнида ишлатилганини эшитгансиз). Бунинг устига ўта муҳим ҳарбий сирни бундай вазиятда бошқа одамга ишониб ҳам бўлмайдди. Шунинг учун шахсан ўзи мактубни жўнатиш мақсадида қаптархонага кирганида, тағидан кагга дарё оқиб ўтганлиги туфайли нураб, омонат бўлиб қолган иморат тўсатдан қулаб тушади. Воқеанинг бундай талқини ҳам кишини ишонтиради, ҳам воқеаларга ҳаётий маъно юклайди.

Шу романдаги кўприк қулаб тушиб, душман кўшинининг талафот кўриши, Бобурнинг эгачиси Хонзода бегимнинг Шайбонийхон ҳарамига тушиб қолиши каби воқеалар тасвирида ҳам ёзувчи ана шундай бадий тўқимадан фойдаланади. Ёки Мақсуд Шайхзоданинг „Мирзо Улуғбек“ трагедиясида султон Улуғбек билан Хожа Аҳрор бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришларича, бу икки тарихий шахс ҳаётлик давларида мутлақо учрашмаган эканлар. Негаки, Улуғбек ҳукмронлиги даврида Хожа Аҳрор анча ёш бўлган ва Тошкент томонларда ҳаёт кечирган. Аммо Мирзо Улуғбек образини очиб, унинг табиатини ёрқинроқ кўрсатиш учун кучли бир шахсият эгасини унга зид қўйиб тасвирлаш зарурияти бор эди. Драматург шундай шахс сифатида Хожа Аҳрор валиини олади ва бу билан тарихий ҳақиқатга бир қадар зарар етказса-да, бадий ҳақиқатнинг тантанасига эришади. Кўришиб турибдики, бадий тўқима йўқ жойдан ўйлаб топилган уйдирма эмас. Тўқима ёзувчи фантазияси ва ҳаётий мантиқ асосида воқеа ёки шахс табиати моҳиятидан келтириб чиқариладиган бадий ҳосиладир.

Хулоса қилиб айтганда, ижод жараёнида ҳаёт ҳақиқатига амал қилиш бу ҳали бадий ҳақиқатга эришилди дегани эмас. Ҳаёт ҳақиқати ижодкорнинг фантазияси, билими, маҳорати ёрдамида бадиият „қозон“ида қайнаб чиқмаса, у етук бадий асар эмас, оддий фактлар баёни бўлиб қолаверади.

Даврнинг ижтимоий муаммолари ва адабиёт. Бадий адабиёт инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Гарчи, бадий адабиёт бир киши тафаккури ҳамда руҳиятининг маҳсули сифатида дунёга келса-да, ўша алоҳида шахс ҳаминша маълум бир даврда яшаганлиги учун ҳам муайян тарзда ижтимоий борлиқни акс эттиради. Бадий асарда деярли ҳаминша аниқ бир одамнинг тақдир, табиати, ўйлари тасвирланади. Лекин у одам қанчалар алоҳида бўлмасин, ҳаминша жамият қўйнида яшайди. Чунки жамият таъсирдан четда турган инсон бўлиши мумкин эмас. Демак, ҳар қандай инсонга фақат ўзига эмас, балки бутун жамиятга

дахлдор қандайдир жиҳатлар, албатта, сингган бўлади. Шуларга кўра, адабиёт, кўпинча, жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади, ўзгаради, унга хос жиҳатларни ифода этади.

Адабий жараён ижтимоий ҳаётни ўзига хос тарзда акс эттиради. Ҳар бир жамият ўзи учун муҳим бўлган мавзу ва муаммоларнинг бадий адабиётда тасвирланишини истади. Шунинг учун ҳам бадий адабиёт кўп асрлик тараққиёти давомида, айниқса, ишланадиган мавзу нуқтан назаридан жуда кўп ўзгаришларга дучор бўлади. Айтайлик, Навоий даврида теурий шахзодалар ўртасида тахт учун кураш авжига чиққан эди. Юртнинг маърифатли одил шоҳ томонидан бошқарилишига эришиш шу замоннинг асосий муаммосига айланганди. Айни муаммони тўғри ҳал этиш ўз даврининг фарзанди ҳазрати Навоийнинг асосий орузи эди. Худди мана шу сабабли тож-тахтдан ҳунар, билим эгаллашни устун қўйган Фарҳод, адолат бобида тенги йўқ Искандар тимсоллари адабиёт майдонида пайдо бўлди.

1905- ва 1917- йилларда Русияда содир бўлган сиёсий тўнтаришлар адабиётга инқилобий мавзунини олиб кирди ва бу мавзуга муурожаат қилиш ёки қилмаслик ёзувчининг ижтимоий-сиёсий мавқеини белгилайдиган ўлчовга айланди. Шўро ҳокимияти ўриятилгач, адабиётдаги асосий мавзулар: октябрь тўнтаришининг мадҳ этиши, янги тузумни мустаҳкамлаш, эскисини фош этиши, инқилоб „ғалабалари“ни ҳимоя қилиш бўлиб қолди. Ўтган XX асрнинг 20 – 30-йилларда бу мавзуда минглаб асарлар яратилди. Шу йилларда хусусий мулкка қарши кураш эълон қилиниб, ер, чорва моллари эгаларидан тортиб олинди. Мажбурий равишда жамоа ҳўжаликлари (колхозлар) тузиш Фафур Ғуломнинг „Кўкан“ достони, Абдулла Қодирийнинг „Обид кетмон“ қиссаси, Абдулла Қаҳҳорнинг „Кўшчинор чироқлари“ романи каби кўплаб асарлар ёзилишига сабаб бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши даврининг асосий масаласи – фашизм устидан ғалаба қозониш, табиий равишда, адабиётнинг ҳам бош муаммосига айланди ва ҳ. к. Мустақиллик шаронтида миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор гуйбуларини уйғотиш зарурияти Ш. Холмирзаевнинг „Қора камар“, „Ўзбеклар“, Тоғай Муроднинг „Отамдан қолган далалар“ сингари бир қатор асарларини юзага келтирди. Чунки адиб ҳам шу жамиятнинг аъзоси, у қаламга олиб тасвирлаётган қаҳрамонлар ҳам муайян жамиятда мавжуддирлар. Бинобарин, даврга хос хусусиятлар, муаммолар ўз-ўзидан ёзувчиларга ҳам, қаҳрамонларга ҳам ўтади.

Адабиётнинг ижтимоий ҳаёт ва унинг муаммолари билан алоқадорлигини жўн тушуниш, амал қилиниши мажбурий бўлган талаб даражасига кўтариш санъаткор имкониятларини чеклаб қўйиши ҳам мумкинлигини унутмаслик керак. Худди мана шу талаб, оқибат натижада, шўролар адабиётини кундалик ижтимоий воқеаларининг қули, шарҳчиси ва шу тариқа ҳукмрон мафкураининг югурдагига айлантириб қўйди.

Аслида эса тарихий жараён шуни кўрсатадики, сўз санъатининг ҳамма давр ва ҳамма тузумлар учун бирдай долзарб бўлган умумбашарий муаммоларни юксак бадний маҳорат билан акс эттирган намуналарининг умри боқий бўлади. Юнон трагедиянависи Софоклнинг „Шоҳ Эдип“ асари милоддан олдинги IV асрда яратилган, аммо у бугунги томошабин қалбини ҳам ларзага солади. Навоийнинг салкам олти аср илгари битган асарлари бугун ҳам киши дилини яйратади, чунки уларда инсон руҳиятининг ҳамма даврларда ҳам бирдай кадрланадиган ҳолатлари акс эттирилган.

Адабиётнинг давр ижтимоий ҳаёти билан алоқадорлиги унинг маърифий, яъни китобхонларга билим бериш вазифасини ҳам келтириб чиқаради. Аммо билим бериш бадний адабиётда ўзига хос усул билан амалга оширилиши ҳисобга олиниши лозим. Айтايлик, фаннинг фалсафа, жамиятшунослик, табиатшунослик ва бошқа тармоқлари ҳам кишига ҳаёт, жамият ижтимоий муаммолари ҳақида тушунчалар беради. Аммо ҳаёт фанда илмий умумлаштиришлар, қондалар, формулалар, ахборотлар тарзида акс этса, адабиётда у бадний образ қиёфасида гавдаланади. Mashхур рус адабиётшуноси В. Г. Белинский таъбири билан айтганда, фан „нима бўлганини“ тушунтирса, адабиёт „қандай бўлганини“ тасвирлайди. Инсон фан бераётган ахборотни ақли билан қабул қилади, таҳлил этади ва тафаккурни бойитади. Бадний адабиёт эса ахборотни тўғри кишининг миясига бермай, олдин унинг туйғуларини кўзғатади, қалбини жунбушга келтиради. Одам тафаккурига шу йўл билан таъсир қилади, уни бойитади.

Савол ва җавоблар:

1. Миллий маънавият ва миллий адабиёт ўртасида қандай яқинлик бор деб ўйлайсиз?
2. Миллий маънавиятнинг сингдирилшида бадний адабиётнинг устувор мавқеда эканлиги сабабини аниқлашга уриниб кўринг.
3. Ҳаёт ҳақиқати ва бадний ҳақиқатнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида муҳожаза юритинг.
4. Адабиётда бадний тўқиманинг ўрни муҳим эканлига мисоллар келтиринг.
5. Сўз санъатининг ижтимоий муаммоларга алоқадорлиги сабабини тушунтиришга уриниб кўринг.
7. Адабиёт ва фан, бадний ва илмий адабиёт орасида қандай фарқ борлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.

КУНТУҒМИШ

(Ўзбек халқ достони)

Дўрман вилоятининг Кунтуғмиш деган полвони бор эди, полвоннинг Оппоқой деган синглиси бор эди. Кунтуғмиш ўн тўртга кирганча илм-хунар, касб-камолот ҳосил қилиб, ўн тўртдан ўтгандан кейин сипоҳилик ишларига юз келтириб, қилч чопмоқ, милтиқ отмоқ, чиришбозлик¹, кўпкаритозлик², найзадастлик, гаровбастлик³ ишларига кўшиш қилиб⁴, қирқта йигитни ёнига олиб, машқ қилиб, гоҳ тоққа, гоҳ овга чиқиб юрар эди.

Шаҳри Зангар деган шаҳар подшосининг отини Буврахон дер эди. Буврахоннинг икки вазири бор эди. Бировини Шоир вазир дер эди, бировини Тоир вазир дер эди, иккови ака-ука эди. Булар ният қилиб эди: „Бизлар фарзанд кўрсак, ўғил бўлса, қўлқанот⁵ бўлсин, қиз бўлса, дўст бўлсин“.

Куллардан бир кун Шоир вазирнинг хотини қиз туғди, Тоир вазирнинг хотини ўғил туғди. Қизнинг отини Холбека қўйди, ўғилнинг отини Холмўмин қўйди. Лекин Холмўминнинг онаси ўлди, бола этак остида қолди, Холбеканинг онаси эмизиб катта қилди. Булар ширхўра⁶ бўлиб, никоҳ юрмайдиган бўлиб қолди. Икки вазирнинг аввалги ваъдаларини Зангар шаҳарининг одамлари эшитган эди: „Холбека Холмўминнинг бахшандаси“ дер эди, сут эмганини билмас эди. Аммо Холбека ўн тўртдан ўтгандан сўнг, овозаси оламга кетди, донги Доғистондан ўтди. Холбеканинг тавсифини, ҳусни зеболигини эшитган подшолар ва хонзодалар ҳар мамлакатдан, ҳар юртдан, ҳар диёрдан совчи қўяберди. Совчиларга Холбека: „Ҳар ким мени оламан деб келса, нард ўйинини қўяман, ўйнайман, утса⁷ тегаман“, деб овоза қилди. Ҳар бир тўралар, хонзодалар Холбека билан нард ўйнаб уттирди, бирор киши Холбекани утолмади.

Кундан-кунга Холбеканинг ҳусни зиёда бўлиб, шуҳрату овозаси ортар эди.

Кунлардан бир кун Буврахон Холбеканинг жамолини кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, „Тегса ҳам оламан, тегмаса ҳам оламан, бошқанинг келганини кўраман“, деб одам юборибди. Холбека жавоб айтди: „Подшо номардлик қилмасин, ўзидай подшоларга таъна-маломат бўлмасин. Меннинг шартимни

¹ Чиришбозлик – тоққирак, чинга масалаларин очиб.

² Кўпкаритозлик – улоқчилик, чавандозлик.

³ Гаровбастлик – гаровлашнинг, баҳслашнинг.

⁴ Кўшиш қилмоқ – тиришмоқ, жолд қилмоқ.

⁵ Қўлқанот – бўладон, ажралмас ота-ини.

⁶ Ширхўра – эмиздон, бир онани эмган болалар.

⁷ Утса – ютса, ютиб олса.

эшитмаган, билмаган одам йўқ. Қавлимдан¹ қайтмайман, шоҳингдан қўрқмайман! Бизга ошиқ бўлган бўлса, келсин, нард ўйнасини, утса тегаман, уттирса, подшо деб сийламайман, жонидан кечса, бизга келсин!” – деб совчисини қайтарди. Совчи бу воқеаларни подшосига баён қилди. Подшо эшитиб ҳайрон-лол бўлиб, аркони давлатга қараб, улардан маслаҳат сўраб: „Эй умароларим, вазири доноларим, бу ишнинг охири қандай бўлади? Бориб нардни ўйнасак, уттирсақ, бизни шоҳ деб сийламаса, қўйлик десак, ишқибозлик ёмон бўлса. Бор деб қўйсақ, бир кун биров утиб олиб кетса, қандай бўлади?“ – деди. Аркони давлат шу маслаҳатни айтди: „Тақсир подшойим, бунинг иложи шуки, бахтини боғлаб, ҳеч ким Холбека деб отини айтолмасин, балки бу шаҳарга кела олмасин“, – деб маъқул қилдилар: „Ўзи ҳам тўрт-беш йил ўтгандан кейин, эрталаб бўлиб, сизга тегмай кимга тегди“.

Подшо кўча, гузарларга жарчи қўйиб: „Ҳар ким Холбека деб айтса, олти ой зиндонда боқдираман, суягини тошга чақдираман, тириклай терисини шилдираман, ичига сомон тикдираман, икки кўзини ўяман, тепасига мойни қуяман“, – деб қичқирта берди. Ҳеч кимнинг захраси² йўқки, Холбека деб айтса.

Шу ўртада тўрт-беш йил ўтиб кетди. Холбека ҳам подшога бўйинсинмади, қирқин қизи билан, неча турли нози билан даврини суриб ўтира берди.

Кунлардан бир кун Холбека ноз уйқуда ётиб эди, бир туш кўрди: Кунтуғмиш билан иккови бир тўшакда ётиб, бир-бировига сўз қотиб, Холбека сўради: „Сен кимсан, жой-мазилинг қайда, отинг ким?“ Полвон айтди: „Отим Кунтуғмиш, Дўрман элининг полвони бўламан. Сен кимсан, отинг ким, юртинг қаерда?“ Холбека айтди: „Отим Холбека, отамнинг оти Шоир вазир, юртим шаҳри Зангар“. Иккови тушида бир-бирови билан топишиб, йиғитининг узугини Холбека, Холбеканиннг узугини Кунтуғмиш олиб, қўлига солди. Туш шу ерга етганда Холбека уйғонди.

Холбеканиннг Баҳрагул деган канизи бор эди, аксари сирларини Баҳрагулга айтар эди. Баҳрагул Холбеканиннг безовталигини англаб: „Ой бибим, сени илгаригилардай кўрмайман, дардингни менга билдирсанг, танда жоним бор, иложин қилсам керак“, – деди.

Холбека айтди: „Э Баҳрагул, менга бир дард теккан, иложи сира йўқ“, – деб кўрган тушини Баҳрагулга бир-бир баён қилиб, яна айтди: „Бир сура кашини келтирсанг!“

Баҳрагул сураткашини олиб келди. Холбека ойим ўзининг суратини қоғозга солдириб, бир сандиқ тайёр қилиб, ичини мумлаб, сиртини тилда билан қоплаб, ўзининг сочидан бир тола соч олиб, ўзининг суратига ўраб, неча арзи-қолларини ҳам арз қилиб, сандиқни қулфлаб, калитини сандиққа боғлаб, бир катта дарё

¹ Қавлимдан – қароридан, тўстамидан.

² Захраси – журъати, юраги.

шаҳарнинг ичидан ўтар экан, сандиқни дарёга солиб, „Ошиқ-маъшуклик аввалдан пок бўлса, шу сандиғим Кунтуғмишдан бошқага тегмасин“, деб дарёга равона қилди. Сандиқ неча кун, неча вақтлар оқиб, ҳеч кимнинг қўлига тушмай, Дўрман юртига дохил бўлди.

Кунтуғмиш қирқ йигити билан дарёнинг ёқасида ов қилиб юриб эди, кўзига бир сандиқ кўринди. Йигитларига айтди: „От солиб, олиб чиқинлар!“

Йигитлар Кунтуғмишга арз қилдики: „Бу молни бир шарт билан олиб чиқамиз, шу сандиқни бўламиз, ичини оласизми, ё тишини?“ Кунтуғмиш айтди: „Сизлар сайлаб олинглар“.

Йигитлар бир-бирига қараб, иттифоқ қилиб: „Тиши тилла экан, бизлар тишини оламиз“,— дедилар.

Кунтуғмиш айтди: „Биз ичини оламиз“.

Бир йигит от солиб олиб чиқди. Қалити ўзида экан, очиб кўрдилар: ичидан бир қоғоз чиқди, қоғозни ёзиб кўрса, Холбека ойимнинг тўлган камоли, ойдай жамолни мунаввар бўлиб турибди. Кунтуғмишнинг бир ишқи юз бўлиб, тоқат келтиролмай, беҳуш бўлиб йиқилди. Қирқ йигит шошиб, бариси чувуллашиб, уни ўртага олиб, ҳой-ҳойни солиб, Опоқойга одам жўнатди. Опоқой буни эшитди, сочини ёйиб, бетини юлиб, „Оғам!“ деб акасининг устига ўзини ташлаб:

Заъфарондай сарғайтирма юзингни,
Уйқудан очгайсан икки кўзингни!
Хабарингни берди ёру дўстларинг,
Не сабабдан кетди сенинг эсларинг? —

деган эди, полвон кўзини очди. Кунтуғмиш ишқ дардини пинҳон туютолмай, йигитларига қараб бир сўз айтиб турибди:

Боғ ичида олма-анор истайди,
Бўйи маҳбуб нозик дилдор истайди.
Қадрдонлар, бирга юрган дўстларим,
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайди.

Қаторда юк тортган норча лўкларим¹,
Душманга кетмагай ору кекларим.
Сирдошларим, валлакатим, бекларим,
Дўстларай, кўнгил бир ёр истайди.

Дўстларим, қилманглар бағримни кабоб,
Фарибнинг кўнглини овламоқ савоб.
Эртароқ синглимдан олинглар жавоб,
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайди.

¹ Норча лўкларим — текис ва тез чопадиган туя. Бу ерда баҳувоват йигитлар маъносида.

Қулоқ солинг Кунтуғмишнинг тилига
Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Борар бўлдим энди Зангар элига
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайди.

Кунтуғмиш йигитларга буюрди: – Қоғоздаги суратни синглимга кўрсатинглар!

Йигитлар суратни кўрсатди. Оппоқой қараса, қоғозда бир қиз: қошини кериб, лабини буриб, ширин қилиб кулиб, чикка бел бўлиб, суқсурдай тўлиб, товусдай тараниб, беллари буралиб турибди. Инсоф қилиб қараса, Оппоқой билдики, акасининг иложини қилолмас, Холбекадан бошқани хоҳламас. Ноилож, ночор: „Бор ака, соғ боргайсан, саломат келгайсан“, – деб жавоб берди.

Синглиси Оппоқойнинг розилигини олган Кунтуғмиш Холбекани излаб Зангар сари йўл олади. Узоқ йўл босиб, машаққатлар чекиб, ниҳоят суюклисининг юртига кириб келади. Лекин у Зангардаги тартибу одатларни билмас эди...

...Зангарга келган Кунтуғмиш қаерга борарини билмай, паст кўча, рост кўча, мохов кўча, пес кўча, ўзи кўрмаган кўп кўча – бир кўчага солиб кетди. Шу юргандан юра берди, тушга довур юрди, чорсунинг устидан чиқиб қолди. Шаҳарнинг бозори экан, одамлар қумурсқадай қимирлаб ётибди. Кунтуғмиш кимдан сўрарини билмай, бозордаги одамларга бақириб: „Бизнинг ёрни кўрганлар борми?“ – деб турибди. Бозордаги одамлар: „Баччагаар касофат қаёқдан келди?“ – деб савдо-сотигига қарамай қоча берди.

Бир кампир калавафурушлар билан жанжал қилиб ўтириб эди. Қараса, бир ёш йигит йўлбарсдай бўлиб: „Холбекани кўрган борми?“ – деб келади. Кампир кўриб: „Ҳай аттанг, бу йигит бу элнинг расмини билмас экан, узоқдан келган экан, мабодо подшонинг мулозим одамларига маълум бўлиб нобуд бўлмасин“, – деб жойидан ирғиб туриб, Кунтуғмишга қараб тез юриб, оёғининг бетини оёғи билан босиб, кифти билан бир уриб ўта берди. Кунтуғмиш кетига қараса, бир кампир кўчага қараб, қоши билан ишорат қилиб кетиб боради. Кунтуғмиш: „Шу кампир бир шумликни биледи“, – деб ортидан юра берди. Кампир кўп йўлга бориб, у ёқ-бу ёққа қараб: „Сен қандай одам бўласан?“ – деб сўраб, бир сўз деб турибди:

Зулфи зарафшоним, қайдан бўласан?
Тўти ғазалхоним, қайдан бўласан?
Сенинг тарзинг бу ерларга келмайди,
Тарафсиз полвоним, қайдан бўласан?

Қарайман, кўнглингда қайғу ҳам доғинг,
Кўзларинг қамбардир, бодом ковоғинг,
Билагинг темирдан, пўлат тирноғинг
Баҳодир нишоним, қайдан бўласан?

Кунтуғмиш айтди: – Эй мома, Холбекани биласанми? Мен Дўрман мамлакатидан уч ой йўл юриб, шу бугун шаҳринга келиб турибман, шаҳрининг паст-баландини билмайман. Отим Кунтуғмиш. Дўрман элимни, халқ, қариндошимни ташлаб, шаҳринга Холбекани излаб келдим.

Кампир айтди: – Э жоним болам, ошиқлиги курсин, бошга тушгандан кейин кишини девона қилиб, элидан, юртидан айириб, ғариб қилган бу савдо кимларнинг бошига тушмаган, момонинг ҳам бошига кўп тушган... Сен Холбека деб кеган бўлсанг, Холбека менинг қўлимда.

Бу кампир подшонинг қудаси эди, подшонинг ўғлига катта қизини берган эди. Кампир Кунтуғмишнинг олдига дастурхон ёзиб қўйиб айтди: „Ўғлим, сен чой ичиб бўлгунча мен Холбекани топиб келаман“, – деб чиқиб кетди. Кунтуғмиш уйининг у ёқ-бу ёнига қараб: „Бу ерларга Холбеканинг ўзи келмак тугул, изи ҳам топилмас“, – деб ўйлаб ўтирди.

Энди кампир уйининг сиртига чиқиб ваҳм босиб, лол бўлиб ўтирган эди, кўнглига бир гап келиб қолди: „Топдим, топдим“, деб жойидан ирғиб турди. Кампир нимани топди? Яна бир қизи бор эди, отини Замонгул дер эди, уч ойча бўлиб эди. Холбека каниз қилмоққа олиб кетиб эди. Шундан бир кун илгари кампир қизини „Менинг уст-бошимни ювиб берсин“, – деб арз қилиб олиб келган эди...

Кампир қизи Замонгул (Гулзамон)ни Кунтуғмишга Холбека шу деб, рўпара қилади. Аммо севгилисининг суратини кўрган йигит сохта Холбекани қабул этмайди. Замонгул Кунтуғмишнинг асл Холбека яшайдиган жойга бошлаб боришга мажбур бўлади. Аммо шохнинг буйруғига мувофиқ қиз кўшкни олдига бегона эркакнинг яқинлашуви мумкин эмасди. Шу боис Гулзамон Кунтуғмишнинг савдогар қиёфасига киритади.

...Кунтуғмиш тимга кириб, икки бўғча мато сотиб олиб, базозовачча¹ бўлиб, Холбеканинг кўшкни устида матоларини кўшкнинг деворларига суяб, молларини ёйиб ўтириб эди. Бир вақт қараса, Холбека қирқин қизи билан, неча сарвинози билан, қанча жоду кўзи билан кўшкнига чиқиб бораётибди. Бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш – ўн кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувига ботирган, тонг шамолига қотирган, юзининг жилваси зулфига уриб, яшин тушгандай бўлиб бораётибди. Кунтуғмиш Холбеканинг жамолини кўриб, биқинини ушлаб, лабини тишлаб, няғи қалтираб, кўзи ялтираб, кулоғи битиб, ҳисоби йитиб, ақлидан кетиб, „Юз офарин ҳусни жамолингга“ деб, товушининг борица бақириб-чақириб бир сўз деб турибди:

Бандаман юзда ходинга,
Сешинг қилган хаёлнингга,
Шунча вақтлар интиқ бўлиб,
Бугун етдим жамолингга!..

Қирқин қизи гулдай жайнаб²,
Ҳаммаси суқсурдай бўйлаб,
Ўз зулфиман ўзи ўйнаб,
Холбека чиқди кўшкнига.

¹ Базозовачча – мато ва уна-лик билан савдо қиладиган ёш йигитча, базозининг ўғли.

² Жайнаб – яйнаб.

Холбека ойим пастга қараса, бир йигит Холбека қизлари билан кўшкига чиқиб кетди, деб шовқин солиб турибди.

Холбека ойим... Баҳрагул вазирига фармон қилди: – Гулзамон билан бирга бориб, ҳар тусли матосидан бир олчин-бир олчин олиб кел!

Баҳрагул Кунтуғмишнинг ҳайбатига яқин келолмай, қуруқ қайтиб кетди. Холбека айтди: – Баҳрагул, олиб келган матоларнинг қани?

Баҳрагул Холбекага қараб бир сўз деб турибди:

Бувишим, ул одам баззоз эмасди(р),
Жондан кечмай бу манзилга кemasди(р).
Билганимни бир-бир баён айласам,
Баззозларнинг шакли ундай эмасди(р).
Бир ўғлондир, мисли дарёдай тошган,
Юзлари қизариб олмадай пишган,
Олмоққа ҳар кимнинг ақли шовшган,
Қошида донолар сўздан адашган.
Душмани шер бўлса, қайтмай савашган.
Жамолига қараган кўзлар қамашган,
Нур юзига ою офтоб талашган.
Сени излаб Дўрмандан ёринг келмасми?
Гумоним – шу Кунтуғмиш бўлмасми?
Шонаман¹ тулфларни тоблаб ўрайлик.
Кўшкдан ҳовлига қайтиб бораёлик,
Шу баззозни олиб бориб олдингга
Аҳволини ўзидан, бувишим, сўрайлик.

Холбека ойим яхши маслаҳат бердинг, деб сирни ичидан беркитди. Холбека ойим қизларини ясаб, ўзларига оро бериб, хос меҳмонхонасида йигирма қизин бу ёнига ўтқизиб, йигирмасини у ёнига ўтқизиб, зич бўлиб ўтирди. Қизларга тайин қилди:

– Шу одам эшикдан келса, биттанг жой берсанг, ё ўрнингдан турсанг, ўлдираман! – деди. Шу вақтда Кунтуғмиш:

– Ассалому алайкум! – деб эшикдан кириб борди. Буни кўрганда, Холбека ойим жойидан иргиб туриб:

– Ваалайкум ассалом, тўрға ўтинг! – деб ўзи пойгага югуриб ўтганини билмай қолди. Холбека туриши билан қирқин қиз гуруллаб бари жойидан турди. Холбека Кунтуғмишга жой бериб, қўлига бир пиёла қанд чой бериб, қизларига айтган аввалги сўзи учун изза бўлиб, „Йўл бўлсин!“ деб бир сўз деди:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин!
Кўнгли суйса, ёрининг лаби бол бўлсин.

¹ Шонаман – тароқ билан.

Қандай қўрқмай келдинг ажалхонага
Жондан қўрқмай юрган жоним. йўл бўлсин?
Бу ерларга не гўзаллар йиғилган,
Олтин пиёлага майлар қуйилган,
Қўрган кетолмаган, бари сўйилган
Жондан қўрқмай юрган ёрим, йўл бўлсин?

Кунтуғмиш Холбеканинг жамолини кўриб, юз шавқу завқ билан кўнгил бериб, нозига қойил бўлиб, ҳуснига мойил бўлиб: „Одам ўлдирадиган жаллод қаерда?“ – деб баҳодирлик томирлари ҳаракатга келиб, Холбекага қараб бир сўз деди:

Ушбу дунё барча қўлдан ўтарми,
Куйсин ўлим, барчани йиғлатарми,
Уч ойчалик йўлдан ёр излаб келиб
Ўламан деб, ёрин кўрмай кетарми?
Омонат, санамжон, одамнинг жони,
Қиличдан сесканмас ботирнинг тани,
Жондан кечмай бу ерларга келмайди,
Ўлимдан қўрқади деб айтмагин мени!..

Холбека қирқин қизларига қараб бир сўз деди:

Оғзига гап солсам, гапим олмайди,
Ўжар экан, билганидан қолмайди.
Олиб келинг, қирқин қизлар, нардимни,
Тилак билан келган экан, бўлмайди!
Кўлларнинг учирган турна, ғозидан,
Янглишмайди энди айтган сўзидан,
Ҳарна бўлса энди кўрсин ўзидан,
Домангир бўлмасин Зангар қизидан.
..Икки толиб¹ бир-бирига дуч бўлди,
Жамолига Кунтуғмиш вақти хуш бўлди,
Чошгада қурилди ойимнинг нарди,
Ўйнай-ўйнай билинг роса туш бўлди.
Кеч бўлибди, булар жудо бўлмайди,
Ўйини буларнинг адо бўлмайди.
Икки барно кишт дейишиб ўтирди,
Қайсисин утарин киши билмайди.
Кунтуғмиш утсам деб жонини сотар
Ва лекин утгунча кўп эрур хатар,
Кишт деди-ю, ўйнай берди иккови,

¹ Икки толиб – икки талабгор. Бу ерда икки ўйинчи маъносидда.

Шу вақтда кун бўлди, билинлар ётар¹.
Утишолмай ўтирибди иккови,
Шу вақтда тун ярим оқшомдан ўтди,
Балки ўтиб, билинг, саҳарга етди.

Холбека ойимнинг кўзини мудроқ босди, уйқуниги мастлигидан ҳушини йўқотиб, бир киштни бежой босиб юборди. Шу вақтда тонг ёриб, Кунтуғмиш бир киштни босиб, Холбека ойимни мот қилди.

Холбека ҳушига келиб қараса, Кунтуғмиш мот қилиб ўтирибди. Жойидан туриб, иззат қилиб: – Менинг шартимни бажо келтирдинг, мен сеники бўлдим, – деди. Базм суҳбатини қуриб, зиёфат қила берди. Энди икки калима сўзни шу шаҳарнинг подшоиси Буврахондан эшитинг.

Холбекага ошиқ бўлгандан сўнг қирқ зинали ноғорахона қилдириб эди, Холбекага киши юбориб айтган эдики: „Ҳар кун тонг вақтидан кичик чошқага доғур кўшкига чиқсин, юзидан ниқобини олсин, оламни томоша қилсин“. Шу сабабдан Холбека ҳар кун бир марта кўшкига чиқар эди. Подшо ҳам ноғорахонага чиқар эди, шу жойдан Холбеканинг жамолини кўрар эди. Шаҳрига чопар қўйиб қичқиртирган эди: „Ҳар ким подшонинг ноғорасини эшитмай, подшо ноғорахонадан тушмай уйдан чиқмасин!“ Ҳар вақт подшо пастга қайтар бўлса, ноғорани уриб қайтар эди. Шаҳар аҳолиси аниқ эшитар эди. Ундан илгари ҳеч ким уйдан чиқолмас эди. Амри подшо шу эдики: „Ҳар ким томга чиқса, эшикдан қараса, тешикдан қараса, боши ўлимда, моли талонда!“

Подшо уч кун ноғорахонага чиқди, Холбека ойим кўшкига чиқмади. Подшо икки юз жаллод, тўрт юз мирғазабни буюрди:

– Бориб кўринлар, Холбека касал бўлдим, ё иш ўсал бўлдим?

Подшонинг ҳукми билан жаллод, мирғазаб босиб кела берди.

Канизлар Холбеканинг тоби йўқ деб айтолмай, жаллодлардан кўрқиб, „Ол келди“ деб қочаверди. Мирғазаблар бир шумлик бўлган экан, деб ҳужраларнинг эшигини бузиб кела берди. Қирқ кўшк ичкима-ички, бир-бирининг устидан бўлган эди, бир тарафи Холбеканинг кўшк эди. Бахрагул чиқиб қараса, жаллодлар қарниб ўттиз ҳужрани бузиди, канизлар йиғлаб, чувуллаб қочиб келаётди. Шунда Холбекани уйғотиб, жаллодлардан хабар бериб бир сўз деди:

Ойимлар шонаман зулфин таради,
Шона ташлаб қора зулфин ўради,
Ғафлатдан кўтаргин, бувим, бошингни,
Сени деб бир йўлбарс ўлиб боради.
Қулоқ содгин канизингнинг тилига,
Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,

¹ Мисра “Кун кеч бўлиб, ётар вақти келди” мазмулини билдиради.

Уйқудан кўтаргин, бувим, бошингни
Тушар бўлдинг золимларнинг қўлига!

Кунтуғмиш ҳам уйғониб қараса, тўрт юз мирғазаб, икки юз жаллод ҳайбат болгаси қўлида, кескир ханжари белида келиб қолибди. Кунтуғмиш айтди: – Э Холбекажон, сени олмай ўлиб кетганимда, юрагимда от бошидай армон кетар эди; алҳол бир кун ҳам бўлса, бир йил ҳам бўлса, минг йил ҳам бўлса олдим, мақсудимга етдим, армоним йўқ. Энди шу ёмонларнинг қўлида ўлганча, кўшкдан ташлаб ўлсам бўлмайdimи?

Холбека айтди: – Мен ҳам қабул қилдим.

Иккови бир-бировини қўлма-қўл ушлаб, кучоқлашиб кўшкдан ташлаб юборди. Икковининг ҳам кўйлагига шамол кириб, мисли қанотдай бўлиб, беозор ерга тушди.

Холбека қаёққа борарини билмай: – Э полвон, ошнахонданг¹ бормиди? – деди. Кунтуғмиш ёрининг қўлидан ушлаб, таниш кампирниқига олиб келди. Кампирнинг бир гўсалахонаси² бор эди, иккови шу ерга яширинди.

Подшонинг жаллод, мирғазаблари Холбекани тополмай, ҳамма манзиллари бузиб, Холбека қочибди деб қайтиб борди.

Подшо бу гаини эшитиб, уйқуда эди, уйғониб, маст эди, ҳушёр бўлди. Дарвоза-дарвозага одам қўйиб беркиттирди. Ҳеч кимни шаҳардан ташқари чиққали қўймади, ҳаммага йўл банд бўлди. Жарчилар: „Ҳар ким Холбекадан хабар берса, балки қошидаги жўраси билан олиб келса, бўйи баробарли зар бераман“, деб кўчама-кўча, гузарма-гузар, маҳаллама-маҳалла қичқириб юрибди. Шаҳарнинг ичи остин-устин, талотўп бўлиб қолди.

Уч кун шаҳарга чақирув бўлди. Уч кундан кейин яна қичқиртди: „Ҳар кимнинг ҳовлисини, уйини подшолик одамлари бориб қарайди, кимникидан тонса, ўзини ўлдириб, молини талайди!“ Кампир бу сўзни эшитиб кўрқди. Кунтуғмиш билан Холбекага:

– Э болаларим, менинг уйимни қараб ўтиб кетганча, подшонинг бир кўҳна³ сомонхонаси бор, шунга олиб бориб қўяйин, уйимни кўргандан кейин сизларни тағин қайтариб олиб келарман, – деб икковини оқшом ҳеч кимга кўрсатмай, подшонинг сомонхонасига олиб бориб беркитиб келди...

Сўзга ва таъширлашга:

1. Кунтуғмишнинг болалик чоғи ва кўрган тарбияси ҳақида сўзлаб беринг.
2. Кунтуғмишнинг қизиқиш доираси кенглиги ва бунинг сабаблари ҳақида фикрингиз?
3. Булрахон зугумига Холбеканинг берган жавоби қис тарбиядаги қандай сифатларин намояи эгади, деб ўйлайсиз? Буни тушунтириб беринг.
4. Холбекани кўндирини учун Зангар подшоси кўрган чорани қандай изоҳлайсиз?

¹ Ошнахонда – таниш, ошно, жўра.

² Гўсалахона – буёқдонхона.

³ Кўҳна – кен.

5. Холбека тушини изоҳланг. Сиз аввал ўқиган қайси асарда туш деталдан фойдаланилган эди?

Унинг „Кунтуғмиш“ дostonидагига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида тўхталинг.

6. Холбеканинг: „Ошиқ-маъшуклик аввалдан пок бўлса, шу сандигим Кунтуғмишдан бошқага тегмасин“, деган ниятига қандай муносабат билдирасиз? Қизнинг нияти нега ижобат бўлди, деб ўйлайсиз?

7. Холбекдан хабар топган Кунтуғмишнинг синглисидан руҳсат олишни сўраб унинг ўзига эмас, балки ўзининг йигитларига мурожаат қилганлиги сабабини тушунтириб бериңг.

8. Мехрибон ва оқила Оппоқой акасининг ўта хатарли йўлига тўсиқ бўлмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Дostonда бу ҳолат ишонarli тасвирланганми?

9. Зангардаги тартиблардан беҳабар Кунтуғмишни хавфу хатардан сақлаш нотаниш кампирга не сабабдан керак бўлди, деб ўйлайсиз?

10. Кунтуғмиш таърифида кампирнинг айтган гапларини диққат билан ўқиб чиқинг. Қаҳрамон қиёфасини кўз олдингизга келтиришга урининг. У қандай йигит эди деб ўйлайсиз?

11. Холбеканинг жамоли тасвирланган ўринларни қайта ўқинг. Қизнинг кўринишини тавсифланг. Сизга бу қиз ёқдими?

12. Кунтуғмишнинг қизни кўргандаги ҳолати тасвирига ишондими изми?

13. Канизларнинг савдогар қиёфасидаги Кунтуғмишдан мато ололмаганлигини қандай изоҳлайсиз? Фикрингизни матнга таяниб асосланг.

14. Дostonдаги „Холбека Кунтуғмишга жой бериб, қўлига бир тиёла қандочой бериб...“ тарзидаги тасвирни изоҳлашга урининг.

15. Йигитнинг: „Ўламан деб ёрин кўрмай кетарми?“, – тарзидаги диловарлигини қандай изоҳлайсиз?

16. „Омонат, санамжон, одамнинг жони, Қиличдан сесканмас ботирнинг тани“ сўзлари Кунтуғмиш табиатидаги қайси жиҳатларни намойиш қилади деб ўйлайсиз?

17. Холбеканинг нард ўйинига бу қадар моҳирлигини қандай изоҳлайсиз? Бу ҳол ўзбек аёлларининг балинд маърифий даражасидан дилолат беради деб ҳисоблайсизми?

18. Кунтуғмишнинг жаллодлар қўлида ўлгунча, кўшкдан сакраб ўлишга тайёрлигини қандай изоҳлайсиз?

19. „Подшо бу гапини эшитиб, уйкуда эди уйғониб, маст эди, ҳушёр бўлди“ тасвирини изоҳлашга урининг.

* * *

Подшонинг Замонқул деган бир қари эски қули бор эди. Давлатхонага сомон даркор бўлиб қолди. Ўттиз қанорни олиб келиб, сомонни тиқиб жойлайверди. Йигирма қанор тиқиб эди, ўнтаси қолиб эди, иккови жуптай¹ бўлиб қанорнинг оғзига йиқилиб қолди. Замонқулнинг кўзи тушиди, тура қочди. „Ўзим ҳам ажинаси бор деб гумон қилиб юрар эдим, нар-мода² экан“, деб қоча берди. Холбека ойим орқасидан қувди. Замонқул ушлатмай, ташқарига чиқиб, орқасига қараса, Холбека эшикнинг олдига келиб қолибди. Шунда Холбека эланиб-ёлвориб, қулни алдаб бир сўз деб турибди:

Оқизинг кўзидан қонли ёшини,
Учиринг қўлидан давлат қушини,

¹ Жуптай - қушоқ, жуфт.

² Нар-мода - эркак-аёл.

Тан бағишлаб, бобо, сизга тегайин,
Келиб кесгин, шаҳзоданинг бошини!
Армон билан билмаганин билдиргин,
Ханжар чекиб, қора бағрин тилдиргин,
Тан бағишлаб, бобо, сизга тегайин,
Энди келиб шаҳзодани ўлдиргин.

Замонқул Холбека эканлигини таниб, „Бахти қайтганга қара, мени сеҳр-фусун қиламан дейди, бобонг бу соқолни қаерда оқартган?“ – деб Холбекага қараб бир сўз деди:

Кўзлари қамбарсан, қоши қаламсан,
Кўрганларга солган қайғу-аламсан.
Сендай санам мендай қулга тегарми,
Жодугар, сеҳргар, баттол санамсан!
Замонқул шоҳдан суюнчи олади,
Бек Замонқул беклар беги бўлади,
Беклар беги nasib қилсин ўзига,
Банди бошим озод бўлиб қолади.

Холбека лалми қасамлардан¹ ичиб: – Шу сўзимдан қайтсам, елкамнинг чуқурини кўрмай ўлайин, босган изим орқамда қолсин, – деб, шундай „катта“ қасамлардан ичиб, Замонқулни авраб туриб эди. Замонқул ҳам фириб эмас эди, лекин томошайи жамол қилиб туриб эди.

Подшонинг мирохури² кўчада келар эди. Қулоғига ғунг-ғунг одамнинг товуши келиб, деворнинг тешигидан қараса, биров томнинг тўрида, Холбека ўртада, Замонқул эшикнинг олдида гаплашиб турибди. Мирохур чоғиб кетди. Подшонинг олдига бориб, қуллук қилиб:

– Холбекани бир йигит билан подшоликка қарашли сомонхонада кўрдим, Замонқул ҳам ўша ерда, – деди.

Бу сўзни эшитиб, подшонинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, жаллод, мирғазабларига³ фирмон берди: Замонқулни кўргандан ўлдиринг! У икковини аркони давлатга ўлдирмай, ҳозир қилинг!

Икки юз жаллод, тўрт юз мирғазаб, қанча оломон билан сомонхонага равона бўлди. Замонқул Холбеканинг олдидан чиқиб: „Подшодан суюнчи оламан“, – деб келаётир эди, бир одам кўриб:

– Қоч, Замонқул, ўласан! – деди.

¹ Лалми қасам – ёлғиз қасам.

² Мирохур – подшо отбоқларни бошавчи.

³ Мирғазаб – андан назоратчиси.

Замонқул: – Замонқулнинг нимаси ўлади! Замонқул хушхабар олиб келаётибди, подшо ҳеч нарса бермаса ҳам, банди бошим озод бўлиб қолади деб бораётиб эди, бир жаллод чопиб келиб, қилч билан қўйиб юборди, Замонқул бечоранинг банди боши озод бўлиб қолаверди.

Подшоининг мирғазаб, жаллодлари сомонхонага кириб, Кунтуғмиш билан Холбеканинг икки қўлини боғлаб, сийнасини доғлаб, олдига солиб ҳайдаб, бошига қамчи ёғдириб уриб бораётир. Шунда Холбека ойимнинг бошига тушган таёқ ўзига билинмай, ёрига раҳми келиб, жаллодларга эланиб бир сўз деди:

Узоқда қолгандир манзили – жойи,
Сабил бўлди Холбеканинг саройи.
Мени ўлдир, ёримни озод айланглар,
Бу ишда ёримнинг йўқдир гунойи.
Қулоқ сол, жаллодлар, қилган додима,
Қайтайин, етмай ўлдим муродима.
Мени ўлдир, ёримни озод айланглар,
Бир ўғлон ўлмасин касофатима.

Жаллодлар: – Бу бахти қайтган баччағар ҳали ҳам аввалги катталигини қилади, ҳали таёқ ўтган йўқ, қаттиқроқ уринг, – деб илгаригидан кўпроқ урди. Шунда Кунтуғмиш ёрининг аҳволига раҳми келиб, жаллодларга эланма, деб бир сўз деди:

Аё, нозлим, бир гапим бор, англаб ол.
Мен сўзлайин, зеҳнингни қўй, қулоқ сол.
Жаллодларга эланмагин, бўйингдан,
Гавҳарни не билсин ушлаган сопол.
Ёмоннинг қарори бўлмас бир ерда,
Кишига касоти¹ тегар тор ерда².
Гавҳарни не билсин ушлаган сопол,
Зарнинг қадрин заргар билар ҳар ерда!
Пайдо бўлдим икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдим манзилхонадан.
Ўлим учун ғам емайман, бўйингдан,
Армоним, бир ўғил эдим, онадан.

Холбека Кунтуғмишнинг бу сўзларини эшитиб: „Ҳай аттанг, ёлғиз ўғил экан“, – деб кўнгли бузилиб, кўздан ёши тизилиб, бағри эзилиб, жаллодларга бир сўз деб турибди:

¹ Касоти – “касофати” сўзининг қисқарган ёғринини.

² Тор ерда – ноқулай вазга.

Жаллодлар, айтайин сенга бир сўзни,
Мени деб тарк этди кеча-кундузни.
Эсиз, ёрим ёлғиз экан онадан,
Ирим қиб мерганлар отмас ёлғизни...

Кунтуғмиш Холбекага қараб бир сўз деди:

Тингламас бу душман кўп оҳу зоринг
Кўрармиз ҳар нима келганда борин.
Кўп эланиб жавлон урма душманга,
Мард бўлсанг, мардона тургил, эй ёрим.
Ошиқ бўлиб, қанча хуноба ичдик,
Излаб келдим, икки ошиқ қўшилдик,
Ялиниб душмандан обрў олгунча,
Мардоналик билан ўлган яхшидир.

Подшонинг олдида умаролари¹... ўтириб эди; подшо маслаҳат сўраб айтди: – Арқони давлатим, уламо-муфтиларим², иноқ вазирларим, кенгашдош доноларим! Мендай улуғ подшонинг ҳайбатидан қўрқмай, хавфтарс қилмай³, подшо хонадонига хиёнат қилувчиларни нима қилмоқ керак?

Арқони давлат гуриллаб бирдан арз қилдики, – Э тақсир, подшойим! Осиб ўлдирдингиз – кўрдик, минордан ташладингиз – кўрдик, тўпга солиб отдингиз – кўрдик. Бу беадабларга шундай жазо берамиз: бир туяни олиб келиб сўямиз, терисини тулум⁴ қилиб, хом терига икковини зич қилиб тиктирсангиз, бир асов байталнинг думига тақиб, чўл жазирага ҳайдаб юборсангиз, буларнинг ўлигини гажир-қузғунлар еб кетса, – деб подшога маъқул қилдилар.

Подшо буюриб, бир туяни сўйиб, тулуп қилиб, икковини зич қилиб хом терига тикиб, дарвозадан чиқариб, бир асовнинг думига тақиб, бир чўл жазирага қаратиб, кўп одам чувлаб ҳуркитиб, ҳайдаб юборди. Асов байтал ҳуркиб, икковини судраб, чўлга улоқиб кетди. Байталнинг думи бир тола, ярим тола узила-узила, олти кун деганда тулум бир ерда тушиб қолди. Хом тери офтобнинг ҳарорати билан қуриб, чунон қисдики, темирдай беркитди.

Шу вақт Холбека узилиб қолганини билиб, Кунтуғмишга бир сўз деди:

Наркас-наркас⁵ хумор кўзлар сузилиб,
Ҳасратингдан юрак-бағрим эзилиб,
Валламат, танингда қувват бормиди,
Бизлар қолдик дейман чўлда узилиб!..

¹Умаролари – амрлар, амалдорлар

²Уламо-олимлар, муфтилар – фатво берувчи диний арбоб.

³Хавфтарс қилмай – хавфсизмай, қўрқмай.

⁴Тулум – сўйилган жонив терисига нималар ўқиқб тирекдай қилиб қўйиш.

⁵Наркас-наркас – заркас. Чиройли сўз сифати.

...Бир тоғдан бир қузғун давра об¹ учди...
Ногоҳондан кўзи тулумга тушди.
Қанотин чимириб қўниб устига
Чўқиди-чўқиди тулумни теши.
Қўлин солиб иккаласи йиртишди,
Соғ-саломат шу тулумдан чиқишди.

Кунтуғмиш омон-эсон, сиҳат-саломат ёри билан терининг ичидан чиқиб қарасалар, қўрқинчли жазирама бир чўлга тушиб қолибдилар. Эл қаёқда, йўл қаёқда – ҳеч нарсани билмадилар. Атрофга қарайди, ҳеч нарса кўринмайди. Кунтуғмишнинг кўзига узоқдан соядай қорайиб бир нарса кўринди. Кўнглида айтди: „Шу қора ё тоғ бўлгай, ё бир қора дарахт – эл бўлгай“, деб иккови қўл ушлашиб шу тарафга равона бўлди...

Кўринган тоғ эди. Кунтуғмиш ва Холбека шу ерда биргаликда ҳаёт кечирдилар, эгиз ўғилли бўлдилар. Атрофдан одам дарагини топарман деб, Кунтуғмишнинг кирмаган ғори, чиқмаган чўққиси қолмади. Лекин одамлар яшайдиган манзилларга асло йўл тополмади...

...Йилдан йил ўтди, Кунтуғмиш асло эл-йўл тополмади. Болалар учга кирди. Шу тоғда Кунтуғмиш чиқмаган ҳеч бир чўққи қолмади. Лекин жуда узоқда, бир баландда, қияли чўққи бор эди...

Кунтуғмиш ана шу чўққини мўлжаллаб уч кун юрди ва қарвон йўли устидан чиқиб қолди. Шу йўлдан ўтиб кетаётган зангарлик савдогар Азбархўжа нои бераман деб, Кунтуғмишни шу атрофдаги ёлғизгина булоқ бошига ўрнашиб олган даҳшатли аждарга қарши йўллади. Кунтуғмиш аждарни ўлдирди. Сўнг Азбархўжа билан дўст тутинишди. Ташув мобайнида Кунтуғмишнинг хотини гўзал Холбека эканини билди олган Азбархўжа дўстига хиёнат қилади. Уни маст қилиб, кизига ўраб, устидан тош бостириб қўяди, икки ўғлини эса далада қолдиради. Зангар шоҳи Буврахонга бериш учун Холбекани олиб йўлга тушади. Орадан бир кун ўтгач, Кунтуғмишнинг мастлиги тарқаб, кизидан халос бўлади. Тепалик ён бағридан оч ва қаровсиз юрган икки ўғилчасини ҳам топади.

...Кунтуғмиш болаларини қўйнига солиб, қарвонларнинг изини олиб, чопган отдай равона бўлиб, югуриб қува берди. Бир ҳафта деганда Тажан дарёсининг лабига борди. Қараса, Алдархўжа² хавотир қилганидан „Мабодо орқамиздан Кунтуғмиш келса, сувдан ўтолмасин, маҳтал бўлиб орқамиздан етолмасин“, деб дарёнинг қайиқча-кемаларини ҳам сувга оқизиб кетибди.

Кунтуғмиш у ёқ-бу ёққа югуриб кўрди, кема-қайиқ тополмади. Ахир иложини топмай, икки боласини йўрғақлаб, ўзини сувга чўқлаб дарёдан юзиб ўтмоқчи бўлди. Боласининг биттасини оғзига тишлаб, у биттасини дарёнинг лабига қўйиб, дарёга кириб, бирор ўттиз қулоч уриб эди, у битта боласини

¹ Об – олиб.

² Алдархўжа – Азбархўжанинг лақаби.

қўйган ерининг олдида бир туп гиша бор эди, шунинг остида бир қизилияк² қари бўри писиб ётар эди. Полвон узагандан кейин бўри боланинг белидан тишлаб олиб кетаберди. Бола қўрқиб „Ота!“ деди. Отаси қараса, бўри тишлаб олиб бораётибди. „Воҳх!“ деб эди, оғзидагиси ҳам сувга тушиб кетди. Уни бир балиқ ютди. Кунтуғмиш: „Бу-ку ўлди, унисига етармиканман“, деб сувдан чиқиб қувди. Икки оёқлига тўрт оёқли нега етказсин, у ҳам қутулиб кетди. Шунда Кунтуғмиш болаларидан айрилиб, қанотидан қайрилиб, икки боласининг фироқида Холбекани ҳам эсидан чиқариб: „Эй замона! Қишу ёзингни, кўпу озингни, ўрдак-ғозингни, кеча-кундузингни, ой, офтоб, юлдузингни, осмон-ерингни, ҳар на борингни, бор, энанга бер!“ – деб қадади букилиб, ҳар бир кўзидан қатра-қатра ёш тўкилиб, бир дарди минг бўлиб, ичи ғамга тўлиб, жунун савдоси қилиб, ўз ҳоли-аҳволига наъра тортиб айтган сўзи:

Хонумоним бўлди чуи барбод дастингдан, фалак!
Бўлмади ғамгин бу кўнглим шод дастингдан, фалак!
Қилмадинг асло дилим обод, дастингдан, фалак!
То қиёмат дод этарман, дод дастингдан, фалак!

Кунтуғмиш фарзанд доғига сира тоқат келтиролмади, нолишига осмон-ер тебраниб, йиғлаб борар эди. Шу вақтда унинг ноласини эшитиб, бир чўпон келиб қолди. Қараса, бир одам шерҳайбатли, йўлбарс сифатли бир киши фалакдан шикоят қилиб, йиғлаганига тоғу тошлар сув бўлиб турибди. Чўпон қўйни қўйиб, Кунтуғмишнинг олдига келиб: – Нега мунча йиғлайсан? – деб бир сўз деди:

Эшитганини инградати нолишинг,
Нолишинг титратар кўлиниг қамишин,
Бу ерларда борми сенинг танишинг?
Ғамга тўлган, йиғит, қайдан бўласан?

Кунтуғмиш чўпондан хабари йўқ, ўз ҳолига йиғлаб борар эди, кўзини очиб қараса, бир чўпон келиб, „Қайдан бўласан?“ – деб сўз сўраб турипти. Кунтуғмиш кўнгли қайнаб, бир дардмадд тополмай, ичи ғамга тўлиб турган эмасми, чўпонни мундош билдиб: – Э бечора, бери кел, – деб чўпонга қараб бошидан ўтган машаққатларини айтиб... бир сўз деди:

Дўрман менинг мамлакатим,
Қайрилиб синди қанотим,
Кунтуғмиш дер менинг отим,
Полвон номи нишон бўлди.
Қулоқ солгин нолишим,
Йўқ савдо тушди бошим,
Мен етдим йиғит ёшим,

Бир куйгур кирди тушим,
Хотирим паришон бўлди.
Ёр-ёр дедим қонлар ютиб,
Ҳар тарафга кўзим тутиб,
Олдим ёрнинг нардин утиб,
Жойим кўшқу айвон бўлди.
Йиғлайин қанотим синди.

² Қизилияк – тишлари тўқилган.

Эсиз, бахтим қаро бўлди,
Подшосига бўлдим бади,
Қутулмоғим гумон бўлди.
Кўндим шунда тақдирига,
Қойил манглайнинг шўрига,
Бизларни тикди терига
Бу кенг дунё зиндон бўлди.
Қилди душманлар маломат,
Кўрдик бир неча аломат,
Чикдик теридан саломат,
Яна кўнгил равшаи бўлди.
Қулоқ солгин ушбу доққа,
Кўзимни солдим ҳар ёққа,
Неча вақтлар чўлда кезиб,
Ахир келдик Муғол тоққа,
Муғол тоғи ватан бўлди.
Бир-бировга бўлиб пайванд,
Кўнгилларни қилиб хурсанд,
Насиб бўлди икки фарзанд,
Яна кўнгил равшаи бўлди.
Қидирдим алвон-алвонга,
Югурдим тоғда ҳар ёнга,
Тўрт йил юрдим Муғол тоғда,
Дучор келдим кўп карвонга.
Ўзимни сотдим бир нонга,
Қимматимиз бир нон бўлди.
Шириндир одамнинг жони,
Ҳар кимнинг элда даврони,
Ўзимни сотиб бир нонга,

Чўпон: – Э бечора, дардинг оғир экан, – деб кўшилиб йиғлаб, – мен қўйларни қайтариб олай, сени чўпонларнинг қўшхонасига олиб бораман, биз билан бирга бўласан, ўзингга келганингдан кейин Дўрман йўлини кўрсатиб, озиқ-овқат бериб, сени кузатамиз, – деди полвонга тасалли бериб, қўйига қараб кетди.

Чўпон қўйларини қайтариб юриб эди. Кунтуғмиш бораётган йўлини ҳам қўйиб, бошқа бир йўлга тушиб, кўнгли жўш уриб: „Бор дунёнгдан кечдим!“ деб бу сўзларни айтиб кета берди:

Ёр дедим, хуноба¹ индим,
Эй дунё, баҳрингдан кечдим.

Мен ўлдирдим аждаҳони.
Номус билан орим кетди,
Қаторимда норим кетди,
Шароб бериб, маст қиб мени,
Карвон ёрим олиб кетди.
Дўст карвоним душман бўлди.
Сўзламакка кўнглим толиб,
Зулфим белимда ирғолиб,
Қўш боламни топиб олиб,
Кўнглим йўлга равон бўлди.
Бирини солиб ийишма,
Бирини солиб қўйишма,
Қўш боламни толиб олиб,
Келдим Тажаннинг бўйиша,
Ўтмакligим гумон бўлди.
Бировини ютди балиқ,
Ул ер билан яқсон бўлди...
Аримай манглайнинг шўри,
Битгасин обкетти бўри,
Уни кўрмак гумон бўлди.
Қарорим йўқ, турай десам,
Мадорим йўқ, юрай десам,
Уйим йўқдир, борай десам,
Ватаним йўқ, кирай десам.
Ёрим йўқдир, кўрай десам,
Қўзим йўқ, ўргилай десам.
Ажал етмас, ўлай десам,
Чўпон, бошим сарсон бўлди!

Гадолик йўлига тушдим,
Қалаңдар бўлганим бўлган.

¹ Хуноба – қовли сув, қон ютдим маъносига.

Аввал айрилдим боримдан,
Икки болам ҳам ёримдан

Эшитинг оху зоримдан,
Қаландар бўлганим бўлган...

Чўпон бўридан чўчиб ёйилган қўйларни тўплаб қараса, Кунтуғмиш йўқ, қаёққа кетганини билмай, шу орада бўлса, келиб қолар деб, қўйни ҳайдаб кетди.

Энди Кунтуғмишнинг болаларидан эшитинг.

...Олим сайёд¹ деган қатағонлик сайёд бир катта тўрни дарёга ёзиб ўтириб эди. Полвоиннинг боласини ютган балиқ шу сайёднинг тўрига тушди. Кўтариб олсалар бир катта балиқ тушибди. Ичини ёрди: „Ота“ деб ичидан бир бола чиқа келди. Олим сайёд ҳайрон бўлиб, болани уйига олиб бориб, фарзанди йўқ эди, тарбия қилиб боқа берди.

Энди бўри олиб қочган боладан сўз эшитинг.

Бўри болани олиб қочди, бир-икки қирдан ошди. Ўнта чўпон итига ошпишириб ётиб эди, бўрининг гузари шулар устидан тушди. Чўпонларнинг кўзи тушди, итини қўшди, бўри шошди, болани ташлаб қочди. Чўпонлар болани тушириб олиб, ҳайрон қолиб, бирови айтди: „Қирга чиққан хотиннинг боласи“. Биров деди: „Мўлтонининг боласи“, биров айтди: „Бир уйқучи, бефарқ хотиннинг боласи“.

Шу ерда ўн бир чўпон доим бир қўшхонада² эди. Кунда кечкурун бари йиғилиб келар эди. Кечкурун бояги – Кунтуғмишга учрашган чўпон қўйларини ҳайдаб келса, жўралари: – Э биродар, бизлар букун бўридан бир бола тушириб олиб қолдик, – деб ўртага олиб турибди. Чўпон кўнглида айтди: „Ҳалиги шўрлининг боласи“.

Орадан бир-икки кун ўтмай овоза бўлиб қолди: „Олим сайёд балиқнинг ичидан битта тирик бола топган эмish“. Буни ҳалиги чўпон эшитди: „Ҳалиги шўрлининг боласи“, деб юрди.

Чўпонлар бўрини „гурк“³ дер экан, ўз оти ўзи билан боланинг отини Гуркибой қўйдилар. Балиқни сайёдлар „моҳи“⁴ дер экан, унисининг отини Моҳибой қўйдилар. Болаларни тарбиятда қўйиб, энди сўзни Холбека оймидан эшитинг.

Алдархўжа Холбекани Буврахон подшога кўриниш қилди. Подшо қараса, Холбека ойнининг қадди букилиб, ранглари сарғайиб, қовоғи тортилиб, таёқдай қотиб, қизил – ол қонига ботиб, илгариги ҳусни жилваларидан юздан бири ҳам қолмабди. Шунда подшо: „Ҳай аттанг, эсим Холбека сон бўпти-я“, деб арқони давлатининг ичида Холбекага қараб бир сўз деб турибди:

Бир вақтингда банот бичдинг тўндикка,
Қарайман, этагинг кепти энгликка,
Қайда қолди қошингдаги ҳамроҳинг,
Ўзинг кепсан карвоиларман, Холбека?

¹ Сайёд – овчи

² Қўшхона – чўпонлар йиғиладиган жой

³ Гурк – тоғичча “бўри” демакдир

⁴ Моҳи – тоғичча “балиқ” демакдир

От чопилар баланд тоғнинг остидан,
Жон қутулмас мендай шоҳнинг қасдидан,
Қайда қолди қошингдаги шаҳзоданг,
Ёлғон дема, сўзла, нозлим, ростидан!

Холбека ойим шоҳдан бу сўзларни эшитиб, товушининг борича чинқириб,
кўнгли бузилиб, бағри эзилиб, кўзининг ёши маржондай тизилиб, бир сўз деди:

Подшо, сизга айтай гапнинг бўлганин,
Орага солмайин сўзнинг ёлғонин.
Саҳар вақти икки қўлим бойланди,
Билмайман, ёримнинг тирик, ўлганин.
Во ҳасрато, ичар сувим лойланди,
Фалокат бошима ёмон айланди.
Қор-ёмғирдай қамчи ёғди бошимга,
Саҳар вақти икки қўлим бойланди...
Бир боғчада олма эди, нор эди
Айрилган қул бир кўрмоққа зор эди.
Билмайман ёримнинг тирик, ўлганин,
“Эна” деган икки ўғлим бор эди.
Сувсиз чўлда болаларим ўлгандир,
Армонман гўдаклар нобуд бўлгандир,
Гўдакларнинг ҳеч кими йўқ қошида,
Танасини қарға-қузғун олгандир.
Оҳ тортганда оҳим ипдай эшилди,
Айрилиқдан сийна-бағрим тешилди.
Гапнинг бўлгани шул, эй тақсир, подшо,
Дийдор бугун сизга келиб қўшилди.

Буврахон аркони давлатга савол қилди: – Э умаролар, вазири донолар!
Подшо ғазаб қилиб, икки одамни бир терига гиқиб, бир асовнинг думига тақиб,
жазираин оташга ҳайдаб юборса, шундан чиқиб, бола-чақали бўлган деб, ҳеч
эшитганларинг борми?

Аркони давлат бари жойидан туриб, қўл қовуштириб:

– Тақсир подшойим, бу синоатни бизлар тугул, илгари ўтганлар ҳам кўрган
эмас, – деб жавоб берди.

Подшо айтди: – Шу иккови тери ичида, чўл-жазирада омон қолган экан, ўша
икки гўдак ҳам шу Хўжадан отасининг қасосини олмай қўймас. Мен шу баччағар
хўжага Холбекани обкеб бер, деган эканманми!? Азбархўжани зиндонга
ташланглар, молларини подшоликка ўтказинглар! – деб фармон қилди.

Жаллод келиб Азбархўжани зиндонга ташлади. Подшо Холмўмин
ясовулбошига қараб: – Э Холмўмин ясовулбоши! Бор, Холбекани сенга бердим! –
деди.

Холмўмин жойдан иргиб туриб, қўл қовуштириб, қуллуқ қилиб Холбекани уйига олиб бориб боқа берди. Холбека ойимни боқмоқда қўйиб, икки калимани ўзга жойдан эшитинг.

Савол ва топшириқлар:

1. Холбеканинг „*далим қасамлар*“ ичишини қандай изоҳлайсиз? Умуман қизини сомонхонадаги ҳолатини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

2. Замонқул қандай одамлигини, унинг ўлимига нима сабаб бўлганлигини дoston матнига таяниб асослашга урининг.

3. „*Гавҳарни не билсин ушлаган сопол*“ ифодасини изоҳланг ва унинг дoston қаҳрамонлари ҳаётига алоқадор жиҳатларини топинг.

4. „*Пайдо бўлдим икки гавҳар донадан*“ иборасини шарҳланг.

5. Холбеканинг: „*Эсиэ, ёрим ёлғиз экан онадан, Мерганлар ирим қиб отмас ёлғизни*“, деган сўзлари мазмунини тушунтириб беринг.

6. Ингитвинг: „*Ялишиб душмандан обрў олгунча, Мардоналик билан ўлган яхшидир*“, тарзидаги фикри унинг шахсиятидаги қайси жиҳатлардан далолат беради?

7. Дostonдаги „...*кизилияк қари бўри*“ тасвирига чуқурроқ эътибор қилинг. Уни изоҳланг.

8. Кунтуғминининг замонга қарата қилган хитобини, норозилигини қандай изоҳлайсиз? Шу тургликнинг услубини дostonнинг умумий оҳанги билан солиштириб кўринг.

9. Дostonда Кунтуғмин тилидан: „*Номус билан орим кетди, Қаторимда норим кетди*“, каби надоматли тиллар айтилган. Бу сатрлар орқали айнан нима дейилмоқчилигини аниқланг.

10. Асардаги Кунтуғмин билан танишган чўпон ҳақида фикр билдиринг. Унинг инсоний фазилатлари ҳақида дoston матнига таяниб мулоҳаза юритинг.

11. Буврахоннинг Холбекага қарата айтган: „*Қарайман, эгачинг кебди енгликка*“, шаклидаги маломати мазмунини тушунтириб беринг.

12. Холбеканинг: „*Во ҳасрато, ичар сувим дойланди, Фалокат бошим ёмон айланди*“, тарзидаги шикоятнинг образли ифодаларини тушунтиринг.



...Болалар бир иш буюрса қилгудай бўлди, бир ерга буюрса, бориб келгудай бўлди. Ойдан ой ўтди, йилдан йил ўтди, ўн бирга етди.

Юртга овоза бўлиб эди: „Холбекани Зангар подшоеси Холмўмин ясовулбошига берган эмиш“, Ҳалиги чўпон буни ҳам эшитди. Чўпон ҳар замон қўй ҳайдаб Қатағонга¹ борса, Моҳибойини ҳам кўрар эди. Чўпонпудисини² бериб: „Икковимиз ошна бўламиз“, – деб таниш бўлиб юрар эди. Чўпон бечора кўнглида: „Шу болалар йнгирмага борса, Дўрман мамлакатига олиб бориб, таништириб, Кунтуғминш полвоининг болалари эканлигини билдирсам“, – дегич эди.

Гуркибой ўнга киргандан кейин, чўпонлар қўй боқтириб қўйди, ҳар кун бирови билан бирга юриб, қўйни боқиб келар эди. Ҳар ўн кунда навбати бир айланиб

¹ Қатағон – Тожикистоннинг Хуҷанд шаҳри яқинида Сирдарё буйида жойлашган қишлоқ.

² Чўпонпудин – айлоқдан қайтган чўпонлар томонидан болаларга берилмайдиган сўйлов.

келар эди. Бояги отасини кўрган чўпонга навбат келса, Гуркибойни иззатлаб, шагага миндириб, кўйни ўзи боқар эди. Кўп меҳрибонликлар қилар эди.

Болалар ўн иккига кирди. Бир кун ёғин кўп бўлиб, кўй ҳам кўпиник қилиб, Гуркибой югуриб чарчади. Қўйни ҳайдаб келиб, хўрагини еб ётиб қолди. Чўпонлар кўйнинг қийига¹ олов бериб², этак уриб³, чўғ қилиб, устларини кептириб⁴, гаплашиб ўтириб эди. Бир чўпон гашириб қолди:

– Э биродарлар, шу Гуркибойни бизлар бўридан тушириб олдик, бир одам ҳам излаб келмади-я, – деди. Буни Гуркибой эшитиб дарров қулоқ солди... Бояги Кунтуғмишни кўрган чўпон йиғлаб юборди. Бу чўпонлар айтди:

– Сен бир нимани биласан, бизларга айтмайсан. Гуркибойни ҳам кўп иззат қиласан. Биз Гуркибой деб эдик, сен йиғладинг. Сен шунинг сабабини айтасан, – дедилар.

Гуркибой ҳам қулоғини тикиб ётибди. Шунда бояги чўпон жўраларига қараб бир сўз деди:

Бу гўдак бу ерда бўлган саргардон,
Кўй қайтариб, тилаб ейти парча ноғ,
Гуркибойнинг зотин айласам баён,
Отаси дўрманли Кунтуғмиш полвоғ,
Узоқда Гуркининг манзил, диёри,
Бехабар боланинг кўп ичкўяри⁵.
Қатағонда – сайёдларнинг қўлида
Гуркининг бир Моҳи деган жигари.
Куймасин ҳеч кимнинг қулбахонаси,
Ўртаммасин қизил гулдай тамаси,
Зангар элда Холмўминнинг қўлида,
Гуркининг Холбека отли энаси,
Холмўмин ясовудбоши бўлар тоғаси.

Гуркибой буларнинг барини эшитиб олди, тонг отгунча йиғлаб чиқди.

Тонг отди. бир чўпон Гуркибойнинг олдига бир кўра кўйни солиб ҳайлатди. Гуркибой кўйни ёйиб, бир жойга бориб, оқшом йиғлаб чиққан эди, ёйиблаб ётиб ухлаб қолди. Ўзи чилланинг ичи эди. Кўйларга ўнга оч бўри тегди. ўлдириб, бўғиб кета берди. Бир чўчиб уйқудан уйғонса, анча кўй тўмпаиб, бўғизланиб ётибди. Қараса, кўй учдан бир бўлипти. Қириб кетипти деб ҳайрон бўлиб, „Энди бундан борсам, чўпонлар урар, балки ўлдирар, менинг кимим сўраб ётипти...“ – деб кўрқиб қоча берди.

¹ Кўй - кўйнинг қотиб қолган, қуртилган ахлати.

² Кўйнинг қийига олов бериб - кўйнинг қийини ёқиб, оловлангариб.

³ Этак уриб - этати билан елди.

⁴ Устларини кептириб - кишиларнинг тоғлиб қуритиб.

⁵ Ичкўяр - жонини аччидашган, яқин киши.

Энди гапни Моҳибойдан эшитинг. У ҳам эпчилгина бола бўлган эди. Сайёдларнинг бошқа шогирд болалари бир сават балиқ сотгунча, Моҳибой беш сават, олти сават балиқ сотар эди. Шу сабабдан сайёдлар кўп яхши кўрар эди. Бир кун Моҳибой саватни бошига кўйиб, бозорни оралаб: „Ёғли кабоб, доғли кабоб, олиб есанг топасан савоб“, деб данғиллаб кабоб сотиб келаётир эди, қараса, бир чол девор вайронанинг ичида, деворнинг остида, тўртта одам бир-бирига юзма-юз қараб, „гарткам“, деб ўтирипти. Моҳибой айтди: „Ўтириб қиладиган касб экан“. Жойни кенгайтиб, бу ҳам ошиқни олиб, гарткам деб ота берди. У қиморбозлар Моҳибойнинг „андилигини“ билиб, дуқор¹ турса ҳам, ола² турса ҳам ўз фойдасига ҳукм қилиб, бир фаслда кабобнинг пулини ва устидаги юпқа тўнни бой берди. Пули қолмагандан кейин: „Э, бу ҳам касб эмас экан“, – деб Моҳибой ўйлади: „Энди борсам, сайёдлар қўлимга кабоб бермас, доимгидай кўрмас, урар, балки ўлдиар, менинг кимим сўраб ётипти“, деб бу ҳам қоча берди. Қаранг, дарёнинг бу ёғидан Гуркибой, у ёғидан Моҳибой келиб қолди. Гуркибой қараса, дарёнинг у ёғидан ўзига ўхшаган бир етим келаятипти. Қараб турса, етимликдан камий йўқ, ченамоқдан³ енгий йўқ⁴ Гурки унга қараб бир сўз деди:

Баланд бўлма, паст бўлайлик,
 Ҳанимларга қасд бўлайлик,
 Дарёдан ўтгин берёққа,
 Кел, икковмиз дўст бўлайлик!

Мавж уриб дарёдай тошиб,
 Бир-бирдан ҳол сўроқлашиб,
 Икковмиз кучоқлашиб,
 Икки етим дўст бўлайлик!

Моҳибой қараса, нақ ўзига ўхшаган бир етим, дарёдан бу ёққа ўт деб, чақириб туришти. дўст бўламиз дейди. „Дўст бўламан деб алдаб-сулдаб, менинг устимдаги ҳар на қолганини ҳам оламан дейдигандирсан. Менга сен дўст бўлиб, шу кебанагининг⁵ берасанми? Мен сен билан дўст бўлмайман“, – дея сўкина берди.

Гуркибойнинг меҳри товлаб, укасига қараб, яхши гапириб: „Аччиқланмай жавоб бергин“, – деб турибди:

Жавоб бер, сўрайман, укам, отингни,
 Баён этгин ўсган мамлакатингни,
 Аччиқланмай жавоб бергин, чироғим,
 Отанг ким, энанг ким, айтгин отингни!

Айтган сўзлари таъсир қилиб, Моҳибойнинг кўнгли эриб: „Мен отимни айтганда таниб олиб кўями шу, айтсам айтақолайин-чи“, – деб бир сўз деб туришти:

¹ Дуқор – чикка, яъни ошққ ўзинидаги юткиникли ҳолат.

² Ола – тукка, яъни ошққ ўзинидаги бошқа бир юткиникли ҳолат.

³ Ченамоқ – ўтламоқ.

⁴ Ченамоқдан енгий йўқ – кийимини қараб баҳо берай деса, кийимининг енгий ҳам йўқ.

⁵ Кебанақ – чўноқларнинг оғир ўтмайган дағал чакмони.

Қавним йўқ, оғажон, қариндошим йўқ,
Сайр этайин десам, эмикдошим йўқ,
Боқмоққа боғим йўқ, ботмоққа тоғим,
Қувондисиз, бепадардан бўламан!

Ўзим етим, етимликдан камим йўқ,
Танҳодирман, қошимда ҳамдамим йўқ,
Ҳеч мураббим, ёнимда ҳамдамим йўқ,
Мураббийсиз бепадардан бўламан!

Оҳ урсам, ғамхона кўнглим жўшади,
Алам тортдим, банди бувним¹ бўшади,
Балиқнинг қоридан чиққан эканман,
Отимни Моҳибой етим дейишади!

Моҳибой бу сўзларни айтганда, Гуркибой бечоранинг юрак-пураги ёрилгандай бўлиб, укаси эканлигини билиб, неча ширин забонликлар билан: – Дарёдан ўт, – деди. Бу асло ўтмади. Ахири ўзи дарёдан оқа-оқа ўтди. Шунда Моҳибой: „Бу даштликнинг сувга оқиб энтикишини қара“, – деб мазақ қилиб туриб эди, Гуркибой сувдан чиқиб, укаси билан кўришиб, иккови чиначоқ олишиб, болаларнинг расмини қилиб, иккови дўст бўлди. Гуркибой қараса, Моҳибой укаси ёмон тезабон², бир гапни асло тўхтатолмайдиганга ўхшайди. Кўнглида айтди: „Кел-е, бунга акангман деб айтмайин, мабодо бирор ҳодиса рўй бермасин“, деб иккови дўстлик муҳаббатини маҳкам қилиб, йўлга тушиб кета берди. Йўлда Гуркибой Моҳибойга бу сўзларни айтиб бораётир:

Сабаб билан одам элдан адашар,
Юракли эр номус учун талашар,
От билан бўлмайди эшшак баробар,
Ҳар ким тенгин топиб юрса ярашар.

Ақл деган оқиб ётган ариқдир,
Биров кўпроқ, биров озроқ олибдир,
Бой билан камбағал йўлдош бўлмайди,
Қайга борсанг, ғариб тенги ғарибдир.

Ғариблар йиғласа, бедард кулади,
Бепарво кўнглига нима келади?
Дўстим, энди доим бирга бўлайлик,
Етимнинг қадрини етим билади.

Дўст кечмайди асло дўстнинг баҳридан,
Овлоқ юрмоқ яхши душман заҳридан,

¹ Банди бувим - бўғинларини банди.

² Тезабон - талдон, тили тез.

Шаҳар борган яхши-ёмон кўради,
Бир хабар олайик Зангар шаҳридан.

Болалар бир-бирларига шундай меҳр қўйиб қолдиларки, бирови-бировини бир лаҳза кўрмаса, асло тоқат қилолмайди.

Болалар шу юрганча уч ҳафта йўл юриб, Зангар шаҳрига етди. Бу катта шаҳарнинг ичига кириб эди, Гуркибойнинг оғзи очилди-қолди. Лекин Моҳибой шаҳар жойда ўсган эмасми, уриб кетиб бораёттипти. Бу болаларни ҳар ким кўрса: „Йўл бўлсин, болалар“, – деб гап қотади. Моҳибой: „Бизлар нон талаб“, – деб жавоб беради. Улар айтади: „Ундай бўлса, бировинг бизникида туринглар“. Моҳибой айтади: „Биз икковимиз айрилмаймиз, агар айрилсак, тонг отмас, кун ҳам ботмас. Икковимиз бир кишида хизмат қиламиз“, – деб кетиб бораёттипти. Гуркибой оғзи очилиб, ҳар дўконга бир қараб: „Одам ҳам бундай кўп бўлар экан“, деб кейин-кейин қолади. Унда Моҳибой тўхтаб: „Тез юрсанг-чи?“ – деб қақириб туради. Гуркибой: „Бораётимбан!“ – деб тағин кейин қолади.

Икки „туноҳқор“ бола Зангар шаҳрида мутлақо тасодифан тоғалари Холмўминга аизматқор бўлиб ёлландилар. Биласизки, Холмўмин ясовулбошиникида оналари Холбека истиқомат қиларди. Кунтуғмишнинг танийдиган чўпондан отасининг саргузаштларини шиптан Гуркибой онасини танийди, аммо таниганигини сездирмайди.

Болаларнинг борганига беш-олти ой бўлиб эди, шу шаҳарнинг подшоши Бувраҳон ўлди. У вақтда подшо ўлса, давлатқуш деган қуш бўлар экан, қушни учирар экан, қуш кимнинг бошига қўнса, подшо қилар экан. Давлатқушни учирганига уч кун бўлган эди.

Зангар шаҳрининг катта-кичик одами далада эди. Қуш гоҳ дарахтга, гоҳ деворга қўниб юрар эди. Шу вақтда Кунтуғмишнинг ҳам гузари шу ерга тушиб қолган экан. Кунтуғмиш катта бир чилимни белга бовлаб олибди, ёмон жандалар кийиб олибди, ҳеч ким билан иши йўқ, одам билан хуши йўқ. Чекади банг, айтади вадаванг. Бир қуриб қолган дарахтнинг остига бориб, кўмир қилмоқчи бўлиб, олов ёқиб, нашанинг тараддуида эди, давлатқушни Кунтуғмишнинг бошига қўнди. Шаҳри Зангарнинг одамлари қушни қувилаб борса, қуш бир девонанинг бошига қўнди. Арқони давлат отдан тушиб, иззат-иқромлар билан салом бериб: „Тақсир подшоим, юртингиз қутли бўлсин“, – десалар. Кунтуғмиш тесқари қараб дим индамайди.

Ахир одамлар қушни олиб кетдилар. Подшонинг арқидан боз учирдилар. Яна келиб Кунтуғмишта қўнди. Бу маврид ҳам: „Юртингиз қутли бўлсин“, – десалар, дим индамайди. Тағин қушни олиб кетдилар. Олиб бориб яна арқдан учирдилар. Қуш келиб, учинчи мартаба бангнинг бошига қўнди. Бу маврид шаҳри Зангарнинг уламолари, фузалолари¹, катта улуғлари келиб, муборак-боллик қилиб:

¹ Фузалолари - фозиллар, фанлатиллар

– Тақсир подшойим, юртингиз қутли бўлсин, – десалар тескари қараб, жавоб бермади. Шунда катталар туриб айтди:

– Эй ёронлар, уч дебди, уч дебди, учдан кейин пуч дебди.

Энди шу одами олиб бориб подшо қилмоқ даркор. Шу ишга қараганда бу одам назаркарда одам, ё бўлмаса, қушни арвоҳ урган. Агар банги бўлса, жинни бўлса, бир куни подшолик тахтини ташлаб кетиб қолар, бировинг подшо бўласан-да, – деб кўлидан чилимини тортиб олиб, бир оқ кигизнинг устига чиқариб, чир теварагидан кўтариб, жарчилар: – Замон кимнинг замони, қаландархоннинг замони, – деб кўча-кўчаларга жар солиб қичқираверибдилар. Кунтуғмишни кўтариб тилла тахт устига ўтқиздилар. Ана Кунтуғмиш ёшликдан бери юрт сўраб юрганни кўрган эмасми, Загарни узукдай чапғалига олиб, чирсиллатиб сўраб кета берди. Шунда умароларга фармон бўлдики: „Менинг ...амалдорларим бир ҳафтадан жиловхонада истиқомат қилиб кетсин“. Аввал навбат Холмўмин ясовулбошига етди.

Ясовулбоши ҳовлисига келиб, аввал Гуркибой билан Моҳибойга тайин қилди: – Ў болалар, мен янги бўлган подшонинг жиловхонасида бир ҳафта туриб келаман, лекин сизлар оқшом ухламанглар, кундуз ухланглар! Сипоий халқнинг душмани кўп бўлади, кеч бўлганда асло дарвозани очманглар, мабодо болалик қилиб бир ҳодиса рўй бермасин, – деб кўп тайинлади. Кейин ичкарита кириб, аёлига тайин қилдики:

– Ў хотин, иккита етим бола илгариги етимлардай бепарво қолиб, кетиб қолмасин, ҳол-аҳволдан хабардор бўл. „Э етим-да“, дема! Мен буларнинг охирини кўраман, деб юрибман. Буларни асло етим демагайсан, – деб хотинига кўп тайинлади. Ундан сўнг ҳовлисидан чиқиб, подшонинг давлатхонасига кетди.

Холбека ойим чечасига айтди: Янга, акам сира етимни демас эди, икки етим бор деб оғзидан туширмайди. Шу етимларни бир кўрсак нима қилади?

Холмўминнинг хотини айтди: – Ақангиз бўлса чиқиб кетди, кўрсангиз юринг эса, кўрсатиб келайин, – деб битта пон, бир коса сув олиб меҳмонхонанинг эшигидан узатиб эди, Моҳибой келиб кўлидан олиб кетди. Икковлари ўтириб, понни ўртага қўйиб емакчи бўлиб туриб эди, Холбека ойим меҳмонхонанинг такча эшигидан қараб, икковини кўрган ҳамона увуз эти ув бўлиб, тўла бадаши сув бўлиб, бутун аъзосида ларза пайдо бўлиб, кўкрагига сут келгандай бўлди. Қадди букилиб, кўзидан ёши тўкилиб, товушининг борича чинқириб йиғлай берди.

Шунда Холбека ойим янгасига қараб бир сўз деди:

Боламдан айрилдим, қанотим синиб,
Йўлига терилдим, кўзларим тиниб.
Шу болларни кўрган замон, янгижон,
Кўкрагимга сутим тўлди ийсиниб.
Омон бўлсин болаларим ўласин,
Тоъа гулдай офтоб тегиб сўлмасин.

Афт-андоми, қоши-кўзи ўхшайди,
Шу иккови икки болам бўлмасин?!
Энасини келганини Гуркибой бидди,
Моҳини қўйнига олиб йиқилди.
Гуркибой кўп гапни гапга улайди,
Моҳини айқалаб¹ бебахт йиғлайди.
Йиғлаганга ҳайрон қолиб Моҳибой,
„Нега мунча йиғлайсан?“ деб сўрайди...

Холмўминнинг кетганига тўрт кун бўлиб эди. Болалар оқшом ухлмас эдилар. Уйқу ғалаба қиладиган бўлгач, Гуркибой айтди: – Э Моҳижон, уйқу ҳам гаранг қилди, уйқу бўлмаса бу ҳам бало экан, шу бугун тикка туриб ухлаб қолмасек дейман.

Моҳибой айтди: – Уйқунини қочирадиган ишлар бор. Мен бир иш қиламан десам, сен уриша берасан, шунинг учун сенга айтолмайман.

Гуркибой айтди: – Сен бир касофат ишни қиламан дейсан, шунинг учун қўй деб уришаман, бўлмаса нега уришайин. Уйқу келмайдиган ишинг бўлса, шунини қил, – деди.

Моҳи айтди: – Уйқунинг офати бўза-да, жонингдан, бўзани ичиб олгин, уйқунг қаёққа қараб кетар экан...

Гуркибой айтди: – Сен касофат ишни қиламан дейсан! Бўзани сотиб олмоққа пулинг бўлмаса, бўзага маст бўлиб далбанглаб юрганда, қўлга тушсак, э бу бола-да деб, қўллайдиган одамнинг бўлмаса!

Моҳибой айтди: – Э мужмал, бўзага ҳам пулми? Шаробчига бориб, ясовулбошни буюрди деб катта бир кўзасини олиб келаман, – деб югуриб чиқиб кетди.

Чопиб бориб, бўзахонанинг эшигини тақ-тақ урди. Бўзафуруш айтди: – Ким?

– Ясовулбошининг етими, – деди.

Шаробчи ирғиб туриб, чироқни ёқиб, эшикни очиб: – Э укажон, кела беринг, кела беринг, бизлар билан ошна-таниш бўла беринг, ҳар қанча бўза керак бўлса, олиб кета беринг, бемалол, – деб бир кўзани орқалатди. Моҳибой кўзани кўтариб етиб борди.

Гуркибой айтди: – Мен чўпонлардан эшитар эдим, бўзани қирқ одам ичар эмиш, бўлмаса, чортанг² бўлиб ичар эмиш.

– Сен Гурки, гапни нима биласан! Сени бий қиламан, ўзим косагул бўламан, сенинг телпагинг ўнг оталиқ³ бўлади, менинг телпагим чап оталиқ бўлади,

¹ Айқалаб – кучоқлаб.

² Чортанг – ёлғон.

³ Оталиқ – маъладагичи.

чортаг бўламиз. Холбека пиёла, тоғорани беради-да, – деб югуриб чиқиб кетди. Бориб эшикни тақ-тақ урди. Холбека айтди:

– Ким?

Моҳибой айтди: – Етим.

– Нега келдинг?

– Битта тоғора, битта пиёла беринг, бўза ичамиз, – деди. Холбека айтди:

Бўза ичмакни ким қўйипти сизларга? Шаҳримизнинг янги бўлган хони бор. Бўзанинг таъқиқи қаттиқ! – деб эди, Моҳибойга қаттиқ тегди, йиглаб қайтиб, тикка Гуркининг оддига келиб... бир сўз деб турипти:

Шонаман зулфини тоблаб ўрмади,

Мени ўзин боласидай кўрмади,

Илоҳи, етимни қурсин дунёда,

Бир тоғора, пиёласин бермади.

Моҳибойнинг йиглаб қайтгани Холбека оғир кўп таъсир қилиб эди. „Хай аттанг, аввал қилган пайравлигимнинг барини бекор қилдимми, шу етим кўнгли қолиб йиглаб кетди“, – деб жойидан туриб, бир тоғора билан пиёлани олиб, болаларнинг орқасидан борди. Болалар тоғора билан пиёлани кўриб, димоғи чоғ бўлиб, кайфи тўғри бўлди. Лекин кулишиб-ўйнашолмади, Холбекадан нйманди. Холбека буни фаҳмлаб: „Менинг олдимда булар ёзилмас экан“, – деб астагина чиқиб кетди. Болаларга билдирмай, томнинг устига чиқиб, мўридан қаради-да, турди.

Унда Моҳибой Гуркибойга: – Ў „бий бова“, чўккалаб ўтиринг, катта одамнинг ёнбошлаб ётиши уят бўлади, – деб турғизиб ўтқизди. Ўзи билмакни шимариб, этакни қайтариб, Гуркибойнинг телпагини ўнг оталиқ қилиб ўнг тарафига чалқа қилиб, ўлтирғизиб қўйди; ўзининг телпагини чап оталиқ қилиб, чап тарафга чалқайтириб ўтқизиб қўйди. Моҳибой: – Эй оталиқ телпаклар, дуруст ўтиринглар, – деб телпакларга ҳам дўк қилаётир... Моҳибой пиёлани бир-икки айлантирди, телпакнинг ичи тўлиб қолди. Моҳибой айтди: – Э Гуркибой, мен шуларни мажлисга қўшманг деб айтиб эдим, сиз кўнмадингиз. Буларнинг оғзи очилиб қолди. Бир югуртиб олайлик, дуруст бўлиб қолар, – деди. Иккови ҳам жойидан ирғиб туриб, ўзининг телпагини уйнинг у ёғидан бу ёғига қараб тепиб кетди. – Энди дуруст бўлгандирсизлар, – деб телпакларни яна жойига қўйиб, қайтадан бўзани сузиб, икки телпакни ҳар тўлганда иккови тепа-тепа, икки телпак билан тўртов бир кўза бўзани ичиб қўйди. Гуркибой асло бўза ичмаган эди, бу суҳбатни кўрмаган эди, шундай маст бўлдики, ўзидан ва сўзидан ҳабарсиз бўлди. Моҳибой ичиб кўрган эди, бу ҳам маст бўлди, ўзидан хабари бор эди.

Холбека оғир томнинг устида шу икки боланинг бўзани ичиб, телпакларини тепиб юмалатганига кулиб ўтириб эди. Шунда Моҳибойнинг юраги тошиб, етимлигининг сабабини, беқавму қариндошлигини Гуркибойга арз қилиб, бир сўз деди:

Оҳ десам, тўқилди кўздан селоб ёш,
Гуркибойжон, „туғмаганнинг туби тош“.
Илоҳи, етими қурсин, Гуркибой!
Кишида бўлмасми қавму қариндош?

Мен бебахтни шоду хандон айласанг,
Не бўлур қувонтиб, хурсанд айласанг?
Гуркибой, билмайман ота-энамни,
Агар билсанг, нетар баён айласанг?

Гурки бечора ўзини тўхтатолмай юраги тошиб, Моҳибойга: – Э жигарим,
кишининг зоти-зурёди, ота-энаси, эл-юрти бўлмасми, – деб бир сўз деди:

Узоқда, Моҳибой, ўсган диёрим,
Беҳабар қолгандир кўп ичқуярим,
Икковмиз сут эмишган ширхўра,
Мен акангман, сен бўласан жигарим!

Бу етимлик бизни қилди саргардон,
Меҳнат қилиб, тилаб еймиз парча нон,
Зотимиз айласам мен сенга баён,
Отамизнинг оти – Кунтуғмиш полвон.

Сен шўрлини сувда балиқ ютгандир,
Мен шўрлини бўри олиб кетгандир,
Шундай бўп айрилган икковгинамиз,
Ғам билан сарғайган гулдай танамиз,
Икковимиз сут эмишган ширхўра,
Шу бебахт Холбека – бизнинг энамиз.
Моҳининг кўз ёши равона бўлиб,
Акам деб, ақлидан бегона бўлиб,
Чинқириб, зор йиғлаб турди жойидан,
Гуркининг бошидан парвона бўлиб.

Бу сўзни Гуркибой Моҳига айтди,
Холбека хатосиз барин эшитди,
Болларининг бу сўзини эшитиб,
Қувонгандан бебахт ўзидан кетди.

Алам тортиб банди-банди бўшлади,
Во ҳасрато, хумор кўзни ёшлади,
Бу сўзларнинг барин шўрли эшитиб,
„Во болам!“ – деб, томдан ўзин ташлади.

Холбека ойм болалари билан топишди. Айтди: – Э гўдакларим! Сизлар жуда ёш эдиларинг, мураббийларинг йўқ эди, ўлди демакка тилим бормас эди. Хаёлим билан тирик қилар эдим. Энди менга бола қаёқда деб умидимни узган эдим. Минг-минг шукр, тирик бор экансиз...

Холбека болаларига айтди: – Сизлардан кўнглим жой бўлди, Зангарни курсин. Бу юртининг подшоси, амалдори оталарингга зулм қилди, сизларга ҳам зулм қилади. Мени десаларинг, тонг отмай кетинглар, биров кўрмасин, билмасин, – деди:

Эшитинглар, боллар, энанг дардини,
Изланглар отангнинг Дўрман юртини,
Тонг отмай чиқинглар Зангар шаҳридан
Эгарлаб мининглар акам отини.

Ҳар тарафга бедов отни чопинглар,
Дўрман бориб, отанг дўстин топинглар,
Қирқ жўраси билан Зангарга келиб,
Энангни бу ердан олиб кетинглар.

Холбека ойм шоҳона сарполарни олиб келиб, қип-қизил кийимларга болаларни ўраб ташлади. Ёв-яроғ, йўл харжисига довур олиб келиб берди. Болаларнинг ўзлари боқиб ётган икки отни берди...

Болалар энасидан жавоб олиб, эрта саҳар шаҳарининг дарвозасидан чиқиб жўнади. Саккиз кун йўл юриб, Олатоққа етди. Моҳибой қараса, минг - бир, икки минг - бир , уч минг - бир , тўрт минг - бир , ўн мингча йилқи ёйилиб юритти. Буврахон подшонинг йилқиси Олатоғда юрар эди. Қанча қулни хотин, бола-чақаси билан шу йилқиларга қарайсан деб ўтқизиб кўйган эди. Шу қулларга икки амалдор сардор, катта эди.

Моҳибой йилқиларни кўриб, „Кўрдингми?“ деб Гуркибойга бир сўз айтади, Гуркибой Моҳининг раёини қайтариб, бир сўз деди:

Ҳар тарафга, Моҳи, солма кўзингни,
Менга айтма тузсиз, ёмон сўзингни.
Бу ерда эгасиз ётган мол борми?
Бир иш қилиб койитмаггин ўзингни!

Моҳибой Гуркибойнинг сўзига қулоқ солмай, шўхлик қилиб, бир тўп йилқини олдига солиб ҳайдаб юра берди. Шунда қуллар қарашиб: – Э ҳа, воҳа..., ўхў!.. Ҳазил қилма, ҳов бола! Нобуд бўласан! – дейишяпти. Моҳибой йилқиларни ҳайдаб, чинқириб юра берди. Шунда икки амалдор отларга миниб, кўриқларини¹ қўлларига олиб, „Молни қаёққа олиб борасан!“ деб чинқириб, оғзига келганини айтиб, сўкиниб келаёттипти:

¹ Кўриқ - йилқиларни ушлашда ишлатиладиган сиртмоқ.

Юрган йўлим бўта кўзли жўнагар,
Найза текса, оқ бадандан қон оқар,
Йилқим семиз қоратерли¹ бўлмасин,
Молларни жойига қўйгин, баччағар!

...Моҳибой қараса, икки амалдор сўкиб келаётинпти. Моҳибой айтди: – Э нокас, мол ҳайдаган одам сенга бермайди-да! „Ўзингни эр билсанг, бировни шер бил“ деган экан. Сендан кўрқдикми? Биз ҳам сендай зўрни излаб юрган, кел! – деб турипти.

Энди кўринг, боллар майдон бошлади,
Тараф келди, деди вақтин хушлади.
Чинқираб, варқираб икки амалдор,
Болларнинг бўйнига кўриқ ташлади...
Энди кўринг, боллар „ўйин“ бошлади,
Майдон бўлди, деди вақтин хушлади,
Бир юлқувда тортиб олиб қўлидан,
Кўриғини ўз бўйнига ташлади.
Армон билан билмаганин билдирди,
Зўрлик қилиб, ичин ғамга тўлдирди,
Кўриқ билан йиқиб, отдан ағдариб,
Амалдорнинг оғзин қумга тўлдирди.

„Талабгорнинг кела бер!“ – деб иккови йилқиларни қувиб, олдига солиб ҳайдай кетди. Ҳайдов кўрмаган хом йилқилар терлаб чарчаб қолди. Шунда бир кўлнинг лабига бориб қолдилар. Моҳибой айтди: – Э Гуркибой, кўп чарчадик-ку, шу ерда ётиб, бир дамимизни олиб, ўтиб кетсак нима қилади? Гуркибой ҳам: – Хайр, – деди. Шунда иккови йилқиларни орқасига қайтариб, отдан тушди. „Отимиз депсиниб, чивинлаб, чангитиб бизни ухлатмас“, – деб отларни узоққа бойлади. Иккови ҳам кийимларини ечиб, чопонларини устларига ойқора² ёпиниб ётди, бошини қўйгандан қаттиқ ухлаб қолди. Буларни уйқуда қўйинг, гапни бошқа ердан эшитинг.

Бир йилқибоқар келиб: „Дод, йилқига ўғри тегди“, – деб бўлган сўзларни подшога арз қилиб эди. Шунда подшо: „Шу ўғрилари топасан-да, келасан!“ – деб лашкар жўнатиб юборди. Лашкар кеча-кундуз йўл тортиб, ...кўлга келиб қараса, болалар ухлаб ётипти. Лашкар таппа-таппа отдан ташлаб, икки боланинг уйқуда қўлини маҳкам боғлаб, икковининг бошига қамчи ёғдирди.

Шунда Моҳибой қамчи ёғиб турганини ўзи назар-тузар қилмай, акасига қараб бир сўз деди:

¹ Қоратерли – совутилмаган йилқиларнинг зўриқиб, терлаб касалга йулиқини.

² Ойқора – чопонни яримойга ўхшатиб ёпиш.

Гуркибой, олмадим сенинг тилингни,
Аттанг-а, кўрмадим Дўрман элимни,
Уйкуда боғлади нозик қўлимни,
Мен учун сен ҳам кўрдинг ўлимни.
Банди бўлдим армон билан душманга,
Ичим тўлди қайғу билан армонга,
Мард бўлиб кирмадим, қайтай, майдонга,
Касофатим тегди, Гуркибой, сенга.

...Кунтуғмиш аркони давлат ...билан ўтириб эди. Иккита болани олиб борди. Кунтуғмиш болаларни кўргандан меҳри товланиб, оталик меҳри қайнаб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб: „Кел-э, бу болаларнинг оғзига бир луқма солай, агар бизлар қилганимиз йўқ деса, озод қилай“, – деб икки боласига қараб бир сўз деди:

Қизил гул очилар гунчама-гунча,
Тоқатим йўқ тағи гул очилгунча,
Рост десам, икковгинанг ёш бачча,
Ёлғон десам, бунда гувоҳ бир неча,
Ҳайдаганинг ёлғонмиди, ростмиди?
Ёш болалар, кўнглингни шод айлайин,
Бу фоний дунёдан фарёд айлайин,
Ростин айтсанг, боллар, озод айлайин,
Ҳайдаганинг ёлғонмиди, ростмиди?

Болалар подшонинг бу сўзини эшитиб, мункир¹ келса, озод бўлар экан, лекин мардлик қўлдан кетади, – деб Моҳибой: – Э подшойим, мардлар ўламан деб сўздан қайтмапти, – деб бир сўз деди:

Йўқчилик жўмарднинг кўзин ўяма?
Ўламан деб мард қавлидан тояма?
Оқсувдан йилқингни ўзим ҳайдадим,
Қўлингдан келганин қилгин, аяма!

...Шунда подшо хайрон бўлиб, нима деярини билмай қолди. „Ўғридлиги аниқ“, – деб эшитгандан кейин, аввалдан ҳукм бўлган эди, жаллодлар уриб-сўкиб дорга қараб олиб кета берди. Шунда Холбека бечора ҳам аёллар билан дорнинг олдидаги томнинг устига чиққан эди, шундай тикилиб қараса, икки боласини жаллод-мирғазаблар олиб келаётинпти. Болаларини таниб, ичи ўтдай ёниб, чирқираб, томдан ўзини ташлади. ...Холбеканинг ақли шошиб қолган эди. ...Дорни кўрганда эна эмасми, жони чиқиб кўрқиб, „ҳа“ дерга ҳоли, юарга мажоли бўлмай, дорга қараб бир сўз деди:

¹ Мункир – инкор қилиш, тониш.

Узоқда болларнинг манзил-диёри,
Зор йиғлайди энаси – ичкюяри,
Ҳақиқат излаган сенга осилди,
Бирдан йиқила кўр золимнинг дори!

Дўрман – болаларнинг манзили – жойи,
Кўкка чиқар мендай куйганинг ойи!
Қанча эди болларимнинг гуноҳи?
Бирдан йиқила кўр дорнинг оғочи!

Энасининг бу сўзларига Гуркибойнинг юрак-бағри эзилиб, энасига қараб:
– Э шўрли, қисмати қаттиқ энам, бу дунёга келиб бирор шод бўлмай, йиғлаб ўтган энам, бу оғочнинг қўлидан нима келади? – деди. Гуркибой қараса, жаллодлар Моҳининг бошида, Моҳини ўлдиrhoқчи бўлаёттипти. Шунда энасига айтаётган сўзини қўйиб, жаллодларга айтди:

– Ў жаллодлар! Аввал мени ўлдиринглар, менинг олдимда Моҳи ўлмасин, менинг кўзим кўрмасин! Менинг ёшим катта, йўл меники!

Жаллодлар: – Ёши катта бўлса, аввал шуни ўлдирайлик, – деди. Шунда Моҳи зор йиғлаб:

– Эй жаллодлар! Гуноҳни мен қилганман, Гуркибой мени шунча қайтарди, айтганини қилмадим. Гуркининг гуноҳи йўқ, мени ўлдиринглар, Гуркини озод қилинглар, мен Гуркининг қонига зомин бўлмайин! – деб жаллодларга қараб бир сўз деди:

Қонлар оқсин менинг икки кўзимдан,
Янгилмадим² асло айтган сўзимдан,
Бу ишда Гуркининг йўқдир гуноҳи,
Қанча гуноҳ бўлса, ёлғиз ўзимдан!
Бекларнинг белида олмос қиёғи³,
Ғам билан сарғайган гулдай сиёғи,
Кунтуғмишнинг уйи сабил қолмасин,
Қуримасин полвон отам туёғи!

Энди кўринг, полвон кўзин ёшлади,
Қувонгандан ёқасини ушлади,
„Во болам!“ – деб майиблардай инганиб,
Кунтуғмиш тахтидан ўзин ташлади.

Кунтуғмиш тахтидан тушиб, ақлидан адашиб, нима қиларини билмай шошиб, чоғиб дорнинг остига келса, томошабинлар зич-тўп бўлиб турипти, йўл бермайди.

¹ Ойи – охи

² Янгилмадим – инглишмадим.

³ Қиёғи – қилиғи.

Одамларнинг: „Подшо келди.“ – деганига жаллодлар шошиб, „Шу вақтга довур ўлдирмабсан“, — деб бизларни ўлдирди деб, Моҳибойга пичоқ солмоққа шошиб, бўйнидан арқон билан курмак¹ бойлаб, мирғазаблар: „Торт!“ – деб юборди. Тортиб юборди. Кунтуғмиш полвон чоғиб келиб, Моҳибойни суяб, жаллодларга: „Ипни қўйиб юбор!“ – деди. Жаллодлар ипни қўйиб юборди. Моҳининг дами тутилиб, нафаси ичига тушиб қолди. Кунтуғмиш Моҳини кўкрагига олиб: „Шамолни очинглар!“ – деб ҳар кўздан етмиш қатра ёшини тўкиб, Моҳининг бетига тикилиб турибди.

Шу турган халойиқ ... билди: Шу – Кунтуғмиш полвон экан, ўғри бўлиб қўлга тушган болалар – қумда қолган ўша гўдаклар экан. Арқони давлат, Холмўшин бош бўлиб келиб, Моҳибойни суяб кўтариб, арқка олиб чиқиб кетдилар. Бир соатдан кейин Моҳибой ўзига келди. Холбека бечора Моҳини бағрига босди.

...Кунтуғмиш элга тўй бериб, тўй тамом бўладиган куни жами арқони давлатни йиғиб, Холмўшинни Зангарга подшо қилди. Энди Кунтуғмиш полвон Дўрман элига бормоқчи бўлиб, йўл жабдугини тайёрлади. Икки боласи, қошида Холбека ёри билан, қанча хизматқор, канизақлари билан жўнади. ...Кунтуғмиш омон-эсон, сиҳат ва саломат юртига бориб, синглиси Оппоғой билан, қавму қариндошлари билан, ўзининг ёри жўралари билан кўришди. Холбека ёри, икки фарзанди билан таништирди. Кунтуғмиш Дўрман элига тўй бериб, мурод-мақсадига етди.

Савол ва топшириқлар:

1. Гуркибой билан Моҳибойнинг чўпонлар ҳамда балиқчилар қароргоҳидан қочишга мажбур қилган гуноҳлари ҳақида фикр юритинг. Уларнинг табиатига хос жиҳатлар бу гуноҳларда қай тарзда намоён бўлганлигини аниқлагинг.

2. Дарёнинг нариги қирғоғидаги Моҳибойга Гуркибой дўстлик таклифини қилганда, унинг қандай фикрларга борганлигини қайта мушоҳада қилинг. Бу боланинг нега шундай фикрлаши сабабини тушунтиринг.

3. Достонда Моҳибой тилидан: *„Ўзим етим, етимликдан қалим йўқ“,* деган иқрори берилган. Мазкур сўзлар замиридаги маънони изоҳланг. Қаҳрамон нимани кўзда тутди экан?

4. Моҳибойнинг: *„Оҳ урсам, ғамхона кўнглим жўшади, Алам тортдим, бағди бувишим бўшади“,* шикоятини қандай тушуниш мумкин? *„Ғамхона кўнгли“* ташбеҳини изоҳланг.

5. Ака-укаларни бир-биридан ажратиб турган дарёга Моҳибой эмас, Гуркибой тушганлиги сабабини изоҳлашга урининг.

6. Гуркибой тилидан баён этилган: *„Ақл деган оқиб ётган ариқдир, Биров кўпроқ, биров озроқ олибдир“* сўзларини шарҳлашга ҳаракат қилинг. Қаҳрамон не боисдан шу ҳикмати келтирди, деб ўйлайсиз?

7. Моҳибойнинг табиатига хос хусусиятлар ҳақида мулоҳаза юритинг. Асар матнига қайта муурожаат қилинг. Фикрингизни мисоллар билан асосланг.

8. *„Оҳ тортганда оҳим илдай эшилди, Айрилиқдан сийна-бағрим тешилди“* сатрларидаги юксак тасвирий ифодани шарҳлашга урининг.

¹ Курмак – арқонни қинни ечиладиган қилиб боғлаш усули.

9. „Кўрагимга сутим келди ийсиниб“ ифодаси ҳаётний асосларини тушунтириб бериб:
10. Холбеканинг: „*Шу иккови икки болам бўлмасин!*“ деган гумони қандай пайдо бўлди? Оналарнинг ғайритабиий, изоҳлаш мушкул бўлган хусусиятлари ҳақида ўйлаб кўринг.
11. Моҳибойнинг кўнгилсиз қилиқлари ҳақида нима дейсиз? У подшонинг йилқиларини чиндан ҳам ўғирламоқчи эди, деб ўйлайсизми?
12. Холбеканинг болалари осиладиган дорга мурожаатини қандай изоҳлаш мумкин?
13. Гуркибойнинг дор тагида жыллодларга қарата: „*Йул менки!*“, деган сўзларини шарҳлаб бериб. У фикрини нега айнан шу тарзда ифодалаётганлигини тушунтиринг.
15. Асар якуни сизни қаноатлантирдими? Ишонтирдими?
16. Достондан бирор шеърый парчани ёд олинг.

ИШҚИЙ-ҚАҲРАМОНЛИК ДОСТОНЛАРИ

Сизга еттинчи синфда берилган маълумотлардан аёнки, достонлар ҳамиша фавқулодда воқеалар ҳамда оддий бўлмаган одамлар тасвирига асосланади. Достонларнинг ижодкорлари реал одамлар ҳақида ҳикоя қилишдан кўра инсон тўғрисидаги ўз орзуларини ифодалашга кўпроқ ҳаракат қилганлар. Достонларнинг сюжети ҳам шунчаки воқеалар, оддий кечмишлардан эмас, балки ҳаддан ташқари қизиқарли, қўрқинчли, кутилмаган саргузаштлардан иборат бўлади.

Халқ достонларининг жуда катта қисми севги саргузаштларини тасвирлашга бағишланади. Бундай асарлар адабиётшуносликда *ишқий достонлар* дейилади. Шуниси муҳимки, достон қаҳрамонларининг муҳаббати ҳам доим ғайри оддий тарзда бошланиб, давом этади ва якун топади. Эътибор бериб, „Равшан“да Зулҳумор узукда кўринган эди, „Кунтуғмиш“да эса, Холбека йигитни тушида йўлиқтиради, Кунтуғмиш қизнинг суратига ошиқ бўлиб қолади. Ишқий достонларнинг ўзига хос асосий бадний белгиси ҳам айнан, бир-бирини кўрмаган одамлар ўртасида ғойибдан севги пайдо бўлишидир. Бундай илоҳий муҳаббат унинг қадру қимматини оширади. Достон қаҳрамонлари ҳам фавқулодда улкан жисмоний, ақлий, руҳий қудратга эга кишилар сифатида тасвирланади. Уларнинг мурод-мақсадларига эришишлари ҳам ҳеч қачон осон кечмайди. Чунки яхши ниятли кишилар йўлга тўғанок бўладиган шайтон малайлари ҳамиша, ҳамма макону замонларда ҳам бор. Достон қаҳрамонлари ана шундай кучларга қарши кураш йўлида, кўпинча, ақл бовар қилмайдиган қаҳрамонликлар кўрсатадилар. Адабиётшунослик илмида бу хилдаги асарлар *қаҳрамонлик достонлари* саналади. Ишқий достонларнинг ҳаммасида қаҳрамонлик унсурлари учрайди. Шунинг учун ҳам бу хилдаги асарларини *ишқий-қаҳрамонлик достонлари* дейиш тўғрироқ бўлади. Чунинчи, Ҳасанхоннинг уч ойлик йўлни йиптирма кунда босиб ўтиши ва бир ўзи саноксиз душманларга қарини туриши ёки Кунтуғмишнинг шунча замондан бери кўплаб одамлар енга олмаган аждарни ўлдирishi, тош бостириб қўйилган кигиздан ўзганинг кўмагисиз халос бўлиши сингари лавҳалар қаҳрамонлик намуналаридир.

Севги ҳамиша одамни қаҳрамонликка, жасоратга ундайди. Қаҳрамонлик эса мақсад йўлидаги фидойилик, муҳаббатнинг ушалишига олиб келади. Бошқа ҳамма қизлардан ҳусни, ақли, маънавий фазилатлари билан ортиқ бўлган сулувга ошиқ бўлган йигит дostonда, албатта, қатор қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиши ва ўз муҳаббатига машаққатли синовлар орқали етишуви шарт бўлган.

Ишқий-қаҳрамонлик мавзусидаги дostonлар миқдор жиҳатидан бошқа йўналишдаги дostonлардан кўпроқдир. Чунки бу хил асарлар воқеалар тасвирини таҳсирчан ифодалаш, тингловчиларни қаҳрамонларга эргаштириб, олийжанобликка, яхшиликка чорлаш каби кўп имкониятларга эгадир.

Сиз танишиб чиққан „Кунтуғмиш“ дostonи ҳам бир-бирига илоҳий севги билан боғланган икки кишининг машаққатларга тўла муҳаббат тарихи тасвирига бағишланган. Кунтуғмиш ва Холбекани адоқсиз азоблар ичидан олиб чиққан туйғу покиза, соф севги ҳамда адолат тантанасига бўлган кучли ишончдир. Ишқий-қаҳрамонлик дostonлари бундан минг йиллар олдин айтила бошлаган бўлса-да, ҳанузгача бадий таъсир қудратини йўқотган эмас. Чунки севги-муҳаббат инсон ҳаётида ҳар доим муҳим ўрин тутати. Инсон юрагидаги юксак туйғулар эскирмас экан, унинг кўркем бадий ифодаси ҳам оҳорини йўқотмай қолаверали.

Қуйидаги тестларни ечишга ҳаракат қилинг:

1. Кунтуғмиш: ***“Ўламан деб, ёрин кўрмай кетарми?”***, – деган мардона сўзларни қачон ва нега айтган?

А. Холбека ҳузурига илк бор кирганида. Б. Жаллод қўлига тушганда. В. Бозорда юрганида. Г. Овда.

2. Холбеканинг: ***“Мерганлар ирим қиб отмас ёлғизин”*** сўзлари кимга айтилгани ва уларнинг замиридаги маънони тошинг.

А. Хонга. Севган кишини ўлдирмайдилар. Б. Замонқулга. Ёлғиз йигитни подшога чақма. В. Жаллодларга. Овчилар ёлғиз учган қушни отмайдилар. Кунтуғмиш ёлғиз йигит, уни ўлдирманг. Г. Алдархўжага. Болаларимни эмиздириб олайин.

3. Қайси жавобда Моҳибой табиатига хос хусусиятлар тўғри кўрсатилган?

А. Қайсар, ақли. Б. Эпчил, шўх, даңгаса. В. Одобли, босиқ. Г. Қайсар, тазоб, мард, танти, кўркем, қайтмас.

4. ***“Равшан”*** дostonида Зулҳумор узукда кўринади. Узук кимники эди?

А. Гўрўзликники. Б. Ҳасаникни. В. Равшанники. Г. Юнус париники. Д. Мисқол париники.

ОРЗУ ВА АРМОННИНГ САРҲАДЛАРИДА

АБДУРАУФ ФИТРАТ

(1886 – 1938)



XX аср ўзбек миллий тафаккури тараққиётида алоҳида мавқега эга бўлган олим ва адиб Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат 1886 йилда Бухоро шаҳрида туғилди. Отаси Абдурахимбой ўз даврининг зиёли ва давлатманд кишиларидан бўлиб, онаси Мустафбиби бадий завқи баланд, зукко, ўқимишли аёл эди. Оилада унинг Абдурахмон исмли укаси, Маҳбуба исмли синглиси бор эди. Кейинчалик улар ҳам зиёли кишилар бўлиб етишдилар.

Абдурауф илк таҳсилни Бухоро мактабларида олгандан сўнг, Мирараб мадрасасида ўқиди. Талабалик йилларида, тахминан 18 – 19 ёшларида отаси билан ҳаж зиёратига борди, қарийб бир йилга яқин давом этган бу зиёрат сафарига Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Сурия ва Саудияда бўлиб, мазкур мамлакатлар халқларининг турмуш шароити билан танишди.

Мадрасани муваффақиятли хатм қилган Фитрат 1910 йилда “Тарбияти атфол” (“Болалар тарбияси”) хайрия жамияти орқали Туркияга жўнатилган дастлабки беш истеъдодли ёшларнинг бири сифатида Истанбулда таҳсил олди.

Туркиядалик даврида Фитрат фаол ижодий иш билан ҳам машғул бўлди, форс тилидаги шеърларини жамлаб „Сайҳа“ („Наъра“) номида тўплам эълон қилди. „Мунозара“, „Ҳинд сайёҳи баёноти“ каби асарлар ёзди.

1914 йилда Истанбулдан Бухорога қайтиб келган Фитрат жадид мактаблари очилиши ва болаларни янгича тартибда ўқитиш ишлари билан астойдил шуғулланди. У кишиларнинг онгини ўзгартирмай туриб, мамлакатни ўзгартiriш, уни тараққий эттириш мумкин эмас, деган фикрда эди. Бунинг учун миллатнинг катта қисмини маърифатли, дунёвий илмдан, замонавий техникадан хабардор қилишдан бошқа йўл йўқ эди. Жадид мактабларида замонавий фан-техникани етлашга хизмат қиладиган сабоқлар берилишига эришиш жадидлар олдидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланарди.

Совет даврида Абдурауф Фитрат Самарқандда, Тошкентда, Бухорода турли лавозимларда хизмат қилди. Жамоат ва давлат ишларини бажариш билан бирга бадий ижод билан мунтазам шуғулланди. “Миррих юлдузига”,

“Ўғит”, “Гўзалим, бевафо гулситоним”, “Яна ёндим” каби шеърлар, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Абулфайзхон” каби драмалар, “Шайтоннинг тангрига исёни” драматик достони, “Қиёмат”, “Заҳронинг имони” каби ҳикоялар ижод этди.

Абдурауф Фитратнинг бадний ижоди билан танишар эканмиз, унинг барча жанрдаги асарларида мустақиллик, эрк, озодлик, адолат орзулари, зулм ва зўравонликка қарши чексиз нафрат ғоялари ички дард билан гўзал бадний ифода этилганининг гувоҳи бўламиз. У ҳақиқий миллатпарвар адиб эди.

1937 йилда бошланган қатағон XX аср ўзбек адабиётининг улуғ намояндalarини ҳам ўз домига тортди. 1937 йил 24 апрелнинг қоқ тушида қамоққа олинган Фитрат 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланди. Суднинг ҳукми эса 5 октябрда, яъни ҳукм ижро этилганидан бир кун кейин чиқарилди.

Фитрат серқирра истеъдод эгаси эди. У адиб сифатида ажойиб ҳикоялар, драмалар, оташин публицистик мақолалар, адабиётшунослик ва тилшуносликка доир теран хулосаларга бой илмий асарлар, дарсликлар яратган.

Фитрат жўшқин туйғулар эгаси бўлган шоир эди. Унинг шеърларига ҳос кўтаринкилик, юрт қайғуси билан ёнаётган қалб изтиробларининг самимий ифодаси, ошиқ юрак нидолари эскирмасдир.

Савол ва топшириқлар:

1. Фитрат дунёқарақининг шаклланишида у туғилиб ўсган оиланинг таъсири қандай?
2. Фитратнинг жамоат ва сиёсат арбоби, маърифатчи адиб бўлиб шаклланишида унинг Туркияда яшаган йилларининг ўрни ҳақида ўйлаб кўринг.
3. Жадидчилик ғоялари Фитрат ва унинг сафдошларига қай даражада таъсир кўрсатди ва улар бу йўлда нималарга интилдилар?
4. Фитратнинг адабий мероси ҳақида нималарни биласиз?
5. Фитрат ва у каби илғор зиёлилар нега қатағон қилинганлиги ҳақида фикр юритинг.

Миррих¹ юлдузига

Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувғони,
Нега биздан қочиб мунча узоқларга тушибсан?
Тувғонингга нечун сира гапурмасдан турибсан,
Сўйла, юлдуз, ҳолинг надир, нечук топднинг дунёни?
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар,
Сўйла, юлдуз, сенинг дағи қучоғингда бўлурми?

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли иш бузарлар, шайтонлар,

¹ Миррих – Марс.

Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин қўймай еган қоплонлар?
Борми сенда ўксуз¹ йўқсулнинг қонин
Гурунглашиб, чоғир² каби ичканлар?

Борми сенда бутун дунё тузугин³
Ўз қопчиғин тўлдиргани бузганлар?
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатғувчи хоқонлар?
Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида
Элин, юртин, борин-йўғин сотқонлар?

Савол ва таштирмақлар:

1. Фитрат шеърининг „Борми сенда бизим каби инсонлар, Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар“, деган мисраларида кимларни кўзда тутяпти деб ўйлайсиз? Фикрингизни асосданг. „Икки юзли ишбузарлар...“ ташбеҳини изоҳлаб беринг.

2. „Борми сенда ўксуз йўқсулнинг қонин Гурунглашиб, чоғир каби ичканлар?“ мисралари Сизда қандай ҳиссиёт, фикр уйғотаётир?

3. Шеърининг „Борми сенда бутун дунё тузугин Ўз қопчиғин тўлдиргани бузганлар?“ байтини изоҳлаб беринг.

4. „Борми сенда бир ўлкани ёндириб, Ўз қозонин қайнатғувчи хоқонлар?“ мисралари орқали ифодаланган мазмун ва ҳиссиётни тушунтиришга ҳаракат қилинг.

5. Шеърдаги адоқсиз афсус-надомат туйғулари нимадан туғилган деб ўйлайсиз?

6. Шеърин ёд олинг.

Ўғут

Оғир йигит, сенинг гўзал, нузли кўзингда
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзингда
Бу юрт учун қутулишнинг борлигин кўрдим.
Турма – югур, тинма – тириш, букилма – юксал,
Хуркма – кураш, қўркма – ёпиш, йўрилма⁴ – кўзғал.
Эл йўлини тўсиб турган эски булутларни
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт!
Қилолмасанг шу ишларин,
Сенинг учун хўрликдир бу!...
Йиқил, йўқол, кет!

¹ Ўксуз – бахтсиз.

² Чоғир – чоғир, май.

³ Тузук – тартиб, қонун, қонун.

⁴ Йурлма – йўқдай бўлиб ўтирма.

Савол ва ғошширивулар:

1. Шеърни қайта ўқинг. У Сизга қандай таъсир қилди?
2. Шоирнинг йиғитга ўғити оташин чақирқиқлардан иборат эканлиги қайси мисраларда яққол кўринади?
3. „Турма – югур, тинма – тириш, буқилма – юқсал, Хуркма – кураш, қўркма – ёшиш, йўрилма – қўзғал“ сатрларидаги ҳар бир хитобнинг маъносини аяғлатинг ва байтнинг умумий ҳиссий таъсирини тушунтиринг.
4. Ўғитни бажармасликнинг „хўрликдир бу!“ тарзида баҳоланаётгани сабабини изоҳланг.

* * *

Гўзалим, бевафо гулистоним,
Боғи умримда тоза райҳоним.
Ғаму қайғуларим ҳужуминдан
Сен эдинг меҳрибон, нигоҳбоним.
Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг.

Кел, гулим, кел, аёғингга йиқилай,
Бир замон кўйи: тўлиб-тошиб йиғлай.
Қўй, бир оз кўйки, хоки пойингни
Сурмадек ёшли кўзима суртай.
Кетма, тур, тингла арзи ҳолимни,
Арз этай ҳоли пур малолимни.

Қани у дамки, сен эдинг ёрим,
Мунисим, ҳамдамим, мададкорим.
Сенинг оғушинг, илтифотингда
Роҳат этмишди жисми беморим.
Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг.

Кел, аёғингга қон бўлиб тўкулай,
Бир нафас дард-ҳажрдан қутулай,
Кел, гўзал дилбарим, кел, сочингни
Бир тарай, бир ўнай-да, ўлай.
Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг.

Савол ва ғошширивулар:

1. Шеърни қайта ўқинг. Ундаги „бевафо гулистон“, „тоза райҳон“, „меҳрибон нигоҳбон“ сингари образларнинг ҳар бирини аввал алоҳида, сўнг бир-биринга қиёслаб таҳлил этинг.
2. Шеърнинг иккинчи бандида лирик қаҳрамон ҳолати қандай ифодаланаётганига эътибор қилинг. Шоир нима учун „ҳоли пур малоли“ дан арз этаётир деб ўйлайсиз?

3. Лирик қаҳрамоннинг бир вақтлар бахтиёр бўлганлигининг руҳий-маънавий сабаблари ҳақида шеър матнига таъниб фикр билдириш.

4. Шеърда қаҳрамон руҳий изтиробларининг авж нуқталари ифодаланган мисраларни ажратиш, изоҳлашга уриниш.

5. Шеърнинг уч банди сўнгида такрорланиб келган „*Мени беҳуда ташладинг-кетдинг, Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг*“ мисраларининг ифода тарзи ҳақидаги фикрингизни айтиш.

6. Ўйлаб кўринг-чи, ҳар банддан сўнг наҳарот ўрнида такрорланиб келган мисралар нега иккинчи бандда берилмади экан?

7. Шеърнинг оҳангига эътибор қилинг. Уни баланд овозда ўқиш мумкинми? Асарнинг ўзингиз топган оҳангини нималарга асосланиб аниқладингиз?

8. Шеър кимга аталган деб ўйлайсиз? У Фитратнинг аввалги шеърларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

9. Шеърни ёд олинг.

ЯНА ЎНДИМ

Юрагимнинг қалин, қизғин олови-ла қайнагон
Кўз ёшларим, қайдасиз?

Куним каби узун, қора шу кечада кутуб мен
Эришмадим сира сизга, нега бўйла¹ қочасиз?!
Нечун мени сабабсизча унутдингиз, айттингиз?

Ўтунамен, ялинамен, қочмангиз, қайтингиз!
Яна бутун борлигимнинг негизлари ерилди.
Умидимнинг кўп чидамли тераклари йиқилди.
Хаёлимнинг тотли, чучук соатлари бутуилай
Узоқлашиб кетди мендан... тўсуб турар йўлимни.

Ўлим дағи қутқоргани келиб тутмас қўлимни.
Кеча унинг нур тенгизи бўлгон гўзал манглайин
Толғаланмиш² кўргач мен...

Ер юзида борлигимни кўрсатмакдан уялдим,
Ютдим бутун қайғуларнинг, мотамларнинг оғусини.

Жон тутғуси бўлган кўзи оғир, нозли сузиларди,
Бироз бурун чоғир ичган париларга ўхшарди.
Билмам нечун ўйнарди!..

Каъба узра айлангувчи кўтарчиндек³ юрагим.
Соатларча шул кўзларининг теграсида айланди.

Бироқ у
Менга сира боқмади.

¹ Бўйла - бундан

² Толғаланмиш - тирншган

³ Кўтарчин - қаптар

Йиғладим,
Кулдим,
Ёлиндим,
Тушундим –
Биттаси ҳам мизожига ёқмади.
Йиғла бир оз, ўқсузланган тилагим,
Мен ҳам сендай бахтсизликка тутундим,
Умидсизлик ора тушуб, йўқсул жоним ўртанди.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг номига эътибор беринг. Шоирнинг кўз ёшларига мурожаат қилаётганлиги сабабини айтинг.

2. **„Куниим каби узун, қора шу кечада кутуб мен“** мисрасида шоирнинг бадийиёфода маҳорати қандай намоён бўлганлиги ҳақида фикр юритинг. Куннинг қора кечага ўхшатилаётганида маантиқсизлик йўқми?

3. Лирик қаҳрамоннинг кўз ёшига эриши олмаётганлиги ва унга ялинаётганлиги боиси ҳақида мулоҳаза билдириш. Кўз ёши унга нима бериши мумкин эди деб ўйлайсиз?

4. **„Умидимнинг кўп чидамли тераклари йиқилди“** мисрасидаги ташбеҳни шарҳланг. Унинг миллий асослари ҳақида фикр билдириш.

5. Улимдан нажот топмоқчи бўлаётган лирик қаҳрамон руҳий ҳолати ҳақида ўйлаб кўринг.

6. Қаҳрамоннинг: **„Ер юзида борлигимни кўрсатмакдан уялдим“** деган ҳасрати сабабини топишга ҳаракат қилиш.

7. Шеърдан маҳубанининг ҳумор кўзлари жула образли тарзда тасвирланган ўринни топинг ва буни изоҳланг.

8. Шеър охирида мисраларнинг қисқариб, бир сўз бир сатрга айланганлиги сабабини тушунтиришга урининг. Бунга бирор бадийиёхтиёж бормиди?

9. Шеърнинг оҳангига эътибор қилиш. Уни лирик қаҳрамон кайфиятига солиштириб кўринг.

Тестларни ечинг:

1. **“Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида Элин, юртин, бориин-йўғин сотқонлар?”** сатрларида шоирнинг қандай фикру туйғулари акс этган?

А. Миллат ҳодига ачиниш, душманларга нафрат. Б. Ватанининг қарамлигидан афеус, сотқинлардан нафрат, озодлик учун курашга ундаш. В. Иложсизлик. Г. Қуллик ва сотқинликдан нафрат. Д. Тўғри жавоб йўқ.

2. Фитрат **“Ўгут”** шеърда йигит учун зулмдан қутулишни қандай йўллариини кўрсатади?

А. Турма – югур, тинма – тириш. Б. Буқилма – юксал, ҳуркма – кураш. В. Қўркма – ёлиш, йўрилма – қўзғал. Г. А, Б, В жавоблар. Д. Тўғри жавоб йўқ.

3. **“Куниим каби узун, қора шу кечада кутуб мен”** сатри маъносини изоҳланг.

А. Тун қоронғи бўлишини кутдим. Б. Мен сени кутган кеча кундуздай қоронғи эди. В. Мен сени кутган қоронғи кеча ҳам сени кутган кундузларим каби узун эди. Г. Мен сени кундуздай узун кечаси кутдим. Д. Тўғри жавоб йўқ.

МУМТОЗ АНЪАНАЛАРГА СОДИҚ ШОИР



Мустақил Республикамиздаги ўзбекзабон адиблар ҳақида сўз кетганда, беихтиёр Маҳжурий домлани эслаймиз. Маҳжурий домла Андижонда таваллуд топган бўлса-да, тақдир тақозоси билан умрининг асосий қисмини Ўш шаҳрида ҳижратда¹ кечирди. Собит имон соҳиби бўлган Маҳжурий домла ҳам чуқур билимли ислоний олим, ҳам мумтоз адабий анъаналарга содиқ қолган шоир эдилар. Мумтоз адабий анъаналар йўлида ижод этган шоирдан кўплаб ғазаллар, мухаммаслар, шеърий насихатлар, манзумалар, мактублар мерос қолди. Шоирнинг фарзандлари бу адабий меросни тўплаб “Ҳижратда ўтган умр” номи билан 2006 йили Андижонда нашр эттирдилар. Китобга таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори

Иброҳим Ҳаққул сўзбоши ёзди. Қуйида шу сўзбошидан каттагина нарча келтирамиз:

Шеър – хотира чироғи

Ҳақиқий изтироб ҳеч пайт инсонни маънан тўхтатмайди, балки курашга, фаолиятга чорлайди. Боз² устига, фақат теран изтироб, нурли азоб бағрида одам ўзининг шахсий ҳаётини чуқурроқ ҳис қилади. Зеро, армон ва изтиробда том маънодаги бир қатъият, ҳақсизликка қарши исён шаклланиб боради. Ана шунда сабр-бардош ҳам куч ва эркинлик майдонига айланади. Аввало шу ҳақди икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Биз туғилиб ўсган муҳитда китоб ва китобхонлик жуда қадрланарди. Раҳматли бобом – дадамнинг оталари – дунёнинг оқу-қорасини яхши фарқлайдиган, намозхон, Аҳмад Яссавий, Хожа Ҳофиз, Мирзо Бедил китобларини қайта-қайта мутолаа қиладиган киши эдилар. Бобом, айниқса, мадраса кўрган, Ҳофиз, Бедил шеърларини ўқиб шарҳлай оладиган илмли

¹ Ҳижрат – мусофирлик, айрилик.

² Боз – ана.

одамларни кўнглига ниҳоятда яқин олар ва жуда-жуда ардоқлардилар. Унингча, ақл ва маърифат чироғи худди ана шундай оқилу фозилларнинг қалбидан зиё таратарди...

Ғарибдирман, ғарибларнинг ғариби,
Кўзим ёши тегирмоннинг ариғи, –

деган байтни ўзича бобом бот-бот такрорлагувчи эди. Ғариб ким, ғариблик нима, ушбу байт орқали қандай ҳасратли туйғулар ифодаланган – буларни мен – ўшанда аниқ англаёлмаганман, албатта. Анча кейин англадим, не-не илмли донишманд боболаримиз дилларидаги чўнг ҳасрат, муқаддас орзу-истакларни ошкор қилолмай бу фоний¹ дунёни тарк этишга мажбур бўлганликларини билдим...

Шўро давлати юртимизда тарихан мисли кўрилмаган бирақлий чорасизлик, маърифат соҳиблари қўрқиб, қимтиниб, табиий ҳолатларидан йироқлашиб яшашга маҳкум қилинган. Чиндаб бўлмас бундай аўравонликка чидаш, енгил шарт ва зарур бўлган бу қабоҳатни узоқ вақт енга олмаслик миллатимизнинг дини, илмий салоҳияти, адабиёти ва истиқболига қанча зарар етказган? Бугун буни ҳеч ким тўла аниқлаб ҳам, таърифлаб ҳам бера олмайди. Бир муҳим тасалли шундаки, ҳар қандай оғир шароитда энг машҳум таҳликали замонларда ҳам ўз илдизи, яъни дини, тили, тарихи ва миллий ирқидан ажралмаган зиёлиларимиз сони унча камчил бўлмаган. Улар даҳрийликни² диндорлик, эътиқодсизликни эътиқод, мутъеликни гурур, жаҳолатни маърифат деб билмайдиган даражада маънан кучли, ҳақиқатга содиқ ва дёнатли зотлар бўлишган. Илм ва иймон қуроли ила мана шулар субутенликлардан ўзларини асраб, халқ ва юрт учун баҳоли қудрат ҳолис хизмат этганлар.

Анджонда туғилиб камолга етишган ва Маҳжурий таҳаллуси билан шеърлар ёзиб, катта мерос қолдирган Муҳаммадхон мулла Исҳоқ ўғли худди шундай унутилмас шахсиятлардандир. Маҳжурийнинг туғилган вақти тахминан 1889 йил августининг охирларида деб қайд этилган. У диндор ва илмди бир оиланинг фарзанди бўлгани учун яхши тарбия топган, боладигидасқ ўқиш ва ўрганишга кучли қизиқиш пайдо қилган. Хўжанддаги “Миён Ҳазрат” мадрасасида, Анджон уламолари ҳузурда таҳсил олган йиллари Маҳжурий фақат форс ва араб тилларини пухта билладиган олимгина эмас, шарқ шеърляти анъаналари, хусусан, Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Фузудий, Мирзо Бедил тажрибаларидан илҳомланиб, шеърлар ижод қилган шоир сифатида танила бошлаган.

¹ Фоний - ўткинчи, вақтинча.

² Даҳрийлик - худосизлик, динсизлик.

Маъжурий анъанавий мавзуларда қалам тебратгани боис шакл танлашда ҳам анъанавийлик талаб ва қоидаларига амал қилган. Унинг газал, мухаммас ва бошқа жанрларда ёзилган шеърлари билан танишган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади, шу билан бир қаторда шоир шеърларида қўлланилган поэтик тасвир воситалари ва бадийий санъатлар ҳам салафлар тажрибаси ва таъсири билан вобасталигига¹ иқрор бўлади.

Маъжурий ижодиётининг бир жиҳатини мен алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Маъжурий ишқни куйлаган, муҳаббат сирларини очишга уринган ошиқона шеърлар муаллифигина эмас, у улкан ахлоқ тарғиботчиси ва:

Нетонг майхонанинг ринди бўлиб, завқи сафо топсам,
Кўрингай акси ҳуснинг соғари саҳбойи ноб ичра. –

сингари ирфоний² маъноларни илгари сурган мутасаввуф шоир ҳамдир. Аммо у ҳеч бир ўринда тасаввуфий ҳолат, кайфият ва ҳақиқатлар ифодасида атайинлик, сунъийлик, зўракиликка ён бермаган. Бу ҳам муҳим, албатта.

Маъжурий табиатан дидактикага³ мойил бўлган. Шунинг учун у ўзича шеърни илм, маърифат, таълим-тарбия воситаси деб бидган. Одатда, бундай қаламкашлар ҳар бир исон биллиши, амал этиши зарур бўлган диний, ахлоқий, маърифий муаммоларни ёритишга кўпроқ куч сарфлайдилар ва одамларни огоҳлантирувчи ҳар турли, маънавий хасталик ёки фикрий ноқисликлардан сақланишга ёрдам берувчи ғояларни изчиллик билан талқин қиладилар. Туркий тилда ижод этган Мавжий деган шоир:

То ибтидои⁴ олама босдик қадам ҳамон,
Биддик, келур қулогимизга интиҳо⁵ саси, –

дейди. Ибтидодаёқ интиҳони ўйлаш, умр аввалиданоқ фанолик мушоҳадасига эҳтиёж сезиш учун исонда катта ақл-идрок бўлишидан ташқари, у нузли бир тафаккур эгаси ҳам бўлмоғи керак. Ана шу фазилатлар Маъжурий домда учун ҳам характерли эди, десак, бизнингча хато бўлмайди. У киши азбаройи билаёнлиги ва алломалигидан Садриддин Айний, Фафур Фулом, Ойбек каби академик адибларимизнинг ҳурмат-эҳтиромига мушарраф бўлган. Маълум бир найт жумҳурият пойтахтида йирик навоийшунослар сафида меҳнат қилган. Қимми исоннинг қимлигини билишини истаса, энг аввало унинг руҳонияти ва фикрий ҳаёти билан қизиқиши керак. Руҳи якранг, фикрий ҳаёти жўн

¹ Вобасталик – боғлиқлик.

² Ирфоний – маърифий.

³ Дидактика – таълим-тарбия, пайл-иланҳат берish.

⁴ Ибтидо – бошланғич.

⁵ Интиҳо – тугаш.

кимсаларнинг маҳдудлигига чидаш азоб. Нечоғлик самимий ва тажрибали кўринишмасин, кўнгли уларни мусоҳибликка¹ арзитайди.

Ушбу мажмуадан Маҳжурнинг – Сайфий, Хуррам, Ҳабибий, Улфат, Анисий, Доғий, Фаҳрий, Файзийга ўхшаш бир неча шоирлар билан мушоиралари² ҳам ўрин олган. Маҳжурга замондош бу шоирлар уни айнан қалби қалбларга туташ, ҳозиржавоб зукко ижодкор дўст сифатида ардоқлаганлар. Чунки у бедилхон ва Бедил шеърларининг таржимони киефасида ҳам ҳурматли бўлган...”

Ўтган асрнинг 30-йилларидаги қатағон шамоли Маҳжурий домлага ҳам етиб келади. Юқориди айтганимиздек, етук исломий олим сифатида танилган Муҳаммадхон Маҳжурий “ҳақсиз”лар рўйхатига олинади ва рўйхат улар яшайдиган маҳалла бошига илиб қўйилади. Бу ҳақда шоирнинг ўғли Мақсудхон шундай ёзади: “Дўстлари у кишини бу ҳақда дарҳол хабардор қилиб, тезлик билан Андижондан чиқиб кетишни маслаҳат беришади. Домла фурсатни ғанимат билиб, тезлик билан Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига қочиб борадилар ва ўша ердан паноҳ топадилар. Маҳжурийнинг бу ҳижратлари 1933 йили содир бўлган эди. Ўшда ҳам давлат одамларидан узоқроқ юриш учун шаҳардан четроқда жойлашган “Дом отдўх”га “кочегар” – (ўт ёқувчи) бўлиб ишга жойлашадилар. Кейинчалик оила аъзоларини ҳам кўчириб келтирадилар. Шу тариқа то 1938 йилгача Ўшда умргузаронлик³ қиладилар. Шу воқеа таъсири ўлароқ ўзларига Маҳжур (ҳижрат қилган, ўз юртидан айриликда яшаган) тахаллусини лозим топадилар...”

1938 йили Ўзбекистон Коммунистик партияси биринчи котиби Усмон Юсупов топшириғи билан шоирлар – Собир Абдулла, Анисий ва Ҳабибийлар Ўшга келиб, Маҳжурий домлани Тошкентга олиб кетишади. Маҳжурий 1938 – 1941 йилларда Тошкентда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларида қатнашади; шоир асарларини араб ёзувидан лотин, кейинчалик рус ёзувига ўгиради, Навоий асарлари луғатини тузишда иштирок этади.

Уруш ва урушдан кейинги йилларда Маҳжурий домла Андижонда, Янгийўлда, Бухорода, Мирзачўлда, Булоқбошида яшаб, театрда “адабий эмалдош”, “Мир араб” мадрасасида мударрис, жомеъ масжидларда имом хатиб лавозимларида хизмат қилди.

Ўзилари Мақсудхоннинг маълумот беришича, Маҳжурий домлани 1958 йили “Қирғизистоннинг Ўш вилояти қозиси Шафоат ҳожи домла, назорати диниядан руҳсат олиб Ўш шаҳридаги “Шаҳидтепа” масжидига имом хатиб

¹ Мусоҳиб – суҳбатдош, мусоҳиблик – суҳбатдошлик.

² Мушоира – шеърини баёқ, тортишуя, мусобика.

³ Умргузаронлик – умр кечириш, яшаш.

қилиб олиб кетадилар. Ўшда 1958 йилдан 1973 йилгача хатиб бўлиб умрларининг охиригача ишлайдилар. Демак, илгариги, яъни 1933 – 1938 йилларда Ўшда турганларидан ташқари яна 15 йил Ўшда истиқомат қилиб, оилалари билан яшайдилар. Бу давр мобайнида Ўш қаламқаш адиблари у кишини жуда ҳурмат билан тилга олишиб, ўз суҳбатларида мароқ билан ғазал, ашъор, мухаммасларидан ўқийдилар, эслайдилар. Ўш шаҳрининг аҳолиси Маҳжур домлани жуда эъзозлаб, ҳурматлаб, қадрларига етар эдилар. Ҳатто бу кишининг Андижонга кетиб қолмасликлари учун тadbир қилишиб, кенжамиз Маъруфхонни Ўшдан уйлаб қўйишди ҳам. Ҳозир ҳам укам Маъруфхон уч ўғил ва уч қиз фарзандлари билан Ўшда бахтиёр ҳаёт кечирмоқда...”

Маҳжурий домла тўрт ўғил, икки қиз фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Шоир авлодлари – Аҳмадхон, Маҳмудхон, Азизахон, Мақсудхон, Шаҳодатхон ва уларнинг фарзандлари Ўзбекистонда, кенжа ўғиллари “Шаҳидтепа” масжиди имом хатиби Маъруфхон (Аллоҳ раҳмат қилсин) домланинг фарзандлари Ўшда истиқомат қиладилар.

Савол ва топшириқлар:

1. Қирғизистонлик ўзбек адибларидан кимларни биласиз? Уларнинг қандай асарларини ўқигансиз?
2. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул Маҳжурий шахсияти ва ижодига қандай тавсиф беради?
3. *То ибтидон олама босдик қадам ҳамон,
Биддик, келур қулоғимизга интиҳо саси,* – байти маъносини тушунтиришга урининг. Байтнинг Маҳжурий шахсиятига қандай алоқаси бор?
4. Маҳжурийнинг биринчи бор Ўшга келиб қолиши сабабини изоҳланг. Сизнинг аждодларингиздан ҳам ҳижрат фожиясига учраганлар борми? Оилангиздаги катталардан сўраб аниқланг ва дафтарингизга ёзиб қўйинг.
5. Маҳжурийни кимлар ва нима учун Ўшдан Тошкентга олиб кетишди?
6. Маҳжурийнинг Ўшга иккинчи бор келиб яшashi ҳақида гапириб беринг.

Маҳжурий домланинг фарзандларига қилган дил изҳорлари

Болаларим! Менинг ҳаётимнинг охири яқинлашиб келмоқда. Мен сизларнинг ҳар қайсиларингизга атаб биронта мерос қолдиrolмадим. Чунки умрим қашшоқликда ўтди. Ҳар ҳолда сизларни катта қилгунча, ҳар қанча меҳнат-машаққатлар чексам ҳам, яхши ният ва ҳалол меҳнат билан тарбияладим. Натижада ҳар бирингиз оталик ва оналик даражасига етдингизлар. Мана энди давлатимизнинг ишлаб чиқариш тармоғларида жамият хизматини бажармоқдасизлар. Энди сизларга қолдирадиган меросим – фақат менинг бу шеърый пайд ва насиҳатларимдур.

Насиҳат

Аё фарзандларим, сизга насиҳат,
Қилай, ҳозир тирикман бир васиат.
Худонинг бирлигини дил бирла иқроп,
Этинг тасдиқ тилини сиз анга ёр.
Росулulloҳни пайғамбарлигини,
Бутун инсонлара раҳбарлигини.
Билиб чиндин, бўлинг тоза мусулмон,
Ҳақиқатда эрур бу асли иймон.
Мусулмонлиғ турур беш вақт намозда,
Муни тарк этмангиз ҳеч қишу ёзда.
Ўқинг доим, ўқишдан асли қолманг,
Билим истаб юришдин ҳеч толманг.
Икки дунёда нодонлик зарардур,
Жаҳолат ичра кўп хавфу хатардур.
Жаҳон обод эрур бу илм бирлан,
Тараққий бўлғай ушбу илм бирлан.
Билимлик тобқуси ҳар вақт иззат,
Билимсиз кўргуси ҳар вақт меҳнат¹,
Ўзингизни тутинг покизаю пок,
Сира бўлманг киру ифлосу нопок.
Ҳасад қилманг биров бой бўлса ҳаргиз,
Берур Ҳақ сизга ҳам, чиндан тиларсиз.
Ҳамиша ўйламасдан сўзни айтманг,
Сўз айтиб тўғри, андин сўнгра қайтманг.
Жаҳонда бўлмангиз ҳаргиз дилозор,
“Дилозордан Худо ҳам халқ безор”,
Фалақдан етса кулфат ё машаққат,
Жуда ортуқча чекманг анга диққат.
Келур ҳар кимга гоҳи-гоҳда қайғу,
Қилинса сабр, келгай сўнгра қулғу.
Қилинғ ҳар ишни доим маслаҳатлиғ,
Бўлур ул иш, албатта, манфаатлиғ.

¹ Меҳнат - бу ерда: азоб-уқубат, қийинчилик маъносига.

Бўтам, ҳою ҳавасларга берилманг,
Бекорга мақтаниб, ҳаргиз керилманг.
Илож айлаб, бировдан қарз олманг,
Ўзингизни хижолат ичра солманг.
Оғизга олмангиз зинҳор ичимлик,
Яна сассиқ, ҳаром, ҳар хил чекимлик.
Киши айбин ёпинг мумкин қадар сиз,
Чиқарсиз, эҳтимол, андин батар сиз.
Мазаҳ айлаб бировни кулгу қилманг,
Халойиқ ичра ўзни тулку қилманг.
Топинг дунёни, сарф айланг ерига,
Ҳисоб тонг-ла берурсиз ҳар бирига.
Ўлимни кўзни олдида тутинг сиз,
Ҳаётингизда огоҳлик кутинг сиз.
Қилинг ото-онони яхши иззат,
Туғишганларни ҳам ғоятда ҳурмат.
Қариндош, ёру дўсту ошнони,
Суюнг сиз, бўлмаса ҳам ошу нони.
Топиб имкон қилинг элга мурувват,
Қилур эл сизга ҳам дилдан муҳаббат.
Амонат олсангиз қилманг хиёнат,
Хиёнатчи кишига етгай офат.
Қилиб алдамчилик ёлғон гапурманг,
Эл ичра эътиборингизни кетурманг.
Бировга қилсангиз ваъда мабодо,
Вафо қилмай ани қолдурманг асло.
Салом айланг, йўлуқса аҳли ислом,
Салом ила бўлур эъзозу икром.
Гапурган чоғда сўзни чўзмангиз ҳеч,
Сўзингиз равнақин кеткузмангиз ҳеч.
Бировлар бирла асло гина тутманг,
Қилур ким яхшилик, они унутманг.
Туринг қарши, қаерда бўлса бидъат,
Қабул айланг, ҳар ишки бўлса суннат.

Кишини ҳаққини еб кетманг асло,
Ҳақиқат бўлса сўз, беркитманг асло.
Учиб кетманг биров таъриф этаркан,
Бўлинг вазмин, агар ҳовлуқтураркан.
Агар бир кимса сизга бўлса меҳмон,
Қабул айланг очиқ юз бирла ул он.
Қилинг имконият борича ҳурмат,
Суриштирмай онингдин дину миллат.
Бировни айламанг ғийбат, шикоят,
Эрур бу иш шариятда жиноят.
Гуноҳкор бўлсангиз билмай баногоҳ,
Ёнуб ул онда денг: “астағфируллоҳ”.
Сўранг Аллоҳдин инсоф ила тавфиқ,
Ўзингизни қилинг тафтишу таҳқиқ.
Талабни ҳар қачон Аллоҳга айтинг,
Тилашдан ўзгадан, албатта, қайтинг.
Кўринг ўз айбингизни ҳар қачон сиз,
Назар солманг биров айбига ҳаргиз.
Бўлинг обрў топар учун ҳаёлиғ,
Ҳаёсизлиғ эмасму бевафолиғ.
Керак душманга ҳам яхши гапурмоқ,
Бу йўл бирла бориб, ишни битурмоқ.
Тириклик ичра ялқовлик ёмондур,
Ики дунё учун ҳам кўп зиёндур.
Итоат айлангиз амри Худога,
Амал айланг ҳадису Мустафога.¹
Яна ким бўлса элга ҳукм этувчи,
Бўлинг албатта сиз амрин тутувчи.
Мудом авлодингизни йўлга солинг,
Аларга тўғрилиқдур денг камолнинг.
Насиҳат айлангиз доим аларга,
Беринг огоҳлик нафъу² зарарга.

¹ Ҳадису Мустафо – Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг айтган сўзлари ва ҳудуди одоблари

² Нафъ – фойда.

Хусусан, ўргатинг дину диёнат,
Аларни унғмасун¹ жаҳлу залолат.

Тоғиб тавфиқ² тўғри йўлга тушсин,
Шаъриятни ипини маҳкам тутишсин.

Буни, Маҳжур, ёздим ўқилур деб,
Менинг учун дуо шояд қилур деб.

Савол ва топшириқлар:

1. Панд-насиҳат мавзусида қандай асарларни ўқигансиз, эслаб кўринг.
2. Шоир насиҳатини қандай мавзуда бошлайди? Бу Сизга маъкулми?
3. **“Икки дунёда нодонлик зарардур,
Жаҳолат ичра кўп хавфу хатардур”**, байтида шоир нимага даъват этади?
4. Шоирнинг ҳасад ҳақида айтганларни қайта ўқинг ва изохлаб беринг.
5. Шоир дилозорлик ҳақида қандай халқ нақлини келтиради? Дилозорлик ҳақида яна қандай мақол, шеър ёки фикрларни биласиз?
6. Маҳжурийнинг сабрлилик, қаноатлилик, кибр, покизалик, соғлом турмуш тарзи ҳақидаги қарашлари сингдирилган байтларни тоғиб шарҳланг.
7. Шоир ота-она, қариндош-уруғ, эл-юртга муносабат масаласида нималарга даъват этади, нималардан қайтаради? Шоир фикрларига қўшиласизми?
8. **“Туринг қарши, қаерда бўлса бидъат,
Қабул айланг, ҳар ишқи бўлса суннат”**, дейди шоир. Бидъат ва суннатни фарқлай оласизми? Ўзингизни суннатга амал қилиб яшайман деб ҳисоблайсизми?
9. Маснавий-насиҳатида шоир инсонийликнинг яна қайси жиҳатлари ҳақида фикр юритади, фарзандларини нималарга даъват этади?
10. Шеърининг жанри, бадий хусусиятлари, қофия тизими ҳақида нималар дея оласиз?

Ғазаллар ва мухаммас

Шеъриятда мумтоз адабий анъаналарга содиқ қолган Маҳжурий адабий меросининг асосий қисмини ғазаллар ва мухаммаслар ташкил этади. Шоирнинг “Ҳижратда ўтган умр” тўпламида 70 дан ортиқ ғазал ва 50 га яқин мухаммас бор. Ғазаллар мавзу доираси жуда кенг, ранг-баранг. Тўпланда исломий мавзудаги ғазалларни ҳам, совет кишиларининг меҳнат зафарлари куйланган ғазалларни ҳам, тарихий (фашизм устидан қозонилган галаба) ёки табиий (зилзида, қалин қор) воқеалар тасвирланган ғазалларни ҳам, фарзандларга, набираларга ёки ёру биродарларга бағишланган ғазалларни ҳам учратиш мумкин ва уларнинг бадий савияси ҳам турличадир. Бу ҳақида адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул шундай ёзади: “Маҳжурий домланинг шеъриятидан танланган намуналарни адабиётимиздаги фавқулудда ҳодиса ёки ғоявий-бадий кашфиёт дея сизнинг диққатингизга ҳавола этаётганимиз йўқ. Зеро, шоирнинг ҳамма шеъри бошдан оёқ юксак савияда бўла олмайди”.

¹ Унғмасун - эблалмасин

² Тавфиқ - тўғри йўлди, яъни исломни йўлини тоғиш, танлаш

Бироқ шоирнинг муҳаббат лирикаси ўзига хос майин ва жозибалидир. Муҳаббат туйғулари ифодаланган ғазал ва мухаммасларда лирик қаҳрамон ҳақиқий, садоқатли, маъшуқа ҳусни тароватидан, гўзаллигидан сархуш, хушнуд кайфияттаги ошиқ сифатида намоён бўлади. Маъшуқанинг ҳар бир сўзи, ҳукми, хатти ҳаракати ошиқ учун гўё қонуи – у бўйинсунади. Ишқ йўлида ошиқ маъшуқа чарос кўзларидан сачраган чақинда куйишга, унинг киирикларидан отилган ўқлардан ўлишга, элга Мажнундек кулги бўлишга, маъшуқа зулфларидан қурилган дорга осилишга ҳам тайёр:

Зулфингиз занжири ичра бир йўли чирмаб мени,
Қатлима дори ғазаб қурдурсангиз ҳам, майлингиз.

Биргина маана шу байтнинг ўзи Маҳжурийнинг юксак бадий иқтидорини намоён этиб турибди. Фикр, туйғу ифодаси учун танланган сўзларнинг майинлиги, маънодорлиги (зулф, занжир, ичра, чирмаб, қатл, дори ғазаб), айниқса, Ўш шеvasига хос “майлингиз” сўзининг радиф бўлиб келиши, товушлар уйғунлиги, вази мутаносиблиги (рамали мусаммани маҳзуф – фоилотун фоилотун фоилотун фоилун), тўлиқ қофиялар байтга ўзига хос ҳам мазмун, ҳам оҳангдорлик, жозоба бағишлаган.

Маҳжурийнинг айрим ғазал ва мухаммасларида ғарибликдай, мусофирликдан нолиш, шикоят, ҳасрат оҳанглари ҳам эшитилиб қоладики, бу шоирнинг биографияси, ҳаёт йўли, тақдири билан боғлиқ:

Нечук қон йишламай, тушдим йироқ гул юзли ёримдин,
Борурман гурбат ичра ажралиб хешу таборимдин¹,

Қуйида шоир тўнламадан танланган инжулар деб билганимиз ғазалларни ва бир мухаммасни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ёднома

Гулшага² айлаб саёҳат, таъбингизму чоғлар,
Соф ҳаволарда қилиб сайру тамошо тоғлар.

Майсазор ичра очилган ранг-баранг гуллар кўруб,
Шод эрурсизму кетиб дил саҳфасидин доғлар.

Хуш қилиб қўнгулни ҳар дам яйрангу яшанг,
Бордингизлар чунки бир тан, бир бадан ўртоғлар.

¹ Хешу табор - қариндош-уруи.

² Гулша – Ўш области, Олов райони маркази номи. Гулша: “1960 йили Ўшда турган чоғимда бир неча қадрили дўстлар, Гулшасга қомиз яшиб, саяхат қилиб келмоқчи бўлиб, кетгювлари сўнгинда ёднома учун ёзилган” – Маҳжурий илоҳи.

Ёдингиздан чиқмасак, биз ҳам симиргаймиз мудом,
Нўш¹ қилғонда қимиз бирла қати-қаймоғлар.

Авжингиз паст ўлмасун, ичган қимиз кайфи билан,
Ёзилиб чиққон чоғингиз ёнбағир қирғоқлар.

“Чоргоҳ”, “Дугоҳ”, “Баёт”, “Ушшоқ”у “Гулёр” айтишиб,
Завқ ортиб дўппиларни айлабон қай тоғлар.

Келсангиз ўйнаб-кулиб, соғу саломат Ўш томон,
Йўқ ажаб, Маҳжур ила қилсак тафарруж² боғлар.

Ўш 12. 07. 1960 йил.

Айлаб келинг

Кулбам ичра бир йўли нозик хиром айлаб келинг,
Ул шакардек тил била ширин калом³ айлаб келинг.

Хуснингизни нуридан шамъи шабистоним⁴ бўлиб,
Кўзларимга уйқу келмоқни харом айлаб келинг.

Топти зийнат кўз уйи рангин⁵ ёшимнинг нақшидан,
Эй пари, мардумлиг⁶ этмоққа мақом айлаб келинг.

Сочингизга тор этиб бу жони зорим риштасин⁷,
Базми ишратни қурарга майли жом айлаб келинг.

Йўлингизга мунтазир⁸ Маҳжурингизнинг кўзлари,
Лутф⁹ ила эй нозанин, бир эҳтимом¹⁰ айлаб келинг.

Елпиндиму?

Тутти мушк¹¹ оламини, гул юз терлабон елпиндиму?
Ё сабодин¹² сочларин сунбуллари силкиндиму?

Эгма қош остида кўзму, ё ики оҳуи – чин,
Икки қайрилғон санабарга¹³ кириб, беркиндиму?

¹ Нўш – ичмоқ.

² Тафарруж – сайр, томошо, кўнгил очиш.

³ Калом – суз.

⁴ Шабистон – кели, тун.

⁵ Рангин – бўялган, қизарган.

⁶ Мардумлиг – одамгарчилик.

⁷ Ришта – ил.

⁸ Мунтазир – интизор.

⁹ Лутф – илтифот, марҳамат.

¹⁰ Эҳтимом – таваҷҷуҳ.

¹¹ Мушк – қора рангли куншўйи модда.

¹² Сабо – тоғти майин шабада.

¹³ Санабар – оқ қайиш, бу ерда, маълумқа қоши.

Ажратолмасман тўлин ойму, ул ой рухсориму¹,
Кўзларим порлоқ юзининг шуъласидин тиндиму?

Жилваму қилди жамолин акси жоми май аро,
Ё қуёш васлини томошосига кўкдин индиму?

Тер аросидин кўрингон қора холиму экан,
Ё гуҳар термоқ юзидин сувга чўмган ҳиндиму?

Нозпарвардим қадам еткурмади кўз уйиға,
Таънаи ағёрдин² хижолат чекиб, тортиндиму?

Қарши олмоққа бадандин чиқғали жон талпинур,
Келғали кулбамга ул ҳиммат самандин³ миндиму?

Васл даврида қадаҳ тутқонда мен Маҳжурга,
Етса басдур, томчидек оқиндиму, силқиндиму?

Тошкент 07. 03. 1940 йил.

Майлингиз

Кўз учида бир қараб куйдурсангиз ҳам, майлингиз,
Ғамза⁴ тингидин мени ўлдурсангиз ҳам, майлингиз.

Чин кўнгилдин бир вафога ваъда айлаб лутф ила,
Қанча чекмоққа жафо кўндурсангиз ҳам, майлингиз.

Лайлидек меҳру муҳаббат боғлаб эй жонон, менга,
Элга Мажнундек мени кулдурсангиз ҳам, майлингиз.

Сиз баҳори лутфдан очиб дилимнинг ғунчасин,
Нахли⁵ умрим қаҳр ила сўлдурсангиз ҳам, майлингиз.

Васлингиз кайфи била маст айлаб, олиб ақлими,
Ҳарна ҳукм айлаб, бўюнеундурсангиз ҳам, майлингиз.

¹ Рухсор – юз, чеҳра.

² Ағёр – рақиб.

³ Саман – от.

⁴ Ғамза – кўз қисми, ишви қилиши.

⁵ Нахли – хурмо инҳоли, “нахли умр” бу сўзла, умр инҳоли.

Зулфингиз занжири ичра бир йўли чирмаб мени,
Қатлима дори ғазаб қурдурсангиз ҳам, майлингиз.

Сизга Маҳжур ихтиёрин берди, овлаб кўнглини,
Сўнгра кўзга қон ёшин тўлдурсангиз ҳам, майлингиз.

Андижон 08. 06. 1944 йил.

Фурқат ғазалига мухаммас

Нечук қон йиғламай, тушдим йироқ гул юзли ёримдин,
Борурман гурбат ичра ажралиб хешу таборимдин,
Тушиб бошимга савдо, қолмади сабру қароримдин,
Фигонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдин,
Ғамим кўб, эй кўнгил, сен беҳабарсан оҳу зоримдин.

Муҳаббат тоғида ҳолим чу Фарҳод ўлди андоқким,
Ишим ҳижрон ўтида оҳу фарёд ўлди андоқким,
Фалак кул қилди жисмим узра бедод ўлди андоқким,
Ғуборим¹ ишқ водийсида барбод ўлди андоқким,
Биёбонларда Мажнун тўтиё² излар ғуборимдин.

Тилаб васлин етолмасдан бўлубдур хаста аҳволим,
Юрак бағрим эзиб нолиш била ўткай маҳу солим³,
Ғаму қайғу ҳужумидин дамодам ўзгарур ҳолим,
Қизил қондур сиришким⁴, заъфарондир чехраи олим⁵,
Мени ким кўрса, фарқ этмас хазон⁶ бирла баҳоримдин.

Бу севги даштида жон, шубҳасиз, тандин жудо бўлғай,
Тилак шул, жисму жоним ёр кўйида фидо бўлғай,
Кўмилсам бўсағосин⁷ остида, лутфи Худо бўлғай,
Муҳаббат дардида ўлсам, ўтиб умрим адо бўлғай,
Қамишлар ўрнига меҳригиё⁸ унгай мазоримдин.

Бўлиб бемори ишқи, ҳаргиз ўрнимдин жиллолмасман,
Мадорим йўқлиғидин кўйининг азмин¹ қиллолмасман,
Бўлиб Маҳжур сарсонман, ўзимга ҳеч келлолмасман,

¹ Ғуборим – ғардим, бу ерда жисмим.

² Тўтиё – кўз дориси.

³ Маҳу солим – ою йилим.

⁴ Сиришким – кўз ешим.

⁵ Чехраи олим – қизил юзим.

⁶ Хазон – сарғайиш, сулиш, куз фазли.

⁷ Бўсағосин – эдинг; бўсағаси.

⁸ Меҳригиё – шифобахш ўт.

Адашган кимсадек, Фурқат, қаён борғум билолмасман,
Қачон бўлгайки, топгайман хабар ёру диёримдин.

Ўш 10. 04. 1960 йил.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳазалларни ўқинг ва улардаги мавзу ўзгачаликларини аниқланг.
2. “Ёднома” номли Ҳазалдаги воқеабандликни изоҳланг. Нима учун одамлар табиат кўйида интиладилар? Табиат Ҳазалдаги улар кайфиятига қандай таъсир ўтказди деб ўйлайсиз?
3. “Майсазор ичра очилган ранг-баранг гуллар кўруб,
Шод эрусизму кетиб дил саҳфасидин доғлар”, - байтини шарҳланг. Шоир қандай “доғлар”га ишора қилмоқда?
4. “Айлаб келинг” Ҳазалида Ошиқнинг қандай илтижолари ифодаланган? Ҳазалда қандай тасвирий воситалар қўлланилган?
5. “Елпидиму?” Ҳазалида қандай ҳолат акс эттирилган? Шоир маъшуқа портретини қандай чизади? Шеърни портрет-Ҳазал деса бўладими?
6. “Майлингиз” радифини Ҳазалдаги Ошиқ ва Маъшуқа образларини тасаввур қилишга уриниб кўринг. Ошиқнинг забун ҳолатига муносабатингиз қандай?
7. Фурқат Ҳазалига боғланган мухаммасда шоир таржиман ҳолига онд қандай жиҳатлар бор? Уни автобиографик шеър деса бўладими?
8. Ҳазаллар ва мухаммасни қиёсланг ва шаклга хос фарқиятларни аниқланг.
9. Ҳазаллардаги ва мухаммасдаги сифатлаш, ўхшатиш, истиора, муболага ва бошқа тасвирий воситаларни аниқланг ва адабиёт дафтарингизга кўчиринг.
10. Ҳазалларнинг вазиини, қофия тизими ва радифларини аниқланг ҳамда вази оҳангида ўқишга ҳаракат қилинг. Масалан:

Гул-ша-га ай // лаб са - ё-ҳат, // таъ-и-нгиз-му // чо - г - лар,
- V - - // - V - - // - V - - // - V - -
Соф ҳа-во лар // да қи - либ сай // ру та - мо - шо // то - г - лар,
- V - - // - V - - // - V - - // - V - -

Ушбу Ҳазал “**рамали мухаммаси маъзүф**” вазида ёзилган.

11. Шоир Ҳазалларидан намуналар ёд олинг ва вази оҳангида ўқинг.

Мухаммас ҳақида

Мухаммас мумтоз шеъриятимизда ҳам, замонавий шеъриятимизда ҳам кенг қўлланилган лирик жанрлардан биридир.

Мухаммас арабча “бешлик” демакдир. Яъни бандлари беш мисрали лирик шеър **мухаммас** дейилади. Мумтоз шеъриятимизда “мухаммас боғлаш” деган усул қадимдан амал қилган. Хўш, “мухаммас боғлаш” дегани нима?

Фикримизча, мухаммас бирор Ҳазалдаги мазмунни янада чуқурлаштириш, кенгайтириш, туйғу ва кайфиятни янада ёрқинроқ ифода этиш эҳтиёжи туфайли яратилади. Демак, Ҳазал байтларига олдидан байтлар қўшиб бандлари беш мисрали шеър ҳосил қилиш “мухаммас боғлаш” ҳисобланади.

Шоир икки хил йўл билан мухаммас боғлани мумкин:

1 Кўйининг аъзин (кўй - кўча; аъз - юрш) - кўчасига, маҳалласига бормоқлик ниъти.

1. Ўзга шоирнинг ғазалига мухаммас боғлаш.

2. Ўзининг ғазалига мухаммас боғлаш.

Шоирда ўзга бир шоирнинг ғазали кучли ҳаяжон, таассурот уйғотиши, ҳис-туйғуларига, кайфиятига мос келиши мумкин. Натижада шоир ғазалга ўзининг ҳис-туйғулари, фикр-ўйлари, кайфияти ифодасини қўшгиси келади, ғазал мазмунини кенгайтиришни истаydi. Бунинг у ғазал вазини сақлаган ҳолда, ҳар бир байтнинг биринчи мисраси олдига яна уч мисра қўшади. Қўшилган мисралар байтнинг биринчи мисраси билан қофиядош бўлади.

Масалан, юқорида танишганимиз Маҳжурийнинг Фурқат ғазалига мухаммаси қуйидагича яратилган. Фурқатнинг:

Фигонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдин,
Ғамим кўб, эй кўнгил, сен беҳабарсан оҳу зоримдин, –

матлаъли ғазали ҳижратдаги Маҳжурий домлада кучли ҳиссиёт уйғотади ва у байтнинг биринчи мисраси олдига уч мисра қўшади, натижада байт беш мисрага кўпайиб банд ҳосил қилади:

Нечук қон йиғламай, тушдим йироқ гул юзди ёримдин,	а
Борурман ғурбат ичра ажралиб хешу таборимдин,	а
Тушиб бошимга савдо, қолмади сабру қароримдин,	а
Фигонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдин,	а
Ғамим кўб, эй кўнгил, сен беҳабарсан оҳу зоримдин.	а

Шу тарзда кейинги байтлар ҳам беш мисрали бандларга айлантирилади. Сўнгги банднинг дастлабки уч мисрасида мухаммас боғловчи ўз исми ёки тахаллусини келтириши мумкин:

Бўлиб бемори ишқи, ҳаргиз ўрнимдин жилюлмасман,	б
Мадорим йўқлиғидин кўйининг азмин қилолмасман,	б
Бўлиб Маҳжур и сарсонман, ўзимга ҳеч келолмасман,	б
Адашган кимсадек, Фурқат, қаён борғум билолмасман,	б
Қачон бўлғайки, топғайман хабар ёру диёримдин.	а

Мухаммаснинг қофияланиш тартиби “а-а-а-а-а, б-б-б-б-а ва ҳоказо” тартибидadır. Юқорида қайд қилганимиздек, ғазал вазини ҳам айнан сақланади:

Му-ҳаб-бат то // ғи- да ҳо-лим // чу Фар-ҳо дўл // ди ан-доқ-ким,

V - - - // V - - - // V - - - // V - - -

И-шим ҳиж-ро // иў- ти- да о // ҳу фар-ё дўл // ди ан-доқ-ким,

V - - - // V - - - // V - - - // V - - -

Фа-лак кул қил // ди жис ним уз // ра бе-до дўл // ди ан-доқ-ким,

V - - - // V - - - // V - - - // V - - -

Ғу-бо-рим иш // қ(и) во-лий-си // да бар-бо дўл // ди ан-доқ-ким,

V - - - // V - - - // V - - - // V - - -
 Би- ё- бон-лар // да Маж-нун гў // ти- ё из- лар // гў-бо-рим-дин.
 V - - - // V - - - // V - - - // V - - -
 мафонйлуи // мафонйлуи // мафонйлуи // мафонйлуи

Шу ўринда айтиш лозимки, Фурқатнинг мазкур ғазали асоси шоира Нодира қаламига мансуб бўлиб, ғазал унинг умр йўлдоши Амир Умархон вафоти муносабати билан ёзилган:

Фигонким, гардиши даврон айирди шахсуворимдин,
 Гамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсан оҳу зоримдин.

Нодиранинг ёрдин айрилиш қайғуси мазмунидаги ғазалини Фурқат диёрдин, ватандин айрилиш мазмунига ўзгартириб татаббуъ ғазал сифатида ўз девонига киритган. Ғазалдаги ватандан, диёрдан айрилиш мазмуни Маҳжурий домла ҳиссиётларини жунбушга келтирган ва оқибатда гўзал ғазалдан гўзал мухаммас яратилган.

Шоирнинг ўз ғазалларига боғлайдиган мухаммаслари ҳам шу тарзда дунёга келади.

Савол ва ўзингизлар:

1. Мактаб кутубхонасидан мумтоз шоирларимизнинг китобларини олиб, улар ичидан мухаммасларини топинг ва ёққанларини дафтарингизга кўчиринг. Мухаммас тузилишини мақоладаги назарий маълумотларга солиштиринг.
2. Мухаммас жанрининг хусусиятлари ҳақида билгандарингизни эркин баён этишга ҳаракат қилинг.
3. Замонавий шоирларимиз ҳам мухаммаслар ижод этишадими? Фикрингизни мисоллар билан далиллашга урининг.
4. Бирор шоирнинг ўзингизга ёққан ғазалига мухаммас боғлашга ҳаракат қилиб кўринг.
5. Ўзингизга ёққан мухаммаслардан парчалар ёдлашга ҳаракат қилинг.
6. Мустақил топган мухаммасингизнинг вазини аниқлаб, схемасини чизишга уриниб кўринг.

АСҚАД МУХТОР

(1920 — 1996)



XX аср ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Асқад Мухтор 1920 йилнинг 23 декабрида Фарғона шаҳрида Маъсуд темирйўлчи оиласида туғилди. Асқад Мухторлар оиласи асли Татаристондан келган бўлиб, фарғоналиклар орасига сингишиб кетган, ўзбекча урф-одатларни тўла ўзлаштирган эди. 1931 йилда бўлажак адибнинг отаси вафот этиб, ўн икки боланинг учинчиси бўлган Асқадни етимхонага топширишга мажбур бўлишди. Болалар уйдаги мактабни муваффақиятли битирган Асқад Мухтор 1936 йилда Тошкентга келиб, журналистика курсида ўқийди. Айни чоғда „Ёш ленинчи“ газетаси тахририятида ишлайди. 1938 йилда Самарқанддаги

Ўзбекистон давлат университетига ўқишга киради. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Самарқанд университети Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат дорулфунунига кўшиб юборилади. Шу тариқа ўқишни Самарқандда бошлаган Асқад Мухтор унинг филология факультетини Тошкентда муваффақиятли битиради. Ўқишни тугатгач, Асқад Мухтор Андижонга ишга юборилди. У уч йил мобайнида педагогика институтида ўзбек адабиёти кафедрасининг мудирини бўлиб ишлади.

Талабалик йилларидаёқ ижод қила бошлаган ёш ёзувчи ҳаётида 1945 йилда пойтахт Тошкентга ишга келиши янги саҳифа очди, унинг ижодкор сифатида шаклланишини тезлаштирди. У аввал, „Ёш ленинчи“, „Қизил Ўзбекистон“ газеталарида бўлим мудирини, масъул котиб, сўнг „Шарқ юлдузи“, „Гулистон“ журналларида бош муҳаррир бўлиб ишлади. Ўзбекистондаги биринчи ҳафталик адабий газета – „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“га асос солди. Мамлакатимиз ёзувчилар уюشمаси котибини лавозимида ишлади.

Ўсмир ёшидан қўлига қалам тутган, дунё ва одамлар ҳақидаги ўйларини бадийий йўсинида ифодалашга уринган Асқад Мухтор чинакам ёзувчи даражасига етгунча, мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. Унинг биринчи шеъри 15 ёшида чоп этилган эди.

Асқад Мухторнинг шоирлик салоҳияти „Пўлат қуювчи“ (1947), „Ҳамшаҳарларим“ (1949), „Раҳмат, меҳрибонларим“ (1954), „Чин юракдан“ (1956), „99 миниатюра“ (1962), „Карвон кўнғироғи“ (1964), „Шеърлар“ (1966), „Қуёш беаланчаги“ (1971), „Сизга айтар сўзим“ (1978) сингари шеърлий китобларида ёрқин намоён бўлади. У ўзбек шеърлигига чуқур тафаккур ва мураккаб туйғулар тасвирини олиб кирган шоир эди. Шу билан ҳам Асқад Мухтор ижоди қатор ёш шоирлар учун маҳорат мактаби бўлди.

XX асрнинг 50-йилларига келиб, Асқад Мухтор насрий асарлар ҳам ярата бошлади. Унинг „Дарёлар туташган жойда“ (1950), „Қорақалпоқ қиссаси“ (1958), „Бухоронинг жин кўчалари“ (1980), „Жар ёқасидаги чақмоқ“ (1982), „Кумуш тола“ (1987) қиссалари, „Опа-сингиллар“ (1955), „Тугилиш“ (1960), „Давр менинг тақдиримда“ (1964), „Чинор“ (1969), „Аму“ (1984) романдари ўзбек насри тараққиётига сезиларли ҳисса бўлди.

Асқад Мухтор ўзбек драматургиясининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган адиб эди. Унинг „Мардлик чўққиси“ (1948), „Яхшиликка яхшилик“ (1949), „Самандар“ (1978) каби пьесалари анча йиллар театрларимиз саҳналаридан тушмади.

Асқад Мухтор ўзига ҳос мактаб яратган таржимон ҳам эди. Жаҳон адабиётининг Софокл, Тўқур, Пушкин, Лермонтов, Блок, Маяковский, О. Нил сингари қатор намояндаларининг асарлари Асқад Мухтор қалами туфайли ўзбек ўқувчиларининг бадиий мулкига айланди.

Адиб Асқад Мухтор 1996 йилнинг 17 апрелида вафот этди.

Сиз куйида адибнинг ривоятлар, ҳикоятлар ва қиссалар асосига қурилган „Чинор“ романидан олинган парча билан танишасиз.

ҚҲРҚОҚЛИКНИНГ ТЎЛОВИ

(„Чинор“ романидан парча)

Ривоят

Тошбақа судралиб бормоқда.

У бутунлай тупроқ рангида. Бўйинлари бурушган, кўзлари ўлик. Жони бор. Қимирлайди. Қасққа бораётганини билармикин? Муича секин қимирлайди? Қони совуқ бўлса керак-да. Бундай жонивордан ўлик ерининг ўзи яхши эмасми?..

Тошбақа бир замонлар тошбақа эмас экан. Ўтлоқларда майин барралардан тамадди қилиб, япроқларда йилтиллаган шабнам томчиларидан чанқоғини қондириб, кўм-кўк осмонга тикка қараб, жониворлар орасида кўркам ва мағрур, ҳаётнинг завқини суриб, дориломон яшаб юрар экан.

Қунлардан бир кун Чангали Мозандарон томондан йиртқич ҳайвонлар мўр-малахдек бостириб келиб, жониворлар ўртасида жангу жадал, ҳарбу зарб бошланибди. Лак-лак лашкар кетидан лашкар келибди, Аскар кетидан аскар; жониворлар босқинчи йиртқичларни дам орқага суриб, дам ўзлари чекишиб, кўп қурбон беришибди, қирқ йил қирон бўлиб, тоғ этакларидаги яшил ўтлоқлар қизил қонга беданибди.

Кумурсқадан тортиб филгача, катта-кичик ҳар бир махдуқ урушининг тақдирини ҳал қиладиган бир пайт келганда, ёнидаги шерикларининг ҳалок бўлаётганини кўриб, тошбақаниннг кўнглига бир шумлик, бир ғулув оралябди.

„Менга навбат келяпти-ку, ўлиб кетавераманми?!“ Осмон жуда тиниқ, банорас экан. Яшил ўтлар, ранг-баранг гуллар майин шабадада аста тебраниб, ҳаётнинг наъясини кўз-кўз қилармиш.

„Йўқ, йўқ, мен ўлмайман!“ – дебди тошбақа. Дебди-ю, яна жангга кирибди. Лекин яшин чақнаб, ер титраб, яна ёвнинг қўли баланд кела бошлаганда, унинг юрагига яна ғулув тушибди. Шу бир зумлик таҳликадан қалтираб кетган тошбақа ўзини беихтиёр сафдан четга олиб, йўл ёқасидаги тошлар орасига яширинибди. Дўстлари буни пайқамай, ёвга қарши қонли жангга кириб кетаверишибди. Тошбақа эса тошлар орасидан бошини чиқариб жанг суронига қулоқ солиб ётибди. Аламли фарёдлар, йирткичларнинг даҳшатли бўқиришлари, дўстларининг ўлим олдидаги ёлворишлари эшитилибди. У эса „Бўлар иш бўлди“, деб титраб-қақшаб ётаверибди, энди қайтиб чиқса, дўстга ҳам, душманга ҳам эл бўлолмаслигини билибди.

Яна қирқ йил қирғин бўлиб, кўн дўстлари ўша майдонда ҳалок бўлиб кетибди. Ўз ери учун жонини тиккан жониворларни ёв енголмабди. Душман чала ўлик лашкарларини судраб чекишибди. Булутлар тарқаб, чарақлаб офтоб чиқибди. Жанг суронлари тинган хушхаво ўтлоқларда яна кўзи-қудунлар ўйноқлаб, қушлар сайрай бошлабди.

„Энди хавф ўтиб кетди, мен ҳам аста чиқай-чи“, деб бизнинг тошбақа ҳам бир қимирлаган экан. Ётган жойидан силжиёлмасмиш. Қараса, қирқ йилдан бери пиеб ётаверганидан, тагидаги тош билан устидаги тош бир-бирига эт ўсиб, туташиб кетибди. Боши билан қўл-оёғигина чиқиб ётганмиш.

Энди нима қилиш керак? Ост-устига қопланиб қолган тошларни ҳам судраб, икки қадам йўлни бир неча кунда зўрға босиб, тўрт оёқлаб ёнидаги йўлга чиқибди. Чиқса, буни ҳеч ким танмасмиш, „тош“, деб ўтиб кетаверишибди. Биров таниса ҳам нима дерди, нима деб тушунтирарди? Ундан кўра, у энди ҳеч кимга ишдамагани, уни ҳеч ким танмагани маъқул. Шундай ёлғиз, кимсасиз, тош ичида яшашга тўғри келади. Бироқ яшаш учун овқат ейиш керак. Ўт ичига қирай деса, тўнкарилиб қолишдан кўрқади. Шунинг учун йўл юриб, „Онда-сонда тикаиларни ерман,“ – деб жонсиз саҳрога чиқиб кетибди.

Ўшандан бери унинг оти тошбақа экан.

Осмонни кўрмайдн, офтобни кўрмайдн, бир умр ёлғиз, тош косаларини тавқи лаънатдек судраб, оламдан ўтиб кетаркан. Болалари ҳам қалқон ичида туғилиб, азоб билан тош судраб яшаб, тош ичида азоб билан ўлиб кетар экан. Ўша бир зумлик кўрқоқлиги учун кўпроқ азоб тортеин деб, Худо ҳам унинг умрини ҳаммаёниқидан узун қилганмиш. Бу азоблардан унинг юзлари доим бурушган, жонсиз кўзлари ҳамма вақт ерда, ранги эса тупроқ билан тенг, бир яшил барг дардида саҳро келиб, тўрт юз йилдан бери имиллагани-имиллаган...

Тошбақа ҳамон судралиб бормоқда...

Қисса

Энг даҳшатли йиртқич – қуён.
Насриддин Афандин.

Умр йўлдоши урушда ҳалок бўлгандан кейин Шарофат иккинчи бор турмуш қуриб, шаҳарга кўчиб кетади. Ўғли Акбарали эса ота юртида, боболари қўлида қолади. Орадан ўтган йиллар мобайнида она-бола ҳамниша алоқада бўлишади. Йиллар ўтиб кейинги эри ҳам вафот этгач, Шарофат хола учун болалиги ўтган Шодасой қишлоғига қайтиб бориш улкан бир орзуга айланади. Акбарали эса янги қон топилган ўша Шодасой қишлоғида нишлайди ва кўпдан бери онасига „олиб кетаман“, деб ваъда беради-ю бажармайди...

* * *

Акбарали қутилмаганда кечаси кириб келди. Усти-боши ҳўл, этиклари лой, соч-соқолидан ёмғир суви томарди. Қоронғида юзлари оқаринқираб кўринди, худди намчил куз кечасини бошлаб кирган эди даҳлизга. Шу кунлари тушида ҳам, ўнгида ҳам Шодасойни кўриб, ёлғиз ичкиб ўтирган Шарофат хола ўғлининг юзига тикилиброқ қарамади ҳам – кексалигидаги бирдан-бир орзусининг ушалишидан кўнгли бўшашиб, йиғлаб юборди! Ниҳоят! Ниҳоят Акбаралиси ваъдасининг устидан чиқиб, уни олиб кетгани келибди. Ахир Акбарали бир йилдан бери „Сизни Шодасойга олиб кетаман“, деб ваъда бериб келади. Мана, ниҳоят, орзуси ушаладиган бўлди Шарофат холанинг. Шодасой, она юрт!

Шарофат хола Шодасойдан чиқиб кетганига тўрт йил бўлган бўлса, жонажон тоғ даралари бир кун ҳам кўз ўнгидан кетгани йўқ. Аслида ўзи Акбаралининг дадасидан кейин иккинчи эрга тегинчи ҳам, Шодасойдан чиқиб кетиши ҳам хато бўлган эди. ...Буни уруғларидан ҳеч ким юзига солгани йўғу, лекин йўқламай кўйинди. Айниқса, иккинчи эридан ҳам бева қолган, қийин бўлди унга, энди ич-этини еб Шодасойни ўйлагани-ўйлаган. Бу узоқ шаҳарда тўртинчи қаватдаги хувиллаб ётган икки хонали квартирада ёлғиз ўзи, шу ёшида...

– Келдингми, айланай болам, – деб гиргиттон бўлди Шарофат хола шунча сарғайганларини бир зумда унутиб. У юрак касали, ўпка қисилишдан юзлари бир оз салқин, икки эрининг доғида сочларига барвақт оқ оралаган, лекин кўзлари тийрак, жувоқлик ҳусни қочмаган буйдоргина аёл. Узоқ ивирсиди, тинмай гапирди, ўғлининг этигини тозалади, ёпинчигини сиқиб қозикқа илди, чой дамлади...

Бир вақт қараса, Акбарали суюниб ўтириб, ухлаб қолибди. Шарофат хола шуидагина унинг келгандан бери оғиз очиб бир гап айтмаганини эслади, шуидагина унинг қутсиз юзини кўриб кўрқиб кетди.

– Чарчабди бола фақир... – деди-да, яқандозга болиш ташлаб, ётқилиб кўйди. Ўзи бўлса кечаси билан ухлаёлмай чиқди, у ўғлининг эрталаб: „Қани,

ойи, бўла қолинг, қишлоққа кетамиз!” дейишини орзиқиб қутарди. Охири сабри чидамай, саҳарлаб туриб, ўғлидан бир хабар олди, лекин Акбарали ҳали донг қотиб ухлаб ётарди.

Шу ётганча у эртасига кечга яқин кўзлари қизариб, қовоқлари салқиб турди. Онасига аллақандай бегона назар билан қараб, бошини эгди. Кейин имирсилаб соқолини олди, дераза олдида ташқарига қараб туриб қолди.

Шарофат хола ўғлидан ўзи кутган гап у ёқда турсин, бошқа бир тузукроқ гап ҳам эшитмади. Энди у ўз орзуларидан умид узиб, бошқа бир ваҳимага тушган, Акбаралидан хавотир олиб қолган эди:

– Тобинг йўқми, болам? – деди у секин ўғлининг ёнига келиб.

– Йўқ, ойи, соғман, – деб ўғли унга майин қаради.

Хайрият, ўша-ўша Акбарали, онасига меҳрли, овози отасиникидек ширали, беозор. Шарофат хола, унинг бу ҳолатига мен сабабчимиканман, деб жуда кўрққан эди, унинг майин қарашидан сал далда топди.

– Ишинг тузукми? – журъатсизгина сўради у.

– Ҳм.

– Мени олиб кетгани келдингми ахир?

Акбарали ундан ўзини олиб қочмоқчи бўлгандек, нариги дераза олдида борди, тескари туриб жавоб берди:

– Йўқ, бормайми, ойи, мен у ердан кетдим...

Шарофат хола шум хабар эшитгандек, ичидан қалтираб кетди. Йўқ, бу гапнинг мазмунидан эмас, соғинган Шодасойга бормайдиган бўлганидан эмас, ўғлининг галати товушидан сесканди.

– Бутунлай-а?

– ...

– Бошлиқларинг билан чиқишолмадингми?

– ...

– Нега ахир, болам?

– ...

– Ё бир иш қилиб қўйдингми?

– Йўқ! Йўқ! Йўқ! – деб бирдан ловуллаб кетди Акбарали. Бўғилиб ўшқирди. – Кетсам, ҳақим йўқми? Истаган жойимга боролмайманми, сўрайверасизми? – у асабий ҳолатда ёқасини бўшатиб, тарақлатиб деразани очиб юборди. Совуқ шамол хонага нам ҳаво билан ёмғир томчиларини учуриб олиб кирди.

Шарофат хола кўксига қўлини қўйиб, букмайиб қолди. Бу сафар ўғлининг товуши яна ҳам хунукроқ, бегонароқ эшитилди. Бирон кулфатга йўлиққани аниқ, маънос кўзларида аллақандай ҳадиксираш, дард бор.

...Акбарали дағаллигидан хижолат бўлиб, онасининг ёнига келди-да, бошини кўксига босиб, елкаларини силади.

– Ойи... – товуши паст, лекин ҳамон бегона, хаста эди. – Ойи, мен сизнинг олдингизга келдим, сиз билан бирга бўлман. Ишга киранман... Ёмонми, катта шаҳар!

– Нега ёмон бўлар экан, болам, ёмон эмас, тан-жонинг омон бўлса бўпти ишқилиб...

Она шундай деди-ю, лекин кўнглида бир ваҳима темирнинг зангидай ёпишиб қолди. Энди у Шодасойни тамоман унутган, фикри-ёди ўғлининг дардида эди, нима бўлди унга? Ишлаб турган жойини бекордан-бекорга ташлаб келавердимиз? Ўзича ташлаб келган бўлса, унда нега бунча изтироб чекади? Бола бечоранинг рангига қараб бўлмайди. Бир нимани яширяпти. Ё бир он хотин-қиз...

Шарофат ҳола калаванинг учини топгандек, сал ўзига келди, қўли ишга қовушиб, ўғлини ўз ҳолига қўйди. „Бирон қиз важидан бўлса, бир кун эмас, бир кун қулфи дилини очар ахир“, деб ўзига тасалли берди. Уйланмай ёши ўтиб кетаётган ўғлининг гоҳо қизлар ҳақидаги гаплари Шарофат холага ҳамма вақт сирли бир қувонч бағишлар эди. Ҳозир ҳам шу фикр билан юланиб, ўғлининг галати ахволига чиройдироқ тус беришга уриниб, ўз ишлари билан овора бўлди.

Акбарали бўлса ҳамон камгап, деризага қараб ўйлагани-ўйлаган, соқол олишни эсдан чиқариб қўяр, соқол-мўйлови ўсган ҳолда кўчага чиқиб кетар, қайтиб яна тор уйга сиғмагандек, дераза олдида қотиб турар эди.

– Гапирсанг-чи, болам, ўз ёғинга ўзинг қовурилгунча, дардингни айтсанг-чи, – дер эди Шарофат хола кечқурунлари.

– Нимани гапираман? Иш қидиряпман. Топилиб қолар...

– Мендан дардингни яширма, болагинам, юрагингда борини айтсанг, енгил тортарминдинг.

– Нимани айтаман! – деб яна жеркиб берди Акбарали. – Ўз ҳолимга кўясизми, йўқми?! – У курсини бир тепиб, ташқарига отилди. Эшик тарақлаб ёпилганда, оназор тарсаки еган одамдек кўзини чирт юмиб, кўксини ушлаб қолди. Деразанинг ромини ушлаб, пастга қараган эди, бирдан кўзига ажал кўрингандек, боши чир айланиб, ўзини орқага ташлади. Тўртинчи қават жуда ҳам баланд, кўча ўпқондек чуқур. Шарофат хола сира деразадан пастга қараб кўрмаган экан. Акбарали ҳар кунни қарайди. Нега қарайди?..

Она кўнглини даҳшатли ўйлар чулғали, вужудини кўрқинч босиб, деворга суянганча ёлғиз йиғлади. Ўғли – бадбахт. Кўриниб турибди, у бадбахт. Қандай касофатни бошлаб келди? Зора, унутиладиган бир нарса бўлса! „Иш топаман“. деяпти, иш топса, балки унут бўлиб кетар...

Шарофат хола дармонсиз юриб бориб, каравотга ёнбошлади. Ўғли қайтгунча анча ўзига келиб қолди.

Акбарали этигини мойлатиб, бир оз очилиб қайтди. Дастурхон устида онасининг маъюслигини кўриб, гап очди:

– Сизни хафа қилдим, ойна...

– Иш қидирдингми?

– Яхши иш ваъда қилишяпти.

– Ишга кириб олсанг бўларди. Уч ҳафта бўляпти. Зерикаянсан.

– Пулим бор, мана олинг, – Акбарали дастурхон остига анча пул қўйди. – Тузукроқ иш қидиряпман.

– Ҳа, илгаригисига ўхшаш мартабаликкина иш топилсайди...

– Илгаригисини гапирманг! – Акбаралининг товуши яна синиқ косадек жаранглади: „Йўқ, йўқ, у мени ўйламаяпти. Олам кўзига қоронғи. Худоё худовандо, нима гап ўзи, бу нима азоб?“

Аmmo бугун Акбарали ухлади, унча ётоқчиламади. Шарофат хола ҳар кеча унинг уйқусини пойлайди. Уйқусинигина эмас, умуман, ўзини ҳам, негадир деразани ҳам пойлайди, ухламайди. Хайрият, бугун Акбарали тузук ухлади, ҳатто жиндек хуррак ҳам отди бир зумгина. Бунинг устига, эртасига „ишга кирдим“, деб ҳам келди. Ўтириб нонушта қиладиган бўлди. Иштаҳаси ҳам тузук, баъзан гаплашиб ҳам ўтиради. Шарофат холанинг кўнгли жойига туша бошлади.

Акбаралининг ҳам рангига сал қон югурди, унинг юриш-туришида сал-нал паршонлик бўлса ҳам, илгаригидек эмас.

У комбинатга электик бўлиб ишга кирган эди. Қиши билан янги цехни ишга тушираман, деб ҳар куни ҳамма қатори тонгдан шомга қадар ишда бўлди. Баъзан кечалари ҳам чақириб қолишса, йўқ демай, брезент шимини кийиб, шалдир-шулдур занжирли „темир тирноқлар“ни елкасига илиб, чиқиб кетарди. Одам қаторига кириб, тунна-тузук бўлиб қолди. Келган кунларидаги кайфияти зеркишдан экан-да, ишга кирди дегунча, ўзгарди-қўйди. Шарофат хола ҳам худди шундай бўлар, деб ўйлаган эди. Меҳнатда гап кўп.

Баҳор яқинлашиб қолди... Қаердадир, уфқнинг нариёғида эрта баҳор момоқалдиросининг сўнгги, бўғиқ гулдуриси эшитилади.

Акбарали очиқ дераза олдидан туриб, ошхонага чиқди-да, газ плитанинг қулоғини буради, канфорка шарақлаб қайнаётган рух чойнак тагидаги зангори тилини лип этиб ютди.

Товоқчада қаймоқ кўтариб кирган Шарофат хола ёмғир суви сирқиб турган нимчасини бошидан олиб қозикқа илди.

– Оби нон билан мана буни еб ол-чи, болам, ҳозир чой дамлаб бераман.

Акбарали эринибгина келиб столга ўтирди. У энди ўттизлардая ошган бўлса ҳам, юзига бевақт кексаликнинг нуқси уриб қолган, тароқсиз сочларига оқ оралаган, ҳорғин, сўлғин эди. Шарофат хола чой дамлаб келиб, нон ушатди, ўзи ҳам ўтириб, узун уҳ тортди.

– Зинасидан чиқолмайдиган бўлиб қолдим, болам, нафасим қисади.

Акбарали унга ачиниб, меҳр билан қаради-ю, индамади. Онаси кекса, сўнгги ойналарда гавдаси бирдан чўкиб, чехраси камдан-кам очиладиган бўлиб қолган эди. Акбарали унга қараб-қараб қўйди, лекин назари тобора маъносизланиб, кўзлари ҳеч нарсани илғамаетгандай бўлиб қолди, хаёли бошқа ёққа оғди, шекилли. Онаси яна гап бошлагандагина, бенхтиёр ўзига келиб, қаймоққа нон ботирди.

– Қирда лола гилам бўлиб кетибди, дейишади. Болалар кучоқ-кучоқ териб келишган экан, ҳаммасининг баргида шундоқ губор.

– Ёмғир ҳам юволмабдими? – ҳафсаласизгина сўради Акбарали чой ҳўплаб.

– Ёмғир ҳам юволмабди, қурум-да қурум. Бу комбинатларингнинг мўрисидан озмунча гард учадими?

Акбарали индамас, иштаҳасиз нон чайнар эди. Онаси давём этди:

– Ўзимизнинг Шодасой долалари эсингдами, ўтдек ёнарди-я! Гард-губор йўқ, шабнам қўнса, анор донасидай қизариб, милтиллаб турарди.

– Айниқса, тегирмоннинг пастиди... – деди Акбарали бирдан товуши юмшаб. Ажинлари ёзилиб, юзида болаларча соддалик пайдо бўлди. – Чимликсой бўйида тўп жийда билан тераклар ҳам турганмикан?..

– Тургандир шовуллаб, – деди она ҳам маъус чехраси очилиб. – Болаликда югурган сўкмоқларинг шундоққина кўз ўнгимда турибди.

...Шарофат хола ўғлининг ҳам товушида ажиб қўмсаш оҳангини, кўзларида маъюс хаёлчанликни сезиб, эски дарди лиш этиб юзага чиқди. Иссиқ кафтини унинг қўлига қўйди.

– Қайтиб кетаёлик, болам, – деди паст товуш билан, ялингандек, – мен ҳам бамисоли пишиб турган меваман, бугун бор, эртага йўқ, болам. Қишлоғимизга қайтайлик.

Акбарали қўлини тортиб олди, ўрнидан туриб, сутнинг кўшигидай кўтарилиб кетди. Ширин хотиралар ҳам, хаёлчанлиги ҳам бирдан йўқолган эди.

– Қишлоқ йўқ ҳозир у ерда, неча марта айтаман сизга, шаҳарча, кон шаҳарчаси бўлиб кетган!

Шугина гапни секинроқ айтса ҳам бўларди. Онасини яна ранжитди.

Акбарали қовоғи солинганича коржомасини қўлтиқлаб ишга кетди. Рўмоли елкасига тушган Шарофат хола бояғи ўрнига мукка тушиб, оппоқ бошини икки қўли орасига олди.

Момақалди роқ худди том тепасида қаттиқ гумбурлади-ю, деразалар бирдан қоронғилашиб, шаррос ёмғирқуя бошлади.

Она-бола ўртасида бундай суҳбат биринчи марта бўлаётгани йўқ. Гап ўзидан-ўзи бошланиб кетади-да, охири дилисиёҳлик билан тугайди. Кейин, „Бир чехраси очилиб келса эди“, деб кечгача йўлга кўз тутади онаизор.

Йўқ, ишга жойлашгандан кейинги биринчи қувончлар кўп ўтмай сўнди. Акбарали яна бояғи-бояғидай рушиз, қутсиз, индамай кириб келиб, кийимини ҳам ечмасдан каравотга ўзини таштайди. Бирпасдан кейин туриб, яна дераза олдига боради, столда чойи совиб, онаси баъзан ўтирган жойида мудраб қолганини ҳам сезмайди.

Хаёлида такрорланавериб, занглаган миҳ билан ўйиб ёзилгандек хотирасига ўрнашиб қолган ўша совуқ куз, ўша воқеалар яна кўз ўнгига келади. Ёлғиз қолдими – келиб чирмашаверади. Ёлғизлик эса унга ҳамини йўлдош. Кўпчилик орасида ҳам, онаси билан ёна-ён ўтирганда ҳам у ёлғиз. Хаёлида

ўша ўйларида бошқа ҳеч нарса йўқ. Ўша воқеаларни ҳаёлидан кун-бакун ўтказиб, ўзига нажот излайди. Тополмайди...

* * *

...Шодасойда қаёқдан ҳам пайдо бўлди у киши! Оти Бектемир эди. Акбарали унинг отини тилга олгиси келмайди, кўрқади. Уйкуда алаҳсираб айтиб қўйиши бор.

Кечаси келиб деразани тақиллатди. „Оч, Бектемирман. Дадангнинг ўртоғиман“, – деди.

Акбарали унақа одамни билмасди. „Дадангнинг ўртоғиман“, – деганидан кейин, туриб эшикни очди. Ҳали-ҳали кўз ўнгига турибди: бир кўзи кўр эди бу одамнинг, Кириб келиши билан брезент қалпоғини елкасига туширди-да, Акбаралини ўз боласидай бағрига босди. Ундан димиққан хом тери ҳиди келарди.

– Акбаралимиди отинг?

– Ҳа.

У халтачасини бурчакка қўйиб, ёмғирлигини ечди. Устида пиджаги ҳам йўқ, кўйлакчан эди. Акбарали шунча тикилса ҳам танимади. Лекин отаси тенги одам эди. Жуда узоқлардан, кўп қийинчиликлар кўриб келган бўлса керак, ниҳоят бошпана топангидан руҳи тетик, жиҳозларга тикилиб-тикилиб қарар, иссиқ печкага қўл теккизиб кафтини кафтига ишқар эди.

– Чой қўйиб юбор. Ойинг йўқми?

Меҳмонга чой қўйиш эсига келмабди. Акбарали шошиб қолди. Чойга уринди.

– Ойим...бошқа эр қилиб кетганлар.

– Э-ҳа... – деди Бектемир чўзиб. Стол ёнига ўтириб, ўз уйдагидек енгини шимарди. – Шундоқ дегин, – деди яна ўйчан. У Акбаралидай баланд бўйли, юзини чуқур ажинлар тилкалаган, кўр кўзи юмук, ичига чўккан, қора, чўтир одам эди. – Биз даданг билан урушга бирга жунаган эдик... Бир эшелонда, – деди бошқа сўз тополмагандай. – Капсанликман, ҳов тоғдан. Шугина экан-ку. Акбарали, дадамга жуда яқин одаммикан, деб ўйлаган эди. Ҳафсаласизгина чой дамлаб келди.

– Дадам урушнинг биринчи йилиёқ ҳалок бўлган, – деди.

– Биладан. Эшитган эдим.

– Ҳозир қаёқдан келяписиз?

– Бунинг тарихи узоқ... – деди меҳмон. У чой ҳўплади-ю, ҳеч нарса емади. Бошидан кўп савдолар ўтганлиги кўриниб турарди. Чиндан ҳам тарихи узоқ экан, кечаси билан таплашиб чиқишди.

Бектемир 1942 йили Моздок яқинида қуршовда қолиб, уч ой жанг қилгандан кейин, очликдан сулайган, ўқ-дорисиз ўн етти ярадор билан бирга душманга асир тушди. Дармонга кириб олай, сал ўзимга келай, деб лагерма-

лагерь юриб, ҳамма танишларини йўқотди. Уларни бир жойда узоқ тутишмас, дам аллақандай ерости корхонасига, дам туннель қурилишига, дам тош карьерига қўйишар, кечалари билан нотаниш йўлларда колонна қилиб ҳайдашар эди. Бектемир бу йўллар ичида не-не одамларни, не-не азобларни кўрмади, бир неча тилларни ўрганди, неча-неча ўлимлардан қолди, неча хил касалликларга йўлиқди. Энди унинг бир кўрмагани ўлим эди. Ҳамма нарсадан умид узиб, ўлимни кутар эди у.

Урушдан кейин уларни ҳамма унутиб ташлаб кетган асирлар лагеридан америкалик солдатлар келиб қутқазди. Шундан кейин Бектемир ажалга чап берди, лекин энди унинг учун дарбадарлиқнинг янги даври бошланган эди. Европада элма-эл судралиб юриб ризқини терди, икки соғлом қўлидан бўлак таянчи йўқ эди. Гапларга қараганда, Ватанга қайтиш хавфли, у ерда унга ўхшаганлар учун яна лагерлар тайёр эмиш...

Лекин йўқ, ватангадоликнинг азоби гўр азоби билан тенг экан. Ун уч йил саргардонликдан кейин юрагини ҳовучлаб бўлса ҳам юртига қайтди. Қайтиб келса, „Яхши қилибсиз, боринг, оилаиғиз билан тирикчилигингизни қилинг“, дейишибди.

Бектемир пешанасига тарс этиб урди, ўрнидан туриб кетди.

– Келганимдан бери биронта танишга кўринганим йўқ, сени қора тортиб келдим, Акбарали. Дадангини яхши кўриб қолган эдим, келишим билан доп этиб эсимга тушди...

– ...Овқатдан олинг, Бектемир ака...

Бектемир дастурхонга қаради-ю, ҳеч нарсани кўрмади, у изтиробда эди.

– Менга қара, мен...мен бир иш қилишим керак. Нимадир қилишим керак, биласанми!..

– Бола-чақа омон эканми?

– Ҳа, хотиним, қизим... Лекин ҳали уйга борганим йўқ, юрак дов бермаяпти.

– А?

– Улар менинг тирик эканлигини билишмайди. Қайси юз билан бораман? Нима деб бораман? – Бектемир яланғоч кўксига, юрагига, чўнтақларига шапатилаб, жаҳл билан гапирди: – Нима билан бораман? Мен... бир иш қилишим керак.

– Ишга кириг.

– Ҳа, аввал – иш. Сенга келганимки... менга бир иш топиб бер, ука. Шундай касб керакки, қасд қилиб қўйдим: кеча-ю кундуз ишга шўнғиб кетай. Токи одамлар мени кўрмасин, фақат меҳнатимни кўришсин. „Меҳнат“, „Меҳнат“ „Меҳнат!“ Бошқа нарса керак эмас. Шундагина бир куни бориб хотиним билан қизимнинг оёғига бош қўйсам, балки гуноҳимдан ўтишар, Акбарали, ука, сенга ёрилдим, ёрдам қил...

– Ёрдам бераман, нега ёрдам бермас эканман. Конга олиб борай, кўринг. Ишга кириг. Меҳнат десангиз, меҳнатнинг зўри шу ерда.

Ўшанда эртасига у дадасининг ўртоғига конни кўрсатадиган бўлди. Қуёшли куз эртаси жуда чиройли эди. Йўл бўйидаги қайрағочларнинг шапалоқдек-шапалоқдек қизғиш барглари оёқ остида шитирлайди, кўлмак сувлар жимирлайди. Тоғ шабадаси Шодасойнинг совуқ шовқинини дараларга таратмоқда, узоқда қорли чўққилар қуёшга ўчакишгандек йилт-йилт чарақлайди, кунгай ён бағирларда саф тортган арчалар қорайиб кўринади. Сўқмоқ йўл қадам сайин юқорига ўрлаб боради. Пастда эски Шодасой қишлоғи сарғиш дарахтларга бурканиб ётибди, сал берида унга туташиб кетган кон шаҳарчасининг тунука томлари. Кончилар сменадан чиққандан кейин уйга қайтадиган йўлни зап манзарали жойлардан солишибди-да! Кела-келгунча ҳордиги ҳам қиқиб кетса керак.

Йўлда дуч келган одамлар Акбаралини таниб салом беришар, булар иккаласи баравар алиқ олиб, шошмасдан гаплашиб, атрофларни томоша қилиб боришар эди. Бектемир ўз сменасига кетаётгандек, кўнгли яйрайди.

Акбарали отасига унча ўхшамас, новча, ингичка, камгапроқ эди. Лекин кечасидаги ҳикояларидан кейин оқ кўнгил Бектемир ака унга ёқиб қолди, ота ўрнига меҳрибон бир одам орттиргандек бўлди Акбарали.

– Уйланмабсан-да, чакки қилибсан... – деди Бектемир ака.

Акбарали ерга қараб кулиб қўйди....

– Мени киргизишармикан? – деб сўради Бектемир. Руда ортилган МАЗлар ўтиб борарди. Акбарали эшитмади.

– Хужжатим йўқ, киргизишармикан?

– Мен бор-ку! — деб қичқирди Акбарали кулиб. Эшитмади деб ўйлаб, кўкрагига уриб кўрсатди: – Мен, мен! Мана бўлмаса, кийиб олинг, буни кўрса тўхтатиб ўтирмайди, – дея пиджагини иргитди Акбарали. Бектемир ака пиджакни илиб олиб, кийди.

– Ярашди, ярашди! — деб қичқирди Акбарали. Иккаласи ҳам хандон ташлаб кулди. Бу вақт МАЗлар ўтиб бўлган эди, кон оғзида уларнинг кулгиси янграб эшитилди, тоғлардан бир зум акси садо келиб турди.

– Энди сенинг ўзингни киргизмаса-чи? – деб кулди Бектемир ака йигитнинг яна ҳам ингичка тортган кўйлақчан гавдасига қараб.

– Мени танишди, – деб қўл ситгади Акбарали. – Пропуск олсак ҳам бўлади-ю, идора узоқ. Битта ҳийла ишлатайлик-чи, ўтармикан. – Иккаласи яна яйраб кулди. Бектемир ака устидаги формали пиджакка қараб-қараб қувонарди.

– Эрта-индин ўзимга ҳам тегади худо хоҳласа.

Қоровулхонада уларга ҳеч ким индидади, йўлакда қўлларига биттадан қарбид фонари олиб, бошларига каска кийишди-да, конга кириб кетишди.

Тоғ қаърининг зах совуғи бирдан кўкракка урди. Пиёда юрадиган тахта йўлак зах девор бўйлаб борар, гемир йўл излари учрашган чорраҳалардагина гушиель бир оз кенгайиб, ёруғ майдонларга олиб чиқар эди... Улар узоқ юришди. Тенадан чакка томиб баданларни жуижиктиради, руда ортилган вагонетка эшелонлари ўтганда, қулоқларига бармоқларини тикиб, деворга ёпишганча

тўхтаб туришади. Неча-неча „торкўча“ларга кириб чиқишди, узоқ штрекларга¹ бориб келишди, забойларда² одамлар билан гаплашишди, бир ярим соатча юргандан кейин орқага қайтадиган бўлишди.

– Ҳа... – деди Бектемир ака, – аввал ёрдамчи бўлиб бирон касбга зеҳн солиб юришга тўғри келади, Мураккаблашиб кетибди...

– Нима бўлса ҳам кончи бўлдингиз энди, Бектемир ака, – деди Акбарали. Тоғ қаъри жимжит бўлиб қолди. Тахта йўлак тагида шилдираб сув оқар, чироғини силкиб олдинда кетаётган Бектемир ака ўйчан жилмаяр эди: у чиндан ҳам кончига ўхшайдими?

Бир маҳал муволишга келганларида қаердадир чақмоқ чақилгандек бир нима йилт этди-да, иккаларининг ҳам кўзлари қамашиб, бир зум ҳеч нарса кўрмай қолишди.

Сўнгра зулмат таралганда, бир-бирларига савол назари билан қарашди. Бектемир ака темир йўлдан сакраб ўтиб, олдинга югурди. Нарироққа борганларида бир нима чирс-чирс этиб, яна чақмоқ чақилди.

– Бу ёқда! – деди Бектемир ака яна олдинга югуриб.

Ўўл тахталар устидан олдинма-кейин югуриб, тойиб, қоқилиб, бир жойга етиб боришса, йўл четида деворлари бетонланган катта камеранинг шифти ўпирилиб, йўғон релслардан ясалган темир балкаларнинг бир учи муаллақ осилиб ётибди. Бутун темир балкалардан пайвандлаб ишланган оғир шифт бир четидангина илينيб, лопиллаб турар, ҳар лопиллаганида аллақериди чирс-чирс электрчақмоқ чақиб, бутун штрекларни дам чарақлаган шуълага, дам зим-зиё қоронғиликка фарқ этар эди.

Акбарали яхлит темир шифтнинг ваҳимали лопиллашиданми ё кўзлари ҳеч нарсани кўрмай қолганиданми, ўзини йўқотиб бақира бошлади:

– Эҳтиёт бўлинг, қочинг, Бектемир ака!

Электр ҳамон чирсиллаб кўз очирмас эди, улар бир-бирларининг қаерда турганларини овозларидан, нафас олишларидангина пайқашар эди.

– Трансформатор! – деб қичқирди Бектемир. – Ҳозир балкалар босиб тушса, трансформатор портлайди! Бу – ёнғин леган гап, забойларда одам бор! Бу ёққа юр!

– Қочинг, Нима қилмоқчисиз?

– Трансформаторни ўчириш керак, портлайди!

– Қочинг, босиб келади ҳозир!

– Ўчириш керак, фалокат юз бермасин, қаёқдасан? – Чирс-чирс чақмоқ чақилар, темир шифт даҳшатли лопиллар эди. Бектемир унинг тагига кириб, қайтиб чиқди.

– Дастага бу ёқдан яқинлашиб бўлмайди, кўзга уряпти. Қаёқдасан, кўтар буни! – У девор тагида турган қандайдир эски яшикка ёпишди.

¹ Штрек – қанализма бойликларини олиш учун горизонтал қовланган, ташқарига чиқмайдиган йўл.

² Забой – кончининг иш ўрни.

– Қочинг деямман, Бектемир ака! Ана тушяпти! – деб бақирди Акбарали. Бектемир бўлса бўйин томирлари ўйноқилаб яшиқни силжитар эди. яшиқ оғир, жиққа сув, четларига бетон ёпишиб қотган...

– Кўтаришвор! Бир зумда ячейкадан ошиб тушиб ўчириб чиқаман! Қаёқдасан?

Чире-чире этган ўлик шуълада Акбарали унинг қонсиз юзини, оғирлик зўридан соққадай бўлиб кетган ёлғиз кўзини сўнгги марта кўриб қолди.

– Қаёқдасан?!

– Қочинг, Бектемир ака! Тезроқ қочинг, портлайди!

Акбаралининг товуши ўзига ҳам аллақаяқлардан эшитилгандек бўлди. Қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмасдан, қоқила-сурина қочар, бақирар эди. У негадир бирдан дармонсизланди, томоғи хириллаб, овози чиқмай қолди, чаккасини ушлаган қўлида қон юқини кўриб, яна ваҳимаси ошди. Узоқда тўйнуқтагидек бўлиб кун ёруғи кўринганда ҳамма ёқда чироқ ўчди. Йўллар, штреклар зим-зиё бўлиб қолди. Шу пайт орқада бир нима гурсиллаб, узоқдан мудҳиш фарёд эшитилди. Бу аччиқ товуш оёғидан чалгандек, Акбарали қоронғида зах деворга юзи билан суялиб қолди. Бироқ штреклардан нимадир гувиллаб уни қувлаб келаётгандек эди, ҳалиги товушнинг тоғ қаъридаги акси садоси эшитилди қулоғига. У тупроқ деворга суйкалиб, тармашиб олдинга силжиди, нафаси бўғилиб, узоқдаги кун ёруғи уни ўзига тортаётгандек эди. Ҳалиги товуш... Бектемирнинг товуши. Уни темир балкалар босиб қолди. Улгурмади. Трансформаторни ўчирди-ю, ўзи чиқиб олишга улгурмади...

Қочинш керак, энди қочинш керак!

Кимдир кўрқмади, у кўрқди. Бир зумгина кўрқди. Бир зум... Бир зум. Ўша ҳал қилди. Қайтмоқчи ҳам бўлган эди, қайтмади. Яшиқ... оғир, цементли яшиқ... Қайтмади. Кўрқди. Бир зумгина кўрқув... Энди қочинш керак! Қочинш керак!

– Қочинш керак!!!

Сабаб ва натижа

1. Шарофат хола ўғлининг товушига эътибор қаратганиги сабабини изоҳлашга уриниб кўринг. Акбаралининг товуши галатилигига асарда бир неча марта урғу берилганлиги сабабини тушутиринг.

2. Ромисдаги: „Энди у Шодасойни тамоман унутган, фикри-ёди ўғлининг дардида эди“ тасвири Шарофат хола табиатиининг қайси жиҳатларини кўрсатишини айтинг. Ованинг ҳолатини ифодалаб беришга интилинг.

3. Асардаги: „Шарофат хола ҳар кеча унинг уйқусини пойлайди. Уйқусинигина эмас, умуман, ўзини ҳам, негадир деразани ҳам пойлайди, ухламайди“ деган тасвир боисини тушутиришга урининг.

4. Романдан олинган парчадаги: „Акбарали очик дераза олдиан туриб, ошхонага чиқди-да, газ плитанинг қулоғини буради, калфорка шарақлаб қайпаётган рух чойнак тагидаги зангори тилини лип этиб юлди“ тасвириининг бадний кўркемлигига эътибор беринг. Адиб сўзини қайси ўрнида товлантира олган деб ўйлайсиз?!

5. Куйидаги парчада Акбаралида рўй берган ижобий ўзгаришлар тасвирланган. Уни қайта ўқинг. Сабабини тушунтиринг: „*Айниқса, тегиримоннинг пастида... – деди Акбарали бирдан товуши юмшаб. Ажиллари ёзилиб, юзиди болаларча соддалик пайдо бўлди. – Чимликсой бўйида тўп жийда билан тераклар ҳам турганмикан?..*”

6. Романдаги: „*Шугина гапни секироқ айтса ҳам бўларди. Онасини яна ранжитди*” тасвирида она табиатиغا хос қайси жиҳатлар кўрсатилганлигини айтинг. Она-боланинг руҳий ҳолатини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

7. Асарда: „*Рўмоли елкасига тушган Шарофат хола...*” тарзида бошланадиган лавҳа бор. Уни диққат билан қайта ўқинг. Онанинг ўша дамдаги руҳий ҳолатини ифодаланг.

8. Романдан олинган парчада шундай ўринлар бор: „*Ёлғизлик эса унга ҳаминиша йўлдош. Кўпчилик орасида ҳам, онаси билан ёнма-ён ўтирганда ҳам у ёлғиз. Хаёлида ўша ўйларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ўша воқеаларни хаёлидан кун-бакун ўтказиб, ўзига нажот излайди. Тополмайди...*” Бу ҳолатнинг сабабини тушунтиринг.

9. Акбарали отасининг ўртоғи Бектемирга дастлаб қандай муносабатда бўлди ва бу ҳол унинг табиатидаги қайси жиҳатларни намоён этади деб ўйлайсиз?

10. Бектемирнинг безовталиги, қандайдир йирик эгу иш қилишга ташналиги сабабини изоҳланг.

11. Портлаши мумкин бўлган трансформаторни ўчириш жараёнида Бектемирнинг хаёлидан нима кечганлиги ва кўрқиб қочган Акбарали нимани ўйлаганлиги ҳақида мулоҳаза юритинг. Буида матнга, қаҳрамонларнинг табиатиغا хос хусусиятларга таянинг.

12. Матндаги: „*Кимдир кўрқмади, у кўрқди. Бир зумгина кўрқди*” деб бошланувчи тасвири қайта ўқинг. Асар қаҳрамони ҳолатини тушунишга ҳаракат қилинг.

* * *

– Болам, Акбарали! Менга қара, ўргилай, ағдарилиб ёт, болам, босинқираяпсан...

Акбарали ўридан сакраб туриб, чаккасини ушлаб кўрди – қўлида қон юқи йўқ эди. Рўпарасида ранги қув ўчган онаси турибди.

– Ухлаганга ҳам ўхшамайсан, болам. Нимадан кўрқдинг? Ёмон туш кўрдингми?

Акбаралининг кўз ўнгида ҳамон Бектемир турарди. Лекин Бектемир йўқ. Бектемир темирлар остида мажақланиб кетган... Акбарали хунук тушга ўхшаган бу ўйни улоқтириб ташламоқчи бўлгандек, кўзини юмиб, бошини силкиди. Боши тошдек оғир эди...

У қочиб келди. Қочиб қутуламан деб ўйлади. Лекин одам ўзидан қочиб қутулолмас экан. Калласи ҳам, кўкеси ҳам бўм-бўш.

...Шу тариқа кунлар, ҳафталар ўтди. Шарофат хола ўзининг нафаси оғирлашиб, ҳансираши зўрайганига қарамай, фикри-зикри ўелида эди...

...Акбарали... уйнинг қоронғи бир бурчагида узоқ ёлғиз ўтирадиган бўлди. Базан ўз-ўзи билан гаплашади: „Бир зум... фақат бир зум... Ўша лаҳзада бир зумгина ўзимни бошқача тутганимда эди... Одам ўзини ўзи ўлдирганда ҳам унга бир зумлик бардош етишмай қолади дейишади...” Яна алланималар дейди.

Кейин кўрқиб ўрнидан туриб кетади. Бориб қаёқлардандир ичиб келади, кечаси ухламай, у ёқдан бу ёққа ағдарилиб чиқади.

Кейинги вақтларда онасига, унинг бетоблигига ҳам эътибор бермай, аллақаёқларда бир нима қидиргандек, бир ўзи тентираб юрар, кеч қайтар эди. Бугун ҳам кун ботгунча айланиб юриб, посёлканинг овлоқ бир еридаги кимсасиз буфетга кириб борди. Бу ерда буфетчи хотин уни таниб қолган эди, сўрамасданоқ, икки юз грамм ароқ куйиб берди. Ишсиз кунлари Акбарали бу ерга икки-уч қайта келиб кетади, бошқа кунлари бўлса, ишдан кейин...

Уйда Шарофат хола касал. Ўзига қарамаса ҳам, ўғлининг хуштак чалиб, папирос тутатиб келганига баъзан хурсанд бўлиб бош кўтаради. Аммо қаровсиз қолган беморнинг аҳволи кундан-кун оғирлашарди. Айниқса, ўғлининг ундан яширикча ича бошлаганини пайқагач, у сўнгги илтижани ҳам йўқотгандек бўлди.

– Ойи! – деди бир куни Акбарали маст ҳолда онасининг ёнига ўтириб. – Мен ҳаммасини айтиб бердим, Соняга. Буфетчи хотинга айтдим...

– Нимани айтдинг, болам?

– Ўшани... У ёқда... одам ўлдирганимни... Сабаб бўлганимни.

Шарофат холанинг кўзи тинди, худди тушдагидек, тубсиз қоронғи жарликка шўнғиб кетди. Лекин хуши бор эди, гапиролмас эди, холос. „Илоё, кетиб қолмасам бас. Яна қиттак қувват бер!“ деб ўйлаганини билади. Анчадан кейин тили айланди:

– У нима деди, болам?

– Ичгин, унутасаң, деди.

Акбарали омонат ўтирган жойидан гандираклаб, йиқилиб тушишига сал қолди. Шарофат хола дармонсиз кўли билан уни ушлаб қолмоқчи бўлиб, алланима деди. Энди унга барибир эди. „Энди у дунёлигимни ўйлашим керак“, деб кўйди ичида. Шунинг учун: „Кимни, нега, қандай қилиб?“ деб сўраб ўтирмади.

– Сен, болам, буфетчи хотинга эмас, бошқа ҳеч кимга ҳам эмас, фақат шодасойликлар олдига бориб гуноҳингни ўтинишинг керак. Фақат ўшалар гуноҳингдан кеча олади. Ўзингни кўрсат, бош эг. Бошқаларга ёрилганинг билан у даънати бўйинтуруғинг гарданингда қолаверади. Қайтайлик, жон болам, кўним очинида...

Маст Акбарали каравотдан сирғалиб, қоқ полга муккасидан тушди-да, бўкириб йиғлаб юборди.

Шу кечадан кейин Акбарали ичкиликни ташлай олмаса ҳам, соқоли ўсган, қовоғи салқин, маст ҳолда онасига қатиқ-сут, дори-дармон олиб келиб бериб юрди. Аммо Шарофат хола эди на овқат ер, на дори ичар эди.

Бир куни ўғлини ёнига чақириб, васият қилди:

– Рози бўл, бўтам... Шодасойга олиб бориб, ота-буваларимиз ёнига қўй, мен ҳам рози кетай, жон болам... Тирингимда унамадинг... Акбаралининг кайфи

бирдан тарқаб, заиф баданини титроқ босди, ранги оқариб кетди. Фақат анчадан кейингина ўзига келиб:

– Ойи! – деб каравотга ўзини ташлади. Лекин Шарофат хола аллақачон кўз юмган эди...

– Мен ўлдирдим сизни, ойижон, мен ўлдирдим, мен, мен, мен!.. – дерди Акбарали икки қўли билан салқи юзларини чангаллаб...

...Негадир бирдан жимлик чўкди. Узоқ, оғир жимлик. Тунми, кунми, қанча давом этди, Акбарали билмайди. Кўзини очса, ҳали ҳам ўша ерда, онасининг жасади ёнида ўтирибди. Кун иссиқ, қуёш қизитарди, деразалар, эшиклар очиқ, уй тўла одам, уй тўла жимлик. Туни билан шундай ўтириб чиққанга ўхшайди. Бу одамлар комбинатдан, маҳалладан, қўни-қўшинлар, Акбарали кўнини танимайди. Шарофат холанинг қадронлари, таниш-билишлари бўлса керак. Марҳуманинг ҳамсуҳбати, дўсти кўп эди. Акбаралиники бўлса – йўқ. Битта ҳам йўқ. Мана комбинатдан кимдир таъзия билдирипти, кимдир кўнгил сўрапти, маҳалладан келган биров маросимга бош... Акбарали улар билан ҳеч қачон ёзилиб хангома қурган эмас.

...Офтоб тобора қизитяпти. Машина секин юрганидан, шабада кун тафтиши кесолмайди. Орқадан етиб келган машиналар ғувиллаб ўтиб кетади... Арпабуғдой ўриб олинган, қирлар сап-сарик. Олдинда дам қорайиб, дам кўнғир тусга кириб тоелар кўзга ташланади. Ўша ерда, қайси бир дарада Шодасой...

– Акбарали у ерга яна ўз ихтиёри билан қайтиб боришини сира уйламаган эди. Ҳозир ҳам боргиси йўқ, бормаса ҳам бўларди, лекин негадир оёғи тортяпти. Тақдир экан шекилли. Шум тақдир етаклаб кетяпти уни. „Она васияти. Она васияти...“ деб такрорларди ичида нимагадир далил келтираётгандек.

...Шодасойга соат бешларда кириб боришди... Қабристон кўприкка етмасдан чап томонда, Шодасойнинг шундоқ тепасида, баландлиқда эди. Бу ердаги тераклар, қайрағочлар ҳозирдан сарғайиб кетибди. Оёқ ости қалин ҳазон, узоқдаги сув шабадасига тепадан ҳам сарик барглар пилдираб тўкилиб турипти. Оёқ остида ҳазон шитирлаши қош қораярда узоқ-узоқларгача эшитилиб, бу теракзор қабристоннинг диққинафас жимлиги яна ҳам сирлироқ, оғирроқ бўлиб туюлар эди.

...Ҳалидан бери жонсиздай қотиб турган Акбарали қараса, онасини аллақачон кўйиб бўлишибди. У беихтиёр ҳаракат билан бир сиқим тупроқ олдида, дўппайиб турган янги қабр устига сочди. Фақат шундагина онасидан жудо бўлганлиги ҳушига етиб, оёқлари қалтираб, қабр ёнига тиз чўкди, юзини қўллари билан тўсиб, ўкраб-ўкраб йиғлади.

Абдусамад, Кенжа, бирга келган одамлар Акбаралининг тепасида бир пас туришди. Сўнгра, Абдусамад Акбаралининг ҳозир онасини ташлаб кетолмаслигини билди:

– Қоронғи тушиб қолди, Акбарали ака, бўлмаса, биз қайтайлик. Сиз ҳали бир-икки кун шу ерда бўларсиз. Тўзим берсин... – деди.

Улар жўнаб кетишди...

...Акбарали она қабридан бош кўтариб, ўрнидан турганида атроф ним қоронғи эди. Оёқ остида хазон шитирлаб жимликни бузди, қўналғада қўшлар чўчиб шитирлашди. Акбарали теракларни, қабр дўнгликларини оралаб, панжараларга, сағана тошларига урилиб, сўқмоқ йўлни излар, аллақандай ваҳимадан қора тер босиб кетган эди. Нимагадир илиниб енг ийригиди, қовжираб ўт босган дўнгликлар, харсанг тошлар қоронғида ваҳимали соядай киши юрагига гулув соларди. Акбарали ниҳоят сўқмоқни топди, узоқдан панжарали дарвоза кўринди. Бироқ муюлишда бир одам қорасини кўриб, сочи томирларига гача музлаб кетди. Одам жуда катта эди, у дарахтлар соясиди, қоронғида пусиб тургандек кўринди. Танини совуқ тер босган бўлса ҳам, Акбаралини қандайдир ғайри табиий куч ўша томонга сургади. „Қўрқавераманми, энди менинг кўрқадиган жойим йўқ!“ деб пичирлади-ю, ўзи истамаса ҳам оёғи тортиб кетди. Одам шарпаси дарахт соясиди бир пас кўринмай қолди. Акбарали дадил босиб борарди. Дарахт орасидан оқаринқираб уфқ кўринди. Шу пайт беш қадамчагина нарида ҳашини шарпа яна пайдо бўлди. Энди у ёни билан турарди. Акбарали унга қараб тўхтади-ю, орқага тисарилди. Бирдан... Ҳавога гача титраб кетди. У қақириб юбордим и ўзи билмайди, лекин оғзи очилиб, бехосдан тамом гунг бўлиб қолган эди. Акбарали қозқдек қотди, тебранди, қўли билан кўзларини беркитди, яна очди, рўпарасиди... ўзи... ҳа, ўзи, Акбарали турарди!

Бу ердан қандай қилиб қочганини у билмайди, бир маҳал бориб дарвоза панжарасига урилганида сал ўзига келди. Хайрият, йиқилиб қолмабди... Ё йиқилиб, яна туриб кетдимми? Қанча ётди? Тилдан қолмадиммикай?

Гапириб кўрай деса, ёнида одам йўқ. Ўзича гапирса ҳам бўлади-ку. Тили шиниқираб оғзига сизмай турганга ўхшайди, лекин йўқ, айланаяпти.

– Ёлғон! Ёлғон! Бас. Қўрқмайман! – деб қичқириб юборди у.

Қоронғида жим-жит қабристон янтраб кетди, сойнинг нариги қирғоғидаги жардан: „...ас!“ . „...ан!“ деган акси садо келди. Акбарали ўз товушидан яна қаттиқроқ кўрқиб кетган эди. „Нега қичқиряман? – деб ўйлади. – Бу жиннилик аломати эмасмикай? Бу кўзимга кўринган одам... одам? Ўзим-ку бу! Ё жинни бўлганда одам ўзига ўзи кўринармикай? Ўзим...“

Ҳа, бу унинг худди ўзи эди. Ўша қирра буруи, ёноғи чиққан ориқ юз... Лекин қоп-қора. Соя!

Акбаралининг яна орқасига қайрилиб қарагани юраги дов бермади. У қоқила-сурида катта йўлга чиқиб олиб, бир қўли билан пешанасини ушлаганча шаҳар чироклари томон юрди. Пешанаси муздек эди. Лекин у ишонмади.

„Иситма! Йўқ, жинни эмасман мен! Совуқ иситма!“ – деб тинмай пичирлар эди, анчагина юргандан кейин орқасига қайрилиб қаради, асфальт йўлга аллақандай чирок шуъласи тушиб, йилтирлаб ётар эди. У кўприкдан ҳам аллақачон ўтиб кетган экан, билмабди. – Тавба, ўзига ҳам ўзи кўринадимми одам! Йўқ, бир нима бўляпти менга, бирон жойга бориб ётишим керак. Ҳадеб ўйлагандан, Ҳадеб ўйлагандан.

Энди ўйламайман. Бориб ётаман. Қаерга бўлса ҳам. Тавба, ҳамма азобларин тортдим, энди бир камим жинни бўлиб, кўча-кўйда тентишимди? Йўқ, ўйламайман. Бектемирин ҳам, ойимин ҳам, ўзимин ҳам... Ўзимни? Ғуристондаги ўзимнимми?... Ҳа, ҳа, ўйламайман, ҳеч қайсисини ўйламайман, бас!"

У ҳақиқатдан ҳам ҳеч нарсага ўйламай қўйди. Тўғри бориб меҳмонхонага кирди. Йўлакда мудраб ўтирган семиз хотин биққи қўлини чўзиб, унинг паспортини олди-ю, калитни бериб, яна уйкуга кетди.

Акбарали калитда номери кўрсатилган хонани очиб кирди-да, ечинмасданоқ каравотга чўзилди. Деразалар ланг очиқ, ташқаридан Шодасойининг муздек шовиллаши қулоққа чалинади. Бу – руҳан чарчаган, жисман эзилиб кетган Акбаралининг чалкаш ўйларини бир пасла аллақасёқларга олиб қочди, у қачон қотиб уқлаб қолганини ҳам билмайди. Эрталаб жунжикиб ўрнидан турди.

Энди у анча тетик эди. Тунги ғалати воқеани аниқ эслаб, лабининг бир чети билан салгина маънос жилмайиб қўйди. Қаттиқ чарчаган экан-да, одамнинг жинни бўлиши ҳам ҳеч гапмас. Энди нима қилиш керак? Кимга учраш керак? Учраш? Нега? Акбарали ҳеч нарсага тайёр эмас, ҳеч қандай режаси йўқ эди. Каравотда ўтирганча ўсиқ соқолларини пайпаслаб кўрди. Оч қоринга папирос тутатди. Эшик тақиллаганда чўчиб ўрнидан турди, одам товуши эшитилиши билан кечаги чарчоғи қайтиб келгандек, ичида нимадир яна сўнди, бўшашиб, лоқайд бўлиб қолди.

Эшик қоққан кечаги семиз хотин экан, Акбаралини кўриб, қўрқиб кетгандек, ғалати саломланди-да, столга меҳмонхона анкетасини ташлаб, тўлдириб бериш кераклигини айтиб, чиқиб кетди.

Акбарали анкета қоғозини қўлига олди. Иккита. Иккита ташлаб кетибди. Нега иккита? Ҳар эҳтимолга қарши деб бўлса керак, бири бузилиб-нетиб қолса... Нималарни ўйлаяпти ўзи? Шундан бошқа ўйи йўқми? Йўқ-да, миясига тузук-курук ўй келмай қолди. Мияси карахт. Нима гап ўзи? Нима қилиш керак? Бу ерда нима қилиб ўтирибди? Анкета... мана, анкета тўлғазилш керак.

У бенхтиёр гижимлаб қўйган анкетани столга ёзиб, кафти билан текислади-да, қўлига қалам олди. Қоғозга тикилди. Анкетанинг тепасида „Акбаробод посёлка меҳмонхонаси“ деб ёзилган эди. Акбарали ўқиди, негадир илжайиб қўйди, кейин ҳижжалаб ўқигандек, яна узоқ тикилиб турди. Кўзини пирпиратди, Гижим қоғзини кафти билан яна текислаб, яна ўқиди, иккинчи анкетани ҳам олиб, солиштириб ўқиди. Кўзини четга олиб бир пас ўтиргач, яна тикилди. Қоғоз ловиллаб ёниб кетгандек, сесканиб ўрнидан турди. Эшикка отилмоқчи бўлди-ю, остонада тўхтаб, яна столдаги қоғозларга қаради. Оёқ учида қайтиб келиб, кўзини уқалаб, яна ўқиди. Энди бунинг рўе эмаслигига астойдил ишонди шекилли, юзи қоғоздек оқариб, ўрнига ўтириб қолди. Сувдан чиқиб қолган балиқдек оғзини очиб анча ўтиргандан кейин, қоғозга бир нима бўлмадимикан, дегандек қия кўз ташлади. Қоғоз турибди. Тепасига аниқ ёзилган: „Акбаробод посёлка меҳмонхонаси“, Акбар... Акбарали... Акбаробод... Нега Акбаробод? Шодасой эди-ку? Оти бошқа бўлибди-да. Бошқа... бошқа Акбар.

Шу пайт рўпарадаги тошойнага кўзи тушиб, ўриндан сапчиб турди. Кўзуга яқинлашди, бирдан терга тушиб, тиззалари қалтирай бошлади: унга башларасини соқол босган, ёноқ суяклари туртиб чиққан, рангсиз, ёввойи бир одам кўзлари бақрайганча тикилиб турарди.

– Бу бошқа... Бошқа, бошқа! – деб қичқириб юборди Акбарали. Бирдан доп этиб кечаги гўристонда кўрган одам қораси ёдига тушди. У Акбаралига кўпроқ ўхшарди...

У ҳозир боши тарс ёрилиб кетадигандек, отилиб йўлакка чиқди.

Шу кетганча югураверди.

Тонгда сув сепилган асфальт йўлқалар салқин, озода, товсилиб қолган кузак гуллар соф ҳавода ушбўй ҳид таратиб туради. Ҳансираган Акбарали буларни пайқайгани йўқ, унга ҳаво етишмаяпти, этагига ўт илашгандек ҳамон югурмоқда. Қасқа кетяпти – ўзи билмайди.

Бир маҳал уни кимдир чақиргандек бўлди. У орқасига қайрилиб қарашга журъат қилмай, тўхтаб деворга суянди. Ўпкаси оғзига тикилгандек ҳансирап эди. Ҳалиги овоз яна келди.

Бу чорраҳадаги репродуктор эди. Унда кончилар ҳаётининг сўнгги янгилекларини эшиттиришмоқда: „Акбарободликлар кеча яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдилар: маҳаллий футбол командаси Олмалиқ спортчиларини қабул қилиб...“

Акбарали яна югурди. Уни қандайдир бир даҳшат қувлаб борар, ноаниқ бир фикр олдинга судрар эди. Докадек оқарган, баданлари қалтираган ҳолда гўристон дарвозаси олдида найдо бўлди. Аввал дарвозанинг салқин панжарасидан ажралолмагандек анчагина ёпишиб турди-да, кейин яна югурди, қоқида-суринга кечаги қора кўринган муюлишга етиб борди. У оёқда зўрға турар, кўзларини ишқалаб-ишқалаб ҳайкалга тикилар, ҳеч нарса илғамас эди.

Чала сарғайган қайрағоч соясида, қабр устида чоғроққина бронза ҳайкал. Кеча шомда кўланкадай қорайиб, катта, ҳайбатли бўлиб кўринган экан.

Акбарали аввал тепада сузиб бораётган будулларни кўрди. Сўнгра қайрағочнинг ҳайкалга соя солиб турган шохини. Шундан кейин ўзининг яқингинадаги ёшлик даврига жуда ўхшаш, чиройли, иродали, навқирон бир кончининг қиёфасига кўзи тувиди.

– Акбарали... – деб пичирлади у негадир, гўё ўзи бошқа одамдек.

Одам ўзига ўзи тикилиб турса, ғалати бўларкан. Бошқа оламдан, нариги дунёдан келгандек... Акбаралининг ҳуши ўзида бўлмаса ҳам, лекин негадир ҳайкални ўз қўли билан ушлаб кўргиси келди. Сарғайган ўтни босиб, ўзининг бронза қиёфасидан кўз узмасдан, аста яқинлашди, қўлини узатиб совуқ харсанг тошга бармоқларини тегизди. Яна яқинроқ қадам босай деганида қабр дўнглигига қоқинди. Гўр... Акбаралининг гўри. Анча чўкиб ҳам қолибди...

„Мен тирикман, мен тирикман...“ дерди кўнглида бошқа бир фикр дам-бадам бош кўтариб.

Ўзи эса ҳайкални пайпасларкан, пичирларди:

– Акбарали Ғозиев... Акбарали Ғозиев...

Тошга ўйиб зарҳал ҳарфлар билан ёзилган лавҳада ҳам шундай дейилган эди:

АКБАРАЛИ ҒОЗИЕВ

(1931 – 1960)

кончи дўстларини ҳалокатдан қутқариш йўлида
қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Акбарали энди ҳеч нарсага ҳайрон бўлмайдиган бўлиб қолган. Ҳайрон бўлиш, ўйлаш қобилиятини йўқотган, бир мўъжиза юз бериб, отаси билан онаси тирилиб келиб, ҳозир рўпарасида пайдо бўлса ҳам, ҳайратда қолмас эди чоғи. У бир қўли билан харсангга суянганча қотиб қолди. кўзи тинди. Анчадан кейин зарҳал ҳарфлар кўз ўнгисида яна пайдо бўлди: „А-к-б-а-... Акбарали Ғозиев... ҳалок бўлди“.

У яна кўзини юмди. Миясининг қайси бир бурчагидадир кичкинагина умид, бир ўй сарғайган баргдай зўрға илиниб, қалтиллаб турар эди: „Кўзимга кўриняпти, ҳозир кўз очаману менинг отим ўрнида Бектемир аканинг оти пайдо бўлади!“

Йуқ, яна ўзининг оти пайдо бўлди. У ҳарфларни пайпаслаб кўрди, уларни қалтироқ бармоқлари билан қўпориб ташлашга ҳам уринди. Тилларанг ҳарфлар товланди турарди. Кейин Акбарали тарс ёрилиб кетаётган чаккасини ушлади. Шу пайт бармоқларига боқса, қон – тирноғи қайрилиб кетибди.

Қон юқини кўриб ҳуши ёришгандек бўлди, бу қон алланималарни эсига солди. Қон, зах... қоронғи штреклар. Даҳшатли шовқин, аччиқ ёввойи товуш, инграш...

Акбарали қонли бармоғига яна қараб, талпинди, қочмоқчи бўлди, кейин бўшашиб тўхтади: „Ахир бу Бектемир ака-ку! Бектемир ака ҳалок бўлди! Одамларни деб... мажақланиб кетди!“

У қовжиратган майсага ўтириб йиғлади. Узоқ йиғлади, энди тамом ҳушига келган эди, воқеа бутун тафсилотлари билан ёдига тушди, яна бир марта ҳаёлидан ўтди. Ҳатто ўз кўзи билан кўрмаган тафсилотлар ҳам кўриниб кетди кўзига. Мана, конда чироқлар ўчиб, барча моторлар, конвейерлар тўхтагандан кейин, ҳамма штреклардан қўл фонарини ёқиб қончилар чиқиб келишди. Ўн, ўттиз, етмиш, юз киши... Улар трансформатор ёнида темиртом босган ёлғиз мурдани топадилар, қуршаб оладилар, каскаларини ечадилар. Қоронғида узоқ сукут. Юзлаб одамлар ҳаётини сақлаб қолган бу марднинг ким эканлигини ҳеч ким айтолмайди, юзи таниб бўлмайдиган даражада мажақланиб кетган... Кейин кастум... кастум чўнтагидан пропуск, шахсий гувоҳнома чиқади. Гувоҳнома: Акбарали Ғозиев. Ҳамма ерда ҳайратомуз, мусибатли тантана. Митинглар. Акбаранинг номи тилдан тушмайди. Қариялар дуода, тирик қолган

кончиларнинг болалари унинг фидокорлигига бағишлаб сборлар¹ ўтказадилар. Хайкал, музей... Кончилар посёлкаси „Акбаробод“ деб аталади. „Акбар“ деса оналарнинг кўзига ёш келади. Акбарали эзгу ном...

Бу-чи, бу бўлса аянчли бир қўрқоқ, чиркин бир ҳашаротдек кавакларда писиб юрибди, ўзининг лаънати, ифлос вужудини, бир пақирга қиммат жонини ўйлаб дўстлик, муҳаббат, она меҳридек эзгу нарсаларни поймол қилиб келиб, мана гўристонда ўтирибди, тириклар у ёқда турсин, ёнидаги қабрларга ҳам бош кўтариб тик қарагани ҳалди йўқ. „Одамларнинг соддалиги! Одамларнинг софлиги... азиз армонлари. Йўқ, булар мени бу дунёга сиғдирмайди. Мен қаёққа боришим керак? Бектемир ака! Нотаниш одам... Қора ерда мен ётсам бўлмасмиди! Акбарали қабртошидан бошини кўтарди. Мен яна ўзимни ўйлаялман. Наҳотки шундан бошқага ярамасам?.. Ярар эдим, ўша бир зумдан ўтиб олсам, албағга ярар эдим. Лекин энди... энди кеч. Бир зумлик хато. Бир нафас тубандлик... уни энди бутун ҳаётини бериб ҳам тузатиб бўлмайди. Акбарали ўзининг ҳайкалига қаради. – Хайр... Бектемир ака“.

Оёқларининг базўр судраб, кўзини ердан олмай, қабристон дарвозасидан чиқиб кетди. Меҳмонхонага етиб боргунча ердан бош кўтармади.

Яна бир кун каравотда чўзилиб ётди. Бу уйқу ҳам эмас, туш ҳам, ўй суриш ҳам эмас, қандайдир ҳис-туйғусиз, қоронғига-ёруққа, сукутга-шовқинга локайд, карахт бир ҳолат эди. Ётган ерида нимадир кавшади, графидан сув ичди-да, яна чиқиб кетди.

Биронта таниш учрамасди. Хотинлар, болалар негадир уни четлаб ўтишди. Фақат дарахлар, ариқлар, кўприкларгина таниш. Ўша, неча йиллар мактабга, ишга қатнаган кўчалари. Лекин ҳамма нарса, ариқ бўйида ўсган ялпизгача бегона. Бутун олам бегона...

У негадир кен бошқармасига, кейин посёлка советига бориб қолди. Ҳамма жойда, вивескаларда ўзининг отини кўриб орқага қайтди, калтак еган дайди кучукдек ўзини панага олди.

Одамлардан қўрқадиган бўлиб қолди.

* * *

Қўрқоқлик ўлим билан тенг: Номуси букилган Акбарали чигал вазиятдан қандай чиқишини билмай, яна бир қўрқоқликка йўл кўяди: ўзини ўлдирди. Шу тариқа бир зумлик қўрқоқлик учун уч кишининг умри тўлов бўлди. Чиндан ҳам „Энг даҳшатли йиртиқч – кўён“.

1. Асардаги:

1. Асардаги: „У қочиб келди. Қочиб кутуламан деб ўйлади. Лекин одам ўзидан қочиб кутулолмас экан. Калласи ҳам, кўкси ҳам бум-бўш“ деган тасвирини изоҳлаган.

2. Акбарали ўз хатти-ҳаракати ва феъли-хўли билан онасининг ўлимини талаштирди, деб ўйлайсизми? Фикрингизни асосланг.

3. Асардан онанинг ўлими давҳасини қайта ўқинг. Унда она ва Акбарали тимсоқларининг қанчалик таъсирли тасвирланганлигини кўрсатинг.

4. Шодасойга она жасадини олиб бораётган қаҳрамоннинг: „Акбарали у ерга яна ўз ихтиёри билан қайтиб боришини сира ўйламаган эди. Ҳолир ҳам боргиси йўқ, бормаёса ҳам буларди, лекин негадир оёғи торгяпти. Тақдир экан шекилли. Шум тақдир етаклаб кетяпти уни. „Она васияти. Она васияти...“ деб такрорларди ичидан нимагадир далил келтираётгандек“ сингари ўйларининг сабабини тушутиринг. Қаҳрамон руҳиятида нимани сезяпсиз?

5. Аслида қўрқоқ бўлган одамга қаҳрамон деб ўрнатилган ҳайкал жонсизми ёхуд тирик бўла туриб, одамлардан, ўздан қочиб, яшириниб юрган Акбаралими? Буни матнга тавниб асослаб беринг.

6. Қаҳрамоннинг: „Эшик тақиллаганда чўчиб ўрнидан турди, одам товуши эшитилиши билан кечяги чарчоғи қайтиб келгандек, ичидан нимадир яна сўнди, бўшашиб, лоқайд бўлиб қолди“ тарзидаги ҳолати сабабини изоҳлашга уриниб кўринг.

7. Асар қаҳрамонининг қуйидаги ҳолатини изоҳланг: „Қоғозга тикилди. Анкетанинг тепасида „Акбаробод посёлка меҳмонхонаси“ деб ёзилган эди. Акбарали ўқиди, негадир илжайиб кўйдди, кейин ҳижжалаб ўқигандек, яна узоқ тикилиб турди. Кўзини пирширатди. Фижим қоғозни қафти билан яна текислаб, яна ўқиди, иккинчи анкетани ҳам олиб, солиштириб ўқиди. Кўзини четга олиб бир пас ўтиргач, яна тикилди. Қоғозловиллаб ёниб кетгандек, сесканиб ўрнидан турди“.

8. Асардаги: „Бошқа... бошқа Акбар“ ёки „Бу бошқа... Бошқа, бошқа!“ тарзидаги қаҳрамон руҳий иштироблари авж нуқтада тасвирланган ўринларни тушутиришга урининг.

9. Акбарнинг ўз авичли аҳволи, номардлиги ҳақидаги ўйларига муносабат билдириг. Аслида у қандай одам эди деб ўйлайсиз? Бошқа вазиятда Акбарали бошқача одам бўлиши мумкинмиди?

10. Қўрқоқни қаҳрамон деб билиб, астойдил эъзозлаётган одамлар ҳақида Акбаралининг ўйларини қайта ўқинг. Уларга муносабатингиз қандай?

11. Асардаги: „Акбарали ўзининг ҳайкалига қаради. – Хайр... Бектемир ака!“ шаклидаги тасвирга эътибор қилинг ва адибнинг характер чизиш маҳоратига муносабат билдириг.

12. Роман матнидаги: „...ҳамма нарса, ариқ бўйида ўсган ялпизгача бегона. Бутун олам бегона“ сингари таъкидлар билан Акбарали ўлими ўртасида алоқа бор деб ўйлайсизми?

13. Фафур Фуломнинг „Асрлар тақдирини лаҳзаларда ҳал“ деган ҳикматли сўзлари билан Акбарали қисмати ўртасида ўхшашлик борми?

14. „Қуён – даҳшатли йиртқич“ мавзусида адабий ишро ёнинг.

Тестларни ечинг.

1. “Усти-боши қўл, этиклари лой, соч-соқолидан ёмғир суви томарди. қоронғида юзлари оқаринқираб кўринди...” Бу жумлалар ниманинг тасвири?

А. Характер; Б. Сюжет; В. Портрет; Г. Пейзаж; Д. Руҳият.

2. “Шарофат хола шум хабар эшитгандек, ичидан қалтираб кетди”. Нимадан?

А. Хабар мазмунидан; Б. Шодасойга бормайдиган бўлганидан; В. Сувуқ қотганидан; Г. Ҳўлнинг овозидан; Д. Иситмадан.

3. “Баҳор яқинлашиб қолди... Қасрдадир, уфқнинг нариёғида эрта баҳор момақалдиروفининг сўнги, бўғиқ гулдуриси эшитилади”. Бу қандай тасвир?

А. Характер; Б. Портрет; В. Пейзаж; Г. Сюжет; Д. Рухият.

4. “Мен қаёққа боришим керак? Бектемир ака! Нотаниш одам... Қора ерда мен ётсам бўлмасмиди!” Бу ниманинг тасвири?

А. Характер; Б. Портрет; В. Пейзаж; Г. Сюжет; Д. Рухият.

5. Бандлари икки мисрали ва “а-а, б-б, в-в ва ҳоказо” тарзида қофияланган шеър қандай аталлишини биласизми?

А. Рубоий. Б. Ғазал. В. Мураббаъ. Г. Мухаммас. Д. Мустазод.

6. Бандлари тўрт мисрали шеър қандай номланади?

А. Рубоий. Б. Ғазал. В. Мураббаъ. Г. Мухаммас. Д. Мустазод.

7. Бандлари беш мисралари мумтоз шеър қайси жанрга мансуб?

А. Рубоий. Б. Ғазал. В. Мураббаъ. Г. Мухаммас. Д. Мустазод.

8. Бандлари икки мисрали бўлиб, “а-а, б-а, в-а, г-а...” тарзида қофияланган ва аруз вазида битиладиган шеър номини тошинг.

А. Рубоий. Б. Ғазал. В. Мураббаъ. Г. Мухаммас. Д. Мустазод.

9. Бадий адабиётнинг миллий маънавиятни шакллантиришдаги устувор аҳамиятини таъминлаган омилини кўрсатинг.

А. Бадий адабиёт инсон кечмишини акс эттиради. Б. Бадий адабиёт одамнинг руҳияти билан иш кўради. Миллий маънавият руҳиятга кўнсагина таъсир кучига эга бўлади. В. Адабиёт эзуликка чақиради. Г. Адабиёт миллат тарихига ифтихор уйғотади.

10. Бадий адабиётнинг ҳаёт ҳақиқатига муносабати қандай бўлиши керак?

А. Адабиёт ҳаётнинг нусхаси. Б. Адабиёт ҳаётнинг сояси. В. Адабиёт ҳаётдан нусха қўчирмайди, балки уни мазмунан бойитиб тасвирлайди. Г. Адабиётнинг ҳаётга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

11. Қандай бадий асарнинг умри боқий бўлади?

А. Ҳажми катта бадий асарнинг. Б. Миллий муаммоларни акс эттирган асарнинг. В. Умумбашарий муаммоларни юксак бадий маҳорат билан акс эттирган бадий асарнинг. Г. Ҳукмрон мафқурани бадий акс эттирган асарнинг.

САИД АҲМАД

(1920 – 2008)

ИЛҲОМ ВА МАҲОРАТ САМАРАСИ

Яхши ёзувчиларимиздан Саид Аҳмаднинг „Уфқ“ китоби бошқа анчагина романлар орасида ярқираб турибди. Бу китобни китобхон бошдан-оёқ шавқ билан, ҳеч қаерда туртинмасдан, диққати сусаймасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади.

Ўқишли китоб ёзиш, унинг ҳар саҳифасини, ҳар сатрини китобхонга манзур қилиш, китобхонни қувонтириш, унинг кўнглини топиш осон эмас. Бундай китобни ёзиш учун ёзувчининг маҳорати, китоб ёзишга ҳаваси, ҳатто енгиб бўлмайдиган хоҳиши ҳам кифоя қилмайди, буларнинг устига дард, ҳаёт берган илҳом, калла ва қалбдан бошқа ҳар қандай майда орзу-ҳавасни, ҳар қандай манфаат-ғаразни қувиб чиқарадиган йирик-юксак ғоя мавж урадиган илҳом керак. Илҳом билан маҳорат топишгандагина китоб ёзувчининг қалбидан қўшиқдай отилиб чиқади, китобхоннинг қалбида акс-садо янграйди.

„Уфқ“ кечаги кунимизнинг каттакон ва яхлит парчасидир. Бир мамлакат, бир халқнинггина эмас, бутун инсоният оламининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган, одамларни, мамлакат бойлигини қомига тортаётган буюк хунрезлик. Уруш бўлаётган жойларда харобалар орасидан, қурбонлар остидан қон сизиб оқаётган. Мамлакат ичкарисиде пешона тери, кўз ёши, маҳрумият, қарғиш, наъра... „Уфқ“ мана шу кунлардаги ўзбек қишлоғи ҳаётини тасвир қилади.

Бунда ёзувчининг „ошиб-тошиб“ айтган „қўшимча“ сўзлари, юракка таъсир қилмайдиган, демак, ақлда из қолдирмайдиган „оташин“ чекинмалари йўқ. Бу соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир ва шу билан бирга, гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини „тошдан“ қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир.

Китобда қамирлаган ҳар бир жоннинг қайғуси, қувончи, қилиш-қилмиши, муҳаббати, ғазаби, оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзи рост: биров уруш касофатидан тор-мор бўлган муҳаббати харобаси устида кўз ёш тўкади; уруш бўрони кўз очирмаётган вақтда бировнинг қалбида муҳаббат ғунчаси япроқ ёзади; ота аскарликдан қочган фарзандини отади ва шу билан бирга „хайрият,



ўқ тегмади“ дейди; қишлоқдан қаҳрамон чиққанда бутун қишлоқнинг кўкраги кўтарилади, ҳар бир хонадонга файз киради, уруш касофати онанинг ўлимига сабаб бўлади; оддий одам меҳнат фронтида катта ташкилотчи бўлиб кетади; одамлар қўлидаги бир бурда ноининг юмшоқ жойини жангчиларга илинади. Найман чўлларида душманга қарши яна бир меҳнат фронти очади.

„Уфқ“ да тасвир этилган қишлоқ ҳаётини, одамларини кўриб, ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан: „Биз – ўзбеклар!“ дейди, қардош халқлар ўзбекни меҳр билан: „Ўзбек оғайним“, деб атайди.

Санд Аҳмад бундан кўп йиллар муқаддам қўлига адабиёт танбурини олиб чертганда, қўли келишганини кўриб, яхши созанда бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилган эдик. Шу орзу ушалиб келаётибди. „Уфқ“ унинг илҳом ва маҳорат билан чалинган машқдир. Созанда баъзи пардаларга ортиқроқ нолиш бериб юборган бўлса, буни ҳаяжон натижаси дейиш керак.

Абдулла Қаҳҳор, 1965.

Мустақил Ўзбекистон аҳли маънавиятини шакллантириш борасидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Санд Аҳмадга 1999 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди.

ҚОЧОҚ

(„Уфқ“ романидан парча)

Санд Аҳмадининг „Уфқ“ романи трилогия бўлиб, уч китобдан иборат. Булар „Қирқ беш кун“, „Ҳижрон кунларида“ ва „Уфқ бўсағасида“ деб аталади. Биз куйида танишадиган парча трилогиянинг иккинчи китоби – „Ҳижрон кунларида“ қисмидан олинган.

Воқеа иккинчи жаҳон уруши йилларида Фарғона vodiysида бўлиб ўтади. Асарнинг бош қаҳрамони Икромжон урушдан бир оёғидан ажраб, ногирон бўлиб қайтади. Икромжон ака ва унинг хотини Жаннат холанинг ўғли Турсунбой ёлғиз фарзанд бўлгани учун эрка ўсган, меҳнатни ёқтирмайди, ўзининг манфаатидан бошқа гами йўқ. У тенгларининг бари урушга кетган. Икромжон акадай мард кишининг бу тантқиқ ўғли отасининг юзини ерга қаратди; у урушдан қочган. Унинг қаердалигини Икромжон билмайди, лекин нобақор фарзанд номусида кеча-ю кундуз изтироб чекади. Опаизор Жаннат хола Турсунбойнинг қочиб, тўқайзорда юрганидан тасодифан хабардор бўлиб қолади. Ўғлига жони ачийди, ердан бермоқчи бўлади. Лекин ҳаракатларини ҳаммадан, ҳатто турмуш йўлдошидан ҳам яширишга мажбур.

Жаннат хола энди чўлдан бир қадам ҳам бошқа ёққа жила олмасди. Унинг юраги шу чўлда. Тўқайга пинҳоний қатнаб юришига, чодирдан устара йўқолишига сабаб бор эди.

Турсунбой шу тўқайда. Унинг қамишлар орасида яшириниб юришини Жаннат холадан бошқа ҳеч ким билмасди.

Кеча Жаннат хола ўглининг олдига борганда соқоли ўсиб кетганини, сочлари кулоқларидан осилиб ваҳший қиёфасига кириб қолганини кўрган эди. Шунинг учун ҳам у эрининг устарасини обориб берганди.

Икромжон қишлоққа кетди. Энди тушлик пайтида ҳам ўғлига овқат олиб борса бўлади.

Ҳамма шудгорга чиқиб кетган. Чодирлар олдида ҳеч ким йўқ. Жаннат хола шошиб ун чалиб куймоқ солди-да, болтани кўлига олиб тўқайга қараб кетди.

Турсунбой қамиш қапа олдида тиззасини қучоқлаб дарвиш қиёфасида ўтирарди... Совун тегмаган бетлари кир, ҳам кўрпа, ҳам тўшак ўрнини босган тўнининг снглари титилиб, этаклари балчиққа беланганидан доғ босиб кетганди. Унинг бир вақтлар қизларни шайдо қилган қоп-қора кўзлари энди маъюс, атрафга маъносиз боқарди.

Кеча саҳар пайтида осмони фалакда турна ўтди. Турсунбой шунда ҳам уйгоқ эди. Турна овози унга жуда кўп нарсаларни эслатиб кетган эди.

Турна қанотида бу чўлларга баҳор олиб келди-ю, аммо Турсунбойнинг қалбида уйлиб, муз битиб ётган қорни эритолмади. Унга баҳор келмади.

У ҳар кун тўқай кезиб, қамишлар орасида ишлаётган ҳамқишлоқларини кўриб ўтиради. Уларнинг бари таниш одамлар. Фақат биттаси бегона. Бу йигит ким бўлди экан?

Икки кун бўлди, Турсунбой Зебнини шу йигит билан кўрди. Турсунбой Зебнинг овозини ҳам эшитди. Эшитди-ю, ўзи овоз чиқазолмайди. Агар ёлғиз учратолса эди, албатта, овқат келтиришини ялиниб сўрарди. Йўқ, ёлғиз учратолмайпти.

Унинг қамиш чайласи олдида ўрдаклар учди, яқингинасидан тўнғизлар ўтади. У бу жойда худди шулардек яшириниб яшашга, одамлар кўзига кўринмай яшашга мажбур.

У қачонгача шу хил яшашини билмасди. Бу тўғрида ўзидан сўрамасди ҳам. Мабодо, шундай ҳаёл бошига келса, ўндан-ўзи кўрқиб кетарди. У ниманидир кутарди. Нимани кутаётганини ўзи билмасди.

У кўпинча эртани эмас, тақдирини эмас, онасининг олиб келадиган овқатини кутарди. Шундан бошқа ҳаётдан илнжи қолмаганди.

Жаннат хола чайла олдига келганда Турсунбой қимирламай ўтирарди. У шошиб она кўлидан тугунчани олди-ю, ҳеч қайёққа қарамасдан ўзини овқатга урди.

У бир умр овқат кўрмагандек пишчиллаб, шалоқлатиб куймоқни еб бўлди. Ёғ бўлиб кетган қўлларини ялади, Унга қараб турган онанинг юрак-бағри эзилиб, кўзларидан мўлт-мўлт ёш юмаларди.

Турсунбой қўлларини тўнининг барига артиб, онасига қаради.

– Шатталигимни дадам биладими? Унга айтма. Нақ тутиб беради.

– Дадаиғ бир оёқдан ажраб келган.

– Биламан, биламан. – деди Турсунбой яна лабини ялаб.

– Тоғанинғ ўғлидан қорахат келган, хотини билдирмайпти.

Турсунбой бошини эгиб, кимирламай ўтириб қолди. У раиснинг ўғли билан ўртоқ эди. Иккови бирга ўқишган, бирга катта бўлишган эди.

– Азизхон қаҳрамон бўлди.

Турсунбой кўл силтаб тескари қаради. Бирдан бошини эгди-ю, узоқ сукутда қолди.

– Шунақа, болам. Сени ҳам шунақа қаҳрамон бўлади, деб ўйлаган эдик.

Турсунбой индамади. Бояғи ўтиришида ўтираверди. Кейин бош кўтариб маънос деди:

– Бир пиёла аччиққина кўк чой бўлармиди-я!

– Қандоқ олиб олиб келаман, биров билиб қолади. Сен шўринг курғурга кумғон олиб келай десам, ўт ёқолмайсан. Тутундан билиб қолишади.

Турсунбой ўриндан туриб керишди. У керишганда тўнининг олди очилиб, яланғоч кўкраклари кўришиб кетди.

– Яктагинг ҳам кир бўлиб кетибди.

Бирдан ачимсиқ тер ҳиди келиб, она димоғига урилди. У бурнини жийириб юзини тескари ўгирди.

– Кўйлак олиб келмапсан-да.

– Қандоқ олиб келаман. Даданг билиб қолса нима бўлади? Шу кунда ўзимнинг ҳам анча мазам йўқ. Безгак тутяпти. Дадангга билдирмаяпман. Билиб қолса қишлоққа тушириб юборади. Мен кетиб қолсам, ҳолинг нима кечади? Кечалари танам зирқираб оғрса ҳам тишимни тишимга кўйиб чидаяпман. Пешонам қурсин, бунча шўр бўлмаса.

Бола онанинг дардига парво қилмади. Ҳамон лабини ялаб, бошқа ўйлар билан овора эди.

– Шунақа, болам, касалман. Ишқилиб, толеингга ўлиб қолмай-да.

– Эртага овқатни кўпроқ олиб кел!

– Хўп, болам хўп. Ишқилиб, касалимни даданг билиб қолмасин-да, дарров қишлоққа жўнатворади.

– Этик топиб келмасанг, оёқларимни қамиш тилиб ташлади.

– Этикин қайдан оламан. Даданг бир пой этик кияди. Бир оёғи йўқ унинг. Бугун устарасини қидириб мени жуда қийнаворди. Умримда қилмаган ишим. Қайчи опкелган эдим. Сочингни олиб кўяйми?

– Керак эмас. Этик топиб кел!

Она-бола узоқ гаплашолмадилар; Жаннат хола боласини қабрга кўйиб келаётгандек, юрагида оғир дард билан орқасига қайтди.

Турсунбой яна ёлғиз қолди. Яна қамишларнинг совуқ шитирлаши, яна бақаларининг киши меъдасига тегадиган бир хил қуриллаши.

Тепада кўм-кўк осмон, атрофда қовжираган сап-сарик қамиш... Турсунбой онаси кетган йўлдан юриб ялангликка яқин келди. Атрофга аста разм солиб, секин қамишлар орасидан бош чиқарди.

Нотаниш бола ҳамон кетмон уряпти. Яланғоч бадани терлаб кетганидан янги ювилган самовардек ялтирайди. Марза четида икки қўлини белига қўйиб Зеби турибди. Бола унга қарамайди. Зеби хоҳолаб кулади.

Унинг кулгиси Турсунбойнинг қулоғига ўқдай ботди.

Зебининг бошидаги рўмолини шамол учиряпти, бўйнига ўраб ташляпти. Турсунбой унинг шу бўйинларига билагини ташлаган. Кулги тошиб чиқаётган лабларидан ўпган.

Қани энди, шу кунлар қайтиб келса? Келармикин?

Шу топда уларнинг ораси икки юз метрча ҳам келмайди. Чақирса, эшитади. Югурса, етади. Аммо чақиришнинг ҳам, югуриб етишнинг ҳам иложи йўқ. Уларнинг ораси миллионларча километр, унга на юриб етиб бўлади, на учиб. Балки бир умр етиб бўлмас.

Зеби қумғондан сопол пиёлага чой қўйиб, йигитга олиб борди. Йигит бир дам кетмонини ерга ташлаб, қизининг қўлидан пиёлани олди. Зебига қараб-қараб симира бошлади.

Турсунбой тамшанди. Шўр қўлмак ичавериб Турсунбой чой таъмини унутаётган эди. Шу топда унга Зебидан кўра қўлидаги қумғон аъло туюлиб кетди.

Тўқайнинг айлана жойидан Жаннат хола бир кучоқ илдиз орқалаб чиқди. У бетоблигидан илдизларни араиғ кўтариб келарди. Орқасидаги юкдан мунқайиб, бурни ерга тегай-тегай дерди. Нотаниш йигит шудгордан югуриб чиқиб орқасидан юкни олди. Кампир қотиб кетган белини силаб, ерга ўтириб қолди. Турсунбой бу манзарани кўриб турарди. Шу топда унинг кўзига бу нотаниш бола ниҳоятда бадбашара, ниҳоятда ёвуз бўлиб кўринди.

Гўё онасининг меҳрини шу бола ундан тортиб олиб қўяётгандек. Уни онасидан бегона қилаётгандек туюлди.

Нотаниш бола илдиз бойламани елкасида азод кўтариб чодир тарафга қараб пилдираб кетди. Шудгорда Жаннат хола билан Зебихон қолди.

Турсунбой бир интилиш билан қамиш орасидан чиқди-ю, юраги дов бермай орқасига тисарилди.

Унинг кўксига Зебига нисбатан қандайдир аламли ўч ёнарди. Зебихон Жаннат холани суяб марзага олиб чиқди. Капа олдидаги қамиш гарамига ўтқизди. Қумғондан чой қўйиб тутди. Кампир қуруқшаб қолган лабларини пиёлага тутди-ю, негадир ичмай, тўқай томонга қаради.

У қўлидаги чойини ҳам боласига илтирарди. Турсунбой тупугини ютди. У ўз онасини яхши билади. Агар у шу топда унинг ёнида бўлганда, албатта қўлидан олиб шу чойини ичарди. Она бир қултум сувга зор бўлиб турган бўлса ҳам барибир олиб ичарди.

Турсунбой титраб кетди. Қўллари муштга айланди. Тишлари гичирлади.

Тол шохига илинган темирни кимдир тош билан урди. Унинг залварли овози чўл бўйлаб янграб кетди. Ошпаз одамларни тушликка чақираётган эди. Зеби

билан нотаниш йигит ўша ёққа қараб кета бошлашди. Йўлда Зеби йигитнинг билагига осилиб олди.

Бу манзарани Турсунбой ғазаб билан кузатиб қолди.

У очликни ҳам, таңҳоликни ҳам унутди. Телбадек довдираб балчиқ кечиб, бўри уясидек совуқ чайласига кетарди.

Турсунбой ҳамма нарсадан кечганда ҳам биргина шу Зебидан кечмас эди. Шу таңҳоликда ҳам кўнглининг бир чеккасида қачонлардир у билан топишиш илинжи яшарди. Энди у шу илинжидан ҳам маҳрум бўлганига ишонди. Зебиҳон унинг охириги илинжи эди. Унинг жарангли кулгилари ҳамон қулоқлари остида янграб турарди. Унинг санъат асаридек кўркем қомати кўз олдида турарди. Биринчи бор ўнгандаги лабида умрбод қолган аллақандай тотли маза ҳамон уни тамшантирарди.

Энди-чи? Энди бу гаплар бир хаёл, бир рўё бўлиб қолди.

Турсунбойни ҳаётда ушлаб турадиган ҳеч нарса қолмади.

Савол ва җавоблар:

1. Ёзувчи Саид Аҳмад ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз? Қуйи синфларда унинг қайси асарларини ўқигансиз?

2. “Уфқ” романи нима учун трилогия дейилади? У қандай китоблардан иборат?

3. “Уфқ” трилогиясига ёзувчи Абдулла Қаҳҳор қандай баҳо берган?

4. Асарда Турсунбойнинг ташқи кўриниши акс эттирилган: *„Совун тегмаган бетлари кир, ҳам кўрна, ҳам тўшак ўриниш босган тўшанинг енглари титилиб, этаклари балчиққа беланганидан доғ босиб кетганди“* тасвири унинг ички дунёсига қанчалик мос келиши ҳақида мулоҳазангизни билдириңг.

5. Тўқайзор устидан ўтган турналар тасвирининг Турсунбой тақдирини, руҳиятини ифодалашдаги ўрини изохланг.

6. Романдан олинган парчадаги: *„Турна қанотда бу чўлларга баҳор олиб келди-ю, ammo Турсунбойнинг қалбида уйилиб, муз битиб ётган қорни эритолмади. Унга баҳор келмади“* изоҳини шарҳланг. Романда нисон руҳияти билан табиат ҳолати ўртасидаги муносабат қандай акс эттирилган?

7. Онасининг қаҳрамонлик ҳақидаги гапларига Турсунбой билдирган муносабат ифодаланган ўринни топиб ўқинг. Бу пайтда Турсунбойнинг хаёлидан нималар кечди?

8. Турсунбойнинг бир вақтлар ўзи севган қизни бегона йигит билан кўргандаги ҳолати тасвирини руҳий, жисмоний ва бадний жиҳатлардан изохланг: *„...Зебининг овозини ҳам эшитди. Эшитди-ю, ўзи овоз чиқаролмади. Агар ёлғиз учратолса эди, албатта, овқат келтиришни ялишиб сўрарди“*.

9. Асардаги *„У, кўпинча, эртани эмас, тақдирин эмас, онасининг олиб келадиган ошқатини кутарди“* тарзидаги таъкидга таяниб, Турсунбой шахси тўғрисида мулоҳаза юритиңг.

10. Асардан она билан Турсунбой суҳбати акс эттирилган ўринларни синчиклаб ўқинг. Унда она ва боланинг ҳолати қандай тасвирланган?

11. Асарда она тилидан айтилган: *„Қайчи ошқалган эдим. Сочингни олиб кўяйми?“* сўзини нима учун ишлатилганлиги ва кейин қайси лавҳа тасвирига асос бўлганлигини топиңг.

12. „Жаннат хола боласини қабрга қўйиб келаетгандек, юрагида оғир дард билан орқасига қайтди“ тарзидаги тасвирга муносабат билдиринг.

13. Бир пайтлар кўнги қўйган қизга Турсунбойнинг бетоналиги ифодаланган кўйидаги тасвирни шарҳланг. „Шу топда уларнинг ораси икки юз метрча ҳам келмайди. Чақирса, шитади. Югурса, етади. Аммо чақиринишнинг ҳам, югуриб етишининг ҳам иложи йўқ. Уларнинг ораси миллионларча километр, унга на юриб етиб бўлади, на учиб“.

* * *

Чўл баҳорини ҳеч қаернинг баҳорига ўхшатиб бўлмайди. Ҳозиргина яшнаб турган осмонни бир зумда қўрғошиндек булут ўрайди. Шатир-шутур ёмғир қуяди. Момақалдироқ еру кўкни ларзага солиб қалдирайди, Шамширдек ялтираган чақин чўлни олисларгача ёритади.

Чўл осмонида нузли ишком бўлиб камалак пайдо бўлади. Бундай пайтда одамлар, бўри болалаяпти, дейишади.

Найманликлар баҳорининг ана шундай кунларини кечиринишаётган эди. Уларнинг бу ерга келишганига икки ярим ойдан ошиб қолди. Шу пайтгача тўқайда аллақанча ерни шудгор қилиб қўйишди.

Зебихон саккиз кун бўлди Зирилламага кетган. Қурт тутяпти. Жаннат хола ярим жон бўлиб ётиб қолган. У гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд. Икромжон бир оёқлаб шудгор кезади.

Жаннат хола шу аҳволда ҳам судралиб ишлаётганлар олдига келади. Фимирсиб уларга чой ташийди. Эри қанча койиса ҳам парво қилмайди. Икки кунгина ётади-да, яна қумғон кўтариб шудгорга келади, ё бўлмаса тўқайга кириб ўтинбон илди теради.

Жаннат хола бутунлай ётиб қолишдан қўрқарди. Ётиб қолсам, Турсунбойнинг ҳоли нима кечади, деб ташвишланади.

У бир ҳафтадан бери ўзидни қўргани йўқ. Турсунбой билан бундан етти кун олдин учрашганда:

– Болам, одамлардан ажралиб чиқолмаяпман. Овқатингни зовур орқасига қўйиб кетаман, — деб тайинлаган эди.

Шундан бери икки марта обориб қўйди. Ҳар борганда бўшаган товоқин олиб келарди.

Бугун ҳамма баробар шудгорга чиққан. Ҳар ер-ҳар ердан бўғиб, под олишяпти. Уч кун ичида под тортиб бўлишса, каналдан ариқ очиб келишади. Ҳамманинг далада бўлиши Жаннат холанинг айни муддаоси эди. У кечадан бери ўрнидан туролмай ётган бўлишига қарамай, вақтни ваннмат топиб, чодир орқасига ўтиб қозон осди. Гўштсиз бўлса ҳам палов дамлади-да, эрининг келиб қолишдан қўрқиб дам едирмай сузиб олди. Қумғонда қайнаб турган сувни грелкага қўйиб, бир кафт кўк чой солди-да, муңкиллаб орқа йўл билан тўқайга кетди. Белига бойлаб олган грелка пахтали нимчадан ўтиб биқинини куйдирадди. Аммо у муңкайганича аламдан тишини тишига қўйиб чидаб борарди.

– Пешонам қурсин, не кунларга қолдим.

У тўқай ичига кириб ташқаридан қараган кишининг назари тушмайдиغان бўлгандан кейингина грелкани белидан олди. Терлаган экан, баҳор шабадаси танини яйратиб юборди. Кўйлак ёқаларини ечиб роҳатланди.

Жаннат хола кўп ўйлади. Боласининг, эрининг, ўзининг тақдири тўғрисида жуда кўп ўйлади, ўйининг охири шу бўлди: „Бу хилда яшаб бўлмайди, энди бас! Турсунбойни инсофга келтириш керак. Эгилган бошни қилич кесмайди. Урушга борсин. Ўзини оқласин. Ягона йўл шу! Агар Турсунбой кўнмаса, уни ўзим тутиб бераман. Шундай қиламан!“

Онанинг қарори қатъий эди.

У Турсунбойнинг чайласига яқин борганда юраги ҳовриқиб кетди. Боласи доймо чайла олдида тиззасини кучоқлаб ўтирарди. Нега кўринмайди? Кампир шошиб чайла ичига бош суқди. Турсунбой қамиш устида кўзларини юмиб ётибди. Она кўрқиб кетди. Ўзини унинг устига ташлади. Турсунбой кўзини очди, унга аламли қаради.

– Сенга нима бўлди, болагинам?

Турсунбойда аллақандай шер кучи пайдо бўлди-ю, сапчиб ўрндан туриб кетди. Кейин дармонсизланиб яна ёнбошига йиқилди.

– Нима бўлди? Тобинг йўқми?

Турсунбой аранг жавоб берди:

– Бир ҳафтадан бери туз тотганим йўқ.

– Ахир икки марта овқат келтириб қўйгандим-ку.

– Бўш товоқдан бошқа нарса кўрганим йўқ.

Жаннат хола ҳар гал товоқни олгани борганда товоқ тупроққа қориниб ётганини кўрарди. Бирок, у ўғлининг феълини билганидан, ўзи шунақа, у ердаги чўлни бу ерга олиб қўймасди, деб қўя қоларди. Қанча хавф-хатарда пиширган овқати боласига буюрмаётган экан, уни итлар талашиб ейишадиган экан.

Жаннат хола рўмолга ўралган товоқни шошиб ўғлининг олдига қўйди. Турсунбой кир бўлиб кетган панжаларини баробар товоққа тикиб, фикимлаб оғзига соларди. Икки-уч ошамдаёқ товоқ бўшади. Она грелкадан сопол пиёлага чой қуйиб боласига тутди. Турсунбой ола туриб қўли қалтираб пиёлани тушириб юборди. Кўзлари олайиб тиззасига бошини ташлади.

Баданидан ачимсиз тер ҳиди келиб турган болани она бағрига босиб бошларидан силади.

Турсунбойнинг иситмаси баланд эди.

– Безгак тутяпти сени, болам. Юр, юр, кетайди. Сени олиб кетгани келдим.

Турсунбой жавоб ўрнига ингради.

Шу топда Жаннат холанинг кўзига дунё қоп-қоронғи бўлиб кетди. Ўз дардини унутди. Бошидаги рўмолини ечиб кўлмақдан ҳўллаб келиб, ўғлининг пешонасига босди. Боласи кўзини очмай ингради.

Жаннат хола ориқ бармоқлари билан ўғлининг юзларидан силаб, кўзларини бир нуқтага тикканича овоз чиқазмай йиғларди.

Орзулари шамолга учди. Ҳомилаликдан то шу кунгача қилган умидлари гамом бўлди. Боласининг йўлга кирган кундаги қувонч, тили чиқиб, биринчи марта ая дегандаги олам салтанатига тенг шодликлар, дадаси опичлаб гузарга олиб чиқиб кетаётганда эшик олдида орқасидан қараб қолгандаги ҳеч нарсага тенг кўриб бўлмайдиган бахт, биринчи бор мактабга қузатганда оппоқ кўйлак, гарч солиб тикилган этик кийиб чопқиллаб кетаётгандаги тонгдек ҳеч қачон кўрмаган тонг... Ҳаммаси, ҳаммаси она кўз олдида бир-бир ўтаверди.

Турсунбой алаҳсирарди.

– Янги тўним қани, этигим... Зеби, Зеби! Зеби! Эшикни ким тақиллатаяпти, очма! Олма пишиб қопти-ку. Келяпти, келяпти! Велосипедимга тегмасин! Этигимни торт! Ошиғини емайман! Зеби қани!

Жаннат холанинг юрак-бағри эзилди кетди. Нима қилсин? Нима қилса, боласининг дардига эм бўлади? Чорасиз! Унинг дардини енгиллаштиришга ҳеч қандай имкон йўқ. Боласи қувғин. Ҳамма эшик берк. Шу торғина тўқайдан бошқа макони йўқ унинг. Бу жой ҳам уни умрбод сақлаёлмайди.

Она икки қўлини осмонга кўтариб фарёд чекди.

– О, худо, менда шунча қасдинг бормиди!

Унинг ҳавога кўтарилган қўллари шалошлаб икки тиззасига тушди. У шу кўйи қанча ўтирганини билмайди. Атрофни қоронғилик босган, қамишлар шамолда совуқ гувуллайди. Ёнида ётган боласи ўқтин-ўқтин аянчли инграйди. Шу пайтда олисдан кимнингдир, „Жаннаааат“, деб қичқиргани эшитилди. Она ҳушига келиб қулоқ тутди. Ўша овоз яна бир неча бор такрорланди.

Жаннат хола ўридан турди. Қоронғида боласининг башараси кўринмасди. Яна ўтириб тимирскиланиб пешонасини топди. Ҳамон иссиқ.

Она икки ўт орасида қолди. Кетса, боласидан кўнгли тинчимайди. Ким билади, ҳоли нима кечади? Кетмаса, ҳозир уни қидириб келиб қолишади. Унда нима бўлади?

У боласининг пешонасидан қўлини олмай тураверди. Уни чақираётган овоз борган сари яқинлашаверди. Она шошиб чайладан чиқди.

Қамишлар орасидан бир неча жойда машъала кўринди. Ҳар тарафдан „Жаннат! Жаннат!“ деган товушлар келарди.

Уни адашган, ё бўлмаса бирон фалокатга йўлиққан гумон қилиб, ҳамма баравар оёққа турган эди.

Жаннат хола жон ҳолатда шудгор олинган тарафга югура бошлади. У қамиш орасидан чиқиши биланоқ Низомжон йўлиқди.

– Қаёқда юрибсиз, ая, тинчмисиз?

Жаннат хола унинг Низомжонлигини овозидан таниди. Нима дейишини билмай гудиради.

Низомжон овозининг борича тўқайга қараб қичқирди.

– Келавериңлар! Жаннат аям бу ёқдалар!

У бир неча марта атрофга шундай деб қичқиргандан кейин машъалалар шу тарафга қараб кела бошлади. Биринчи бўлиб оқсоқланиб Икромжон келди. Бирпасда уни машъала кўтарганлар ўраб олишди.

– Қаёқда юрибсан?

Жаннат хола жавоб беролмади. Унинг кўзлари бежо. Фақат қўлларини муттасил силкитиб, тўқай тарафга қараб қичқирарди. Она ақдан озган эди. Низомжон уни суяб чодир олдига келгунча терга пишиб кетди. Жаннат хола ҳамон тўқайга қараб қичқирар, унинг қўлидан чиқиб ўша ёққа югурмоқчи бўларди. Чодир ичига киришганда, у бирдан жимиб қолди. Ҳолдан тойиб тўшакка ўзини ташлади-ю, қимирламай шифтга тикилиб ётаверди.

Одамлар бирин-кетин тарқаб кетишди. Икромжон Жаннат холанинг оғзига чой тутди. У бошини сарак-сарак қилиб ичмади. Дармонсиз қўллари билан кўрпани бошига тортиб кўзини юмди.

У шу ётганича эрталаб ҳам кўзини очмади.

У ягона фарзандидан кўнглини узолмай, унинг бахтини кўролмай, армон билан чодирда жон берган эди.

Эрта азонда Низомжон тоғага хабар бергани Зирилламага от чоптириб кетди... Чўл уфқи кизариб турган кеч пайтида марҳуманинг жасади солинган тобутни елкага олишди. Низомжон унга ўғил бўлиб, ҳасса тутиб, тобут олдига тушди.

Унинг ўз боласи тўқайда, қамишлар орасидан маросимни кузатиб турарди. У ким вафот топганини билмасди. Дадасининг тобут олдида бел боғлаб йиғлаб кетаётганини кўрди-ю, кўзлари бежо бўлиб кетди. Ахир у куни билан онасини кутаётган эди. Унга овқат олиб келмоқчи эди. Нима бўлди? Наҳотки, ўлган бўлса? Энди, унинг ҳоли нима кечади? Энди унга ким овқат олиб келади?

Она, қазойим етиб оламдан ўтсам, болам ўз қўли билан қабрга қўяди, деб ўмид қиларди.

Боласи қабрга яқин келмай, бўрига ўхшаб тўқайдан хунук қараб турарди... У туғиб катта қилган онасининг жасадини бегоналар елкада табаррук қилиб кўтариб кетаётганларини кўра туриб ҳам бир қадам олдинга жилмасди.

Қуёш қип-қизил чўғ бўлиб ботаётган чўл оқшомида ҳижронзада, аламзада, фарзанд доғида куйиб адо бўлган онани тупроққа қўйишди.

Икромжонни тоға суяб турарди. Низомжон қабр ёнида чўккалаб бош эгиб ўтирганича ҳамма қўзғалганда ҳам бошини кўтармади.

Офтоб ўчди. Уфқда оловли булутлар қолди. Низомжон бошини кўтарганда ялтираб турган парча булутлар куйган қоғоз чўғидек бир пасда ўчди. Чўл жимжит бўлиб қолди. У ҳасрат-надомат билан битта-битта босиб чодир томонга юра бошлади.

Қишлоқдан келганлар грузовойга чиқиб олишган. Тоға Низомжонни кутиб турган эди, ёнига чақирди.

– Ишим, чайлада ётма, кўрпа-тўшагингни кўтариб амакнингнинг чодирига кел. Ёлғиз қолмасанг, – деб тайинлади.

Низомжон унинг айтганини қилди. Чодирда фонар ёқмай, Икромжон тиззасини кучоқлаганича қимирламай ўтирарди.

* * *

Икромжон шовиллаб турган кимсасиз тўқай ичида анча узоқлаб кетган эди. Аксига у на бўри, на куён, на ўрдак уролди. То у қўлтиқтаёққа суяниб мўлжалга олгунча ўрдак учиб кетар, куён инига етиб бўларди. Тўқай яланглигида ўзини офтобга солиб ётган баҳайбат эчкиэмар унинг қорасини кўрибоқ думи билан қамишларни шитирлатиб чайқатиб, бир пасда ғойиб бўлди.

Икромжон юра-юра чарчади. Милтиқни ерга қўйиб, чалқанча ётиб олди. Бегубор кўм-кўк осмонга тикилганича қимирламай ётаверди. Қаттиқ чарчаганидан кўзи илинган экан, нимадир шитирлаб уйғотиб юборди. Икромжон бирон ҳайвон бўлмасин, деб сапчиб ўрнидан турди. У ёқ-бу ёққа аланглади.

Ундан ўн беш қадамлар нарида, қамишлар орасида бир одам осмонда учиб кетаётган ўрдакларга қараб турарди. Нотаниш киши унга орқасини ўтириб турганидан башарасини Икромжон кўролмади. Қўлтиқтаёғига осилиб ўрнидан турди. Нотаниш кишидан кўзини узмай энгашиб милтиқини олаётган эди, у чан томонга юра бошлади. Икромжон беихтиёр унга эргаша бошлади. Оёқ тагида қуруқ қамиш шитирлади. Нотаниш киши ўтирилиб орқасига қаради. Қаради-ю, қўрқувдан кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетди. Икромжон уни танимади.

Сочлари ўсиб елкасига тушган, кийимларининг жулдури чиққан, юзлари чивин чаққанда яра бўлиб кетган бу одам Турсунбой эди. У озиб, қорайиб, дармонсизликдан араңг судралгандек юрарди.

Одам киёфаси йиллар ўтиши билан, шароит таъсири билан ўзгариб кетиши мумкин. Фақат одамнинг кўзи ўзгармайди.

Икромжон унинг Турсунбойлигини кўзидан таниб қолди. Қичқириб юборди.
– Турсун!

Турсунбой қимирламади. Икромжон таёқ билан сакраб-сакраб олдига келаётган эди, Турсунбой яна нари кетди. Унинг бу ҳаракатлари худди аллақандай ёввойи ҳайвонларни эслатарди.

Чинакамига у ваҳшийлашиб қолган эди. Яқин олти ой биров билан гаплашмай, одамсифат ётиб-турмай, иссиқ татимай шу аҳволга тушган эди.

– Турсун, Турсунбой, болам! – деди жон ҳолатда Икромжон.

Турсунбой бу гал жойидан қимирламай туриб қолди. Икромжон бора солиб унинг бўйнига осилди. Қўлтиқтаёғи ерга тушди. Бир оёқлаб туриб унинг елкаларини силар, пешоналаридан ўпарди.

Бирдан димоғига қўланса ҳид урилиб, Турсунбойни бағридан қўйиб юборди-да, якка оёқлаб туриб қолди. Мувозаниатини сақлаёлмай орқасига чалқанча ағдарилиб тушди. Боласи уни тургазиб қўймади. Ўзи бир қўлига тиралиб, яна ўрнидан турди. Ўзининг юзига қаради.

Турсунбойнинг юзига кўпдан сув тегмаган. Бутун вужудидан ачимсиқ тер хиди буруқсиб турарди.

Икромжон бу ногаҳон учрашувдан тамомила эсанкираб қолган эди. Нима қилишини, ўғлига нима дейишини билмасди. У шу бир оёқлаб турганча жуда оз фурсат ичида кўп нарсаларни ўйлади. Кўп нарсаларни хотирига келтирди.

Хотинининг тўқайга илдиз теришга бориши сабаби шу бир неча дақиқа ичида аён бўлди.

Икромжон бутун борлигини, бугунини, эртасини бағишлаган ёлғиз фарзандига қараб бирдан жирканди. Қошлари чимирилиб, пешоналари тиришди.

Унинг олдига ўз боласи эмас, бир йиртқич тургандек бўлди.

– Ўтир! — деб буюрди Икромжон.

Турсунбой итоаткорлик билан ерга чўккалади.

– Тўқайга қачон келдинг?

Турсунбойнинг тили гапга келмади. У гўё гаплашув қобилиятини йўқотгандек, жавобга сўз ахтараётганга ўхшарди. Охири у қийнала-қийнала жавоб берди:

– Тўрт ой бўлди.

Турсунбой бошини эгиб, ердан чўп олиб тишлаб ўтираверди.

– Онанг ўлди. – деди Икромжон.

– Биламан. Кўмишга олиб кетаётганларингга кўриб турган эдим.

Икромжон ўзини йўқотиб қўйди. Қаршисида ўтирган боласини ягона оёғи билан тегиб юборди. Турсунбой орқасига аздарилиб тушди. У то ўрнидан тургунча Икромжон эмаклаб бориб бошига, юзига ураверди. Бола отасига мушт кўтаролмади. Унинг бундай қилишга дармони йўқ. Очлик ўз кучини кўрсатиб, уни ҳолдан тойдирган. Икромжон ҳамон унинг дуч келган жойига мушт соларди. У муштларди-ю, аллақандай хунук овоз билан бақирарди.

– Онанг қандоқ хотин эди! Қандоқ хотин эди! Номард! Она қабрга қўйиладётганда кўриб туриб ёнига боролмаган, оқпадар! Ўз қўли билан тупроққа қўйишдан қочган ярамас! Онанг қандоқ хотин эди-я! Сен жувонмаргга қандоқ меҳр қўйган эди-я! Сен уни ўлдирдинг! Ўзинг ўлдириб, яна ўзинг уни тупроққа қўйганларини томоша қилдингми? Ифлос!

Икромжон мушт уриб чарчади. Сўкиб овози бўғилди.

У Турсунбойнинг бўғиздан қўлини бўшатиб, башарасига қараб тупурди.

– Мана сенга!

У буига ҳам қаноат қилмай қўлтиқтаёғини унинг елкасига икки марта зарб билан урди. Турсунбой аламдан ингради. Орқаси билан судралиб нари кетди.

– Ёт-бегоналар тобутни елкага олиб кетаётганларини кўриб чидаб турдингми? Йўлингга термилиб кўр бўлган онага шуми мукофот? Бутун умрини, жонини, роҳатини бағишлаган онага шуми мукофот? Алифдек қоматини сен букдинг, юзларига ажнларини сен солдинг, кўзларидан нурни сен ўғирладдинг, шу ёруғ дунёни қоронғи зиндон қилдинг! Сен жувонмаргдан қандоқ умидлари бор эди онангнинг. Сеннинг ўрнингга ит боқсак бўлмасмиди? Елкамда кўтариб

катта қилганман. Шу елкаларимда катта қилганман. Оғиримни енгил қиларсан, деб ўйлаган эдим. Мушкулимни осон қиларсан, деб ўйлаган эдим. Оқ сут берган онангни гўрга қўйишга ярамадинг. Онага вафо қилмаган бола, кимга вафо қилади. Юрт ишига ярамаган бола, қай ишга ярайди.

Икромжон унга қараб қаҳр-ғазаб билан қичқирарди:

– Хоин! Қочоқ! Номард! Ҳезалак! Ифлос! Ит! Тур ўринидан!

Турсунбой ўридан турди. Икромжон яна қўлтиқтаёғига осилиб қаддини ростлаб олди-да, унга буюрди:

– Юр!

Турсунбой қимирламади. Икромжонда қандайдир ҳеч тўхтатиб бўлмас куч пайдо бўлганди. Ҳозир у ҳар қандай ваҳший куч билан олишишга тайёр эди.

Турсунбой безовталиқ билан тутилиб сўради.

– Қаёққа?

– Қишлоққа. Юрт олдига. Сен ярамаснинг жазойингни юрт берсин.

– Дада, дадажон!

– Дада дема. Сендек болам йўқ. Сени аллақачон ўлдига чиқазиб қўйганман.

Кўзларинг ўйилсин, ўкрайган кўзларингни кузғунлар чўқисин! Юр, деяпман сенга!

Турсунбой унга ваҳима билан қараб қўйди-да, бирдан орқасига бурилди. Икромжон уни ушлаб қолмоқчи эди, силтаб ташлади. Икромжон ёнбоши билан йиқилди. У ўридан турганда Турсунбой анча нари кетиб қолган эди. Икромжон шошиб елкасидан қўштиғин олди. Тирсагини қўлтиқтаёқ чармига тираб туриб мўлжалга олди. Ўқ овози худди чўл устида аллақандай ваҳимали ҳайвон ўқиргандек бир неча дақиқа акс-садо бериб турди. Тутун тарқаганда Икромжон ўғлининг қамишларни қайириб ҳамон чопиб кетаётганини кўрди. Хайрият, тегмабди, деди. Яна милтиқни ўқлади. Бу гал болани мўлжалга олмади. Жаҳл билан дуч келган тарафга қараб тепкини босди...

* * *

... Икромжон Турсунбойни учратган кундан бери тинчсини йўқотган эди... У бу тонг ҳам тўқайга қараб кетди. Бу гал у милтиқ олмади. Оғалиқ журъати билан уни қўндиришни ният қилган эди.

Фира-шира тонг ёришиб келаётган эди. Икромжон қамишлар орасида узоқ кездди. Овоз чиқариб ўғлини чақирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Бирдан қамиш қапага кўзи тушиб тўхтади. Секин бориб қапа ичига мўралади. Турсунбой тўзиб кетган тўйини бошига қўйиб қимирламай ётарди. Икромжон ажиб бир ҳаяжон билан тепасига келди. Энгашиб:

– Болам, болам, — деб чақирди.

Аммо Турсунбой жавоб бермади. У ота дийдоридан, она меҳридан, ёр-биродарлар даврасидан олида, чақирса овоз етмайдиган жойда кувени бўлиб, оламдан ўтган эди. Икромжон совуқ тямани бағрига босиб, қотиб қолган елкаларидан силади. Пешоналаридан ўпди. Унинг кўз ёшлари Турсунбойнинг муздек совуқ

юзларини ювди. Икромжон кимсасиз тўқай орасида аламларини, ичини куйдирган дардларини танидан чиқариб юборгудек бўлиб, ўкириб-ўкириб йиғларди.

Турсунбойнинг бари қилмишлари энди жони билан бирга танини тарк қилган эди. Энди бу ёлғиз тана отаники эди. У ёшлик пайтларидагидек беозор ухлаётганга ўхшарди. Юзлари норасида юзидек пок эди унинг. Йиғирма бир йил ардоқлаб боққан, шамолни раво кўрмай жонига ўраб ўстирган боласи хоинликдан, қўрқоқликдан, она олдидаги ҳеч қачон ювиб бўлмайдиган гуноҳлардан пок бўлолмай, ота кучоғида бегонадек ётарди.

Икромжон йиғлади, йиғлади, йиғидан кўз ёшлари қуриди. Боласининг бошига хашак тўплаб ёстиқ қилди-да, уни аста ерга ётқизди.

Атрофда офтоб яшнаяпти. Янги полук чиқазган қамишлар ел билан ўйнашяпти. Осмони заминда қайичига ўхшаб турна қарвони қўй ҳайдаган чўпондек қур-қурлаб ўтяпти. Осмон шу қадар сўнгисми? Унинг ортида нималар бор? Бу зангори йўл қай томонга олиб боради? Қизиқ! Турналар қайга ўчаётганикин?

Икромжон телбага ўхшаб то турналар уфққа сингиб кетгунча қараб турди. Бирдан сесканиб, яна ерда ётган боласига қаради. Тўнини ечиб устига ёпти-да, бир тиззалаб чўкка тушди-ю, қўлтиқтаёғи билан ер ўя бошлади.

У ўғлига, ягона ўғлига гўр қазирди.

...Икромжон ҳам алам, ҳам нафрат билан гўр қазирди. Баҳор селлари магзи-мағзига синган ер қўлтиқтаёқ учига бир кафтдан илиниб чиқарди. Икромжон қора терга тушиб кетди. У қабрини тизза бўйи қазиганда ҳали офтоб ўчмаганди. У қаддини ростлаб яна осмонга қаради. Осмон тўза. Унда на қуш учар, на бўлут сузарди. Ёнига қаради. Унинг чопони тағида Турсунбой ётарди. Икромжон бир дам унга ҳасратли боқиб турди-да, яна ер ўйишга тушиб кетди.

Офтоб сўнди, уфқда қип-қизил шафақ ёнди. Қамишлар учи ўчаётган шам сўхтасига ўхшаб қолди. Икромжон қабрдан чиқиб, терлаб турган танидан яқтагини ечди-да, Турсунбойни ўради. Аллақандай ғайри табиий куч билан уни икки қўллаб кўтарди-да, бир тиззалаб сурилиб қабр олдига келтирди.

Чўл устини аста қоронғилик босиб келаётган ёз оқшомида ота ўз боласини шонсиз, шарафсиз, маросимсиз қабрга қўйди. Лой аралаш тупроқ тортиди.

Ой ениган қизил дагандек бўлиб бўзариб чиқди. У секин-секин ҳаволаниб терак бўйи кўтарилиди-да, қимирламай осилиб қолди. Бирин-кетин юдузлар кўзи равшанлаша бошлади. Осмон заминда арава орқасидан кўтарилган тўзондек бўлиб сомон йўли кўринди.

Икромжон қабр тепасидан кетолмади. Ҳар гал ўриндан туриб кетмоқчи буларди-да, яна фарёд уриб ўзини қабр устига отарди.

Савод ва топшириқлар:

1. Асардаги „Жаннат ҳола бутунлай ётиб қолишдан қўрқарди“ таъкидининг сабаби нимада?

2. Онанини ақлдан оғишга сабаб бўлган ҳолатлар тасвирланган ўринларни қайта ўқити ва изоҳланг.

3. Турсунбойнинг худбинлиги сабаби нимада деб ўйлайсиз? Унинг худбинлиги, одобсизлиги яққол кўринадиган сўзлар, ҳолат ва ҳаракатлари тасвирланган ўриларини айтинг.

4. Жаннат ҳоданинг мурдасини қабристонга олиб кетаётганларини кўриб турган Турсунбойнинг хаёлидан қандай фикрлар кечди?

5. Асардан олинган парчада Турсунбойнинг ювуқсизлиги, ундан ачимсиз ҳид келиши такрор-такрор таъкидлангани сабабини тушунтиришга ҳаракат қилинг.

6. Икромжоннинг ўғлига қарата: „*Уни (онангни) сен ўлдирдинг!*“ – дейиши сабабини изоҳланг.

7. Ўғлини тўқайзорда учратган Икромжон қай ҳолатга тушди? Бу ҳолат тасвирини ҳаётийлик ва маҳорат нуқтайи назаридан қандай изоҳлайсиз?

8. Романдан олинган парчада Икромжон рўҳияти: „...*Ўғлининг дуч келган жойига мушт соларди. У муштларди-ю, аллақандай хушук овоз билан бақирарди*“ тарзида акс эттирилгани сабабини тушунтиришга ҳаракат қилинг. Ахир у ёлғиз ўғлига ғоят меҳрибон ота эди-ку? Икромжоннинг овози нима учун хушуклашди деб ўйлайсиз?

9. Икромжоннинг ўғлини отидаги ҳолати: „*Ўқ овози худди чўл устида аллақандай ваҳимали ҳайвон ўқиргандек бир неча дақиқа акс-садо бериб турди*“ тарзида тасвирланган. Отанинг ана шу оралиқдаги ҳолатини ифодаланг.

10. Ўғлини отишга отиб, тегмаганини кўргач: „*Хайрият, тегмабди*“ деб ўзига таскин берган бечора отанинг ҳиссиётлари, туйғулари ҳақида мулоҳаза юритинг.

11. Асардаги: „*Турсунбойнинг бари қилмишлари энди жони билан бирга танини тарк қилган эди. Энди у ёлғиз тана отаники эди. У ёлғиз пайларидангидек беозор ухлаётганга ўхшарди. Юзлари норасида юзидек пок эди унинг*“ тасвирини изоҳланг. Бутун парча мобайнида исқиртлиги, сасиқлиги, ювуқсизлиги, очкўзлиги қайта-қайта таъкидланган қаҳрамоннинг: „*Юзлари норасида юзидек пок...*“ дея тасвирланганлигини қандай баҳолайсиз? Бунинг сабаби тўғрисида, ўзбекларда ўлган кишига муносабатнинг ўзига хослиги ҳақида мулоҳаза юритинг.

12. Боласининг ўлиги бошида ўтирган отанинг ҳолати асарда: „*Бу зангори йўл қай томонга олиб боради? Қизик, турналар қаёққа учаетганикин? Икромжон телбага ўхшаб турналар то уфққа сингиб кетгунча қараб турди*“, деб акс эттирилган. Бу ҳолат борасида жиддийроқ ўйлаб кўринг.

13. Дареликда романдан олинган: „*Ой синган қизил лагандек бўлиб бузариб чиқди*“ деб бошланадиган парча бор. Ушбу тасвирини охиригача ўқинг, унинг бадний вазифасини аниқланг. Қаҳрамон ҳолатини акс эттиришдаги ўринини белгиланг.

14. „*Икромжон қабр тепасидан кетолмади. Ҳар гал ўридан туриб кетмоқчи бўларди, яна фарёд уриб, ўзини қабр устига отарди*“ тасвирга эътибор беринг. Қаҳрамоннинг ҳолатини ўз тилингиз билан ифодалашга урининг. Унинг хатти-ҳаракатларини изоҳланг.

15. Турсунбойнинг ўлими, Икромжоннинг бахтсизлиги тасвирланган ўрилар табиатнинг гўзал кўринишлари билан биргаликда акс эттирилганлигига эътибор қилдингизми? Бу қарама-қарши ҳолатнинг асар учун аҳамияти бор деб ўйлайсизми?

16. „*Кўрқокнинг қисмати*“ мавзусида ишро режасини тузинг.

Роман шакллари

Роман наср йўлида ёзилганлиги, ҳаётни кенг қамровда кўрсатганлиги, кўп тармоқли сюжет чизиқларига эга бўлганлиги, инсон тақдири тасвирининг кенг қамровлиги, шунга кўра катта ҳажмга эга бўлиши билан ҳикоя ва қиссалардан ажралиб туради. Роман қамрови, тузилиши ва ҳажмига кўра **дилогия**, **трилогия**, **эпопея** кўринишларида бўлиши мумкин.

Роман-дилогия – икки китобдан иборат бўлиб, ҳаётни анча кенг қамраб олади. У катта бир даврни ўз ичига олиб, бир қатор қаҳрамонлар тақдири билан таништириши мумкин. Масалан, М. Исмоилийнинг „Фарғона тонг отгунча“, Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедовнинг „Ота“, П. Қодировнинг „Юлдузли тунлар“ ва „Авлодлар довои“ каби асарларини роман-дилогиялар дейиш мумкин.

Трилогия – уч китобдан иборат бўлиб, жамият ҳаётидаги катта бир даврни қамраб олади, дилогиядан кўра ҳам кўпроқ ва кенгроқ тақдирлар қаламга олинади, қаҳрамонлар сони ҳам шунга мувофиқ кўпроқ бўлади.

С. Бородиннинг „Самарқанд осмонида юлдузлар“, В. Яннинг „Чингизхон“, „Ботухон“, „Сўнгги денгизгача“ асарлари роман-трилогия намуналаридир. Саид Аҳмаднинг „Уфқ“ асари ҳам трилогия бўлиб, „Қирқ беш кун“, „Ҳижрон кунларида“, „Уфқ бўсағасида“ номли учта алоҳида романдан иборат.

Эътибор берган бўлсангиз, роман неча китобдан иборат бўлишидан қатъи назар, уларда ички бирлик, боғланиш бор. Агар уч китоб бир-бирига боғланмаган уч даврга, уч хил масалага ва қаҳрамонларга эга бўлса, бундай асар, табиийки, трилогия бўла олмайди. Бундан ташқари, дилогия ёки трилогия қисмларини ўзаро боғлайдиган бир инсоний тақдир, барча китобларда иштирок этадиган бир ёки бир неча қаҳрамонлар бўлиши талаб этилади. „Фарғона тонг отгунча“ дилогиясида Фуломжон, „Самарқанд осмонида юлдузлар“ трилогиясида Темур образлари барча китобларда тасвирланади. Худди шунингдек, „Уфқ“ трилогиясида ҳам Икромжон образи барча китоблардаги воқеалар марказида туради.

Учдан ортиқ китобдан иборат бўлган романлар **тетралогия** деб аталади. Лекин бундай роман шакли кам учрайди.

Романлар орасида **эпопея** деб аталмиш тур ҳам мавжуд бўлиб, унинг ўзига хос талаблари бор. Эпопея асарининг неча китобдан иборатлигига ёки ҳажмига боғлиқ эмас. Масалан, рус адабиётида А. Серафимовичнинг „Темир оқим“ номли ҳажми бир қиссадек келадиган асари эпопея турига киради.

Эпопеяда жамият ҳаётининг муайян бўлаги яхлит жараёни сифатида кўрсатилади. Бош қаҳрамон сифатида эса бир-икки персонаж эмас, балки бирор ижтимоий қатлам ёки бутун халқ оммаси олинади. „Темир оқим“ да шу хусусият

бор. Л. Толстойнинг „Уруш ва тинчлик“, М. Шолоховнинг „Тинч Дон“, М. Аветовнинг „Абай“, А. Нурпеисовнинг „Қон ва тер“ романдари эпопея ҳисобланади.

Тестларни ечинг.

1. „Уфқ“ кечаги кунимизнинг каттакон ва яхлит парчасидир”, – деб ёзди ёзувчи Абдулла Қаҳҳор. “Кечаги кун”нинг аниқ чегарасини аниқланг.

А. 1920 – 1935. Б. 1939 – 1950. В. 1955 – 1970. Г. 1975 – 1985. Д. 1990 – 2010.

2. “Жаннат хола энди чўлдан бир қадам ҳам бошқа ёққа жила олмасди”, Сабаби нима?

А. Ногирон Икромжон қаровсиз қолиши. Б. Асранди ўғли Низомжонга меҳри.

В. Чўл ўзлаштиришга ҳисса қўшиш. Г. Турсунбойнинг тўқайдалиги. Д. Ҳамқишлоқларидан ажрамаслик.

3. “Турсунбойни ҳаётда ушлаб турадиган ҳеч нарса қолмади”. Уни “ҳаётда ушлаб турадиган” “сўнгги илик”ни тошинг.

А. Онасининг ўлими. Б. Одамларга қўшилишдан маҳрумлик. В. Зебининг Низомжонни севиб қолгани. Г. Отаси шафқатидан маҳрумлик. Д. Хоинлигининг кечирилмаслиги

4. “Тутун тарқаганда Икромжон ўғлининг қамишларни қайириб ҳамон чопиб кетаётганини кўрди. Хайрият, тегмабди, деди”. У нега шундай деди?

А. Одам ўлдирish гуноҳлиги учун. Б. Қамалишдай қўрққанлиги учун. В. Боласи бўлгани учун. Г. Эл маломатига қолмаслик учун. Д. Тўғри жавоб йўқ.

5. Турсунбой фожиасига ким ёки нима айбдор?

А. Онаси. Б. Отаси. В. Уруш. Г. Зеби муҳаббати. Д. Жавоблар тўғри.

6. Ёзувчи Саид Аҳмад қаламига мансуб асарларни тўғри аниқланг.

А. “Улоқда”, “Бемор”, “Қоплон”, “Собиқ”, “Шум бола”, “Нило”.

Б. “Тубсиз осмон”, “Тулпоркўл афсонаси”, “Она меҳри”, “Уч оға-ини ботирлар”.

В. “Уфқ”, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Даҳшатли Мешполвон”, “Тонг”.

Г. “Қоплон”, “Собиқ”, “Уфқ”, “Қирқ беш кун”, “Ҳижрон кунларида”, “Тонг бўсағасида”.

Д. “Қишлаб қолган қалдирғоч”, “Улоқда”, “Бемор”, “Ўғри”, “Низомнинг тантилиги”.

САИДА ЗУННУНОВА

(1926 - 1977)

Хушовоз хонанда жўшиб кўшиқ айтапти:

Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай,
Шунчалик шафқат билмас дилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Хуш суратинг бир нафас тарк этмас хаёлимни,
Кўз шахло-ю, қош эса нилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Ҳар сўзда юз андиша қилғум донолигингдан,
Кўнглингнинг нозиклиги қилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Гоҳ ханжар, гоҳ асалдек сўзларингдан доғдамен,
Жон олиб, жон бергучи тилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Васлингнинг умидида дунёдан ўтиб боргум,
Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай.



Кўнгилга сурур берувчи кўшиқ тугайди. Бироқ унинг дилга ҳаяжон солувчи, ҳузур бағишловчи оҳанги, сўзлари қулоғингиз остида узоқ вақт жараңлаб туради. Кўшиқ матни муаллифини биласизми? Ҳа, ғазал мақтаъси айтиб турибди: Саида... Саида Зуннунова!

Ёрқин истеъдод соҳибаси бўлган шоира, носир ва драматург Саида Зуннунова қисқа, машаққатли, аммо мазмунли умр кечирди. У 1926 йил 15 февралда Андижон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1952 йили Ўрта Осиё Давлат университетини тугатиб, болаларнинг сеvimли “Гулхан” журнали редакциясида ўз фаолиятини бошлади.

Кейинчалик “Ўзбекистон маданияти” газетасида ва Ўзбекистон Бадий адабиёт нашриётида хизмат қилди.

Саида Зуннунованинг асарлари ўзининг соддалиги, равонлиги, она сўзидек кўнгилга яқинлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. У ёзган шеър ва дostonларнинг ҳар бир сатридан, қиссалар ва ҳикояларининг ҳар бир саҳифасидан ўлкамизнинг ўхшаши йўқ табиати ўзини кўз-кўз қилаётгандек бўлади.

Саида Зуннунованинг асарлари жанри жиҳатидан ҳам, темаси жиҳатидан ҳам ранг-барангдир. Унинг “Қизингиз ёзди”, “Янги шеърлар”, “Гуллар водийси”, “Кўшинларим”, “Нилуфар” каби шеърли тўпламларида ҳамда “Алла”

поэмасида ўзбек оналарининг фарзандга муҳаббати, турмушдаги жасорати, замон мадҳи ва инсоний фазилатлар тараннум этилади. “Гулбахор”, “Гуллар водийси”, “Қанот”, “Кўчалар чароғон”, “Қиз пошша” каби ҳикоялар тўпламлари ва “Гулхан”, “Одамлар орасида”, “Янги директор”, “Олов”, “Сўқмоқлар” каби қиссаларида хотин-қизлар овозини учун кураш, уруш йилларида фронт орқисида аёлларимиз кўрсатган жасорат ҳаяжонли лавҳаларда акс эттирилади, кишилар турмушдаги камчиликлар, одамлар табиатидаги нуқсонлар қораланади.

Тақдир ижодкор Саидани Саид Аҳмаддек ижодкор билан учраштирди. Бу ҳақда оиланинг дўсти адабиётшунос олим Иброҳим Фафуровнинг “Жасур аёл” номли хотира-мақоласидан кўчирма келтириш ўринлидир:

“Саид ва Саида...

Улар бир-бирларига суяниб яшашди. Бир-бирларига қараб илҳом олишди. Ўрталаридаги меҳру муҳаббатнинг ҳамма вақт қадрига етишди, ардоқлашди.

Саид ва Саида...

Энг оғир айрилиқ дамларида бир-бирларини бирор зум унутишмади. Тақдир ёрлақган пайтларда қувонч ва эркаликларни доим бирга баҳам кўришди.

Саид ва Саида...

50-йилда икки меҳрибон, икки ошиқ-маъшук, севишганларнинг никоҳ тўйлари ўтар-ўтмас Саидни “миллатчи”, “халқ душмани” деб куракда турмайдиган тўхмаглар билан қоралаб сургун қилишди. Улар ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эдилар. Уларга Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзодаларнинг назари тушган, адабиётнинг машаққатли йўлларида оқ фотиҳа беришиб кузатган ва хайрихоҳлик билан қўллаган эдилар.

Саиданинг бошига ўшанда Саидникидан кам бўлмаган оғир, мушкул иш тушди. Уни уюшманинг котибиятига чақириб, “халқ душмани” – Саиддан воз кечишни талаб қилдилар. Ўшқирдилар. Дўқ-лўписалар ёғдирдилар. Саида ёш эди. Ёш бўлса ҳам икки олий институтни тугатган, таҳсил кўрган, тошдан қаттиқ бардошли қиз эди. Ўртага олиб қистадилар. Воз кечмади. Шунда маълум бўлди: ҳеч қандай куч уни воз кечишга мажбур қилолмасди. Йўқ, у Саида бўлгани учунгина эмас. Унинг дегани, таялагани, тақдирига кўшгани Саид бўлгани учун ҳам у ҳеч қачон воз кечмас эди. Узоқ йиллар ўтгандан сўнг, ҳатто Саида ҳам дорулбақога кўчгандан сўнг Саид бу ҳақда ёзди. Инглаб-инглаб, жигари хун бўлиб ёзди. Йиллар юраги тубида ётган армон, алам, муҳаббатини қоғоз саҳифаларига тўкди. Унинг Саида ҳақидаги хотираларини Саиднинг энг гўзал достони, ўлмас таронаси дейиш мумкин.

Саид ва Саида...

Саида ўша тунлари оқармас йиллар Саидни кутди. Изларидан юрди. Тазйиқлар, таъқиблар, хўрлашларнинг ҳаммасига чидади ва кутди. Саидани тақдир кутиш ва бардош учун яратганга ўхшарди. Узундан узоқ романлар, таржималарни уйқусиз тушлар, кутсиз кунлар ўтириб машиналади.

У ўзини Саидга бағишлашга қарор қилди. Унинг бу қарори 40 – 50-йиллар орасида етибди. Саидни тамом ноҳақ жазолаганларидан сўнг унинг бу қарори қатъий мустаҳкамланди. У ўз олдига Саидни кутиш ва бу қийинчиликни енгиб ўтиш мақсадини қўйди. У Саиднинг ҳақлиги, беғуноҳлигига ва ўзининг ҳам ҳақлиги, тўғри эканлигига ишонарди. Бу емириб бўлмас ишонч Саиданинг ноёб характериға қўшилиб, алоҳида поэтик оламға айланди ва унинг эндиғи ёзадиган барча асарларининг тўқимасига кирди.

Саида ва Саид...

Улар доим бир-бировларига жўровоз бўлишга интидилар. Лекин ҳеч қачон рақобат қилмадилар. Кимўзарға ёзмадилар ёки ҳаракат қилмадилар. Саидаға бундай мусобақа руҳидағи эгонизм тамомила ёт бир нарса эди. Саид “Уфқ” романиларини ёзғанда, саҳифама-саҳифа Саиданинг далласини ҳис қилиб турди. Саиданинг туилар уни бедор кўриган ҳорғин, фикрчан, серташвиш ниғоҳи роман қаватлариға тўлқин-тўлқин мавж бўлиб кирди. Саиданинг ишончи Саиднинг кучиға куч қўшди.

Саиднинг илк ўқувчиси Саида эди.

Саид ва Саида ўзлари беҳад севган ёзувчилик ишида қийин, ўта шарафли бахтларини топган эдилар.

Саида ва Саид...

Бугун уларнинг файзли хонадонлари фарзанд, куёв, набиралар, шогирдлар, мухлислар билан гавжум. Саид тез-тез Саида бу кунларни кўрмади деб армон қилади. Лекин Саида бу хонадон барча орзуларининг ичида бор. Саиднинг ҳамон саксонға кирдим, толиқдим демай ёниб-куйиб, ўртаниб, завқ-шавққа берилиб ёзаётган асарлари битғанда, биринчи бўлиб ҳамон Саида: “Ҳорманг!” – “Яхши ёзибсиз!” – дейди. Саид ва Саиданинг сўнгсиз суҳбатлари тугамайди. Зотан, “Руҳ билан суҳбат”, “Лирик нутқ”ида бу суҳбат ҳеч қачон тугамаслиғиға шоира ишора қилиб кетган эди...

Саида Зуннуованинг яккаю ягона фарзанди – Нодираға бағишланган шеърларини мутоала қилсанғиз уларда меҳрибон, болажон она тимсолини кўрасиз. Нодира унинг ҳаёти мазмуниға айланган. Бу ҳақда шоиранинг турмуш ўртоғи, таниқли ёзувчи Саид Аҳмад шундай хотирлайди:

“Саидахон уйим-жойим деган аёллардан эди. Қай юртға бормасин, бир кундаёқ, уйини соғиниб қоларди.

1963 йили бир муддат хасталаниб қолди. Врачларнинг маслаҳати билан Трусковец деган курортға даволаниши керак эди. Кетар олдиди эндиғина уч ешға тўдган Нодирани бағриға босиб йиғлаб юборди.

– Боламга яхши қаранглар. Иесиқ-совуғига хушёр бўлинглар, – деб қайта-қайта тайинлади. – Ҳиди келиб турсин деб битта ювилмаган кўйлагини олиб кетяпман, қидириб юрманглар.

Эртасига ишдан келиб, дарвоза ёнбошидаги қўнғироқ туғмасини босдим. Эшикни Саидахон очди.

Буни қарангки, поезд Саксовул деган станцияга етганда, Саидахон вагондан тушиб қолибди. Боласини соғиниб, кечаси билан мижжа қоқмабди. Қизининг кўйлагини ҳидлаган сари баттар соғиниб кетаверибди. Охири Львовгача олган билетини провонникка бериб орқага қайтибди. Шунча пуллик путёвка ҳам, Тошкент – Москва, Москва – Киев, Киев – Львов поездининг билетлари ҳам куйиб қолаверди.

– Нега бундай қилдингиз, даволаниб келсангиз қандоқ яхши бўларди! – дедим...

– Қўйинг. Мен курортларда дам олишга, денгиз бўйларида сайру саёҳат қилишга ўрганмаганман. Ҳар қанча дардим бўлса, шу қизимни бир марта бағримга боссам, отдек соғайиб кетаман.

Саидахон элик бир йил умр кўриб бировга бош эгмади. Имонини маҳкам ушлади. Ўзига гард юқтирмади. Оламдан ҳалол-покиза яшаб ўтди. Лаганбардорлик, бировга мутелик, ҳасадгўйлик унга бегона эди.

Курашсиз, меҳнатсиз шодлик, кулгини

Ўғирлик мол дейман, қиламан ҳазар,

Қалбимнинг парчаси сингмаса агар,

Розимасман, биров ҳада этса зар.

Бу сатрлар Саидахоннинг шеърда чизилган суратига ўхшайди...”

Қизим Нодирага

Уйкуга зор бўлиб мудраб тепангда,
Ярим юмуқ кўзим кўзингдан узмай
Шу азоб лаззатин шеърга соламан,
Ҳатто пичирламай, тинчингни бузмай.

Битта ижирғансанг, нима қилсам, деб,
Юпатиш кўйида минг тўлганаман.
Гоҳ ётиб, гоҳ туриб ҳар бир шарпангдан,
Юз бор мизғийману юз уйғонаман.

Тун ярим, қушлар ҳам уйқуда ҳозир,
Сувлар ҳам тингандай... жимжит ҳамма ёқ.
Гўё шабада ҳам япроқда мудраб,
Қалбим алласига солади қулоқ.

Фақат мен уйғоқман ҳорғин, бахтиёр,
Хушбўй нафасингга тўймайман ҳидлаб.
Охир чиқолмайман, уйқунгни бузиб,
Юзингга оҳиста тегизаман лаб.

Ана, сўнгги юлдуз хиралашди-ю,
Кўкда эриб кетди, тонг отди оппоқ.
Ойнага қарайман ҳолимдан кулиб,
Қўйлақларим ёғжим, сочларим паҳмоқ.

Аммо ўзим тетик, яхши посбондай
Мамнуиман, қалбимда виқор тошади.
Шу элнинг кичкина фуқаросини
Сафга қўшмоқ учун қўнглим шошади.

Онаман, истайман, етук бўйини,
Ақлу идрокнинг камолни кўрсам.
Кўнглида, кўзида, иши, сўзида
Инсон, деган номнинг жамолини кўрсам.

Қизим жилмаяди уйқу аралаш,
Гўёки ҳисларим беради хузур.
Оппоғим, уйқусиз ўтган шу оқшом
Ёзилган шеър учун сенга ташаккур.

1960

* * *

Бувилар дуога қўлларин очиб,
“Боши тошдан бўлсин”, – дер жигарларин.
Бувалар елкага ортиб, опичиб,
“Боши тошдан бўлсин”, – дер жигарларин,
Азиз бувижонлар, азиз бувалар,
Ёдингизда бўлсин яна бир тилак.
Боши тошдан бўлсин жигарингизнинг,
Аммо тош бўлмасини кўксини юрак.

1971

Чўли ироқ

Тарихни сўзлама менга, эй одам,
Битта чалиб бергин – “Чўли ироқ”ни.
Битта чалиб бергин, токи яна ҳам
Яхшироқ ажратай қорани, оқни.

Бу куй асрларнинг баридан тортиб,
Чўлларда толиққан ҳорғин карвондай
Минг хил тақдирларни устига ортиб,
Қалбимдан жимирлаб ўтади қондай.

Тарихнинг энг одис қатламларида
Армонда ухлаган орзу-аламлар.
Дунё манглайига ажин туширган,
Дардни, қарилликни яратган ғамлар.

Сахро чечагининг аянч кудгиси,
Ёмгирдан жон кирган тупроқнинг иси,
Ҳаммаси ўтади қалбимни ўйиб.
Туя бўйнидаги қўнғироқларнинг
Ташналик эслатган жаранги бўлиб
Ҳаммаси ўтади қалбимни ўйиб.

Тарихни сўзлама менга, эй одам,
Битта чалиб бергин “Чўли ироқ”ни.
Битта чалиб бергин, токи яна ҳам
Яхшироқ ажратай қорани, оқни.

Ҳадидан ошганга уни чалиб бер,
Дўстлар дийдорини ғанимат билмай,
Саробга шошганга уни чалиб бер!
Чалиб бер, чалиб бер, андиша қилмай.
Ўтмишни сўзлама, ўнгит керакмас,
Шу куйини бир марта чалиб берсанг бас.

1965

Савол ва топшириқлар:

1. “Қизим Нодирага” шеърда уйқудаги фарзанд қошидаги онанинг қандай руҳий ҳолати акс этган?
2. Мазкур шеърда онанинг қандай орзулари ифодаланган? Бундай орзу-мақсад ҳамма оналарга хос деб ўйлайсизми?
3. “Бувилар дуога кўлларин очиб...” шеърдаги “Боши тошдан бўлсин” дуосининг мазмунини шарҳланг. Дуо мажозий маънога эгами?
4. Муаллифнинг “Аммо тош бўлмасин кўксига юрак” мисрасини қандай тушунасан?
5. “Чўли ироқ” куйини эшитганмисиз? Куй кишида қандай ҳис-туйғулар, тасаввурлар пайдо қилади деб ўйлайсиз?
6. Шоиранинг “Тарихни сўзлама менга, эй одам, Битта чалиб бергин – “Чўли ироқ”ни” деганида қандай маъно бор? Куйда тарих манзаралари акс этиши мумкинми?
7. Шеърдаги “Минг хил тақдирларни устига ортиб, Қалбимдан жимирлаб ўтади қондай” мисраларини шарҳлашга уриниб кўринг.
8. Шеърлардан намуна ёд олинг.

Руҳ билан суҳбат

Лирик дoston

Одамлар тарқаган аллақачонлар,
Тўйхонага ҳам ҳукмин ўтказганди тун.
Ўчоқда кул босган чўғлар милтиллар,
Самовардан ҳамон ўрмалар тутун.
Машшоқлар ўтирган сўри ҳам бўм-бўш,
Тупроқда энг сўнгги раққоса изи.
Биров каравотда ухлайди пиш-пиш,
Биров муздек сувга чаяди юзин.
Фақат уйқу келмас она кўзига,
Шодлигу хотира қалбини қамраб,
Беҳуш эргаштириб уни изидан
Ўтказмай, ётқизмай юрарди судраб.
Қарашмоқчи бўлар гоҳ синглисига,
Гоҳ туриб қолади хаёлчан, сокин
Гоҳи келган каби ҳуши – эсига,
Энтикиб атрофга қарайди секин.
Йиғиб олинмаган ўртада стол,
Ноз-неъмат беҳисоб: сомса, кабоб, нон.
Келин-куёв олди урмагандай қўл,
– Ҳеч нарса емабди, оч ётдимикан,
Уялган бечора, оҳ, бу келинлик...
Она юрагига ботдию тикан,
Танига бир нарса югурди илиқ.
Шукур, ўзи тетик, яна пазанда,
Суйганини оғзига тутади ҳали.
Келин ҳам ўғлидек унга арзанда,
Бир азиз меҳмондек кутади ҳали.
Қўшалоқ каптардек аҳил ва иноқ.
Шу уйга файз бериб яшасалар, бас.
Шу орзу, овунча умри ўтди тоқ.
Таянч, далда бўлди шу эзгу ҳавас.
Набиралар қуритса кошки тинкасин,
Қувноқ шовқинлари ҳовлини тутса.
Бағрига босиб, гоҳ тутиб елкасин,
Қолган умри кошки шунақа ўтса.
Ширин хаёлларга тўлган кўзлари

Сўлиган гулларга тушди-ю, тинди.
Олиб келишганди бир тўда қизлар,
Гулдонга сув қуймай солибди кимдир,
Авайлаб, оҳиста сув пуркаб она,
Силади тирилган майин япрогин.
Раиғлар жилоланиб, товланиб яна,
Нечун янгилади онанинг доғин.
Гулдаста қўлида, маънос ва сокин,
Аста кириб келди жимжит уйига.
Тўрдаги суратнинг ёнига секин –
Қўйди-ю, шўнғиди яна ўйига.
– Сарупо киймадинг қайната бўлиб,
Ҳеч йўқса, гуллардан бўлгин баҳраманд,
Одам келди бутун ҳовлинига тўлиб,
Фарзандинг ёнига қўшилди фарзанд...
Шодлик, ўкинчданми кўз ёшлар оқди,
Она қалби сўзсиз чекарди фиғон.
Хира кўзлар билан яна суратга боқди,
У ҳамон ўшандай, сукутда ҳамон.
– Суратда ҳали ҳам ўша-ўшасан,
Ҳамон кўзларингда ёшлик, кулги, нур,
Ҳали ҳам ўшандай чиройли, ёшсан,
Ҳали ҳам ўшандай забардаст, мағрур,
Боқининг ҳали ҳам ўшандай илиқ,
Дилингда нелар бор, айтмайсан фақат,
Қатра кўз ёшимга туролмасдинг тек,
Нега индамайсан, оҳ, сурат, сурат!
Бир нафас тилга кир, майли, бир секунд,
Дарё бўлиб оққан ёшларим ҳаққи,
Кўйингда минг тошга урилса ҳамки,
Минг тошдан қаттиқроқ бошларим ҳаққи,
Бир нафас тилга кир, майли, бир секунд,
Ҳаётни яратган табиат наҳот,
Бир дамни аяса, номардлик қилса.
Тан олмайман унда, ой, қуёшни,
Нималар деяпман, билмайман, ҳайҳот!
Сени излайвериб қолдан тойдим мен,
Сени излайвериб қариб қолдим мен.
Поездлардан ўтиб, еллардан ўздим,
Аммо висолинга етолмадим мен.
Хаёлим излашдан, кўнглим бўзлашдан,

Сени ахтаришдан сира толмадим.
Дарёларни кечиб, тоғлардан ошдим,
Куйган буғдойзорлар, боғлар қолмади.
Охири оқ қайин остида танҳо,
Турган қабр узра аста чўкдим тиз.
Бу сен бўлмасанг ҳам тақдиринг бир, о,
Балки бу ёшгина йигитдир, эсиз!
Муздек тупроғингни минг марта қучдим,
Муздек ёноғингни ўпдим неча бор.
Дарё бўлиб оқдим, қуш бўлиб учдим,
Ҳузурингга чопдим такрор ва такрор.
Қишда курагани бордим қорларни,
Ёзда сув сепгани ошиқдим ҳар вақт.
Баҳор офтобига чирмашиб доим,
Гоҳи гул ўтқаздим, гоҳида дарахт.
Бир нафас қўймадим, мен сени ёлғиз,
Бир дам танҳоликка ташлаганим йўқ.
Сенсиз йиғламадим, кулмадим сенсиз,
Сенсиз кўнглимни ҳам хушлаганим йўқ.
Сени йиқитган ўқ менинг танамда
Бутун жароҳати билан турибди шундоқ.
Жонингга жонимни улаб минг ўлдим,
Азизим, оқарган сочларимга боқ.
Гапир, гапирсанг-чи бир сўз лоақал.
Юзимни куйдирган ёшларим ҳаққи.
Кўйингда минг тошга урилса ҳамки,
Тошлардан қаттиқроқ бошларим ҳаққи.
Гапир, гапирсанг-чи бир сўз лоақал...
Сийрак киприклар жипслашди бир дам,
Энтикиб, хўрсиниб кўз ёшин ютди.
Унесиз тилга кирди сурат ҳам бирдан.
Она қулоқ бўлиб ўзин унутди.

С у р а т

Йиғлама, азизим, йиғлама фақат,
Кўз ёшингни кўрсам, дилим куяди.
Йиғласанг, ҳали ҳам қилмасман тоқат,
Ўтмас шичоқ билан кимдир сўяди.
Тулғанаман, аммо ета олмайман.
Кўз ёшингни, эркам, арта олмайман.
Йиғлама, азизим, йиғлама фақат,

Кўз ёшинга сира қилмасман тоқат.
Табиатдан сира-сира нолима,
Унинг ўзи кутар инсондан эҳсон.
Яхшироқ назар сол кўнгли, ҳолига,
Минг хил ташвиши бор бошида, билсанг.
Осмонида қанча йўлдош учяпти,
Баъзиси кўтариб дўзахдек даҳшат.
Сувлари остида атом кўчяпти,
Унинг юрагида армони қат-қат,
Сен ундан нолима, йиғлама фақат.

О в а

Қўй, буни эслатма, эслатма сира,
Ўғлимнинг бахтидан юрай хотиржам.
Кўнглим ойнасини айлама хира,
Бироқ тинч эмасман, нотинчман, ажаб...
Сен бошқа дамларни эслат, азизим,
Бирга юрганимиз хушвақт онларни.
Эсингдами баҳор, боғимиз бизнинг,
Тўйимизга келган қадрдонлар-чи?
Шунча йил ўтибди нафасдай, сувдай.

С у р а т

Бир зарб-ла ёзилган дostonдай ширин.

О в а

Йигит эдинг ўшанда худди суқсурдай.

С у р а т

Сен ҳам гўзал эдинг мисоли Ширин,
Кўнглимни яшиятган бир чечак эдинг.

О в а

На уйқуга тўйган ва на кулгуга,
Кўрса кўз куйгундек келинчак эдим.
Бировнинг қайғуси йиғлатар эди,
Агар қўшиқ айтса бирга куйлардим.
Ҳаётга баъзида ўлмаслик учун
Келгандай бўлардим, шундай ўйлардим.
Бахтимнинг поёни, чеки йўқ эди,
Бу шайдо юрагим ҳар нарсадан лол.
Ишқингдан шунчалар кўнглим тўқ эди,
Ундан айрилишни қилмабман хаёл...

Эсимда, куз эди, мева фарқ пишган,
Боғлар олтин либос кийган ажиб пайт.
Лекин халқ бошига мусибат тушган,
Мен ҳам вокзалдан зил-замбил бўлиб
Уйингга, онангнинг бағрига қайтдим.
Мунчоқ кўзларини пилдиратиб шўх,
Ўғлинг ётар эди беланчагида,
Эсласам, юрагим эзилади, ух,
Ҳаммаси кўзимда, ҳа, кечагидек.
Уйлар ҳувиллади, кўнглимиз вайрон,
Қайнана-келин жим, сукутда қолдик.
Тўрт ўғил ўстирган онанг ҳам ҳайрон
Соатлаб бечора ўтирарди тек,
Аканг кетган эди, уканг ҳам кетди,
Беҳасса букридек қолдим эгилиб.
Бу кунни кўргунча минг рози эдим,
Кимдир баданимга туз сепса тилиб.
Маънос кўзларига ҳар боққанимда,
Қалбимни қиймалар эди ҳижронинг.
Туғиб туғмагандек фироқда, ғамда
Оламдан кўз юмди онаижонинг.
Сира чиқолмадим бу айрилиққа,
Дод ледим, зирқираб титради уйлар.
Қаргадим тақдирни юзма-юз, тикка,
Шўрлик қилсам дерди набира тўйлар.
Урф-одатни ҳам ўша кун буздим,
Хотинчикин йиғиб отдим бир ёққа.
Тобутин бир бошини кўтардим ўзим,
Одамлар гоҳ койиб, гоҳ тутди ёқа.
Ўғлим йўқ, деб яна ўксима, она,
Сени кўтармаган бу елкаларим
Бўлгани яхшироқ пора-ю тилка,
Ўғлим йўқ деб яна ўксима, она.
Сен ҳам армон қилма бағрим, азизим,
Сўнги йўлга уни узатмадим деб.
Ташлаб кетган эдинг менга ўз изминг,
Мен ҳам битта жонинг, бир парчанг эдим.
Туилари койидим тақдирни бедор,
Нечун бизда шунча аччиқ ўчи бор!

С у р а т

Қисматда не гуноҳ, ўйлабсан хато,
Бу – ожиз ва муте одамлар сўзи.
Тақдирнинг ўзи ҳам аламда ҳатто.
Қора қилганлар бор тақдирнинг юзин.

О н а

Ҳа, буни билардим, қисматдан ўзга
Кимни ҳам бўғардим ўша дамларда.
Фашист олис эди қўлу кўзимдан
Ғажиб ташлай десам бу аламларга.
Туғиб, қотил боққан оналарни гоҳ,
Хаёлан тик қўйиб қилар эдим суд.
Шунда онанг тушиб ёдимга ногоҳ
Дунёда ўзимни сезардим масҳуд.
Уйга сиғмай қолдим, бир ўқ ясасам,
Битта қўлдоп тиксам ҳарна-ку, дедим.
Ҳамма шундай дерди, энди эсласам,
Мен ҳам ўшаларнинг биттаси эдим.
Оҳ, бизнинг одамлар, дилкаш одамлар,
Ҳеч қачон танҳолик сездирмадилар.
Жигар бўлишди-ю, энг оғир дамлар
Бағридан бир нафас бездирмадилар.
Кулгим, йиғимни ҳам бирга бўлишди,
Улар кўмагида жойландим ишга.
Улар кўмагида ақлим тўлишди,
Олисдан ўт очдим ёвга, урушга.
Кўпчилик аёллар эдик заводда.
Бирам аёлларки, қошлари кундуз.
Меҳнатдан ўзгани билишмас, содда.
Тунни тун дейишмас, кундузни кундуз,
Биттаси йиғласа, бари эгар бош.
Бирининг шодлиги барчага татир.
Ишқ тўла қалбларда ғазаб ва оташ.
Бир жон қилиб қўйган уларни тақдир.
Ўғлинг ўсар эди, “дада, дада”, деб,
Талпиқиб қолганда суратинга гоҳ
Мен эса ўкинчдан ич-этимни еб,
Хўрсиниб кўксимга босардим, эвоҳ!
Энтиқиб ўпардим сочи, юзидан,
Бағрин тўлатмоқни қилардим хаёл.

Барибир қоларди гўдак кўзида
Бир кўнгли яримлик, бу мунгли савол.
Йўқ, сен билмайсан, бу мурғак, ожиз –
Дилга жавоб излаб бўлмагансан лол.
Жигарим оташга тегарди жиз-жиз,
Сочларим оқарган шунда эҳтимол,

С у р а т

Бу кўзлар ҳасратин, оҳ, мендан сўра,
Суягимдан ҳамон чиқиб кетар дуд.
Жазавага тушиб руҳим югурар,
Қотган тилларим ҳам қилолмас сукут.
Етимлик нима гап, шу мурғак жонлар –
Кўксига беаёв отишган-ку ўқ.
(Жонингдан айланай, оҳ, болажонлар,
Унутиб бўларми у кунларни? Йўқ!)
Ўзига ниқталган тўппончани ҳам
Ўйинчоқ деб билган митти қўлчалар –
Шалпайиб тушганда қандайин алам,
Айт-чи, бу аламлар қандай ўлчанар?
Мурда кўкрагини бепарво сўриб,
Инграган гўдакни кўрганмисан ҳеч?!

О н а

Бас, бўлди, раҳм қил ҳолимни кўриб,
Ҳатто тинглашга ҳам етмайди кучим.

С у р а т

Ўзинг гап бошладинг, энди қулоқ сол,
Ҳали туғилмаган набиранг учун
У кунни унутма, доим эсга ол,
Қалбингда ҳамма вақт сақлагин ўчин.
Ҳаққинг йўқ бепарво бўлишга бир дам,
Ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, тингла, қулоқ бер.
Овоз келяптими олисдан, ердан?

О н а

Сезяпман. Наҳотки тилга кирди ер?!

Су р а т

Бу бизмиз, азизим, қўл ушлашиб бот,
Чирмашиб ётибмиз она тупроққа.

О н а

Ҳатто, ит уришса зирқирар қалбим,
Одам одам пайин қирқмоқ бўлса-чи?

Фарзанд нафасидек ширин нарсани
Яралгандан бери билмайди олам.
Мана, димоғимда ҳамон нафаси,
Ҳатто куёв бўлиб қолса ҳам болам.

Су р а т

Қайнана бўлдим де?

О н а

Шундоқ, дадаси.
Келинимни кўрсанг, қилгундай кўз-кўз.

Су р а т

Сочлари узунми? Қанақа эси?

О н а

Ҳаммаси жойида,

Су р а т

Ўғлим-чи? Қадрингга егадими у?

О н а

Албатта. Бўй-басти қуйгандай ўзинг.

Су р а т

Қара, тонг отяпти, бермадим уйку,
Чарчадинг чамамда, қизарган кўзинг.

О н а

Сира ундай дема, тирик бўлсанг ҳам,
Барибир шу кеча ухломас эдик.

Су р а т

Ёруғ тушиб қолди, ҳовлига қара,
Ҳали ҳам кеч эмас, мизғиб ол жиндек.
Мусича кукулаб, булбул сайради,
Ойнадан нур тушди она юзига.

Нурга ўралгандай яшнаб, ярқираб,
Келини жилмайиб турар кўзида.
Ойи, деб илк марта чақирар уни,
Чойга таклиф қилар эъозлаб балки.
Лекин она қалбини, шу бедор тунни,
Шу кунги суҳбатни у билармикан?..

1963 – 1966

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбекининг тўйини эсланг. Достонда меҳмонлар таркаган тўйхона манзараси қандай тасвирланади?
2. Нега тўйдан сўнг ҳамма дам олса-да, она кўзига уйку келмайди? Унинг тўйдан кейинги хатти-ҳаракатларини айтиб беринг.
3. Она гулдондаги гулдастани нега уй тўридаги сурат ёнига қўйди ва қандай ўйларга чўмди? Унинг “Саруно киймадинг қайната бўлиб”, – дейишида қанчалик қайғу ва ҳасрати мужассамлигини тасаввур қилишга урининг.
4. Онанинг Суратга дастлабки мурожаатида унинг қандай хатти-ҳаракатлари баён этилган? Сиз бунга ишонасизми?
5. “Тошлардан қаттиқроқ бошларим ҳаққи, Галир, гапирсанг-чи бир сўз лоақал...”, дея зорланишида Онанинг қандай кечмиши зуҳур этган?
6. Тилга кирган Сурат дастлаб нима ҳақида сўзлайди? У нимадан хавотирда?
7. Она билан Сурат суҳбатига қандай лирик-романтик кечинмалар ўз ифодасини топган? “Бировнинг қайғуси йиғлатар эди, Агар қўшиқ айтса бирга куйлардим”, мисраларида Онанинг ёш келинлик пайтидаги қандай кайфияти ифодаланган?
8. Сурат – йигитнинг урушга кетган пайти достонда қандай ифодаланади? Ўша мисралар, сизнингча, пейзаж тасвирига қирадими?
9. “Бу кунни кўргунча минг рози эдим. Кимдир баданимга туз сепса тилиб”, мисраларида келин – Онанинг қандай қисмати акс этган? Бу қисмат шунча оғирми?
10. “Урф-одатни ҳам ўша кун буздим, Хотинликни йиғиб отдим бир ёққа. Тобутин бир бошини кўтардим ўзим”, мисраларини шарҳланг? Гап нима ҳақда?
11. “Ҳа, буни билардим, қисматдан ўзга” мисраси билан бошланувчи Она монологига даврининг қандай эпик манзараси акс этган? Бу манзарани тарихий маълумотлар билан таққосланг ҳамда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини топинг.
12. Суратнинг “Мурда кўкрагини бепарво сўриб, Инграган гўдакни кўрганмисан ҳеч!” дея изтироб чекишида қандай фожиа ва ёвузликларга ишора бор деб ўйлайсиз?
13. Она турмуш ўртоғига – суратига келинини қандай таҳрифлайди? Бу ўринда Ота ва Онанинг қандай нозик, инжа ҳис-туйғулари ифодаланган деб ўйлайсиз? Бундай нозик қалб тўлқинлари келин туширган ёки қиз чиқарган пайтда ҳар бир ота-онада содир бўлишига ишонасизми?
14. Достон сўйида Сурат(йигит)нинг турмуш ўртоғига ғамхўрлиги ифодаланган мисраларини топиб ўқинг. Эпикда қандай манзара тасвири бор?
15. Достондан парча ёд олинг.

ХУРШИД ДАВРОН

(1957 йилда туғилган)



Ўтган асрнинг 60-йилларида халқ шоирлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов бир қадар қаддини кўтариб қўйган янги ўзбек шеърляти майдонига 70-йилларнинг иккинчи ярмида бир гуруҳ иқтидорли ёшлар кириб кела бошлади. Шеърлятга ўзига хос янги ҳаво олиб кирган бу ёш авлод қарвонига эса адабиётшуносликда “жўра шоирлар” (Иброҳим Фафуров) номини олган шоирлар – Муҳаммад Солиҳ, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим ва Хуршид Давронлар сарбонлик қилардилар. “Турғунлик даври иллатлари ушбу адабий наслнинг шаклланиши ва ўсиши жараёнида унга муайян даражада қаршилик кўрсатган бўлса-да, умуман унинг ривожини йўлини бутунлай тўса олмади, – деб қайд этади адабиётшунос Яшар Қосимов ва давом этади. – Ҳозирги шеърлятимиз қиёфасини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб навбатдаги поэтик “портлаш” содир бўлди – янги лирикада иккинчи тўлқин бўй кўрсата бошлади”. Ҳақиқат, Адолат, Тенглик, Эрк ва Озодлик, Ватан ва миллат келажаги учун кураш мотивлари “янги лирикадаги иккинчи тўлқин” вакиллари шеърлятига хос етакчи хусусиятлар эди. “Ростравлик ва покравлик жўра шоирлар яратаётган энг яхши шеърларни эл кўз ўнгига жозибали қилади. Улар шеърларининг қимматини шу икки хусусият белгилайди”, – деб ёзади нозик дидли шеършунос Иброҳим Фафуров. Шу билан бирга улар шеърлятини ўзига хос услуб, ўзига хос оҳанг ажратиб туради. Муҳаммад Солиҳ шеърлятига хос лирик-фалсафийлик ва киноявийлик, Шавкат Раҳмон шеърлятига хос “ўжар”лик, очиклик, муросасизлик, кескилик, Усмон Азим шеърлятига эса халқоналик, фольклорона оҳанг ва шиддат хос бўлса, Хуршид Даврон шеърлятига Ватан ва миллат келажагини, тақдирини тарих, ўтмиш воқеалари, тарихий шахслар, ривоятлардаги аждодлар ибрати билан боғлаб тасвирлаш хосдир. “Хуршиднинг “Кошғарий”, “Девону луғатит турк” оҳанглари, “Широқ ҳақида ривоят”, “Абдулхай сўзи”, “Қадимий битикни варақлаб бир қур...” сингари шеърлари замондошимизни тарих воситаси орқали тарбиялаш ишига хизмат қилади. Хуршид ўтмиш ҳақида шеър ёзар экан, унинг мақсади мозийни улуғлаш, кечмишга ҳамд сано эмас, тарихнинг бугунимиз билан боғлиқ ёғдуларини, нурларини бадний гавдалантиришдан иборатдир”, – деган эди адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров.

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон 1952 йил 20 январда Самарқанд вилоятига қарашли Чордара қишлоғида туғилди. 1975 йили ТошДУнинг журналистика факультетини тугатди. Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами 1979 йили “Қадрдон кўёш” номи билан босилиб чиқди. Сўнгра унинг “Шаҳардаги олма дарахти”(1979), “Тунги боғлар” (1981), “Учиб бораман қушлар билан” (1983), “Тўмариснинг кўзлари” (1984), “Болаликнинг овози” (1986), “Қақнус” (1987) каби шеърый тўплами нашр этилди.

Хуршид Даврон “Самарқанд ҳаёли” (1991), Соҳибқирон набираси” (1995), “Шаҳидлар шоҳи” (1998) каби тарихий-маърифий қиссалар муаллифидир. У тарихий сиймолар ҳаёти ҳақида сахна асарлари ҳам ёзди: “Мирзо Улуғбек” – “Алғул” (1995), “Бобуршоҳ” (1996).

Хуршид Даврон моҳир таржимон сифатида Шарқ ва Ғарб шоирларининг асарларидан иборат “Қирқ бир ишқ дафтари” (1989) ва япон шоирлари шеърларидан таркиб топган “Денгиз япроқлари” (1988) тўпламларини ўзбек тилига ўғирди.

Юқорида қайд этганимиздек, юрт ўтмиши, аждодлар жасорати, Ватан ҳимояси Хуршид Даврон ижодининг етакчи мавзуларидандир. Қуйида шу мавзудаги “Ватан ҳақида етти ривоят” туркумидан парчаларни ҳукмингизга ҳавола этамиз.

ВАТАН ҲАҚИДА ЕТТИ РИВОЯТ

(Туркумдан парчалар)

Боболар мазори

Дунёнинг ярмини олиб,
Ярмига қилиб даъво,
Тинмасди жангтоҳ аро
Шон шавкатли шоҳ Доро.

У қонга ўч кўзини
Гикди янги ерларга,
Ва ҳайқирди сўзини
Кугиб турган эрларга.

– Денгиз ортида чексиз
Ястаниб ётар бир дашт.
Уни ўйлаб қуру тун
Ўйим битмас,
Дилим гаш.

Бир четида баҳору
Бир четида саратон.
Бир ёғида тун чўқар,
Бир ёғида балқар тонг.

Кўклам чоғи бепоён
Бу дашт чечакдай яшнар,
Ўша даштда амримга
Бўйсунмаган халқ яшар.

Неча замон илгари
Улар бизни хор этган
Боболар қўшинини
Жангда тору мор этган.

Улардан олмоқ керак
Аждодларнинг ўчини,
Бир кўрсатиб қўяйлик
Қиличимиз кучини.

...Шоҳ сўзини айтди, бас –
Ўйламоққа ҳожат йўқ.
Янгради жангари сас,
Садоқларга тушди ўқ.

Етти юз минг аскарни
Бошлаб тоғу роғ аро
Денгиз ошиб, даштликлар
Юртига кирди Доро.

Ёв дуч келса,
Парчалаб
Ташлайман, деб ўйларди,
Вазирларга: “Менга тенг
Шоҳ йўқ!” – дея сўйларди.

Хабар айтар жосуслар:
“Даштликлар узоқ эмас,
Форслар тўхтаса, тўхтаб,
Юрса, қараб ўтирмас.

Юклайди-ю, ўша дам
Отларига кўчини,
Йўлга тушар хотиржам
Даштликларнинг кўшини.

Оралари бир кунлик
Йўлди –
Аммо беадо.
Қанча кўчиб юрмайлик,
Тугамайди бу сахро...”

Тахтидан тушмай, кўздан
Кечираркан саҳрони,
Жосуслар айтган сўздан
Ваҳм босар Дорони.

Вазирларни чақириб,
Қилган бўлиб маслаҳат,
Ёв олдига чопарин
Юбормоқни қилди аҳд.

“Шамол каби елгину
Тез изингга қайт!” – деди,
“Даштликларнинг шоҳига
Меннинг сўзим айт!” – деди.

“Айтгин, – деди, – эй, одам,
Қочаверма, бўлди бас,
Жанг қилмай ёвдан қочмоқ
Шоҳларнинг иши эмас.

Қуёндек қочавермай,
Ўзингни қийнамагин.
Кучинг бўлса,
Жанг қилиб
Сен мени қиймалагин,

Мендан қўрқсанг,
Ё ожиз
Сезсанг агар ўзингни,
Қошимга кел бош эгиб,
Ерга тикиб кўзингни.

Тортиқ қилгин ер-сувинг,
Май ич битта идишдан.
Қайси йўлни танлама,
Қутуларсан қочишдан”.

Ёв эмас,
Чопар қайтди
Ерга тикиб кўзини
Ва тиз чўкиб Дорога
Етказди ёв сўзини:

“Форслар шоҳи!
Билиб қўй,
Хоҳ инонма, хоҳ инон:
Лекин душмандан қўрқиб
Қочмаганман ёв қачон.

Билиб қўй,
Сен келмасдан
Қандай яшаган бўлсам,
Шундай қўркув билмасдан
Яшайман ҳозир ҳам.

Билиб қўйгин,
Бизларда
На шаҳар, на қишлоқ бор,
Токи сендан уларни
Ҳимоя қилсак, ғаддор!
Яна такрор айтаман,
Қочганим йўқ ёв келиб,
Аввалгидай кўнглим шод,
Кўчиб юриб,
Ов қилиб.
Дашт – бизнинг кенг уйимиз,
Ер – тўшак,
Кўк – кўрпамиз.
Ўртамизда қувонч, ғам,
Барин баҳам кўрамыз.
Аммо чексиз дашт аро
Бир мазор бор –
У ерда
Бизнинг қадим ажлодлар
Ётибди ҳар бир гўрда.
Агар сен ғазабимиз
Кучини билмоқ бўлсанг,
Агар сен даштликларнинг
Ўчини билмоқ бўлсанг,
Ўша мазорни топиб
Бир қабрига тегиб кўр!
Сенинг ипоқ қўлингдан
Озор топса бирор гўр:
Ўша заҳот билурсан
Биз қандай жанг қилурмиз,
Ҳар биттамыз юзтангиз
Маҳв этиб йиқилурмиз.
Токи ўша мазорга
Қўл урмасанг,
Эй, Доро,
Аввалгидек бемалол
Яшагаймиз дашт аро”.

Бу сўзни эшитган шоҳ
Қўрқув сезди кўксига.
Қўрқув юлдузи ёнди
Ваҳм босган кўзида.
Аввалига қўрқувни
Босиб йўқотмоқ бўлди,
“Мендан зўр подшоҳ йўқ!”
– деб
Ичи ғазабга тўлди.
Тахтидан сапчиб туриб,
Амримни айтай, деди.
Манман ёвга чанг уриб,
Забт этиб қайтай, деди.
Айтмоқ бўлди:
– Мозорни
Топиб тез ғорат қилинг!
Ҳар бир душман гўрини
Ковлаб ҳақорат қилинг!
Аммо ўша дам яна
Қўрқув дилин ғашлади.
Даштликлар айтган сўзлар
Яна янграй бошлади:
– Ўша заҳот билурсан
Биз қандай жанг қилурмиз,
Ҳар биттамыз юзтангиз
Маҳв этиб йиқилурмиз!
Кўзини қамраб қайғу,
Эс-ҳуши оғансимон,
Чодридан чиқиб у
Боқди чексиз дашт томон.
“Қани, тезроқ бу ердан
Кетайлик, – деди кейин, –
Мен англадим,
Бу халқни
Жангда енгмоқлик қийин!”
1989.

Бир парча ер

Ўлдирилгач қари Туман,
Ҳукмдор деб ёш ўғлон
Хувну деган халқ устидан
Тезда қилинди эълон.

Бу хабарни эшитаркан
Қўшни хоқон ўйлади.
Ўйлаб-ўйлаб вазирига
Шу гапларни сўйлади:

“Хуннуларнинг ҳукмдори
Жуда ёшдир...
Шу сабаб
Элчи бориб, у боладан
Ушбуни қилсин талаб:

Хуннуларда муқаддас от
Бордир – худди сутдек оқ,
Чиқарармиш кумуш қанот
Осмонда ой тўлган чоқ.

Ўша отни энди бизга
Ҳаялламай беришсин,
Гапни чўзиб ўтирмасдан,
Тошларини теришсин”.

Ўша заҳот қўшни юртга
Шошилич чопар кетар.
Оқшом чўкиб,
Куёш уфқда
Қизарган чоғда етар.

Айтар: – Хоқон ушбу сўзни
Етказ, деди сизларга.
Худоларнинг отин тезда
Топширарсиз бизларга.

Бермасангиз,
Келажакмиз
Бошлаб ёвқур зотларни,
Сиздан тортиб олажакмиз
Уюр-уюр отларни ...

Қўшни хоқон сўзин тинглаб,
Ғазабланар чоллар ҳам.
Йигитларнинг қўли эса
Тиеларни қисар маҳкам.

Ёш ҳукмдор –
Мате эса
Ҳайқиради: – Қўшнидан
Битта отни аямизми,
Не дедингиз, яхшилар?!
Муқаддас от ўша замон
Жўнатилар шошилич.
Отни кўриб қўшни хоқон
Юзида ўйнар севинч.

Севинаркан,
Яна узоқ
Туни билан ўйлади,
Тонгда туриб вазирига
Шу гапларни сўйлади:
– Айтмадимми ёш бола, деб
Хуннуларнинг хоқонини,
Олишнйям ўйламайди
Оғзидаги толқонини.

Амрим эшит,
Чопар яна
Йўлга чиқсин жадаллаб,
Энди Мате қулоғига
Етказилсин бу талаб:

“Мате,
Бизга етиб келди
Хотинийининг жамоли.
Ойдек эмиш,
Сочларини
Ўрармиш дашт шамоли.
Юз-кўзига Мароқанднинг
Бўёқлари чекилмиш.
Хуллас, унинг доғи бизнинг
Юрагимиз чок қилмиш.

Сўзимиз шу:
Қошимизга
Юбор даштнинг гулини,
Шодмон қилсин келиб тезроқ
Биздек ғариб қулини.

Юбормасанг,
Тез билурсан
Қўлларимиз ҳамласин –
Олажакмиз тортиб сиздан
Хотинларнинг ҳаммасин”.

Чопар жўнар,
Қуёш ботмай,
Етиб борар манзилга,
Хуннуларни писанд этмай,
Чопар киради тилга:

– Ҳой хуннулар!
Бирпасгина
Шовқин солмай туринглар.
Энди бизга хоқонингиз
Хотинини беринглар.

Чопар сўзин тинглаб, яна
Чолларгача қалқишар.
Кампирлар ҳам виждони йўқ
Қўшни хонни қарғашар.

Йигитларнинг қони қайнаб,
Бир-бирини итариб:
“Мате, бизни жангга бошла!” –
Дерлар шовқин кўтариб.

Мате эса кўпни кўрган
Ҳукмдордек хотиржам,
Сўз бошлайди юртдошларин
Атрофига қилиб жам:

– Қўшнилardan аямадик
Худоларнинг отини,
Наҳот энди,
Келиб-келиб
Аясақ бир хотинни!

Хуннулар жим,
Қовоқ солиб
Бўйсунушар Матега.
Чопар бўлса,
Жўнар босиб
Ойжамолни отига.

Уни кўриб, бор ақлини
Йўқотар қўшни хоқон,
Вазирини чақиради
Ҳузурига ўша он:

– Айтмадимми, ёш бола, деб
Хунну ҳукмдорини,
Қўрққанидан,
“Ғинг” демасдан
Жўнатди у ёрини...

Сўнг буюрар:
– Чопар яна
Жўнасин тез жадаллаб,
Энди Мате қулоғига
Етказилсин бу талаб:

“Бизнинг юртга туташ жойда
Хуннуларнинг ери бор.
Бир парча ер...
Ўн икки ой
Ёмғир тушмас – сувга зор.

Ҳатто қушлар четлаб учар,
Четлаб ўтар ҳар қарвон.
Қишин-ёзин ўлим коми,
Дуч келмайди бир ҳайвон.

Унда унмас бирор гиёҳ,
Чорвага ҳам ярамас.
Хуннуларнинг ўзи ҳатто
Ўша ерга қарамас.

Амримиз шу,
Сўзимизга
Қулоқларин бурсинлар.
Ўша кафтдек парча ерни
Тезроқ бизга берсинлар!

Бермасалар,
Тез борурмиз
Бошлаб қонхўр эрларни,
Забт этурмиз хуннуларга
Тобе бўлган ерларни!”.

Чопар жўнар шитоб билан,
Қамчи уриб отига
Ва дунхулар талабини
Етказди Матега.

Чопар айтар,
Унинг сўзин
Тинглаб чоллар ўйлашар,
Сўнг Матега бирин-кетин
Салмоқ ила сўйлашар:
“Биз улардан аямадик
Ҳатто осмон отини.
Қўшни юртга жўнатилди
Ҳатто хоқон хотини.

Улар сўраб турган ерда
Кўкдан томчи сув тушмас.
Карвонлар ҳам четлаб ўтар,
Устидан бир куш учмас.

Бир парча ер...
Лаънати ер...
Ақл билан қарайлик,
Ўша ерни, майли, очкўз
Қўшниларга берайлик”!

Аммо Мате ғазаб билан
Қиличини ушлайди,
Алам ёниб кўзларида
Лабларини тишлайди:

– Ҳой, эсини йўқотганлар,
Ўйлаб айтинг гапингиз.
Бўлмасам, нақ ғазабимга
Дучор бўлар кўпингиз.

Ўша сизлар айтган ерда
Гарчи бирор ўт ўсмас,
Гарчи кўкдан ёмғир тушмас,
Сувлар тошиб йўл тўсмас.

Гарчи унда ўсмас Олтой
Тоғларининг арчаси,
Бегона ер эмас,
У ер –
Ватанимиз парчаси.
Гарчи ўша бир парча ер
Қизиб ётар нақ тандир,
Бегона ер эмас,
У ер –
Бизлар учун Ватандир!

Душманларга эса асло
Бериб бўлмас Ватанни –
Ундан олдин бермоқ керак
Жангтоҳларда жон-танни.

Қани, дилин Ватан меҳри
Илитган мард бор бўлса,
Жангга чиқсин! Унутилмас
Ватан учун ким ўлса!
Ўша заҳот йўлга тушар
Хуннуларнинг қўшини,
Юракларга жойлаганча
Она юртнинг ишқини.

Бу шиддатни кўриб қочар
Очкўз хоқон шармисор,
Бу шиддатга дош беролмай
Душман бўлар тору мор.

Ватан ишқи доимо ҳақ!
Неча замон ўтсаям
Аждодимиз бўлган бу халқ
Намунадир бизга ҳам.

1989

Савол ва топшириқлар:

1. “Боболар мазори” ривоятида тасвирланган икки қўшни халқ кимлар эди?
2. Эрон шоҳи Доро нимани ният қилди?

3. Даштликлар босқинчиларга қандай жанг тактикасини қўлладилар?
4. Доро даштликлар шоҳи олдига йўллаган элчи қандай жавоб билан келди?
5. Доро мазорини бузишга журъат этдимиз? Нима учун?
6. “Бир парча ер” ривоятида Хоқон хунилардан нималарни беришни талаб қилди? Ёш ҳукмдор Мате бу талабларни нима учун бажарди деб ўйлайсиз? Қўрқаниданми?
7. Хоқон хунуларга тегишли бир парча ҳеч кераксиз ерни беришни талаб қилганда, қариялар ва Мате бу талабга қандай муносабатда бўлдилар?
8. Ёш ҳукмдор Матенинг Хоқоннинг уч талабига муносабатини изоҳланг. У тўғри ҳукмлар қабул қилди деб ўйлайсизми? Сиз давлат раҳбари бўлиб қолсангиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

Ватан тупроғи

Қўшни юртни босиб олган
Эрон шоҳин кўнгли чоғ,
Базм ила ўтар эди
Ҳар бир лаҳза, ҳар бир чоғ.

Аммо тезда қўшни юртдан
Айғоқчилар қайтишди
Ва подшоҳга таъзим билан
Шу гапларни айтишди:

“Қўшни юртда бизга қарши
Пинҳон исён пишмоқда.
Тоғда писиб юрганлар ҳам
Ҳозир пастга тушмоқда.

Кеча-кундуз тиним билмас
Темирчилар босқони,
Шоирлари шеър битар маст:
“Битсин душман босқини!”

Эрон шоҳи ўйга ботиб,
Сўнгра сапчиб бақирар,
Қадаҳини четга отиб,
Вазирларин чақирар:

– Қани, бунга нима дейсиз?
Тезроқ чора излангиз.
Ҳузуримга ҳар биттангиз
Тонгда келиб сўзлангиз.

Тонг отади,
Аҳли девон
Ҳаммаси бўлар ҳозир.

Тўпдан чиқиб, бошин эгиб
Сўз бошлайди бош вазир.

Сўз бошлайди:

– Кечинг, – дея –

Аҳли девон қонидан,
Бор гапни биз эшитармиз
Қўшни юртнинг хонидан.

– Ҳой, лаънати! – бақиради
Эрон шоҳи ўша он. –

Кўнглидагин айтармиди
Бизга, ахир, қўшни хон?!

– Айтар, – деди бош вазир шод.

Милт-милт ёниб кўзлари.
Янграй бошлар ўша заҳот
Ҳийла тўла сўзлари:

“Чораси бор,

Шуни қилсак

Кўнглин очар ўша мард.

Бунинг учун қўшни юртдан

Тупроқ олиб келмоқ шарт.

Боғингизнинг ярмини шу
Тупроқ билан қоплайлик,
Кейин чорлаб қўшни хонни,
Улуғ шоҳим, боппайлик –

Ҳеч нимадан беҳабардек
Лутф қилинг меҳмонга,

Уни олиб ўтинг кейин
Ўша тупроқ томонга.

Ўша они сиз билурсиз
Кўнглида не асрор бор,
Нималарни пинҳон сақлар
Юрагида ул айёр!”

Шоҳ ҳам кўнди...
Ўша куни
Чопар жўнаб кетади.
Уч кун ўтмай қўшни юрtnинг
Пойтахтига етади.

Эрон шоҳи алдар, дея
Қилмай шубҳа
Ё гумон,
Ҳаялламай Эрон томон
Отланади қўшни хон.

Етиб келар,
Таъзим ила
Шоҳ этагин ўпади,
Муштдек бўлиб бир чеккага.

У оҳиста қўнади.
Уни кўриб Эрон шоҳи
Назар-писанд қилмайди:
“Бундайин хор бўлган одам
Исён қила олмайди”.

Кейин эса
Вазир сўзин
Эслаб, боққа йўл олар.
Қўшни юрtnинг хоксор хонини
У секин гапга солар.

Жавоб берар ҳар сўроққа
Хон бошини қилиб ҳам.
Қуллуқ қилар ҳар бир гапда,
Олқишлайди шоҳини ҳам.

Шоҳ этагин ўпар такрор,
Худди гулни ўпгандай...
Аммо бирдан

Қаддин тиклар
Боғ ярмига ўтганда.

Кўзларига нур югуриб,
Нур шарори кўпирар,
Шоҳга тикка қараб туриб
Ғазаб билан гапирар:

– Қул бўлмасман сенга, подшоҳ,
Қул бўлмайди халқим ҳам.
Билиб қўйгин,
Бўлгин огоҳ!
Воз кечмасман ҳақимдан.

Воз кечмасман озодликдан.
Воз кечмасман оримдан.
Воз кечмасман сен топтаган
Боғимдан,
Мозоримдан.

Сени жангда енгажакман,
Билиб қўйгин,
Бўл огоҳ!
Сенга қарши чиқажакман,
Қул бўлмасмиз сенга, шоҳ!”

Унинг сўзини тинглаб, ғазаб
Қучиб бутун борлигин,
Эрон шоҳи туйди бирдан
Қанчалар ночорлигин.

Туяр экан,
Вужудида
Босолмасдан титроғин,
У эгилиб қўлга олди
Қўшни юрtnинг тупроғин.

Англади, юрт меҳри уйғоқ
Дилни енгиб бўлмайди.
Ҳатто бошин олсанг ҳамки,
У барибир ўлмайди.

Ўша куни иззат-икром
Қилиб қўшни хонини у,
Ватанига кузатаркан
Дилини қучди қайғу.

У биларди,
Эрта тонгда
Қўшинини бошлайди
Ва исёнкор қўшни юртга
Аскарларин ташлайди.

У билади,
Бу савашда
У тору мор бўлади.
Сўнгги жангда қўшни хон,
Ҳам ўзиям ўлади.

Шуни ўйлаб вужудини
Қучар армон титроғи,
Қандай буюк кучдир, ахир,
Она-Ватан тупроғи!

1989.

Ватан меҳри

Бу воқеа кўп қадима
Замонларнинг нақдмас,
Ўтган бўлса, юз йигирма
Йил ўтгандир,
Кўп эмас...

Подшоҳлари ухлаб ётган
Юртга душман кирганда,
Бола демай,
Қари демай
Аямасдан қирганда.

Бухорога қочиб бориб
Амир писиб ётган пайт,
Хон амирни,
Амир эса
Хонни ёвга сотган пайт.

Ер бўялиб алвон рангга,
Ёш тўқканда хор бобом,
“Элим” дея чикди жангга
Самарқандлик мард Бобон.

Қўлга тушмай олишди у
Хурлик майи қилиб маст,
“Юртим” дея солишди у
Лак-лак ёвга басма-бас.

Йигитлари тинмас эди
Ярим туну тонгларда,

Жангдан кейин эса пинҳон
Бўлар эди тоғларда.
Ҳеч ким билмас улар қай жар,
Қай дарада бекинар.
Кауфманнинг жони чиқар,
Миршаб каби сўкинар.

Пистирмалар қўяр овлоқ,
Пастқам йўллар четида.
Айғоқчилар изғиб юрар
Бозорларнинг ичида.

Аmmo бир кун саҳар пайти
Қуёш кўкка чиқаркан,
Ҳабаш каби қоп-қора тун
Чодирини йиғаркан.

Елкасига милтиқ илган
Шопмўйловли саллотлар
Тоғ ичидан чиқиб келган
Чолни тутиб олдилар.

Чол ёнида невараси
Ҳорғин қадам ташларди,
Учта бадмаст саллот унга
Калхат каби ташланади.

Қўлларини бурадилар,
Қарамай кўз ёшига,

Ва уларни келтирдилар
Яримподшоҳ қошига.

О, тарихнинг битиклари
Сўйлаб берган неча бор,
Ботирларнинг амалин йўқ –
Этган деб хиёнаткор!

Худди шундай сотқин бир кас
Чолга зимдан тикилди,
Кауфманга таъзим ила
Етти марта эгилди.

– Мен билман бу чолни, у
Шу тоғда ов қилади.
Бу тоғларнинг ҳар қаричин
Жуда яхши биледи.

Яхши билар бу тоғу роғ
Тошлари-ю ўтларин,
Мол изига қараб, қай чоғ,
Айтиб берар ўтганин.

Фақат шу чол топиб берар
Писиб ётган Бобонни...
Чор саллоти амр этар:
– Олиб келинг бобойни!..

Кейин эса айтар тажанг:
– Икковинг ҳам ўласан!
Фақатгина йўл кўрсатсанг,
Тиғдан халос бўласан!

Чол индамас,
Невара ҳам
Сукут сақлар, жим турар.
Кауфманнинг кўзи ўйнаб,
“Қийнаг!” – дея буюрар.

Ўша заҳот чол сўз бошлар:
– Ўйлаб кўрдим танада,
Сиз, ҳукмдор билан ёлғиз
Гаплашайлик панада.

Четга чиққач,
Кауфман дер:

Нима дейсан, даюс чол?
Бир хўрсиниб,
Кўзин артиб
Сўз бошлайди маънос чол:
– Мен розиман,
Бобонния
Ўзим тутиб бераман,
Бобон ётган жар ичига
Сизни бошлаб бораман.

Фақат, нетай...
Жуда уят...
Жуда уят бўлади-да...
Мен бу ишни қилолмайман
Неварамнинг олдида.

Қўл-оёғин боғлаб, уни
Тоғдан пастга ташланглар.
Сўнг орқамдан аскарларни
Саф торттириб бошланглар.

Уни тинглаб,
Саллотлар ҳам
Аччиқ ўйга ботдилар.
Аммо тезда болакайини
Боғлаб, пастга отдилар.

Учиб кетди бола додлаб,
Урилганча тошларга.
Ўша заҳот чол ҳайқирди,
Кўзи тўлиб ёшларга:
– Неварамдан кўрққан эдим,
Чидолмас деб қийноққа...
Кўрққан эдим, чидолмасдан
Сизни бошлар деб тоққа.

Мен-ку қари,
Мен кўрқмайман
На қийноқ, на ўлимдан.
Мен тайёрман,
Қилавергин
Не-ки келар қўлингдан!

Фақат билгин:
Тоғ ичида

Сени енгар қўлим бор –
Неварамнинг отаси-ю
Менинг ботир ўғлим бор.

...Бу воқеа кўп қадима
Замонларнинг нақлимас,
Ўтган бўлса,
Юз йигирма
Йил ўтгандир – кўп эмас.

Аmmo унут чолнинг номи,
Унут бола номиям,
Ўч олинмай тошга дўниб
Ётар улар қониям.

Бу қон фақат баҳор чоғи
Униб чиқар гул бўлиб
Ва сўроқлар: “Ахир, қандоқ
Яшайсиз кул бўлиб?!”

Бу сас телба этган бўрон
Гул тўксаям боғларда,
Бу сўроқнинг акс-садоси
Янграсаям тоғларда.

Бақирсаям тол баргларин
Айлантириб тилларга,
Бу сас етмас
Музлаб ётган
Ўчдан холи дилларга...

1989

Савол ва топшириқлар:

1. Босиб олинган юртдан келган хабар Эрон шоҳида қандай кайфият уйғотди? Унинг рухий ҳолати ифодаланган мисраларни топиб ўқинг. Шоҳ аёнларига қандай топшириқ берди?
2. Бош вазир қандай ҳийла уйлаб топди? Ҳийланинг моҳиятини айтинг.
3. Шоҳнинг “Бундайин хор бўлган одам Исён қила олмайди”, дея хулоса қилишига асос борми?
4. У Эрон шоҳига нималар дейди? Қўшни хон сўзларига ишонасизми?
5. Эрон шоҳи келажакни қандай тасаввур қилади?
6. “Ватан меҳри” ривоятидаги тарих ҳақида нималарни биласиз?
7. “Подшоҳлари ухлаб ётган Юртга душман кирганда”, мисралари қайси тарихга ишора?
8. Босқинчиларга ким қарши курашди? Саллотлар нега уни қўлга туширолмади?
9. Тоғ ичидан чиқиб келган чол ва унинг набрасига душманлар қандай муносабатда бўлдилар? Бу ўринда юрт сотқини қандай ҳаракат қилди?
10. Босқинчилар сир олиш учун қийноқ усулини қўлламоқчи бўлганда чол генерал Кауфманга нимани таклиф қилди?
11. Чолнинг шифқатсизлигини маъқуллайсизми? Унинг ҳақиқий нияти қачон маълум бўлади? Чол ниматга ишонади?
12. Шоирнинг “Бу сас етмас Музлаб ётган Ўчдан холи дилларга...” хулосасини қандай изоҳлайсиз?
14. “Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан” мавзuida эссе ёзинг.

ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ

(1956 йилда туғилган)



Замонавий ўзбек адабиётининг таниқли вакили, инсон туйғуларини наслий асарларда ғоят нозик ифодалай оладиган ёзувчи Хайриiddин Султонов 1956 йил 18 январда Тошкентда, Қибрай туманининг Тузел қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Унга сўз завқи, гўзалликка чанқоқлик ота-онасидан ўтган эди. 1963 – 1973 - йилларда Паркентдаги ўрта мактабда ўқиди. 1973 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факултетига ўқишга кириб, 1978 йилда уни муваффақиятли тугаллади.

Талабалик йилларидаёқ ижодий ташкилотларда ишлай бошлаган Хайриiddин Султонов 1974–1980-йилларда „Гулистон“, 1982–1985-йилларда „Ёшлик“ журналларида, 1980–1982 – 1985 – 1993 – йиллар орасида Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида турли лавозимларда меҳнат қилди. 1993 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул лавозимда фаолият кўрсатмоқда.

Хайриiddин Султонов – насрда ёзувчи Асқад Мухтор асос солган ижодий мактабнинг вакили. У инсоннинг туйғулар олами, ҳиссиёт пўртанасини ҳаётий тафсилотлар асосида тасвирлашга моҳир ижодкор. Талабалик йилларидаёқ бадий ижод билан жиддий шуғулланган Хайриiddин Султоновнинг „Чол“ номли дастлабки ҳикояси XX асрнинг етмишинчи йилларида „Тошкент оқшоми“ газетасида босилган. Ёш ёзувчи „Гулистон“ журналида ишлаб юрғанида бевосита Асқад Мухтордан бадий ижод сирларини ўрганди. Ҳаёт ҳодисаларига, одамларнинг ички дунёсига ўзига хос назар билан қарайдиган, инсонлардаги энг нозик ва яширин сифатларни бир-икки чизги билан нурлантириб юборишга моҳир ёзувчи табиий истеъдод билан чуқур билимини уйғулаштира билди.

Адибнинг „Қуёш барчага баробар“ (1980), „Бир оқшом эртаги“ (1983), „Онамнинг юрти“ (1987), „Умр эса ўтмоқда“ (1988), „Бобурнинг тушлари“ (1992), „Йўқчилик ва тўқчилик“ (1995), „Бобурийнома“ сингари ҳикоя, қисса ва романларни ўз ичига олган асарлари ширали тили, тасвир самимияти, дардчил оҳанги билан ўқувчилар меҳрини қозongan.

Хайридин Султонов „Саодат соҳили“, „Ёзнинг ёлғиз ёдгори“, „Кўнгил озодадур“, „Ажойиб кунларнинг бирида“ сингари қиссалари билан миллий насримиз ривожига сезиларли ҳисса қўшган.

Хайридин Султонов моҳир сценарийчи сифатида „Чангак“, „Мозийдан бир саҳифа“ каби телефильмлар ҳамда „Тушларимда кўриб йиғлайман“, „Ёлғиз ёдгор“ сингари бадний фильмлар ҳам яратган.

Хайридин Султонов дунё адабиётининг энг сара асарларини ўзбекчага таржима қилиш борасида ҳам самарали ишлар қилган. Сиз савиб ўқиган француз адиби Антуан-де Сент-Экзюперининг „Кичик шаҳзода“ асари шу ёзувчи таржимасида ўзбек ўқувчиларига етиб борди. Унинг Й. Нагибин, В. Шукшин сингари рус ёзувчилари ижодидан қилган ўгирмалари ҳам эътибор қозонган.

Қуйида ёзувчининг „Саодат соҳили“ қиссасидан олинган парча билан танишасиз.

Саодат соҳили

(Қиссадан парчалар)

Хофиз Кўйкийни Боғи Нурафшоннинг кунчиқар тарафидаги хос ҳужралардан бирига жойлаштирдилар. Жазирама иссиқ ва қабул ташвишлари уни қаттиқ чарчатган эди, тушгача донг қотиб ухлади. Пешин намозидан сўнг, умрида илк дафъа кўриб тургани – нотаниш анвойи гуллар ял-ял ёнган салқин хиёбонда жаннат ошиён қушларининг ҳур наволарини завқ-шавққа тўлиб тинглаганча, оҳиста кезиб чиқди.

Оқшом тушиб, осмонда илк юлдузлар чарақлаган палла Юсуфий ҳужрага келиб, олампаноҳ уни йўқлаётганини хабар қилди.

Хофиз Кўйкий юз шамли муҳташам қандиллар ёғдусига чўмган бўм-бўш саломхонага кириб борганда Бобур тўрдаги кумуш лавҳ¹ ортида барқут болишларга ёнбошлаганча муголаага берилган эди. Олим лавҳ устидаги китобга аста разм соларкан, ўзи топширган тортиқни таниди. Бу фавқулудда ҳадя туфайли Бобурнинг дилида қўзғалган ўша ботиний ҳаяжон, ўша ўтли таассурот ҳануз сўнмаган эди. У дўстона жилмайиб, сассиз бир ҳаракат билан меҳмонга жой кўрсатди, сўнг яна „Насойим ул-муҳаббат“нинг очиқ турган саҳифасига тикилди. Зум ўтмай, жимжит саломхонада шоҳнинг ўйчан, тиниқ овози янгради.

– „Биров алардин савол қилдиким, дарвишлик сизга маврусдир² ёки муктасаб³? Алар дедилар: тангри ҳукми билан бу соадатқа мушарраф бўлдук,

¹ Лавҳ – юзгаб ўқийдиган мослама.

² Маврус – мерос.

³ Муктасаб – касб қилинган, яъни кейин ўрганилган.

⁴ Марғуб – яхши, ечимли.

– дея кўнглига беҳад марғуб¹ бўлган парчани ҳафти қироатнинг инжа товланишлари билан таъкидлади Бобур. – Дедиларки, аларга ҳаргиз қул ва додак¹ бўлмас эрмиш. Алардин бу маънида сўрабтурлар. Алар дебтурларки: “Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!”

У китобдан нигоҳини узиб, қад ростлаб ўтирди, кунгираддор қандилга, унинг порлоқ ёғдусида зар сочиб ёнган нақшларга илк бор кўраётгандек хийла вақт термилиб қолди, ниҳоят, толғин бир товуш билан ҳаёлчан тақрорлади:

– „Қачон бу бандалиғ хожалиғ билан рост келур?!“

Ва ўз саволига жавоб ахтарган каби нигоҳи яна чароғон саҳифалар узра кеза кетди.

– Алишербек беназир зот эрди, – деди Бобур китобдан бош кўтариб. Қийиқ кўзларида ҳорғин қувонч учқунлари чақнар эди. – Ҳар дафъа ўқиб ҳайрат қиламенки, туркий тилда ҳеч ким ашъорни ул ҳазратдек кўп ва хўб айтқон эмас.

– Яхши китоб – киши руҳининг жон озиғи, – деди Ҳофиз Кўйкий уни қувватлаб.

– Ҳар қандай кишининг ҳам эмас, – дея бирдан эътироз билдирди Бобур.

– Албатта, олампаноҳ. Лекин яхши китобни ўқиган кишига ҳам яхшилик шарофати юкмоғи шубҳасиздир.

– Ўқиганга юкмайди, мавлоно! – Бобур Мирзонинг қайсар қошлари мардона чимирилди. – Уққанга юқадир.

– Ҳақ сўз, олампаноҳ.

Орага оғир жимлик кирди.

– Олампаноҳ... – Ҳофиз Кўйкий шоҳга қимтинибгина мурожаат қилди. – Менинг қутлуғ ҳузурингизга келмоқдан мақсадим, аввало, сиз зоти шарифларини зиёрат этмоқ бўлса, сўнг шухрати етти иқлимга машҳур алломаларингиз билан танишмоқ, кутубхонангиздаги ноёб дурдоналардан баҳраманд бўлмоқлик умиди ҳамдир. Камина қулингиз не вақтлардан бўён илми тарихга доир бир рисола битмак орзусида юрадирман. Кутубхонангизда тиллога топилмас мўътабар китоблар бисёр деб эшитаман. Агар зоти муборақлари ижозат этсалар...

Бобурнинг чеҳрасига таажжуб ифодаси қалқиди:

– Мавлоно Абдулвоҳид Форигий сизни кўп улуғ аллома деб таърифлаб эди, таассуф...

Ҳофиз Кўйкий қутилмаган бу гапдан гангиди, каловланиб бошини кўтарди:

– Олампаноҳ...

– Ниятингиз холис эканига шубҳа йўқ, мавлоно, бироқ... – Бобур сўхбатдошини аягандек, бир зум тараддудланиб қолди, – бироқ илм кўйида

¹ Додак – чўри.

² Жумла мазмуни: Аллоҳга шунчакам қул бўлган одам бошқа биронга кўжанин бўлиши мумкинми?

ўзларни бозордан олиб бозорга солгувчи алломаларнинг алломаликлари менга ҳар вақт кулгули ва қалбаки туюлур!

Олим дув қизарди, ўрнидан оғир кўзғалиб қўйди: ер ёрилса киргудек ҳоли бор эди, аммо ер ёрилмади!

У сўнги журъатини тўплаб, ҳаяжон ичра изоҳга оғиз чоғлади:

– Олампаҳоқ меннинг тилагимни янглиш англадилар чоғи...

– Сизни ранжитмоқ мақсадим йўқ эди, – деди Бобур кулимсираб. – Фақат сўз ўрни учун айтдим, холос. Зеро, умрим мобайнида қалбаки тангалардан қалбаки алломаларни кўпроқ учратдим. Аларнинг ҳақ ва маърифат номидан сўйлаган ёлғонлари мени муттасил ғазабга солди, имконим етган чоғларда ундай бетавфиқларнинг барчасини оғир жазоларга мустаҳиқ этдим... – Бобур, товушининг алланечук кескин пардаларда янграб кетганини сизди шекилли, хиёл тий олиб, вазнин оҳангда сўзлай бошлади. – Раҳматли падари бузрукворим айтгур эдилар: жаннатмакон имом Муҳаммад Ғаззолий ҳазратлари Бағдод мадрасасида таҳсилни тугаллаб, карвон билан ўз юртларига қайтар эдилар. Йўлда карвонни қароқчи босибдир. Қароқчилар савдогарларнинг мол-мулкларини тортиб олибдилар. Ҳазрати имом қароқчибошига рўбарў бўлиб, арз этибдилар: „Мен бир толиби илмман, на олтин, на кумушим бор. Бор будшудим икки сандиқ китоб эрди, одамларнинг тортиб олдилар. Эй марҳаматли сардор, амр этким, китобларимни қайтариб беришлар. Барибир аларнинг сенга ҳам, йигитларингга ҳам ҳеч нафи йўқдир“. Қароқчибоши қаҳрга миниб сўроққа гутибдир: „Хўш, алардин сенга не наф бор?“ Имом ҳазратлари бениҳоя таажубга қолиб: „Ахир, бу менинг ўн йил мусофирликда риёзат чекиб орттирган илмларим-ку!“ „Сен ўзингни олим санайсанми?“ – дебди қароқчибоши. „Оллоҳнинг инояти билан...“, – дебдилар имом ҳазратлари. „Йўқ, сен олим эмассан! – дебди қароқчибоши. – Чиндан ҳам фозил бир кимса бўлсанг эрди, китобларнинг буткул йўқолса-да, парвойингга келтирмаган бўлур эдинг. Чин олим кишининг илми сандиқда эмас, юрагида бўлур, уқдингми?“ Қароқчибоши шундай дея имом ҳазратларига марҳамат кўрсатиб, сандиқларини қайтариб беришни амр этибдир. Ул зоти шарифга ваҳший бир қароқчининг бу янглиғ маломат-миннатлари ғоят оғир ботибдир. Йўлнинг қоқ ўртасидан ортага – Бағдодга қараб қайтибдилар. Қайтадан мадрасага кириб, ўшал икки сандиқ китобин хатми кутуб қилиб чиқибдилар ва барча эгаллаган илмларини юрак ва кўнглининг қатларига жо қилиб олгунарига қадар мадраса остонасини тарк этмабдилар. Шундан сўнг имом ҳазратлари ҳаргиз китобга қарамабдилар: илм ул зоти бобаракотнинг қалб чаманида ишнай бошлабдир.

Ҳофиз Кўйкий бутун вужуди қулоқ бўлиб тингларди.

– Оқибатда имом ҳазратлари илмда шундоғ улуғ мартабага етибдилар ким, кишилар: „Агар бу ёруғ оламдан Қуръони шариф йўқолгудай бўлса, имом Муҳаммад Ғаззолий қайта тиклаб берадир“. – дейдиган бўлибдилар, – дея сўзини тугатди Бобур ва олимга синовчан тикилди.

Олим ич-ичидан изтироб чекар, унинг сўзлари ҳақ эканини чин дилдан эҳтироф этса-да, ўзга бир фикр ҳаёлидан кетмас эди: „Қилич ситган қинга қалам сизмас экан-да...“ Юрагининг тубидан эътироз ғалаёни тошиб келса ҳамки, бошини куйи солиб, тасдиқ аломати билан чекланмоққа тиришди:

– Кўп ибратомуз ривоят экан, олампаҳо.

Бобур шаҳодат бармоғи билан кумуш лавҳни аста чертганча ҳамон саволомуз тикилиб турарди:

– Хўш, мавлоно?

– Олампаҳо... – Ҳофиз Кўйкийнинг манглайидаги чизиқлар янада чуқур тортди, мулоҳаза юки елкаларидан харсангтош бўлиб босди, андиша тиги тилига кўндаланг келди – қийналди, аммо барибир ... чидаёлмади: – Шаккок қулингизни маъзур тутинг, олампаҳо, бироқ, таассуфки, сизни ҳам кўп донишпарвар зот, илм-маърифатнинг чин ҳомийси, деб таърифлаб эдилар!

Олимнинг кўксини босиб турган безовта оғриқ бирдан тинди, сўнг ўртага чўмган қалтис сукунат ичра бутун вужудини дарзага солиб гурсиллаётган юрагининг дукури яққол эшитила бошлади.

Ва баногоҳ... даргазаб фармон ўринга момақалдироқдек қаҳқаҳа янтради. Ҳофиз Кўйкий кулоқларига ишонмай бошини базур кўтарди-ю, кўзларига ҳам ишонмай қолди: шохнинг юзида табассум балқирди!

– Боракалло, мавлоно! – деди Бобур кўзларига қалққан ёш томчиларини артиб, – Дов юракли кимса экансиз! Асли бу истеҳзоларни сизни бир сишаб кўрмоқ йўлига айтиб эдик. Эътиқодингиз шаъни учун, анинг поклиги учун бизнинг на савлатимизни, на давлатимизни истиҳола этдингиз! Билсангиз, шу чоққа қадар камдан-кам одам бизнинг бу йўсин даъволаримизга эътироз айтган. Аксинча, бундай дамлар аксарият киши йўқ гуноҳларига ҳам иқдор бўлиб, тавба-тазарруга зўр берадур. Тасанно, журъатингизга, мавлоно! Чин фозил инсон асли шундай бўлмоғи лозим. Зеро, одамизод иймонининг барқарорлиги аввало унинг не чоғ мард ва ҳақгўй экани билан ўлчанур. Бизни қора тортиб шундоғ жойлардан заҳмат чекиб келибсиз, наинки, мурув-ватимизни дариг тутсак!

Ҳофиз Кўйкий бори-борлиги ҳаяжондан титраб, қуллук қилди.

– Бизнинг ҳузуримизга не-не муҳтарам зотлар ганжу давлат тилаб, рутбаю унвон тилаб қадам ранжида қилдилар, – дея сўзда давом этди Бобур. – Лекин шу вақтгача китоб излаб, маърифат истаб келган бир кимсани кўрганимиз йўқ эди. Шукр тангригаким, алҳол иноят айлаб, зориқиб кўз тутган кишимизнинг дийдорига етиштирди. Ҳар қандай китобимиз бўлса, сиздан айлансин... Дарвоқе, рисолангиз нима хусусда?

– Олампаҳо, не вақтларки Чингизхон ва унинг ғоли¹ ҳақида бир рисола битмак орзуси кўнглимга ором бермай келади. Маълумингизким, бу улун

¹ Оли – авлоди.

салтанат эди, анинг такомил ва тараққиёти ҳам, таназзулу инқирози ҳам мени бирдек ҳаяжонга соладир. Алалхусус, Чингизхон зурриётларининг тақдири, жорий этган тартиб ва қонунлари, давлатни идора этмак усуллари... Муқояса¹ ибратига сизнинг мамлакатдорлик сибсатингизни ҳам бир сидра назардан кечирмоқ умидидамен.

Бобур унинг сўзларини диққат бериб эшитди.

– Ғоят мушкул юмушга қўл урибсиз, мавлоно, – деди у. – Хайр, Оллоҳ мадад берсин, йўлингиз оқ, йўлдошингиз Ҳақ бўлсин. Илло, бу бебақо дунёда фақат ҳақ сўз боқий қолур. Қасрлар емирилур, салтанатлар тўзар, асьсаю дабдабалар йитар... Ёруғ жаҳонда қирқ саккиз йил умргузаронлик қилиб англаган ягона ҳақиқатим шу, мавлоно. Шундай машаққатли бир ишни уҳдангизга олган экансиз, имконимиз етган кўмакни бермоқ биз учун фарзул вожибдур. Марҳамат, хонадонимизнинг ҳам, кутубхонамизнинг ҳам тўри сизники. Фаҳми ожизимча, мутолаани Баҳоваддин Муҳаммад Жувайнийнинг „Тарихи жаҳонгушой“² китобидан бошласангиз чакки бўлмас.

Ҳофиз Кўйкийнинг кўзлари чақнаб кетди:

– Мен ул муборак зотнинг бу табаррук асарини не вақтлардан буён излайман, олампаҳо!

– Хайр, неки излаганингиз бўлса, топмоққа биз балоғардон, – дея кулимсиради Бобур. – Валекин, бизнинг салтанат хусусида бирор нима демоқдан ожизман. Мавлоно, бу сиз ҳавас қилгудек барқарор салтанат бўлмоғига кўзим етмайди, бу зарурат туфайлидан пароканда элатларининг боши қовуштирилган бир вилоят, холос. Умид қиламенки, сўзларимни камтарликка йўймагайсиз. Зеро, зукко муаррихсиз, барчага эрса-да, сизга махфий эмаским, қон дарёси узра қурилган салтанатнинг замини ҳамиша омонат бўлур...

Улкан сарой сув қуйгандек жимжит эди.

– Сизни менга худо еткурди, – деди Бобур. – Мен ҳам бошимдан кечмиш воқеаларни қоғонга тушуриб, тартиб бермак орзусида эдим. Баъзи ниҳояга еткан саҳифалар бор, насиб этса, ўқуб кенгашурмиз.

– Бош устига, олампаҳо, Бу азиматингизни³ тангри таоло муборак қилсин!

– Иншооллоҳ.

– Шу олийжаноб мақсадингиз кўнгилдагидек ўриланса, кўп улуғ иш бўлур эди. Қандоқ ном билан атамоққа қарор бердингиз, олампаҳо?

– Номи?— Бобур икки-уч дақиқа ўйлаиб қолди, сўнг узил-кесил бир тарзда:— Номи „Воқеоти Бобур“ бўлур. – деди.

– Маъқул, олампаҳо.

– Сиз йўлдан ҳориб келгансиз, – деди Бобур, – толиқмадингизми?

¹ Муқояса – киев, солиштирил.

² „Тарихи жаҳонгушой“ — „Жаҳонгирлар тарихи“.

³ Азимат – шик, борин.

– Йўқ, йўқ, олампаҳоқ.

– Ҳа-а... Тошқанддан қачон чиқиб эдингиз? Эл-улус, раиятнинг¹ кайфияти нечук? — Бобур кутилмаганда суҳбат мавзусини ўзгартирди. – Фарқатда² истиқомат қилурми эдингиз?

– Ҳа, олампаҳоқ.

– Самарқанддан қувулиб, Андижондан айрилган саргардон қуяларим ул манзилда бир муддат туриб эдим, – дея Бобур ҳаялчан сўзларкан, туйқусдан товуши ҳайратомуз оҳанг кашф этди. – Ёдимда, бир оқшом бир юзу ўн олтига кирган кампирнинг кулбасида ёмғирдан жон сақлаб эдим. Кўп умр топқон табаррук кампир эди. Бир оғоси соҳибқирон Темурбек замонида черикка³ қўшилган экан, муттасил шуни айтиб, сўйлар эди. Оғосини „Ҳиндистонда ўлган“, – деб эди. Манглайимга битмиш фаройиб савдони кўрингим, ўша кўҳна кампирнинг тилидан тушмаган етти ёт юртда ўлтириб, уни эслаётирман...

* * *

Тун. Олам фароғат оғушига чўмган. Сарой этагидаги қатор хос ҳужралардан бирининг даричасида милтиллаётган танҳо чироқ шуъласигина поёнсиз зулмат салтанатига таҳдид солади.

Елкасига енгсиз жубба⁴ ташлаган Ҳофиз Кўйкий мутолаадан толган кўзларини бир зум қоғоздан узиб, аста деворга суянди. Манглайини сийпаганча, даричадан ташқарига тикилди. Осмоннинг кафтдек бурчи оқариб кўринарди.

Кеча оқшом суҳбат боқеъ⁵ бўлгач, Бобур унга бир жуз қоғоз узатиб, секин кулимсиради.

– „Воқеот“ми, олампаҳоқ?

– „Воқеот“.

„Воқеот“нинг қудратли сеҳри Ҳофиз Кўйкийнинг ақлу ҳушини тамоман мафтун этган эди. Бобурнинг улуғвор, шавкатли сиймоси олимнинг кўз ўнгида сатрма-сатр юксалиб борарди.

Унинг нигоҳи яна қоғоз бетида кезишга тушди.

„Фарғонанинг жануби тарафидаги қасабалардан⁶ бири Андижондурким, васатта⁷ воқеъ бўлубтур⁸, – деб ёзарди Бобур соғинчдан ўртаниб. – Андижон эли турктур. Шаҳр ва бозорида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафин

¹ Раият — эл-улус, тобе халқ.

² Фарқат — Паркент.

³ Черик — вазир, аскар.

⁴ Жубба — венг ва сийял тун.

⁵ Боқеъ — тугаш, тамомланиш.

⁶ Қасаба — шаҳарча.

⁷ Васат — урта, ўрталик.

⁸ Воқеъ бўлубтур — пайдо бўлибди.

қалам била росттур. Анинг учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусавнафоти¹ бовужудким², Ҳирийда нашъу намо топибдур, бу тил билладур...”

Осуда, оромбахш тун. Бесар ой кўкдан маънос термиледи. Боғда мастона ҳидлар гуркирайди. Юрак аллақандай исмсиз туйғулардан оҳиста орзиқади. Олим миждаларини юмган кўйи ана шу исмсиз туйғуга исм топмоққа тиришади: нима бу – соғинчми, андуҳми, ҳасратми, балки ушбу гўзал лаҳзаларнинг энди асло такрор бўлмаслигини, дақиқалар ҳосиласи – умрнинг бебақолигини яна бир карра англагани туфайли кўнгил пинҳоний изтиробда сирқираётгандир?

Олим ҳўрсиниб кўйди, қалам оқ қоғоз узра шодон югура бошлади:

...Кўп вақт ҳазратнинг файзиёб суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ушмундоқ ғариб ҳоли фаҳм этдимки, ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний ва жаннатмакон Мир Алишерга бирдек улугъ эътиمود³ боғлағон эдилар, аларнинг кутлуғ номларини ҳаргиз тилдан кўймасдилар. Ҳазрати Мир ҳаётлигида дийдор насиб этмаганини муттасил таассуф била сўйлар эдилар...”

У қаламини лавҳнинг бир четига кўйиб, ўйга толди. Суронли замонларнинг шиддатвор тўлқинларида саросар суриган, ўз дилига беҳад яқин бу икки буюк зот: Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ўйлаб кетди.

...Ҳаёт уларнинг дийдор кўришувини хуш кўрмаган эди. Улар то тирик экан, бир-бирлари сари мислсиз ихлос ва иштиёқ билан талпиндилар. Иккисининг ҳам қалбида бир-бирига айтилиши шарт ва муқаррар бўлган жуда кўп гаплар пинҳон қолди.

Ва фақат ўлим, шафқатсиз, одил ўлимгина уларни дафъатан яқинлаштиради – улар ягона бир замин тупроғида, бир-бирларидан бор-йўғи юз эллик чақирим масофа нарида, бир-бирларидан буткул беҳабар мангу масканда фароғат топадилар, уларнинг боқий ва мардона руҳи юлдузларга тўлган ягона осмон остида беором кеза бошлайди.

Юз эллик чақирим... Ёвқур, ўктам чавандоз бу масофани учқур тулпорда икки кеча-ю кундузда босиб ўтмоғи тайин. Аммо орадан асрлар ўтса ҳамки, улар шу манзилга абадиян мутеъ бўлиб қолаверадилар, бир-бирларининг истиқболларига ҳеч вақт пешвоз чиқа олмайдилар ва қалбларидаги бир-бирларига айтилиши шарт ва муқаррар бўлган жуда кўп гапларни ҳеч қачон айта олмайдилар...

Олим ўрнидан енгил кўзғалиб ташқари чиқди, айвоннинг нақшинкор устунига суянганча нимтатир оқиш тусга кира бошлаган машриқ томон тикилган кўйи сас-садосиз туриб қолди.

Тонг яқин эди. Ҳофиз Кўйкий Ҳиндистон тупроғида бедор қарши олаётган ўн иккинчи тонг ёришиб қеларди.

¹ Мусавнафоти – асарлари.

² Бовужудким – қайиқчи.

³ Эътиمود – ихлос.

Боғи Нурафшон – ер юзининг жаннати – сирли фароғат ва шукуҳга тўлиб шовуллайди.

Ҳофиз Кўйкий бу дилкаш масканга биринчи кунданоқ қизгин меҳр кўйди. У кун бўйи гоҳ кутубхонада, гоҳ ҳужрасида мутолаадан бош кўтармай ўтиради, оқшом тушиб, қош қорая бошлагач, адоқсиз боғ саҳнида хаёлкаш кезиб, ҳорғинликни буткул унутади.

Шундай оқшомларнинг бирида у Бобур Мирзога дуч келиб қолди.

Боғ эстагида, азим шамшод ва дафна дарактлари орасида қад кўтарган муаззам тоқи равоқда Бобур ёлғиз ўтирар эди. Умрининг сўнгги йилларида у саройидаги хушчақчақ сурон билан тўла базму томошалардан совиған, жон олгувчи ҳинд раққосаларининг ситамкор ишвалари ҳам, булбулигўё шонрларнинг шон-шухрат куйида ўртаниб айтгувчи дилрабо байтлари ҳам энди кўнглига завқ бағишламаз эди. У кўп вақтини кўздан йироқ хилват – шу тоқи равоқда танҳо ўтказар, аҳён-аҳён, хуши келган чоғлардагина Юсуфийин чақириб, чоғир буюрар эди. Бундай пайтларда Боғи Нурафшонга теран сукунат чўқар, олампаноҳнинг дардманд, мискин кайфиятини сезган сарой аҳли, мулозимлар ун чиқармасликка тиришар эдилар.

Ҳофиз Кўйкий Бобурни қаттиқ хаёл оғушида кўриб, секин изига қайтмоқчи бўлди. У қизғин қум сепилган йўлакдан мўъжаз хиёбонга бурилганида, ортидан Бобурнинг:

– Мавлоно, марҳамат қилгайлар! – деган сархуш овози эшитилди.

Тоқи¹ равоқда², қизил сандал оғочидан ишланган пастак хонтахта устида олтин баркашда мунаққаш³ кўзачалар, нафис чинни пиёдалар тизилиб турар эди. Ҳофиз Кўйкий оҳиста таъзим қилиб, пойгакка тиз чўкди.

– Истироҳатму? – Бобур кўзларини қисганча кулимсираб унга қаради.

– Ҳа, олампаноҳ, бу кун оқшом ғоят латиф...

– Ҳа-ҳа... – Бобур бош ирғади. – Латиф, латиф...

Хийла вақт сўзсиз-садосиз қолдилар. Қўён боғ ортида жимирлаб оқаётган Жамна сувига зар кокилларини ювмоқда эди. Ниҳоят, Бобур интиҳосиздек туюлган жимликни бузиб:

– Ўшнинг оқшомлари ҳам кўп сўлим, тароватли бўлур, – деди.

Ҳофиз Кўйкий бош ирғаб кўйди.

– Бу оламда мен кезмаган юрт кам қолди, – деб давом этди Бобур ўйчан оҳангда. – Не-не гўзал масканларни забт этмадим! Лекин ҳеч қайда Ўшдек латофатлиг бир вилоятни кўрмадим...

У хаёлга чўмганча тагин жим бўлиб қолди.

¹ Тоқи – эшик ва биноларнинг усти, тумбани.

² Равоқ – бинонинг ярим доира шаклидаги қисми.

³ Мунаққаш – нақш солинган, безилган.

- У ерда устувор тоғ бор, Бароқкўҳ дерлар. Мен Ўшни олганимда – тарих тўққиз юз иккида – тангри таоло инояти билан ушбу тоғнинг тумшугида бир айвонлик ҳужра солдим... Тамом шаҳр ва маҳаллот оёқ остида эди. Ҳануз ўша ҳужра кўз ўнгимдан кетмайдир. Айниқса, шу кунлар... Қани эди, инон-ихтиёрим ўзимда бўлса-ю, беш кунлик гуноҳкор умрнинг қолганини ўша ҳужрада ўтказсам! – дея туйқусдан шивирлади Бобур.

Ҳофиз Кўйкий унга ҳайронлик билан қаради. Бобур гўё суҳбатдошини унутгандек паришон ўлтирар эди.

- Минг таассуфки, дард бор, дармон йўқ. – У оғир тин олди. – Салтанат шундай бир тилсим эканки, мавлоно, уни қўлда тутмоқ учун киши аввало қўлидаги инон-ихтиёридан халос бўлмоғи лозим экан...

Ҳофиз Кўйкий нима деярини билмай қолди.

- Мени „соҳибқирон“, „етти иқлимнинг шамси анвори“, „шаҳаншоҳи олам“, деб кўкларга кўтардилар, – дея ҳасратли товуш билан сўзларди Бобур. – Лекин бирор кимса билмайдик, мен ҳам асли шу ёғоч тахтга қарамман, мана шу ялтироқ тожга қулман... Илло, ҳар бир банда фақат Оллоҳгагина қул эмас.

Олим бирдан қизаринди. Ахир, у ҳам Бобурни неча дафъа такрор ва такрор аини ўша сўзлар билан мадҳ этмаганмиди? Лекин азал-абад шундай бўлгач, унда не ихтиёр? Чиндан-да, мушкул муаммо бу: ахир ҳукмдорни инсон инсонни атаганидек, „биродар“ ёхуд „оға“, ёхуд „ини“ деб атаб бўлмаса!..

Демак, бу сўзларни у ҳар сафар ботиний истеҳзо ва ижирганиш билан тинглар экан-да...

Ҳофиз Кўйкий ҳиндлар Бобурга „Қаландаршоҳ“ дея ном берганликлари бежиз эмаслигини дафъатан англади.

- У юртлар энди бизга ҳаром... – Бобур қўлидаги пиёладан пайдар-пай бода сипқарарди. – Олманинг сархилини қурт ермиш. Юрт бузғувчи, бадфёъл бойқуш шоҳларга қолди у вилоятлар... Аларнинг ақли бошидаги тожидан ҳаргиз ташқари чиқмағай. Йўқса, бирининг этини бири еб, юртини ғанимга берармиди?

Олимнинг вужудига симобдек титроқ югурди. „Аларнинг ақли бошидаги тожидан ҳаргиз ташқари чиқмағай...“ Бобурнинг сармаст, аммо маънодор бу сўзлари унинг юрагида илҳом ўтини ёқди – шу бир жумла не вақтдан буён тўхтаб ётган асарига нажотбахш кўприк бўлиб тушуви муқаррар эди... У олампаҳоҳдай тезроқ ижозат олиб қўзғалиш истагида ўртана бошлади.

Яна сукунат чўқди. Ҳофиз Кўйкий на бу осойишта, дилбар сукунатни, на ўйга толган Бобурнинг хаёлини бузишга журъат этарди.

- Мавлоно... – Бобур туйқусдан унга ўтирилди. – Сиз кўп мушкулотларни кечирган соҳиб ақлсиз. Мен сиздан яна бир сўроқ сўрасам майлими?

- Бош устига... – Олимнинг бирдан тили тутилди, сўнг журъатсизгина:

- Бош устига, олампаҳоҳ, – деди.

– Мана, сиз... Йўқ, Оллоҳнинг ҳар бандаси гоҳ худ, гоҳ беҳуд тушлар кўрур. Тушда кишига кўп биликсиз нарсалар аён бўлғусидир. Шундай эмасми, мавлоно? Аммо менинг... Не вақтлар ким, мен муттасил бир туш кўриб мазмунини англамоқдин ожизман. Тунлар баъзан яккаш бир йўсин манзара намоён бўлур, ўша Фарқатда кўрганим – тошқин сой ҳудудсиз бир денгиз каби айқириб ётади. Сув бетини юпқа муз босган. Қўлимда асо, муз узра шитоб ила қайгадир елиб бораман, ҳар қадам қўйганимда оёғим остида муз қирс-қирс ушалар, муз ҳар қисирлаганда юрагим қалқиб-қалқиб кетар... На денгизнинг поёни бор, на йўлимнинг, ваҳм ичра қаро терга ботиб тентиб юраман. Саҳар чоғи хушим бошимдан учиб, не вақт ҳайрону паришон ўтираман. Сўнг арқони давлат, мунажжимлардан таъбир сўрайман. „Олампаноҳ, муборак назарингиз тушган ул канора¹ иншооллоҳ, саодат соҳили бўлур“, дейдилар...

Мағрибдан шамол турди. Гулларнинг боши эгилди. Қуёшнинг сўнгги жилваси тоқи равоқнинг гулгун нақшларини яллиғлантирди.

– Саодат соҳили! – Бобур ёниқ бир хўрсиниш билан хитоб қилди. – Қайда у? Қай бахтиёр кимса унга етибдир?

Ҳофиз Кўйкий ҳануз сомеъ бўлиб ўтирар экан, лаблари беихтиёр шивирлади: „Дарҳақиқат, қайда у? Бу рубъи маскунда саодат истаган банда ҳеч вақт унинг чин дийдорига эришурмикан? Дунёни зир титратган жаҳонгирки унга етмаган экан!“

– Кўп алломалардан, уламон киромлардан сўроқладим: „Қайда у?“ Кўнгил тингудек бир жавоб топмадим, – дея давом этди Бобур. – Гоҳ айтдиларки, у чоғир денгизининг қирғоғида, гоҳ дедиларки, маърифат дарёсининг канорасида... Гоҳ эса уқтирдиларки, савоб уммонининг сарҳадларида...

Ҳофиз Кўйкий дилидаги гап тилига қай йўсин қалқиб чиққанини билмай қолди:

– Саодат соҳили – ватанда, олампаноҳ...

Бобур бирдан ялт этиб қаради. Шоҳнинг сархуш кўзларида ногоҳ ўкинч кўланкаси пайдо бўлганини кўриб, Ҳофиз Кўйкий ғайри шуурий тарада унинг дилидаги битмас жароҳатга тиг тортганини пайқади-ю, хижолат чекиб ерга тикилди.

Уфқ қуёшни ўз бағрига дафн этди. Булутларнинг кўкси қонга тўлди. Олисдаги тоғлар унсиз фарёд чекди.

Ёруғ оламда бу фарёдни муаззам тоқи равоқда ўз хаёлларига фарқ бўлиб ўтирган икки кишидан бўлак бирор кимса эшитмади...

Савол ва җопшириқлар:

1. Навоийнинг „Насойим ул-муҳаббат“ асаридан олинган: „Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?“ саволи замиридаги маънони топинг ва шарҳланг. Бу савол Бобурни ўйлантириб қўйганлиги сабабини аниқланг.

¹ Канора - қирғоқ.

2. Имом Ғаззалий ҳақидаги ривоятнинг маъини чақинг. Унинг қиссадаги воқеалар ривожига алоқасини тушунтиринг.

3. Бобур томонидан ноърин ранжитилган Кўйкийнинг шоҳга берган жавобини қайта ўқинг ва уни изоҳланг.

4. Бобурга қарши фикр айтмоқчи бўлган Кўйкийнинг руҳий ҳолати тасвирига жиддий диққат қилинг. Тасвир ишонарли чиққанми?

5. Олимнинг шоҳга эътирози ҳукмдорда ғазаб эмас, кулги уйғотганлиги сабабини изоҳлашга урининг. Бу ҳолат Бобур шахсиятининг қай жиҳатини намоён этишини тушунтиринг.

6. Ҳиндистон ҳукмдорининг: "...қон дарёси узра қурилган салтанатнинг заминни ҳаминча омонат бўлур!" деган хулосасини изоҳланг. Бобурийлар салтанати Ҳиндистонда салкам уч юз йил ҳукм сурганлиги сабабини тушунтиринг.

7.. Бобурнинг Бароққўҳдаги ҳужрага интиқлиги сабабини аниқлашга урининг.

8. Бобур олим билан биринчи суҳбатдаёқ уни ўзига яқин олиб, армонини билдирганлиги боисини аниқлашга урининг.

9. Шоҳнинг надомат билан айтган: „Лекин бирор кимса билмайдики, мен ҳам асли шу ёғоч тахтага қарамман, мана шу ялтироқ тоғга қўлман“, деган сўзларини шарҳлашга, ҳукмдорнинг руҳий ҳолатини аниқлашга урининг.

10. Асарда шоҳ тилидан айтилган: „Аларнинг ақли бошидаги тожидан ҳаргиз ташқари чиқмагай. Йўқса, бирининг этини бири еб, юртини ғанимга берармиди?“,- деган аламли фикрлар кимга қаратилганлигини матндан аниқланг ва унга муносабат билдириг.

11. Бобур томонидан айтилиб, Кўйкийнинг анчалдан буён тўхтаб қолган асари амалиётига туртки бўлган гапни матндан топинг ва унга муносабат билдириг.

12. Саодат соҳилига чиқмоқчи бўлган Бобур армон билан: „Кўп алломалардан, уламофои киромлардан сўроқладим: „Қайда у?“ Кўнгил тингудек бир жавоб топмадим. Гоҳ айтдиларки, у чоғир денгизининг қирғоғида, гоҳ ледиларки, маърифат дарёсининг канорасида... Гоҳ эса уқтирдиларки, савоб уммонининг сарҳадларида...“, деб гапирганида шимани назарда тутганлиги ҳақида мулоҳаза билдириг.

13. Бобур доимий равишда кўрадиган тушни таҳбирлашга уришиб кўринг.

14. Олимнинг: „Саодат соҳили – ватандадур, олампаоҳ“, – деган сўзлари Бобурга қаттиқ таъсир қилганлиги сабабини айтинг. Кўйкий бу сўзлари билан Бобурнинг қайси „битмас жароҳатига тиг тортди“ деб ўйлайсиз? Қиссанинг номи ҳақида ўйлаб кўринг.

15. Асардаги: „Уфқ қуёшни ўз бағрига дафи этди. Булутларнинг кўкси қонга тўлди. Олисдаги тоғлар унсиз фарёд чекди“ сингари гўзал тасвирларнинг қаҳрамонлар руҳиятига дахлдор жиҳатлари ҳақида матнга таяниб, фикр билдириг. Унсиз фарёд қаердан, нима учун пайдо бўлди деб ўйлайсиз?

* * *

Эртаси оқшом Бобур уни одатдагидек яна ҳузурига чорлади. Бу кун унинг қайфи чоғ кўринар, кечаги маҳзун ўйларидан асар ҳам сезилмас эди. У фикрнинг¹ баъзи бир масалалари юзасидан олимдан фикр сўради, сўнг „Воқеоти Бобур“нинг янги саҳифалари хусусида сўз очди.

¹ Фикр – диний ҳукук шакли.

Вақт шомга яқинлашганда, йирик лашкарбошилардан бири – амир Султон Муҳаммад Дўлдой кириб бош эгди: – Олампаноҳ, шаҳнатун нажаф¹ Хумоюн Мирзодан чопар келди!

– Хўш? – Бобур ўткир кўзларини амирга қалади.

– Хумоюн Мирзо кеча оқшом муборак хузурингиз сари отланган экан. Бироқ тонгласи Жуниурда боши бузуғ ҳиндилар яна исён кўтармишлар. Хумоюн Мирзо зудлик билан мадад тилайди.

Бобур бир зум ўйланиб қолди:

– Ҳа... Хожа Калон қайда?

– Хожа Калон ҳали Банголадан қайтгани йўқ эди. Олампаноҳ ижозат этсалар, туркман навкарини олиб, ҳозирок йўлга чиқур эдим.

Бобур бош ирғади:

– Маъқул, отланинг. Фақат Фиёсиддин кўрчига² етказинг. Қандаҳор йўлига киши чиқарсин. Ҳасан Алининг бир тўп йигитларини андин олиб Лоҳурга юбормоқ даркор.

– Лоҳурга?

– Жуниур рожаси Лоҳурбегининг қайиниси бўлур. Мақол борким, ўзинга эҳтиёт бўлу, кўшнингни ўғри тутма. Бас, эҳтиёткорлик ҳеч кимсага зиён келтирган эмас.

– Бошим билан, олампаноҳ!

– Оллоҳ ёр бўлсин. – Бобур кафтларини фотиҳага очди. – Омин ё раббиа оламин!

Султон Муҳаммад Дўлдой юзига фотиҳа тортди-да, эшикка йўналди. У бўсағага етганда Бобур:

– Амир Султон Муҳаммад! – деб чақирди янграқ говуш билан. – Бир лаҳза сабр этинг! Хумоюн Мирзога амримизни етказингким, токи фақат ақл ва тадбир билан иш кўргай. Уқдингизми? Сиздек соҳиб тажриба кишига ҳеч бир ўргатулик ери йўқтур.

Султон Муҳаммад Дўлдой таажжуб билан остонада қолиб қолди.

– Нечун тағофилланасиз³? Англамадингизму? Бу сафар ҳам Балодар-дагидек қирғин-қиёмат кўпмасин, дейман!

Амирнинг силлиқ мийиқлари ширтиради:

– Амрингиз вожиб, олампаноҳ, аммо бу содиқ қўлингизнинг фикри ожизига ҳам кулоқ берсангиз: бузуқбошларининг давоси – ёлғиз қилич!

Бобур кескин бош чайқади:

– Ғалат сўйлайсиз, амирДўлдой! Мамлакатдорликда ҳар бир ишнинг ўз мавриди бордир. Сиз бу юртда бугун бир бошни узсангиз, эрта сизга қарши иккиси бош кўтаради. Сўнг унутмангким...— У бир лаҳза тив олиб

¹ Шаҳнатун нажаф – мамлакат посбони.

² Кўрчи – 1. Кўрбоши. 2. Кўроллар учун жавобгар ҳарбий амалдор.

³ Тағофиллаш – гофиллик, гушунмаслик, биламатцадай кўриниш.

таъкидлади: — „Мурувват ва марди пеши холиқ ва халойиқ маҳмуд аст!“¹ Бу ҳикматни ким лутф этган, билурмисиз?

– Олампаноҳ...

– Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний! – деди Бобур ўқтам бир ғурур билан ва суҳбатга яқун ясагандек, ўрнидан турди.— Хўп, ижозат, боринг. Сўзларим қулоғингизда бўлсин!

* * *

...Бобур уни шу пайтгача ҳали бирор марта эрталабдан йўқламаган, оқшомларигина суҳбатга чорлар эди. Олим қутилмаган таклифдан таажжубланиб, сарой сари йўл олди.

Девонда Бобур негадир ёлғиз, аркони давлатдан ҳеч бир кимса кўринмас эди. Ҳофиз Кўйкий таъзим адо қилиб, кўрсатилган жойга ўлтираркан, Бобур унга сичков назар солиб:

– Устингиздан шикоятлар бор, мавлоно, – деди.

Ҳофиз Кўйкий азбаройи гангиганидан талай вақт тили калмага келмай қолди. „Ё раббано! Қуруқ тухматдан ўзинг асра!“

Ниҳоят, юрак ютиб, бўғиқ овоз чиқарди:

– Ғофил қулингиздан не гуноҳ содир бўлибдир, олампаноҳ?

– Гуноҳ шулким, – деди Бобур қатъий оҳангда, – баковуларимиз сиздан қаттиқ ранжибдилар: торган таомларидан лоақал бир луқма танаввул этмас эмишсиз. Шу гап чинми, мавлоно?

Ҳофиз Кўйкий вужуди зириллаб бўшашди.

„Хайрият!“

– Ҳа, олампаноҳ, – деди у бош ирғаб.

– Сабаб? – деб сўради Бобур чимирилиб.

– Сабаб... Олампаноҳ, хотирингизга бад² гумонлар келмасин, баковуларингизда ҳам, таомларда ҳам ҳеч бир айб йўқтур, – деди олим оҳиста тин олиб. – Алардин танаввул этмаслигимнинг боиси шундаким, мен тутмиш тариқат йўли бунга имкон бермайдир. Маълумингизким, мақомати нақшбандияга биноан, ўзганинг миннатисиз, ўзганинг меҳнатисиз, ўз меҳнати билан топилган нарсагина кишига ҳалол саналур...

Бобур бирдан сўзсиз қолди, сукутга чўмди.

– Хўп, бу узрингизни инобатга олайлик, – деди у ниҳоят, ҳамдардона бир йўсишда. – Лекин сизнинг кўча-кўйларда сув ташиб, ер супуриб юришингиз ўз шаҳнингизга ҳам, бизнинг шаънимизга ҳам ярашмас. Оғзига кучи етмаган мардум айтмасмики, мусофир меҳмонини сиғдирмабдир, деб?

¹ Мақодининг матмуни: „Мурувват ва мардик Холиқ (Оллоҳ) олданда ҳам, халқ олданда ҳам мактовдандир“ (форс).

² Бад – ёмон.

Ҳофиз Кўйкий хижолат чекиб кулимсиради:

– Кўнгил тўғри бўлгач, мардумнинг ҳар не гап-сўзи ҳеч эмасми, олампаҳоқ?
Бобур яна узоқ ўйга толди.

– Хайр, майли, бироқ хизматингизга берилган мулозимларни жўнатиб юбормоқ на ҳожат эрди?

– Олампаҳоқ... – деди олим қўлини кўксига қўйиб, – ўтиниб сўрайдирмен, бу ҳаракатларим зиҳор ношукрлик деб баҳоланмаса... Начора, бу нотавон банд мулозим сақламоққа қодир эмас. Мен – бир Оллоҳ қули, бас, ўзим қул бўлганим ҳолда, яна қай йўсин қул сақламоққа ҳаддим сизсини?

– Нечун хотиримдан фаромуш бўлубтур? – дея бош тебратди Бобур. – Ахир „Қачон бу бандалиг хожалиг билан рост келур?!“ Шундай эмасми, мавлоно?

– Ҳаққаста рост, олампаҳоқ.

Гап-сўз тутагандек, ҳар ким ўз фикр-ўйларига фарқ бўлгандек эди. Бир пайт Ҳофиз Кўйкийнинг қулоғига аллақандай ҳасратли шиквақор шивир чалинди:

– Унда бизнинг аҳволимиз не кечур, мавлоно?

Олим бошини кўтариб, Бобурнинг муҳкам изгириб чўккан кўзларини кўрди, кўрди-ю, ботиниб қараёлмади.

– Лаббай, олампаҳоқ?

– Бизнинг аҳволимиз не кечур? – Шоҳнинг сезилар-сезилмас таассуф оҳани зоҳир овози аста титраб кетди.

Ҳофиз Кўйкий шошиб:

– Сизнинг йўригингиз бўлак, олампаҳоқ, – деди.

– Нечук, мавлоно? Ёинким, таңрига бандаликин бизга раво кўрмайсизми?!

Яна эзгин жимлик, яна безовта сукут...

– Гоҳи дамлар озодваш дарвиш бўлгим келади, – дея ногоҳ тилга кирди Бобур. – Барчасига этак силкиб: „Ҳайё хуйт!“ – деб оёқ етгунча кетсам, дейман... Мундин икки йил муқаддам Чандара отлиғ бир вилоятда бўлгон қаттиқ чопқиндан сўнг шу хаёл хотирамга бот-бот келадиган бўлиб қолди. Ул қаттол бир жанг эдиким, тўкилган қон дарё бўлиб, мурдалар эса ўшал дарёда ҳас-чўп бўлиб оққан эдилар. Таңри бизга яна бир бор иноят қилиб, қўлимиз баланд келган эди. Чопқиндан сўнг барча беклар базмга йиғилиб, зафар наъшасидан тўлиб-тошиб сўйладилар: ким филлар подасини талотўп этган, ким зарбзан палаҳмонларни ганимининг ўзига қараб ўқ отмоққа мажбур қилган... Мен эса бир сўз демай ўтирардим, паршон, афтодаҳол. Кўз ўнгимда содир бўлмиш кўрқинч бир жасорат ақду ҳушдан тамом айирган эди: жувоғор¹ қуршовида қолган қалъа девори остида ҳинду аскарлари навкарларимиз зарбидан бир-бир қирилиб битдилар, ахири, ўн беш нафар ёв аскарни муқаррарбандилик ҳавфида қолди. Шу чоғ алардин бири ағдарилиб ётган ароба узра чиқиб, қилич яланғочлади, бошқа ўн тўрт нафари бир-бир келиб қилич

¹ Жувоғор - Қўшнинг сўз қаноғи.

тигига бошларини тутиб бердилар... Ниҳоят, қилч тутқон навқар қўйнидан дудама ханжар чиқариб, ўз кўксига санчиди... Аларнинг жасоратига сидқидилдан тоғ қолдим. Ва сўнграқ гуноҳқор дилимга ситам кирди.

Ҳофиз Кўйкий қаршисида кўнгил ёриб истиғфор¹ келтираётган музтариб² бу кимсага ич-ичида оллоҳдан шафқат ва мурувват тилар эди.

– Англадимки, бу улқада аларнинг ёлғиз жиёмларини бўйсундира олар эканман, руҳларини итоат эттирмакка ҳаргиз қудратим етмас экан... Ва яна англадимки, алар ўз юртларидан тириклайин жудо бўлмоқдан кўра ўлимни афзал кўрдилар. Мен эса, не юз қаролиғким, ўзга юртни ўз юртимдан афзал билдим...

Бобурнинг мискин кайфияти олимга ҳам юқди. Тўсатдан олис тоғ этагидаги қишлоғини, китобларга тўла ҳужрасини бениҳоя соғинганини ҳис этди, ҳозироқ йўлга отдангиси келди.

– Қайтгим келадир, мавлоно! – деди Бобур тўлиқиб. – Аммо имкон қайда? Сиз билан кўришганимдан буён ғариб бир хаёл туну кун тиним бермайдир: ул вилоятларни энди зўру зарб билан ола билмасман. Хайр, олайин ҳам. Лекин дастимдан шунча ситам кўрган она юртимга яна ситам ўтказаманми?!.. Йўқ, балки ўзга чора излаб кўрмоқ дарқордир. Розимен, киндик қоним тўкилмиш юртга шохлик миннатидан халос бўлиб, қаландар либосида қайтай...

Яна дилгир сукунат ҳукм сурди. Бобур туйқусдан қуйи этилиб, сирли товуш билан шивирлади:

– Мавлоно... Йўлга бирга отлансак, не дейсиз?

Ҳофиз Кўйкий Бобурдан ҳар не сўз кутса кутган, бироқ унинг бундай ногоҳоний кенгаш тилашини ҳаргиз хаёлига келтирмаган эди – эс-ҳушидан айирилгандек анграйиб қолди.

– Нечун жимсиз, мавлоно? – деди Бобур ўртаниб. – Сўйланг, бир сўз деиғ!

– Одампаоҳ... – Олим ичор тин олди. – Салтанат не бўлур?

Бобур паришон қўл ситади:

– Эҳ, салтанат... Не бўлса – Оллоҳдан! Шу салтанат миннати умр бўйи оёғимга кишан бўлди, муродимга – ғов. Лекин... – У кучланиб, ўрнидан кўзғалиб қўйди. – Лекин энди бир зўр билан жаҳд қилурмену, бу кишанни тилка-тилка этурмен!

Шу пайт хосхонага нафис шоҳи кўйлак устидан ёқут ранг зарбоф камзул кийган етти-саккиз ёшлар чамалиғ дурқун қизалоқ – Гулбаданбегим югурганча кириб келди. Отаси ҳузурда бег она киши борлигини кўриб, пойгакда бир дам тўхтади, сўнғ бошидаги нимпушти ҳарир рўмолини тузатиб, таъзим билан салом берди.

– Ваалайкум ассалом, она қизим. – деди Бобур чехраси ёришиб. – Келинғ?

– Бегимлар канизлар билан байт айтаётирлар, падари муборак, – деди Гулбаданбегим туйғун кўзлари чақнаб. – Сөз чалиб ўйин қилаётирлар. Мен тинглаб ўтириб эдим, ногоҳ бир рубойини ёд олдим.

¹ Истиғфор – таваба, гуноҳнинг кечирилшини сўраш.

² Музтариб – иттиробла қолган.

– Боракалло зеҳнингизга, она қизим! – деди Бобур жилмайиб ва Ҳофиз Кўйкийга қараб қўйди. – Қани, йўқса эшитайлик, не рубойини ёд олдингиз экан?

– Сиз битмиш рубойини, падари муборак.

– Қани?

Гулбаданбегим бийрон тил билан бурро-бурро ўқий кетди:

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,

Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,

Сирриштан айшдин кўнгилни зинҳор

Уз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Бобур, кўнгли эриб, қизини бағрига босди, манглайдан, юз-кўзларидан ўпди.

– Илоҳим, тангри ўз паноҳида арасин сизни, – деди. – Ҳофизангиз дуруст, она қизим. Фақат жузый бир саҳв¹ қилдингиз, майли, ҳеч боқиси йўқтур.

Гулбаданбегим лоладек қизариб, отасига ҳайрон боқди:

– Қай нуктада², падари муборак?

– „Сирриштан айш“, деб ўқидингиз. Бу маъни форсийда асли „сарриштан айш“ бўлур, яъниким, „калаванинг учи“ демакдир, – деди Бобур кудимсираб.

– Бегимлар ҳам, нозималар ҳам ҳали мен айтгандек ўқиб эдилар, – деди Гулбаданбегим хиёл тараддулланиб.

– Бегимлар ҳам, нозималар ҳам шундоқ ўқиган бўлсалар, – деб кулди Бобур, – у ҳолда, калаванинг учи хўб чувалган экан!

Ҳофиз Кўйкий беихтиёр кулгига қўшилди. Гулбаданбегим ҳам қўнғирокдек товуш билан кулиб юборди.

– Йўқ, мен бориб айтай, калаванинг учини топиб олсинлар, – деди у ва югурганча чиқиб кетди.

Бобур унинг ортидан термулиб қоларкан. лаҳза ўтмай, кўзларидаги меҳр ўрнини андуҳ эгаллади.

– Мана, мавлоно, – дея хўрсинди у олимга юзланиб, – ҳол-қунишни кўриб турибсиз. Дарвиш бўлиб ватанга қайтмоқ орзусини қилурману, бироқ... бу дондаек фарзандларимдан қандоқ кўнгил узармен? Йўқ, мавлоно, менинг имконим етмас мушкул савдо кўринадир бу... Дарвиш шоҳ бўлмоғи мумкиндир, аммо шоҳнинг дарвиш бўлмоғи...

Остона ортида бетоқат қадам шарпаси, ивир-шивир говушлар эшитилди. Бобур сергак тортиб, эшик томон қаради. Ранг-қути кум ўчган, фавқулудда бесар-безовта сарой муҳрдори Кичик Хожа эшик оғасининг ортидан шошиб ичкари кирди.

– Не гап? – Бобур унинг бежо авзойини кўриб, илкис ўридан кўзгалди.

– Нохуш хабар, олампаноҳ! – деди муҳрдор нафаси тиқилиб. – Афғон амирлари Бибан ва Боязид Қануждан қочиб, Шаменобод қалъасини ишғол этмишлар, Абул Муҳаммад найзодор ожиз қолибдур. Фитнакорлар Гангдан ўтиб,

¹ Саҳв – ағзо.

² Нукта – ўрин, жой.

Сарвар сари жадал босиб кедмоқда эмишлар, Фотиҳхон Сарбоний ҳам аларнинг ҳимоятига таяниб, қайта бош кўтармиш. Банорасдан ҳам чопар келди: Шерхон Сурнинг чериги шаҳарни тамом қуршов тутмишдир. Бангола ҳукмдори Нусратшоҳ ҳам алар билан иттифоқ тузган эмиш!..

Кичик Хожа келтирган бу хабарлари учун ёлғиз ўзи айбдордек, бошини куйи солган кўйи тош қотди.

Бобурнинг маҳкам қимтилган юпқа лаблари сезилар-сезилмас пириллаб уча бошлади, бодом қовоқлари остидаги кийик кўзларида Ҳофиз Кўйкийга бегона шиддат ва қаҳр алангаси ёнди.

– Уҳ, малъунлар! – деди у тишларини қисиб. – Қасам кўр қилгур муртадлар! Неча дафъа аларнинг сулҳ ва итоат бобида берган пуч ваъдаларига инондим, бироқ ҳар сафар ҳам мана шундоғ ғофил қолдим. Бу хаёли бузуғлар салтанатни эгасиз деб, Бобур Мирзони ўлган деб гумон қиладилар, чамаси. Хайр, майли, ўзларидан ўтди – ўзларидан кўрсинлар! Лафзини унутқонларга шафқатни унутмоқ керак!

У кескин юриб эшик олдига борди, ҳануз музтар турган Кичик Хожага шижоатли нигоҳини тикди:

– Хўш, Кичик Хожа?

– Лаббай, олампаҳо? – Кичик Хожа кўзлари жавдираб унга юзланди.

– Ранг-рўйингиз бир ҳолат?

– Олампаҳо...

– Нечун абдирайсиз? Бундоғ қаро кунларни ҳеч кўрмабидингиз? Сиздек суянган тоғимизки шумхабар шабадасига тебранса, хўб бўлғон экан! Тағин ўзгалардан не гина қилайлик!

– Олампаҳо... – Кичик Хожа бемажол титраб тилга кирди: – Камина қулингизнинг садоқати ҳам, жасорати ҳам зоти муборақларига кундек равшандур. Давлатингиз соясида кўп марҳаматлар кўрдим, шавкатли кунларингиз саодатига шерик бўлдим, энди жаҳаннам қомига йўлласангиз ҳам бош тортмай бормоқ мен учун фарздур. Фақат, кўнглингизга келмасин, паршонлигим боиси бўлак: мундин ярим соат бурун Шамсиобод қалъасидан фарзанди аржумандим Малик Хожанинг ўлигини келтирдилар...

Таш қотмоқ навбати энди Бобур Мирзога етган эди. У бир сўз дея олмай, жойида туриб қолди.

Барлос бекларидек аликелбат, мутаассир чеҳрали Малик Хожага уч ҳафта муқаддам ўз кўли билан исфаҳоний қилич тортиқ этган, мўйлаби эндигина сабза ура бошлаган бу баҳодир йигитни юзбошилиқ мартабаси билан қутлаб, лутфу карамлар кўрсатган эди. Мана, букуни энди у йўқ. Унинг ўша лутфу карамларини деб шаҳид бўлибди!

„Ё раб! Қандоғ навқирон эди!“

– Оллоҳ сабр берсин, ҳабибим, – деди у кўкси хўрсиниққа тўлиб ва муҳрдорнинг гам букиб қўйган жуссасини бағрига босди. – Бошингизга шундоғ мусибат тушибди-ю, сиз нечун бунда юрибсиз?

– Олампаñoҳдан ижозат...
– Ижозати не! – деди Бобур койиниб. – Боринг, маърака тадоригини кўринг.
Тўхтаи! Раҳматлининг ёши ўн саккизмиди, ўн тўққиз?
– Ҳамал келса, ўн тўққизга чиқур эрди. – деди Кичик Хожа ўзини базўр тутиб.
– Во дариг! Жувонмāрг кетибди... – Бобур Мирзо сўз тополмай қолди,
ҳозир ҳар не таскин-тасалли айтмасин, жабрдийда отанинг мискин кўнглини
кўтармоққа ҳарчанд тиришмасин, барча ҳаракатлари зойе, барча маҳрами
асрорлиги сохта бўлиб чиқадигандек туюлди – эзилди, ўртанди...

Хуфтон номози ўқилгач, Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошчилигидаги
йиғирма минг отлик-яёв кўшин шаҳар дарвозасидан гурас-гурас чиқиб, Агра
сари мўр-малаҳдай бостириб келаётган душман қаршисига – ҳаёт-мамот
жангига жўнади.

Малик Хожанинг жанозасида Бобур Ҳофиз Кўйкийга тасодифий кўзи
тушиб: „Ҳали учрашурмиз, мавлоно“, деган эди, аммо оқшом олим у билан
хайрлаша олмади.

Шу бўйи улар олти ойдан сўнг – Бобур Шимолий Ҳиндистонда тинчлик ва
осойишталик ўрнатиб қайтгандан кейингина кўришдилар.

* * *

...Ҳофиз Кўйкий юраги увишиб ичкарига қадам кўяркан, остонада кўзлари
қизарган, чеҳраси паришон Ҳумоюнга дуч келди. Четланиб йўл бераркан, енгил
таъзим билан сўради:

– Қиблагоҳингизнинг сихатлари нечук?

Ҳумоюн ғамли кўзларини ерга тикди.

– Шукр, – деди бўғиқ овоз билан. Кейин инак саллаесининг печи билан
кўзларини артаркан: – Кириг, – деди.

Ўртадаги баланд ўринда Бобур Мирзо ётарди. Ранглари синиққан,
киртайган кўзларида интиҳосиз бир андуҳ...

– Саломатмисиз, олампаñoҳ?

Бемор сезилар-сезилмас бош ирғади, кўзларини шифтдаи узиб, олимга
қаради. Мавлоно Абулбақо унинг ёстиғини тўғрилаб кўйди-да, Ҳофиз
Кўйкийнинг пойқадамига фотиҳа ўқиди:

– Омин, дард берган тангрим ўзи шифо берсин!

Хобгоҳ жим-жит бўлиб қолди. Ҳофиз Кўйкий икки кун муқаддам Бобурнинг
ҳузуринда Тошкентга қайтиш учун ижозат сўраганини эслади.

„Бемаврид бўлган экан“, – дея кўнглидан ўтказди афсусланиб.

Бобур бошини болишдан куч билан узиб, унга юзланди-да:

– Аҳволингиз нечук, мавлоно? – деб сўради.

– Оллоҳга минг қатла шукр, олампаñoҳ.

– Сафарингиз қарибди-да?

Олим қўлини кўксига қўйди:

– Зоти шарифлари ижозат этсалар...

– Ижозат этурмиз! – деди Бобур ички бир зўриқиш билан, сўнг мушкул бир вазиятда қолгандек, бошини ёстиққа ташлади. – Мавлоно, менинг сизни бунга чорламоқдин мақсадим... – Уни бирдан йўтал тутиб, сўзи бўлинди. – Мақсадим шулки, битмак орзусида юрган таснифларингизга ривож тиламакдир, холос. Биздан не кўмак лозим бўлса, зинҳор тортинмангиз.

– Қуллуқ, олампаҳоқ.

– Хотирингиздан фаромуш бўлмағон эрса, илк бор суҳбат қурганимизда қалбаки алломалар хусусида сўзлаб, сизга ноҳақ ранж еткурган эдим, – деди Бобур. – Азбаройи ўшал кўзи очиқ, қалби басирларга қаҳрим туфайлидан... Аларнинг китоб кемиргувчи сичқонлардан не фарқи бор? Маърифат хазинасининг чин қадрига ёлғиз сиздек аҳли фазлларгина ета олур. Бизни ҳам ўзингизга тенг кўриб, кўп мутаассир этиб эдингиз, билмам, не йўсин ташаккур айтурмиз... Китобдорга фармойиш берилур: кўнглингиз тилаган жамики китобни ўзингиз билан олмоғингиз мумкин.

Борлиги ҳаяжондан титраган Ҳофиз Кўйкий қайта-қайта қуллуқ қилди.

– Бирор „сичқон“га емиш бўлгандан кўра, сиздек заршунос қўлига тушса, одамизодга кўпроқ нафи теғур...

Оғир жимлик чўкди. Муҳташам тилла қандиллардаги шамларнинг липиллаб ёнишигина сукунатга раҳна соларди. Анчагача ҳеч кимдан садо чиқмади. Бу ўнғайсизликдан яна Бобурнинг ўзи қутқазди.

– Кеча оқшом ғариб хаёлимга бир нимарсалар келиб, қоғоз қоралаб эдим, дея заиф жилмайди у.

Барчада алланечук бир жонланиш содир бўлди:

– Олампаҳоқ марҳамат этсалар...

– Табаррук битиклари номуборак қулоқларимизга сазовор кўрилса, бошимиз кўкка етурди...

Бобур бир зум ўйлаиб қолди, сўнг ҳорғин кўзларини ёнидаги лавҳа тикди. Юсуфий ўридан илдам турди-да, лавҳа устидаги сахтиён¹ муқовали китобни Бобурга узатди. Бобур китоб қатидан букланган юпқа қоғоз олиб, тиззасига қўйди, бемажол лабларига нимпушти қизиллик югургандек бўлди:

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,

Ё баҳри июятингда мустағроқ² қил.

Ё раб, сенгадур юзим, қаро, хоҳ оқ қил...

Бобурни тағин қуруқ, қаттиқ йўтал тутди, нафаси бўғилиб, сўнгги мисрани куч билан базўр шивирлади:

Ҳар нав сенинг ризонг эрур, андоқ қил...

¹ Сахтиён – чарм, яндаман.

² Мустағроқ – ғариб.

Рубоийнинг ажиб оҳангига сеҳрлангандек, ҳамма бир лаҳза тек қолди. Ниҳоят, бирин-кетин аёнларнинг олқишлари эшитила бошлади:

- Хўп айтибдурсиз, олампаҳо, бисёр гўзал!
- Ҳақ сўз, ғоят хуштакаллум байтлар...
- Ошиқона гўзал лутф бўлибдир, олампаҳо...

Бобур Мирзо оҳиста бош чайқади, ҳазин жилмайгандек бўлди. Сикиққан чеҳрасида бир лаҳза аламнок таассуф ифодаси кўринди...

Бу дардли мисраларнинг „ошиқона гўзал лутф“ эмас, балки суроли умри сўнгги манзил сари бораётган улкан музтариб қалбнинг келгуси насллар олдига беражак эътиробли ҳисоби, даврон ҳукми қаршисидаги маънос ўқинчи эканини ёлғиз Ҳофиз Кўйкийгина ўз савқи табиийси билан англади. Бобур буни сездиминнатдор кўзлари олимга жавдираб боқди. Оламнинг қарийб ярмини қилуч билан, қарийб ярмини қалам билан забт этган, бир оғиз каломига минг-минглаб одамларни мунтазир итоатда тутган, ҳаминша шаъну шавкат оғушида музаффар яшаган бу удуғ заковат соҳибини бундай маҳзун ва ғариб ҳолда кўрмоқлик ғоят оғир эди – Ҳофиз Кўйкий мутаассир бўлиб, беихтиёр нигоҳини олиб қочди.

Эрталаб беморнинг аҳвол-руҳияси хийла енгиллашди, аммо ҳамон дармонсиз эди. Ҳофиз Кўйкий бомдол намозидан сўнг у билан хайр-хўшлашиб, барча яхшиликлари учун қайта-қайта ташаккур айтди. Оллоҳдан шифо тилади. Хобгоҳда талай одам бор эди, бироқ Бобур мижжаларида йилтираган томчиларни ишак чорси билан артишдан истиҳода қилмади.

- Сизга нечоғли ҳавасим келишини билсангиз эди.

Унинг Ҳофиз Кўйкийга айтган сўнгги сўзлари шу бўлди.

Карвон эндигина Ҳиндистон сарҳадидан чиққанида кўлириб кетган чавқар отда Қобул сари елиб бораётган чопар орқадан қувиб етди: „саодатманд“ шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо оламдан ўтган эди.

Сабо ва ғошторчилар

1. Кўйкий табиатига хос жиҳатлар ҳақида унинг Бобур эътирозларига берган жавобига таяниб фикр юритинг.

2. Меҳнати билан топганинигина ҳалол деб ҳисоблайдиган ва ундан бўлак ҳеч нарсага қўл урмайдиган Кўйкийга қарата Бобурнинг: „Унда бизнинг аҳволимиз не кечур, мавлоно?“ тарзидаги мурожаати боисини тушунтиришга урининг.

3. Ҳинд аскарларининг қайси қаҳрамонликлари Бобурни: „Англадимки, бу ўлкада аларнинг ёлғиз жисмларини буйсулдирга олур эканман, руҳларини итоат эттирмакка ҳаргиз қудратим етмас экан“, деган хулосага келишга мажбур қилганлигини асар матнидан топиб шарҳланг.

4. Ҳукмдорнинг ўзини ҳинд аскарларига солиштиргани ва уларга қараганда ўзини нуқсонлироқ билгани сабабини тушунтиринг.

5. Шоҳлик либосидан кечиб, қаландар кийимида бўлса-да, ўз юртини кўриш иштиёқида бўлган Бобур шахсияти, унинг ваташарварлиги ҳақида мулоҳаза юритинг.

6. Буюк Империянинг ҳукмдори, истагани муҳайё, айтгани қонун бўлган Бобурнинг: „Гоҳи дамлар осодваш дарвини бўлгим келади. Барчасига этак силкиб, „Ҳайё хуй!“ деб, оёқ еткунча кетсам дейман“, тарзидаги сўзларини қандай изъоҳлаш мумкин?

7. Асардан Бобурга инебатан қўлланилган: „Синиққан чеҳрасида бир лаҳза алампнок таасуф ифодаси кўриди.“ тарзидаги ифодани топинг ва унинг сабабини шарҳланг.

8. Аъёнлар Бобурнинг сунгги рубойиси замиридаги тазарру руҳини пайқамангиллиги. Кўйкэй эса буни ичдан чуқур ҳис этганлиги сабабини топишга урининг. Ақлли ва ўқимшли сарой аҳли нима учун Ҳофиз Кўйкэй анилаган маънони тушунишмади деб ўйлайсиз?

9. Бобурнинг Кўйкэйга қарата айтган: „Сизга нечоғли ҳавасим келишини билсангиз эди!“ деган иқрори сабабини изоҳланг.

10. Ёзувчининг Бобур даври тилини қўллаш борасидаги маҳоратини баҳоланг. Қўйидаги жумлани ўз сўзларингиз билан шарҳлаб бering: „Хотирингиздан фаромуш бўлмагон эрса, илк бор суҳбат курганимизда қалбаки алломалар хусусида сўзлаб, сизга ноҳақ ранж еткурган эдим“. Асардан шунга ўхшаш, бугун ишлатилмайдиган гўзал жумла, сўз, атама, ибора ҳамда лутфларини излаб топинг ва дафтарингизга кўчиринг.

11. Ўқилган парча асосида „Соғинч“ мавзусидаги ишро режасини тузинг.

Тестларни ечинг:

1. Бобурнинг: **“қон дарёси узра қурилган салтанатнинг замини ҳамisha омонат бўлур”,** – деган сўзларида унинг қандай ҳулосаси акс этган?

А. Кечирган умридан норозилик. Б. Салтанат эзгуликка асосланиши керак деган қараш. В. Ҳукмдорларнинг адолат ўрнатишига ишонмаслик. Г. Ҳукмронликнинг узоқ давом этишига ишончсизлик.

2. **“...Ҳаёт уларнинг дийдор кўришувини хуш кўрмаган эди. Улар то тирик экан, бир-бирлари сари мислсиз ихлос ва иштиёқ билан талпиндилар. Иккисининг ҳам қалбида бир-бирига айтилиши шарт ва муқаррар бўлган жуда кўп гаплар пинҳон қолди”** тасвири кимлар ҳақида?

А. Бойқаро ва Навоий. Б. Навоий ва Лutfий. В. Навоий ва Жомий. Г. Навоий ва Бобур.

3. Бобурнинг: **“Салтанат шундай бир тилсим эканки, мавлоно, уни қўлда тутмоқ учун киши аввало қўлидаги инон-ихтиёрдан халос бўлмоғи лозим экан...”,** – деган сўзлари орқали ифодаланган ҳақиқатни топинг.

А. Салтанатга эга бўлган, ўз ихтиёрига эга бўлолмайди. Чунки унинг ташвишларидан ортмайди. Б. Салтанат эгасида иш кўп бўлади. В. Тахт эгаси ўз ҳуқуқларини вазирларига беради. Г. Ҳукмдор урушлардан бўшамайди.

4. Хайридин Султонов ёзувчилик сирларини кўпроқ қайси ёзувчидан ўрганди?

А. Саид Аҳмаддан. Б. Одила Ёқубовдан. В. Асқад Мухтордан. Г. Пиримқул Қодировдан. Д. Ойбекдан.

5. **Бобур “...яна „Насойим ул-муҳаббат“нинг очиқ турган саҳифасига тикилди”.** Асар муаллифини топинг.

А. Лutfий. Б. Хусайн Бойқаро. В. Оғаҳий. Г. Навоий. Д. Машраб.

6. **Бобур Мирзонинг отаси ким?**

А. Шоҳруҳ Мирзо. Б. Мирзо Улуғбек. В. Султон Аҳмад Мирзо. Г. Султон Маҳмуд Мирзо. Д. Умаршайх Мирзо.

7. Муҳаммад Ғаззалий қандай олим?

А. Астроном. Б. Математик. В. Тарихчи. Г. Исломиий. Д. Адабиётшунос.

8. *“Тун. Олам фароғат оғушига чўмган. Сарой этагидаги қатор хос хужралардан бирининг даричасида милтиллаётган танҳо чироқ шуъласигина поёнсиз зулмат салтанатига таҳдид солади”*. Бу тасвир сюжетнинг қайси босқичи?

А. Экспозиция. Б. Тугун. В. Воқеа ривож. Г. Кульминацион нуқта. Д. Ечим.

9. *“У ерда устувор тоғ бор, Бароққўҳ дерлар. Мен Ўшни олганимда – тарих тўққиз юз иккида – тангри таоло инояти билан ушбу тоғнинг тумшугида бир айвонлик хужра солдим... Тамом шахр ва маҳаллот оёқ остида эди”*. Бу тоғ яна қандай аталади, биласизми?

А. Олатоғ. Б. Мўғултоғ. В. Сулаймонтоғ. Г. Помир тоғи. Д. Қоратоғ.

10. *“– Саодат соҳили! – Бобур ёниқ бир хўрсиниш билан хитоб қилди. – Қайда у?”* Тўғри жавобни топинг.

А. Сирдарё соҳилида. Б. Амударё соҳилида. В. Ганга соҳилида. Г. Ватаида. Д. Оқбура соҳилида.

11. Бобур *“...сўнгги мисрани куч билан базўр шивирлади: Ҳар нав сенинг ризонг эрур, андоқ қил...”*. Мурожаат кимга қаратилган?

А. Ҳофиз Кўйкнийга. Б. Аёлига. В. Ҳумоюнга. Г. Аллоҳга. Д. Кўнглига.

12. *“Бобур – дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори. Набираси Акбар ундан-да дилбарроқ эди”*. Фикр эгаси ким?

А. Ҳофиз Кўйкний. Б. Фурқат. В. Жавоҳарлал Неру. Г. Индира Ганди. Д. Шохруҳхон.

13. Бобур Ҳиндистоннинг қайси шаҳрида яшаб оламдан ўтди?

А. Деҳлида. Б. Кашмирда. В. Бомбейда. Г. Қобулда. Д. Аграда.

14. Бобур ҳақида қайси қирғизистонлик ўзбек ёзувчиси қисса яратган?

А. П. Қодиров. Б. М. Мирзараҳимов. В. М. Исмондий. Г. Қўлдош Мирзо. Д. Шавкат Раҳмон.

15. Бобур ҳақида қирғизистонлик ёзувчи яратган қисса?

А. “Юлдузли тунлар”. Б. “Авлодлар давоми”. В. “Бобур Мирзонинг тойлоғи”. Г. “Фарғона тонг оттувчи”. Д. “Синган қилич”.

МУҒАНИЙ

(1919 йилда туулган)



Мумтоз ва замонавий адабиёт анъаналарида бирдек қалам тебратиб, ижод аҳли ва шеърят ихлосмандлари орасида эътибор қозониш ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб бўлавермайди. Бунинг учун шоирдан юксак истеъдод билан бирга тинимсиз изланиш, ижодий меҳнат заҳматини тортиш талаб қилинади. Шу боисдан ҳам ҳозирги замон адабиётида бу икки улкан ижодий карвон юқини торта оладиган ижодкорлар у қадар кўп эмас. Мана шундай ижодий фазилат соҳиблари бўлмиш Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Мирзо Кенжабек каби истеъдодлар қаторида Қирғизистондаги ўзбек адабиётининг чўнг вакили, ўйноқи шеърлари, дилбар ғазаллари билан ўзбек шеъряти ривожига муносиб ҳисса қўшган ҳассос шоир Фанижон

Холматов – Муғанийнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Фанижон Холматов (Муғаний) 1949 йил 5 февралда Ўш шаҳрида туғилган. Болаликдан кўнгли шеърятга ошно, дили куй, қўшиқ сеҳрига шайдо, ўй-фикри театр, саҳна жозибаси билан банд бўлган бўлажак шоир мазкур санъат турларини ўз келажак ҳаётида уйғуллаштириш орзуси билан яшар эди. Бу орзу Фанижонни Тошкентга етаклади. 1970 йили Тошкент театр санъати олийгоҳига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Талабалик йиллари Муғаний ҳаётида чуқур из қолдирди. Бу ерда таҳсил олиш билан бирга у устозлардан санъат сирларини эгаллади, бир неча санъат турлари билан боғлиқ қизғин ижодий жараёнларни кузатди, дастлабки ижод сабоқларини олди. Институтни тугатгач, ота юрти Ўшга қайтиб ўзбек мактабларида мусиқа муаллими сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик ҳозирги Бобур номли театрда актёр, режиссёр ва бош режиссёр сифатида фаолият кўрсатиб, кўплаб асарларнинг саҳна юзини кўришида жонбозлик кўрсатди. Умри давомида қаерда ва ким бўлиб ишламасин, тақдир ҳаёт йўлида не қувончу кўргуликларга рўбарў қилмасин, шеърят Муғаний учун юрак даъвати, кўнгли иши бўлиб қолаверди. Шунинг учун ҳам у турли ҳудудларда яшайдиган ўзбеклар орасида кўнгилдаги туйғулари қоғозга тўкилиб, ҳали сиёҳи қуримай кўшиққа дўнадиган нафис шеърлар муаллифи сифатида шуҳрат қозонди. Ижоди анча йиллар илгари бошланган бўлса-да, ўзига ўта талабчан шоирнинг шеърят ихлосмандларига дастлабки тухфаси - "Суяганим тор бўлди" номли

биринчи тўплами 1994 йили нашрдан чиқди. Ғазал ва мухаммаслардан иборат шоирнинг сара шеърларини ўз ичига олган икки китобдан иборат “Юз пора дил” тўплами 2000 йили чоп этилди. “Сен кетдинг аста-аста” китоби эса 2005 йили босмадан чиққан.

Шоир Муғанний қирқ йилга яқин давр мобайнида гоёт баракали ижод қилди. У 500 га яқин ғазал, 200 дан ортиқ рубоий, яна шунча бармоқда ёзилган шеърлар муаллифидир. Унинг 100 га яқин қўшиқлари халқимизнинг севимли санъаткорлари Шерали Жўраев, Муҳаммадкарим Сойинов, Охунжон Мадалиев каби ҳофизлар томонидан қўшиқ қилиб қуйланган. Ҳозирги кунда ҳам кўплаб янги ҳофизлар Муғанний ғазалларига тез-тез муурожаат қилмоқдалар.

Оловни ушлатиб қўйдинг

Ажаб ўтлик қараш айлаб, ўзингни лайливаш айлаб,
Вужудим қақшатиб қўйдинг,
Жунунга ўхшатиб қўйдинг.

Жамоли гул назирамсан, сафо кўнгул аснрамсан,
Оловни ушлатиб қўйдинг,
Ҳаёгим хушлатиб қўйдинг.

Неча ишқдан ҳушёр ўлдим, бекор ишққа дучор ўлдим,
Тилимни тишлатиб қўйдинг,
Дилимни ишлатиб қўйдинг.

Наҳот осуда ёшимда, сочинг савдоси бошимда,
Балони бошлатиб қўйдинг,
Кўзимни ёшлатиб қўйдинг.

Юзингда ноз, адолар хўб, сўзингга жон фидолар кўп,
Кўзимдан мишлатиб қўйдинг,
Изингга тахлатиб қўйдинг.

Азал мағрур димоғ эрдим, жафолардан йироғ эрдим,
Кунимни кўрсатиб қўйдинг,
Қаро тунга сотиб қўйдинг.

Висол кеча Муғаннийни, муҳаббатда руҳонийни,
Нечук, Ёр, ухлатиб қўйдинг,
Саҳар зор “Оҳ!” латиб қўйдинг?

30.09.1990

1. Ушбу маъносиз “ғазал”даги байтларнинг тузилишига диққат қаратинг. Нима учун шоир иккинчи мисраларни икки сатр қилиб бермоқда: шаклда янгилик қилиш учунми ёки шу мисралардаги айрича икки ҳолатларга ургу бериш учунми?

2. Биринчи байтдаги маъшуканинг ўтли қарши билан ошиқ вужудининг қақшатилиши ва жунунга ўшатилиши орасида қандай боғлиқлик бор?

3. Кейинги байтда баён қилинган оловнинг ушлатилиши билан ҳаётнинг хушланиши ифодаси орқали берилган зидлик замиридаги ишқ моҳияти ва маънавиятидан келиб чиқадиган мантиқни топа оласизми?

4. Ишқдан ҳушёр ошиқнинг ўз ҳолати изҳорини “Тилимни тишлатиб қўйдинг, Дилимни ишлатиб қўйдинг” иқрори орқали беришидаги халқона ифода ҳамда шоирона топилмага диққат қаратинг ва таҳлил қилинг.

5. Навбатдаги байтларда ошиқ ҳолати, кечинмалари берилишидаги ўзига хосликни кузатинг.

6. “Ғазал” мақтасини миллий, диний қадриятларимиз ва шоир маҳорати нуқтан назаридан шарҳлаб беринг.

Соч эмас бу...

(Соч эмас бу, шаршара... Н. Қобул)

Соч эмас бу, бир ҳаёлда йўл йўқотган тунмикин?

Гул юзининг шуъласида ҳусни куйган кунмикин?

Кўз эмас бу, тунни қийнаб жилва қилган юлдуз ул,

Қош эмас бу, юлдузингни пойлагувчи қундуз ул.

Хол эмас бу, дил қушимнинг бору йўқлиқ донидир,
Киприк эрмас, мулки ишқинг¹ кулларининг сонидир.

Ул қарашму, телбалашму – борми пинҳон оғуси,
Мен гувоҳман борлигига одамизод оғуси.

Ул оғизмас, сўзга кирса шаккаристон ўлкаси,
Тил эмас бу, ҳасратингда пора кўнглим тилкаси.

Тиш эмас бу, саф садафлар – икки лашкар жанг қилур,
Бўса бўлса, бу ҳарорат энди ҳолим танг қилур.

Бу ғазалмас – хаста дилнинг васлингизни кўзлаши,
Бу ғазалмас – Муғанийнинг уйқусида сўзлаши!

Июнь, 1987

1. Шеърни ўқинг: У олдинги асосан ошиқнинг дил изҳорлари берилган “ғазал”дан қайси жиҳати билан фарқ қилади?

¹ Мулки-ишқ – ишқ мамлакати

2. Биринчи байтда ёр сочларининг қоралиги тун ва кун мисолида қай тарзда узига хослик билан васф қилинганлигига эътибор қаратинг.

3. Шеър бошдан оёқ ташбеҳ (ўхшатиш) ва тажохули ориф (билиб, билмасликка олиш), ружуъ (мавжуд фикр, қарашларни инкор қилган ҳолда янгича маъно бериш) санъатлари асосига қурилган. Бу шеърини санъатлар тўғрисида ўқитувчингиздан тушунча олиб, шеърни байтма-байт тўла таҳлил қилинг.

4. Таҳлилда ҳар мисра бошидаги инкордан сўнг ёр узвлари моҳияти, тавсифининг шпирона изоҳини шарҳлаб беринг.

5. Шеърнинг қофияланиш тартибига эътибор беринг ва бундай қофия тизими қандай жанрдаги шеърларга хос?

6. Шеърни ёд олинг.

Соғинганлар

Соғиндим деб, гапирмаслар – келиб кетгай соғинганлар,
Рақибдан мужда сўрмаслар – билиб кетгай соғинганлар.

Ёзиб, сунбулни дор айлаб, жаҳонни анга тор айлаб,

Келишда оху зор айлаб, кулиб кетгай соғинганлар.

Кулиб кулбам сари боққин, хазон кўнглимга ўт ёққин,

Фарибнинг қўйнига ҳаққин солиб кетгай соғинганлар.

“Ситам кўрдим расо сиздан, санам, борму садо сиздан?”

Сабо келди вафосиздан: “Ўлиб кетгай соғинганлар...”

Тоғиб вақти заволимни, кўз очмоққа мажолимни,

Кўриб бечора ҳолимни, тўлиб кетгай соғинганлар.

Тутиб руҳу равонимни, ўқиб ишққа имонимни,

Сўриб, лаълида жонимни, олиб кетгай соғинганлар.

Бирор оқишом савоб айлаб, бошимда “тарки хоб¹ айлаб”².

Муғаниини тавоф айлаб, қолиб кетгай соғинганлар.

3.10.1990

Савол ва талқинлар

1. Биринчи байтда кишини дилдан соғинганлик аломати, дўстлик шартлари қай тарзда баён этилганига диққат қилинг. Фикрга қўшилмасизми? Фикрингизни ҳаётини далиллар билан асосланг.

2. Иккинчи байтдаги радиф (айлаб) билан қўлланган ички қофияни ҳосил қилаётган сўзлар (дор – тор – зор) ташйётган бадий юк салмоғини аниқлашга ҳаракат қилинг. Умуман, ҳар байтда ички қофия бор, бундай ғазаллар шеър илмида қандай номланишини биласизми?

3. Вафосизларга муносабат билдирилган мисраларни тушунганингизга кўра изоҳлаб беринг.

¹ Хоб – уйку, тарки хоб айлаб – уйкуни тарк этиб

² “Тарки хоб айлаб” – Алишер Навоий иборати

4. “Топиб вақти заволимни” ибораси орқали шоир инсон умрининг қайси дақиқаларини назарда тутмоқда? Соғинганларнинг тўлиб кетиши сабаби нимада?

5. “Тутиб руху равонимни, ўқиб ишққа имонимни, Сўриб, лаълида жонимни, олиб кетгай соғинганлар” байтидаги соғинганларни кимлар деб ўйлайсиз? Лирик қаҳрамон уларнинг ўзига қандай муносабатда бўлишини хоҳламоқда?

6. Охириги байтда васф қилинган бир оқшом тавофда қолиб кетувчи соғинганлар ҳақида нима дейсиз?

Армонларим

Армонларим – кўнгул бўлиб тўлмаганим,
Минг оҳ уриб, хилватда ҳам қулмаганим.

Армонларим – иғво кўриб лол қотганим,
Ёмонларга ёмонликни билмаганим.

Армон бўлди – оғулаган олғир замон,
Тилгинамни тилим-тилим тилмаганим.

Қирқ ёшимни бой берганим, армон яна
Яратганининг меҳробига келмаганим.

Ваҳдат майин ичмаганим армон менга,
Юрагимни ишқ дорига илмаганим.

Ҳаяллаган Ҳақиқатнинг Ҳикматлари
Армон бўлди – “ўлмай туриб ўлмаганим...”

Армон, армон эл айланиб неча замон,
Муғаннийнинг қабрини тавоф қилмаганим.

(31 март, 1993)

Гавоҳ ва ташвириқлар:

1. Сизнингча армон нима? Ўз армонларингизни шоир армонлари билан таққосланг. Қандай фарқ ва умумийликни кўряпсиз?

2. Учинчи мисра маъносини қандай тушундингиз? “Тилгинамни тилим-тилим тилмаганим” мисрасидаги омонимлик (шаклдошлик) орқали ифодаланган шакл ва мазмундаги ўзига хослик ва бадиятни шарҳланг.

3. Мақтаъдан олдинги байтда Ҳақиқат ва Ҳикмат сўзлари нима учун бош ҳарфларда ёзилганини тушунтиринг. “Ўлмай туриб ўлиш” гоёси манбаи ва моҳиятини биласизми?

4. Нима деб ўйлайсиз, шоир нималар учун армон қилади ва бу армонлар унинг ўзигагина тегишлими? Фазалда ўзингизга ва яқинларингизга таниш, тааллуқли армонларни кўрддингизми?

5. “Армонлар – инсон маънавияти кўзгуси” мавзусида уй нишоси ёзинг.

ЗОҲИР АЪЛАМ

(1943 йил туғилган)

Лайлак қишлоғининг ётса ҳам, турса ҳам ерига ер қўшишни ўйлайдиган энг катта боғи Муҳсин гушпини чув туширган Насриддин Афанди ёдингиздами? Улар ҳақидаги саргузашт қиссанинг номи нима эди? Ҳа, баракалла, “Афандининг қирқ бир пашшаси”. Бу қиссанинг муаллифи ким эди? Тўғри! Зоҳир Аълам!

Ёзувчи Зоҳир Аъламнинг таржимаи ҳоли Сизга нотаниш эмас. Унинг 1943 йилнинг 23 июнида Тошкентнинг Баланدمачит маҳалласида зиёли оилада туғилганлиги, уларнинг оиласидаги барча эркаклар ўқимишлилиги, билимдонлиги ва ҳақгўйлиги билан обрў орттирганлиги, отаси – Тоҳир Шариф ўғли Москвада ўқиб, иқтисодчи-муҳандислик касбини эгаллаганлиги, аспирант бўлганлиги, бобоси – Шариф аълам¹ шўролар тўнтаришидан олдин – Оқподшо даврида Тошкентнинг аълами мансабида турганлиги, дин илмидан етуқлиги, ҳалоллиги билан тан олинган киши бўлганлиги ва ниҳоят, адиб тахаллусини бобосининг ана шу мартабасидан олганлигини яхши биласиз.

Зоҳир Аълам мактабини тугатгач, Тошкент трактор йиғув заводида чархчи бўлиб ишлаб, Тошкент Давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимида кечки таҳсил олди. Ҳарбийда хизмат қилди. Спорт билан шуғулланди. “Аср қурилиши” номини олган Байкал-Амур магистрали қурилишида қатнашди. Тошкентдаги турли нашриётларда, “Шарқ юлдузи” журналида, “Ўзбекфильм” киностудиясида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлади. Ҳикоялар ва қиссалар ижод этди.

Адибининг биринчи китоби 1972 йилда “Бахтли билет” номи билан босилиб чиқди. 1978 йили “Муқаддима” ҳамда “БАМ²” манзаралари китоблари чоп этилди. 1981 йилда “Кийик кўзи” номли ҳикоялар тўплами босилди. 1985 йилда “Ота ўғитлари”, 1987 йилда “Зарб” китоблари нашр этилди. 1988 йилда “Афандининг қирқ бир пашшаси” номли қиссаси “Чўлпон” нашриётида нашрдан чиқди.

Мазкур ҳикоялари ва қиссаларида ёзувчи ҳаёт, одамлар, жамият муносабатлари ҳақида, имон ва имонсизлик, виждон ва виждонсизлик, ҳалол



¹ Аълам – энг билимли. Шарият қонуларининг тўғри бажарилишини назорат этувчи одам.

² БАМ – Байкал-Амур йўл ва темир йўл урилишининг қисқартма шавли.

ва ҳаром, маърифат ва жаҳолат, мардлик ва пасткашлик тўғрисида қалам суради.

Зарб

Соат ўн бирга яқинлашганда кафедра олтига миқоз қолди. Буфетчи ва офицантлар уларга қараб-қараб қўйишди-ю, лекин индашмади. Чунки ҳисоб-китоб қилишган, уйга кетишларига ҳали вақт бор эди.

Олти миқознинг учтаси – жинси шим, қизил ва сариқ курткаи кийган, узун сочли ўспиринлар бўлиб, уларнинг бири қиз бола бўлса ҳам, ташқаридан қараганда ажратиш қийин эди. Айтаётган гапларини, билдираётган мулоҳазаларини ўзларича энг аниқ ва энг зарур, деб ҳисоблаганлари учун хоҳолаб кулишлари ҳам, лалайиб ўтиришлари ҳам беғубор эди.

Бир стол нарида эса икки спортчи ўтирарди. Бири ўттиз, бири йигирма ёшлар атрофидаги ширакайф бу йигитлар ҳеч нарсага эътибор беришмасди. Тақдир ортиқча шухрат берган кишиларда бўладиганидек, уларнинг келбатларида ҳам андак кибор кўзга ташланарди.

Миқозларнинг олтинчиси залнинг тўрида, нимқоронғи жойда ўтирарди. Унинг столи йиғиштириб олингани учун, графинда охирлаб қолган коньяк билан бир шиша “Тошкент суви”дан бўлак нарса йўқ эди. Ўттиз ёшлардаги бу одамнинг ҳам спортга алоқадорлиги келишган, қорувли қоматидан сезиларди. У кўзини икки спортчидан узмас, буфет ёнида ғимирлаб юрганларга онда-сонда бир қараб қўярди-да, яна бояғи икки спортчига тикиларди. Юзига ўрнашиб қолган нуроний ғамгинлик, қуюқ қошларининг чаккасига борганда бурчак бўлиб эгилиши унга аллақандай олижаноблик ифодасини берарди. Қаншаридан бешланиб лабларининг устигача келган икки ажин эса, залнинг нимқоронғилигида юзини бир оз осилинқираган қилиб кўрсатарди.

У қалаҳдаги коньякдан ҳўллаб, газзагага “Тошкент суви” ичди-да, соатига қаради. “Тезроқ йўқолишса бўларди, мишиқилар”, дея гудранди ўспиринларга кўз ташлаб қўяркан. Кейин баланд овозда бемалол гаплашаётган икки спортчига қаради.

– Мени биласан-а? Мен бор эканман, у жой сеники, ҳеч қанақа Собир ҳам, ҳеч қанақа Нодир ҳам ўйнамайди! Кафилман бунга, – дерди спортчиларнинг каттаси.

Буни гапни эшитиб олтинчи миқоз яна гудранди:

– Ҳа, ҳозир сенинг мартабаңг улуғ.

“Мартабаси улуғ” эса, қадаҳга коньяк қўйиб, ёш спортчига ич деб имлади.

– Ичмайман, ўзи шундоқ ҳам кўп ичвордим.

– Ич-э, ким айтади сени йигит деб!..

– Индинга ўйин бор-ку!

– Э, Халил! Ҳар кунини ўтирибманми сен билан? Ҳар куними? Йўқ! Ундан

кейин ўзинг айт-чи, мен ўйнаган даврада олдимга тушадиган ўйинчи бормиди? А? Бормиди?

– Йўқ.

– Бўпти-да, мен эсам бунақа пайтларда улфатимни хафа қилмасдим. Мана, кўриб турибсан, ҳозир олий лигада тренерман. Командам, худога шукур, бошқалардан кам эмас.

– Ҳа, энди, сиз бошқа-да.

– Ол, сенинг омадинг учун ичаман. Меникидан кам бўлмасин.

Улар ичишди. Ёш спортчи унчалик қийналмади. Тренер эса юзини буриштирганича шоколад олиб, уни анчагача лабига босиб турди. Кейин бир тишлаб, истар-истамас чайнади-да, бетини кафтига қўйганича кўзини юмиб ўтирди.

У кўзларини ҳали очганича йўқ эдики, столга бир нарсанинг тарақлаб қўйилганини, бўш стулнинг шовқин билан сурилганини ва кимнингдир, “яхшимсан, Акбар”, деганини эшитди. Эшитди-ю, овоз келган тарафга эринибгина қаради. (Ўзини яқин олишга ҳаракат қилувчи мухлисларидан бири бўлса керак деб ўйлади шекилли.) Кўзини очганда эса, биринчи кўрган нараси конъяги охирлаб қолган бировнинг графини бўлди. Кейин... қўлини узатиб турган одамни кўрди. Кўрди-ю, бир сесканиб тушди.

– Яхшимсан, Қодир, – деди у ҳам қўлини узатар экан, безовта бўлганини шогирдидан яширишга уриниб.

– Эски кадрдонимнинг бир суҳбатини олай дедим-да. Узр, – Қодир Акбарнинг улфатига қўл узатди.

– Бемалол, бемалол, – деди Акбар атайлаб чўзиб.

Қодир ўзи келтирган графиндан учала қалаҳни тўлдирди. Ёш футболчи икковига бир-бир кўз ташлаб қўйди. У Акбарнинг авзойидаги ўзгаришни сезгани учун меҳмонни адоват билан кузатар, тренераи учун ҳар дақиқада сапчиб туриши мумкинлиги билинарди. Тренер эса, бу орада ўзини тутиб олиб, Қодирга истехзо аралаш муомала қилишга урина бошлади.

– Қалайсан, Қодирбек, минг йиллардан бери кўринмайсан, – деди у меҳмоннинг елкасига қўлини ташлаб.

– Юрибман, фақир киши панада, де-сб.

– Ҳо, жуда ҳам фақир эмассан-ку. Ҳа, айтмоқчи, таништирмабман-ку сизларни, – деди у ёш футболчига қараб. – Эшитган чиқарсан, машҳур футболчи Қодир Қориев. Ўн йил илгари унинг номини эшитганда кўчада трамвайлар тўхтарди. – Ёш футболчининг кўзларидаги шубҳа йўқолиб, чеҳрасига илиқлик югурди. – Бу эса, – гапида давом қилди Акбар, – келажаги порлоқ футболчилардан Халил Равшанов.

– Жуда хурсандман, – Қодир Халилга яна қўл узатди.

– Қаерлардан сўраймиз? – Акбар Қодирга тикилди.

– Мактабда физкультура ўқитувчисман. “Тошкатель”да тренерлик ҳам қиламан. Ўзим шу заводдан чиққаним учун ҳеч қўйишмайди... – Қодир жавоб

берар экан, учрашув таъсиридаги ҳаяжони босилиб кўнгли яна гаш тортаётганини ҳис қилди. Юзини яна қаҳр ва алам эгаллай бошлади. Ундаги бу ўзгаришни Акбар ҳам кўрди ва мавзу қаёққа бурилишидан қатъи назар, у четлаб ўтмоқчи бўлган нарсага тақалишини сизди.

– Ҳа, сен бечоранинг омадинг юришмади, – деди ноилоҳ оҳангда. Бироқ баттар қовун туширганини илғаб, дарров гапни бурди. – Лекин зўр ўйинчи эдинг-да, ҳамма қойил қоларди. Қани, ичэйлик! Мехико эсингдами, а?.. – Акбар ёлғондан бошини қуйи солиб, гўёки ачинаётгандек, қўлини столга урди. – Кел, ўтмишни эсламайлик. Яхши фурсатларнинг ўтиб кетгани алам қилади.

– Йўқ, – деди Қодир паст, аммо салмоқли овозда. Бу сафар унинг товуши янада йўғонроқ эшитилди. – Мен олдинга худди ана шу ўтмишни эслаш, хотирдан кўтарилган нарсаларни тиклаш учун ўтдим. Эски хотираларни эслаганга нима етсин! Шундай эмасми?.. – Қодир охириги гапни устоз ва шогирдга қарата гапираркан, тўлқинланаётганини, овози ҳам титраб кетаётганини сизди. Бирдан портлаб, ишнинг пачавасини чиқариши мумкинлигини ўйлаб, бор иродасини ўзини босишга қаратди. Қадаҳни қўлига оларкан, Акбарга қараб жилмайди. Унинг бу қараши Акбарнинг нариберисидан ўтиб кетди. Ундаги бу ўзгариш беихтиёр ёш спортчига ҳам ўтди.

– Мен бечоранинг омадим юришмади, – Қодир йиғитчага аҳамият бермай, Акбарга тикилди. – Қани, ичэйлик биттадан.

Акбар билан Қодир ичди. Халил эса ичмади.

– Ичавер, бизларнинг гапимизга эътибор берма, – деди Акбар.

Халил шу пайтгача бу учрашувни шунчаки, икки қадрдоннинг ҳазил-мutoйибаси, деб ўтирган эди. Қараса жиддий, шунинг учун сергакланди ва ичмайман деган мазмунда қатъий бош ирғади.

– Ўзинг биласан, – деди Акбар унга.

Қодир эса гапида давом қилди:

– Мен бечоранинг ишим юришмади шундай қилиб. – У “мен бечорага” яна ургу берди. Шоколад олиб, бамайлихотирлик билан бир қимтиди. Қолган бўлагини бир оз ушлаб томоша қилгандек, уёқ-буёғига қаради-да, секин зар қоғоз устига қўйди. Панжалари билан столга тиралиб, стулга яслаиди.

Орага жимлик чўкиб, кафенинг сўнаётган шовқини аро кўчада шаррос қужётган ёмғирнинг ёқимли овози эшитилди.

– Уриш, жанжал қилмоқчи деб ўйлама. Тўғриси. Ўзим ҳам сенга ўхшаб ҳозирги вазиятимдан ҳазар қилиб ўтирибман... Мен фақат бу дунёда борлигимни сенга бир эслатмоқчиман, ҳолос. Менинг ҳаётимда, тақдиримда сенинг ҳам маълум ўришиг борлигини айтмоқчиман.

Акбар шу пайтда: “Бор, тошингни тер”, деб туриб кетишни истарди-ю, лекин қўрқувми, ҳурматми – буни ўзи ҳам билмасди – уни ушлаб турарди. Бундан ташқари, у ўзининг катта одамлигини билар, бу эса унга мустаҳкам кўрғон ичидалигига гаровдек эди. Кўп талафот эмаслигини биларди. Шунинг

учун Қодирнинг дастлабки гапларини вазадаги тулга қараганча бошини ликилатиб эшитди. Халилга: “Нима қилардим, чидайман-да”, маъносида бир-икки қараб қўйди.

– Сен ҳозир каттадан-кичик танийдиган машҳур одамсан. Хизмат кўрсатган спорт мастери, энг сеvimли командага тренер. Мен эсам мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси, қўшимча равишда заводнинг оддий командасига тренерман. Нега шундай, а?..

Қодирнинг заҳарли оҳангдаги бу саволи Акбарга таъсир этиш ўрнига Халилнинг жаҳлини чиқариб юборди. Ирғиб ўридан турди-да, қўлини Қодирнинг юзига пахса қилиб, Акбарга гапирди:

– Йўқотинг буни, э! Йўқол, деб айттинг бунга!

Қодир унинг қорнига бир уриб, жойига ўтқазиб қўйди. Халилнинг: “Пиянисталигинг учун, ишқаслигинг учун шу ҳолга тушиб қолдинг, мендан сўрамайсанми?” дея бақирмоқчи бўлган гаплари ичида қолди. Бир оздан сўни, кўз олди яна ёруғлашгач, Қодирнинг истеҳзоли юзини кўрди.

– Агар мен тренерингизга бир оз бўлса-да ўхшаганимда, салгина қаттиқроқ урган бўлардим. Эртага тренировкага чиқолмасдингиз. Балки умуман чиқолмасдингиз. Сиздан илтимос, сеvimли тренерингиз билан бўладиган суҳбатимизга халақит қилмасангиз, – деди Қодир охириги гапига қатъийлик оҳангини бериб. – Фақат эшитсангиз, Сизга ҳам фойдаси бор.

Халил эътироз билдиролмайдиган ҳолда эди. Тренеринг бу ёқимсиз суҳбатни нима учун чўрт бўлмаётганини ҳам тушунгандай бўлди.

Бу ҳодиса бир зумда бўлиб ўтгани учун кафе ходимлари сезишмади. Бир стол наридаги ўспиринлар эса, бир қараб қўйиб жимиб қолишди. Шишада қолган шампанларни фужерларга бўлиб, тезроқ ичишга бир-бирини сўзсиз унлашди.

Акбар Халилга ачиниб қараб:

– Сен кета қолмайсанми? Биз ўзимиз келишиб олардик, – деди.

– Йўқ, бирга кетамиз, – жавоб берди Халил қорнини ушлаганча. Қодир унга қараб гапиди давом қилди:

– Мен эса тренерингизга ўхшамайман. Қаршимдаги одамнинг келажагини ўйлайман, унинг тақдирига йиғлайдиган онаси ёки севиклиси бордир, деб андиша қиламан. – Қодир бирдан Акбарга ўгириди. – Биласанми, менинг бу ҳолга тушиб қолишим қобилиятсизлигимдан ёки жамиятда менга қарши биронта куч борлигидан эмас. Ахир мен терма командада ҳужумкор ярим ҳимоячи, сен эса запасда, менинг ўринбосарим эдинг. Фақат бошқа-бошқа клубларда эдик... Кўп ўйладим буни. Тўғри, оз-моз ича бошлаганимга, одамларни ёмон кўра бошлаганимга ўзим айбдорман... Лекин машҳур футболчининг бирдан саҳнадан тушиб кетишига сабаб нималигини биласанми?

Акбар индамади. У суҳбатнинг мўзилишини сезиб, зерика бошлаган ва жаҳли чиқа бошлаган эди.

– Сен айбдорсан! Сенинг итфёъллигинг айбдор, – деди Қодир унинг юзига ургандек қилиб.

Бу ҳақоратдан яна Халил сесканиб тушди. У бир нарсалар бўлишини, тренернинг жаҳли чиқишини, жилла бўлмаса “Оғзингга қараб гапир”, дейишини кутганди. Лекин ҳеч нарса рўй бермади. Тренер истеҳзосини яширмай афтини бужмайтирганича сигарет чекарди. Гўё бу гапларнинг аҳамиятсиз эканини кўрсатмоқчи бўларди. Аммо лабларининг учиши бағридаги аламни ошкор қилиб турарди. Халил буни фаҳмлади. Айни чоғда меҳмоннинг бу таъналарга, ҳатто ҳақорат қилишга ҳам ҳаққи борлигини ҳис сездди.

Қодир беихтиёр яна шоколад олиб тишлади-да, қолган бўлагига ҳалигидек қараб туриб, қайтариб қоғозига қўйди.

– Шундай ўйинчилар бор эдики... – Қодир энди қийналиб эслаётгандек сўзларди, – терма командага тушишни арши-аҳлога етишдан зиёд ҳисоблардилар. Уларнинг кимлигини ўзинг биласан. Терма командада қолиш ҳаётларининг мазмуни эди. Мен эса буни футболимиз шуҳратини ёйиш учун бир поғона деб ҳисоблардим. Бизда ҳам Пеле, Гарринчалар сингари ўйинчилар борлигини исботламоқчи эдим. Ҳа, ҳа, сен ўшанда ҳам бу гапларимдан кулардинг, ҳозир ҳам куляпсан. Лекин... мен учун футбол... ҳаётимнинг мазмуни эди. Ҳа... футболдан ташқарида яшаш ҳаёлимга келмасди. Ҳозир эса... Кўри турибсан... Орзумсиз яшадим... яшайман. Парча-парча қилиб ташланган одамман. Армон билан кетяпман. Тўғри, шу кунда оила, фарзанд ташвиши мени овутади, қалбимни бир оз илгатади. Топиш-тутишим яхши, янада кўп пул топишни, бу билан оиламга кўпроқ фойдам тегишини ўйлаб, тиришиб ҳаракат қилиб юраман. Лекин шунга кўникиш учун ҳам ўн икки йил умрим кетди. Тушуняпсанми? Азобга тўла ўн икки йил! Мен – аввалги Қодир эмасман, бошқа, ўзим хоҳламаган, ҳаттоки ўзим ҳазар қиладиган одамман... Шуларнинг ҳаммаси сен туфайли бўлди!

– Менга қара, Қодир. Ахир энди ҳеч нарсани тузатиб бўлмайди-ку! Мен ҳақиқатан ҳам айбдорман, бўлдими? – Акбар энди ўзини солиб ўтирган бепарволик мувозанатидан чиқа бошлашга мажбур бўлган эди. Бу ҳолатдан ўнғайсизланиб, Халилга мурожаат қилди: – Сен кетавер. Ҳисоб-китоб қилганмисан?

– Ҳа.

– Бор, кетавер!

– Қўявер, ўтираверсин. Мен йиллаётганимдан уялаётганим йўқ-ку!

Акбар Қодирнинг елкасига қўлини қўйиб, ялина бошлади:

– Қодир, дўстим, тўғри, мен аблаҳман, – у шундай деб кўксига уриб-уриб қўйди. – Мен хато қилганман. Энди нима қилай? Кел, дўст бўлайлик. Бир-биримизга ёрдам берайлик. Истасанг, эртагаёқ сени ўзимга ёрдамчи тренер қилиб оламан.

– Ёрдамчи тренер?.. Сенга менинг қандай ёрдамим тегиши мумкин? Сенга-я?! – Қодир Акбарнинг қўлини елкасидан олиб ташлади. Халил эса, ўзига ишонган, иложи бўлса гапини ҳам ўлчаб гапирадиган тренерини бунақаинги типирчиллаган ҳолда кўраётганидан ҳайрон эди.

– Билмадим, рост гапирясанми ёки атайлабми, ахир сен унчалик ғариб эмассан. Довруғингнинг садоси ҳали ҳам жаранглайди, – деди Акбар. – Мана, Халил, – у исбот сўраб шогирдига қаради, – сен Қориев деган футболчини биласанми?

– Ҳа, жуда кўп эшитганман.

– Ана, кўрдингми?

– Бу бошқа масала, – деди Қодир ҳафсаласизлик билан. Акбар қўл силтади-да, кутидан сигарет ола бошлади. Орага бир дақиқалик жимлик чўкди.

– Мен ҳам бу воқеага неча марта қўл силкиганман. Лекин у лаънати худди кечагидек эсимда, – деди Қодир дард билан. – Мен сени алдаб ўтиб ўнг қанотдан дарвозаларингга яқинлашдим. Стадионда қийқириқ бўлиб кетди. Қаршимда Валентин турарди, орқамдан сен изма-из келардинг. Мен Валентинни алдаб ўтиб, яна олдинга интилишим ёки тўпни Файзуллага оширишим мумкин эди. Шунда дарвоза рўпарасида турган ҳимоячилар, жумладан, Валентин ҳам Файзуллага ташланишар, у эса тўпни менга қайтаришдан бошқа иложи қолмасди. Ҳар икки ҳолда ҳам сен алдаб ўтиб зўр вазият яратгандим. Стадион гувилларди. Бу вазият менинг муваффақиятим, сенинг эса ҳагоинг эди. Ўша пайтда, албатта, буни ўйламагандим, у пайтда мен фақат яхши вазият яратганимдан, ишқибозларнинг гувиллаб олқишлашидан бошим осмонда – рухланиб, ўқдек учиб борардим... Ҳа, ниҳоят мен Валентинни алдаб ўтиб, ундан кейингина тўпни Файзуллага оширишга қарор қилдим. Лекин шунда... оёғимда даҳшатли оғриқ сездим. Сапчиб тушиб... йиқилдим. Кўз олдим қоронғилашиб, чуқур жарга учиб кетаётгандек бўлдим... Мен ҳақиқатан ҳам жарга думалаган эканман. Ўша жарда умрбод қолиб кетдим.

Орага жимлик чўкди. Ёмғир анча пасайганди. Кафенинг ойнабанд деворларида ёмғир суви илон изи бўлиб оқар, ташқаридаги неон чироқлар сувга турфа ранг жило берарди.

– Қани, укалар, бўлди қилинглар. Бизлар ҳам дўконни ёпайлик энди, – деди кафе швейцари. Қирқ беш ёшлардаги думалоққина, паст бўйли киши юмшоқ ва мулоғим овозига атайлаб қатъийлик киритиб гапирди. Лекин барибир унга ҳеч ким аҳамият бермади.

– Шунчалик бўлишини ким ўйлабди дейсан...

– Ҳа, шунчалikka боришини билганингда, эҳтимол, бу ишни қилмаган бўлардинг. Лекин ўша пайтда, ўзингдан зўрроқ одам чиққанига, ҳалол ўйинда сени доғда қолдирганига чидаб туролмадинг. Фейлингда итлик бор эди. Шунинг учун тўпни яхши тепсанг ҳам, терма командага сени иккилашиб қабул қилишарди.

– Ахир мен жазоимни олдим-ку, мени жазолашди-ку!! – деди Акбар ялинувчан оҳангда тоқати тоқ бўлиб.

– Ҳа, сени мавсум охиригача футбол ўйнашдан четлатишди, газеталарда аблахдингни ёзишди. Шу баҳонада яхши спортчи эмас, яхши инсон бўлиш кераклиги ҳақида мунозаралар олиб борилди. Лекин менга бундан нима фойда? Оёғим тузалиб қолмади. Мен фақат олти ойдан кейингина бутси кийдим. Фақат бир йилдан кейингина сен билан баравар ўйинга туша олдим. – Қодир бу гапларни асабий ҳолда гапирар экан, гап орасида икки қадаҳни тўлғазиб, бирини Акбарнинг олдига суриб, иккинчисини қўлига олди. – Газеталар сафга қайтганим билан табриклашди... Лекин... – Қодир бир ҳаракат билан қадаҳни бўшатди-да, алам билан давом қилди. – Лекин учинчи ўйинда... баланддан келаётган тўпга сакраб ерга тушганимда туролмай қолдим... Сен тепганимда ҳам тиззамнинг кўзи синган, ҳам оёғим чиқиб кетганди. Натижада сал кескин ҳаракат қилсам, яна чиқиб кетадиган бўлиб қолганди. Врачлар буни таъкидлашган, бошқа бир иш топинг, дейишганди. Лекин уларга ишонмай, тўғрироғи, ишонганимда ҳам футболдан бўлак ишни қилолмай, майдонга тушгандим. Афсус, врачларнинг гапи тўғри чиқди. Зарбанг бир йилдан кейин мени яна йиқитди... Яна бир йилдан кейин, яна дўхтирларнинг бефойда дейишларига қарамай майдонга тушдим. Лекин бўлмади. Биринчи ўйиндаёқ худди ўша-ўша бўлди. Оёғим чиқиб кетди.

Акбар тоқатсизланиб уҳ тортиб, стулга ясланди. Қандайдир шоқалоқлик билан сигарет олиб тутатди. Бир нарса гапирмоқчи шекилли деб, суҳбатдошлари унга қарашди. Лекин у индамади. Шу пайтда Халилнинг ёнида ўтириб, бу гапларни эшитаётганидан жаҳли чиқаётган эди. Халил эса Қодирдек ажойиб футболчининг, шундай йирик одамнинг ичиб, жанжал қилиб юрадиган даражада пастлашиб қолганига ачинса ҳам, унинг тарафида эмасди. “Ўн икки йил олдинги гапларни кавлаштиришнинг нима кераги бор”, деб ўйларди Қодирнинг мақсадини тушунолмади. Акбар ҳам айнан шуни – Қодирнинг мақсадини билолмай: “Мендан нима истайсан?” деб бақиршдан ўзини зўрга тийиб ўтирарди.

Қодир эса қаршисидаги жирканч башарани уриб дабдала қилиш истаги портлаб чиқиб кетишини хоҳламай, тез-тез гапира бошлади:

– Ўшанда мен сени ўйламастим. Ҳали орзуимдан кечмаганим, курашаётганим учун вақтим йўқмиди? Ёки ёшим йигирма иккида бўлгани учунми? Билмадим, Гарринчанинг катта футболга йигирма олти ёшда келганини, Маресьевнинг икки оёқсиз ҳам ўз мақсадига эришганини эсимда тутар ва тинимсиз машқ қилардим. Ҳамма нарсага, жумладан, сенинг аблахдингига ҳам футболда бўладиган оддий воқеа деб қарардим. Лекин оёғим қаторасига икки марта чиқиб, футбол менга ёпиқ даргоҳлигини сезганимдан кейин бирдан ўзимни синиб тушгандек ҳис қилдим. Ҳаётнинг менга нақадар оғир зарба берганини билдим. Тренеримиз Самойличнинг, ўртоқларимнинг бир йилдан бери менга ачиниб қараб юрганини, институтга киришим учун кўп куюнишганини эсладим. Демак, улар фожиами билиб, уч

йилгача командада олиб юришган экан-да, дедим. Уч йилгача улар билан бирга яшашман-у, футбол учун ўлик жонга айланганимни менга айтишмабди. Ким билди, балки қайтишимга уларнинг ҳам илнжлари бўлгандир... Менинг эса яшагим келмай қолди. Ичиб олиб, нукул йиғлагим келарди, баъзан йиғлардим ҳам. Сабабини ўйлай-ўйлай, охири сенда тўхтадим. Бу аниқ ҳақиқатни ҳам бир куни сени телевизорда кўрганимдан кейин тасодифан топиб олдим. Сен майдонда кўлингни белингга қўйиб олиб тўп оширмаган шерингига ўқрайиб тургандинг. Шу кундан бошлаб, одамларга қўйгандай без бўлиб кўлингни белингга қўйиб туришинг мени таъкиб қила бошлади...

...Оҳ, бу даврда онамнинг қийналганлари, дўстларимнинг қийналганлари... Орадан йиллар ўтди, ўзимни машҳур футболчи эмас, оддий кишилардек яшашга кўниктириш учун қандай азоб чекдим! Бунн кўпроқ ўзим учун эмас, онам учун қилдим. Уйландим, фарзанд кўрдим. Улар олдидаги масъулият ҳам ўзимни одамдек тутишга ундади... Лекин мана шу ҳолда – зўрға-зўрға юраман. Сиқи-ламан, зерикаман-да, ўша орзуларим синган чоғдаги йиғлаб ўтирган ҳолимга тушгим келаверади. Шу менга ҳузур бағишлайди. Бундай қилмастик учун ҳар дақиқада ўзим билан ўзим курашаман. Эрталаб нонушта қилаётганимда, йўл юрганимда, ишда, ўғлимни боғчага олиб кетаётганимда бу туйғу доимо юрагимни эзиб: “Қўй, шу майда-чуйда ишларини, сен фақат ўша йўқотган нарсанг учун йиғлашинг керак, бўлак ҳамма нарса бефойда, арзимайдиган иш”, деб туради. Мен эса онам, хотиним ва болаларимни ўртага қўйиб ундан раҳм-шафқат қилишини сўрайман. Лекин бутунлай йўқолиб кетишини ҳам иста-майман. Ҳаётимнинг мазмунини эслатувчи туйғудан ажралсам умидим ҳам йўқолаётгандек, ким эдиму ким бўлганим, қаёқдан келиб қаёққа кетаётганим, ҳамма-ҳаммаси эсимдан чиқадиғандек туюлаверади. Тушун-япсанми, дардим энг покиза орзундан сув ичган.

Қодир жим қолди. У дарди билан бўлиб, кафедланини унутгаёзган эди. Акбар бир қимирлаб ўзининг бетоқат бўлаётганини билдирди. Қодир ичида бир сесканиб ўзига келди-да, гапида давом қилди:

– Сенга рўпара бўлишимдан мақсад, бу дунёда борлигимни билдириб қўйиш, холос. Чунки сен мени эсингдан ҳам чиқариб юборгансан. Йўқ, йўқ, агар ҳолимдан хабар олмадинг, деб таъна қиладиган бўлсам, ўзимдан ўзим нафратланган бўлардим. Мен фақат бир ҳаракатинг билан тақдирини паймол қилган одам бу дунёда аламзадалигини ва ҳар куни, ҳар дақиқада сенга тажовуз қилиши мумкинлигини эслатиб қўймоқчиман. Ўлишини билган ҳўкиз болтадан қайтмайди, дейишади-ку, ахир...

Қодирнинг бу гаплари туришга ҳозирланаётган, бас энди, гапни қисқароқ қил, деб жеркимоқчи бўлган Акбарнинг газабини чуқурлаштириб, ҳужумкорлик руҳини берди.

– Ҳўш, бу истаклари нима дейди? – деди у истеҳзо билан.

– Ҳаммасини айтаман, фақат шошма, уриш қилмоқчи деб қўрқма. Чунки бу истакка ўзим қаршиман, уни ҳар дақиқада бўғиб келаман.

– Мен ҳеч нарсадан қўрқаётганим йўқ, шуни биллиб қўй, Қодир! Мен, то милиция келиб, туринглар, дегунча ўтирмоқчи эмасман!

Қодир соатига қараб қўйди.

– Ҳали вақт бор, шошаверма. Икки-уч оғиз гапим қолди. Сени милиция жуда ҳам ҳайдамас дейман. Очиғини айтганда, сен билан гаплашиш истагида куйиб юрганим йўқ эди.

– Ҳали бировнинг маслаҳати билан келдим дегин?

– Ҳа.

– Ким экан сенга бу ақлни ўргатган?

– Сен!

Акбар хоҳолаб кулиб юборди.

– Ё тавба, боятдан бери мен сени туппа-тузук одам деб гаплашиб ўтирибман-а! Эсинг жойидами ўзи?

– Ҳа! – Қодир худди уриб юборадигандек Акбарга тикилди.

– Қачон, тушингдами? – деди Акбар ва қўлини ювиб қўлтиғига урган кишидек Халилга мурожаат қилди. – Тур, кетамиз. Бу билан кайфи тарқалганда гаплашамиз.

– Икки-уч оғиз дедилар-ку, эшитиб кета қолайлик, – деди Халил. Эшитиш иштиёқи борлигини яшириш учун эса қўшиб қўйди: – Яна қачон вақтингизни сарф қилиб юрасиз?

– Раҳмат сизга! – деди Қодир Халилга. – Лекин бу барибир кетолмасди. Қўймасдим. Ўзи ҳам билади бунни. Кетамиз дегани эса, одатдаги артистлиги. Ўтир, Акбар!

Акбар ўтирди.

– Яна қайтариб айтаман, бу ерга мени бошлаб келган сенсан! Сен... итфеъл... мени тепганинда фақат орзумни поймол қилибгина қолмадинг. Ўша зарбанг билан ўз феълингдан вужудимга уруғ ҳам ташлаган экансан. Бора-бора бу уруғ ўсиб, ривожланиб, бутун вужудимга ёйилди, жисмимни эгаллади. Бир одам қиёфасига кирди. Бу қиёфа эса сеники эди. Ҳа, бу, айниқса, сени телевизорда кўрганимда аниқ бўлди... Шунинг учун билиб қўйки, ҳозир кўриб турганинг Қодир эмас, ичмимнинг ярмини сен, сенинг қиёфанг эгаллаган, чунки дарахт арра билан кесилса, арранинг изини, болта билан чопилса, болтанинг изини сақлайди... Сенинг қиёфанг ўша из эди. Эртаю кеч шивирлаб, қалбимни, одамларга муносабатимни ўзгартиришга ҳаракат қила бошлади. "Орзуларингни яқсон қилган, "мен"лигингни парчалаб ташлаган одам бемалол юрипти. Сен эса фақат унинг айби билангина итнинг кейинги оёғи бўлиб қолдинг", дерди у. Аввалига аҳамият бермадим. Лекин у тамомий жисмимни эгаллагач, у билан мунозара қилишдан бўлак иложим қолмади. Чунки у кечасию кундузи рўпарамда турар, кечасию кундузи менга минғирларди. Уни ўйламайини, деб кечалари минг марталаб у ёнбошдан бу ёнбошимга

ағдарилардим, лекин қутулолмасдим... Охири унинг маслаҳатига қулоқ солиб измига юра бошладим. У эса нуқул одамларни ёмонларди. "Одамлар бир-бирларини янчибгина олдинга ўта оладилар", деган энг сеvimли ғоясини таъкидларди. Шу тарзда дунёдаги ҳар бир нарсани ўз эътиқодимга нисбатан тескари қилмоқчи бўлди. Яхшиликни у шубҳасиз беркитилган таъмага, муҳаббатни даззага, ҳатто она ардоғини қарилик қунарлидаги таянч илғижига тенгларди. Мен ҳаммани – хотинимни, онамни, ўғлимни ёмон кўра бошладим... Ичимдаги сенинг қиёфангни қандай қилиб йўқотишни билмасдим. Қайт қилиб туфлаб ташлагим, омбир билан суғуриб ташлагим келарди. Майли, илдиизига эгим илашса эгим, томирим илашса томирим билан. Майли, суғуриб олган жойим қонгалаш бўлсин эди! Лекин иложини қилолмасдим. "Туф" десам, тупугимда кўринардинг... "Тушунсанг-чи, – дерди у менга, – бу ишларин сен учун қиялман. Инсон зоти ўзидан яхши, ўзидан бой, ўзидан олижаноброқ одамни кўролмайдди, чалиб йиқитади. Неъматларга хўжайинлик қилиш учун; бу ерда ким бор, деганда ёлғиз қолиб "Мен!" дея олиш учун шундай қилади. Чунки ўзидан яхшини йўқотганида, ҳақиқатан ҳам яхши бўлиб бир ўзи қолади-да". "Ёлғон!" дердим мен ичимда ўкирик билан. Баъзан бу ўкирик ташимга чиқиб кетар, эшитган одамлар ҳайрон бўлиб қарашарди. "Мен бундай яшай олмайман. Бундай фикр қилсам яшагим келмайди", дердим. У эса кулимсираб: "Яшагинг келмаслиги бошқа масала. Аслида, исташ-истамаслик ҳам сенинг ихтиёрингда эмас. Лекин, мен ҳақман. Мана мисоллар..." дерди-да, турмушидан ва тарихдан мисолларни қалаштириб ташларди. Мен унга қарши далил тополмаётганимни, енгилаетганимни сезиб: "Ёлғон!" деб бақирардим. Шунда у сўнгги зарбани берарди: "Хўш, ўзинг-чи? Акбардаги худбинликнинг қурбони бўлмадингми? Билиб қўй, менинг фикримга зид борганинг учун ҳам четда қолиб кетгансан. Сен ўз ҳаётингданки сабоқ олмаётган экансан, четда четда кетиш у ёқда турсин, ўлиб кетишга ҳам лойиқсан. Акбар гумбурлаб яшаяпти. Чунки у сени олиб ташлаб, майдонда ўзига кенглик очди. Ахир у худди сенинг жойингда, сенинг ўрнингда ўйнаяпти-ку! Ваҳоланки, ваҳоланки, у запасда эди. Турмуш учун бу эмас, балки олиб ташлагани ҳисоб. Яхшилик биланми, ёмонлик биланми, фарқи йўқ. Умуман, ахлоқнинг барча лаш-лушлари турмуш учун кўпик. Содда одамларни аҳмоқ қилиш, авраш, дўндасини айтганда эса, майдондан ва неъматлардан четлаштириш учун тўқилган ниқоб".

Мен: "Майли, сен ҳақсан, ишондим. Энди мени тинч қўй", деб уни алдамоқчи бўлардим.

У эса: "Э-эй, бир аҳмоқ экансан. Ҳозиргина кўпик ҳақида гапириб қулоғинга тамбур чертибман-да, а? Гап – менинг учун кўпик. Менга кўпик билан ваҳда берма! Сендан ҳаракат талаб қиламан. Иш! Гапдан фойда йўқ", деб яна нишонга олаверди.

"Нима қилай, буюр, ҳаммасини бажараман. Фақат кейин мени тарк эт. Бўлмаса яшай олмайман!" деган шарт билан талабига қўндим.

“Бу бошқа гап. Сен эди Акбар тақдирида, яъни сени майдондан олиб ташлаган одам тақдирида ўз изингни қолдиришинг шарт. Уни уриб дабдала қилишинг, кўзини ўйиб ёки тишларини қоқиб олишинг керак. Токи у ўша кўзи ўрнига қўйилган шиша кўзни ёки тишлари ўрнига қўйилган ясама тишларни кўрганида, ойнага қараб ҳар бир тиржайганида сени, сен орқали эса ўзининг аблаҳлигини эслаб турсин. Ҳар бир кулгисига оғу тушиб турсин”, деди у.

“Хўп, мен розиман. Лекин сен менга бир нарсани айт. Нима учун сен ўзингга ўзинг қарши чиқяпсан?” деб сўрадим мен.

“Буни изоҳлаш осон. Яхшилаб билиб қўй, эй инсон боласи! Мен орқали сенга табиат берган жон гапиряпти. Тирик жонга нимаки қасд қилар экан, мен айнан ўша шаклда пайдо бўламан. Дарахтни арра кесса арранинг изи, болта кесса болтанинг изи қолади. Сенга Акбар эмас, бошқа биров тажовуз қилганда мен ўшанинг кўринишида бўлардим? Бойни бойлик, мечкайни овқат, қонхўрни қон ўлдиришини биларсан? Рим жоҳиллар ҳисобига буюк бўлиб, жоҳиллар томонидан вайрон қилинганидек босқинчи халқни босқинчилик ўлдирди, ланж халқни ланжлик... Бу табиат қонуни. Сен эса, тушунмай мендан қочиб қутулмоқчисан... яна бир карра таъкидлайман. Сен учун ҳеч ким жонини койитмайди. Ўзинг ҳаракат қилишинг керак. Ҳеч бўлмаса, унинг аблаҳлиги ҳақида жар солишинг керак. Лекин бу нарса феълингга зид эканлиги учун уни сендан талаб қилаётганим йўқ”, деди у менга.

Қодир гапини тугатиб, кафедра, Акбарнинг қаршисида ўтирганини кўриб ҳайрон бўлди. Чунки хаёлидаги мунозарани тиклайман деб, ўзини унутаёзган эди. Бир хаёлда бу гапларни ўзимга ўзим гапирдимми, деб ҳам иккиланди. Лекин Акбар билди Халилнинг авзойига қараб, мақсадини амалга оширганини сезди.

Акбар бўзариб ўтирарди. Халилнинг юзидан эса менсимаслик ифодаси ўчган эди.

– Бўлдингми? – деди Акбар ижирганиб.

– Бўлдим.

– Кайфни ҳам тарқатиб юбординг. – Акбар Халилга мурожаат қилди. – Бор, юз эликта коньяк келтир. Мени айтди десанг, беради.

Халил кетди.

– Менга қара, – деди Акбар тажанилик ва истеҳзо билан. – Агар сен ўша истагингга қулоқ солиб, мени “дабдала қиладиган” бўлсанг, судга тушишингни, шов-шув бўлишини ўйламадингми?

Ўйладим. Истагим айтдики: “Хўш, судга тушсанг, шов-шув кўтарилса нима қилибди? Фожианг ва бунга сабабчи бўлган одамнинг жазосиз қолмаганини ҳамма билишини истардинг-ку! Ҳеч нарса йўқотмайсан. Ундан кейин сени жазолашмас керак... Шаҳар бедарвоза эмас-ку. Сен бундан кўрқмайсан ҳам”, дейди... Шунинг билан қўй, Акбар, бу меннинг хоҳишим эмас, вужудимдаги турқиннинг хоҳиши. Айтганимдек, уни бошқара олмай қолишим мумкин, холос...

Қодир сўзини тугатар-тугатмас, Акбар столи итариб юборди-да, ўридан туриб, Қодирнинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

– Йўқол бу ердан, пияниста!

Қодир жағини ушлаб секин қадини тиклади. Бу орада Халил ҳам етиб келиб, Қодирнинг ўнг томонига ўтди. Улар ҳаммага тайёр ҳолда учбурчак ҳосил қилишди. Акбар қўлини пахса қилиб, бақиринда давом этди:

– Ишқмас, пияниста! Ўзингнинг бадбахтлигингни менга тўйкаб, нима демоқчисан?

Залнинг тўридан бир аёлни чинқириб гапиргани эшитилди:

– Қани, бас қилинлар! Соия, участкавойни чақир, тез!

Лекин унга аҳамият беришмади. Ўзини ҳар томонлама устуликка эга деб билса ҳам, қўрқанидан Акбарнинг юзи ниҳоятда хунуклашган эди:

– Сен-чи, аввал ўв наридан туриб салом беришинг керак. Мен алик оламанми, йўқми – ўйлашиб кўрардим!

– Шунақами? – деди Қодир хунук жилмайиб. – Худо шоҳид, Акбар, буни ўзинг бошладинг.

Қодир юзини силар экан, бирданига Акбарга ташланиб, бир уриб учириб юборди. Сўнгра ҳужумга ташланган Халилни кафтининг тескариси билан уриб йиқитди. Официантлар келиб Қодирни тинчитмоқчи бўлишди. Лекин у официантларни суриб қўйиб, ўқдек учиб келаётган Акбардан ўзини четга олиб, уни чалиб юборди. Акбар ҳозиргина ўзи ўтирган столга урилди-да, стол билан бирга умбалоқ ошди. Атрофни идишларнинг ерга тушиб синган жаранги тутди.

Акбар ўридан тургач, ҳуркиб тарқалиб кетган ўспиритларнинг столдан шампан шишасини олди-да, гижиниб Қодир томонга кела бошлади:

– Ўлдираман! – деди у тишларини гижирлатиб. – Иккинчи мени кўрганда бир чақиримдан айланиб ўтадиган қиламан. – Шундай дейишга деди-ю, лекин қўрқани учун Қодирга яқинлашмай, шишани отди. Қодир энгашиб қолди. Шиша тўғри бориб ойнабанд деворни чил-парчин қилиб, ташқарига чиқиб кетди. Кафе ходимларининг қий-чуви авжига чиқди. Акбарнинг саросимага тушганидан фойдаланган Қодир унинг қорнига калла қўйди. Акбар орқасига учиб бориб, яна бир столи ағдарди-да, йиқилди. Сўнг ичганиб, жуда секинлик билан ўридан тура бошлади. Қодир унга яқинлашди-да, ёқасидан олди. Акбар унинг қўлида деярли осилиб турарди.

– Бу ишни ўзинг бошладинг, – деди Қодир Акбарни силкиб. – Мен тугатаман. – Энди унинг юзидаги олижанобликдан асар ҳам қолмаган, ваҳшийлик ва жаҳл ўзининг хунук муҳрини босганди. – Тишларингни қоқиб оламан. – Қодир ўша совуқ ва ваҳшатли оҳангда гапирарди. – Ўрнига тилда тиш қўйдирасан, ҳар бир тиржайганингда мени, мен орқали ўзингнинг аблаҳлигингни эслаб турасан. Ҳар соатда, ҳар дақиқада!

Қодир ҳар битта жумласини айтганда Акбарнинг юзига биттадан мушт туширарди. Агар шу пайтда милиционер етиб келмаганда унинг бу ваҳшийлиги қачон, қанақа тугаши номаълум эди.

Ўрта бўй, пишиқ гавдали, ёшгина лейтенант югуриб келиб, Акбарни ажратиб олди-да, Қодирни итариб олиб бориб стулга ўтқизди.

– Нима гап? – деб бақирди у.

Қодирнинг ўрнига офицантлар вижирлаб кетишди:

– Нозандай ўтиришганди, – деди бири.

– Йўқ, бу аввал анови столда эди, – аралашди иккинчиси.

– Жим! – бақирди уларга лейтенант.

Офицантлар кетди. Лейтенант ручка ва блокнот чиқариб, Қодир ҳақида маълумот ёза бошлади. Кейин унинг заводга кириш рухсатномасини олиб кўрди.

– Уни танийсизми? – сўради милиционер ҳужжатни қайтарар экан, атрофида Халил ва офицантлар парвона бўлишадиган Акбарни кўрсатиб. Қодир “ҳа” дегач, милиционер Акбар ҳақида маълумот ёза бошлади.

– Наҳотки?! – деди лейтенант Акбарнинг ўша машҳур Акбарлигини эшитиб.

– Ҳа, – деди Қодир кескин қилиб.

– Сиз ҳам ўша Қориевмисиз?

– Ҳа.

– Нима бало қилиб кўйдинглар? Нима жин урди сизларни?

Қодир Акбар томон ўқрайиб қараб қўйди-да, индамади. Лейтенант бош чайқади-да, ўтириб туринг, деб офицантларни сўроқ қилгани кетди.

Акбар аста ўзига келиб, бошини кўтарди. Унинг хира кўзларига маъно кира бошлади. Лейтенант актга Қодирнинг қўлини қўйдириб, унинг олдига келганида, Акбар аввал гушунмади. Фаҳмига етгач эса, милиционернинг қўлидан актни олар экан, ўрнидан турди.

– Дўстим, – деди у кемшикланиб ва атрофдагиларга эшиттирмасликка уриниб, – мени танийсиз-а?

– Танийман, албатта. Кўча чангитиб, копток тепиб юрганимизда сизларга ўхшашини орзу қилардиқ.

– Бўлмаса, дўстим, актингизни қўйинг-да, эвазига битта мендек оғайни орттиринг.

– Энди, Акбар ака, сизни жуда ҳурмат қиламан. Лекин бурчим, қонун...

Э-э, қўйинг шу гапларни, ўзи бугун ана у оғайним миямни қоқиб қўлимга берди. Менга қаранг. Хўп, сиз акт туздингиз, дейлик, лекин эртага бошлиқларингизнинг олдига чиқиб, бу аҳмоқчилик бир бўлиб қолди, бирда-яримта сизга мунақа иш билан тушмаганман, дейман. Нима қилишади, йўқ дейишардимиз? Менга йўқ дейишмайди, биласиз...

– Энди, билмадим, лекин... лекин сизга керакмикин деб ўйловдим-да.

– Бе-е, – деди Акбар оғриқ азобини босишга ҳаракат қилиб. – Ичишиб

ўтириб, тўсатдан ташлашиб қолдик. Шу! Эртага яна апоқ-чапоқ бўлиб кетамиз! Тўғрими? – Акбар Қодирга қаради.

Қодир индамай бошини қимирлатди. У воқеанинг бу тарзда давом этишига ҳайрон бўлиб турган эди.

– Бўптими, оғайни? Менга шу актни беринг-да, Акбар деган футболчи дўстим бўлади, деб юраверинг.

Милиционер бир оз муҳамлашиб турди-да, охири далилини айтди.

– Гувоҳлар дод демайдимиз, – у кафе ходимларига қаради:

– Булар билан ўзимиз гаплашамиз, – деди Акбар. – София опа, – чақирди у зал мудирасини. Эллик ёшлардаги сариқ сочли нуроний аёл уларга яқинлашди. – Бу дўстимиз, бизларни қамамасдан қўйиб юбормоқчи. Бошқа уришмаймиз, деб сўз бердик. – Акбар гапига ҳазиломуз оҳанг беришга куч топа олди. – Сиз қарши эмасмисиз?

– Йўқ, албатта, қамасин, деб ким айтарди. – Зал мудираси кулиб турса ҳам, қўллари енгил титраб, сочлари ва тугмаларига бесабаб югурарди. – Ҳамма нарсанинг яхшиликча тугагани яхши-ю, лекин идишлар синди. Ана у ойнанинг ўзи юз сўм туради. Қўйдиришини ҳисобга олмаганда...

Акбар қўйни чўнтагини кавлади-да, бир даста беш сўмлик пул чиқарди.

– Мана, – деди аёлга узатиб, – санамасангиз ҳам бўлади. Юз эллик сўм.

Зал мудираси гуноҳқорона жилмайиб, қўллари титраганча пулни олди.

– Акбар Вафоевич, сиз хафа бўлманг, лекин...

– Бўлди, София опа. Демак, кафе ходимларининг бизга ҳеч қандай даъволари йўқ?

– Йўқ, йўқ, бўлди. Биз доимий мижозларимизни ҳурмат қиламиз. Ундан кейин, ҳамма нарсанинг яхшилик билан тугагани маъқул, – деди зал мудираси пулни санай туриб.

– Бўпти, биз кетдик, – деди Акбар рухсат сўрагандек милиционерга қараб. Милиционер атрофдагиларга бир-бир қараб чиқди. Унинг юзига бирдан қандайдир ўйноқи табассум югурди.

– Э, нима бўлса бўлди! Сизларни деб бир гап эшитсак эшитибмиз-да. – У актни йиртиб, чўнтагига солиб қўйди. – Футбол қурбони бўламиз-да жуда борса, а?

Қодирдан бошқа ҳамма мамнун жилмайди. Акбар милиционер билан қўл ташлашиб хайрлашди-да, Халилнинг елкасидан ушлади. Қодирга қараб ҳам қўймай, шогирдига суянганича секин залдан чиқди. Вестибюлдаги тошойна олдига бориб моматалоқ бўлиб кетган юз-кўзини, ичкари тортиб кетган устки лабини бир-бир силаб чиқди. Кейин худди ўшандай оҳисталик билан шляпасини кийди-да, яна Халилга суянган ҳолда чиқиб кетди. Қодир Акбарнинг кетидан ҳайрон бўлиб бир оз қараб турди-да, ювингани кириб кетди. Қайтиб чиқиб тошойна олдига келди. Швейцар узатган плашини қўлларига оғир юк боғлагандай қийналиб кийди. Милиционер билан швейцарга гуноҳқорона бош ирғаб, ташқарига чиқди. Орқасидан швейцарнинг овози эшитилди.

– Ўлай агар, бўйнимни кесиб ташла, ҳозир нимага уришишганини билишмайди! Ичиб олишади-да, хўроз бўлиб кетишади. – Бу одам фикрининг тўғрилигига тўла ишонгани учун куюниб гапирарди.

Қодир худди дармонсиз одамдек секин нарироқ бориб, орқасига ўгирилди. Кафе пештоқидаги неон чироқли “Ором” деган ёзувнинг охириги ҳарфи ёнмас, узоқдан “Оро” бўлиб кўринарди.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикояни ўқиб чиқдингиз. Воқеа-суҳбат қаерда бўлиб ўтади ва у нутқнинг қандай шаклларида баён этилади?

2. Ҳикоя қаҳрамонларининг портретлари чизилган ўринларни тонинг ва ўқинг. Уларнинг ўзаро ички муносабатларига изоҳ беринг.

3. Қодир билан Акбар диалогда нима учун асосан Қодир гапирарди, Акбар тинглайди?

4. Халил нега уларнинг суҳбатини эшитишга мажбур бўлади?

5. Қодир монологидан унинг ҳаётига оид қандай маълумотларни билиб олдингиз?

6. Қодир “Бора-бора бу уруғ ўсиб, ривожланиб, бутун вужудимга ёйилди, жисмимни эгаллади. Бир одам қиёфасига кирди. Бу қиёфа эса сенки эди”, – дейди Акбарга. Қодир қандай уруғ ва қиёфа ҳақида гапиряпти?

7. Уларнинг диалоги қандай даражага етди? Даҳанаки жангнинг муштлашишга айланиб кетишига ким айбдор? Сизнингча, бу мардикми ё қўрқоқлик?

8. “...унинг бу ваҳшийлиги қачон, қанақа тугаши номаълум эди...” – Гап ким ҳақида? У нега бундай рудий ҳолатга тушди деб ўйлайсиз?

9. Уларнинг хагги-ҳаракатлари атрофдагилар томонидан қандай баҳоланди?

10. Қодир ва Акбарга Сиз қандай баҳо берасиз? Ким ҳақ?

Тестларни ечинг.

1. *“Олти мижданинг учтаси – жинси шим, қизил ва сариқ куртка кийган, узун сочли ўспиринлар бўлиб, уларнинг бири қиз бола бўлса ҳам, ташқаридан қараганда ажратиш қийин эди”.* Бу қандай тасвир?

А. Характер. Б.пейзаж. В. Портрет. Г. Сюжет. Д. Тўғри жавоб йўқ.

2. *“Акбар Халилга ачиниб қараб: – Сен кета қолмайсанми? Биз ўзимиз келишиб олардик, – деди. – Йўқ, бирга кетамиз, – жавоб берди Халил қоринини ушлаганча”.* Халил нега кетмади?

А. Вақти бор учун. Б. Устозига ҳурмати учун. В. Ўзи кетолмагани учун. Г. Қодир ҳикоясини эшитиш иштиёқи борлиги учун. Д. Жавобларнинг ҳаммаси тўғри.

3. *“Бизда ҳам Пеле, Гарринчалар сингари ўйинчилар борлигини исботламоқчи эдим”.* Улар қайси мамлакат футболчилари?

А. Ўзбекистон. Б. Россия. В. Аргентина. Г. Франция. Д. Бразилия.

4. Акбарнинг берган тенки зарбаси Қодирда қандай жароҳат қолдирди?

А. Оёғи футболга ярамай қолди. Б. Уни шуҳратдан маҳрум қилди. В. Характерига салбий таъсир қилди. Г. Жавоблар тўғри. Д. Тўғри жавоб йўқ.

ЭРКИН АЪЗАМ

1950 йил тугʻилган

Эркин Аъзам 1950 йили Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топган. 1967 йили тумандаги 1-ўрта мактабни тамомлаган. Шу йили Тошкенг Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кириб, уни 1972 йилда тугатган. Адиб аввал Ўзбекистон радиосида муҳаррир (1972—1976), ундан сўнг «Гулистон» журналида бўлим муҳаррири, адабий котиб вазифаларида ишлаб (1976—1981), қаламини чархлади. 1981 йилдан 1986 йилгача «Ёшлик» журнаliga ишга ўтиб, Эркин Воҳидов раҳбарлигида журналнинг шаклланишида, ўз мухлисини топшида жонбозлик кўрсатди. Наср бўлимини бошқарган ёш адиб ўз ижоди такомили билан бирга янги таланти ижодкорларнинг пайдо бўлиши ва оёққа туришига муносиб ҳисса кўшди.



1986—1992 йиллар давомида ижодкор Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида кўп жылдли асарлар таҳририятига мудирлик қилиб, атоқли ўзбек адиблари сайланмаларини чоп этишда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди.

Эркин Аъзам Ўзбекистон республикаси Миллий Ахборот агентлиги Бош директорининг биринчи муовини вазифасида ҳам хизмат қилди. Ҳозирги кунда у Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири.

Адибнинг илк ҳикояси унинг ўқувчилик йилларида ёзилиб, вилоят газетасида босилган. Бироқ талабчан ижодкор университетни тугаллагандан кейин ҳам анча йиллар китоб чоп этиришига шошилмади. 1977 йилда Эркин Аъзамнинг «Чироқлар ўчмаган кеча» номли ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. Бу мўъжаз китобча ўқувчиларга ўзбек адабиётида янги бир истеъдодли ҳикоянавис дунёга келганлигидан хабар берди. Ушбу асарда ёшлик, талабалик йиллари оловли кечинмалари катта самимият, илҳом билан ёритилган бўлиб, ҳикоя услуби, ўз жозибаси билан ўқувчини сеҳрлаб олди. 1981 йилда чоп этилган «Отойининг туғилган йили» қисса ва ҳикоялар тўплами китобхон ишончини мустаҳкамлади. Биринчи кичик қиссаси билан адиб ўзининг лирик таъвир услубидан ташқари ҳаётий, серзавқ, ҳажвий йўналишдаги бадиий ифодага мойиллигини ҳам намойиш қилди.

Шундан сўнг истеъдодли адибнинг «Байрамдан бошқа кунлар» (1980), «Олам ям-яшил» (1984), «Жавоб» (1987) каби бир қатор қисса ва ҳикоялар тўпламлари босмадан чиқди. Бу асарларда замондошларимиз ҳаётидан ҳикоя қилиниб, ахлоқ, эътиқод, бурч, оддий инсоний муносабатлар ўзига ҳос услубда бадний акс эттирилди. Эркин Аъзам насри Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев ижоди намуналари каби лўнда, шафқатсиз реализми ва профессионал маҳорати билан бошқа ёзувчилар асарларидан кескин ажралиб туради.

Эркин Аъзамнинг ҳикоя ва қиссалари рус, украин, белорус, қozoқ, тожик, туркман, грузин, булғор, чех тилларига таржима қилинган. Адибнинг ўзи ҳам ўзга халқлар адиблари асарларини рус тилидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Ёзувчи 1982 йилда республика Ёшлар Иттифоқининг мукофотига сазовор бўлган. Адибнинг «Анойнинг жайдари олмаси» ҳикояси асосида бадний фильм суратга олинган. Унинг сўнгги йилларда ёзилган асарлари «Пакананинг ошиқ кўнгли» (1991), «Шоирнинг тўйи» (1993) бўлиб, «Пиёда», «Пакана» асарлари ҳам кинолаштирилмоқда. Ҳикоялари радиопостановка қилинган.

Эркин Аъзам айни ижодий камолот ёшида илҳом билан ижод қилмоқда.

Анойнинг жайдари олмаси

У ҳар йили худди бир пайтда – ердан қор кетиб, тентак шамоллар эса бошлаган кўклам кунларида келарди: шамолларга қўшилиб, шамолдек тўполон билан кириб келарди. Тўсатдан. Елкасида, ҳа қўлида эмас. Елкасида, икки тарафига ҳам “Барнаул” деб ёзилган пачоқ чамадон, чап кўзини қисинқираганча қаршингда беўхшов тиржайи-иб туради. Сўнг, чамадонини тош тўлғазилган тўрва мисол бир четга улоқтиради-да, қулочларини кенг ёзиб, бодалигингни ёдга соладиган, болалигингдек шўх, болалигингдек беғам овозда ҳайқиради:

– Чантриморэ-э!

Сен эса уни кўрганнинг заҳоти гам босиб, ташвишга чўмасан: хайр энди, осуда кунларим! У ҳали шундай гала-говурга кўмиб юборадиким! Бироқ, айни дамда, ҳар иккаланг учун қадрли, шартли бу галаги таомилни бузишга ҳаққинг йўқ.

– Қаламакаторэ, – дейсан истар-истамас. – Яна келдингми? Яна ўқишгами?

– Сентинанинг жонгинангга тегишга! – дейди у ва баттар вазнингни кўзгамоқчидек белингдан маҳкам қучиб кўтаради, айлантиради. – Ҳа, жўрамдан-да, жўражонимдан-да!

Уйга кирилгач, эгасидек бетайин – қулфланса очилмайдиган, очилса қулфланмайдиган антиқа чамадон минг бир амал-тақал билан очилади. Хона кузаки олмаларнинг хидига бурканади. Бир ёғи қирмизи, бир ёғи хол-хол, бандининг туби қизил қумга тўлган олмалар; кўримсиз, жайдари олмалар.

Болалигинг олмалари, болалигинг ҳидлари. Бошинг айланиб кетади. Кўп нарса бирдан эсингга тушади, энтикасан. Шу тобда уни кучоқлаб олгинг, “жўражон!” дегинг келади. Аммо, нимадир, бояги ғашликми, гурурми йўл бермайди, ижирғаниб сўрайсан:

– Нимага келдинг, Рамазон? Барибир киролмайсан-ку?!

– Кирсам-чи? – дейди у яна чап кўзини қисинқираганча тиржайиб. – Кирсам-чи?

– Киролмайсан! Худога ҳам, бандасига ҳам аён!

– Майли, жўра, буям бир гап-да. Мана, сен ўқиясан-ку, бўлади-да менга шу. Қўй-э, манави олмаларга қарасанг-чи! Бунақаси Боғи Эрамда ҳам битмайди! – Сўнгра у чамадонини титқилаб, ўн қават дағал қоғозга ўралган алланимани чиқаради: - Мана буни энанг бериб юборди, сузма-чакки, Чалоб қилиб ичени, чанқоғи боеслади, деди. Шаҳарлик қизларди кетидан югуравериб томоққиналари қақраб кетгандир болагинамининг, деди.

Чамадон, ўша маълум ва машҳур чамадон, тагин талай ҳийлаю ҳангома билан ёпилади. Бу чамадонни у ҳарбий хизматдан олиб келган эди. Келиши ҳам қизиқ бўлган. Худди ҳозиргидек тўсатдан пайдо бўлиб қолган. Хизмат қилган жойи – Барнаул ҳақида вайсайвериб кечаси билан уйқу бермаган. Ўша ерда туғилиб, ўша ерда ўсган каби гапирган гапи нукул: “Бизда, Барнаулда унақа, бизда, Барнаулда бунақа”. Овозига оҳанг бериб, русча сўзлар кўшиб гапирганига нима дейсиз?! Эсанг қотиб жеркиганингдан кейингина бир тиржайди-ю, яна азалги товуши билан – шанғиллаб гапира бошлади. Эрталаб юзингтақўлик чапиётганинда: “Э, салага, зелень!” дея устарани қўлинган олиб, ҳарбийчасига соқол қиришни кўрсатди; син-силлиқ бўлиб қолган няк-чакаларингга чамадонидаги аскарлик атридан сениб қўйди.

Ўшанда у – ҳарбий хизматдан қайтаётган одам – уч-тўрт кун бемалол Тошкентда юрган бир оқшом дабдурустан: “Барнаул кетаман!” деб туриб олган эди. “Эсинг жойидами, хизматни тугатган бўлсанг Барнаулда нима бор сенга?!” “Э-э, уйга боргим келмаяпти. Бир хат олган эдим...” Аммо, қанақа хатлигини айтмаган, қийин-қистов билан, бўйнидан боғлагандек аранг жунаган уйига. Энди ҳам ўқиш баҳона ҳар келганида: “Бир ёқларга кетсаммикан, жўра?” деб қолади ўз-ўзидан маънос тортиб. “Ҳа, тагин Барнаулми? – дейсан эсанг қотиб. – Худо уреин, миянг хато сенинг, Рамазон!” “Тўғри айтасан, жўра, хато. Нима қилай, ўша ёққа кетгим келаверади-да. Ай-й, сен тшунмайсан!”

–...Рамазон чамадон қиррасига ўтириб олиб, “Қулоқ сол”, дейди-да, шанғиллаганча гап бошлайди:

– Бойсундан гапирамиз! Тошкентда улоқиб юрган бойсеувлик мусофирлар учун бериладиган эшгитиришимизни бошлаймиз! Она шаҳрингиз янгилликлари билан танишинг!

Ашур кал эскилик сарқити сифатида носдан воз кечиб, замонавийликка интилиб сигаретга ўтибди. (Кошки фойдаси бўлса, телпакни ташлаб шляпа кийганида ҳам барибир ҳаммага маълум: боши ялтироқ – кал!) Ўзининг бобоси кўкнорнинг кайфида момоси билан гижиллашиб, аммасининг чорбоғига кўчиб кетибди (Мени бошқа нарса ўйлантиради. Уккағар бобонинг бир сандиқчаси бор. Бошининг остига қўйиб ётарди доим. Гап кўп-да унда. Олиб кетди! Ўшандан умид катта эди.) Эсонбердиев, ўша гўлдайган “Эсонбердиев – ҳукумат”, Бойсун тарихидаги баттол милиса, истеъфога чиққач, Қўрғончадаги нафаси ўткир мулладан бир ой эскича сабоқ олиб, дастор ўраб қайтибди, ҳозир хатми қуръону чилёсингача усиз ўтмас эмиш (Бир куни худойига кетаётиб, бошида салла, қўлида асо, милисахона олдидан ўтганда честь бериб юборибди)...

Рамазоннинг ҳангомаларини тингларкансан, Бойсун оралаб юргандек, ажабтовур одамлар тўдасига кириб қолгандек бўласан.

– Тур эди, кўча айланайлик, – дейди у “янгиликлари”ни айтиб тугатгач. – Сени би-ир лағмонга тўйдирай, тўрт тийинлик “думба-жигар” сомсадан еявериб, ошқозонинг калла-пochaга тўлиб кетгандир. Менга қара, тўрт тийин-тўрт тийин йиғиб, шу сомсачига бир ҳайкал қўйсаларинг-чи, а? Маслаҳат-да буям. Бешёғочнинг ў-ўртасига! Татиган тузингга товон-да.

Рамазон тури-турмуши билан шаҳарга ярашмайди, шаҳарга сиғмайди. Унга кўшилиб кўчага чиққани ҳам уяласан. Юрган йўлида лакалов қилиқлар қилиб, ҳаммаини ўзинга қаратиб, шанғиллаганча алланималарни вайсаб кетаверади. Лугати ҳам антиқа: трамвайини – “уч тийинлик” дейди, таксини – “пультар”, ресторанин – “регистон”. Худо денг, йўлда суратхона учрамасин – тилла топган тентаклек қичқириб юборади у:

– Ана-а! Юр, жўражон, бир портретга тушайлик!

– Портретни нима қиласан?

– Эсадиликка-да. Бир куни катта одам бўлиб бурнинг кўтарилиб кетса, “мана, икковимиз жўра эдик”, деб ўзингга кўрсатаман.

– Кўрсатсанг нима бўлади?

– Уялиб, бурнинг яна... жойига тушади.

– Гапини қаранг, бурним жойига тушар эмиш! – дейман уни эркалаб. – Хўш, қандай турмоқчилар суратда?

Рамазон кўчанинги ўртасида томоша ясаб, завқ билан тушунтира бошлайди:

– Сен ўтирасан, тўғрига қараб, Мен тепангга тик тураман, мана бундай.

Ўнг қўлим сенинги елкангда, кўзим чап билагингдаги соатда бўлади. Икки жўра! Қалай, жўра-а?

– Қўйсанг-чи, – дейман, уйлариининг тўрига осибдиқ – отаси қуролдош оғайнисини билан худди шундай ҳолатда тушган сурат кўз олдимга келиб. – Бобонг замонидан қолган поза-ку бу?

– Бўмаса, юр, сенинги фозангга тушамиз, жўражон, надрушка қилиб...

Рамазонга ҳаммаёқ – ўзиники, кўрган одами – аммаваччасидек синашта, дарров гап қўшиб, апоқ-чапоқ бўлиб олаверади. Ошхонада навбатта турганида дуч келган кимсага: “Хув жўра, анави жойни банд қилиб, чой-пой тайёрлаб туринг”, дейиши ҳеч гап эмас. Муқаррар можарони кутганинда аҳвол бошқача бўлиб чиқади: ҳалиги киши бир зум Рамазонга бақраяди-ю, алланечук итоаткорлик билан бўш чойнак қидириб кетади. Рамазон ҳам қарздор бўлиб қолмайди: у қилади, бу қилади – ўша заҳоти унинг кўнглини олади. У ҳўжалик дўконига кириб бошоғриқ дори сўраши ҳам мумкин, хотиржам бўлинг – албатта топиб беришади. У қўпол қилиб сўрайди – унга мулоим жавоб қайтаришади.

Ана шундай бизнинг Рамазон! У бир гал хатто Тошнинг ҳам капалагини учирган!

Бешёғочда Тош дегани бўларди, безориларнинг безориси. Ростми, ёлғоми, “пичоқлашиб, уч марта қамалган, тоғаси каттаконлардан, ўша қутқарган”. дейишарди. Ўзи мароқ билан эслармиш: “Ҳи, шундоқ бўлган. Ҳазиллашиб кўйганмиз-де”. Худо ҳам турқин билиб берган: калла тарвуздек, қорни – тарвузча, башара – қорсоннинг ўзи, сергўштликдан кўзлар кўринмайди, тилла тишлар доим томошага иршайиб туради. Каттаю кичик уни ака дейишга мажбур, ўзи эса ҳаммани, авжи келса, отаси тенгини ҳам сенсирайверади. Бир тўда “шотири” билан эртаю кеч кинотеатр олдида писта чақиб, ўтган-кетгани тергайди. Бориб етти букилиб кўришмасанг – кул йўқ. “Ҳи, ўқивоссанларми? – дейди, кўзи бошқа ёқда, кўкимтир ёзувли биққи бармоқларининг учини чўзиб. – Маладес, ўқиларинг. Ўқиб бўлинглар-де, қуёни расмини чизларинг”.

Рамазон ана шунинг капалагини учирди. Кинотеатр ёнидан ўтишда мен югуртилаб бориб Тошга қўл узатдим. У: “Ҳи, ўқивоссанларми?” деди-ю, тўрт-беш қадам нарида турган Рамазонга кўзи тушди.

– Ўвв, келмайсанми бундоқ?!

– Нима дейсан? – Рамазон кафтида нос, оёқларини керганча бепарво ёўдайиб турарди. – Гапинг бўлса, ўзинг ке!

“Ўлдинг, Рамазон, ҳозир дабдаланг чиқали!”

Ажабо, Тош мен билан теггина хайрлашди-да, унга хавфсираб қарай-қарай зипиллаганча кинотеатрга кириб кетди. (Негадир бу сафар ёнида шериклари йўқ эди.) Тош, каллакесар Тош кўрқди! Умрида чумчукка озор бермаган нимжонгина Рамазондан кўрқиб қочди! (У кейин бир куни мenden сўради: “Анув оғайнинг жа-а анақа-ку, а, ким эди?” Лоқайдигина жавоб қилдим: “Э, ўзи шундай. Тўрт марта қамалиб чиққан-да. Ўшанда ҳам қамоқдан келаётган эди”. Шундан сўнг Тош мен билан юзимга қараб, қуюқ сўришадиган бўлди.)

Бу ҳақда Рамазонга гапирганимда у ростакамига ажабланиди:

– Нимадан кўрқаман? Бешёғоч энасининг маҳрига тушганми?!”

Ана шундай бизнинг Рамазон!

Малика иккимизга бошлаб оқ фотоға берган ҳам шу – Рамазон. Эндигина танишган, кино, театрларга қатнаб юрган кезларимиз эди. “Юр, сенинг ҳам

маданий савиянг ошсин”, деб бир гал Рамазонни театрга эргаштириб бордим. Маданий савияси ошган-ошмаганини билмадиму югурди-елди – билет топиб бизни хурсанд қилди, танаффус маҳали шампану музқаймоқ уюштириб Маликанинг кўнглини топди. Аммо, бир вақт томдан тараша тушгандек, унга қараб салмоқланганча: “Кели-ин, энди-и бизнинг Бойсулар ҳам ёмон жой эмас”, деб қолса бўладими! Хижолатдан музлаб кетдим. Малика жимгина кулимсираб кўйди. Театрдан кейин уйига кузатаётиб, Рамазоннинг кўполлиги учун узр сўраганимда, у: “Дўстларингиз ичида энг яхшиси шу экан”, деди.

Бизнинг Рамазон ана шундай!

У ҳар йили ўқишга кирмоқчи бўлиб келади. Келгани билан кошки имтиҳонни ўйласа – каравотим остидаги, бурноғи йил ўзи ташлаб кетган дарсликларни бир-бир кўлига олади-ю, очиб ҳам кўрмай қайтиб жойига улоқтиради.

– Гурунгдан бер-э, жўражон! – дейди шанғиллаб.

– Рамазон, киролмаслигинг аниқ, яхшиси кет, – дейман жаҳдимни базўр ютиб. – Сен, сенки кирсанг, мен ташлаб кетаман ўқишини, худо урсин! Мактабда қандай ўқиганинг дунёга дoston-ку!

– Ҳай, ҳай, мен кирмасам кирмайину, лекин сен унақа қила кўрма – Тошкент шоирсиз қолади-я! – дейди у қўлларини кўксига қўйган кўйи ясама тазарру билан. Кейин ҳиринглайди: – Алгебрадан “беш” олганим эсингдами?

Эсимда, Рамазон бир гал дарсда одатдагидек “жавоб” берганида, яъни чурқ этиб оғиз очмаганида девонафеълроқ математика муаллимимиз: “Ҳайларов, бугун мен сизга “аъло” баҳо қўяман, шунча йил мактабда ўқиб армон билан кетманг-да”, дея унга чиндан ҳам “беш” қўйган эди.

Рамазон тонг саҳарда – ҳали мен ширин тушлар кўриб ётган пайтда туриб, нонуштага Бешёғочдан “думба-жигар” сомса ва қатик олиб келади. Сўнг радиони баланд қилиб қўйиб, чангитганча хонани супураarkan, хунук, ёкимсиз товуш билан ҳамма қўшиққа бир хилда “жўр бўлади”.

Хуш қол энди-и, Зухраҳоним,
Айро тушли бу жо-он сендан...

Нонуштадан кейин мен ўқишга жўнайман. Рамазон кўча айлангани чиқади. Гоҳо шу бўйи уч-тўрт кун бедарак кетади. Бир куни дарсдан келсам – мушайманча қотган нон кавшаб ўтирган бўлади.

– Қаёқда эдинг?

– Э, юрибмиз-да.

Сўнг, ўтириб-ўтириб Барнаулга жўнамоқчи бўлади, алдаб-сулдаб йўлдан қайтараман.

– Нима қилай бўлмаса, жўражон, айт?

– Уйга жўна.

– Қандай кетаман?

– Қандай кетардинг – билет оласану поездга чиқасан,

- Текин билет керак-да менга.
- Ие, пулинг кўп эди-ку?
- Энди йўк-да, жўражон, нима қилай?

Кейинроқ эшитиб қоламан: Рамазон ҳамшаҳар студентларимиздан бир-иккитасини топиб, бор пулига ўшалар билан ялло қилган, уларга ош берган. Ошини еб бўлгач, мириқиб-мириқиб бу анойи-аҳмоқнинг устидан кулишган. Қўшилишиб ўзи ҳам кулган. Энди эса, йўлжирга пули меъдан ундирмоқчи!

“Ўқишга қираман!” дея керилиб келган азамат имтиҳон тугул, китобнинг ҳам юзини кўрмай, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай жўнаб қолади, тўсатдан.

- Акангнинг сафари қариди, жўражон!
- Кетганинг рост бўлсин! Энди келиб овора бўлиб юрма!
- Келаси баҳор кутаверасан!

Ана шундай бизнинг Рамазон!

Худо омадни ҳам ўлчаб, мисқоллаб берар экан. У бир кетса... ҳаммаси кетар экан. Рамазонни қамалган, деб Тошга мақтанганимда фаришталар кафтларини кенг ёзиб, “Омин!” демоққа шайланиб туришган экан: Рамазон қамалди!

Бу сафар ҳам у одатдагидек бир чамадон ва бир тўрхалта олма билан келган эди. Маликага ўзи отган тулки терисини совға қилди – будтурги ваъдаси. Бизникида икки кун турди-ю, ўзича бир балоларни валдирай-валдирай, чамадонини кўтариб аллақасёққа ғойиб бўлди. Орадан уч кунми, тўрт кун ўтгач, менга милициядан чақирув қоғози келди.

Рамазоннинг жўраси эканим – гўллим, соддалигим башарамга битилган шекилли, терговчи – сарғишдан келган, кўккўз киши мени кутилмаган дағдаға билан қарши олди:

- Сизни қамоққа оламиз, оғайин!

Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ишга кирганимга бир йил ҳам тўлгани йўк. Малика билан тўйимиз ўтган ёзда бўлган, у ҳозир уйда ўтирибди – ўғилми, қизми кутяпмиз. Шундай бир пайтда... нега? Нима сабабдан?

Терговчи сабабини айтди.

Бундан беш кун олди Ҳайдаров Рамазон уч чамадон олмайю анор ва икки қути узум билан Новосибирск поездига чиқаётган маҳалла қўлга тушибди. (Жўра, бир Барнаулга бориб келай, деяман. Томошага. Хизмат қилган жойларим, соғинибман”) Пастда улар икки киши экан, купеда эса тўсатдан биттаси ғойиб бўлиб қолибди. Дастлабки терговчининг кўрсатишича, қочган чайқовчи – ишбоши. Ўша мен эмишман!

- Ким айтди, ким? Исаботланг! – дея жойимдан туриб кетдим.
- Ким айтарди, шеригингиз – Ҳайдаров!

Лаънати Рамазон! Ўзинг тушган чоғга мени ҳам тортмоқчи бўлибсан-да? Номард, чайқовчи!

- Чақиринг! Юздаштирасиз! Шоша-пиша ёнимни кавлаб, хизмат гувоҳномамни терговчининг олдига олдим: - Маана, кўринг!

Терговчи унга анчайин бир кўз ташлади-ю, қайтиб қўлимга тутқазди, синовчан тикилиб сўради:

– Оғайнингиз аввал ҳам чайқовчилик билан шуғулланармиди?

Шунда оғзимдан чиққан гап учун ўзимни ҳеч қачон кечирмасам керак:

– Шуғулланган бўлса бордир, мен қаёқдан билай? У оғайним эмас, шунчаки ҳамқишлоқ, ҳамшаҳаримиз.

– Шунақами? У сизни оғайним, яқин оғайним, деди-ку?! Ҳозир олиб келсам, оғайним эмассан, деб юзига айта оласизми?

– ...

– Бўпти, сизга рухсат, – деди терговчи чақирув қоғозига имзо чекиб бераркан, совуққина бир оҳангда. – Иложи бўлса, уйдагиларга хабар қилиб кўйсангиз – келаси жумада суд. Ҳа, шошманг. У сиз ҳақингизда ҳеч нима дегани йўқ. “Оғайним бўлади, икки кеча уйда ётдим”, деди, холос.

Мен терговчига анқайиб қарадим.

Савол ва талпириқлар:

1. Ҳикоя қилувчи – лирик қаҳрамон дўсти Рамазоннинг кириб келишини қандай тасвирлайди? Улар қандай сўзлар билан куришадилар? Рамазон Тошкентга нима мақсадда келади?

2. Нима учун Рамазон хурсанд, “шаҳарлик дўст”и эса “... уни кўрганнинг заҳоти ғам босиб, ташвишга чумасан: хайр энди, осуда кунларим!” дея ташвишга тушади? Бу яхшими?

3. “Шаҳарлик дўст”и Рамазоннинг қандай антиқа қилиқларини, гап-сўзларини баён қилади? Улар Сизда қандай кайфият, Рамазонга нисбатан қандай муносабат уйғотди?

4. Рамазоннинг “Бойсуи янгиликлари” ахборотини қайта ўқинг. Янгиликлардаги сатира ва юморни аниқланг.

5. Рамазоннинг каллақесар Тошни қандай чўчитганини сўзлаб беринг. Сиз бунга ишонасизми? Тошнинг чўчишига “шаҳарлик”нинг у ҳақидаги “ёлғон маълумоти” сабаб бўлди деб ўйлайсизми?

6. Рамазоннинг чайқовчиликда айбланиб мелисага тушгани боис, “шаҳарлик дўст”ни тергов қилганларида, у ўзини қандай тутди? Сиз бу ҳолатни қандай баҳолайсиз?

7. “Мен терговчига анқайиб қарадим”, – дейди “шаҳарлик дўст”. Нега?

* * *

Судга икки кун қолганда – нафталин ҳиди анқиб турган костюмига урушда олган медалларини тақиб Рамазоннинг отаси ва совхозда шофёрлик қиладиган акаси етиб келди.

Ота кўрган одамига нукул бир гапни такрорлайди:

– Тўйдан қочиб келиб эди. Тоғасининг қизига кўнгли йўқми, тўйдан гап очдингиз – ўқишни баҳона қилиб, Тошкентга жўнайди. Армиядан қайтганидан бери шу аҳвол. У ёқда энаси оғир ётибди, “Улимнинг мавридгинасини кўрмай кетадиган бўлдим-да”, деб чирқиллагани-чирқиллагани. Бозор бормоқ тугул оғиздагини элаб ютолмайдиган боланинг бу ишени қаранг энди!

Тажангроқ аканинг баттар тажанглиги тутади:

– Шунингизни ўзи бошдан эркалатиб юбордингизда, ота! Оёғига кишан уриб бўлса ҳам тўйни бошлаш керак эди. Бу муттаҳамга нима етишмасдики, бизни бундай шарманда қилиб ўтирибди!

Ота туриб-туриб мендан нолий кетади:

– А, жиянжон-а, сиз-ку ўқиган, эслаироқ эдингиз, жўрангизни йўлдан қайтармабсиз-да! Нима касофат урдик...

Рамазоннинг суди ҳам ўзига ўхшади – кип-қизил ҳангома! Судья – кўзойнак таққан, ўрта ёшлардаги барваста аёл – йигирма йил шу соҳада ишлаб, бундай антиқа судни ҳам, бунақа галати судланувчини ҳам кўрмаган бўлса керак. Бутун суд давомида у ишни ҳарчанд енгиллаштиришга уринмасин (отанинг кўкрагидаги медаллар, онанинг оғир ётгани тўғрисидаги справкаю бошқа ижобий қоғозларнинг хизмати туфайли бўлса керак), айбланувчининг ўзи унга сари баттар чалкаштирар, чигаллаштирар эди. Рамазон ҳозир айбланувчидан кўра кўпроқ қизиқчига, ўзини атай меровликка соладиган ширк масҳарабозига ўхшарди. Сочи тап-тақир олинган, эгинда – ётган жойидаги аллакимнинг ола-була, ёқаси очиқ, бачкана кўйлаги, кўлларини орқага қилганча бурчакда аллакечук кулгили тарзда кўққайиб турибди. Гўё бу ерда бўлаётган гапларнинг унга сира алоқаси йўқ – тўпланганларини шунчаки кулдириш, мароқлантириш лозим, холос. Саволни тушунмагандек кўзларини пирпиратиб, хонадаги йигирма чоғлик одамга бир-бир қараб чиқади, сўнг шифтга тикилган кўйи шундай бир гап айтиб юборадики, судья кўзойнагини кўлга олиб бақрайиб қолади, гоҳ елкасини қисади, гоҳ бошини чапгаллайди. Бошқалар ҳам шундай. Рамазоннинг ўзи эса менга қараб хижолатомуз илжайиб кўяди. Тергов беравериш жонига текканми ёки бирга ётган тажрибали шерикларининг турли-туман йўл-йўриқлари гангитиб ташлаганми, худлас, уни қандайдир жин чалгани аниқ эди.

– Айбланувчи Ҳайдаров Рамазон, олдин ҳам шу иш билан шуғулланганмисиз? – деб сўрайди судья.

– Мен, Ҳайдаров Рамазон, 1950 йили Бойсун районида туғилиб эдим. Кейин... – дея тутилиб қолади.

– Айбланувчи Ҳайдаров, ҳеч ким сиздан тузилган ишнингизни сўраётгани йўқ. Олдин ҳам чайқовчилик қилганмисиз, деярман?

– Кейин мактабни битириб, Совет Армияси сафида хизмат қилиб эдим. Кейин бўлсам...

– “Кейин, кейин”... – Судьянинг энциси қотди. – Ҳайдаров! Бу гапларнинг ҳаммаси мана – ишингизда ёзилган. Сиз бизга айтинг: аввал ҳам қилганмисиз шу ишни?

– Қанақа ишни?

– Уфф! Чайқовчилик-да!

– Йў-ўқ... Э, қилганман, қилганман.

- Ия, дастлабки терговда: “Чайқовчилик билан шуғулланмаганман”, деган экансиз-ку?

- Шуғулланмаганман-да ўзи.

- А, ҳозиргина нима дедингиз?

- Шуғулланмаганман, десам... ишонасизми?

- Уфф... Айтинг-чи, шеригингиз ким эди?

- Шеригим, шеригим... билмайсан... йўқ эди.

- Шунча юкни бир ўзингиз қандай кўтариб чиқдингиз поездга? Бирор киши ёрдам бергандир?

- Ҳеч ким ёрдам бергани йўқ, ўзимиз... э, ўзим! Нима, чамадон кўтариб юриш кийинми? Ичида тўрт-беш килогина олмаси бор эди, холос.

- Менга қаранг, Ҳайдаров, уч чамадон ва икки қути билан қўлга тушгансиз-ку? Қолганлари кимники эди бўлмаса?

- ...

- Демак, улар бошқа шахсга тегишли бўлган. Орган одамлари кузатаётганини сезиб, у сизга ташлаб қочган, шундайми? А, Ҳайдаров?

- Шундай... Э, йўқ-йўқ, меники эди, меники!

- Айбланувчи Ҳайдаров! Эсингизни йиғиб олинг. Ё тоб-побингиз йўқми? Қаерингиз оғрияпти, айтинг, суд мажлисини тўхтатайлик.

- Эби, нимага? Сопла-соғман.

- Бўлмаса айтинг: бунча узуму анорни кўтариб қаёққа кетаётган эдингиз? Нима мақсадда?

- Шундай айланиб келгани. Барнаул – хизмат қилган жойим. Зўр жой, оғайниларим кўп у ерда...

- Шунча нарсани оғайниларингизга олиб бораётган экансиз-да?

- Йўқ-э, мен уларга тўрттагина олма олган эдим, бўлди. Қуруқ бормайин деб.

- Узум билан анор-чи? Уларни сотмоқчи бўлгансиз-да?

- Нега сотаман? Ахир у... Биласизми, мен Барнаулга...

- Э, Барнаул, Барнаул!.. Олмани қаердан олдингиз?

- Қаерингиз нимаси? Чорбоғдан-да. Кузда борнинг, чорбоғимизда тўлиб ётади, ерга тўкилиб.

- Ўша ёқдан олмани кўтариб келиш шартмиди? Совғага экан, Тошкентдан ола қолсангиз бўларди-ку?

- Бу ернинг олмаси бўлмайди-да, тахир, дорингиз таъми келади. Бизда шундай бир олма бор, “Бойсунинг олмаси”, “жайдари олма” деймиз. Бошқа жойларда битмайди унақаси. Ўзи кўримсизроғу, лекин шундай ширинки, шундай ширин, есангиз...

- Майли, майли, Ҳайдаров, кейин еймиз олмани...

- Зўр олма-да, лекин. Бу, ҳозирги олмаларингиз бари бузилиб кетган. Ҳар балони пайванд қилавериб айнитиб юборишган-да. Фақат бизларда қолган унақаси. Мен ўзим олмани унча яхши кўрмайман. Есам кўнглим айнийди.

– Ҳа-а, демак, олма ўзларингизники, уйдан олиб келгансиз?

– Ие, ишонмасангиз, ана – отам ўтирибди, акам ўтирибди, жўраларим – сўранг! Ка-атта олмазоримиз бор! Ё тўрт кило олмага ҳам справка олиб келайми?

– Бўпти, бўпти, ишондик. Демак, сиз уйингиздан тўрт-беш кило олма олиб, ўша ўзингиз айтгандек, ҳеч жойда битмайдиган антиқа олмадан олиб, бирга хизмат қилган оғайниларингизни кўриб келгани Барнаулга жўнагансиз. Биттагина чамадон билан, биттагина! А, қолган нарсалар кимники эди – узум, анор?

– ...

– Ука, тушунсангиз-чи, биз сизга ёрдам қилмоқчимиз. Яхшилаб ўйлаб, тўғрисиини айтинг. Тақдирингиз ҳал бўляпти, ахир!

– Опажон, бир марта кечиринг!

– Мен сизга “опажон” эмасман!

– Ўзингиз “ука” деяпсиз-ку, мен нима дейин сизни? Отингизни билмасам, фамилиянгни билмасам...

– Отимни билишингиз шарт эмас. Мен сиз учун – граждандан судьяман!

– Мен ҳам граждандан.

– Йўқ, сиз энди – айбланувчисиз, айбдорсиз!

– Мен... айбдорман?! Айбдорман, кечиринг.

Судья кўзларини қаттиқ юмиб, бошини чангаллаганча сарак-сарак қилди. Бу гаплар ҳаммаси тушимда кечаётгандек эди. (тушда бўлмай, ҳаётда ҳам шунақаси бўладими, ахир!)

Ҳукм ўқилди. Чайқовчиликда айбланган Ҳайдаров Рамазон бир йилга озодликдан маҳрум этилди.

У бўйинини қийшатириганча мунгайибгина турарди. Ҳукмни эшитиб аста бошини кўтарди, нимадандир хижолат чеккан мисол ғалати илжайди. Илжайди! Гўё қамоққа эмас, бир йиллик томошага, дунё бўйлаб сайру саёҳатга кетяпти!

Суддан кейин худди бир мўъжиза рўй бериб, “Кечирасизлар, ҳазиллашган эдик, Рамазонжон кеча тузилган чақалоқдек бегуноҳ экан”, дея уни озод қилиб юборадиган каби, ҳовлидаги тут тагида тўдалашиб турган эдик, тасолифан Тошга кўзим тушди. У қандайдир милиция лейтенанти билан юрган экан.

– Ҳи, бундоқ? – олдидан ўтаётиб,

– Яна ўша!.. – дедим маъноли қилиб.

– Ўша-я! – У кўрсаткич бармоғи билан кекирдагини “кесиб”, “нима, одам ўлдирганми?” демоқчи бўлди.

– Шунга яқин, – дедим бу гал камтарлик билан: кайфиятим бузуқ эди.

Тош “зўр экан, тан бердим”, деган каби бошини ликиллатиб, лейтенантнинг кетидан зипиллади. “Рамазондан қолишмаслик учун” тўртинчи марта “Ҳазиллашиб” қўйганми, ким билсин...

Бир пайт қандайдир шанғиллаган овоз қулоғимга чалинди:

– Э-эй, шеърингни ўқидим – газета берар экан!

Овоз келган тарафга қарасам – Рамазон! Қўллари орқада, икки соқчининг ўртасида ёпиқ машина томон кетяпи, кўзлари чақнайди: “Э-эй, шеърингни ўқидим...”

“Ўл-э, – дедим ичимда, – шундай пайтда менинг шеъримга бало борми; ўзингни ўйласанг-чи! – Лекин худбинлик устун келди: – Ўқибди-я, қаерда ўқибди!”

Рамазоннинг ортидан қараб қоларканман, негадир унинг сеvimли кўшиғи эсимга тушди: “Хуш қол энди-и, Зуҳраҳоним...”

– Жўранг қип-қизил галча экан, – деди судга бирга борган ёзувчи дўстим, қайтишда, – Ўзини ўзи қаматди: Чеховнинг “Ёвуз ниятли киши” ҳикоясидаги Дениснинг ўзгинаси-я! Ўқиганда шунақа одамлар борлигига ишонмаган эдим...

– Кечкурун уйда Рамазоннинг отаси билан акасини хўб кутдим, мендан домангир бўлишганми ёки бу кўргиликдан гангиб Бойсунга жўнаворишганми – келишмади.

Рамазоннинг қамалганига беш ой бўлди. Беш ойдирки, юрсам ҳам, турсам ҳам – ичимда бир тугун, қаттиқ, озорли тугун. Жоним чиқади, Рамазонни сўкаман, сўкаману, ажабо, кўргим келади уни, кўргим! Унинг олдида ўзимни айбдор сезаман. Тўғри, у кўп гашимга теккан, мени кўп галваларга қолдирган, балки муттаҳамдир, чайқавчидир, лекин барибир – жўрам! Жўрам ётибди. Қамокда. Қанақа жой экан у?

Беш ой давомида ундан учта хат келди. Аммо... учаласи ҳам биттагина сўздан иборат: “Чантриморэ!” Вассалом.

“Чантриморэ” – демак иши жойида.

Чантриморэ... Каламакаторэ... Шоди гаранг... Болалигимиз эртаги, завқи, кувончи. Мактабимизнинг ёнида яшарди. Қачон қараманг, илжайиб турарди. Башарига бақрайиб сўксангиз ҳам илжарди – эшитмасди, қулоғи оғир эди. Қишин-ёзин мудом бўйин-бошини малла қийиқ билан танғиб, кулоқчин бостириб юрарди. Оқшомлари эшиги оғзидаги супачада, гўё ҳеч ким эшитолмайдиган бир куйни тинглаётгандек, кўзлари чала юмуқ, мудраб-чайқалиб ўтирарди. Аҳён-аҳёнда ўткинчилардан бирортасига қараб: “Чантриморэ!” дея ҳайқирар, “Чантриморэ!” десагиз “Каламакаторэ!” деб жавоб қайтарар эди. Ҳовлиси муюлишдаги, пастлаб кетган тор кўчанинг адоғида эди. Киш қуилари, ер музлаганда биз унга сув сениб, кўча оғзида Шоди гарангнинг ишдан қайтишини пойлардик. У бамайлихотир юриб келиб, худди қар эмас, басирдек, ойна мисол ялтираб ётган сирпанчиққа оёқ кўяр ва шу заҳоти бор бўйи кўтарилиб тушар, бошидаги кулоқчин отилиб кетиб, ўзи сирғалганча дарвозаси тагига бориб қолар эди. Биз эса тор кўчани қийқириққа кўмиб юборардик: “Чантриморэ! Каламакаторэ! Чантриморэ! Каламакаторэ!..” Шоди гаранг алпонг-талпонг жойидан туриб, кулоқчинига қараб чопарди. Сўнг кўзларини олайтириб, бизга нўписа қила-қила ҳовлиси томон юрар, хиёл ўтмай, чопони барини олмага тўлдириб чиқар ва уни қорининг устига кубба шаклида териб қўйиб, ўзи уйига кириб кетар эди. Биз битта-битта сирпана бориб, олмаларни қўйин-қўнжимизга жойлаб: “Чантриморэ! Чантриморэ!” дея сурон

солганча кўча бошига қайтардик. Шоди гаранг эса дарвозадан бошини чиқариб ҳайқириб қоларди: “Каламакаторэ! Каламакаторэ!..”

Доим шундай бўларди. Биз доим тор кўчага сув сешиб қўяр, Шоди гаранг доим кўра-била ўша ердан юриб учиб тушар, кейин туриб бизга нўнуса қилар, лекин доим олма билан сийлар эди. Доим! Унинг фарзанди йўқ эди. Хотини бор, ҳовли-жойи бор, каттакон олмазор боғи бор – фарзанди йўқ эди.

Бир куни кимдир мени телефонга чақириб, “Туш пастга!” деб дўқ қилди. “Кимсан ўзинг?” дедим жаҳдим чиқиб. Ногаҳон мен сира кутмаган шағи овоз янгради: “Чантриморэ!” Юрагим гупиллаб кетди. Қаердан? Қандай қилиб? Наҳотки?..

Тушсам – ишхонамиз олдидаги хиёбонда биров ишшайиб турибди. Юзи шишиқираган, кўзлари ич-ичига чўккан, кўйлак-шимми ёғим бир кимса. Рамазон!

– Ҳа?! – дедим ҳовлиқиб, таҳлика билан.

– Келдим.

– Қандай? Ҳали, ҳали вақт бор-ку?

– Қочдим-да, жўражон, сени кўргим келди. – У қулочларини кенг ёзиб яқинлаша бошлади.

– Қочдинг?! – Мен, тўғриси, алланечук иргандимми, тисарилдим ва ғазаб билан бақирдим: – Йўқол, кўзимга кўринма! Мени тинч қўй!

– Панжарадан келган одамниям жўраси шундай кутиб оладими?!

Уни қайта суд қилиб, очикқа – мажбурий хизматга чиқаришибди.

– Оқлашди, жўражон, оқлашди. – дея тинмай қиқирларди у. – Айбим йўқ эди-да ўзи.

– Нега айбинг бўлмас экан? Чайқовчи! Бизда бегуноҳ одамни қамамайди. Унақа қонун йўқ.

– Мана мени қамади-ку? Э, у ердаги одамларнинг гапини эшитиб турсанг, бирортасиниям тирноқча айби йўқ. Лекин – бор, бор! Мана, ўзимни олайлик, айбим йўқ эди – бор чиқди. Шундай гап-да. – Рамазон кафтини тўлдириб нос отди. У қандайдир ўзгариб – жиддийлашибди, чала файласуфга ўхшаб қолган эди: илгари ҳеч бундай гапирмасди. Носини тупургач, енгил тортандек қўл силтаб, давом этди. – Майли, бу гаплар ҳозир бефойда, барибир ишонмайсан. Кейин бир кун ҳаммасини айтиб бераман. Лекин бояги гапинг тўғри, айби бўлмаса қамамайди. Айб, айб деймизу кимда йўқ у, жўражон? Мана шу савлат тўкиб юрганларнинг ҳаммаси ҳам ошпоқми?

Сўнг у туйқусдан эски ашуласини эслаб қолди:

– Юр, жўражон, икковимиз бир портретга тушайлик!

– Шу афт, шу ангор биланми? – дедим кулиб. – Бошқа пайт, бошқа пайт.

Рамазон ўша куни меникида тунаб, эртаси ишига кетди. Иши оғир – тандирдан чўдек қизиб чиққан ёштларни олиб тахлар экан: ҳориб-чуйкаб, кафтлари қавариб, ойда бир марта, шунда ҳам йўлжира сўраб келарди. Ҳордик

куни шаҳарга тушиб, эски одати – бор-будини аллакимларга улашиб, кетишда мендан пул сўраб келарди.

Ўша ўзимизнинг Рамазон!

Олти ойдан кейин унинг жазо муддати битди. Битган куни у кечки поездга билет олиб, ишхонамга келди.

– Ҳамма жўрангни чақир!

– Ҳа, яна бирор ҳунаринг қолганмиди?

– Би-ир регистронда ўтирайлик! Кетар жафосига!

Ишдан эртарақ чиқиб, тўрт-беш улфат “Зарафшон” ресторанига бордик. Рамазон ҳамма нарсаи тахт қилиб, узун столнинг тўрида тиржайиб ўтирган эди.

– Бор жўранг шуми? Э, бечора! Зикнализингга борибсан-да. Қўрқма, картмон катта, атаб қўйганини берди!

Ўша кеч ресторанда роса яйрадик. Рамазоннинг ўзи айниқса байрам қилди. Музика бошланиши ҳамон ўртага тушиб, ҳоддан тойгунча ўйнади. Ўйини ҳам ўзига ўхшаган эди: гоҳ тиззаларига шапатилай-шапатилай давра бўйлаб кавказчасига йўргалаб кетади, гоҳ қўлларини икки ёнга силкитганча кифтларини қимирлатиб, “Ҳа-а, ҳу-у!” дея қийқиради, хайқиради, сакрайди, иргншлайди, гоҳ жилмаяди, гоҳ ҳазилга қовогини уюб олади, дуч келган қизини ўйинга тортади, ажабки, у ҳам нозланиб ўтирмай пешвоз чиқиб бораверади, қизга қараб кулади, йирғайди, нўписа қилади, ёлворади; энди мағрур, пурвиқор, кейин яна тушқун, ғамгузор, яна изҳор, илтижо... Чапак, олқишлар...

Бутун ресторан аҳли томошабин, барчанинг кўзи Рамазонда. Бугун у байрам қиларди, тантана қиларди, кечаги ғаму ғуборларини унутган, яна аслига қайтган, ўша эски – беғам, беғубор Рамазонга айланган эди.

Ресторандан чиққач, шерикларимга жавоб бериб, Рамазонни кузатгани у билан вокзалга бордим. Поезд ҳали келмаган экан, сув ичиш баҳона тағин ресторанга кирдик. Кайфи анча ошиб қолган Рамазон ана шунда дардини ёрди.

– Барибир ишонамайсан-да, жўражон, – дея гап бошлади у. – Лекин илтимос: бу сафар ишон!

Рамазон ўшанда ростдан ҳам Барнаулга жўнаган экан. Поездни кутиб ўтириб, мана шу ерда, ресторанда бир киши билан танишиб қолади. Бирга овқатланишади. Кейин Рамазон унинг юкларини – ўша машъум чамадон ва қутиларни вагонга жойлашга кўмаклашади. Поезд жўнай-жўнай деб турганда куnega икки одам кириб келади. Уларнинг шарпасини олдинроқ сезган ҳалиги киши таҳлика аралаш йиғлаб-ёлвориб Рамазонга ёпишади: “Жон ука, юклар меники, денг, ярми меники, денг. Чиқиб кетсак, фойдани тенг бўламиз. Мени билдишади, кўлга тушсам... Сиз ёшсиз, кечирншади”, алай-балай. Рамазон – гўл, тайтув Рамазон лаққа ишонади, ҳеч балони ўйламасдан рози бўлади. Хушини йиғиб қараса – атрофини милиционерлар ўраб турибди. “Ҳа, меники, меники, – дейди саросимада қолиб, – ҳаммаси меники”. Ёнига қараса – ҳалиги киши йўк, ерга киргандек зим-ғойиб.

– Ана, айтдим-ку, ишонмадинг, барибир ишонмайсан, – деди Рамазон ҳафсаласи пир бўлгандек, қандайдир мунг билан, – Ҳеч ким ишонмайди.

– Шу гапларни нега судда айтмадинг? – дедим ҳайратим ошиб.

– Айтиб эдим, терговда минг марта такрорладим. Терговчи эшитгиси келмади. “Сенларнинг ҳаммаиғ шунақа тулкисан!” деди. Нима қилсин – шунча нарса билан қўлга тушганингдан кейин елкангга қоқиб, қўйиб юборсинми? Кимвидир қамаши керак-ку, уларнинг ҳам плани бордир. Узи терговиям, камерасиям жонга теккан эди, жўра, э, чўзилиб ётадим, худонинг буюргани-да, дедим.

– Аҳмоқ, тентак! Бир муттаҳамнинг найрангига учи-иб... Одам ҳам шундай аной бўладими? Мен ўлақолсам ишонмасдим.

– Мен ишондим-да, жўражон, нима қилай? Еттита болам бор, деди, еттови ҳам қиз, деди. Учтаси буй етган, узатишим керак, ўзим заводда оддий қоровулман, жигарим касал, деди. Аҳволини кўрган киши, агар инсон бўлса ишонарди, мен ҳам ишонибман-да, жўражон!

– Мана – ишончингга мукофот!.. Сен ҳам қочгин эди, “билмайман, меники эмас”, деб туриб олгин эди, каллаварам!

– Бундай қилсам, уни тутар эди-да? Сўз берган эдим, номардлик бўларди...

– Ие! – дедим фиғоним чиқиб. – Ҳа, тутсин эди, қамасин эди – қилмишига яраша! Вой аҳмоғ-эй, сўз берган эмиш! Балки қизларининг ташвишини қилгандирсан, эрсиз қолади шўрликлар, деб?! Эҳтимол, ўша уччига чиққан чайқовчидир, қаллобдир! Улар шунақа бўлади. Баъзан ҳатто уйдаги хотинини ҳам ўртага қўйиб...

– Унисини сенлар биласан, гапга бойсанлар. Қап-қатта одам кўзига ёш олиб гапирганда ишонмай бўладими? Сочлари ҳам оқ эди... Майли, жўра, энди пушаймоннинг фойдаси йўқ – бўлгани бўлди, бўёғи синди. Дунёни панжарадан ҳам бир кўриб қўйдим-да, зиён қилмас...

Рамазон чаккасини кафтига босган кўйи дераза оша перронга тикилиб ўтирарди. Ҳайчан, беозор, хокисоргина... “Уни хушламаслик, ёқтирмаслик мумкин, лекин ёмон кўриб бўлмайди”, деб ўйладим ичимда.

У бир пайт чап кўзини қисниқираганча нима деб қолди денг:

– Ҳозир Новосибирск поезди келади, ҳайё-ҳуйт деб Барнаулга жўнаворсам-чи?

– Ўлгинг келган бўлса шундай қил, милисага тутиб бермаган ҳам номард! – дедим аччиқланиб. Лакалов қилиқлари, гап-сўзлари яна бирпасда кўнглимга урган эди. – Рамазон, бошини қотирма, қаёққа кетсанг кет, жўна! Илтимос, энди бу ёқларга кадам боса кўрма!

Рамазон кетди. Поезд ўрнидан қўзғалганда перрон бўйлаб бир ҳайқирик янгради: “Чантриморэ-э!” “Каламакаторэ!” бўғзимда қолди – айтолмадим. Поезд энди тўхтамайди, уни на мен, на Рамазон тўхтата олади. Рамазон эса кетди, жўнаб кетди, энди келмайди!

У кетган шаҳар, гада-говур шаҳар бирдан зерикарли, фойдасиз кўринди кўзимга.

Шундай қилиб, Рамазон кетди, бошқа келмади. Борган йили уйланди, барибир ўша қизга – тоғасининг қизига уйланди. (Онаси ҳам тузалиб қолган бўлса керак.) Иккинчи йили ўзига иморат қурди. Ҳозир ўғлига тўй қилмоқ тарадудиди юрганмиш...

Бултур кузакда Бойсунга борганимда бозор айланиб юрсак, ёнимдаги ҳамроҳим:
– Ана, ошнангизни қаранг! – деб қолди.

Рамазон! Олдида бир чойкути, бозорни бошига кўтариб, енг шимарганча олма сотаяпти. Кўнглимда шубҳа уйғонди: “Ўшандаги гап тасодиф эмас шекилли, асли қонда бор экан-да бунинг”. Лекин нима ҳам дердинг – тирикчилик, бировнинг рўзгорини биров тебратмайди.

– Барнаулда олма камчил эмиш. Барнаулга олиб бориш керак эди! – дедим яқинлашиб, киноя билан.

– Э.э. жўражон! – дея юзи ёришганча ўрнидан туриб кетди у. – Ўзим ҳам Барнаулни кўзлаб турувдим, сендай маслаҳатчига зор бўлиб. Нима қилай, жўра. ер билан битта тўкилиб ётибди. Молга берай десам, кўнгли бўлмайди, увол. Ундан кўра... – Ундан кўра... – Рамазон танлаб-танлаб, ҳамроҳим билан менга иккитадан олма тутқазди. – Еб кўринглар, бунақаси Боғи Эрамда ҳам йўқ!

Бирпас олдида чақчақлашиб турдик. У ҳай-ҳувлаб ўтган-кетганини чақирар, идиши бўлса идишини, бўлмаса – қўйини-қўнжини олмага тўлатиб жўнатар эди.

– Пулини нега олмаясан?

– Э, отамга қавм бўлади, ноқулай.

– Буниси-чи?

– Э, она жамоатимиздан қариндош...

– Олманг кўн бўлса, давлатга торширмайсаним бундай қилиб ўтиргунча?

– Қарзим борми? Арзон олади!

– Ахир, ҳаммага текин улашясан-ку?

– Э, бири хеш, бири табор.

– Сенга бегонаси бормикан Бойсунда?

– Бор. – деди Рамазон тиржайиб. – Мана – сени! Мусофир, сотқин, шаҳарлик!

У кечкурун бир тўрхалта сара олма кўтариб уйимизга келди.

– Яхшим, ёмонми, шоир номинг бор, кўчада олма кўтариб юрсанг обрўйинг бузилади, дедим.

“Обрўйинг бузилади”, “Тўкилади” эмас, “бузилади”! Рамазоннинг гапи, Рамазонгина шундай дейиши мумкин!

Ана сизга – Ра-ма-зо-он!

Рамазон, жўра, жўражон, мана – қўлимдан келганича сени нақл қилдим. Мен бу нарсани сен учун, сенга бағишлаб ёздим. Баъзи ўринларда ошириброқ юборган бўлсам, кўнглингга олмассан. Бу иш қурғур ўзи шунақа, шундай қилмаса бўлмайди.

Мендан аҳвол сўрасанг – турмушим экича, бир маромда. Чатоғи шундаки, би-ир маромда! Нолнётганим йўқ, ҳамма нарсам етарли, жойида. Лекин,

ҳаётимга нимадир етишмайди, нимадир – йирикроқ ташвиш деймизми, тўполон деймизми ёки бир мўъжизами... Қилаётган ишларимдан кўнглим тўлмайди, ҳаммаси кўзимга майда, арзимасдек туюлади. Ишга бориб кутасан ўша нарсани, уйга келиб кутасан – беҳуда. Гоҳо бошингни деворга ургинг келади – шояд бирор янгилик рўй берса!..

Бу нолиш, шикоят эмас, Рамазон – ҳасрат, дўстнинг дўста ҳасрати!

Кеча кечаси бировнинг йўталидан уйғониб кетдим. Қаттиқ йўталарди, бетон деворга қозиқ қоққандек бўғиқ йўтал. “Қизимми?!” Уйқу қочди. Хотинимни уйғотиб, “Туриб қарасанг-чи!” – дедим. Нариги хонага чиқиб, кизимдан хабар олган хотиним: “Э, кўшинининг боласи-ку!” деди. Ўша заҳоти хотиржамгина уйқуга кетибман.

Нега бундай, Рамазон?

Ўтган ҳафта тунга яқин уйимга телефон бўлди. Бойсундан. Бир ҳамшаҳаримизнинг тоғаси вафот этибди, эрталаб чиқаришмоқчи, иложи бўлса, шу гапни жиянига етказишим керак экан. “Бемаҳалда сизни безовта қилдик-да, оғажон, овора бўласиз-да, – деб қайта-қайта узр сўрашди. – Илоё бир ўғлингиз ўнта бўлсин, барака топинг”, дея роса алқашди. Ишдан қаттиқ чарчаб келган эдим, ўзимча мулоҳаза юритдим: “Жиянининг уйи шаҳарнинг бир четида! Эрталаб чиқаришаркан, бугун бориб айтдим нимаю, саҳарда ишхона-сига телефон қилиб кўйдим нима – барибир жанозага етиб боролмайди”. Етиб боролмаслиги аниқ эди, лекин...

Ана шундай, менинг уйимда телефон бор! Хоҳласам кўнгироқ қиламан, хоҳласам – йўқ! Нега бундай, Рамазон? Ўрнимда сен бўлганингда нима қилардинг?

Судингда қатнашган ёзувчи дўстим яқинда: “Ўзини ўзи қаматган афан-дирок бир ошнанг бор эди, қаерда ҳозир, нима иш қилипти?” дея сени сўраб қолди.

Афандимидинг, Рамазон? Ҳозир ҳам шундаймисан? Биладан, шундайсан, сен ўзгармайсан. Аммо мен нега ўзгардим? Нега бундай бўлиб қолдим? Нега ўшандаги зорланишларингга кулиб қарадим, сен билан “бир портрет”га тушмадим? Тушганимда, бугун уйи хонамининг тўрига осиб қўярдим – баъзи нарсаларни эслатиб, баъзи нарсалардан огоҳлантириб турарди. Мен айтган “поза”лардан, сен айтган “фоза”лардан...

Бир ҳафталик бетайин, бемаъно куйди-пишдилар оқибати – шанба кунлари тургим келмай, тўшакда узоқ чўзилиб ётаман, гапниб, қарахт ётавераман, кутиб – ниманидир, кимнидир... Мана, ҳозир сен кириб келасан. Тўсатдан. Ташвиш билан, тўполон билан. Олма олиб келасан, жайдари олма. “Чантриморэ-э!” – дейсан қулочингни кенг ёзиб. “Қаламакаторэ!” – дейман мен...

Бу нима дегани, Рамазон? Қайси тилдан бу галати сўзлар, маъноси нима? Мен билмайман, сен ҳам билмайсан. Шоди гарангдан сўрайлик десак, у эди йўқ – узоқ йили ўлган. Мияси айниб ўлган. Қулоқнинг захмидан. Урушининг касри.

Ундан тирноқ – фарзанд қолмади, мол-дунё қолмади – “Чантриморэ” қолди.
“Каламакторэ” қолди бизга: сенга, менга...

Нима дегани бу?

Ўйлашимча, буни энди фақат икки киши – иккаламизгина тушунадиганга
ўхшаймиз: сену мен.

Сўзлот ва топширақлар:

1. “Рамазоннинг суди ҳам ўзига ўхшади – қип-қизил хангома!” Ҳикоя матни ёрдамида
“хангома” бўлганини изоҳланг. Судда Рамазон ўзини қандай тутди?

2. Рамазон судда нега ўзини ҳимоя қилмади? Ростини айтса бўларди-ку.

3. “Беш ойдирки, юрсам ҳам, турсам ҳам – ичимда бир тугун, қаттиқ, озорли тугун”,
- ўйлайди “шаҳарлик дўст” Нега?

4. Ҳикоячи “чантриморэ” ва “каламакторэ” сўзларининг келиб чиқиши ҳақида Шоди
гаранг билан боғлиқ қандай воқеани баён қилади?

5. Беш ойда оқланиб келган Рамазон ўзининг чайқовчиликда айбланиши билан боғлиқ
қандай ҳақиқатни айтиб берди?

6. Рамазоннинг Бойсундаги фаолияти ҳақида сўзланг. Уни чайқовчи дейиш мумкинми?

7. Рамазоннинг фель-атвори, одамларга муносабатини қандай баҳолайсиз? Ёзувчи
замондошларимиз табиатида Рамазонда мавжуд қандай фазилатларнинг камайиб
бораётганига ишора қилади?

8. Ҳикоянинг “Аноининг жайдари олмаси” деб номланишида қандай рамзий маъно
бор, деб ўйлайсиз?

9. “...ҳаётимга нимадир етишмайди... Қилаётган ишларимдан кўнглим тўлмайди...”,
дея ҳасрат қилади “шаҳарлик дўст” хаёлан. Нега? Унинг руҳий ҳолатини изоҳлашга
ҳаракат қилинг.

Тестларни ечинг:

1. “У ҳар йили... шамолларга қўшилиб, шамолдек тўполон билан кириб
келарди” жумласида қандай тасвирий восита қўлланилган?

А. Истиора, Б. Ўхшатиш, В. Антитеза, Г. Аруз, Д. Қофия.

2. “Рамазон ана шунинг (Тош безорининг) капалагини учирди” жумласида
қандай тил ҳодисаси мавжуд?

А. Синоним, Б. Антоним, В. Омоним, Г. Фразеологизм, Д. Синеκдохя.

3. Шаҳарлик дўстининг терговчи билан “суҳбаҳ” даги ўзини тутишини баҳоланг.

А. Чин дўст, Б. Қўрқоқ, В. Пухта, Г. Ҳаёт синовиға тайёр эмас, Д. Б, Г.

4. “Сочи тап-тақир олинган, эғнида – ётган жойидаги аллакимнинг ола-
була, ёқаси очиқ, бачкана кўйлаги, қўлларини орқага қилганча бурчакда
алланечук кулгили тарзда кўққайиб турибди”. Бу қандай тасвир?

А. Пейзаж, Б. Ўхшатиш, В. Сюжет, Г. Портрет, Д. Муболага.

5. Рамазон ноқонуний юк – мева-чева эгасини нега сотмади?

А. Қўрқанидан, Б. Қўрқмаганидан, В. Аҳмоқлигидан, Г. Мардлигидан, Д. Раҳми
келганидан.

6. Рамазон характеридаги қайси фазилатлар сизга ёқади?

А. Самимийлик, Б. Тўпорлик, В. Қўрқмаслик, Г. Тўғри жавоб йўқ, Д. А, Б, В.

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА

(1947 йида туғилган)

Ҳалима Худойбердиева 1947 йил 17 майда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилди. Отаси – Ум-матқул Худойберди ўғли боғбон эди. Онаси – Шарофат Хонназар қизи бўлажак шоира энди икки ёшли бўлганида вафот этади. Сўнг унга холаси – қишлоғининг фаол аёлларидан бўлган Қаршигул Хонназар қизи оналик қилади. Отаси ҳам, онаси ҳам завқли одамлар бўлиб, гўзалликнинг, эзгуликнинг, бадний сўзнинг қадрини биладиган кишилар эди. „Менинг анчагина асарларим, жумладан, „Бир ўрим соч тарихи“, „Сайрам бахши айтимлари“, „Хиндикушдан нола келди“ шеърларим. „Илиж“ дostonим айнан онайзорим таъсирида битилгандир“ – деб эслайди шоира. Бўлажак шоира болалигида барча шўро ёшларига хос „чиниқиш мактаби“дан ўтди: мактабда ўқиди, гўза яганаси ва чопиғига чиқди, нилла қурти боқди, пахта терди, шанбаликларда тер тўқди...



Табиат ато этган истеъдод интилувчан, уринчоқ ва тиришқоқ қишлоқ кизини пойтахтга олиб келди. Ҳалима Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг талабаси бўлди. 1972 йили дорулфунуннинг журналистика факультетини муваффақиятли битирди. Давр билан елкадош бўлишни истаган ёш шоира Тошкентда олган билимлари билан қаноатланмай, 1975–1977 йилларда Москвадаги Олий Адабиёт курсида таҳсил олди.

Ўқувчилик йилларидаёқ шеърлар ёза бошлаган ва ўзига хос истеъдоди, ифода тарзининг таровати билан Ҳалима Худойбердиева Шароф Рашидовдай улкан арбоб ва йирик ижодкорнинг эътиборига тушди. Шароф Рашидов Сирдарё вилоятининг ўша пайтдаги раҳбарларига ёш шоира қизини назардан қочирмасликни тайинлади. Ш. Рашидов кейинчалик ҳам истеъдодли шoirани қўллаб турди. Ҳалиманинг дастлабки шеърий мажмуаси – „Илк муҳаббат“ ҳали талаба чоғида – 1969-йили чоп этилди. Биринчи китобча ўзбек шеърлигига ўзига хос шоира кириб келаётганлигидан далолат берди. Ёш Ҳалима учун ижод эрмак эмас, ҳаёт-мамонт масаласи эди. У бир шеърда: „Шунчаки ёзмоқлик шоирга ўлим“, – дейди. Шоиранинг „Оқ олмалар“, „Чаман“ китоблари кетма-кет чоп этилди. „Суяич тоғларим“, „Бобо қуёш“, „Иссиқ қор“, „Салоқат“.

„Муқаддас аёл“, „Юрагимнинг оғриқ нуқталари“ сингари шеърӣй тўпламлари кетма-кет нашр этилди.

Шоиранинг шеърлари қатор хорижий тилларга таржима қилинган. Унинг русчага таржима этилган шеърлари „Гордост“ (1976), „Белое яблоко“ (1979), „Решимост“ (1985) номли тўпламлари Москва ва Тошкентда босилди. Ҳалима Худойбердиеванинг „Бу кунларга етганлар бор“ ва „Туркистон онаси“ шеърӣй китоблари халқимиз мустақилликка эришгандан кейин чоп этилган. Шоира қирғиз, тожик, рус, япон, татар шоирлари ва драматургларининг бир қанча асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳалима Худойбердиева 1990 йили „Муқаддас аёл“ тўплами учун Республика давлат мукофотига сазовор бўлган.

У 1985 йилдан бошлаб салкам ўн йил мобайнида „Саодат“ журналининг бош муҳаррири лавозимида ишлади.

1991 йилда шоирага „Ўзбекистон халқ шоираси“ унвони берилди.

Ҳалима Худойбердиева шеъриятида инсон кўнглидаги мураккаб ҳис-туйғулар, зиддиятлар руҳиятнинг ғоят мураккаб манзаралари таъсирчан акс этади. Шоира „Бегим, сизни худойим...“ шеърининг яратилиши ҳақида шундай деб ёзади: „Шундай ривоят кўнглимда юрарди. Буни бир жойдан эшитганманми, ўзим ўйлаб топганманми, аниқ билмасдим. Бир-бирига ўта кўнгли қўйган, меҳру садоқатда тенги йўқ гўзал эру хотин узоқ йиллар яшаб фарзанд кўришмапти. Учрамаган табиби, сирлашмаган ҳабиби қолмапти. Турли таъсирлар, узоқ маслаҳатлардан кейин хотин эрининг уйланмоғига рози бўлибди. Хотин ўз уйининг тўғрисидаги янги уйга келин келиб тушгач, шом аралаш, одамларнинг кўзини хато қилиб, икки уй оралигидаги катта масофада бутун ҳовли юзига миҳ қоқиб чиқибди. Зора, оёғига миҳ кириб қийналиб, ҳовлида юролмаса... Зора, бу фожиали туни ёстиқни тишлаб ётиб бўлса-да, ўз хобгоҳида ўтказолса... Тоғида уйғониб ҳовлига чиққанлар ўз уйида беҳуш ётган аёлни ва аёл оёғидан оққан қондан қин-қизил долазорга айланган ҳовли юзини кўрадилар. Дастлабки туртки шу – „Миҳнинг, тиғнинг захрини сезмай ёниб бораман“ сатри бўлиб, кўнглимни қиздирди. Қолгани ижодкорнинг хаёлот...“ Ҳалима Худойбердиеванинг деярли барча шеърларида чуқур инсоний изтироблар, дардлар, севинчлар, олийжаноб ҳаёллар, мардона ўйлар жуда таъсирли, ёрқин чиқилган. Шоира шеърхонини ўзига эргаштиради, чин ва самимий туйғулар тасвири ёрламида ром этади. Қуйида Сиз Ҳалима Худойбердиева ижодининг намуналари билан танишасиз ва, умид қиламизки, уларни ёқтириб қоласиз.

Дориломон кунлар келди...

Онагинам!

Дориломон кунлар келди, шафақлари ол,
Қаён боқсанг, шайланишар ва созлашар тор.
Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол:
„Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор“.
Сўлгин-сўлгин лабларингдан учаркан шу сўз,
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.
Дориломон кунларга қайт, она, юмиб кўз,
Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.
Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.
Белгинангга тиргак бўлай, онажоним, тур,
Дориломон қуёшга боқ, унга қасдма-қасд.
Юзинг ардоқли қуёшдай иссиқ ва маҳваш,
Кўзларингга умид ёнар тикилган они.
Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш.
Қизғиш лоларанг қошлайдир бу кун дунёни.
Бу дунёнинг қир-дарасин ҳосияти мўл,
Ерни яланг оёқ боссанг яйрайди танинг.
Яшамоқ — бир тансиқ гаом, унга урсанг кўл,
Борган сари очиладир иштаҳанг санинг.
Боғлардаги етилгуси ҳар мевали шох,
Ризқдир бизга, ризққа доим дил илинжлиқдир.
Ўғлонларинг келар ана очишиб қучоқ,
Ўғлонларинг мева қадар бир шириликдир.
Онагинам!
Ўзинг тортма давралардан эл чорлаганда,
„Тирикликнинг байрами“, — деб сўзлаганда тор.
Ўзинг сўлгин лаблар билан пичирлагандай:
„Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор“.

1970

Савол ва җавоблар

1. Шеърда: „Дориломон кунлар“ деганда шоира нимани кўзда тутаетир?
2. „Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол: „Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор“ сатрларида ўзбек оналарига ҳос қандай хусусиятлар акс эттириляпти деб ўйлайсиз?
3. Онанинг лаблари „...сўлгин-сўлгин“ эканлиги сабаблари ҳақида мулоҳаза юритинг.
4. Онага нисбатан фарзандлик муҳаббати қайси сатрларда айниқса ёрқин кўзга ташланади?

5. „Дориломон кунларга қайт, она, юмиб кўз, Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат“ сатрларини изоҳланг. „Юмиб кўз“ бирикмаси чақириқми ёки ҳолатнинг ифодасими? „Ўксик дил“да бошланиши мумкин бўлган қиёматнинг руҳий-ҳаётий сабаблари ҳақида мулоҳаза юритинг.

6. „Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр, гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст...“ сатрларини шарҳлаб беринг.

7. „Қорли кунлар билан кетсин дилнингдаги ғаш“ сатри замиридаги маънони илғаб олишга урининг. „Қорли кун“ дейилганда нима назарда тутилаётир деб ўйлайсиз?

8. Шеърдаги: „Қизғиш лоларанг қоплайдир бу кун дунёни“ сатри орқали ифодаланаётган ҳолат, вазият ва мазмунни англашга интилинг.

9. „Яшамоқ бир таъсиқ таом, унга урсанг қўл, Борган сари очиладур интаҳанг санинг“ сатрлари замиридаги мазмунни изоҳланг. Лирик қаҳрамон онасида шу ҳолатни сезаётirmi?

10. „Ўғлонларнинг мева қадар бир ширинликдир“ сатрининг мазмуни ва бадий ифода тарзини шарҳланг.

11. „Онагинам! Ўзинг тортма давралардан эл чорлаганда“ мисраси орқали шоирнинг қандай истаги ифода этилаётир?

12. Шеърин ёд олинг.

Бегим, сизни худойим...

Бегим, сизни худойим расо қилиб яратган,
Кимлариндир ўйчану, сизни кулиб яратган.
Ногаҳон бериб кўйиб бу ҳусни, камолни
Ўзи ҳам рашк, ҳасадга тўлиб-тўлиб яратган.

Қия тушган нигоҳни армонга йўймагайсиз,
Қиз қалбига севмоқни осонга йўймагайсиз.
Қийнамангиз, у ўзи ўртангучи бир бағир,
Бу бағирни кенгликда, осмонга йўймагайсиз.

Сиз худдики Фарҳодсиз, Ширин қайдадир, бегим,
Орзуларим дилда-ю, нолам найдадир, бегим.
Сиз десам, бар¹ тутқазмай, сочилган ўйларимдай,
Бу тонг қаро сочларим майда-майдадир, бегим.

Сизни мен ўзимга ҳам лойиқ кўрмам, рости гап,
Ўзгага бермоқ эса, тушимга кирмас ухлаб.
Ўзга билан кетсангиз, равон йўллар қолмасин,
Бегим, иккиланмасдан ер юзин ташланг михлаб.

Михнинг, тиғнинг захрини сезмай ёниб борамаи,
Ишқ зардобли шаробдир, қониб-қониб борамаи.
Ҳеч ким билан сирлашмай, ҳеч кимсага тутмай май,
Ўз қоним билан ўзим алволланиб борамаи.

¹ Бар – этак.

Хайратларда қотгайсиз мени кўрганда ул дам,
 Ёнигиздаги совуқ сулудан совурсиз ҳам,
 Сизни обдан муздатгач, ўзим қайтарман чунки
 Бунгача йўқ садоқат, бундан сўнг ҳам бўлар кам.
 Ўзга тортмам, чексам ҳам шунча жабру жафони,
 Ўзгага ҳам бермасман. Сиздек бир бевафони!
 Бегим, Сизни худойим расо қилиб яратган...

Савол ва топшириқлар!

1. Шеърни сокин ва таъсирли оҳангда ўқинг.
2. Қиз қалбининг нозик тебранишлари қайси сатрларда айниқса гўзал тасвир этилган?
3. Шеърнинг дастлабки байтига эътибор беринг. Унинг маъносини қақинг.
4. „Ногаҳон бериб қўйиб бу ҳуснин, камолни, Ўзи ҳам рашк, ҳасадга тўлиб-тўлиб яратган“ мисраларидаги кўтаринки балдиний тасвирга эътибор қилинг.
5. „Қия тушган нигоҳин армонга йўймагайсиз“ сатрининг маъносини тушунтиришга уриниш, сўйган қизнинг руҳий ҳолати ифодасининг тасвирчанлик даражасига эътибор қилинг. „Қия тушган нигоҳ“ кимники деб ўйлайсиз? Ўзбек қизи руҳиятини англатишга ҳаракат қилинг.
6. Илгариги даврда қиз ўз севгили йиғитини, аёл ўз турмуш ўртоғини эркалаб ва эҳтиром билан „бегим“ деб атаган. Бу сўз шеърдаги миллийлик, самимиётликни чуқурлаштиришга қай даражада хизмат қиляпти? Шеърни шу сўзсиз ўқиб кўринг-чи?
7. Шеърдаги: „Сиз худики Фарҳодсиз, Ширин қайдадир, бегим? Орзуларим дилдаю, нолам найдадир, бегим“ сатрларидаги гўзал, аламли ташбеҳларни изоҳлаб беринг.
8. Шеърдаги: „Сиз десам, бар тутқазмай, бар тутқазмай, Бу тонг қора сочларим майда-майдадир, бегим“ сатрлари воситасида айтилаётган фикр ва ифодаланаётган руҳий ҳолат тўғрисида ўйлаб кўринг. Сочнинг „майда-майда“ лиги нима ва у ким учун?
9. Шеърдан эришилмаган висол туфайли қилинган нола эмас, балки ёрга эришиш учун қатъий интилиш ифодаланган сатрларни тоинг.
10. Лирик қаҳрамоннинг: „Ўз қоним билан ўзим алвонланиб бораман“ тарзидаги иқрори замиридаги инсоний дард ва гурур тўғрисида шоира ҳолатига тушиб, мулоҳаза юритишга уриниш.
11. Мазкур шеърни муҳаббатга битилган мадҳия дейиши мумкинми?
12. Шеърнинг биринчи мисраси билан сўнгги мисраси шунчаки такрорми ёки ёзиллиши бир хилу, руҳияти ҳар хилми? Шу ҳақда фикрлашинг.
13. Шеърни ёд олинг.

Шунчаки

Менинг шунчаки йиғлагим келмас,
 Хаёл шароб мисол қилсени сархуш, маст.
 Менинг шунчаки куйлагим келмас,
 Овоз пардаларим чидаб берса бас,
 Қўлингга тушаркан жажжи чақалок,
 Шунчаки сўймоқда қандай паззат бор?

Керак чинқиртириб ўпиб, тишламоқ,
Биз ҳам гўдакликда топганмиз озор.

Шунчаки севилмоқ – бахти қоралик,
Тўла толе учун бу кемтик, бу кам.
Менинг қалбим шундай севгига молик,
Бир чарсиллаб ёнай, сўнгра сўнсам ҳам.

Оҳангга шунчаки солмасдан қулоқ,
Таржима қилиб ёз сим садоларин.
Ахир булоқмасмиш тоғдаги булоқ,
Кўз ёшларимиш ишқ гадоларин.

Шунчаки кулмоқ ҳам истеҳзодек гап,
Бирдан қаҳ-қаҳ урай чўчиб кетсинлар.
Бошларига осмон тушгандай қулаб,
Ғафлат бандалари ёқа тутсинлар.

Шунчаки йиғлаш ҳам ярашмас бизга,
Уни эплар фақат юраги тошлар.
Шундай йиғлай, ҳожат қолмасин сизга,
Қурғоқ кўзлардан ҳам қуйилсин ёшлар.

Шунчаки ёзмоққа кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим.
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмоқ бу – шоирга ўлим.

Савол ва Ҳошиялар:

1. Шеърнинг биринчи банди илк байти маъносини чақишга урининг.
2. „Менинг шунчаки қуйлагим келмас, Овоз пардаларим чидаб берса бас“ мисралари замиридаги мазмунни изоҳланг.
3. Иккинчи банддан келиб чиқадиган қарама-қарши маънога эътибор қилинг: „суймоқ“ ва „озор бермоқ“ қа муносабат билдириш ва шоира кўзда тутаётган руҳий ҳолатни изоҳланг.
4. „Шунчаки севилмоқ – бахти қоралик, Тўла толе учун бу кемтик, бу кам. Менинг қалбим шундай севгига молик, Бир чарсиллаб ёнай, сўнгра сўнсам ҳам“ тарзидаги иқрор шоира шахсиятига хос қандай жиҳатларни кўрсатаётир?
5. „Таржима қилиб ёз сим садоларин“ шаклидаги даъват мазмунини изоҳлаб беринг.
6. Шоиранинг чинакам кудш ва астойдил йиғлаш борасидаги баланд талаблари ҳамда фавқулодда ташбеҳлари ҳақида фикр билдириг.
7. Шеърнинг аввалги бандларидаги образли ифодаларнинг сўнгги бандда қай даражада кучайганлигига эътибор қилинг. Шоиранинг бу усулни қўллашдан кузатган мақсадини изоҳланг.
8. „Шунчаки ёзмоқ бу – шоирга ўлим“ қаноатини тушунтиринг ва унга асосланиб, Халима Худойбердиева ижоди ҳақида фикр юритинг.

Менам ўтдан ўтганман

Туманли тундан келдим. Энди тонгга кетаман,
Узлатда узоқ кечдим. Энди шонга кетаман.
Барорим¹ бир жойдадир. Борарим бир жойдадир,
Туркистондан келганман, Туркистонга кетаман.

Нима фарқ бор, дунёда мангуманми, онийман,
Қаландарлик хирқасин² кийдим, бошқасин киймам!
Муҳими, куйиб бўлдим, энди қайтадан куйимам,
Менам ўтдан ўтганман. Менам Туркистонийман.

Умр нима, бир лаҳза? Ўғай меҳмон камонга,
Бугун майсадай қошу киприк бўлсам эҳтимол.
Эрта ким билар... балки замонлардан замонга
Турк болалар ўтгучи кўприк бўлсам эҳтимол!

Туманли тундан келдим. Энди тонгга кетаман!

1997 йил 3 апрель.

Савол ва топшириқлар:

1. Шоиранинг “тундан тонгга”, “узлатдан шонга” кетишини изоҳлашга уриинг.
2. Шеърнинг учинчи мисрасини диққат билан ўқинг ва шарҳланг.
3. Ҳ. Худойбердиеваннинг: “Эрта ким билар... балки замонлардан замонга Турк болалар ўтгучи кўприк бўлсам эҳтимол!” тарзидаги фикрларини изоҳланг.
4. “Туманли тундан келдим. Энди тонгга кетаман!” мисрасида шоиранинг келажакка қандай ишончи сингдирилган, деб ўйлайсиз?

Қасамки...

Гарчанд тақдирим каж, лойли, сирпанчиқ,
Бўронли йўллардан келаркан юриб,
Тик сўзимни ерга қасамдай санчдим,
Мадори етганлар олғай суғуриб.

Қасамки, мозийнинг чироқларини,
Шуъласи, ҳадиги, титроқларини
Сезмасам, кўр кўрсам кўнглим қаърини,
Тутаб тентиб юрмай ўчмоққа қасам!

Қасамки, шеър ёзсам маржондай тизиб,
Тўрт турким бир томон кетмаса сузиб,

¹ Барор – турган жой.

² Хирқа – жанда, уст кийим.

Жаннат давронлардан кўнглимни узиб,
Дўзах оловида кечмоққа қасам!

Қасамки, қонимда Машраб бор, маҳзун,
Мени кўкка тортар у илоҳий ун.
Зикр, ишқ, жунундан айро тушган кун,
Қаландар хирқасин ечмоққа қасам!

Эрк келди,
Эрк келди, кўнглим найдадир,
Дариг ҳар тоғ бир кун майдадир.
Бир кун кетсамам руҳим қайтадир.
Руҳим, эркин кўриб учмоққа қасам!

1997 йил 3 апрель

Гайий ва топшириқлар:

1. Ҳ. Худойбердиеваннинг: “Тик сўзимни ерга қасамдай санчим” шаклидаги таъкиди ва унинг бадрий таъсирчанлигини изоҳланг.

2. Шоиранинг: “...кўр кўрсам кўнглим қаърини” тарзидаги иқрори маъносини аниқланг.

3. Шеърдаги: “...ҳар тоғ бир кун майдадир” тўхтамини шарҳланг.

Қуйидаги тест топшириқларини бажаринг:

1. “**Мадори етганлар олгай суғуриб**” мисраси Ҳ. Худойбердиеваннинг қайси шеърдан олинган ва қандай мазмунни ифодалайди?

А. “Бегим, сизни...” шеърдан олинган ва томирнинг узунлигини. Б. “Шунчаки” шеърдан олинган ва севги қудратини. В. “Дориломон...” шеърдан олинган ва яхши кунларни. Г. “Қасамки” шеърдан олинган ва сўз қудратини.

2. “**Менам ўтдан ўтганман**” сўзлари қандай мазмунни аниқлатади?

А. Шоиранинг қуёлда чиниққанини. Б. Шоиранинг ҳаёт синовларидан ўтганини. В. Унинг қийинчиликдан қўрқмаслигини. Г. Шоиранинг спорт билан шугулланишини.

3. “**Ўзга тортмам чексам ҳам шунча жабру жафони, Ўзгага ҳам бермасман Сиздек бир бевафони!**” мисраларида кимнинг қандай феъли акс этган?

А. Қайсар одамнинг ўжарлиги. Б. Сулув кизнинг яқинлиги. В. Севгучи аёлнинг қарори. Г. Барча жавоблар тўғри.

4. “**Наҳот осуда ёшимда, сочинг савдоси бошимда**” дейди Муғаний. У қандай сўзла деб ўйлайсиз?

А. Болаланик. Б. Йиғитлик. В. Ўрта ёш. Г. Кексалик.

5. Муғанийнинг “**Соч эмас бу ...**” шеърини қайси мумтоз лирик жанрга киритиш мумкин?

А. Ҳазал. Б. Рубоий. В. Қитъа. Г. Маснавий.

6. “**Сўриб лаълида жонимни, олиб кетгай соғинганлар**” дейди Муғаний. Жонни тимада олиб кетилади?

А. Лабида. Б. Косада. В. Лаганда. Г. А ва Б. Д. А ва В.

ШАРОФ БОШБЕКОВ

(1951 йилда туғилган)

Шароф Бошбеков адабиётга XX асрнинг 70-йилларида кириб келди. У бадий адабиётнинг мураккаб турларидан бўлган драматургияда ижод қилади. Шу пайтгача адибнинг „Тақдир эшиги“, „Тикансиз типратиканлар“, „Эски шаҳар гаврошлари“, „Эшик қоққан ким бўлди?“, „Темир хотин“, „Тушов узган тулпорлар“, „Чароғбонлар“ каби драмалари чоп этилган ва саҳналаштирилган. Драматургнинг „Тушов узган тулпорлар“ асари республикалараро кўрик-танлов совриндори бўлган. „Темир хотин“ комедияси ҳозирги кунгача томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Шароф Бошбеков сценарийси ва режиссёрлигида яратилган „Чархпалак“ телесериали телетомошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди.



Ўзим ҳақимда

Бизнинг оиламизда ҳеч ким санъат ёки адабиёт билан шуғулланмаган. Ота-онам оддий хизматчи бўлишган. Мен ўқиган қишлоқ мактабида қизиқ бир қонда бор эди: чет эл тили ўқитувчиси йўқ бўлса, ўрнига ашула дарси ўтилardi, физика муаллими келмай қолса ҳам кўпинча шу тарзда „ўқитилardi“.

Билмадим, ё ўқитувчилар етишмасмиди, ё ашула муаллимимиз шунақа зўрмиди... Энди эсласам, ашула дарсини „Яллама ёрим“дан бошқасини билмайдиган бир амаки ўтар экан. Хуллас, ўн йил ашула айтдик. Энди бу овоз билан қаерга бориш керак? Артистликка-да! Шундай қилиб, Тошкент театр ва рассомлик санъати олийгоҳининг талабаси бўлиб қолдим.

Санъат оламига кириб келишимнинг тағин бир яширин, ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайдиган сабаби бор. Доим ичимда гапларим кўпу, лекин уни эшитадиган одамларнинг камлиги мени қийнаб келарди. Уй-ҳаёлимда фақат бир нарса чарх уради — қайси касбни танласам, мени кўпроқ одам эшитади? Телевидение ва радио суҳандонларига ҳавасим келарди. Уларни миллион-миллион одам эшитади. Мен-чи? Уйдагилар, тўрт-бешта жўралару, қўши-қўшилар. Мендай одамга бу камлик қилади, албатта.

Талабалик йилларимда суҳандонлик қилмоқчи ҳам бўлдим. Олишмади. Радиога овозим тўғри келмади. Телевизорга — башарам. Олийгоҳни битириб, Муқимий номидаги театрда актёр бўлиб ишлай бошладим. Аввалига шунча

томошабин гапларимни эшитаётганидан маст бўлиб юравердим. Ўн йиллар ишлаганимдан кейин бирданига ақлим кириб қолди. Билсам, актёрлар ҳам ўзининг эмас, биров ёзиб берган гапларни гапираркан. Ҳафсалам пир бўлиб кетди ва ўзим уларга гап ёза бошладим. Бу ҳунар билан шуғулланадиганларни „драматург“ дейишар экан. Драматург бўлса, драматург-да! Ана шу тариқа адабиётнинг сирли ва машаққатли оламига кириб келдим.

Олийгоҳга келиб, домлаларимиз мен исм-шарифини ҳам билмайдиган одамларнинг номларини алоҳида бир ҳурмат билан тилга олишаётганини сезиб қолдим. Қаранг, биз қишлоқда кетмон кўтариб юраверган эканмизу, бу ёқда Эсхил, Сенека, Софокл, Аристофан деган алломалар бор экан. Замондан орқада қолиб кетибмиз деб, шуларнинг асарларини мутолаа қилишга тушдим. Қадимги юнон драматургиясидан тортиб, дунё, Оврупо, ўрис драматургиясигача варақлаб чиқилди. Шу даражада жиддий киришилибдики, бу ёқда миллий адабиёт деган нарсалар ҳам бор эканлиги хаёлдан сал фаромуш бўпти. Шунинг сабаби ўлароқ, илк асарларимда воқеалар, муносабатлар, вазиятлар бир дўстимнинг таъбири билан айтганда, „ўрис башарароқ“ бўлиб қолган эди. То „осмондан яна ерга қайтиб тушгунимча“ жуда кўп тер тўкишга тўғри келди.

Ҳар бир ёзувчининг қандайдир ўзигагина хос жиҳати бўлади. Кимдир сюжет топишга уста, кимдир ноёб характерлар яратишга моҳир, бошқалари асар воқеаларини заргарона теришда тенги йўқ. Менинг энг яхши кўрган қуролим — юмор. Асар қандай жанрда ёзилмасин, воқеалар қанчалик жиддий, қаҳрамонларимнинг тақдирини қай даражада фожиали бўлмасин, юмор, ҳазил-мутойиба, аския унсурлари, сўз ўйинларидан унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қиламан, бу биринчидан, асарни ўқишли қилади, томошавийлигини оширади, иккинчидан, бошқа нуқсонларни „ёпиб“ кетади. Масалан, „Темир хотин“ асаримда айтиладиган „гап“ жиддий, лекин вазият, қаҳрамонларнинг сўзи кулгили ёки аксинча бўлиши мумкин.

Кўпинча, у ёки бу асарнинг қандай ёзилгани ҳақида сўрашади. Кимдир айтган экан, аввал тоза қоғоз оласиз, сўнг чапдан ўнгга қараб ёзиб кетаверасиз, деб. „Темир хотин“ ҳам шундай ёзилган.

Жумладан, сиз қуйида ўқийдиган парча ҳам...

Шароф Бошбеков, 1991 йил

Темир хотин

(Жиддий комедия)

Иштирок этувчилар: Қўчқор – тракторчи
Аломат – робот
Олимжон – олим
Қумри – Қўчқорнинг хотини
Шарофат – кўзини аёл
Сувон – мулла
Туробжон – Қўчқорнинг ўғли

Биринчи саҳна

Қишлоқдаги оддий, камтарона ҳовли. Тўғрида бир неча устунли пешайвон, ўнгда пастаккина кўча эшик, олдинроқда ёғоч каравот. Саҳнадаги ҳар жиҳоз, ҳар бир буюмда нимадир етишмайди: эшик-дераза ромларининг ярми бўялган, қолганининг ранги ўчиб кетган, ёғоч каравотнинг битта оёғи йўқ, кўрпа-ёстиқларга ямоқ тушган, пиёдаларнинг лаби учган ёки чегаланган, чойнакнинг жўмрагига тулука кийгизилган ва ҳоказо.

Пешайвон устунига Қўчқор арқон билан чандиб ташланган, усти-боши, афт-ангори бир аҳволда. Шу кўйи ухлаб қолган бўлса керак, аввал секин қимирлаб қўяди, сўнг кўзини очмай эснайди. Оёқ-қўлининг ўзига бўйсинмаётганига ҳайрон бўлиб, бир-икки чираниб кўради.

Қўчқор. (Уй томонга.) Хў-ў, тирикмисан?.. (Яна чираниб кўради.) Ечиб қўй дарров, хў!.. Қумри, деяпман! Жаҳлим чиқса нима бўлишини биласан-а? (Ўзича.) Ийе, бир бало бўлганми бунга?.. (Бақариб.) Охирги марта айтаяпман: агар ҳозир югуриб келиб, қўлимни бўшатмасанг...

Ичкаридан Қумри чиқади. У ўттиз-ўттиз беш ёшларда, лекин ёшига нисбатан анча катта кўринади.

Қумри. (Аразли.) Нима қиласиз?

Қўчқор. Қўйвораман!

Қумри. (Хўрлиги келиб.) Нима?

Қўчқор. Паттангни қўлингга тутқазаман!

Қумри. (Эрига бир пас таъна аралаш қараб туради-да, дордаги кийим-кечакларини йиғиштира бошлайди.) Ҳозир эридан патта сўраб ўтирадиган замон эмас.

Қўчқор. Ийе, бепатта кетавераман, де ҳали? Ҳеч бўлмаса битта қўлимни бўшатиб қўй, номард!

Қумри. Битта қўлингизни бўшатганим билан фойдаси йўқ.

Қўчқор. Нега фойдаси булмас экан? Қашиниб оламан...

Қумри. Қаерингиз қичишяпти? Айтнинг, ўзим қашиб қўяман.

Қўчқор. (Бу тани кутмаган эди, довлараб қолди.) Сенинг бўйинг етмайди...

Қумри. Ихтиёрингиз... (Кийим-кечакларни катта рўзгор сумкасига жойлай бошлайди.)

Қўчқор. Менга қара, ўзинг боғладингми, ё битта-яримтаси қарашвордимми?

Қумри. (Ийғаласираб.) Сизга бас келиб бўларканми!.. Бунақа вақтда трактор бўп кетасиз-ку.

Қўчқор. Ким келди?

Қумри. Қишлоқнинг ярми келди. Бақриб дунёни бошингизга кўтардингиз. Олти киши аранг элади-я! (Ичкарига кириб кетади.)

Қўчқор. Кўпчилик яхши-да, кўпчиликдан ўргилай... (Уй томонга бақриб.) Сафар ҳам бормиди? А? Сендан сўраярман, гарангмисан?!

Қумри. (Ичкаридан.) Ҳа, бор эди.

Қўчқор. Тағин ким чиқди?

Қумри. Нима фарқи бор?

Қўчқор. Фарқи бор! Эртага кимдан уэр сўрашимни билишим керакми? Э... бугун, деганим.

Қумри. Муҳиддин аканинг ўғли иккита ўртоғи билан армиядан отпускага келган экан, аввал уч киши бўлиб ўшалар чиқишди. Ҳеч бўй бермадингиз.

Қўчқор. Армия ҳам бас келолмади, дегин?

Қумри. (Бошқа кўйлак кийиб чиқиб.) Кейин Муҳиддин ака билан Сафар акалар чиқишди.

Қўчқор. Яна?

Қумри. Шу.

Қўчқор. Олти киши дединг-ку!

Қумри. Мен ҳам сал-пал қарашвордим...

Қўчқор. „Сал-пал“миш! Ечилмаётганидан ҳам билувдим, сенинг кўлинг текканини! Мод арқонлаб ўрганиб қолгансан-да, боғлаган тугунингни матрослар ҳам ечолмайди! Э, қарашмай кет!.. Бўпти, кечирдим, қўли еч. (Қумри йўқ дегандай бош чайқайди.) Йўқ, мен кимман ўзи? (Бақриб.) Қўчқорманми ё Қўчқормасманми? Қўчқорман! Қўчқор экан деб боғлаб ташлайверадими? А-а, шўри бор одам эканман ўзи... Ҳеч бўлмаса, сув олиб келиб бер, ичим ёниб кетяпти! (Қумри дастаси йўқ кружкада сув олиб чиқиб, ичириб қўяди.) ...Ҳа майли, бўлар иш бўпти. Ке, ечиб қўй.

Қумри. Муҳиддин ака „пешингача ечманг, келин“ деб кетдилар.

Қўчқор. Нима, пешингача мени офтобда қуришиб капчонка қилмоқчимисан? (Бечорасифат бўлиб.) Сен қуриртмасанг ҳам худо қуришиб қўйган ўзи - жасадни қара, шақир-шуқур суяк... Йўқ, бунақада пешинга бормайман, Қумри...

Қумри. (Ачиниб.) Ечолмайман, дадаси, мендан хафа бўлманг... Қишлоқнинг оқсоқоллари тушлик пайти келамиз, бўлмаса думини ушлатмайди, деб кетишди...

Қўчқор. Нима, менинг думимни ушлашдан бошқа ишлари йўқ эканми?
Кап-катта одамлар-а!..

Қумри. (Ичкарига.) Туробжон, бўла қол, болам!

Қўчқор. (Хотинининг бошқа кўйлак кийиб олганини эди пайқалди.) Ҳа, йўл бўлсин!

Қумри. Кеча нима дедингиз?

Қўчқор. Нима дебмиз?

Қумри. (Хўрлиги келиб.) Айтадиганингизни айтдингиз...

Қўчқор. Айтадиганимиз нима экан?

Қумри. Ҳали одамлар келса, тушунтириб беришади. Мен болаларимни олиб, ойимларниқига кетдим.

Қўчқор. Ййе, жишимисан, вей? Озгина шўхлик қилсак қилибмиз эди, йиғитчиликда нималар бўлмайди.

Қумри. (Йиғламоқдан бери бўлиб.) Бу шўхликларингиз ўн олти йилдан бери (томоғини кўрсатиб) мана бу еримга келган...

Қўчқор. Нолима, ҳў, нолима! Бола-чақанг олдинда бўлса, еб-ичишдан камнинг бўлмаса! Бундан ортиқ нима керак яна?

Қумри. Биров сизга „оч қолдим“ деяптими?

Қўчқор. Нега бўлмасам, „У еримга келган, бу еримга келган“, деяверасан?
Келган бўлса, келгандир...

(Шу пайт беш-олти ёшлар чамасидаги Туробжон югурганича ҳовлининг нариги бетига ўтиб кета бошлайди. Дадасига кўзи тушиб, суюнчи олмоқчидай, ҳовлиқиб ахборот бера бошлайди.)

Туробжон. Дада, биз-чи, бувимларниқига кўчиб кетарканмиз! (Дадасининг боғлиқ турганига ҳайрон бўлиб.) Ййе, нима қилиб турибсиз, дада?

Қўчқор. Ким?.. Менми?.. Ҳа, эди, бувингниқига кўчиб кетадиган бўлсак, уйни ташлаб кетамизми, орқалаб олиб кетамиз-да, ўғилтой. Ҳозир, бир нафас ростлаб олай, кейин „ё тириш“ деб кўтарамизу, кетаверамиз.

(Туробжоннинг иши шошилиш шекли, дадасининг гапини охиригача эшитмай, югурганича чиқиб кетди.)

Қўчқор. Боланинг олдида шарманда қилдинг-ку одамни!

Қумри. Мени элу юрт олдида шарманда қилганингиз-чи?

Қўчқор. Ичган мен, сен нега шарманда бўласан?

Туробжон. (Қайтиб келиб, уйга қараганича.) Кучингиз етмайди-ёв, дада.

Қўчқор. (Майбос.) Бу нима бўпти, ўғилтой, елкамиз қанақа юкларни кўтармаган...

Қумри. Бўла қол, болам. (Сумкани олиб, ўғлини етаклаганича.) Яхши-ёмон гап ўтган бўлса, хафа бўлманг, дадаси... (Кетди.)

Қўчқор. Кетсанг, ечиб кет, ҳў! Инсофнинг борми, ўзи, қанақа одамсан?
(Алам билан.) Мастлигимда уриб, майиб-пайиб ҳам қилиб қўймаган эканман – жимгина уйда ўтирарди...

(Атрофга чорасиз аланглайди. Асабийлик билан қандайдир куйни хиргойи қилади... Ташқарида машинанинг келиб тўхтагани эшитилди. Кўп ўтмай Олимжон билан шофёр йиғит одам бўйи келадиган ёғоч яшиқни кўтариб кир ишди.)

Олимжон. Э-е, Қўчқор ака, ассалому алайкум! Мана тагин келдик-да. (Қўришмоқчи бўлиб қўл чўзди.) Ийе?.. Ким бунақа қилди?

Қўчқор. Ким бўларди, бунақа бемаъни нарса фақат бизнинг хотиндан чиқади.

Олимжон. Э-е, чатоқ бўпти-ку! Кетиб қолдилар, денг? Аттанг... Нега боғладилар ўзи?

Қўчқор. Э, Олимтой, суриштириб нима қиласан, аввал қўлни ечсанг-чи! Кечадан бери онамни Учқўрғондан кўрдим!

Олимжон. Ҳа-я... (Ечади, Қўчқорнинг белидан олиб каравотга ўтқизади.) Кечадан бери турибман, денг?

Қўчқор. Вой, жоним-ей!.. Шу, хотин зотини ким ўйлаб чиқарган экан-а, Олимтой?

Олимжон. (Кулиб). Бировни биров ўйлаб чиқарадимиз, қизиқмисиз, Қўчқор ака.

Қўчқор. Йўқ, шу хотинларни атайлаб биров ўйлаб чиқарган, боғлаб ташласин, деб!

Олимжон. Хўш, соғлиқларингиз яхшими, Қўчқор ака?

Қўчқор. Зўр! Отдай! (Арқонга ишора қилиб.) Ана, отга ўхшаб тикка туриб ухляяпмиз...

Олимжон. (Ховлини кўздан кечириб.) Хафа бўлмангу, Қўчқор ака, лекин кеннойимга ҳам кийин-да. Аҳволни қаранг: ҳалиям ўчоқ, ҳалиям тезак ёқилади. Прогрессе йўқ.

Қўчқор. Нима-гресс?

Олимжон. Прогресс.

Қўчқор. Прогресс бор. Илгари тезак ёқиларди, ҳозир тезакни солярка билан ёқаяпмиз. Яхши ёнапти. Тўғри овқатдан сал-пал ҳиди келади-ю, лекин ўрганиб кетар экан одам.

Олимжон. (Қўчқорга ачингандай бош-оёқ қараб чиқиб.) Бир ҳисобда, сизгаям кийин – шунча бола-чақа... Саккизтамиди?

Қўчқор. (Уҳ тортиб.) Ҳа, қолгани шу. Бештаси пешанамга сиғмади, Олимтой...

Олимжон. Ҳеч қиси йўқ, Қўчқор ака, яқинда ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Мана, ҳозир „оилани планлаштириш“ деган бир гап чиқиб турипти.

Қўчқор. Нималаштириш?

Олимжон. Планлаштириш. Менимча, шу яхши гап, Қўчқор ака. Тушунмадингиз-а, Бунинг маъноси шуки, яхши яшаш учун болани тўртта-бештадан оширмаслик керак.

Қўчқор. Ийе?. Худонинг ўзи бериб турса нима дейсан?

Олимжон. (Кулимсираб.) Ҳа, энди, худо бермайдиган қилинади-да.

Қўчқор. (Гўё тушунгандай.) Ҳа-а, гап буёқда дегин? У... қанақа бўлади ўзи?

Олимжон. „Оилани планлаштириш“ деган гап бекорга чиққан йўқ. Ахир, не-не олиму фозиллар роса ўйлаб, ҳамма томонини ҳисобга олиб, кейин гапиршяпти. Мана, сиз ва сизга ўхшаганларнинг бола-чақа деб умри ўтиб кетмасин, булар ҳам одамга ўхшаб яшасин, деган гап бор бунинг тагида, билдингизми?

Қўчқор. Йўқ, тагидаги гап яхши экану, лекин бошимизга қўйларнинг куни тушмасмикан, дейман-да.

Олимжон. Қайси қўйлар?

Қўчқор. Сенинг ҳам эсингда бордир, бир пайтлар СЖКми, ПЖКми деган бир бало чиқувди. Қўйларни сунъий урчитиб, кўпроқ кўзи олиш учун-да. Кейин қўйнинг зоти айниди, қоракўлдан сифат қочди, ҳар хил касалликка чалинди. Шу, туриб-туриб олимларингга ҳам тушунмай қоламан-да, Олимтой. Бир қарасанг, қўйларга қараб „кўп туғ“ дейди, бир қарасанг, ўзбекка қараб, „кам туғ“, дейди...

Олимжон. Ана шунақа гапларни гапирманг-да. Қўчқор ака! Сиз биласизми, ё юқоридагилар биладими? Гапингизни қаранг! Қўй қаёқда, ўзбек қаёқда?! Бу ерда гап халқнинг турмушини яхшилаш ҳақида боряпти. Ахир, ўзингиз мундоқ бир қаранг, айниқса қишлоқларимизда турмуш даражаси ниҳоятда паст. Чидаб бўлмайдиган даражада паст!

Қўчқор. (Асабийроқ.) Паст, дегин? Сенларнинг турмушларинг баландми? Давлат ўқитди, одам қилди, олим деган номинг бор, кўтар-да паст бўлса! „Пригрес-мригрес“ қиласан бу ерга келиб олиб! Хотинларнинг қорнига осилгунча пахта терадиган машинани тўғрила!

Олимжон. Нима, бизни ҳукуматнинг пулини шундоқ еб ётипти деб ўйлаясизми? Биз ҳам қидиряпмиз, изланяпмиз, ўйлапмиз.

Қўчқор. Э, битта пахта терадиган машинани эллик йил ўйлайдими! Гоҳ рудини ўзгартирасанлар, гоҳ кабинасини, гоҳ ўтиргичини — бўлди! Биз „янги машина келар экан“, деб дўппимизни осмонга отиб юрамиз. Қарасак, ўша-ўша – Холхўжанинг таёғи!

Олимжон. Ана бу гапингизда жон бор. Машина масаласида ишимиз юришмаяпти. Лекин бу муаммони асосий мақсаддан келиб чиқиб, комплекс ҳал қилиш керак.

Қўчқор. Нима-плекс?

Олимжон. Комплекс. Асосий мақсад нима? Пахтани яхши сифатли териб олишми? Ана шу мақсаддан келиб чиқиш керак. Машина қанақа шаклда бўлади – бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими, яхши терсин. Мен бу борада бутунлай бошқа йўлдан кетаяпман, Қўчқор ака. Кўпроқ масаланинг эстетик томонига аҳамият берапман. Бир тасаввур қилинг-а: пахтазордан хотин-қизларнинг қувноқ кулгуси эшитилиб турипти! Қий-чув, ҳазил-ҳузул. Кечкурунлари қишлоқ кўчаларини тўлдириб қиз-жувонлар ўтишяпти! Кўриб кўз қувонади, дил

яйрайди! „Тар-тар-тар“ қилиб, кўчадан трактор ўтгани қаёқда-ю, кўнгироқдай овозлари билан кўнгилларни энтиктириб, қизлар ўтгани қаёқда! Фарқи борми? Шунинг учун мен пахта терадиган машина эмас, пахта терадиган биоробот устида ишлайман. Ташқи кўриниши одамдан фарқ қилмайди. Кўради, эшитади, гапирди! Хатти-ҳаракати, имо-ишоралари, гап-сўзи одамга максимум даражада яқинлаштирилган.

Қўчқор. Нима-симум?

Олимжон. Максимум. Масалан, бошқарув блокига юмор ҳисси билан боғлиқ микросхема ўрнатилса...

Қўчқор. Нима-схема?

Олимжон. Микросхема. Юмор ҳисси билан боғлиқ микросхема ўрнатилса, ҳазилкаш, кувноқ, бир оз шаддодроқ аёлга айланади. Лирик ҳисли микросхема ўрнатилса, аёлларга хос назокат, ибо пайдо бўлади.

Қўчқор. Нега аёлларга хос?

Олимжон. Ийе, боядан бери нима деяпман? Робот аёл шаклида бўлиши керак-да, бўлмаса, нима қизиги бор? Қўрқасизми, бир ўқ билан икки қуённи урамиз: ҳам хотин-қизларимизни оғир қўл меҳнатидан халос қиламиз, ҳам пахтазордан қиз-жувонларнинг кулгиси жаранглаб туради.

Қўчқор. Куладиямми?

Олимжон. Бўлмасам-чи? Кулади, бақиради, шивирлайди! Бу — микросхемаларнинг характериға боғлиқ.

Қўчқор. Аҳ-ҳа... Хўп, ўша... аёл-роботларнинг ишдан кейин гаражга бориб ётадилми?

Олимжон. Шунақа десаям бўлади. Лекин гараж ётоқхона типига қурилади. Энг асосийси, Қўчқор ака, бу роботлар арзонга тушади. Ёқилги керак эмас, батареяларда ишлайди. Иккинчидан, уларни тинимсиз ишлатиш мумкин. Иссиқ демайди, совуқ демайди, кечасими, кундузими — ишлайверади!

Қўчқор. Ойлик ҳам сўрамайдими?

Олимжон. Албатта-да! Фойдали иш коэффициентини жуда юқори.

Қўчқор. Нима-сенти?

Олимжон. Коэффициенти. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мен яратадиган роботлар буйруқни сўзсиз бажаради. „Ғиди-биди“ қилиб ўтирмайди. Масалан, „Ҳамма пахта теримига!“ деб буйруқ берилса, ҳар қандай ишнинг ташлаб, далага чиқиб кетаверади!

Қўчқор. Ийе, унда чиндан ҳам одамга ўхшар экан. Мана, биз ҳам „пахта теримига“ деган гапни эшитишимиз билан ҳамма ишимизни йиғиштириб қўйиб, далага чиқиб кетамиз. Болаларимиз ўқишини ташлайди, хотинларимиз эмизикли боласини...

Олимжон. Ана шунинг учун ҳам роботлар керак-да! Робот бунақа нарсаларни ўйлаб ўтирмайди. Мана, сиз ўйлаяنسиз. Болаларимизнинг ўқиши нима бўлади, дейсиз, аёллар ёш болаларни қаерга қўяди, дейсиз. Роботга

бунинг аҳамияти йўқ. Тушундингизми? У фақат ишлайди! Ишлайверади, ишлайверади, ишлайверади!

Қўчқор. Биз ҳам ишлайверамиз...

Олимжон. Лекин сиз одамсиз! У робот, тушуниқсизми, робот! Машина!

Қўчқор. Ҳа-а, унда буни дуруст ўйлабсан, Олимтой. Лекин у машинанг қачон тайёр бўлади, туянинг думи ерга теккандами?

Олимжон. Сиз, Қўчқор ака, олимларни жа ерга ураверманг. Биз ҳам бир нималар қилиб юргандирмиз. Мана, мен етти йил умримни ана шу роботга бағишладим. Етти йил-а! Ниҳоят, Қўчқор ака, биринчи тажриба нухаси тайёр бўлди. Лаборатория синовидан яхши ўтди, зиди табиий шаронда, яъни далада синов кўрамиз.

(Яшиқнинг атрофида ҳам ҳаяжон, ҳам фахр билан айланади. Олимжон яшиқнинг қопқоғини очади, у ерда кўғирчоққа ўхшаб кетадиган, ниҳоятда гўзал қиз қотиб турарди. Баданига силлиқ ялтироқ мато тортилган.)

Қўчқор. (Ҳайратдан оғзи очилиб.) Во-о... Нима бу?

Олимжон. Қалай?...

Қўчқор. (Яшиқроқ бориб тикилади, ушлаб кўради.) Аломат, аломат!..

Олимжон. Яшанг, Қўчқор ака! Қаранг, бунга ном тополмай юрувдим! Демак, „Аломат – 1“! Э, бормисиз, Қўчқор ака!

Қўчқор. Нега „бир“?

Олимжон. Кейин „икки“, „уч“, „тўрт“лари ҳам бўлади-да! Бутун республика учун, биласизми бунақасидан қанча-қанчаси керак?

Қўчқор. Ҳа-а... Худди тирикдай-а, тавба!.. Гапиради, дедингми, Олимтой?

Олимжон. Ҳозир... (Дипломатидан тугурт қутисидек келадиган бир қанча юпқа пластинкаларни олади.) Мана, манавилар – микросхемалар. Ҳаммаси ҳар хил мақсадда ишлатилади. (Роботнинг елкасидаги қопқоғни очиб.) Мана бу ерига керакли микросхема ўрнатамиз, кейин мундай қилиб қопқоғни ёпиб қўямиз. Ана тайёр. Энди манави тугмачасини босамиз. Э, худо, шарманда қилма! (Босади. Аломат аввал кўларини пириштириб қўяди, сўнг бир неча қадам олдинга юриб, тўхтайдди.)

Аломат. (Сохта табассум билан.) Алло, алло! Вой, ўртоқжон, ўзингмисан! Овозингни эшитадиган кун ҳам бор экан-ку! Бирам соғиндим, бирам соғиндим, ўлиб қолай деяпман!.. Ҳа, кеча-чи ўша сен айтган зормандани Муқаддаснинг қулоғида кўрдим. Қулоқ ўлгур супрадай бўлгандан кейин ҳамма нарса ҳам ярашавермас экан-да, ўргилай!

Олимжон. (Ўчириб.) Э, бу секретар-машинисткаларники-ку... (Бошқа микросхема олиб.) Бу нима экан? Кўрамиз... (Қўйиб, тугмачасини босади.)

Аломат. (Жиддий)... шундай хулоса келиб чиқадики, халқ хўжалиги органлари ва планлаштириш ташкилотлари давлат планларини ишлаб чиқишда республикамиздаги сув ресурсларини ҳисобга олишлари зарур.

Олимжон. (Ўчириб.) Буяммас... Шу, ёзиб қўйиш керак экан-да. (Бошқа микросхема ўриатади.)

Аломат. (Аввал бир оз қитирлаб туриб, кейин жарангдор, лекин ғашга тегадиган даражада баланд овоз билан куйлайди.) „Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик, яна ўйнай...“ (Олимжон уни ўчиради. Қўчқорнинг ҳайратданми, кўркувданми, оғзи очилиб қолган эди.)

Қўчқор. Олимтой, буям, ҳалиги... магнитофондай гап экан-да, қанақа кассета қўйсанг, ўшанақасидан айтса-а?

Олимжон. Ҳа, принцип деярли бир хил.

Қўчқор. Нима-сип?

Олимжон. Принцип.

Қўчқор. Ҳа-а... Шералидан йўқми?

Олимжон. Йўқ. Радиодан тажриба учун дуч келган ашуданинг икки сатрини ёзиб қўювдик-да. (Яна схема ўриатади.)

Аломат. (Кутилмаганда.) Ҳа, оғзингдан қонинг келсин сенинг! Сочингни битталаб юлиб, бошингни копток қилиб қўяйми? Қирилибгина кет сен! „Ғинг“ деб кўр-чи, нима қилар эканман!

Қўчқор. (Эҳсонаси чиқиб.) Йў-йў, „Ғинг“мас... Унақамас, ҳалиги.

Аломат. Э, қўнғизга ўхшаб ғинғилламай ўл!

Олимжон. Гап қайтарманг, Қўчқор ака, гап қайтарманг!

Аломат. (Олимжонга.) Вой, шўртумшўқ-ей, сен нега бурнингни тикасан?!

Олимжон. (Шоша-пиша шартта ўчириб.) Бу йигитларнинг ҳазили бўлса керак, доим бир бало қилиб юришади. Яхшиям комиссия-помиссиянинг олдида қўйиб юбормадик, шарманда бўларканмиз.

Қўчқор. (Ҳалиям ўзига келолмай.) Шунақа ҳазилдан яна битта бўлса, Қўчқорвой аканг йўқ-да!.. (Олимжон роботга бошқа схема ўриатади.)

Аломат. (Одоб билан.) Ассалому алайкум!

Қўчқор. (Кўрқа-писа.) Ва... Ва алайкум...

Олимжон. Сенинг исминг – Аломат. Тушундингми?

Аломат. Тушундим. Менинг исмим – Аломат.

Олимжон. Бу киши – Қўчқор ака.

Қўчқор. (Аранг жиймайиб.) Шундоқ, шундоқ...

Аломат. Қўчқор ака.

Қўчқор. Лаббай?..

Аломат. Қўнғингизга келмасину, нега энди сизга ҳайвоннинг номини қўйишган, қўчқор деб?

Қўчқор. Ийе?..

Аломат. Қўчқор – қўйнинг эркаги-ку.

Қўчқор. Ҳалиги... нима дейди... Ҳа, энди биз одамнинг эркагимиз-да, Аломатхон...

Аломат. Бизга нима хизмат бор, одамнинг эркаги?

Олимжон. Аломат, „Кўчқор ака“, де, „Кўчқор ака“. Тушундингми?

Аломат. Тушундим. Хўш, нима хизмат бор, Кўчқор ака?

Кўчқор. Хиз...мат йўқ. (Каравотга ишора қилиб.) Қани, буёққа ўтинг, Аломатхон... Кўрпачага ўтиринг, кўрпачага...

Аломат. (Каравотнинг бир четига қимтипибгина ўтириб.) Раҳмат, яхши ўтирибман.

(Ноқулай сукунат.)

Олимжон. Бўлмаса, Кўчқор ака, сиз бемалол гаплашиб ўтираверинг, мен нарсаларимни жойлаштирай. Ўша ҳужра бизники-да, а?

Кўчқор. Ййе, бўлмасам-чи? Ўзингизни уйингиз-да, Олимтой! (Олимжон йиғма каравот, сумка ва бошқа анжомларини кўтариб ичкарига кириб кетади.) (Анчадан кейин.) Ҳа-а... зап келибсиз-да... (Бироз довдираб), ичкарида муздай айрон бор, бир косагина олиб чиқайми?

Аломат. Айрон? Уни нима қиламан?

Кўчқор. Ҳа-я, эсим қурсин... Хў-ўш... Ишларингиз яхшими ўзи?

Аломат. Қайси ишим? Ҳали ҳеч иш қилганим йўқ-ку!

Кўчқор. Ҳа энди, гап-да... (Бироз сукутдан сўнг.) Оббо, Аломатхон-ей, шунақа денг? Ҳа-а, ишқилиб, омон бўлайлик... Бу, Олимтой жа ажойиб йиғит-да лекин. Шу, денг, шаҳар да, қайсидир бир институтда ишлайди. Олим Колхозимизда ўша институтнинг тажриба участкаси бор. Қирқ гектар, Қудрат кўенчиқнинг бригадасига шундоқ туташиб кетган. Олимтой ҳар келганида бизникида туради. Уй кўп. Узимизнинг укадай гап бўлиб қолган. Яхши бола. Ҳа... (бир пасдан кейин.) Бугун денг, кеннойингиз билан сал гижиллашиб қолдик. Энди рўзгор экан-да, гоҳ ундай, гоҳ бундай... Болаларини олиб онасиникига кетиб қолди. Келади-да, қаёққа ҳам боради шунча бола билан, нима дедингиз? Ҳа, ўзингизнинг болаларингиз яхши юришиб... Ҳа-я... Йўқ, ўзи дуруст аёл. Энди жа сизчалик бўлмасаям хотин-да, ишқилиб, Лекин айтдим, олдидан ўтиб қўйдим-да, агар дедим, яхшиликча қайтмасанг, дедим, шартга бошқасига уйланвораман дедим. Тўғри-да, қаттиқроқ йўталсанг ҳам онасиникига кетиб қоладиган хотин кимга керак, нима дедингиз? Э-е, ҳаёт шунақа экан-да... Чой кўйибрайми? Эҳ-ҳа... Сиз ҳам тапириб ўтиринг мундоқ, Аломатхон.

(Аломат нигоҳини бир нуқтага қидаганча жим ўтирарди.) Олимтой лекин жа савоб иш қилган-да. Рақатопсин. Мана, хотин-халаж, бола-чақа олти ойлаб даладан бери келмайди. На дам олиш бор, на байрам бор, эртадан-кечгача – иш, иш, иш! Қор демайди, ёмғир демайди. Буёқда иссиқ қирқ бўлса, ёзуанинг ичиди элик! Э, темир бўп кет-е, ҳалиям чидар экан одамзод! (Хижолатли.) „Темир“ деганимга хафа бўлманг тагин, оғзимдан чиқиб кетди-да... Олимтой шуларини кўриб чидолмади. Одамларнинг оғирини енгил қиламан, деб кечалари ухламайди. Ўзига-ўзи гапирадими-ей, бир балоларни чизади, ўчиради, йиртиб ташлайди, яна чизади. Қанақадир идораларга қатнайди, кимлар биландир жанжаллашиб, асаби бузилиб келади. Уйга келиб аламини яна ишдан олади.

Э, ракатопсин (Олимжон чиқади.) Олимтой, сени гапираяпман. Ҳеч тиниб-тинчи-майдиған бола, дейман.

Олимжон. (Аломатга қараб туриб.) Э, бу ўчиб қопти-ку. (Аломатнинг елкасидаги блокни кавлаштира бошлайди.)

Қўчқор. Ийе, ўчиб қопти, деганинг нимаси?.. Мен шунча гапни кимга гапирдим бўлмасам! Бутун ўзбекнинг дардини дастурхон қилиб ўтирибман. (Қовоғини солиб.) Доим шу, бизга ўхшаган одам гапирса, ё ҳеч ким эшитмайди, ё эшитадигани темир чиқади...

Олимжон. Шу блокни алмаштириш керак экан-да, қаердадир контакт бўлмаяпти.

Қўчқор. Нима-такт?

Олимжон. Контакт. Ўқтин-ўқтин тутиб қолаяпти. (Бошқа схема ўриатади.)

Аломат. (Ноз билан.) Унақа қарданг одамга... Бирам нигоҳингиз ўткирки!

Қўчқор. (Довдираб.) Ким. Менми?.. Йўқ... Қараганим йўқ... Мен томга қараяпман...

Аломат. Доим шунақа дейсиз, одамни хижолат қилиб қўйиб... Ёмонсиз, Қўчқор ака ...

Қўчқор. (Жон ҳолатда.) Шунисини қўй, Олимтой, шунисини қўй, ука! Ўчирма, ўчирма!.. Аломатхон!.. Гапиринг, Аломатхон!.. Шунақа гапларингиздан гапиринг...

Аломат. Вой, анави кишимни... Нима дейман?

Қўчқор. Майли нима десаңгиз ҳам, Аломатхон!.. Ишқилиб, овозингизни эшитсам бўлди!..

Аломат. Э, боринг-е...

Қўчқор. Олимтой! Сен худосан! Яратиб қўйганиңдан айланай! Энди мундоқ ўтир.

Олимжон. (Ўтириб.) Хўш?

Қўчқор. Олимтой, жигарим! Гап мундоқ... Шу... (Аломатга қараб қўйиб.) Аломатхоннинг олдиларида ноқулайроқ бўлаяпти-ку, а?

Олимжон. Унда ўчириб қўямиз. (Роботни ўчиради.) Гапираверинг. (Қўчқор ўчдими-йўқми деб Аломатга тикилади, кейин унинг кўзи олдиди қўлини у ёқдан-бу ёққа ўйнатиб кўради. Аломат тек қотиб тураверади.)

Қўчқор. Гап мундоқ, Олимтой, укаммисан?

Олимжон. Албатта.

Қўчқор. Қиёматлик укаммисан?

Олимжон. Ҳа.

Қўчқор. Агар қиёматлик ака-ука бўлсак... (Аломатга қараб қўйиб.) Эшитмайди-а?

Олимжон. Эшитмайди.

Қўчқор. Агар қиёматлик ака-ука бўлсак, битта укалик қиласан, Олимтой.

Олимжон. Хўш.

Қўчқор. Биласан, кеннойнинг кетиб қолди! Шу, десанг, хотинсиз уй уймас-да. На кийинишингда тартиб бор, на иссиқ-совуғингда тайин бор, қидирган нарсанг топилмайди, падарига лаънат! Хуллас қийин-да, Шу, Аломатхон рўзгорга сал мундай... нима дейди... қарашиб турса-а, девдим-да, укам.

Олимжон. Бемалол. Нима иш буюрсангиз, бажараверади.

Қўчқор. Тўғри-ю... Лекин шу десанг... (Аломатга қараб қўйиб.) Эшитмайди-а? Шу десанг, уй ишларини-ку қилаверади, гап ундамас. Ишдан чарчаб келганингдан кейин мундоқ оёқни узатиб, дунёнинг паст-баландидан суҳбат қилсанг-а, ҳалигидақа икки оғиз ширин сўз билан чой узатса, а, чарчоқлар ёзилди, дилдаги губорлар фориг бўлармиди-и, деган гап-да бизники. Вей, яхши гапнинг гадосимиз, Олимтой!

Олимжон. Майли, Қўчқор ака, қайтанга ишлаб тургани яхши, баҳонада мен ҳам у-бу камчилигини кўриб оламан. (Турмоқчи бўлади.)

Қўчқор. (Енгидан тортиб.) Ўтир, Гап, Олимтой, Аломатхоннинг менга кўрсатадиган хизматида эмас, гап кўнгида. Битта овқату, сигир соғиш бўлса, қўшнIAM қилиб бериши мумкин. Лекин кечқурун ишдан келганингда пешвоз чиқиб, „Яхши келдингизми, ладаси“, деса, Эрталаб ишга кетаётганингда, „Яхши бориб келин“, деса, А? Мана бу ишни, Олимтой, қўшнинг қилиб беролмайди. (Илмоқли.) Тушуняпсанми?

Олимжон. (Бепарво.) Хўп, дедим-ку, Қўчқор ака. Ишдан қочмайди, гапингиздан чиқмайди. Бемалол. (Турмоқчи бўлади.)

Қўчқор. Э, ўтир! Энди-и, Олимтой... (Аломатга қараб қўйиб.) Эшитмайди-а? Энди-и, Олимтой, ўзингдан қолар гап йўқ. Буёғи – қишлоқчилик: биров у дейди, биров бу дейди – элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди, хўп-ми? Йўқ, йўлига-да, ёлғондакамига!.. Шу, бир-иккита мўйсафидни чақириб, бир ошамгина ош билан фотиҳага ўхшаган гап қиворсак, а?

Олимжон. Ийе, ўйлаб гапиряписизми, Қўчқор ака? Нима, одамларга кулги бўлмоқчимисиз? Айтган чизигингиздан чиқмаса, ҳамма ишингизни қилса – сигир соғишми, кир ювишми, овқат-повқат дегандай, фотиҳага бало борми! Э, тавба... Хўп, эрта ё илдин терим бошланади. Аломат синовга чиқиши керак, унда нима бўлади?

Қўчқор. Э, Олимтой, терим нима бўпти? Аёл зотининг, вей, жони тошдан бўлади – уйинIAM эплайди, далаIAM. Кўриб юрибмиз-ку.

Олимжон. Биров эшитса нима дейди, Қўчқор ака, ўйлаяписизми?

Қўчқор. Мен ҳам шуни айтаман-да. „Уйингизда бир заифа пайдо бўп қолти, Қўчқорвой, ким бўлди у?“ дейишса, нима дейман? Амманнинг қизи, дейманми? Одамларнинг қайси бирига тушунтираман, бу шунақа, одам эмас, бу Олимтой яратган робот, деб? Битта мулла чақириб, йўлига никоҳга ўхшаган бир нарса қиворсак, бўлди, юраверамиз, гап йўқ, сўз йўқ. Шу билан бир нима бўп қоладими?

Олимжон. Ахир, бу одам эмас-ку, Қўчқор ака, темир-ку, нега тушунмайсиз?! Ичи тўла сим пластмасса, яримўтказгичлар! Бу – машина.

Эртага синовдан ўтолмаса-ю, бузиб ташласам нима бўлади? Бир уюм темир қолади.

Қўчқор. Ҳа, энди, бузманг-да. Олимтой. Шундай нарсани бузсангиз, уволи тутиб, қўлгинангиз акашак бўлиб қолмайдими, мулла?! Э-е, етганлар бор, етмаганлар бор... Хўп де, Олимтой, дил кетди-да энди. Сенга нима, бу бўлмаса бошқасини ясаб олаверасан, бизга ўхшаган сўққабошга қийин... (Бечорасифат.) Ёлғизлик ёмон, Олимтой, буни бошига тушган биледи... Олимжон. (Тоқати тоқ бўлиб.) Э, билганингизни қилмайсизми! (Туриб.) Мен идорага бориб келаман. (Чиқиб кетади.)

(Қўчқор Олимжонни рухсат берди деб билди, ўзида йўқ хурсанд. Секин Аломатнинг орқасига ўтиб, эҳтиёткорлик билан тугмачани босади. Аломат жонлапади.)

Қўчқор. Зерикмай ўтирибсизми, Аломатхон?

Аломат. (Ҳеч гап бўлмагандай.) Раҳмат.

Қўчқор. Энди-и, Аломатхон, мана рўзғорнинг оғир-енгили икковимизнинг бўйнимизда. Яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, дегандей, тебратаверамиз. Бирпас туриб, мулла Сувонни чақириб чиқаман, никоҳ ўқиб қўяди. Майлими?

Аломат. Нима ўқитсангиз ўқитаверинг, ихтиёрингиз.

Тўртинчи сажна

(Ўша ҳовли. Орадан икки кун ўтган. Аломат каравотда ўтирипти. Қўчқор тоғорада буғи чиқиб турган қайноқ сув олиб келиб, унинг қаршисига қўяди. Аломатнинг қўлларини кафтлари орасига олиб бир пас тикилиб ўрнидан туриб, айвон шифтидан қизил микросхемани олиб келади, ўриатади. Аломат худди уйкудан тургандек ажабланиб атрофини кузатади. Сўнг Қўчқорга бошдан-оёқ разм солади.)

Аломат. Нима қиляпсиз, Қўчқор ака?

Қўчқор. (Узрли.) Шу десангиз, жа муздай-да... Юзимни силасангиз темирга ўхшайди... (Аломатнинг қўлини тоғорадан чиқариб, юзига босиб кўради.) Ҳали бор... (Яна сувга тикиб қўяди.) Хафа бўлмангу, Аломатхон, шу, Қумрининг қўллари қадок босиб, ёрилиб кетган бўлсаям, бир нимаси бор эди-да... Ўша нима экан-а? Бўлмасам, бармоқларини кўсак тилиб, гадир-будур қилиб ташлаган. Қўлидан доим кир совун аралаш таши ҳиди келиб туради. (Хўрсиниб.) Лекин нимасидир бор эди... Кейин кўзингиз ҳам ғалати... Йўқ, узоқдан қарасам, дуруст, иқинингизга келсам, шиншага ўхшайдими-ей...

Аломат. Кварс.

Қўчқор. Нима-аре?

Аломат. Кварс. Кваредан ясалган.

Қўчқор. Ҳа-а... Шишанинг бир тури-да, а! Жа совуқ нарса бўларкан, лекин... Биласизми, хафа бўлмангу, Қумри билан, десангиз, жим ўтириб ҳам

гаплашаверардик. Ичимизда. Нима деётганини кўздан билардим. Уям шундоқ қарарди-ю, ичимдагини топарди, қурғур...

Аломат. Мен мақсадингизни, хоҳиш-истагингизни кўзингиздан билолмайман. Ташқи олам билан фақат манусоник методда алоқа қиламан.

Қўчқор. Нима-сўниқ?

Аломат. Манусоник. Табиатдаги барча тирик мавжудот – ўсимлик, парранда-ю дарранда, шунингдек одам ҳам ўздан электромагнит тўлқинлари тарқатади.

Қўчқор. Мен ҳамми?

Аломат. Сиз ҳам.

Қўчқор. (Маънос жилмайиб.) Қумри бўлса „сиздан фақат солярка ҳиди таралади“, дерди. Қаранг, гапи ёлғон экан-да, а?

Аломат. Сиздан тарқалаётган электромагнит тўлқинларини қабул қиламан ва шунга кўра нима керак бўлса, ўша ишни бажараман.

Қўчқор. (Тушунишга ҳаракат қилиб.) Демак, биз ўзимиздан электромагнит тўлқинлари чиқарамиз, сиз уни қабул қиласиз. Бундан чиқди, сиз келгунингизгача бекордан-бекорга электромагнит тўлқинлари чиқариб ётган эканмизда-а? Уни ҳеч ким қабул қилмаса...

Аломат. Мана, масалан, икки кундан бери ишингизга овқат олиб бораман-а? Ҳеч қайси бригадада, қайси картада ишлаётганингизни сўраганиманми? Йўқ. Овқатни оламану, тўппа-тўғри топиб боравераман. Электромагнит тўлқинлари менга йўл кўрсатади.

Қўчқор. (Маънос.) Қумри ҳам адашмай топиб борарди... Унга нима йўл кўрсатар экан-а? Ёки, дейлик ҳар куни кўчамиздан қанчадан-қанча трактор ўтади, болаларим бўлса менинг тракторимни овозидан танийди, югуриб чиқишади... Бўлмасам, унча-мунча механик ҳам тракторларни овозидан ажрата олмайди... Э, худо, мен тушунмайдиган жумбоқларинг мунча кўп-а!..

Аломат. Тушунмаган нарсаларингизни сўранг, жавоб бераман.

Қўчқор. Мана, дейлик, мен нимадандир хурсанд бўлдим-а? Сиз ҳам менга қўшилиб хурсанд бўласизми?

Аломат. Йўқ, мен унда хотиржам бўламан. Негаки, бирон жойингиз огриётгани йўқ, қорингиз тўқ, ҳеч нима безовта қилмаяпти, демак, ҳаммаси жойида.

Қўчқор. Э-е, унда сиз ҳам ўзимизнинг маҳаллий ҳокимиятга ўхшаган гап экансиз-да. Улар ҳам на дардингга шерик бўлади, на хурсандчилигингга. Номин „маҳаллий“ бўлгани билан, билмайман, нариги маҳаллага қарайдими... (Бирдан.) Аломатхон, сиз йиғлоласизми?

Аломат. Йўқ.

Қўчқор. Аёл кишининг ҳар замонда йиғлаб тургани яхши... Енгил тортади. Эркакнинг йўриғи бошқа – уят бўлади. Мана, мен, сира йиғламаганиман... (Ўйчан.) Лекин уят бўлмаганида йиғлардим...

Аломат. Уят бўлмайди, йиғлайверинг.

Қўчқор. (Хижолатли.) Э, қўйсангиз-чи, қизиқмисиз...

Аломат. Чиндан ҳам уят бўлмайди, нимага десангиз, мен уятни тушунмайман. Электромагнит тўлқинлари бўлса – бошқа гап. Мана, ҳозир сиз йиғиға эҳтиёж сезяпсиз – буни тушунаман. Бемалол йиғлайверинг, Қўчқор ака. Мен роботман-ку, темирдан ҳам уяладими одам?

Қўчқор. (Бирпас ўйлаб туриб.) Нима деб йиғлайман.

Аломат. Сўз ёзиб берайми?

Қўчқор. Йўқ-е, энди йиғлашни ҳам қоғозга қараб йиғласак, уят бўлар?

Аломат. Мен одамлар ҳақида бошқача тасаввурда эдим. Уларнинг эрки қўлида, нимани хоҳласа шуни қилолади, деб ўйлардим. Наҳотки, хулосаларим нотўғри бўлса?

Қўчқор. Ҳазиям эркимиз қўлимизда.

Аломат. Нега бўлмаса йиғлолмаяпсиз?

Қўчқор. Энди, Аломатхон, дабдурустдан қийин-да... Бир сабаб бўлмаса...

Аломат. Сабаб топамиз.

Қўчқор. Қанақа қилиб?

Аломат. Гипноз қилиб.

Қўчқор. Нима-гноз?

Аломат. Гипноз. Қонда бўйича, гипноз фақат ёлғондан иборат бўлади. Масалан, тиши оғриб турган одамга „тишингиз оғримаяпти“, деб ёлғон гапирилади.

Қўчқор. Йўқ, мен ёлғон гапга йиғламайман.

Аломат. Ахир ёлғон худди ростдай қилиб гапирилади-да! Ҳамма ишонади, ҳатто гапираётган одамнинг ўзи ҳам! Қали, мундоқ ўтиринг-чи. Бошладик. Кўзимга қаранг... Бўшашиг... Фўдайманг, бўшашиг, деяпман... Яхши...

Қўчқор. Қўйинг, нима кераги бор, барибир йиғламайман...

Аломат. Йиғлайсиз... (Қўлларини Қўчқорнинг боши узра ҳаракатлантириб.) Йиғлайсиз... Чунки, жуда эзилгансиз... Юрагингизга қил сиғмайди... Ич-ичингиздан бир нима тошиб келяпти... Ҳеч кимнинг раҳми келмайди. Биров дардингизга шерик ҳам бўлмайди... Ўз ёғингизга ўзингиз қоврилиб яшаяпсиз... Афт-ангорингизга бир қаранг, қирққа кирган қирчиллама йиғитсизу, кўрган одам сизни элликка кирган деб ўйлайди. Қуриб-қақшаб боряпсиз... Ёсингизни танибсиз-ки, тинмай меҳнат қиласиз, лекин ҳеч бирингиз икки бўлмайди. Рўзғор, бола-чақа ташвиши дейсиз, афсуски, бу ташвишларнинг чеки йўқ. Эрталабдан кечгача чумолидай гимир-гимир қиласизу, роҳатини кўрмайсиз. Кийиб олган кийимингизга қаранг, енгил sanoат еттиштиратган ҳамма брак маҳсулот сиз ва сизга ўхшаганларга насиб қилади. Бу нима? Шу иссиқда ким нейлон кўйлак кияди?

Қўчқор. Магазинга келган экан, арзонгина деб...

Аломат. Ўзингизга бир ташқаридан қаранг, қайси замонда яшаяпсиз, ўзи? Кимга ўхшайсиз? (Эски кўрпачаларни кўрсатиб.) „Пахтакорман“ деб кўкрагингизга урасизу, кўрпангизга пахта тополмайсиз! Оёғингизга илиб олган калишингиз қаердан чиққан? Янгийўлданми, Тошкентданми?

Қўчқор. (Оёғини йиғиштириб.) Калишмас, патинка...

Аломат. Бу дунёга келиб, нима кўрдингиз, Қўчқор ака? „Икки марта Тошкентга борганман“ деб мақтанасиз, одамлар. „Оқ денгизу Қора денгиз“ қилиб юришини! „Ҳа, энди улар бошқача одамларда“ дейсиз. Қанақа бошқача? Нимаси бошқача? Шу даражага етгансизки, бора-бора ундайларга ҳавас ҳам қилмай қўйгансиз! Ҳавас қилавериб, орзу қилавериб чарчагансиз, ҳолдан тойгансиз!

Қўчқор. Нима қипти, эл қатори яшаяпмиз...

Аломат. Шундай деб ўзингизни овутасиз. Фурур, қадр-қимматингиз-чи? Муңдоқ ўйлаб кўринг, бирон тирик жон сиз билан ҳисоблашадими? Йўқ, ахир! Тўй-маъракаларда пойгакда ўтирасиз. „Улуғлар“га тайёрланган дастурхонга яқинлашолмасиз, иложи борича ўша томонга қарамасликка тиришасиз. Чунки „меҳнаткаш“ деган мансаб билан тўрга чиқолмаслигингизни яхши биласиз! Шляпа кийиб, галстук таққан кетмондаста ҳам сизни ҳақоратлаши, таҳқирлаши мумкин! Алам қилмайдими?

Қўчқор. Ҳа, энди, раҳбар бўлгандан кейин койибди-да...

Аломат. Байрам кунлари раёндаги намоёнишдан байроқча кўтариб ўтганингизга хурсанд бўлиб юраверасиз. Мажлисларда қўл кўтаришу, чапак чалишни биласиз, бошқа балони ҳам билмайсиз! Кўпинча ўша мажлисда нима ҳал бўлаётганини тушунмайсиз!

Қўчқор. (Таъсирланиб.) Гапингиз нотўғри, Аломатхон. „Ҳурмат тахта“сида суратимиз турипти...

Аломат. Энди бор умидингиз болаларингиздан. Уларни ўқитиб, „катта одам“ қилмоқчисиз. Лекин уларингиздан „катта одам“ чиқмайди. Даладан бери келмайдиган, чаласавод болалардан ниманиям кутиб бўларди? Буни биласиз. Яна „кўпга келган тўй“, деб юраверасиз. Ахир умр ўтиб кетаяпти-ку, Қўчқор ака!

Қўчқор. (Кўнгли тўлиб.) Барибир йиғламайман... Яхши яшаяпмиз, билдингизми!..

Аломат. Йиғлайсиз... Ана, кўнглингиз тўлиб турибди... Лабингизни тишламанг, Қўчқор ака, фойдаси йўқ. Ахир, ёш кўздан чиқади, оғиздан эмас...

Қўчқор. (Йиғлагудек бўлиб.) Биров сизга ҳаётидан нолияптими?

Аломат. Ҳамма гап шунда-да, нолимайсиз! Кўникиб кетгансиз. Яралар тошга айланган – оғриқ сезмайди. Дод солиб бақириниш-ку, қўлингиздан келмас, ҳеч курса инграб қўйишга ҳам қодир эмасмисиз, Қўчқор ака! Қалбингизнинг унутилиб кетган, ўзингиз ҳам билмайдиган бурчакларида милтиллаётган ушоққина норозиликдан кўрқасиз, уни сезмасликка оласиз! Тўғри, қадр-қимматингиз ошқора ҳақоратланганда ўша милтиллаётган чўғ аланга олгандай бўлади ва сиз уни ароқ билан ўчиришга уринасиз. Дунёга ширакайф кўзлар билан қараб, таскин топасиз, лекин эртаси кун кайфингиз тарқаб, дунё яна асл ҳолига қайтади! Шунда йиғламоқдан ўзга чорангиз қолмайди... Кейин ўқсиб-ўқсиб йиғлайсиз...

Қўчқор. (Кўзларида ёш ўйнаб.) Ёлғон!.. Ҳеч қачон йиғламаганман!..

Аломат, Йиғлагансиз, Фақат, кўзингизни нариги томони билан йиғлагансиз. Кўз ёшларингиз ташқарига эмас, ичкарига оққан. Мана, менинг ичим тўла темир-терсак, сизнинг вужудингиз эса фақат кўз ёшидан иборат. Лим-лим ёш...

Қўчқор. (Баралла йиғлаганича оёқ остидаги яшикни зарб билан тепиб.) Э, падарига лаънат ҳаммасининг!!!

Аломат. (Гипнозни тўхтатиб.) Нега унақа қиласиз, Қўчқор ака? Айтдим-ку, гапларимнинг ҳаммаси ёлғон деб. Бу гапларга ишониш учун жуда гўл, калтафаҳм бўлиш керак. Наҳотки, сиз шунақа одам бўлсангиз?

Қўчқор. Э, ёлғонингизнинг ҳам падарига лаънат! (Ёш болага ўхшаб гияғишиб йиғлайди. Аломатнинг елкасидаги қизил микросхемани олади-да, қўшни ҳовли томонга отиб юборади.) Бозортой!.. Ҳў, Бозортой! Бир қараб юбор, оғайни, жуда керак бўп қолдинг!.. Бозортой, жон дўстим, бир қарагин, икки оғизгина гапим бор! Сенга айтмасам, кимга айтаман, Бозортой!.. Бозортой, кадрдоним!..

Шарофат. (Девор оша мўралаб.) Бозорвой акам икки қонгина бақлажон олиб, бозорга кетувдилар. Нима эди?

Қўчқор. (Уша қўйи йиғлаб.) Зерикиб кетдим... Картасини олиб чиқса, бир-икки қўл „дуррак“ ўйнардик...

Шарофат. Ҳа-а... Майли, келсалар, айтиб қўяман.

(Қўчқор ҳамон гияғишиб йиғлайди, шу қўйи йиғлаганича Аломатга бошқа микросхема ўриатади.)

Аломат. (Куйлаб.) „Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик“. (Тўхтовсиз айтаверади.)

(Қўчқор анча вақт ҳовлида бемақсад санғиб юради. Аста-секин, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, унинг йиғиси Аломатнинг „Даврон сурайлик“ ашуласи билан уйғунлашиб кетади.)

ПАРДА

Бешинчи сажна

(Учинчи кун. Эрталаб. Қўчқор яна устунга боғлаб ташланган. Ҳовлида бошқа ҳеч ким йўқ. У ўзига келиб, атрофга разм солади. Нега бу аҳволда турганини фаҳмлагунча анча вақт ўтади.)

Қўчқор. (Қийналиб.) Вой, жоним-ей... Кеча яна бўпти-да, падарига лаънат!.. (Чақириб.) Аломат! Аломат, деялман! (Хўрлиги келиб.) Буям боғлаб ташлапти... Бу хотин зотининг ҳаммаси бир гўр экан. Мен аҳмоқ, бу робот-ку, одам эмас-ку, эси бордир, деб ўйлабман! (Бақириб.) Аломат! Кимга айтяпман, буёққа қара! Вой-ей, ичим ёниб кетяпти... Қумри ҳеч бўлмаганда сув-пув бериб турарди... Э-е, кеча терим бошланган-ку, далага кетган... (Чираниб кўриб.) Вой-вой-вой, бу Қумридан ҳам қаттиқ боғлабди...

(Эшикдан оғир сумкани судраганича Туробжон келади.)

Туробжон. (Сумкани ташлаб, югуриб келади.) Дада! Биз яна қайтиб кўчиб келяпмиз!

Кўчқор. Ўғилтой!.. Келдингми?.. Соғинтириб қўйдинг-ку, ўғилтой!

Туробжон. Сиз нега бормадингиз, дада? Кутавердик, кутавердик...

Кўчқор. Ким? Менми? (Тепага қараб қўйиб илтиробан.) Елкамни босиб турган юк оғирлик қилди-да, ўғилтой!

(Тугун кўтариб олган Қумри ҳовлига кириши билан эрини кўриб, қўрқиб кетади.)

Қумри. (Югуриб келиб.) Вой, шўрим... Вой, ўлиб қўя қолай!.. Ҳалиям боғлиқ турибсизми, дадаси?

Кўчқор. Турибмиз – биз бир сўзли одаммиз.

Қумри. (Шовша-лиша арқонини еча бошлайди.) Одамлардаям инсоф қомабди, ўлиб қоладиям дейишмайди!.. (Ийламенираб.) Бунақалигини билганимда ўзим ечиб кетардим. Вой, шўргинам курсин-а! Белингиз ҳам қотиб қолгандир, дадаси!

Кўчқор. Қотмай-чи! Уч кундан бери Исо пайғамбарга ўхшаб турибман!

Қумри. Қишлоқнинг оқсоқоллари кап-катта одамлар-ку, деб мен эсини еган, ўшаларга ишонибман-да! Инсофсизлар!.. (Эрининг белидан олиб.) Келинг, елкамдан ушлаб олинг... (Суяб қаравотга ўтқизади.) Кўрқитиб қўяй, деб бир-икки кунга кетувдим-да, дадаси, бунақа бўлишини ким билибди, дейсиз...

Кўчқор. Болаларинг қани?

Қумри. Мактабда. Чикиб тўғри шу ёққа келишади. Туробингиз кўчага чиқиб олиб, фақат сизни кутади. Қолганлариям „дадам-чи дадам“ дейверишиб одамни қон қилиб юборишди. Уларга қараб туриб, жаҳл қилмай мен ўлай, дедиму, югуриб келавердим. Уч кун – минг кун бўл кетди... (Ийғалайди.)

Кўчқор. (Хотинига ғалати сирчковлик билан тикилиб.) Аёл кишининг ҳар замонда йиғлаб тургани яхши... Менга қара-чи.

Қумри. Ҳа?

Кўчқор. Кўзларинг нимадан ясалган, Қумри?

Қумри. Вой, у нима деганингиз?

Кўчқор. Далага овқат олиб борганимда мени қанақа қилиб топардинг?

Қумри. (Елка қисиб.) Билмасам... (Эрининг қаршиенга чўкиб.) Бирон нима бўлдим, дадаси.

Кўчқор. Бўлди-да, Қумри, бўлди... (Хотинининг кўзларини олиб, бир пас тикилиб туради, сўнг юзига босиб кўзларини юмади.)

Қумри. Вой, нима қилганингиз бу, Кўчқор ака, боладан уялсангиз-чи... Уч кун ўтиб ҳам кайфингиз тарқамадими? Туробжон, бор болам, кўчага чиқиб қара-чи, акаларинг келаяптимикиан?

Туробжон. Хўп. (Югуриб чиқиб кетади.)

Қумри. Нима бўлди ўзи дадаси?

Кўчқор. Шу, Қумри, ўқиган яхши экан-да, мана масалан, мен кўп ўқийман.

Қумри. (Кудимсираб.) Ростан-и? Қачондан бери?

Қўчқор. Биласанми, дунёда тирик жон борки, ўзидан электромагнит тўлқинлари тарқатади. Одам ҳам тарқатади. Сен билан мен ҳам. Бола-чақамиз ҳам.

Қумри. (Жилмайиб). Хўш, кейин-чи?

Қўчқор. Нима кейин? Тарқатади, тамом.

Қумри. Ҳа, кўп ўқибсиз. Яхши экан, қисқагина.

Қўчқор. Электромагнит тўлқинларини-ку тарқатаямиз, лекин уни қабул қиладиган бошқа аппарат ҳам бўлиши керак. Қумри: Бўлмаса нима фойдаси бор, тарқатсак тарқатиб ётаверамиз-да. Ўша аппарат... Номи нима эди?... Ҳалиги, каттакон... Олимтой бир бало девди-я... Локат... Локатор. Локатор! Ана ўша бўлиши керак! Мана, масалан, идоранинг тепасида нима бор?

Қумри. Қолҳўзининг идорасини айтяспизми? Ёввойи каптарлар бор, гала-гала бўлиб учиб юришинти.

Қўчқор. Байроқ бор! Ўқимаган. Ана ўша байроқнинг ёнига битта локатор ҳам ўриятиш керак. Бўлмаса, ўзинг ўйлагин, мен электромагнит тўлқинлари тарқатаяман... қирқ йилдан бери. Сен электромагнит тўлқинлари тарқатаясан... туғилганингдан бери. Эшмат тарқатяпти. Абдурайим, Мамарайим тарқатяпти – қабул қиладиган аппарат йўқ! Шунинг учун. Қумри, ҳар бир идоранинг тепасида локатор бўлиши керак. Битта байроқ, битта локатор! Битта байроқ, битта локатор. Ҳозир-чи... Фақат битта байроқнинг ўзи турипти... Э-е, дунё кўрган одаммиз-да, Қумри, биламиз. Икки марта ўша Тошкентнингтаям борганман, керак бўлса!

Қумри. Хўп, сиз айтгандай бўлди дейлик, кейин-чи?

Қўчқор. Кейин... Кейин ҳеч адашмай ишлаётган жойингга овқат обориб беришди. Ундан-бундан йўл сўраб ўтирмайди. Эшматвой қайси картада ишляпти, деб... Ўқимайсан-да, Қумри, ўқимайсан. Ўқишда гап кўп. Мен ўқийман...

Қумри. (Сохта жидлийлик билан.) Рост, ҳеч қўлингиздан китоб тушмайди. Вой, сиз билан гап сотиб ўтиришимни қаранг. Шунча кундан бери туз тотганингиз йўқ... Ҳозир бир нарса қиворамаи. (Ошхонага кириб кетади.)

(Ҳовлиқданча Олимжон югуриб қиради, рағи ўчган, ҳовлини тир айланади довлараб кимндир килтиради.)

Олимжон. Қўчқор ака !.. Тамом, тамом!.. Ҳаммаси тугади!

Қўчқор. Нима тугади, Олимтой?

Олимжон. Шўрим куриб қолди, Қўчқор ака, шўрим куриб қолди!..

Қўчқор. Мундоқ тушунтириброқ гапир, Олимтой, унақа кўкрагингга муштлаганинг билан биз тушунавермаймиз, бир оми одам бўлсак.

Олимжон. (Қўчқорнинг елкасига бош қўйиб.) Қўчқор ака, Аломатдан ажраб қолдик!..

Қўчқор. Ёпирай!.. (Сал ўзига келиб.) Нега?.. Қачон?..

Олимжон. Ҳозир... Борсам, картанинг бошида тутаб ётибти. Куйиб кетипти!..

Қўчқор. (Юзига фотиҳа тортиб.) Вой, бечора-йей... Умри қисқа экан.

Олимжон. Етти йиллик меҳнатим, етти йиллик умрим барбод бўлди, ҳавога учди!..

Қўчқор. Қўй, энди, бўлар иш бўпти. Ҳамманинг бошида бор савдо. Қўлимиздан нимаям келарди (Бир оздан сўнг.) Энди нима қиласан, Олимтой?

Олимжон. (Пиқиллаганича.) Нима қилардим, соғ қолган қисмини олиб, запчаст қиламан...

Қўчқор. (Туриб.) Бўлмаса мен одамларга хабар қилай.

Олимжон. Нимасини хабар қиласиз?

Қўчқор. Ҳа, энди, жаназа дегани кўпчилик билан-да, Олимтой.

Олимжон. (Портлаб.) Вей, сиз сал жиннироқмисиз-а, жиннироқмисиз?! Ҳали нинхоҳ ўқитасиз, ҳали жаназа дейсиз!

Қўчқор. (Айбдорларча.) Энди, тирик одамдай бўлиб қолувди-да...

Олимжон. (Ҳужумга ўтиб.) Аломатнинг нимадан ўлганини биласизми?

Қўчқор. Йўқ.

Олимжон. Зўриқиб ўлди! Уни сиз ўлдирдингиз!

Қўчқор. (Ёқа ушлаб.) Ёпирай!..

Олимжон. Ҳа, сиз ўлдирдингиз! Кенноним кетиб, жуда тўғри қилганлар, сизнинг чангалингизга тушган ҳар қандай аёл ҳам албатта нобуд бўлади! Сиз учига чиққан феодалсиз!

Қўчқор. Нима-дал?

Олимжон. Феодал! Мана шу уч кун ичида Аломат шўрликнинг бошига нималар ёғилмади! Нима азобларни кўрмади! Беаёв эксплуатация қилдингиз!

Қўчқор. Нима-платация?

Олимжон. Эксплуатация! Эрталабдан кечгача тиндирмадингиз-а! Бир минут дам олгани йўқ, бечора! Юв, тозала, тик, яма, супур! Бир чақирим наридан сув олиб келиб, кир ювади! Манави тезак ёқиладиган лаънати ўчоғингизда овқат қилади! Еб тўймайдиган очофат молларингиз бор; эрталабдан кечгача ўт бер, сув бер, ем бер! Ҳамир қоради, сигир соғади, қуви пишди! Э, бу уйингизнинг иши тугайдими, ўзи! Бундан ташқари, далага чиқади! Минг чаноққа минг эгилиб, пахта теради! Қирқ-эллик кило нарсани кўтариб, хирмонга олиб боради! Шунақаям қийнайдими, Қўчқор ака?! Бу дўзах азобларига қандай дош берени, қандай чидасин?! (Меҳр билан.) Ахир у темир-ку, Қўчқор ака, темир. Уни эҳтиёт қилиш керак, авайлаш керак. У ўзини ўйламайди, „қийналиб кетдим“ дейдиган тили йўқ. Индамас экан, деб эшакдай ишлатаверадими ахир! „Пақ“ этиб жони чиқиб кетгунча эзавериш керакми?! Йўқ, юраги тош одамсиз, Қўчқор ака!

Қўчқор. Ҳеч ким меҳнатдан ўлмайди, Олимтой!..

Олимжон. Э, ана ўлди-ку! Яна нима керак сизга! Шундай кўзингиз очилмадими, қанақа худо қарғаган одамсиз?! Сиз, Қўчқор ака, инквизиторсиз!

Қўчқор. Нима-зитор?

Олимжон. Инквизитор!

Кўчқор. Йўғ-е, Олимтой, инквизитормас, механизатор, де...

Олимжон. Ҳамма замонлардаям инсон ақду заковатининг маҳсули – буюк кашфиётлар сизга ўхшаган жоҳиллар туфайли барбод бўлган! Сиз тараққиётнинг душманисиз! (Бутун дунё, жаҳондан норози бўлиб кетади.)

(Сукут. Кўчқор нима қиларини биламай, ўртада туриб қолади. Кейин аста-секин юриб, сахна олдига келади.)

Кўчқор. (Томошабин узра узоқ-узоқларга тикилганича.) Тавба... Аломатни мен ўлдирган эмишман, унга бирон-бир ортиқча юмуш буюрганам йўқ, ўлиб кетай агар. Хўш, нима иш қилипти! Ҳали қаторлаштириб бола туққани йўқ, кечалари уйқудан қолиб, бешик қучоқлаб чиққани йўқ, ҳар бир фарзанди билан минг бор касал бўлиб, минг бор соғайгани ҳам йўқ. (Ҳайрон.) Битта ўзбек аёли нима иш қилса, шунинг ярмини қилди, холос...

(Каттакон тоғорани аранг кўтариб Қумри чиқади.)

Қумри. Гўнғир-гўнғир қилиб ким билан гаплашяпсиз, дадаси?

Кўчқор. (Томошабин томонга қараганича, ўта жиддий.) Менми? Худо билан гаплашяпман.

Қумри. (Эрининг бу гапини ҳазил тушуниб.) Ростдан-а? Хўш, худо сизга нима деди?

Кўчқор. (Томоғига алланарса келиб тикилгандай, ютиниб олиб.) Эй, эси йўқ бандам, деди, шукроналар келтирки, хотинингни одам қилиб яратганман, йўқса у аллақачон запчаст бўлиб кетарди, деди...

(Қумри бу гапга кулиб қўя қолади, сўнг одатдагидай уй юмушларига шўнғиб кетади. У то парда ёпилгунга қадар у-бу иш билан банд бўлади.)

Кўчқор ҳаёлга ботинганича ўша кўйи томошабинга тикилиб тураверади.

Қаердандир, бошқа ҳовлидан бўлса керак, бига таниш ўша бахту иқбол ҳақидаги қўшиқ эшитилади: „Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз норлоқ экан, даврон сурайлик. Иқболимиз норлоқ экан, даврон сурайлик...“)

Тавмом

Савол ва топишириқлар:

1. Биринчи сахна тасвиридаги ҳолатга эътибор беринг. Кўчқорнинг рўзғорига тааллуқли ҳар бир жиҳозда ниманингдир етишмаслиги сабабини изоҳланг, бу ҳолат тасвирининг ҳаётий ва бадий вазифасини тушунтиринг.

2. Комедия қаҳрамонининг ўз аёлига қандай муомала қилаётганига эътибор беринг. Асарда ўзбек оилаларидаги муносабатларнинг қанчалик ҳаётий аке эттирилганлигини тушунтиринг.

3. Биринчи сахнадаги хатти-ҳаракати ва гап-сўзларига қараб Кўчқор образига тавсиф беринг. Унинг содда, топқир, гапга чечан, ҳазилкаш, мақталчоқ ва бошқа жиҳатларини аниқланг.

4. Кўчқор томошидан айтилган: „Бўпти, кечирдим, қўли еч“ деган гап персонажнинг ўна пайтдаги ҳолатига қанчалик мувофиқ келиши ҳақида мулоҳазангизни билдириңг.

5. Комедияда Кўчқорнинг: „Кўчқор экан деб боғлаб ташлайверадими?“ тарзидagi норозиликни ifодаси туфайли қандай бадий вазият яратилди деб ўйлайсиз?

6. Қумрининг хўрлиги келиб: „Айтадиганингизни айтдингиз...“, деган гапини қандай тушундингиз? Бу гапнинг нима экинчилигини топишга урининг.

7. Хотини тўғрисида Кўчқорнинг: „Мастигимда уриб, майиб-пайиб ҳам қилиб қўймаган эканман – жимгина уйда ўтирарди“ қабилдаги афеуси ҳақида, бу ҳилдаги фикрлаш тарзининг миллий турмушимизга қай даражада алоқадорлиги борасида мулоҳаза қилиб кўринг.

8. Кўчқорнинг нутқига хос жиҳатларга эътибор беринг. Унинг сўзлаш тарзи асосидagi ички дунёсини очишга урининг.

9. Қумри образини тавсифлаб беринг. Асар матнидан унинг одам, аёл, хотин ва она сифатидаги хусусиятларини аниқланг.

10. Онасиникидан қайтиб келгач, Қумрининг кўзларини Кўчқор юзига босганда аёл қандай ҳолатга тушганилиги тасвирини асар матнидан топинг ва бу ҳолининг сабабини изоҳланг.

11. Кўчқор аёлига ўзининг „кўп ўқиви“ билан мақтанганда, эрининг аҳволини жуда яхши билган аёл нега ростини айтмади деб ўйлайсиз?

12. Кўчқорнинг Олимжон билан дастлабки суҳбатига эътибор қилинг. Унинг: „Бир қарасанг, қўйларга қараб „кўп туғ“ дейди, бир қарасанг, ўзбекка қараб „кам туғ“ дейди...“, – деган гапи замиридаги таъмаънога диққатингизни қаратинг. Нега қўй билан ўзбек тимсоллари ёнма-ён келтирилаётганлигини тушунтиришга урининг.

13. Комедия бош қаҳрамонининг Олимтойга қарата: „Хотинларнинг қорнига осилгунча пахта терадиган машинани тўғрида“, деган норозиликга муносабат билдириг.

14. Олимжоннинг ўз роботини мактаб айтган сифатларининг кўпчилигини Кўчқор одамлардан ҳам топади. Жумладан, унинг: „Ийе, унда чицдан ҳам одамга ўқшар экан. Мана, биз ҳам „пахта теримизга“ деган гапни эшитишимиз билан ҳамма ишминини йиғиштириб қўйиб, далага чиқиб кетамиз. Болаларимиз ўқшини ташлайди, хотинларимиз эмизликчи боласини...“ деган сўзларини ҳаёт ҳақиқатига мувофиқлиги жиҳатдан изоҳланг?

15. Олимжоннинг роботни мактаб: „У фақат ишлайди! Ишлайверади, ишлайверади, ишлайверади!“ деганида Кўчқор: „Биз ҳам ишлайверамиз...“, дея билдирган муносабатда қандай яширин маъно, миллий турмушимизнинг қандай ички хусусиятлари бор деб ўйлайсиз?

16. Асар қаҳрамонининг: „Ҳа-а... Шералдан йўқми?“, деган сўзларига яширилган миллий хусусиятларини тушунтириг.

17. Кўчқорнинг Аломат билан дастлаб суҳбатлашгандаги: „Ҳа энди, гап-да...“ тарзидagi жавоби ўзбек руҳиятига хос қандай жиҳатларни акс эттираётганлигини айтинг.

18. Кўчқор тилидан асар воқеалари мобайнида бир неча бор ишлатилган „Ракатопени“ сўзининг маъносини изоҳланг ва бу тарзда айтилиши сабабини тушунтириг.

19. Асарда Кўчқор тилдан айтилган: „Ийе, ўчиб қопти, деганинг нимаси?.. Мен шунча гапни кимга гапирдим бўлмасам! Бутун ўзбекининг дардини дастурхон қилиб ўтирибман. (Қовоғини солиб.) Доим шу, бизга ўршаган одам гапирса, ё ҳеч қим эшитмайди, ё эшитадигани темир чиқади...“ тарзидagi норозилик қандай ижтимоий маънога эга деб биласиз?

20. Аломат билан никоҳдан ўғиш борасидаги таклифни Кўчқор нега бу қадар ҳисқолатлик билан айтди деб ўйлайсиз?

21. Аломат образи сизда қандай таассурот қолдирди? Унинг ўзига хос жиҳатларини топишга уриниб кўринг. Драматург қиллоқдаги ҳақиқий ҳолатни акс эттиришда бу воситадан, яъни „темир хотин“ образидан қандай фойдаланди?

22. Кўчқорнинг: „Кумри билан десагиз, жим утириб ҳам гаплашавардик. Ичимизда“, деган гапларини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳолини изоҳлашга уришиб кўриг.

23. Кўчқорнинг Аломатга қарата айтган: „Кумрининг кўллари қалоқ босиб, ёрилиб кетган бўлсаям, бир нимаси бор эди-да... Ўша нима экан-а? Бўлмасам, бармоқларини қўсақ тилиб, гади-будурқилиб ташлаган. Қўлидан доим кирсовун аралаш таппи ҳиди келиб турди. Лекин нимасидир бор эди...“ тарзидаги надоматининг „нимадир“ ини аниқланг-чи?

24. Нега Кўчқор Аломатдан „...сиз йиғлоласизми“, деб сўради? Йиғлоласлик аёл учун қай жиҳати билан фожиа? У нимадан далолат беради?

Кўчқорнинг Аломатга қарата „Йўғ-е, энди йиғлашни ҳам қоғозга қараб йиғласак, уят бўлар?“ сўзлари тағида қандай яширин маъно ётганлигини аниқлашга урилинг.

25. Аломатнинг Кўчқорга қарата айтган: „Шу даражага етгансизки, бора-бора ундайларга ҳавас ҳам қилмай кўйгансиз! Ҳавас қилавериб, орзу қилавериб, чарчагансиз, ҳолдан тойгансиз!“ сўзлари замиридаги ҳақиқатни белгиланг.

26. Асардаги: „Гурур, қадр-қимматингиз-чи? Мушдоқ ўйлаб кўринг, бирон тирик жон сиз билан ҳисоблашадими? Йўқ, ахир! Тўй-маъракаларда пойгада ўтирасиз“ сингари аччиқ гаплар фақат Кўчқорга тегишли деб ўйлайсизми?

27. Кўчқорнинг оғир ҳаётдан нолимаслиги сабаби ҳақида Аломатнинг: „Ҳамма гап шунда-да, нолимасин! Кўникиб кетгансиз. Яралар тошга айланган - оғриқ сезмайди. Дод солиб бақириш-ку, қўлингиздан келмас, ҳеч курса инграб кўйишга ҳам қодир эмасмисиз, Кўчқор ака! Қалбингизнинг унутилиб кетган, ўзингиз ҳам билмайдиган бурчакларида миятиллаётган ушоқна ирозиликдан кўрқасиз, уни сезмасликка оласиз!“ каби изоҳларига муносабатингизни билдиринг.

28. Кўчқорнинг: „Ёлғон!.. Ҳеч қачон йиғламаганман!..“ деган гапига қарши Аломат томонидан айтилган: „Йиғлагансиз. Фақат, кўзингизнинг нариги томони билан йиғлагансиз. Кўз-ёшларингиз ташқарига эмас, ичкарига оққан. Мана, менинг ичим тўла темир-терсақ, сизнинг вужудингиз эса фақат кўз ёшдан иборат. Лим-лим ёш...“ тарзидаги фикрини изоҳланг. Ичкарига оққан кўз ёшлар ва унинг сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Сиз Аломатнинг гапларига қўшилмасизми ёки қўшилмайсизми?

29. Халқ қисматиининг ғоят фоживий манзараси ҳақида Аломат ва Кўчқор ўртасидаги мурасаси бахдан сўнг „Даврон сурайлик“ ашуласининг берилиши қандай рамзий маънога эга деб ўйлайсиз?

30. Олимжоннинг: „Ахир у темир-ку, Кўчқор ака, темир. Уни эҳтиёт қилиш керак, айналаш керак. У ўзини ўйламайди, „қўйилиб кетдим“ дейдиган тили йўқ. Индамас экан, деб яшакдай ишлагаверадими ахир!“ тарзидаги норозилигига диққат қилинг. Аломат билан ўзбек аёллари ҳаётини солиштиринг.

31. Аломатнинг ҳалокати сабаблари борасида ўйлаётган Кўчқорнинг куйидаги мулоҳазаларига эътибор қилинг: „Хўш, нима иш қилипти! Хали қаторлаштириб бола туққани йўқ, кечалари уйқудан қолиб, бешик кучоқлаб чиққани йўқ, ҳар бир фарзанди билан минг бор касал бўлиб, минг бор соғайгани ҳам йўқ. (Ҳайрон.) Битта ўзбек аёли нима иш қилса, шунинг ярминини қилди, холос...“ Қаҳрамоннинг шу фикрларига асосланиб, опангиз, опангиз, яқинларингиз бўлмиш ўзбек аёллари ҳаёти ҳақида сўзлаб беринг.

32. Асарнинг: „Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик“ қўшиги билан яқунлигинини қандай изоҳлайсиз? Ўз аҳволини тафтиш ва таҳлил қилмаслик, ўзининг аслида қандай ҳаёт кечираётганлигини билмаслиқни фазилат деб биласизми ёки нуқсон?

33. Комедияда муаллифнинг ижодий топилдиғи ҳисобласа бўладиган қандай бадий тасвирларни кўрсата оласиз?

34. Муаллифнинг тилдан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр билдириг. Қўчқор тилини Қумрининг сўзлаш усули билан, Аломатникини Олимжон тили билан солиштириг.

Комедия ҳақида

Драматик турдаги асарлар орасида комедия алоҳида мавқега эга. Комедия юнотча „комос ода“, яъни хушчақчақ тўда қўшиғи сўзларидан келиб чиққан. Комедиянинг ўзи ҳам бир қатор турларга бўлинади. Лекин ҳар қандай комедия учун асосий бўлган хусусият воқеликни, инсонлар ўртасидаги муносабатларни ҳажвий идрок этиш ва кулгилни йўсинда тасвирлаш ҳисобланади. Шу маънода, ҳар қандай комедиянинг бош қаҳрамони кулги дейиш мумкин.

Инсон табиатидаги кулгига лойиқ камчиликлар, одам тушиб қоладиган комик вазиятлар сатиранинг ҳам, юморнинг ҳам тасвир объекти бўла олади. Бундай ҳолатларда тасвирланаётган характер ёки воқеликка комедия-нависнинг муносабати, ёндашуви қалами тагидан чиққан асарнинг сатирик ёки юмористик эканлигини белгилайди. Комедиялар учун жамиятда, муайин тузумда мавжуд камчиликларни кўрсатишгина эмас, балки, биринчи навбатда, инсоннинг руҳиятида, табиатида учрайдиган нуқсонларни бадий талқин этиш муҳим ҳисобланади. Кулги ҳам айни шу нуқтада пайдо бўлади. Агар Қўчқор асардагидай думбулроқ, мулоҳазасизроқ, ўз турмушига танқидий қарамай-диганроқ бўлмаганида асар шўролар жамиятидаги камчиликларни, ижтимоий иллатларни фожистувчи драмага айланган бўларди. Шунинг учун ҳам деярли ҳамisha комедияларнинг қаҳрамонлари ўзларини-ўзлари фожистувади, ўзларини-ўзлари кулгига дучор қилишади.

Шароф Бошбековнинг сиз танишиб чиққан „Темир хотин“ комедиясидаги Қўчқор тимсолида айни шундай ўзини-ўзи кулгига рўпара қиладиган кишини кўриш мумкин. Чунончи, Қўчқорнинг назарида яхши бўлиб туюлган иш аслида нуқсонли, унга фазилат бўлиб кўринган нарса, аслида иллат, унинг бахт оғушидаман деган турмуши, аслида азобдан иборат ва ҳоказо. Комедия қаҳрамонлари учун муҳим хусусият шундаки, Қўчқор ҳақиқий ҳолатни билмайди, билишга қодир ҳам эмас. Ана шу билмаслиги, билолмаслиги, аммо ўзини билладигандай тутуши туфайли у кулгилни вазиятларга тушади, кулгилни хулосалар чиқаради, кулгининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

„Темир хотин“даги Қўчқор роботнинг иш режими билан ўзининг иш тарзини солиштириш ёки одамдан тарқалган электромагнит тўлқинларидан фойдаланиш ёхуд темир хотинни ўзбек аёли билан қиселаш натижасида чиқарган тўпори, ғайри маънавий хулосалари билан кулги қўзғатади. Лекин шунинг айтиш керакки, комедия учун кулги уйғотишнинг ўзи ягона бадий мақсад бўла олмайди. Кулги юксак эстетик-маънавий мақсадларга йўналтирилса,

муҳим бадий вазифаларни бажарсагина аҳамият касб этади. Шундагина комедия билан танишган кишиларга таъсир кўрсатади. Ўзингиз ҳам „Темир хотин“ комедиясини ўқиш жараёнида Қўчқор, Аломат, Олимжон, Қумри сингари персонажларнинг гаплари устидан кулиш билан кифояланганингиз йўқ. Уларнинг оғзидан кулгили бўлиб чиқаётган, аммо кишининг бағрини ўйиб юборадиган ҳаётий муаммолар устида жиддий ўйга тола бошладингиз. Чинакам бадий комедия ана шундай хусусиятларга эга бўлади. Кулгининг ўзинигина мақсад қилиб қўйган, тимсолларнинг руҳиятини тадқиқ этишга йўналтирилмаган, ижтимоий „юк“ кўтара олмаган комедиялар бадийятдан узоқлиги учун тезда кишиларнинг эсидан чиқиб кетади.

Комедиянинг ўзи ҳам фарс, водевил, ҳазил сингари бир қатор жанрларга бўлинади. Ш. Бошбеков ўз асарини жиддий комедия деб атади ва шундай янги жанрга асос солди. „Темир хотин“ қаҳрамонларининг ҳар гапидан кулги ёлқинланиб турган бўлса-да, аслида, у гоёт жиддий асар эканлигини сиз тушуниб олгансиз, албатта. Чунки бу драма азбаройи куддириш, шунчаки кўнгил эрмаги учун яратилмаган. Асарда миллатнинг ҳолати ҳажвий йўсида теран тадқиқ этилган. Унда миллатдошларимизнинг қадри, эрки ҳақида жуда жиддий, гоёт чуқур мулоҳазалар юритилган.

Қуйидаги тестларни ечинг:

1. Қўчқорнинг табиатиغا хос хусусиятлар тўғри кўрсатишган жавобни топинг.

А. Меҳнатқаш, содла, довдир, кўнгли бўш. Б. Ичкиликбоз, дангаса. В. Ишчан, ёлғончи, раҳмдил. Г. Хотинбоз, саводсиз, оқкўнгил.

2. Қўчқорнинг йиғламаслиги сабабини тўғри белгиланг.

А. Уялгани учун. Б. Эркак киши йиғламайди деб билгани учун. В. Кўнгли қаттиқлиги учун. Г. Бахтсизлигини билмагани учун.

3. Драматик асарнинг асосий белгисини кўрсатинг.

А. Саҳнада қўйиш учун ёзилади. Б. Воқеалар тасвир этилади. Б. Асарда бир жой тасвирланади. В. Диалоглардан иборат бўлади. Г. Асар парда ва кўринишлардан иборат бўлади.

ЛУТФИЙ

(1369-1465)

Ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида Лутфийнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шоирни замонасининг нуктадон олим ва фозиллари “малик ул-калом” (сўз подшоҳи) деб эъзозлаганлар. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида “Мавлоно Лутфий ўз замонасининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назирни йўқ эрди ва туркча девони машҳурдир” деб ёзган бўлса, “Насойим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шабадалари”) асарида эса, “тўқсон тўққиз ёшида оламдан ўтди, қabri Деҳқанордадир. Ўз маскани эрди” деган маълумотларни ўқиймиз.

Маълум бўладики, Мавлоно Лутфий 1369 йилда Ҳирот шаҳрига яқин Деҳқанор қишлоғида туғилган. Лутфий шоирнинг тахаллуси бўлиб, унинг асл исми адабиёт тарихларида қайд этилмаган. Лутфий девониди бир муаммо бор:

Кўрай десанг агар истаб отимни,

“Иморат”ни бузиб ўтни чиқаргил.

Келтирилган “иморат” сўздан “а” (алиф) ва “т” (те) ҳарфларини олиб ташласак шоирнинг исми қолади: демак, Лутфийнинг асл исми Умар экан.

Аввал мактаб, сўнгра Ҳирот шаҳридаги мадрасалардан бирида таҳсил олган. Адабий манбалардан бирида айтилишича, Мавлоно Лутфий тасаввуф шайхларидан Шаҳобиддин Хиёбоний ҳузурини давом эттирган.

Лутфийнинг “Девон”и ўз даврида катта шуҳрат топган ва Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Хондамир каби шоир ва олимлар томонидан юқори баҳоланган. Шоирнинг “Девон”ига, асосан, турк (ўзбек) тилида ёзган асарлари жамланган бўлиб, улар ғазал, рубоий, туюқ, қитъа ва фард каби жанрларда ёзилган шеърлардан ташкил топган.

Лутфий тахаллусининг маъноси латиф, ғўзал лутфли, ширинсуҳан шоир демакдир.

Лутфийнинг рубоий ва қитъалари, туюқ ва фардлари мумтоз шеъринидаги бу ихчам жанрларда катта-катта фикрлар айта оладиган, юксак инсоний туйғулар ифодалай билладиган шоир эканини ҳам кўрсатган.

Туюқ жанрида замонасининг шоирлари орасида унга бас келадигани кам учрайди. Шу ўринда туюқ жанри ҳақида икки оғиз назарий маълумот бериш ўринлидир.

Туюқ – соф туркча (ўзбекча) сўз бўлиб, “туймоқ”, “ҳис қилмоқ” маъноларидан олинган. Бу сўзнинг “ечилмайдиған қилиб тугмоқ”, “чигаллаштирмоқ” маънолари ҳам бор. Дарҳақиқат, туюқни фикр билан англашдан ташқари уни тугал тушуниш учун кишида сўз туйғуси, сўзнинг нозик маъноларни фарқлаш ҳам шаклланган бўлмоғи керак.

Туюқ ҳақида биринчи бўлиб маълумот берган адабиётшунос улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийдир. Алишер Навоий “Мезонул авзон” асарида туюқ ҳақида шундай ёзди: “... Туюқ икки байтқа муқаррардур ва сайъ қилурларким, тажнис айтилгай ва ул вази рамали мусаддаси мақсурдур, мундоқким (туюқ):

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдурур?
 Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур?
 Жонима пайваста новак отқоли,
 Ғамза ўқин қошиға ёлабдурур?”

Демак, туюқ икки байт, яъни тўрт мисра ҳамда қофиялари, асосан, тажнис – омоним сўзлардан иборат бўлади. “Ё лабдурур” ва ёлабдурур” сўзлари биринчи мисрада “ё лабмикин”, иккинчи мисрада “шакар ялаганмикин”, учинчи мисрада эса “ўқин қошиға (камонтга) жойлабди” маъноларида қўлланилган. Вази тақтиъи қуйидагичадир:

Ё - ра бул шаҳ // ду ша - кар ё // лаб - ду - рур?
 Ё - ма-гар шаҳ // ду ша - кар ё // лаб - ду - рур?
 Жо-ни -ма пай // вас-та но-ва // кот - қо - ли,
 Ғам-за ў - қин // қо - ши - га ё // лаб - ду - рур?”
 - V - - // - V - - // - V -
 Фо и ло тун // фо и ло тун // фо и лун

Бу рамали мусаддаси мақсур ваъидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам туюқнинг бир неча турларини кўрсатиб, “туюқ бир неча навъдур... бири улким, ҳар тўрт қофияда тажнис риоят қилинибтур. Нечукким:

Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга,
 Ҳажр аро раҳм айла, ёро, манга,
 Ўқунг этти хўб ямон ёро менга,
 Марҳами лутфинг била ёро манга”, –

деб ёзган.

Бобурнинг бу туюғида “ёро” сўзи “ярамайман”(1), “эй ёр” (2), “яра” – жароҳат (3) ва “ярамоқ” феълининг буйруқ шаклидаги ярагин (4) маъноларида ишлатилган

Мавлоно Лутфий ёлғиз турк (ўзбек) шеърятигагина хос бўлган бу инжи (нозик) жанрда туркча сўзларнинг маънодорлик хусусиятларига таяниб, гўзал санъат намуналарини яратган:

Гарчи қурутмас кўзумнинг ёшини,
Ҳақ узун қилса ул ойнинг ёшини.
Йиғлама кўп, бу вужуднинг ишқ ўти
Не қуруғин қўйғуси, не ёшини.

Бу туюқда “ёш” сўзи кўз ёши, одамнинг ёши – умр ва ҳўл маъноларига келган. Шоир Лутфий адабий меросининг аҳамиятли яна бир томони шуодаки, у машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темур юришлари ҳақидаги “Зафарнома” асарини ўзбек тилига шеърӣй йўл билан таржима қилганлигидадир. Хўтанлик олим Мулла Исматуллоҳнинг хабарига кўра, Лутфий мусиқа назарияси ва тарихидан ҳам чуқур билимдон бўлган экан.

Лутфий гарчи юз йилга яқин камтарона умр кечириб ўтган бўлса-да, ўз сўзининг қудратини яхши ҳис этадиган шоир бўлган. У ёзди:

Тутқай жаҳонни Лутфий сўзи ҳусни,
Гар илтифот қилса бу бечора сўзига.

Савол ва Ҷавоблар

1. Мавлоно Лутфийнинг таржиман ҳолига оид қандай маълумотлар сақланган?
2. Лутфий исми яширинган муаммони ечиш усулини ўқитувчи ёрдамида ўрганинг.
3. Лутфий таҳаллусининг маъносини қандай изоҳлайсиз?
4. “Туюқ” сўзининг лугавий маъносини ва истилоҳий моҳиятини тушунтириг. Навоӣй туюқ жанрига қандай таъриф беради?
5. Туюқ жанрининг турлари ҳақида нима дея оласиз?
6. Мавлоно Лутфий яна қандай лирик асарлар ёзган? Уни таржимон деса бўладими?

Туюқлар

Кўнглума ҳар ёнки боқсам, доғи бор,
Ҳар неча дардимни десам, доғи бор.
Қилча танга бори ишқнинг ёр эли,
Бир сори бўлди фироқнинг доғи бор.

Мен сениг илқингдин, эй дил, бандамен,
Ваҳ, қачон етқаймен ул дилбанда мен.
Бевафоларга мени қилдинг асир,
Сен менга султонсан, эй дил, банда мен.



Чархи кажрафтор элидин ёзамен,
Чиқмадим ҳижрон қишидин ёза мен.
Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳға қуллуқ ёзамен.



Қоматимни неча қошинг ё қила?
Неча ҳажр ўти жонимда ёқила?
Ғамза¹ бирла тўкти қоним ул санам,
То хинотек қон элина ёқила.



Эй кўнгул, ёрсиз санга не бор, бор,
Қайдаким ул зулфи анбарбор, бор.
Чек жафоу жавру нозин борини,
Бир кун ўлғайким, дегайлар: «Бор-бор!»



Қошларинг хуш ложуварди² тоқ эрур,
Ҳусн ичинда беназиру тоқ эрур.
Торта олмасман фироқинг нетайин,
Қилча танга бори ишқинг тоқ эрур.

Сўзнинг ўз тўншувриқлар:

1. Лутфий туюқларини ўқинг, дафтарингизга кўчириб, мазмунини изоҳлашга интилинг.
2. Ҳар бир туюқдаги тажнис сўзларнинг маъноларини аниқланг. Вазн тақтибъини аниқланг. Масалан:

Кўн-лу-ма ҳар / ён-ки боқ-сам, / до-ғи бор.
 Ҳар не-ча дар / дим-ни де-сам, / до-ғи бор.
 — V — — / — V — — / — V —
 фо и ло тун / фо и ло тун / фо и лун

3. Мумтоз адабиётда Лутфийдан сўнг қайси шоирлар туюқ жанрида ижод этганлар?
4. Яна қандай туюқларни биласиз?
5. Лутфий туюқларини ёд олинг.

Тестларни ечинг.

1. “Мавлоно Лутфий ўз замонининг малик-ул каломи эрди”. Бу фикр ким томонидан ва қайси асарда айтилган?

¹ Ғамза - кўз ишораси, кўз сузиш.

² Ложувард - тўқ кўк тусли тош.

А. Навоий. "Лисон-ут тайр". Б. Бобур. "Бобурнома". В. Навоий. "Мажолис-ун нафос". Г. Хондамир. "Мақорим-ул ахлоқ". Д. Бобур. "Мухтасар".

2. Туюқдаги қофиялар тажнис сўзлардан иборат бўлади. Тажнис ҳозирги ўзбек тилида қандай аталади?

А. Синовим. Б. Омоним. В. Антоним. Г. Пароним. Д. Метафора.

3. Туюқ неча байтдан иборат?

А. 1 байтдан. Б. 2 байтдан. В. 3 байтдан. Г. 4 байтдан. Д. 5 байтдан.

4. Туюқ неча мисрадан иборат бўлади?

А. 2 мисрадан. Б. 4 мисрадан. В. 6 мисрадан. Г. 8 мисрадан. Д. 10 мисрадан.

5. Қайси жавобда туюқнинг вазни тўғри берилган?

А. Рамали мусаммани солим. Б. Рамали мусаммани мақсур. В. Рамали мусаддаси мақсур. Г. Ҳазажи мусаммани маҳзуф. Д. Ҳазажи мусаддаси маҳзуф.

6. "Чиқмадим ҳижрон қишидан ёза мен" мисрасида сўз маъноси кўчишининг қайси тури мавжуд?

А. Сифатлаш. Б. Метафора. В. Метонимия. Г. Синекдоха. Д. Функциядошлик.

7. "Торта олмасман фироқинг нестайин,

Қилча танга бори ишқинг тоқ эрур". Байтдаги "фироқ" сўзининг антонимини топинг.

А. Ҳажр. Б. Ҳижрон. В. Висол. Г. Тоқ. Д. Айрилиқ.

8. "Қайдаким ул зулфи анбарбор, бор" мисрасидаги "зулфи" сўзининг синонимини аниқланг.

А. Дудоқ. Б. Соч. В. Лаб. Г. Яноқ. Д. Кўз.

ФУРҚАТ

(1858 – 1910)



Ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли вакиллари­дан бири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фу­рқат 1858 йилда Қўқон шаҳрида, майда савдо­гар оиласида дунёга келди. Аввал эски мактабда, сўнг мадрасада ўқиди. Зокиржон ёш чоғлариданоқ улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий, форс-тожик классиклари – Ҳофиз Шерозий, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, озарбайжон шоири Фузулий ва бошқаларнинг асарларини тинмай ўрган­ди.

Фу­рқатда шеър­иятга қизиқиш анча эрта бошланди. У мактабда ўқиб юрган чоғлариданоқ шеърлар машқ қила бошлайди. Оиланинг оғир моддий аҳ­воли 17 ёшли Зокиржонни мадрасадаги ўқишни тўхтатишга маж­бур этди, у отасининг ишига ёрдам берди. Кейинроқ Янги Марғи­дон (ҳозирги Фарғона)га келиб тоғасининг

дўконида хиз­мат қилди. Билимини оширишга интилди, ижодий иш билан шуғул­ланди.

Фу­рқат 1882 йилда Қўқонга қайтиб келади ва за­монасининг таниқли шоирлари Муқимий, За­вқий қаби­лар билан танишади, улар билан бирга суҳбат­ларда, мушоираларда бўлади. Бу Фу­рқат ижодининг шаклланишига катта ижобий таъ­сир кўрсатади.

Зокиржон Фу­рқат яшаган даврда Туркистон халқи босқинчилар ҳамда уларнинг қў­ғирчоғига айланган маҳаллий амалдорлар зулми остида эди. Маърифатсизлик, жаҳолат, тараққиётдан узоқлик ҳук­мрон эди ўлкада. Бу аҳвол Фу­рқатни бефарқ қолдирмади. Унинг лирик шеърларида ишқ-муҳаббат мадҳи, ёр гўзаллиги тас­виридан ташқари ўз замонидан нолиш, зорланиш оҳангларини пайдо қилди:

Чархи кажрафторининг бир ше­васидин доғман
Айшни шодон суруб, кулфатни доно тор­тадур.

Фу­рқатнинг 1889 йилда Тошкентга келиши, бу ерда рус маданияти, илм-фан ва техникаси ютуқлари билан танишуви унинг ижодида маърифат-парварлик йўналишини пайдо қилди. Шоир “Илм хосияти”, “Гимназия”, “Театру ҳақида”, “Виставка хусусида” каби маснавийларида ёшларни илм олишга даъват қилди:

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилнинг муроиди илм бирла.
Кўнгулларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.

Фурқат 1891 йилнинг 14 майида Тошкентдан Самарқандга борди. Ундан чет элларга кетди. Шоир Туркия, Юнонистон, Булғория, Миср мамлакатларида бўлди. 1892 йил баҳорида Арабистонга ўтиб, Макка, Жадда шаҳарларида турди. Шу йил кузида Бомбай шаҳрига борди. Сўнг Ҳиндистонни сайр қилди. 1893 йилнинг март ойида Кашмирга, сўнгра Қашқарга ўтиб, аввал Хўтан шаҳрида яшади, кейин Ёркент шаҳрига келиб турғун бўлиб қолди. Шу ерда оила қурди, фарзандли бўлди. Умрнинг охиригача шу ерда қолди. Мусофирлик, ватандан жудолик шоир ижодида ватан мавзусини юзага келтирди. Айрилик, жудолик, соғиниш маъноларини англатувчи “Фурқат” тахаллусини олиши ҳам шундан:

Замона аҳли мухлис, бу сабабдин Фурқатий дерлар,
Неча йилдур бир ошуби замонидин адашганман.

Фурқат ҳам Бобур каби ватанни соғиниб, қўмсаб яшади:

Ватанинг иштиёқин тортарам гурбат ғами бирла,
Турубдурман қутулмай ғуссан ранжу инолардин...

Шоир 1909 йилда Ёркентда вафот этди ва шу ерга дафн қилинди. Фурқат авлодлари Хитойнинг Ёркент, Қашқар шаҳарларида истиқомат қилади.

Савол ва ташвириқлар:

1. Шоир Фурқатнинг таржимаи ҳоли ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Шоир жаҳоннинг қайси мамлакатларида бўлди? У қаерда турғун бўлиб қолди?
3. Фурқат нима учун “Айшини нодон суруб, кулфатни доно тортадур”, деб ёзди?
4. Нима учун шоир ижодида илмга даъват қилувчи шеърлар кўп учрайди?
5. Фурқатнинг айрим шеърларида учрайдиган ғарибликдан, мусофирликдан нолни кайфиятининг сабабини изоҳланг. Тахаллусининг маъносини айтинг.

Фасли навбаҳор ўлди...

Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар,
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.

Субҳидам тушуб шабнам бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.

Настаран ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзин,
Наргис очибон кўзин интизори ёронлар.

Бир саҳар эдим уйғоқ, ўт туютшди оламға,
Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар.

Қумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ,
Сарв гул уза доим тортар оҳу афшонлар.

Булбул ўқуғоч йиглаб субҳидам хазон фаслин,
Ғунча қон ютиб, юз чок этти гул гирибонлар.

Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутиб савсан,
Кийди кўк қилиб сунбул зулфини паришонлар.

Куймасун бу савдода не учун димоғимким,
Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар.

Ғазал ва тешиқчиликлар:

1. “Фасли навбахор ўлди...” ғазалининг умумий мазмуни, шеърдаги шоир кайфияти ҳақида қандай фикрдасиз?

2. “Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар” мисрасини изоҳланг.

3. Ғазалнинг қайси байтларида пейзаж тасвири берилган? Бу байтлардаги шоир бадий маҳоратини аниқлашга ҳаракат қилинг.

4. “Бир саҳар эдим уйғоқ, ўт туютшди оламға, Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар” мисраларида қандай табиат ҳодисаси ҳақида хабар берилмоқда?

5. “Булбул ўқуғоч йиглаб субҳидам хазон фаслин, Ғунча қон ютиб, юз чок этти гул гирибонлар” мисраларини шарҳлашга интилинг. Байтда қандай шеърый санъат бор?

6. Байтлардаги шоир кайфиятининг ўзгариб боришига эътибор беринг. Қайси байтларда унинг замондан норозилиги ифодаланган деб ўйлайсиз?

7. Ғазалдаги бадий тасвирий воситаларни топинг ва изоҳланг. Ғазал қофияларини аниқлаб дафтарингизга кўчиринг. Ғазални дафтарингизга кўчириб, куйидаги намуна асосида вазн тақтисини тузинг ва вазнини аниқланг:

Фас-ли нав // ба-ҳор ўл-ди // ке-ти-бон // зи-мис-тон-лар
Дўс-т-лар // ға-ни-мат-дур // сай-рэ-тинг // гу-лис-тон-лар
— V — // V — — — // — V — // V — — —
Ғо-и лун // ма-ғо-ий лун // фо-и лун // ма-ғо-ий лун

8. Ғазални ёд олинг ва вазн (*ҳазаж мусамман аштар*) оҳангида ўқишга ҳаракат қилинг.

Сайдинг қўябер, сайёд!

Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Кес риштаниким, қилсун чаппаклар отиб жаста,
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста.
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била пайваста,
Кел, қўйма бало доми бирла они по баста,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,
Оҳулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,
Ёмғир суви тўлганда, тоғ лолани жом этсун,
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсун,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Саргашта бу водийда бир бошига раҳм эткил,
Йўқ тоқати бандингга, бардошига раҳм эткил,
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшига раҳм эткил,
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм эткил,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Ахир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса?
Чиқмай деса жойидин, узлатда фиғор ўлса,
Гар чиқса банагоҳи домига дучор ўлса,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек.

Куйган жигари бағри садпора экан мендек.
Бечорани зулм айлаб, қўл-бўйинини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдиргали чоғлабсан,
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,
Сот манга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Йўқ ҳуши, пари теккан девонаға ўхшайдур,
Кўз ёши яна тўлган паймонаға ўхшайдур,
Фам сели билан кўнгли вайронаға ўхшайдур,
Фурқатда бу Саъдулло ҳайронаға ўхшайдур,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Сўрашлар ва жавоблар (1-қисм)

1. Мусаддасни ўқинг ва образларини аниқланг.
2. Биринчи бандда шоир нима ҳақида хабар беради?

3. Иккинчи ва учинчи бандларда лирик қаҳрамон сайёддан нимани талаб қилади?
 4. Тўртинчи бандда талаб нима билан алмашади? Бу бандда сайд – оҳу ҳолати қандай ифодаланган?
 5. Бешинчи банд ҳақида фикр юритинг. Унда шоир ва замондошлари ҳаётига ишоралар бор деб ўйлайсизми?
 6. Олтинчи банд мазмуни ҳақида гапиринг. Лирик қаҳрамон нимани таклиф қилади?
 7. Шоир нима учун сайд – оҳунинг тутқун, ҳимоясиз ҳолатини ўз ҳолатига ўхшатади? Сайёд ва сайд рамзий маънога эга деб ўйлайсизми? Бу рамзийлик нимани ифодалайди?
 8. Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonида шундай лавҳа бор: Мажнун саҳрода оҳунни тузоққа туширган овчиға дуч келади ва оҳунни банддан қутқаришга интилади. Фурқат мусаддаснинг яратилишида мазкур лавҳанинг бадвий таъсири бор деб ўйлайсизми?
 9. Мусаддасдаги бадвий таъсир воситаларини аниқлаб дафтарингизга кўчинг. Масалан, сифатлаш – “нибони нуғун”, “бахти қора”, жасмигёра”; истюри – “ҳижрон ўқи”, “бало домн” каби.
 10. Мусаддаснинг қофияларини ва қофия тартибини ҳамда радийини аниқлаб, ҳарфлар билан белгиланг.
 11. Мусаддаснинг вази тақтасини намунага қараб давом эттиринг.

Сай-динг қў // я- бер сай-ёд // сай-ё-ра // э- кан мен-дек
 Ол до- ми // ни бўй-ни-дин // бе -чо ра // э- кан мен-дек
 – – V // V – – – // – – V // V – – –
 Мафъ ув лу // ма фо ий лун // мафъувлу // ма фо ий лун

12. Мусаддасни ёд олинг ва уни вази (ҳазаж мусамманн ахраб) оҳангида ифодали ўқишга интилинг.

МУСАДДАС ҲАҚИДА

Мусаддас (арабча – олтилик сўздан) икки хил истилоҳий маънони ифодалайди.

1. Араб, форс-тожик ва ўзбек классик поэзиясидаги лирик турга мансуб шеърини шакллардан бири. Мусаддас ҳар бири олти мисрали бандлардан иборат бўлади.

Мусаддас ўзининг қофияланиш шаклига кўра икки хил бўлади: а) биринчи банд ўзаро, қолган бандларнинг дастлабки беш мисраси ўзаро ва олтинчи мисралари биринчи бандга қофиялаш бўлади: а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-а каби; б) биринчи банд ўзаро, кейинги бандларда эса дастлабки тўрт мисраси ўзаро қофияланиб, охириги икки мисраси биринчи банднинг охириги байтини такрорлашдан иборат бўлади: а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-а-а каби.

Мусаддас ҳам мухаммасга ўхшаб, бирор шоир ғазали асосида ёки бутунлай янги шеър сифатида тўла мустақил ёзилиши мумкин. Бундай мусаддаслар нисбатан кўпроқдир. Бир шоирнинг ғазали асосида мусаддас яратишга Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро ғазаларига ёзган (боғлаган – М. С.) мусаддаслари мисол бўла олади. Бундай мусаддасларда шоир ўзи мусаддас боғлаган ғазалдаги фикрга муносабат билдириб, уни ривожлантириши, такомиллаштириши, тўлдириши лозим. Шунинг учун ҳар бир банднинг тўрт мисраси ўзиники, икки мисраси олдинги шоирнинг ғазалидан иборат бўлади. Мисол учун Навоийнинг Лутфий ғазалига боғлаган мусаддасидан бир банд келтирамиз:

Чун Навоний ишқи баҳр ўлди, чекиб ранжу тааб,
Кемасиндин кўзлари ул баҳр аро топти лақаб,
Кўзида тонг йўқ, агар тутунг мақом, эй иўшлаб,
Чун кирар эл кемага қилмоқ учун айшу тараб,
Гар ватан Лутфий кўзида тутмадинг, йўқтур ажаб.
Уй қўпормоғлиг эрур душвор Жайхун устна.

Биринчи хил мусаддаслар бутунлай шоирнинг ўзи томонидан ёзилади. Бундай мусаддаслар ўзбек шоирлари ижодида жуда кўп учрайди. (Н. Ҳотамов, Б. Саримсоқов. "Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати"дан, 192 – 193-бетлар.)

Фурқатнинг Сиз танишган "Сайдинг қўя бер, сайёд!" мусаддаси худди шу гуруҳга мансубдир. Мусаддаснинг биринчи бандидаги "сайёра – бечора – овора – қора – ёра – садпора" сўзлари ўзаро қофиядош бўлиб, уларни: а-а-а-а-а тарзида белгилаш мумкин. Кейинги бандларнинг дастлабки тўрт мисраси ўзаро қофияланиб, сўнг биринчи банднинг охириги – бешинчи ва олтинчи мисралари айнан такрорланади: "жаста – хаста – найваста – баста"; "ёра – садпора". Уларни ҳарфлар билан қуйидагича белгилаш мумкин: б-б-б-б-а-а ва ҳоказо.

Биринчи банддаги қофиялардан сўнг ҳамда қолган бандларнинг бешинчи ва олтинчи мисраларида қофиядан сўнг такрорланиб келган "экан мендек" сўз бирикмаси **ради**фдир.

2. Аруз шеър тизимида бир рукнининг байтда олти марта такрорланиши ҳам ўша баҳрнинг номига мусаддас термини қўшилган ҳолда ифодаланади. Масалан, *фоилотун байтда олти марта такрорланса: фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун – рамали мусаддаси солим* дейилади.



Самимий шеърлари оҳанграбо кўшиқларга айланиб, ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган лирик шоир Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Қовунчи қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Шу ерда ўрта мактабни тугатгач, республика Рус тили ва адабиёти институтига ўқишга кириб, уни 1978 йилда битирди.

Ижодга ҳавас уни олий маълумот олгач, Тошкентда қолишга ундади. 1978–1980 йилларда Китобсеварлар республика жамиятида, 1980–1986-йилларда „Тошкент оқшоми“ газетасида, 1986–1992 йилларда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, 1992 – 1995 йилларда „Ўзбекистон овози“ газетасида, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида ишлади, 1995–1996 йилларда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиди, 1997 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди.

Бадий ижод билан талабалик давридан шуғуллана бошлаган, аммо шеърга фоят масъулият ва талабчанлик билан муносабатда бўладиган Муҳаммад Юсуф илк тўплами – „Таниш тераклар“ни 1985 йилда нашр эттирди. Биринчи китобиёқ уни элга танитди, тўпламдаги шеърлардан дунёга келган дилтортар кўшиқлар эса уни машҳур қилди. Иқтидорли шоирнинг „Булбулга бир ганим бор“, „Уйкудаги қиз“, „Ҳалима энам аллалари“, „Ишқ кемаси“, „Кўнглимда бир ёр“, „Бевафо кўп экан“, „Ёлгончи ёр“, „Эрка кийик“, „Осмонимга олиб кетаман“ каби кўплаб шеърлий китоблари босилиб чиққан.

Муҳаммад Юсуф шеърлари самимийлиги, омманинг руҳига яқин бўлганлиги учун ҳам китобхоннинг кўнгил мулкига айланди. Унинг асарларидан ўзи туғилиб ўсган юрт руҳияти, манзаралари яққол кўриниб туради.

1998 йилда Муҳаммад Юсуф „Ўзбекистон халқ шоири“ унвонига сазовор бўлди. У Ўзбекистондаги энг ёш халқ шоири эди. Муҳаммад Юсуф 2001 йилнинг 31 июлида вафот этди. Қуйида шоирнинг ўттиз шеърларидан намуналар ўқийсиз.

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор...

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор,
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Бағрим ўртар бир ўй баҳор айёмлар,
Ой ботган ёқларга термулиб шомлар,
Айбин билмай кетган Акмал Икромлар,
Файзуллодек марди майдонларинг бор...

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор,
Осмонларингда ҳам дийдорингга зор,
Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор.

Қўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни,
Қайин барглар ёпиб қора кўзини
Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар—
Меҳробингдан чиққан чаёиларинг бор.

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,
Сенинг фарёдларинг — менинг фиғоним,
Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним,
Айтсам адо бўлмас дostonларинг бор.

Символ ва тасвирлар

1. Шеърнинг *„Тошларни йиғлатган дostonларинг бор“* сатридаги ҳаётий ва бадний маъно ҳақида ўйланг.

2. *„Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор“* сатрининг мазмунини изоҳланг.

3. Шеърнинг учинчи банди худди биринчиси сингари қофиялангани ва унда *„Юлдузни йиғлатар дostonларинг бор“* ифодасининг ишлатилиши сабабларини изоҳланг.

4. *„Осмонларингда ҳам дийдорингга зор, Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор“* мисраларидаги назокатли ифода тарзига аҳамият бериш.

5. *„Қайин барглар ёпиб қора кўзини Олисларда қолган Усмонларинг бор“* байтидаги *„қора кўз“*, *„қайин барглар“*, *„Усмонларинг“* сўзлари ифодалайдиган ҳаётий-эстетик маънони топиш.

6. *„Сенинг фарёдларинг — менинг фиғоним“* таъкидини таъсир даражасини тушутириш.

7. Биринчи банднинг иккинчи мисраси билан бешинчи банднинг охириги қаторида ифодаланган ҳолат ва ҳаётини вазият ўртасидаги яқинлик ҳамда фарқли жиҳатлар ҳақида мулоҳаза юритинг.

8. Шеърни ёд олинг.

Биз бахтли бўламиз

Майли-да кимгадир
Ёқса, ёқмаса,
Уларга қўшилиб
Йиғлашармидик.
Биз бахтли бўламиз,
Худо хоҳласа,
Худо хоҳламаса,
Учрашармидик...

Райҳон ҳидларини
Йўлларимга сеп,
Кут мени ҳар оқшом
Кўкка ой чиққан.
Фақат йиғламагин,
Гуноҳим не деб,
Айбнинг – онанг сени
Чиройли туққан!..

Менга бир табассум
Ҳада эг, эй ёр,
Нур томсин
Лабларинг соҳилларидан.
Ўзинг айт,
Сендай қиз
Яна қайда бор,
Киприкларни узун
Кокилларидан?..

Ийманиб яшама
Хаёл пинжида,
Ёйил, яйра, жоним,
Ўртанма ғамда.
Ғийбатларга чида,
Тухматга чида:
Сен битгасан, ахир,
Ёруғ оламда.

Мен эса ошиғинг
Сенинг энг ғариб,
Тундан сўз қарз олиб,
Тонгга тутгувчи,
Сенинг ёнингда ҳам
Сени ахтариб,
Сенинг ёнингда ҳам
Сени кутгувчи.

Иста, тиз чўкаман
Ҳозир олдингда,
Севдим, севганимдан
Уялмоқ нечун?
Барча фаришталар
Сенинг қалбингда,
Ижарада турган
Қизлар мен учун!..

Биз бахтли бўламиз,
Худо хоҳласа,
Худо хоҳламаса,
Учрашармидик?!

Ўқинг ва тунинириқлаар:

1. Шеърнинг дастлабки мисраларни мазмунини изоҳланг. Ошиқ ва маъшуқа муносабатларининг ҳақиқий ҳолатини тасаввур қилишга уриниб кўринг.

2. Шеърнинг: „**Райҳон ҳидларини йўлларимга сеп**“ мисрасида ифодаланаётган фикрни аниқлашга урининг.

3. „**Кут мени ҳар оқшом кўкка ой чиққан**“ сатри грамматик нуқтаи назардан тўғри қурилмаган. Уни грамматик жиҳатдан тўғри ҳолатга келтиринг ва шоир айтмоқчи бўлган фикрни англатинг.

4. Маъшуқа „**айби**“ ва унинг гўзал бадний ифодаси борасида хулосаларингизни билдиринг.

5. Шеърдаги „**Нур томсин лабларинг соҳилларидан**“ мисрасининг тасвир йўсини борасидаги кузатишларингизни билдиринг.

6. Учинчи баъднинг сўнгги мисрасидаги фавқулодда куюқ муболағанинг ҳаётги асоси ва бадний вазифаси ҳақида фикр юритинг.

7. „**Тундан сўз қарз олиб, тонгга тутувчи**“ мисрасининг ҳаётги асоси ва бадний бўёқдорлик даражаси ҳақида мулоҳаза қилиб кўринг.

8. Шоирнинг: „**Сенинг ёнингда ҳам сени ахтариб, Сенинг ёнингда ҳам сени кутувчи**“ тарздаги икромини қандай изоҳлайсиз?

9. „**Барча фаришталар сенинг қалбингда, Ижарада турган қизлар мен учун!**“ мисраларини қандай қабул қиласиз ва изоҳлайсиз?

10. Шоирнинг: „**Биз бахтли бўламиз...**“ шаклидаги ишончи қандай асосга эга деб ўйлайсиз?

11. Сўнгги баъднинг тўрт қаторини ва у биринчи баъднинг такрори эканлиги сабабини изоҳлашга уриниб кўринг.

12. Шеърни ёд олинг.

* * *

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим;
Яшаш керак, севиш шарт эмас.

Садоқатми?
Кимга керак у?..
Беҳудадир кўз ёшнинг сели,
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас:
У бегона. У энди келин...

Тўй – бу асли баджаҳл ота,
Бахтли бўлсин қизим дегани.
Уни сенга бермасман, бўтам;
Тирик экан кўзим дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Қонимда бир ғашлик ўрмалар,
Мен оловга отаман энди
Юрагимни қийма-қиймалаб.

Ёқа ушлаб қолсин кўрганлар,
Оловларга отгум уни, бас.
Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим,
Севиш керак... яшаш шарт эмас.

Савол ва топширма:

1. Шоирнинг: „**Бир маҳалла нигоҳ**“ тарздаги кинояси мазмунини аниқлашга урининг. Бу нигоҳ берган маслаҳатни изоҳланг.

2. Садоқатнинг кераксизлиги борасидаги қарашлар кимга тегишли деб ўйлайсиз?

3. Осмоннинг чўкиб қолиши сабабини изоҳлашга урининг.

4. Матнга таяниб, шоирнинг юрагини қиймалаб оловга отиши сабабини англатинг.
5. Шеър бандларини яқуловчи мисралар мазмунига эътибор қилинг.
6. Шоир келган тўхтамини топиб, изоҳланг.
7. Шеърни ёд олинг.

СУРАТ

Менинг кимлигимни
 Билмайди ҳеч ким.
 Мен бир ғалатиман,
 Мен алоҳида.
 Кўзимнинг ёшини
 келади ичким,
 Тилимни чайнагим
 Келар гоҳида.

Ой менинг елкамга
 ўтириб олган,
 Офтоб ғавго сочар
 Юрган йўлимга.

Хаёл тушовидан
 чиқолмай қолган
 умримни топшириб
 кўйдим кўнглимга.

Энди тошни тепсам,
 ўпар изимни.
 Ерга ағанасам,
 ер ҳам девона.
 Бармоғин ўпгандим
 суйган қизимнинг,
 Қўли ёниб кетди
 гуриллаб, мана.

Ёнди, ёнаверди
 Кокиллари сўнг,
 Чарсиллаб юраги
 ёнди беармон.
 Ярни ёниб бўлган
 Кўйлаги бир енг
 Ишқининг байроғига
 Айланди алвон!..

Ва ўпдим байроқни
 Мен ўша алвон.
 Олов тан,
 Олов жон,
 Олов ҳис-ҳавас.
 Қизил чўғ тўшалган
 Чимилдиқ томон
 Отдим мен ўзимни
 Мисли ўтпараст.

Уйғонсам – кўрпам кул,
 Йиғлар севгилим.
 Мен сени йиғла деб
 Қучган эдим-ми?
 Айиқ босган гулдай
 Эзилди кўнглим,
 Ёввойи ўрдакка
 Бердим севгимни!

Ўрдак учди-кетди,
 Мунғайиб қолдим.
 Ҳайратим обкетди
 Қанотида у.
 Ким мени алдаса,
 Худога солдим.
 Майли, алданмасин
 Ҳаётида у.

Қолдим. Кул кўрпамда
 Тўшагим - тупроқ.
 Юмалаб ётаман
 Илонлар билан.
 Уларга ишондим,
 Бир ёрдан кўпроқ.
 Илон чақар,
 Аммо гапирмас ёлғон!..

Менинг кимлигимни
билмайди ҳеч ким,
Мен бир ғалатиман,
мен – алоҳида.
Кийинлар қошини
келади ичким,
Чаёни чайнагим
келар гоҳида.

Савол ва тоғшириқлар:

1. Шоирнинг ўзи ҳақидаги тўхтамларига диққат қаратинг. Унинг **“бир ғалати”** ва **“алоҳида”** шахслигини таъминлаган омилларни кўрсатинг.
2. Шоирнинг: **“Кўзимнинг ёшини келади ичким, Тилимни чайнагим келар гоҳида”** таъкиди замиридаги маънони тушунтиринг. У кўзининг ёши-ю тилидан розими?
3. Шеърдаги: **“Ҳаёл тушовидан чиқолмай қолган умримни топшириб қўйдим кўнглимга”** шаклидаги таъкид сиз учун нимани аңлатади?
4. **“Бармоғин ўпгандим суйган қизимнинг, Қўли ёниб кетди гуриллаб, мана”** мисралари мазмунини аңлатинг.
5. Шоирнинг: **“Айиқ босган гулдай Эзилди кўнглим”** тарзида аңдуҳ чекиши сабабини изоҳланг.
6. Шоирнинг: **“Юмалаб ётаман Илонлар билан. Уларга ишондим, Бир ёрдан кўпроқ”,** – дейишга муносабат билдиринг.
7. Шеърдаги: **“Илон чақар, Аммо гапирмас ёлғон!..”** сатрларидан келиб чиқадиган бадий ва ҳаётий маънони изоҳланг.
8. Шеърни ёл олинг.

* * *

Тузалмайди дардим менинг,
Ўлсам керак.
Тупроқ билан оға-ини
Бўлсам керак.

Ўлим нима? Бу ҳам битта
Сайр. Она.
Ўғлинг қаро ерга кетди
Хайр, Она...

Тузалмас бу дардим менинг,
Умидим йўқ.
Хира шамдек кўзларимда
Сўнмоқда чўғ.

Чўғ нимадир? Чўғ ҳам тутаб,
Кул бўлади.
Инсон бир кун ўз майлига
Кул бўлади...

Юрагимни тамом қилдим,
Йиғлайвериб.
Ҳузуримда ажал турар
Қошин кериб.

Мен ҳаётда ўлимга тик
Боқиб ўсдим...
Қани менга аталган жой?
Кетдик, дўстим!

1. Ўлим ҳақидаги шеърда шоирнинг хотиржамлиги қандай намоён бўлганини шарҳланг.
2. «**Тупроқ билан оға-ини бўлсам керак**» тарзидаги ифодани тавсифланг.
3. Шоирнинг ўлимга берган изоҳини изоҳланг.
4. «**Инсон бир куни ўз майлига кул бўлади**» сатрларини шарҳлашга урининг.
5. Шоирнинг: «**Юрагимни тамом қилдим, йиғлайвериб**» тарзидаги таъкиди замирида қандай туйғу етакчи: афеусми ё қўрқув?

Тестларни ечинг:

1. «**Севиш керак... яшаш шарт эмас**» сатри замиридаги маънони топинг.
А. Севиб яшашга ҳаёт деб аташга арзийди. Ҳаёт севгидан муҳим эмас. Б. Севгач, яшамаса ҳам бўлади. В. Севган одам яшамаслиги керак. Г. Севги яшашга тўққинлик қилади.
2. «**Ўзинг айт, Сендай қиз яна қайда бор, Киприклари узун кокилларида?**» мисралари мазмунини тўғри шарҳланг
А. Қизнинг сулувлиги ифодаланган. Б. Қизнинг сочи калталиги танқид қилинган. В. Ёрнинг тенгсиз сулуви, киприклари узун, айни вақтда, сочи ярашиқсиз калта экани айтылган. Г. Қизнинг сочи ҳам, киприклари ҳам узунлиги аке этган.
3. Шоирнинг илонларга ёрдан кўра кўпроқ ишонishi сабаби нимада?
А. Илонлар чақмайди. Б. Илон заҳарсиз. В. Илон қўлга ўргатишган. Г. Ёр шоирни алдаган.

ТОҒАЙ МУРОД

(1914 - 2003)

Ўзига ҳос истеъдод эгаси Тоғай Мурод 1948 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Хўжасоат қишлоғида дунёга келди. Ўрта маълумотни қишлоғидаги 43-мактабда олди. 1966-1972-йилларда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиди. Олий маълумотга эга бўлгач, 1972-1976-йиллар мобайнида Республика радио-сининг "Ватандошлар" таҳририятида муҳаррир бўлиб хизмат қилди. 1976 йилдан бошлаб "Ўзбекистон физкультурачиси" газетасида, 1982 йилдан "Фан ва турмуш" журналида хизмат қилди. 1985-1987- йилларда Москвадаги Жаҳон адабиёти институтида ўқиб келди.



Дунёни ўзича кўрадиган, одамлар табиатини ўзига ҳос йўсинда идрок этадиган бўлажак ёзувчи ёшлик йилларидан олдига аниқ мақсад кўйиб, шу мақсадни амалга оширишга қатъий киришди. Бу ҳақда кейинчалик у шундай деб ёзади: "Мен ўрта мактабни битириб, шундай ният қилдим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача уйланмайман, онла қурмайман, бирор идорада фақат тирикчилик учун ишлайман.

Мен фақат бир мақсадни кўзладим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача жаҳон адабиётини ўқиш. Фақат ўқиш, ўқиш, ўқин, қўл қотиб қолмасин учун майда-майда ҳикоялар машқ этиб туриш.

Мен шу ният йўлида иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шухрат изламадим.

Мен дунё талашмадим!

Фақат изландим, фақат ўқидим.

Ҳанимларим мени ишдан ҳайдадилар.

Курашда бир қонуи бор: полвон даврада мағлуб бўлса, тақдирга таян бериб кетмайди. Йўқ, полвон ўзини боқади. Полвон ўзини парвардишлайди. Полвон гинимсиз машқ олади. Рақибдан мағлубият аламини олиш учун шайланади. Рақибдан аламини олмасдан-да қўймайди.

Мен ёшлигимдан давраларда олишиб катта бўлдим. Полвонлик аждодимда бор, полвонлик қонимда бор. Менда ана шу полвонлик қоним кўзғали".

1976 йилда ёзилган "Юлдузлар мангу ёнади" қиссасида ана шундай сифатларга эга одамларнинг галати тақдирини қаламга олинган.

Тоғай Мурод, аслида, ижодга жуда эрта киришган. Аммо ўзига ўта талабчан адиб битганларини чоп эттиришга шошилмади. Унинг дастлабки ҳикоялари мутахассисларнинг тилига тушди. Ўзбек адабиётида ўзгача бир оҳанг, бошқаларникига ўхшамайдиган овоз кириб келаётганлиги маълум бўлди. Жаҳон адабиёти намуналарини пухта ўрганган ёзувчи ўз элати, миллати руҳиятини чуқур билгандагина чинакам асарлар яратиши мумкинлигини англаб етди. Шу боис биринчи йирик асари “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасида оддий одамларнинг оддий бўлмаган ҳаётини, инсон тақдирининг кўзга ташланавермайдиган қирраларини акс эттирди.

Тоғай Мурод бирорта асарини шунчаки ёзмайди. Куйиб-ёниб, гоҳ изтироб билан, аламли фарёд билан, гоҳ кўкси тўла гурур билан, оламини бузгудай қувонч билан қалам суради. Шу боис ўқувчини ҳам эргаштира олади. Ўқувчи унинг асарларида воқеаларни ўқимайди, балки қаҳрамонлар тақдири билан бирга яшайди. Ҳамаиёнас бўлади. Уларнинг тақдирдан ажралолмай қолади. Чунки Тоғай Мурод тасвирлаган қаҳрамонлар тирик одамлар. Тирик одамларни эса, ярим йўлда ташлаб кетиш мумкин эмас. Адиб буларга осонлик билан эришмади. Ҳаётнинг барча синовларига бардош берди. Бардош бердигина эмас, улкан мақсади йўлида қасдма-қасдига курашди.

“Бир чақасиз кунларим бўлди. Ижара ҳақини тўлай олмай, ижарадан ҳайдалмиш кунларим бўлди. Бошпанасиз кунларим бўлди.

Мен қишлоғимга қайтдим.

Онам сандиқ кавлади. Латталар орасидан бир тугунча олди. Тугунчани уч-тўрт айлантириб очди.

Тугунчадан беш-олти сўм пул чиқди.

Онам шу пулни менга узатди.

Шунда... мен бир бошқа бўлиб қолдим. Мен ташқари отилиб чиқиб кетай, дедим.

Бу пул... онамнинг... ўлимлик пули бўлди.

Мен деворни ушлаб қолдим.

– Олмайман... – дедим.

– Ол, сен шонр бўлсанг бўлди, ол, – деди онам.

– Йўқ... – дея бош чайқадим.

– Мен сенинг шонрлигингни кўрмагунимча ўлмайман, – деди онам.

Мен тағин Тошкент қайтиб келдим”, – деб ёзади бу ҳақда.

Тоғай Мурод фақат билган нарсалари ҳақида эмас, балки бошидан кечирган, ҳис этган нарсалар тўғрисида ёзади. Шунинг учун ҳам унинг битганлари таъсирчан, самимий, ёқимли. Ёзувчининг куйидаги иқрорига эътибор беринг: “Кеч кузда юртимизга йўл олдим. Саттор чавандоз деган билан тил топшидим. У менга бир от топиб берди.

Мен... отландим!

Саттор чавандоз билан қишлоқма-қишлоқ юрдим. Тўйма-тўй юрдим.
Кўпкарима-кўпкари юрдим.

Кундузлари турли юртлардан келмиш чавандозлар билан кўпкари чопдим.
Неча бор отлардан йиқилдим.

Кечалари тўйхоналарда чавандозлар билан гурунг қилдим.

Чавандозлар дўмбира чалиб, кўпкарилардан сўйлади, отлардан сўйлади,
чавандозлардан сўйлади. Узун қиш кўпкарихона – иш жойим бўлди,
чавандозлар – ҳамхонам бўлди, отлар – биродарим бўлди. Ниҳоят, кўкламда
“От кишнаган оқшом” номли иккинчи қиссамни кўтариб келдим”. Адибнинг
номини машҳур қилган ушбу иккинчи қисса 1979 йилда битилганди.

Тоғай Мурод учинчи қиссасининг яратилиши ҳақида шундай дейди:
“Юртимизда тоғ этагида Сўфи Оллоёр қабри бор. Шу қабр қабатида тоғчорбоғ
бор. Мен бир қишни ана шу юртим чорбоғида қишладим. Сўфи Оллоёр бобо
билан қабатма-қабат ётиб, “Ойдинда юрган одамлар” номли қисса битиб
келдим”. Муҳлислар орасида номи “Муҳаббат қўшиғи” аталиб кетган бу асар
1980 йилда дунёга келди.

Унинг кейинги қиссаси “Момо ер қўшиғи” (1985) ҳам шу тариқа яратилди.
Адибнинг шуҳратини эл аро ёйган асари эса “Отамдан қолган далалар” (1993)
романидир. Унда ёзувчи мустамлакачилик замонида туну кун меҳнат қилиб
қашшоқлигича қолиб, устига-устак, “ўғри”, “порахўр” дея маломат ҳам олган
миллатимизнинг фожiali кечмишини тасвир этади. Маъмур романга Алишер
Навоий номидаги Давлат мукофоти берилган. Роман асосида икки қисмли
бадий фильм ишланган. Муаллиф асарнинг яратилишига туртки бўлган
сабаблар хусусида ёзади: “Ана шу вақт қатағон авж олди. Ишдан ҳайда-ҳайда
авж олди. Фирқадан ўчир-ўчир авж олди. Сур-сур авж олди.

Ниҳоят... қама-қама авж олди.

Сўроқ Москвада бўлди. Суд Москвада бўлди. Ҳукм Москвада ўқилди.

Ана шунда полвонлик қоним қайнади! Энди қоним ўт фанимларим учун
қайнамади...

Энди қоним... оламжаҳон фанимларим учун қайнади. Энди қоним қудратли
ганимларим учун қайнади.

Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!”

Тоғай Муроднинг асарлари халқига қўйилган ҳайкаллардир.

Саҳифа ва ишловлар

1. Тоғай Муроднинг табиатига хос хусусиятлар ҳақида тўхталинг.
2. Адибнинг онаси тутган йўл ҳақида мулоҳаза юритинг.
3. Ёзувчининг юртига, миллатдошларига муносабати ҳақида берилган маълумотларга таяниб сўзлаб беринг.

4. “Тоғай Муроднинг асарлари халқига қўйилган ҳайкаллардир” жумласини қандай тушунасиз? Саволга қисса билан танишгандан сўнг жавоб беришингиз мумкин.

Юлдузлар мангу ёнади

(Қиссадан боблар)

I

– Одамлар-у одамлар, тоғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар!
Бутун ҳа-а-амма Зулфиқор полвонниқига суннат тўйига, ҳе-е-е-ей! Чў, жонивор!

Эгар қошига тўн солмиш жарчи гузарма-гузар от ўйнатди. Хўжасоат қишлоғи аҳлини тўйга чорлади.

Хиёл ўтмади. Тўй бекаси отда эшикма-эшик юрди. Хонадонларни алоҳида-алоҳида айтди. Хонадон бекалари:

– Қуруқ кетманг, – дея эгар қошига тўн илди.

Тўй бекаси юзига фотиҳа тортди.

– Илойим, сизларни-да тўйга етказсин, – дея тилак тилади.

Кейин, Зулфиқор полвон от минди.

Эл-юртни ўз номидан айтди. Эл-юрт кўнгли нозик-да.

Тўй бекаси айтган бошқа, тўй хўжаси айтган бошқа.

II

Туш вақти аёллар бўғирсоқ, қатлама, ширгуруч кўтариб тўйлади. Эркаклар қўй, тана! етаклаб тўйлади.

Том устида ёнбошлаб олмиш Наби оқсоқол тўйхонадаги воқеалардан кўз-қулоқ бўлди, тегишли йўл-йўриқлар берди.

Айниқса, келажак меҳмонларни эътибордан четда қолдирмади. Меҳмонлар кўча бошида қора бериши биланоқ Наби оқсоқол овоз берди:

– Келинлар, меҳмонлар, кела беринглар! – деди. – Мингвой байча², аёлларга пешвоз чиқиб, қўлларидан дастурхонни олинг! Қаранг, Зулфиқор полвоннинг ошнаси Турдибой эчки етаклаб келяпти! Анави қўй етаклаб келаятган куёви Қурбонмикин? Ҳа, шуякан! Ашурбой, қўйларни ушлаб, оғилхонага қаманг!

Тўйхонада ўйнаб юрмиш болалар эшик олдига чоғиб келди. Тўйловчи аёллар сочқилар сочди: ёнғоқ, pista, майиз... Болалар қўлларини чўзиб-чўзиб сапчиди. Сочқиларни илиб-илиб олди. Ерга тушганларини талашиб-тортишиб қўйинларига солди.

Иккита бола юмалаб бораётган ёнғоқни қувиб кетди.

¹ Тана - еш новос.

² Байча - дон, ов, тул маъносид.

Болалар тўда-тўда бўлиб, ёнғоқ, ошиқ, шумшак, қулоқчўзма ўйнади. Дўл,
ғирбойди, чиллак, зувиллатар ўйнади...

III

Холбой сурнайчи иккита доирачи билан мумтоз мусиқалар тарона этди.

Тўйхонада олти дошқозон қатор осилди.

Хизматкорлар қур бўлиб ўтириб сабзи тўгради.

Дошўчоқлардан самога қоп-қора тутун ўрлади.

Дошқозонлардан зиғир мойга қовурилаётган гўшт ҳиди келди.

Бир отлиқ тақимига бошсиз улоқ босиб тўйхонадан чиқди.

– Одамлар, Оқжарда кўпқари! бўлади! – деди Наби оқсоқол. – Ана, улоқни олиб! Хоҳлаганлар борсин! Эсларингда бўлсин, кечаси олиш² бўлади, эртага яна кўпқари! Пиёда кўпқариси-да бор! Эртага шёда пойғаям бўлади, ҳа!

Эркаклар кўпқаридан кунботарда келди. Қур бўлиб-қур бўлиб ўтирди.

Тобоқ-тобоқ палов сузилди. Учовора бир тобоқ бўлди.

IV

Аёллар доирани елиб-елиб, халқачаларни шилдиратиб-шилдиратиб оловга тоблади. Даврада чанқовуз бўлади:

– Биёв-биёв-биёв!

Бир қиз олов ғирдида бармоқларини қирсиллатиб-қирсиллатиб, чанқовуз нағмаларига хиром этди.

Даврада иккита гўзал эшилиб-эшилиб ўйнади, тўлғаниб-тўлғаниб ўйнади: бири олов бўлди, бири қиз бўлди!

Аёллар нағмаларга ҳамоҳанг чапак чалди. Жўшиб-жўшиб қийқирди:

– Киштала-киш, киштала-киш, ҳай-ҳа-а-а-ай!

– Ҳа, бўйнингдан момонг айлансин, ўйнай бер, ўзим келин қиламан!

Ўйнаган ўйнаб, ўйнамаган тўн ёнди.

Бўйдоқлар даврага ўғринча қараб, қайлиқ танилади.

V

Тўйхона ёнидаги ҳовлида эркаклар давра қурди.

Бу даврада олиш бўлади. Давра узра сим чироқлар осилди.

Полвонлар оёғига зах ўтмасин учун даврага сомон сепилди.

Давра четида ёниб бўлмиш олов чўғи яшнади.

Полвонлар совуқ қотса, ана шу чўққа исинади.

¹ Кўпқари – улоқ ўшини

² Олиш – Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида, Жанубий Тожикистонда оммалашган қурашнинг бир тури. У фарғонача белбоқан қурашдан фарқ қилиб, рақиблар бел уаплашмасдан эркин ҳарикат қилиб олишадилар.

Тун совуқ бўлди. Совуқдан қор ҳиди келди.

Давра жунжикиб-жунжикиб:

– Уҳ-уҳ, қорнинг совуғи-я, – деди.

Дарҳақиқат, Керагатоққа биринчи қор тушди. Қорли чўққилар ойдинда элас-элас оқариб кўринди. Тоғ ўнгирида телевизор станцияси чироғи ёнди. Адоғроқдаги тўда чироқлар – Тўхтамиш, Чуқуробшир, Чинор, Лўкка, Зардакул, Бодаво дея аталмиш Вахшиворнинг қишлоқлари бўлди.

Ой қишлоқ узра осилиб қолди. Юлдузлар ғуж-ғуж ёнди.

Давра айланасига гилам тўшалди, кўрпача тўшалди.

Меҳмонлар ҳали келмади.

Тўрда ўтирган колхоз раиси:

– Қулмат-ай! – деди. – Қўшхоналарга¹ бор-да, Меҳмонларга хабар бер!

Олиш бошланди, де! Чоп, зувиллаб бориб, зувиллаб кел!

Хиёл ўтмади, меҳмонлар-да келди.

Колхоз раиси бош баковул² бўлди.

Баковул олдида турли-туман рўмол, гилам, калиш, чопонлар бўлди.

Баковул кетида тўй хизматкорлари ғунажин, қўй, эчки ушлаб турди.

Булар совринлар бўлди.

VI

Давра сукутда бўлди. Бош баковул ўрнидан турди. Даврага мурожаат этди:

– Одамлар, узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонлар! Мана, жамоа жам бўлди. Энди олишни бошласак бўла берар. Бугунги даврамизда воҳамизга донғи кетган Бўри полвон ўтирибди. Даврага баковуллик³ қилишни шу кишига топширсак, нима дейсизлар?

– Маъқул, полвон бованинг суяклари даврада қотган! – деди давра.

– Қани, полвон бова, даврага чиқинг!

Одамлар орасида ўтирган Бўри полвон ўрнидан турди. Қўлларини кўксига қўйди:

– Одамлар, шунчалик иззат қилдиларинг, қуллуқ! – деди. – Энди, биз қариб қолдик...

– Полвон бова, элнинг сўзини ташламанг!

– Эл атайлаб сизга юз солди-я!

Бўри полвон чиқа бермади. Шунда, раис ўзи бориб олиб келди.

Бўри полвонга Ҳотам полвон чиқди.

Улар бош баковул қаршисида чўккалаб ўтирди. Баковул соврин айтди:

¹ Қўшхона – олсдан келган меҳмонлар қўнган хонадон.

² Бош баковул – тоғлибларга соврин берувчи, бош дакам.

³ Баковуллик – дакамлик, сулдулик.

– Сизларга энг яхши тўн кўйилди, омин, оллоху акбар!

Оқсоқол полвонлар гўё чиппа-чиндан олишиб, даврани бошлаб беришлари лозим. Бўри полвон калишини очди. Маҳсичан бўлди. Қора чопони ўнгирларини қайириб, белбоғига қистирди. Телпагини бостириброқ кийди. Кенг ҳам дўнг пешонасини, туртиб чиққан ёноқларини силади. Така соқолини силади. Кафтларини туфлаб-туфлаб ҳўллади.

Давра айланди.

Ҳотам полвонга қараб қулочини узун очди. Ҳотам полвон ёқасидан ушлади. Бир-икки силкиди. Авайлаб чил¹ берди.

– Ё, пирим! – деди.

Давра қарияларга қараб жўшиб кетди.

– Ҳа-ҳа, бўш келманг, полвон бова! – деди.

– Э, бўлди-е, чарчаб қолдиларингиз!

– Полвон бова, ундай чил берманг-э, Ҳотам полвонга тани соғлик керак!

Оқсоқоллар бир-бирин кўйиб юборди. Бош баковул олдига келди.

Баковул оқсоқоллар белига биттадан тўнлик беқасам бойлади.

– Бали, кучларингиз баробар экан! – деди.

Оқсоқоллар бўш келмади.

– Эб-эй, нималар деяпсиз, раис бова? – деди Ҳотам повон. – Ўнгимга келиб эди-ю, тагин, Бўри полвоннинг бирон ери лат емасин, дедим-да!

– Нима-нима? – деди Бўри полвон. – Уккағар Ҳотам полвон-э! Сизга ўхшаганларни манави чиначоғим билан йиқитаман, ҳа!

Шундай қилиб, аждодлар удуми бажо келтирилди. Ёшларга йўл очилди.

Оқ йўл, ёшлар!

VII

Бўри полвон давра айланди.

Даврага мурожаат этди:

– Халойиқ! – деди. – Даврада ҳалол олишиб, элга томоша кўрсатайлик!

Ҳақ-поҳақни мен – ўзим ажрим қиламан! Айтганим айтган, деганим деган! Даврадаги Бўри полвон сўзим: тарафкашлик, фирромлик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўймайман!

Бўри полвон тевааракка аданглади. Бир бурчакда қунишиб ўтирган ўтирмиш беш-олти ёшли болани кўриб қолди.

Бола раиснинг ўғли бўлди. Бўри полвон атайин шу болани стақлаб келди.

– Отингиз нимаиди, полвон? – деди.

– Шукуй!

– Э, яшанг, Шукур полвон! Болалар, манови Шукур полвон билан олишадиган мард бўлса ўртага чиқсин!

¹ Чил - ҳалис, усуд, приём.

Телпаги қулоқларини тушириб олмиш бир бола чиқиб келди.

Кетидан отаси овоз берди:

– Полвон бова, манови Эрмат полвонни бир синаб кўринг!

Бўри полвон Эрматнинг-да қўлидан ушлади.

– Эрмат полвон, – деди, – сиз манови Шукуй...э, астағфирулло, Шукур полвон билан олишасизми? Ўзи, юрак урянтими? Э, бали, гап бундай бўпти-да! Қани, юринглар. Раис бова, манави полвонларга дуо беринг. Дўржироқ¹ зот кўйинг, келбатидан икковиям катта полвонга ўхшашпти!

Полвончалар бош баковул рўпарасига чўккалади. Баковул дуо берди:

– Сизларга ўзларингиз боп бир тўн, бир сўм пул қўйилди, оллоҳу акбар! Яхшироқ олишсаларинг, яна бир зот кўшамиз! Ечинмасдан олиша беринглар, кун совуқ!

Болалар давра айланди. Аммо... чапта тарафдан айланди!

Давра гур этиб кулиб юборди.

Бўри полвон болаларни ушлади.

– Эб-эй, эб-эй! – деди. – Манов тарафдан айланинглар! Кулманг, халойиқ, полвонлар ғайратига чидай олмай, шошиб қолди, ҳа! Полвон шуйтиб-шуйтиб полвон бўлади-да!

VIII

Болалар даврани икки айланди. Қўл бериб кўришди.

Шукур полвон чопони ўнгирларини қайириб, белбоғига қистирди. Энкайиб, ўнг қўлини олдинга сермаб бора берди.

Эрмат полвон иштонини юқорига бир кўтариб қўйди. Уям қулочини сермаб кела берди.

– Ҳа, қулочганидан, полвончалар! – деди давра.

Шукур ўнг қўли билан Эрматнинг ёқасидан ушлади, чап қўли билан билагидан ушлади. Икки оёғига қўшиб чил берди.

Шукур йиқитаётди эди. Аммо ерга оғиш вақтида ўзини эплай олмади.

Оқибат иккови-да баравар йиқилди.

– Бекор, ит йиқилиш² бўлди. Бошқатдан олишинглар! – деди давра.

– Шукур полвон, қаттиқ-қаттиқ чил беринг! Ким айтади сизни раиснинг ули деб!

– Эрмат полвон, кўп шалпайманг, дадил бўлинг!

Шукур йиқитдим, дея, бош баковул қошига ўтирди.

Эрмат давра ўртасида чопонида илашмиш сомонларни қоқди. Шукурга, кейин, Бўри полвонга анграйиб қаради.

– Фирром, мен йиқилмадим, – деди.

¹ Дўржироқ – каттароқ, мудроқ, кўпроқ.

² Ит йиқилиш – икки полвон баравар тинчаса, икковида қозиб бўлмаганид.

Бўри полвон Шукурнинг елкасига қўлини қўйди.

– Полвон, йиқитолмадингиз, бошқатдан олишинг! – деди. – Елкангизни кўп силтаманг. Ё, отангизга ишонарчисми? Отангиз идорага ранг! Даврага Бўри полвон ранг! Туринг!

Шукур қобоқ-гумшук қилди. Отаси қабатыга ўтиб ўтирди.

Бўри полвон Шукурни силаб-суйди. Чучук-чучук сўзлар айтди:

– Шайтонга ҳай беринг, полвон, чиқинг энди. Айланайин полвонимдан. Полвонимдан-да, полвонимдан-да...

Шукур ийиб кетди. Тағин даврага кирди.

Бу сафар Эрмат энкайиб-энкайиб келди. Шукурнинг қўлтиқлари остидан кириб кўтармоқчи бўлди.

Шукур Эрматнинг бошини кўкраги остига қисди. Қўлларини қўлтиғидан ўтказиб ушлади. Ётиботарга олди: ўзи бирдан орқага ётиб қолиб, Эрматни устидан ошириб отмоқчи бўлди.

Аммо... ўзи остида қолди! Бўлди кулги!

Шукурга алам қилди. Эрматга қўлини мушт қилиб кўрсатди.

– Сен билан янаги тўйда олишаман! – деди.

Эрмат баковул рўпарасига ўтириши билан бир талай бола чоғиб келиб ёнига чўккалади.

Шукурга тарафкаш болалар бир-бирига сўз бермай талашди, баковулга эланди:

– Бова, Эрмат полвон билан мени олиштиринг, у қалин ошнамини йиқитди!

– Йўқ, Эрмат полвон билан мен олишаман, Шукур ходамнинг ули!

Даврага тағин бир бола – Холёр келди. Холёр Шукурнинг бир ёш катта акаси бўлди. Ҳаяллаши боиси, у тут шохида ўтириб эди. Ерга тушиб, даврага киргунча вақт ўтди.

Масалани Бўри полвон ҳал этди.

– Ранг бова, Холёр полвонга дуо беринг, укасининг ори учун олишени! Минг қилсаям эмикдош-да! – деди.

IX

Бир полвон йиқилса, орига ошнаси ё оғайниси даврага чиқди. Қони тортди... Ор-номус учун кураш болаликдан бошланади! Қишлоқ одамлари олчин, тоғчи, паритўи, қовчин, гўрхов, юз... дея аталмиш уруг-аймоқларга бўлиниб олишади.

Борди-ю, четдан полвонлар келган бўлса-чи? Унда, қишлоқ полвонлари бирлашиб, меҳмон полвонлар билан курашади.

Одамлар киндик қонлари томмиш ер шон-шарафи, орияти учун курашади.

Ватан – киндик қон томмиш жойдан бошланади!

Бу даврада қишлоқнинг барча полвонлари бир гараф бўлди.

Боиси, ўзга меҳмонлардан полвонлар кўп келди. Полвоннинг тўйида!
Кимсан – Зулфиқор полвон тўй қиляпти!

X

Бўри полвон қўлларини орқасига қилиб давра айланади. Четдан келган полвонларга назар солди.

“Биринчи кимдан бошласин? Меҳмонларни бир-бирлари билан олиштирсаммикин? Йўғ-э, давра ўзиники, эп бўлмас. Яхшиси ўзларидан кимдир чиқиб бошлаб берсин”...

Бўри полвон ўйлаб қараса, воҳанинг деярли барча зўр полвонлари жам бўлибди. Кўринишидан, полвонлар катта ниятлар билан келибди. Ниятлари ўзларига эш бўлсин!

Хўш, барча меҳмонлар хўжасоатлик полвонлар билан олишадими, ё, районлар ўзаро олишадими? Яхшиси, районларни бир-бири билан олиштирган маъкул.

Турган гап, шўрчиликлар хўжасоатликлар билан олишади.

Хўжасоатлик полвонлар буни биладими?

Бўри полвон қишлоқ полвонларини излади. Улар ҳар ерда сочилиб ўтирди.

Бўри полвон зўр ачиниш билан шуни ҳис этдики... инсон қанчалик одил бўлсин, қанчалик танти бўлсин, барибир... барибир ўз юрти, ўз элига тортар экан...

У даврадан чиқди. Оқсоқоллардан Амир полвонни тирсагидан четга тортди.

– Полвонларинг ҳар ерда ўтлаб юрибди, бу нима ўтириш? – деди. – Менга қара, зўр-зўрларини бир ерга йиғ. Шўрчиликлар кепти... Тушундингми? Ўзинг бош бўл. Қурга тартиб билан чиқар. Шошма, етти ўлчаб, бир кес. Шўрчиликларнинг ўнги чалига эътибор қил. Қайтариб айтаман, фақат шўрчиликларга кўз тикинглар. Бинойими?

– Бинойи, полвон бова, бинойи.

– Бир-иккита дадилроғи билан бизнинг Тиловбердини давра охирига асра. Йўғон чўзилиб, ингичка узлганда қушимизга ярайди. Яна ким бор?

– Шу. Бакирбойнинг Самарқандда ўқиётган Жонибек ули келган. Яхши олиши бор-да. Ўтган йили келганда Сарносенни мом¹ қилиб эди.

XI

Бўри полвон даврага кирди.

Жуда таниш бир юзга кўзи тушди. Бу ким бўлди, эслолмади. Ҳайрон бўлиб тагини қаради. Бармоқлари билан кўзларини уқалаб тикилди.

¹ Мом қилмоқ – даврани қойна қилмоқ; рақибларни доғда қолдирмоқ.

“Ё тавба, – дея пичирлади. – Худди Насимга ўхшайди-я. Ё, чини билан Насиммики? Йўғ-э, у кўпқарида отдан йиқилиб, бир кўзи ожиз бўлиб қолган, деб эшитиб эдим. Бунинг икки кўзиям... Тагин бир қарайин-чи...”

Ҳа, бу Насим полвон бўлди!

Насим полвон дарвага қараяптими, ё, олисларга назар соляптими, билиб бўлмади. Бошини тик тутиб, кўзи ожизларга хос ўтирди, шоирона ўтирди.

Бўри полвоннинг кўнгли уюшиб-уюшиб кетди. Насим полвонга жуда-жуда раҳми келди. Қулочини кенг очиб: “Насим ошна!” дегиси келди.

Аммо кўнгли туб-тубида яшириниб ётмиш нимадир... нимадир, бу истагини рад этди. Бўри полвон маънос бош этди. Изига бурилли. Босди. Тагин елкаси оша қаради. Даврадаги овозларни эшитмай қолди, одамларни деярли кўрмай қолди.

Кенг елкаларидан бир нима босди. Нима бўлса-да, жуда оғир бўлди. Зилдай оғир бўлди. Мадори қуриди, кўзи тинди. Қур четида чўк тушди.

Хиёлдан кейин қабатидаги одамга ўгирилди.

– Тўра оқсоқол, – деди. – Насим полвоннинг кўзи...

– Бечора отдан ёмон йиқилган экан, зарбидан бу кўзиям оқиб тушибди...

Беғубор болалик, бебош ёшлик яқин олисларда... яқин олисларда – сочларнинг оқи, юзларнинг бужури, кўзларнинг нури, кўнглининг туб-тубида қолди...

1

Пода адирдан энди.

Чимзорни одамлар овози билан қўй-қўзилар маъраши босди.

Насим қўйларини Бўриникига қўшиб ҳайдади.

Бўриларникига етиб, қўйлар айрилди. Бўриларники дарвозага кирди.

Насимларники йўлида давом этди.

Насим қўлидаги хивични қўйлари кетидан отиб юборди.

– Ўзларинг бора қолинглар, уйни биласизлар, – деди.

Ўзи Бўриларникида қолди. Бўридан айрилгиси келмади. Бўрининг онаси қўй-эчкиларни кўгаюлади¹. Бировини бўйиндан етаклаб, саёз чуқурча устига олиб келди.

Бўри эчкини қучоқлаб турди, Насим улоқни қучоқлаб турди.

Бўрининг онаси кадини² чуқурчага яхшилаб жойлаштириб қўйди. Улоғи эмиб қўймасин учун эчки елинига кийдириб қўйган доқа халтани олди. Тирсиллаб турмиш елини уқалади.

Насим энгашиб, елига қаради. Кейин, Бўрига қараб кулиб қўйди.

Бўрининг онаси Насимга имо қилди. Насим улоқни эчкига искатди.

¹ Кўгаюлмак – қўйхонага қамимок маъносда.

² Кади – ошқовоқдан қилинган пакирсимон идиш.

Бўрининг онаси димоғида куйлаб-куйлаб эчки соғди:

Эсли молим, оқилим, чурия-чур-эй,
Елкамдаги кокилим, чурия-чур-эй.
Шунча молнинг ичида, чурия-чур-эй,
Боғда очилган гулим, чурия-чур-эй.

Насим юзини улоқ пешонасига қўйди. Илжайди. Маза қилди!

Тоғларда бор гулхайр, чурия-чур-эй,
Оқ сутингни қил хайр, чурия-чур-эй.
Келар йили туққанинг, чурия-чур-эй,
Бўлсин-да Зухра-Тоҳир, чурия-чур-эй.

Шу вақт дарвоза тарафдан:

– Ойхол хола-ю, хувв Ойхол, хола! – демиш овоз келди.

Куйлаб соғар Бўрининг онаси миқ этмади.

Насим бир сесканиб тушди: чақираётган онаси бўлди.

Бўри худди онасига тақлид қилиб овоз берди:

– Хувв!

– Ит қопмайдими?

– Қопмайди, кела беринг. Ит боғлоқлиқ, – деди.

Бўрининг онаси ўглининг тақлидидан мийиғида кулиб-кулиб соға берди.

Турткиласам нясан, чурия-чур-эй,
Бир кади сут берасан, чурия-чур-эй.
Яшириб қолган сутингни, чурия-чур-эй,
Қай бир кимга берасан, чурия-чур-эй.

Бўрининг онаси кадини кўтарди, жойидан турди.

Насим улоқни қўйиб юборди. Улоқ диркиллаб чопди, улоқ диққиллаб чопди.

Чоққиллаб бориб, елини миқ-миқ эмди.

Дарвозадан Насимнинг онаси кириб келди.

– Кўргилигинг кўп бўлгур, бу бола бўлмади, куйдиргилик бўлди! – деди. –

Уйда мояк қолдирмайди! Подага юборса, қўйларнинг ўзи келади! Қаёққа кетди у? Юр, уйга!

– Қўяверинг, у ёқда ётди нима, бу ёқда ётди нима, – деди Бўрининг онаси.

Онаси Насимни қарағай-қарғай кетди.

Бўри билан Насим кечаси уйқулари келгунча бир-бирини қитиқлаб ўйнади.

Сенга бир нима айтганими, Насим ошнам? Энам сомонхонага мояк яшириб қўйибди. Тонг отсин, сенга ўғирлаб бераман.

Кун қиём бўлди. Ўтов чанғароғидан¹ дастурхонга тафтли нур тушди.

Суюн оқсоқол эшикка овоз берди:

– Бўриқул, чанғароқни ёп-э, офтоб тушиб қолди!

Бўри чанғароқ ипини тортиб ёпди. Ўтов ичи қорайиб қолди. Насим ўтов чиналарини² йиғиб қўйди. Ўтов тагин ёришди.

– Сув олиб келинглар, қўлни чайқайлик. – деди Суюн оқсоқол.

Бўри елкасига сочиқ ташлади. Обтовада одамлар қўлига сув куйди.

Дастурхонга алоҳида, паловга алоҳида фотиҳа ўқилди.

– Ойхол момо дейман, олиб келинг энди, атаганингизни! Бўриқул билан

Насим шу кундан эътиборан қиёматли дўст бўлсин...

Бўрининг онаси Насимнинг елкасига беқасамдан тўн ёпди. Пешонасидан чўлп-чўлп ўпди:

– Энди сен ҳам меннинг улим бўлдинг! – деди.

Бўри-да Насимларникида шундай тўн кийиб эди.

Насим онаси-да Бўрига шундай дея, пешонасидан ўпиб эди.

XII

Бўри полвон бош кўтарди. Насимга қаради.

“Қарибди, жуда қарибди, дея хаёлланди. Ё, мен ҳам шундай қаридимми?”

Йўғ-э, одамлар, юзларингиздан қон томали, дейишадилар-ку...”

Бўри полвон руҳида илик кайфият пайдо бўлди. Тагин хаёлга чўмди...

I

Тик қир.

Ёлғизоёқ йўл.

Қирга ўрлаб бораётган ҳанги³ чарчади. Қулоқлари ости терлади.

Юк оғир-да: эгаси бўлди, хуржунда икки кўзача сув, икки боғ қиёқ ўт бўлди.

Бўри ҳангини ерга тушиб ҳайдади. Ҳанги бўйинини чўзди. Бор кучи билан ўрга ўрлади. Ниҳоят, Ҳолвачининг қирига чиқдилар...

Иккита ҳўкиз қўшиғлик чигана⁴ буғдой дасталари оралаб юрди. Чаначи паншаха билан дасталарни чиганага ортди.

Қизлар ўрқачларда сочилиб-сочилиб буғдой ўрди.

Бир қиз қўшиқ айтди. У Момоқиз бўлди...

¹ Чанғароқ – буғ уйининг тепасидаги юмалоқ очик жой

² Чиналар – буғ уй айланасидаги ёшиқлар.

³ Ҳанги – эркек ишак.

⁴ Чигана – чана, от ёки ҳўкизга қўшиб юв ташиниша мўлжалланган ёндоқракми яраш.

Қизлар Бўрини ўзлари тарафга имлади.

– Бўри, берман¹ ҳайда! – деди.

Бўри хангини Момоқиз тарафга ҳайдади.

Қизлар шу ёққа қараб чопти.

Бўри қиёқни қизларга гартдак-гартдакдан² берди, Момоқизга мўлроқ берди.

Қизлар Бўрини кунилаб-кунилаб³ кетди...

Бўри сувни чайлага туширди. Хангини арқонлаб келди.

Момоқиз буғдойбоғ соясиди ўтирди. Ўроғини ерга қадаб кўйди. Рўмолини бошига елвагай қилиб ўради. Бир учини қайириб оғзига тишлади. Чўп билан ер чизди. Энисиз қошлари, киприклари хиёл эгилди... Бўридан нимадир кутди.

Бўри иягини қашиди. Турди-турди, чайлага қараб юрди. Ярим йўлда елкаси оша қаради. Дарров кўзини олди. Қараганларига пушаймон бўлди.

Бонси, Момоқиз-да Бўрига қараётган эди!

Бўри чайлада ухлаётган Насимни туртди.

Насим гудурлаб у ёнига ағдарилди. Бўри Насим кўлидан тортди.

Насим эснади. Нима дейсан, дегандай Бўрига қаради.

– Насим ошна, бир гап айтсам бировга айтмайсанми? Ошна, Момоқиз яхши, ошнгяпсанми, у яхши... – деди Бўри.

Насим сергак бўлди, Бўрига синовчан тикилди.

Бўри кўзларини пирширатди. Гапида давом этди:

– Насим ошна, сен Момоқизга айт, Бўри сени тушларида кўради, де. Сенга қиёқни дўржироқ беришида гап бор, де.

– Ўзинг айта бер.

– Мен? Бор-э, қайтиб⁴ айтаман?

– Ўзинг биласан.

– Қўрқаман-да, Насим ошна. Сен билмайсан, неча марталаб айтаман дедим, бўлмади. Кўзига кўзим тушса... гаранг бўп қоламан. Ҳалиям айтаман деб бориб, нима дейишимни билмай қайтиб келдим. Насим ошна, сен менинг қиёматли ошнамсан-ку, сен айт.

– Кўраминг.

Бўри Насимни бағрига босди. Қувончидан, ҳалигина олиб келган сувдан бир коса қуйиб берди.

¹ Берман – бу ер билан.

² Гартдак-гартдак – оғ-оғ, кам-кам.

³ Кунилаб-кунилаб – қараб-қараб.

⁴ Қайтиб – қандай қилиб.

Қош қорайди.

Қизлар қаторасига тўшак солиб ётди.

Ёз чигирткалари чирилади...

Осмода ой балқиди.

Насим қизлар тарафга юрди.

“Ҳозир чақириб келса-я?” – ўйлади Бўри.

Бўри кўрққанидан эшаклар ётган ёққа кетди. Эшак жабдуғига чўнқайиб ўтирди. “Чақиргани билан барибир бормамай. Ошнам бўлса, ўзи айтсин”, – кўнглидан ўтказди.

Ўтирди-ўтирди, тағин қайтиб келди. Чалқанча ётмиш Насим олдига чўккалади. Қўлини ушлади.

– Насим ошна, у нима деди-а? – дея сўради. – Кўзингни очиб айт, нима деди? Ё, уялиб индамадимми?

Насим Бўрига ўгирилди.

– Бўри, мен гапларингни оқизмай-томизмай айтдим. Бўри ошнамга сенсиз кундуз ҳам қоронғи, дедим.

– Уҳ, бормисан, ошна! У нима деди?

– Жўра, у, бети қурсин, деб қўл силтади. Сенга кўнгли йўқ экан, жўра! Ишонмаясанми? Мана, қиблага қараб айтаман: агар ёлгон айтсам, кўр бўлайин!

Бўрининг дили хуфтон бўлди. Бир маҳалгача хўрсиниб ётди.

Азонда кўрпа-тўшагини ҳанги устига ташлаб мишиди.

Насим ҳанги ёлидан ушлади. Бўрини йўлдан қайирмоқчи бўлди.

Бўри бош силқиди. “Насим ошна, ҳеч бўлмаса индамай қўйсин эди, – деди ичиди. – Э, бўлди, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам...”

Бўри хирмонга йўл олди.

4

Хирмончи чоллар Бўрига галагов¹ ҳайдаттирмади.

Авваламбор ҳўкизлар Бўрига ўрганмоғи лозим бўлади. Бўлмаса, бегонасирайди, юрмайди.

У майда-чуйда юмушларин бажариб юрди.

Бир кун офтоб қайтиб, ҳўкизларин сувлатиб келди. Ўнг кафтини пешонасига соябон қилиб, қирга қаради.

У... Момоқизни кўргиси келди! Ҳангини қирга бурди. Сой ёқалаб бораётиб эди, эшакли Насим қирдан эниб кела берди.

Бўри изига қайтмоқчи бўлди, аммо сир бой бермади. Йўлида давом этди.

¹ Галагов – хўш ҳўкизларин матаб (бир-бирига боғлаб) хирмон яшичи.

Юзма-юз бўлиб тўхтади.

Гарчи Насим сўрамаса-да, Бўри боши билан қирга ишора қилди.

– Шу ёққа... Хирмончилар бир иш билан юбориб эди, – деди...

Насим айёрона илжайди. Хўшрўй кўзлари ўйнади. Тишлари орасидан чирт этиб тупурди.

– Момоқизнинг олдигадир-да? – деди.

Бўри ловиллаб кетди.

– Ҳа, Момоқизнинг олдига, ҳа! – деди. – Сенга шу гап керакмиди?

– Э, бор, менга деса, оёғига йиқил!

– Йиқиламан! Мен шундай оёқости одамман! Бўлдимми? Пойига йиқилиб.

Момоқиз, мен сенга нима ёмонлик қилиб эдим, дейман! Бўлдимми?

Бўри ҳангига ҳодачўп урди.

Насим таҳликага тушди. Изидан етиб келиб, йўлига кўндаланг бўлди.

Бўри ҳансиради.

– Қоч йўлдан, қоч! Мен Момоқизга ёлворгани кетяпман! – деди.

– Бўри, борма!

– Нега ҳукм қиласан? Нима, ҳосилотмисан?!

– Бўри, мени жўрам десанг бормаيسان.

– Сенга нима?!

– Бўри, мен... сени алдаб эдим.

Бир-бирига тикилди.

Насим кўзларини олиб қочди. Сўқмоқ четидаги турнақатор қумурсқаларга тикилиб қолди...

5

Бояги тун. Чўпонлар гулхани. Элас-элас кўшиқ.

– Айт айтгичингни, Насим, қизлар ёмон хаёлга боради.

– Момоқиз, Бўри сенга бир гап айтаман, деб юрибди.

– Биладан, айтолмаяпти.

– Момоқиз, у менга кўнглини ёрди, тайин айт, деди.

– Ўзимга айтишга уялган гапини сенга асло айтмас.

– Айтишга бет чидамайдиган гап-да, Момоқиз. Айттайинми, нима деди?

Момоқиз билан... ўйнагим келяпти... кўйнига кираман, деди.

– Ёпирым, чини билан шундай дедими?

– Алдасам, кўр бўлайин!

– Унда, Бўрининг бетига қарамаганим бўлсин! Бетини мурдашўй кўрсин!

– Тагин унга айтиб юрма, ошна деган отимиз бор...

¹ Ҳосилот – колхоз раислигидан кейинги довозим, колхоз ерлари хужайини, агроном

Бўри хангини олға қимтиди.

Ёнларидан одам бўйи куюн чарх уриб ўтди.

– Айт, нима деб алдадинг?

– Айтмайман.

– Мен сенга гапиряпман!

– Бўри, жўра, урсанг ур, барибир айтмайман.

– Айт деяпман!

– Бўри, жўра, Момоқиз менгаям ёқади...

Бўри изига бурилди. Хирмонга келди.

Қоронғи тушгач, супага тўшак ташлаб ётди.

Чоллар уйқулари кела бермагач, чўпчак айтди, матал айтди.

Бўри бошини кўрпа остига яширди. Кўзларини юмди...

Бўрининг кўнглида ўз достони бўлди. Бу дoston ҳади куйланмади.

Дostonни уч одам билди: Момоқиз, Насим, ўзи билди. Дoston давом этди...

XVI

1

Бўри уйғониб, тевракка аланглади.

Тонг отди. Бўри эрталабки таътидан кейин уч ҳўкизни бир-бирига бўйиндан матаб, галаговга қўшди. Оёқларига чориқ кийди. Толхивиччи олиб, хирмонга кирди.

Хирмончи чол паншаха билан ёйилиб кетаётган сомонларни ҳўкизлар оёғи остига ташлаб турди...

Қирга ўрлаб кетадиган сўқмоқда бир эшакли борди. У Насим бўлди. Насим ўроқчиларга қиёқ олиб борди. Бўри тишларини-тишларига қаттиқ босди.

Гаврон билан ҳўкизлар сағрисиغا сўқди. Бор овози билан қўшиқ бошлади:

Йўртиб-йўртиб ҳйдагин-а, майда-ё, майда-ё,

Дон сомондан арисин-а, майда-ё, майда-ё,

Айни саҳар бўлганда-ё, майда-ё, майда-ё,

Хўжайи Ҳизир дорисин-а, майда-ё, майда-ё.

Бўрининг овози дардли бўлди...

“Жонивор, анови кетаётган эшаклини кўряпсанми? У менинг қиёматли ошнам Насим. Жонивор, менинг на отам, на ака-укаларим бор. Ёлғиз ўғилман. Отам ҳам, ака-укаларим ҳам ана шу ошнам...”

Ҳайда, жонивор, ҳайда, темир туёғим ҳайда!

Бировга айтма, жонивор, ҳай анови қирда бир қиз бор, шу қиз менинг кўнглим эди. Қиёматли ошнам кўнглимга чанг солди! Уҳ, кўргилик!

Мен ошнамга ишониб эдим, жонивор. У ишончимни оёқости қилди... Бировга айтма, жонивор, айттилиги йўқ... Яна тагин қасам ичди, жонивор, эшитяпсанми, қиблага қараб қасам ичди! Қасам ёмон, жонивор, ёмон... Во ажаб, бу қандай дунё бўлди, жонивор? Ўртада бурун бўлмаса, у кўз бу кўзни ўйиб олади шекилли?..

Жонивор, бўлди, мен энди Насим билан юз кўришмайман. Бўлди, мен энди Насим билан бир умр гап қўшмайман..."

Савол ва топшириқлар:

1. Қиссанинг дастлабки бобларида ўзбек халқининг, хусусан, Сурхон ўзбеклари суннат тўйига оид қандай урф-одатлар тасвирланганлигини аниқланг. Сиз яшаётган ҳудуд ўзбекларининг суннат тўйларида ҳам шундай урф-одатлар борми?

2. Тўйдаги олишувда Шуқурни йиқитган полвончага талабгор бўлган болаларнинг кимлигига эътибор беринг. Бу ҳолни тушунтиринг.

3. Бўри полвон Эрмат билан кураш тушишга бошқа болаларга эмас, айнан, Холёрга рухсат берганлиги сабабини изоҳланг.

4. "Ор-номус учун кураш болаликдан бошланади" дейилади асарда. Бу ифодани тушунтиришга интилинг.

5. Киндик қони томган жойга, унинг одамларига айрича яқинлик полвон бобода қай тарзда намоён бўлганлигини асардан топиб ўқинг.

6. Давра айланаётиб Насимга кўзи тушган Бўри полвон ҳаёлида болаликдаги қандай хотиралар қайта жонланди? Насим ким?

7. Насимнинг болаликда ичган қасами ва кексайгандаги қисмати орасидаги боғлиқлик юзасидан мулоҳаза юритинг. У дўстликка хиёнат қилганмиди?

8. Бўрининг Момоқизга қўнгли борлигини ўзи айтмаганлиги сабабини изоҳланг. У нега Насимга мурожаат қилди деб ўйлайсиз? Ошигага ишонини керакми?

9. Бўрининг хўп ҳайдаётгандаги руҳий ҳолатини изоҳлашга ҳаракат қилинг. У қандай қарорга келди? Унинг қарорини маъқуллайсизми?

10. Бўри нега ўз муҳаббати учун курашмади? Сизнингча у қандай йўл тутини керак эди?

XVII

Тун яримлади.

Полвонлар сийрақлади. Карим пўстак билан Раҳмат полвон қолди.

Карим пўстак? Ойдинким, пўстакни қаёққа отиб юборса, ерга албатта тескарисин билан бориб тушади. Каримни ҳам қаёққа отиб юборса, ерга тескарисин – кўкракларни билан бориб тушади.

Эл Каримни пўстак дейишининг боиси ҳам шунда.

Карим пўстак Раҳматни қўл чилга олди: ўнг қўлини унинг қўлтиғидан ўтказиб, ёқасидан ушлади.

Раҳмат полвонининг чап қўли кетига қайрилди.

Давра қичқириб юборди:

– Ай-ай, пўстак, қўйиб юбор!

– Қўйиб юбор деса!
Карим пўстак қўйиб юборди.
Қайтадан олишганларида тагин қўл чилга олди.
Бўри полвон уларни ажратиб қўйди.
– Халойиқ! – деди. – Карим полвон қўл чилга олиб номардлик қилди! Унинг кўнглида ёвузлик борақан! Мен уни даврадан бадарға қилмоқчиман, сиз нима дейсиз?

– Тўғри-тўғри!
– Бундайчикин полвонни яна қайтиб даврага ёноштирмаслик керак!
– Карим пўстакнинг кўнгли кир экан!
Бўри полвон Карим пўстакка юзланди.
– Ана, эшитдингми? – деди. – Халқ ҳукми – ҳақ ҳукми! Чиқ! Э, садқан давра кет! Қани, раис бова, Раҳмат полвонга ҳақини беринг! Карим полвонни йиқилди деб ҳисоблайман!

Қўл чил азал-азалдан ман этилади. Бояси, қўл чилга олинмиш қўл ё чиқиб кетади, ё синиб кетади.

Қўл лат егач, қўл ўйнама бўлиб қолади.

Оқибат, полвоннинг яна қайтиб даврага чиқиши амримаҳол бўлиб қолади...

Бўри полвон даврада йиллаб олишди. Аммо бирон марта-да қўл чилга олмади...

XVIII

Бўри полвон даврадан хурсанд: жанжал-араз йўқ. Полвонлар сени менга бормай олишаяпти. Ўзини ойнага солмай олишаяпти. Ўзини тарозига солмай олишаяпти.

Ана, хўжасоатлик Садир полвон шўрчилик Рўзи полвонни елкасидан ошириб урди. Рўзи полвон орига Максим полвон деган чиқди.

Садир полвон:

– Э, у спорт мастери, чиқмайман, – дея туриб кетди.

Максим полвон самбо кураши бўйича спорт устаси экани чин бўлди. Баковул рўнарасида талаб қилиб ўтириб-ўтириб кетди.

Бўри полвон хўжасоатликларга оғиз солди:

– Чиқинглар-да энди!

Уёқдан Амир полвон:

– Полвон бова, Садирнинг қўли лат ебди! – деди.

Бу шунчаки баҳона бўлди.

Шўрчиликлар пичинг қилди:

– Нимага бир полвонни йиқита солиб қочасизлар!.. Сизга даврага чиқингизлар-да! – деди.

Илкис пичинг Садир полвон баҳона бутун давра эгаларига қарата айтилди.

Бўри полвон ят этиб шўрчиликлар тўдасига қаради.

Кейин, Амир полвонга юзланди.

– Ундай бўлса, бошқасини чиқар! – деди.

Амир полвон:

– Э, полвон бова, мастер спортга тенг кеп бўладими? – деди.

Бўри полвон меҳмонлар олдида изза бўлди. Хивич учи билан чироқда йилтирамиш сомонларни титкилади. Шунда, даврага ёши ўтиб қолмиш Нормурод полвон чиқиб келди. У дуч келмиш одам рўпарасига чўкди. Қўлларини кетига тиради. Орқасига чалқайиб, оёғини узатди.

– Маҳсини торт, торт маҳсини! – деди.

Торта бермагач, Нормурод полвоннинг ўзи маҳсиларини тортиб-тортиб суғурди. Пайтаваларини чувалатиб-чувалатиб ташлади.

Жойидан сапчиб турди. Ўз полвонларига қаҳр билан қўлини шоп қилди.

– Чикмайсанми-а, чикмайсанми? – деди. – Элга эшиттириб айт! Чикмайман, де! Қўлингни кўтариб айт! Унда, мана мен чиқаман!

Нормурод полвон бақовул рўпарасига бориб чўккалади. Шўрчиликларга қўлини силкиб айтди:

– Қани, мастер спортингни берман юбор! – деди.

Аммо шўрчиликлар Максим полвонни даврага туширмади. Бонси, Нормурод полвоннинг соқоли олоқ эди...

Шўрчиликлар тўпидан овоз келди:

– Сизга қойил бўлди, Нормурод полвон, бизга анави полвонларингизни чиқаринг!

Нормурод полвон давра айлана берди.

– Бизда полвон йўқ, бўлса чиқарди! – деди.

Бўри полвон домангир бўлди:

– Полвон, кўтарилма, кўп кўтарилма! – деди.

Нормурод полвон Бўри полвон қўлидан юлқиниб чиқди. Яна давра айланди.

– Э, Мастер спорт тугул, дев бўлсаям чиқаман! – деди.

Бўри полвон Нормурод полвон тирсагидан маҳкам ушлади, даврадан етаклаб чиқди.

Нормурод полвон тағин даврага талпинди:

– Нормурод полвоннинг кўзи очик бўп туриб, унинг эли ерга қарайдими? – деди. – Ушламанг мени, полвон бова, ушламанг! Э, ерга киргизиб юборсаям чиқаман!

Бўри полвон қалбини-да айни шундай туйғулар тирнади. Аммо кексаларга ҳос вазминлик билан ўзини босиб турди.

Даврага кириб, хўжасоатликларга овоз берди:

– Амир, Тиловбердини берман юбор! Тиловберди, мунда ке! – деди.

Шунда, даврага Бўри полвоннинг ўғли Тиловберди чиқиб келди. Бўри полвон ўғлини тирсагидан етаклаб, бақовул рўпарасига ўтиргизди.

Шўрчиликлар кўнишга кўниди-ю, Максим полвон рози бўлмади.

– Тиловбердиннинг вазни огир, чиқмайман, – деди.

Бўри полвоннинг зардаси қайнади.

– Нима, энди даврага-да тарозига тортиб чиқарайликми? – деди. – Кўриб турибсан, бўйи баста сеникидан зиёд эмас, чиқа бер-да! Чиқ-э, ота-бовамиз тарозисиз олишган!

– Э, чиқ-э, Максим-э, йиқилсанг ер кўтаради-да! – деди шўрчиликлар.

Полвонлар фотиҳа олиб кетди.

XIX

Бўри полвон ич-ичидан зил кетди. Ўзи билан ўзи гапиршиди.

“Биз полвонлик мактабида ўқимадик. Полвонлик бизга отамерос. Пуштан-пушта, қондан-қонга ўтиб келяпти.

Полвонликнинг кўзга кўришмас, тил билан тушунтириб бўлмас шундай сирлари борки, буни фақат томирида полвонлик қони борларгина билади. Биз биламиз!

Бу сирлар ҳеч бир китобда йўқ!

Мана, менинг ўзим. Сурхон воҳасида мендан йиқилмаган полвоннинг ўзи йўқ! Ўша мактаб кўрган спорт мастерлариям яғринимдан ошиб кетди!

Халқ нимаси билан халқ?

Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ! Кўп урф-одатларимизни бировлар... бировлар ўзиники қишиб олди! Биз қўлимизни бурнимизга тиқиб қолдик.

Шундай кета берсак, ҳадемай... ўзимизни-да бой бериб қўямиз!

Бўғи камдай, не-не нималаримизни эскилик сарқити деб йўқ қилдик. Хиёл бўлмаса, халқнинг ўзини-да... эскилик сарқитига чиқариб юборайин, дедик!

Бугун буни йўқота берсак, эртага уни йўқота берсак, адирдаги... подадан нима фарқимиз қолади?..

Биз ҳадемай бу дунёдан кетамиз. Ўзимиз кетсак-ку, гўрга-я. Ўзимиз билан... Буни ранс биладими?..”

Бўри полвон рансга қараб-қараб қўйди.

Тағин нималардир... нималардир йўқолиб боряпти...

Бўри полвон ўйлади-ўйлади... Ўйлаб ўйига етди.

“Авлодлар алмашган сайини... ё, пирим-э, туф-туф-туф... авлодлар алмашган сайини... юрак йўқолиб боряпти!

Жасад бор! Ақл бор!

Юрак йўқ!

Тўрт мучал бор! Куч-қувват бор!

– Юрак йўқ!

Кўкракда жон бор!

Юрак йўқ, юрак!..

Фарзандлар ҳаётга бапарво қарайди. Мусибат билан хурсандчилик фарқига бормайди.

Фарзандлар ўзлари минаётган машинага ўхшайди! Одам ким, машина ким, билиб бўлмай қоляпти”...

XX

Максим полвон енгсиз, ёқасиз желак кийиб чиқди.

Бўри полвон бармоқлари учи билан желагидан ушлади.

– Эб-эй, эб-эй, Максим иним, бу қандай либос? Мабодо майкамасми? – деди.

Максим полвон ўзича тушутирган бўлди. Бўри полвоннинг энсаси қотди – Шу гапингга номаъқулнинг нонини ебсан! – деди. – Ўзингни иззат қилмасанг ҳам даврани иззат қил! Бор, ўзимизнинг кийимдан кийиб чиқ. Бунингни на ёқаси бор, на энги бор, қаерида ушлаб бўлади? Манави бренжангни қара... Иштонбовиям резинкадандир-да? Тортганда узилиб кетса нима бўлади? Э, бор, қалинроқ иштон кийиб чиқ! Попукли иштонбов бойла, белни ушлайди!

Максим полвон олифтачилик қилди.

– Мусобақаларда шундай кийиниб олишади! – деди.

– Ай, Максим-ай, Максими тушмагур-ай! – деди Бўри полвон. – Қўп катта янгилик айтдинг-да! Шу янгилигинг учун, суянчисига иштонимни ечи берайинми?

Давра қийқириб-қийқириб кулди!

Максим полвон-да оғзини ушлаб-ушлаб кулди.

– Ай, Максим полвон! – деди Бўри полвон. – Сен Бўри полвон билан ўрлашма! Қайтариб айтаман, кўп ўрлашма! Ўша сабонгда-да энгли желак кийиб олишади! Бўри полвонни билмайди дема! Бўри полвон...

Бўри полвон ўз даврида турли мусобақаларда қатнашди. Кубоклар олди...

Кубокни умрида биринчи бор кўриб, айлантириб қаради-қаради...

– Хушрўй самовар экан, – деди ўзича. – Яхши бўлди, чой қайнатиб ичамиз...

Уйига келиб сўраб-суриштирди.

Биладиганлар:

– Йўқ, бу самовар эмас, бу кубок, Бўри полвон, кубок! – деди.

– Эбо-эй, эбо-эй! – деди Бўри полвон. – Унда, буни нима қиламан-ай?

– Сандиққа солиб қўйинг.

– Сандиққа сиғмайди-да.

– Унда шкаф устига қўйинг.

Бўри полвон кубокни шкаф устига қўйди.

Бўри полвон кубокни кунда кўриб турди. Лекин кубок номини эслаб қололмади. Борди-ю, эласа, кубок номини яхши айтолмади. Кубок сўзи тилига ўтирмади. Шу-шу кубокни самовар дейдиган бўлди.

– Бўри полвон катта мусобақаларда олишиб, самовар олган! – деди Бўри полвон.
– Иккита, ҳа, иккита! Ишоимасанг, ана, уйга бориб кўр – шкафнинг устида турибди! Давра гурр-гурр кулди!

Бўри полвон ўзи-да даврага қўшилиб кулгиси келди! Аммо тентакка ўхшаб, ўзим гапириб, ўзим кулмайин, деди-да, мийиғида кулиб қўя қолди.

– Ҳай, уккағар полвонлар-э, куласан-а, куласан! – деди.
Максим полвон даврага мос кийиниб келди.

Бўри полвон разм солди-разм солди-да:

– Ҳа, балли, бу бошқа ган! – деди.

Кейин, собит қадамлар билан давра айланиб жар солди:

– Халойиқ, сўзимини эшитинг! Болалар, кўп талатўп қилма, гапни гапга қўш! Халойиқ... Ай, Хумор момонинг невараси, тек ўтир дейман, бўлмаса... кесиб оламан! Халойиқ, манави тик желак кийган хўжасоатлик Тиловберди полвон! Буниси шўрчилик Максим полвон! Айтиб қўйганим яхши, Максим полвон мастерспорт! Самовар ҳам олганмисиз, полвон? Эшитдингиз-а, халойиқ? Максим полвоннинг самовари йўқ экан! Бу икки полвонга бир гўсам серка! бир жуфт уламчи калиш, беш сўм пул қўйилди!

Тиловберди полвон одати бўйича белбоғини бўйнига солиб давра айланди.

Бўри полвон ўғлини зимдан кузатди. Бирон-бир нуқсон тополмади.

Хотири жам бўлиб, бош баковул олдига ўтирди.

– Бир пиёла чой беринг, – деди.

Ўғлига тикилиб қолди...

3

Дарҳақиқат, Бўри полвон умрида жуда кўп одам кўрди. Мулоқотда бўлди. Аммо жуда оз одам отини билди. Фақат полвонлар отини тўлиқ айта олди. Бонси, Бўри полвон даврага чиқиб курашмаган эркакин... эркак демади! Бирор одам ҳақида гап бўлса, Бўри полвон:

– Полвонми-йўқми?? – дея сўради.

Йўқ, жавобини эшитса, қўл силтади.

– Эркакининг султони олишади, ҳа! – деди. – Ана, Хидир полвон, кези келганда даврани гурсиллатиб олишиб кета беради. Мен раисман, деб ўтирмайди. Бўлмаса кимсан – Ботиров-а! Арбоб, ҳа, арбоб! Ана уни чин эркак деса бўлади! Чунки ота-бовасиннинг ҳунарини ерда қолдирмаяпти!

Борди-ю, одамлар эътироз билдирса, Бўри полвон гапни чўрт кесди:

¹ Гўсам серка – пирок эркак эчки.

– Нима десанг, де, мен ўйинни билмаган аёлни – аёл демайман, даврада олишмаган эркакни – эркак демайман!

Бўри полвон бешикдаги чақалоқдан тортиб нуроний чолгача барча-барчаси исмига полвон сўзини қўшиб айтди. Даврада курашганми-йўқми, барибир – айта берди.

Айтганда-да, оғзини тўлдириб айтди, гурур билан айтди!

Ҳамсоялариникига¹ олислан меҳмон келди.

Ҳамсоялар Бўри полвонни-да чақирди.

Бўри полвон меҳмон билан бир қўллаб кўришиди. Иримига ҳол-аҳвол сўради. Бегонасираб ўтирди.

Шунда меҳмон курашдан гап очди. Ана шунда Бўри полвон яйраб кетди!

– Э, бали! Ўзимизнинг одам экансиз-ку! – деди.

Меҳмон олдига силжиброқ ўтирди.

Қайта бошдан қўшқўллаб-қўшқўллаб кўришиди. Қуоқ-қуоқ сўрашиди.

Бўлиб ўтмиш давралардан гапирди. Қандай қилиб самовар олганларидан гапирди.

– Ўйнаб бориб, уккағарнинг полвонини мана бундай ушладим... – деди. – Қаранг-қаранг, кўлимга эътибор беринг, кўлимга!..

– Биз-да олишиб эдик... – деди меҳмон.

Бўри полвон гапни илиб кетди.

– Самовар-да олганмисиз? – деди.

– Ҳа-да!..

Бўри полвон меҳмон бўлмиш тиззасига ташиллатиб бир урди.

– Э, бормисиз! – деди. – Отангизга раҳмат! Полвоннинг хўрози самовар олади, ҳа!

4

Сариосиёдаги ўша даврада Бўри полвонга тенг топилиши қийин бўлди.

Давра эгалари талвасада қолди.

Борди-ю, Бўри полвонга талабгор бўлмаса, сариосиёликлар деновликлардан қойил бўлди, бўлади. Ўз уйида қойил бўлиш, мағлуб бўлишдан-да ёмон бўлади!

Шунда, даврага ёшгина бир йигит чиқиб келди. Бўриполвонга талабгор бўлди. Давра эгалари шундагина енгил нафас олди.

Бўри полвон ёш полвонга менсимай-менсимай қаради.

“Лайлакнинг юришини қиламан деб, чумчуқнинг пути йиртилган экан! – дея ўйлади Бўри полвон. – Бу ёш бола-ку! Ўйлаб иш қиляптими? Ё, кайфи борми?”

Бир ёш бола Бўри полвон шон-шавкатини назарга илмай курга югуриб чиқиши, Бўри полвон иззат-нафсига тегди.

¹ Ҳамсоя (тоғовчи) – қўшни.

Бўри полвон дарғазаб бўлиб даврага кирди.

Бош баковул олдига ғоз юриш қилиб борди. Давра одати бўйича талабгор ёш полвон қабатига бориб ўтириши лозим бўлди.

Аммо Бўри полвон давра қоқ ўртасига бориб чўк тушиди. Бўри полвон бу билан ўзини анави ёш бола ёнида ёнма-ён ўтиришига ор қилишини билдирди.

Анави ёш болага, кўрпачага қараб оёқ узатсанг-чи, деган қараш қилди.

Бўри полвон билан Исмоил отли бу ёш полвонга бир ғунажин, яна бир қанча майда зотлар қўйилди.

Бўри полвон Исмоилни кўзга илмай-кўзга илмай давра айланди.

“Тайёр ош-ку”... дея ўзидан кетди.

Оқибат... Бўри полвон... Полвон номини олгандан буён умрида биринчи марта елкаси ер кўрди! Қандай йиқилди – ўзи-да билмади!

Кўзларини очса... осмон тўла юлдуз бўлди!..

Оҳиста-оҳиста жойидан турди. Бош эгиб-бош эгиб даврадан чиқди.

Ҳамроҳлари ҳамдард бўлиш учун қўлтиғидан ушлади.

Бўри полвон ҳамроҳлари қўлини зарда билан силтаб-силтаб ташлади.

Чопонига чўнқайиб ўтирди. Тиззаларини кучоқлади. Пешонасини билаклари устига қўйди...

Ҳўнг-ҳўнг йиғлаб қўя берди!

Ҳамроҳларига жавдираб-жавдираб қаради.

– Чиниминав йиқилдимми-а, чиниминавми-а?... – деди.

Сел-себор йиғлаб қўя берди...

5

Бўри полвон елкаси ерга теккани элга ёйилди.

Бўри полвон номи билан гурурланиб юрмишлар ичи ачий-ачий бош чайқади.

– Ёмон бўпти-да... – деди.

Давраларда Бўри полвон дастидан рўшнолик кўролмаб юрмишлар хушвақт-хушвақт бош ирғади.

– Бўри полвон-да тамом бўпти.. – деди.

Бўри полвон эл орасида бош кўтаролмай қолди. Уйдан кўчага чиқмай қолди.

Кейин, ўша ёш полвонни таъқиб этиб бошлади. Қаерда тўй бўлса, пойлаб борди. Аммо ёш полвон Бўри полвон номини эшитибоқ, рад қила берди.

Исмоил отли бу ёш полвон довуғи бутун воҳага ёйилди.

Кимсан – Бўри полвон елкасини ерга теккизган Исмоил полвон!

Исмоил полвон бу номни умрбод сақлаб қолмоқчи бўлди. Шу боис, Бўри полвон даврага келибди, деса бўлди, индамай кетиб қола берди.

Шўрчида-да шундай бўлди.

Бўри полвон бошлиқ хўжасоатлик полвонлар Шермат мерган деганникига кўнди. Тўйхонадан меҳмонлар улуши келди. Дастурхон тўкин бўлди.

Уй хўжаси ўзининг мерганлик саргузаштларидан гурунги берди. Шўрчилик полвонларга таъриф берди. Абил полвонни улуғлади.

– Насим полвоннинг бўйига чипқон чиққан, бу даврада олишмаса керагов, – деди.

Уй хўжаси бирдан сергак тортиди.

– Айтгандай, – деди. – Насим полвон асли хўжасоатлик-а? Чақириб келайинми? Гурунглашиб ўтираминиз?

Бўри полвон безовта бўлди. Бир қимирлаб олди.

– Йўқ, мерган, овора бўлмаг, ўтиринг, – деди.

– Ҳа, майли, ихтиёрларингиз. Лекин кўнгилларингизга олмангизлар-у... айта берсам майлими? Шу, Насим қургур ҳеч кўнглимга ўтирмайди-да. Ўта шум! Кўзингизни лўқ қилиб, фириб беради! Билмайман, ўзидан бошқани нодон деб ўйлайдими. Шунинг учун у билан ош-қатиқ бўлгим келмайди. Ўзи, у кимлардан? Э, ҳа, бўлди-бўлди, гап тамом. Мерган жўра, дейишидан билиб эдим-а... Асли қониди бор экан-да...

– Ўзи яхши одам... – деди Бўри полвон.

Бўри полвонга шўрчилик Абил полвон чиқди.

Бўри полвон Абил полвонни яхши билади. Абилнинг чўнқайма усули бор. Кейин... жини бор! Даврага кирса, тутиб қолади...

Шу боис, эл Абил полвонни Абил тентак, дейди.

Бўри полвон давра айланаётиб, Насим полвон Абил тентакни гиж-гижлаётганини эшитди.

– Дадил бора бер, юраги йўқ, – деди Насим полвон. – Қайси бир йили менга ўзи талаб қилиб, қўрқанидан қойил бўлиб эди...

Абил тентак гўё давра торлик қилаётгандай ҳурпайиб-хурпайиб юрди.

Бош баковул олдидаги сатилдан ҳовучлаб-ҳовучлаб сув олди. Билакларини сувлади. Оғзига сув тўлдирди. Юлдузларга қараб, фарғара қилди.

Қўлларини ўйнатиб, жойида бир-икки ирғишлади. Бошини сарак-сарак қилиб айқирди:

– Буввв! Буввв! Ҳа, кишта! – деди.

Абил тентак Бўри полвон авзойида тариқдай бўлса-да, ҳайқиш кўрса бўлди, дарҳол ҳамлага ўтади.

Аммо ҳайқиш кўрмади. Бўри полвон дағдағалардан ҳайқиш тугул, мижажа қоқмади. Аксинча, ўйнаб кела берди.

Абил тентак лалми-лалми дағдағалари ўтмаганини билди. Диркиллаб-диркиллаб ўйнаб, яна давра айланди.

Абил тентакни энди кўраётганлар ҳайратдан кўзлари олайди. Биров бош чайқади. Биров лабини бурди.

– Ё пирим-э, уриб кетган тентак, – дея кулди.

– Жайраҳонадан¹ қочган, – дея кулди.

Икки зўр тўқнашса, чақмоқ чиқади...

Бўри полвон ўнг қўли билан Абил тентак ёқасидан ушлади. Чап қўли билан эса белагидан сиқиб ушлади. Шиддат билан ичидан чил берди.

Абил тентак чўнқаймага олди: ғоят тезликда ўнг қўли билан Бўри полвон ёқасини ёғимлаб, халқумига тиқиб борди. Чап қўли билан эса Бўри полвон яғрини усти желагидан буклаб ушлади. Ўзи орқага хиёл чалқайди. Бўри полвонни даст кўтарди-да, зарб билан орқага отиб юборди.

– А-а-а-а! – дея айқирди.

Бўри полвон ерга ёнбоши билан гурсиллаб тушди.

Абил тентак-да шундай йиқилди.

– Бекор, ёнбош йиқилди – деди давра.

– Бир баҳя етмади!

Чўнқайма ғоят нозик санъат: борди-ю, полвон чўнқайма қилишни эплай олмаса, ўзи мағлуб бўлади.

Чўнқайма ғоят қалтис санъат: борди-ю, чўнқаймага олинмиш полвон чили чиқиб кетса, ерга... ҳаром мағзи билан бориб тушади.

Чўнқайманинг қалтис тарафлари тагин кўп...

7

Хўш, Бўри полвон нега ҳароммағзи билан эмас, ёнбоши билан тушди?

Бойси, чўнқаймага олмиш Абил тентак катта хатоликка йўл қўйди.

Абил тентак ерга оғаётиб-ерга оғаётиб, ўз гавдасини ўзи ўнглаб олиши. йўл-йўлакай Бўри полвон устига ўзини ташлаши лозим эди.

Абил тентак шошдимиз ё довдираб қолдимиз, ишқилиб, бунинг уддасидан чиқолмади.

Хатоси эвазига Бўри полвон остида қолайин-қолайин, деди.

Буни ўзи-да билди шекилли, ердан тура-тура, шукрона-шукрона бош чайқади.

8

Давра полвонларга ҳайбаракалчалчилик қилди:

– Чаққон-чаққон олишинглар!

– Ў, Бўри полвон, белбоғингни яхшилаб бойла, бўшаб кетяпти!

– Абил тентак, эҳтиёт бўл-ов!

Эндиги олишув аввалигисидан-да шитобли бўлди.

¹ Жайраҳона – Термиздаги жиниловарни даволаётган даргоҳ.

Бўри полвон Абил тентакка имконияти борича холисроқдан чил берди.
Қўлларини чўзиб ушлаб, Абил тентакни ўзидан холис тутди.

Абил тентак тагин чўнқаймага олиш учун чоғланди: гўё анойилик қилиб,
чап оёғини Бўри полвонга яқин тутди. Ичидан чил беришга имкон яратди.

Бўри полвон Абил тентак макрига учмади. Қармоқдан ўзини олиб қочди.
Кураш ланж бўлди.

Полвонлар бир-бирларини таъқиб қилиб юра берди.

Полвонлар бирови бўшроқ бўлса-ку яхши, йиқилмаганига шуқр қилиб юра
беради. Борди-ю, иккови-да ғолибликка баб-баробар даъвогар бўлса-чи?
Унда... асаблар олишади.

Бўри полвон-да, Абил тентак-да асабийлаша бошлади. Асабий чил
беришиб, бир-бирини мақсадсиз силкилай берди!

Хўп олишдилар!

Бўри полвон қўлларини ёнларига кенг ёйди: мен олишаётганим йўқ,
ишорасини билдирди.

Бу ҳолатда полвонга ҳамла қилиш қатъиян ман этилади!

Абил тентак бўлса, Бўри полвонни икки оёғига кўшиб тепиб ерга урди!

Абил тентак йиқитдим, дея ўйнаб-ўйнаб, баковул қошига бориб ўтирди.

Бўри полвон ўзидан беш-олти одим олисга бориб тушмиш дўпписини олди.

Кафтларига тарс-тарс уриб қоқди. Асабий-асабий қоқди.

Хўжасоатликлар бақира кетди:

– Бўри полвон қўлини қўйиб юбориб эди, бекор!

– Абил тентакнинг эси жойидами ўзи?

– Баковулнинг олдига бориб ўтиришини қаранг!

– Юз бўлмагандан кейин шу-да!

Шўрчиликлар-да хўжасоатликлардан қолншади.

Насим полвон бошини чипқон чиққан ёғига қийшайтириб ўрнидан турди.
Баковулга қўлини шоп қилиб шанғиллади:

– Қўлини қўйиб юбормасдан олдин йиқитди! Абил тентакка ҳақи берилсин!

Уҳ-уҳ, вой бўйним-э...

Бўри полвон Насимга ўқрайиб-ўқрайиб ерга тупурди.

Баковул жанжални ҳал этиш учун ўнг қўлини кўтарди.

– Биродарлар, жим! – деди. – Яхшиси, ана, даврала бетараф меҳмонлар
ўтирибди. Шулардан сўраймиз. Маъқудми? Сарносиёликлар, қани, сиз
холисанилло гапиринг!

– Сарносиёликлар тўпидан овозлар келди:

– Гирром-э, гирром! Бўри полвон қўлини қўйиб юбориб эди!

– Абил тентак номардлик қилди!

– Яна тагин Насим полвоннинг жириллаши кимнинг газзига дори денг!

– У-ку бир қасами¹, худодан нўхтасини юлган...
Насим полвон музтар бўлиб қолди.

9

Бўри полвон даврани полвона-полвона айланди!

Бўри полвон қизиди! Тентакка ёмон-ёмон қаради! Бўри полвон Абил тентак ёқасидан ушлаб, ўзига тортди. Оёғи учини тентак чап тўпиғига илдириб тортиб кўтарди.

Абил тентак оғирлигини оёғи кўтарилаётган тарафга ташлади. Кўтарилаётган оёғини бор кучи билан кетига тортди.

Айнаи шуни анғиб² турмиш Бўри полвон тентак оёғини бирдан қўйиб юборди. Тентакнинг бирдан қўйиб юборилган оёғи кейинга силкинди.

Бўри полвон товони билан тентакнинг кейинги силкинмиш оёғи ичидан тепиб юборди. Абил тентак бир айланиб тушди!

Бўри полвон Абил тентак кўксига тиззасини тиради.

– Йиқитиш мана бундай бўлади, полвон! – деди.

Бу, полвон зоти учун энг оғир хўрлик бўлди!

10

Бўри полвон Исмоилни тинмай таъқиб эта берди...

У энди муғомбирлик йўлига ўтди.

Термизда бўлмиш бир тўйга жуда кеч борди. Машина кабинасида даврага қараб ўтирди.

Давра охирида баковуллар бошқа катта полвон йўқ дейишиб, кимсан, Бўри полвондай полвон елкасини ерга теккизган Исмоил полвонга жар солди.

Исмоил полвон даврани айланиб, ўзини кўрсатди.

Худди шу вазиятни икки ойдан буён анғиб юрмиш Бўри полвон кабинадан сакраб туриб, даврага кирди.

Бўри полвоннинг худди осмондан тушгандай фавқулодда пайло бўлиши, барча-барчани ҳайрон қолдирди.

Ўзаро шивир-шивир бўлиб, давра гап нимзада эканини билди.

Исмоил полвон арасатда қолди.

Чиқайин деса – Бўри полвон, чиқмайин деса – баковул жар солиб бўлди.

Бўри полвон важоҳатн барча-барчани сескантириб юборди.

Бўри полвон ғалабага ташна бўлди! Ғалаба қозониш эса ҳамиша қийин!
Айвиқса бугун! Негаки, Бўри полвон фақат зафар қозониш учун олишади!

¹ Қасами – қасамхўр, қасам ичурчи, ёлғончи, тўғриликни маънолариди.

² Анғиб – кутиб, поллаб.

Фақат, фақат галаба учун курашилса, галабага етиш жуда-жуда мушкул бўлади! Баъзан, етиб бўлмайди!

Йўқ, полвон зафарни эмас, зафар полвонни қидирсин! Зафар полвонни топсин!

Полвон хоҳиш-ирода билан олишса, ўзининг нималарга қодирлигини намоён этса, санъатини намоён этса, зафар ўз-ўзидан келади!

Полвон ўз курашидан ўзи завқланса, зафар ўз-ўзидан ёр бўлади!

11

Олис олишдилар

Бўри полвон-да, Исмоил полвон-да кўйиб юборди.

Бўри полвон дамани олиш учун даврадан чиқди.

Ҳамроҳлари уюшиб қолмиш билакларини уқалади.

Бўри полвон мағлуб бўлишни тасодиф деб юриб эди. Ўзини юқори олиб, Исмоил полвонни писанд қилмаганлигида, деб юриб эди.

Йўқ, Исмоил ҳақиқатан ҳам зўр экаи!

Бўри полвон ўзидан бўлак зўр бўлишни хаёлига келтирмади! Зўр фақат битта – у, мен, ўзимман, деб юрди!

Ўғил бола гап... ўзидан бўлак зўр чиқишини хоҳламади!

Йўқ, Бўри полвон хоҳлагандай бўлмади!

Вақт, вақт!

Шафқатсиз вақт ҳар даврнинг ўз зўрларини яратади! Инсон буни хоҳлайдими-йўқми, вақт учун барибир – ярата беради!

Ана, вақт ўзининг кенжа зўрини яратди! Ана, кенжа зўр, ана!

Кенжа зўр даврада ўз мавқени талаб қиляпти. Кенжа зўр даврада ўз шон-шухратини талаб қиляпти!

12

Бўри полвон ўпкасини босолмади. Оғзи каппа-каппа очилди. Ҳансираб-ҳансираб нафас олди. Ўз аждодларидан мадад сўради. Отасининг пирига сиғинди...

“Отагинам, мен ҳамиша сизнинг насиҳатларингизга амал қилиб келдим. Сиз айтар эдингиз: полвон ўзини уч балодан асрасин, энг биринчи – аёлбозлик, дердингиз.

Отагинам, ёшим ўттизга етибдики, оёғимни қийшиқ босмадим. Ҳаром-ҳариш йўлларга юрмадим. Ҳали, уйланмадим ҳам!

Иккинчиси – ичкиликбозлик, дердингиз.

Отагинам, мен ҳалигача оғзимга ароқ олмадим, ароқдан ҳазар қиламан!

Учинчиси – полвон ўзини нафс балосидан асрасин, дегувчи эдингиз.

Отагинам, мен мол-дунё учун олишмадим. Мол-дунё ҳирсидан ўзимни ҳамиша сақлаб келдим!

Бўлмаса, нимага бундай бўляпти, отагинам! Гуноҳимни айтинг, гуноҳимни?
Мен Исмоил полвондан оримни олмоқчи эдим. Бўлмаяпти, отагинам,
бўлмаяпти... Отагинам, охирги даврамда мени бир қўлланг! Сўнгити, сўнгити
бор қўлланг, отагинам!"

13

Бўри полвон даврага кирди.

Исмоил полвон-да сакраб даврага тушди.

Исмоил полвон юриш-туриши, авзойндан осонликча жон берадиганга ўхшамади! Бўри полвон Исмоилга егудай-егудай бўлиб хўмрайиб қаради.

Исмоил полвон курашини иложи борича чўзиш пайида бўлди. Шунда Бўри полвон нафаси қайтади. Бўри полвон ҳолдан тояди. Ёш – ёшлигини, қари – қарилгини қилади...

Бўри полвон ниманки қилмоқчи бўлса, Исмоил полвон худди билиб тургандай, ниятларини чишакка чиқара берди. Бўри полвон ана шунда кўзга яқин, ягона зўрга жуда-жуда қийин эканлигини билди. Боиси, зўрга ҳамма ҳавас билан қарайди. Зўрнинг санъатини, ўнги-чапини миридан-сиригача синчиклаб ўрганadi. Зўрга тақлид қилиб, ўшандай зўр бўлгилари келади!

Зўр-чи? Зўр ўзгаларни билмайди. Айниқса, ўзидан кучсизларни билмайди!

Билгиси-да келмайди! Боиси кўзга илмайди!

Зўрнинг тағин бир фожиаси – зўр мағлубият аламини кам тортади.

Зафар кетидан зафар... Зўр – зафар оғушида яшайди!

Йўқ, зўр мағлубиятлар аламини-да тотиб туриши лозим!

Ана шунда ўзи ҳақида ўйлаб кўради! Ана шунда сергаклик билан яшайди!

Зўр учун мағлубият зафар қатори баб-баравар зарур!

14

Бўри полвон бундай олишуви фойдасизлигини билди. Шундай олиша берса...
Исмоил полвон қўймиш қопқонга тушишини билди.

Бўри полвон олиш давомида Исмоил полвон чап тарафи билан деярли олиша олмаслигини сезиб қолди. Шу боис, энди Исмоил полвон учун бегона бўлмиш кураш бошлади: Исмоил полвон чап тарафидан бориб олишди.

Чиндан-да Исмоил полвон боши берк кўчага тушиб қолмиш одамдайин довдираб қолди. Нима қилишини билмайин эсанкираб қолди.

Шундай бўлса-да, Бўри полвон ўнгидан – яғринга олишдан эҳтиёт бўлди!

Бўри полвон билди: яғриндан умид йўқ.

У энди Исмоил полвон учун фавқулодда бир ҳунарини қўлламоқчи бўлди.

Ҳа, ҳар бир полвонда зўр ҳунаридан бўлак тағин бир яхши ҳунари бўлади. Полвон бу ҳунарини ўзининг зўр ҳунаричалик зўр бажара олмаса-да, ҳар ҳолда яхши билади.

Бўри полвоннинг бу ҳунари – бир оёғини тўғоноқ қилиб тўшаб, ғанимини орқага сермаб юбориш бўлди. Бу, ғоятда қалтис ҳунар бўлди.

Боси, бир оёғини ёнига тўшаганда бор оғирлиги ғанимига яқинроқ бўлмиш оёғига тушади. Ғаними айнан ана шу оёғига қоқиб юборса... Бўри полвон сўзсиз юлдуз санайди!

Майли! Ё, жон чиқсин, ё, ном чиқсин!

Бўри полвон давра айланди-айланди, ниятини қандай қилиб амалга ошириш йўлини ўйлади.

Ушлашиб, Исмоил полвоннинг гоҳ ўнг, гоҳ чап сонига ошириб-ошириб тепди. Исмоилни забт билан елкага олмоқчи бўлди.

Шунда, Бўри полвонни худо бир асради!

Исмоил полвон аини шу вазиятни анғиб турмишдай, Бўри полвонни забт билан кетига қайриб отиб юборди.

Бўри полвон ерга кўкраклари билан бориб тушди.

Бўри полвон зўр, Исмоил полвон ундан-да зўр бўлди!

15

“Хўш, кучи-ку, камайиб қолибди, умид билан ўйлади Бўри полвон. Наҳотки, қуруқ кучига ишонаётган шу ёш боланинг бирор қорини қилиб бўлмаса?”

Хаёлига ўзинга маъқул бир фикр келди...

Қўлларини сермаб Исмоил полвонга қараб юрди.

Исмоил кетига тисланди. Ўзини гоҳ чапга олиб қочди, гоҳ ўнгга олиб қочди. Бўри полвон мўлжалига бормади.

“Фақат қўйиб юбор дегунча қиладиган ишни қилиш керак, – ўйлади Бўри полвон, – бўлмаса ғирром бўлади”.

Бўри полвон Исмоил қаради. Исмоил полвон елкасидан нафас ола-ола давра айланди. Демак, Исмоил полвон-да чарчади!

Ана, Исмоил полвон машъала яқинига бориб қолди.

Бўри полвон бўлса, давра бу четнда боряпти. У ўзинча мўлжал қилди: “Ҳозир олишмоқчи бўлиб ўғирилади. Исмоил-да олишмоқчи бўлиб ўғирилади. Исмоил-да олишмоқчи бўлиб тайёрлана-тайёрлана олов олдига келиб қолади”.

Бўри полвон ўртага қараб юрди.

Исмоил полвон бир-икки қадам ташлаб, олов олдида тўхтади. Ёнига ўғирилди. Ўртага – Бўри полвонга қараб юрди.

Исмоил полвон елкалари узра машъала довуллаб-ловуллаб турди. Машъалага тесқарилиги сабабли юзлари қорайиб-қорайиб турди.

Полвонлар бир-бирига қулоч отиб кела берди!

Бўри полвон Исмоил полвон ёқасидан ушлаб, ичидан чил берди. Жон-жаҳди билан кетига бурди. Шундай шиддат билан сурдики, Исмоил полвон ўзини ўнгга-да, чапга-да ололмади. Тикка машъала устига селтанглаб-селтанглаб борди.

– Э-э-э, олов, олов! Олов бор! – деди овозлар.

Исмоил полвон олов тафтини олди. Таққа тўхтади. Кетига чалқайди. Оловга йиқилмаслик учун гавдасини олдинга ташлади.

Яъни... яъни, гавдасини Бўри полвонга бериб қўйди!

Бўри полвон гоятда тезлик билан чилини чиқариб олди. Чап оёғини ёнига тўшади. Исмоил полвонни давра ўртасига сермаб юборди.

– Ё, отам!.. – дея айқирди.

Исмоил Бўри полвон тўғоноқ оёғи устидан ошиб, давра ўртасига чалқанча тушди! Исмоил полвон юлдуз санади!..

Ҳай-ҳай-ҳай! Ёшлик – ёшлигини, кўпни кўргаилик – кўпни кўргаилигини қилди! Тажриба! Тажриба зафар қозонди!

Бўри полвон кўлларини кўтариб, даврани айланиб чопди. Оёқларини осмой қилиб дорбоз бўлди. Дорбоз бўлиб-дорбоз бўлиб давра айланди.

Даврадан чопиб чиқиб, ҳамроҳларини битта-битта босди. Ҳамроҳларини кучоқлаб-кучоқлаб ўпди.

– Кўрдингми мени? Кўриб қўй!.. – деди.

Кулаётган ёноқларидан мунчоқ-мунчоқ ёшлар оқди.

16

Эртасига уйда ҳўкиз сўйди.

Гапга етар одамларни чақирди. Хеш-таборларни¹, ҳамсояларни чақирди.

Даврани тарк этажагини айтди. Уйланажагини айтди.

– Ҳали-ҳозир уйланмай туринг энди, Бўри полвон, – деди гапга етарлар.

Ҳар юртнинг ўз кўзга суртар полвони бўлади. Бизнинг кўзга суртар полвонимиз сизсиз!..

– Йўқ, бўлди! – чўрт кесди Бўри полвон.

Гапга етарлар насиҳат қилди. Насиҳатлар зое кетди.

Бўри полвон ўз билганидан қолмади.

Бригадасида Сулув дегич қиз бўлди.

Бўри полвон ана шу қизни кўз остига олди.

Сулув Бўри полвон кўнглига ўтириб қолди.

Кўнглига ўтиргани – Сулув эркак зоти кўзига тик қарамади.

Сулув ўз оти ўзи билан сулув бўлди.

Сулув юзлар ақл ибоси билан шоиста² бўлди.

Бўри полвон Сулувни бегона қилмади.

Савол ва топириқлар:

1. Асардан Бўри полвоннинг ҳақтўйлиги, адолатчилиги, одамлар ўртасида чексиз обрўси борлигини кўрсатувчи лавҳаларни қайта ўқинг, муҳокама қилинг.

¹ Хеш-таборлар – қариндош-уруғлар.

² Шоиста – лойиқ, муносиб, янада тўлаи маъносид.

2. Хўжасоатлик кекса Нормурод полвоининг шўрчилик Максимга тараф чиқмагандаги хатти-ҳаракатлари сабабини тушунтиришга урининг.

3. Хўжасоатликлардан ўч олишга ташна бўлсалар ҳам Максим полвоини шўрчиликлар Нормуродга қариши туширишмагандлиги сабабини айтинг. Бу ўринда халқимизга хос қандай фазилатлар намоён бўлмоқда?

4. Бўри подвон Максимнинг ғалати желагини не боис "...қўлининг учи билан" ушлаганлигини тушунтиришга уриниб кўринг.

5. Полвон бобо Максимни давра ўртасида изза қилганда ёш полвон ўзини қандай тутди? Нега у Бўри полвонга гап қайтармади? Кексалар ва ёшлар муносабатига эътибор қилинг.

6. Бўри полвоини кулдириш ва кулиш борасидаги ақидаси аке этган ўринни асардан топиб қайта ўқинг. Бу жиҳатдан у кишининг отангиз ёки бобонгизга ўхшаш жиҳати борми?

7. Тиловбердининг кураш чоғидаги одати тасвирига эътибор беринг. Бунинг сабабини топишга урининг.

8. Қиссада Бўри полвоининг чинакам эркак ва аёл қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги ақидаси жуда чиройли тасвирланган давҳани топинг ва муносабатинингизни билдириг.

9. Бўри полвоининг бир замонлар Исмоилдан йиқилганлиги сабабини изоҳланг. Бунинг унга қандай таъсир қилганлиги ҳақидаги давҳани қайта ўқинг, асар матнига таяниб фикр юритинг.

10. Подвон бобонинг Исмоилни тинимсиз таъкиб қилиб курашганлиги боиси нимада?

11. Бўри полвоининг зўрлиги, маҳорати ва уларнинг Исмоил томонидан тўлиқ ўзлаштириб олинганлиги сабаблари ҳақида матн асосида сўзланг.

12. Ҳал қилувчи сўнгги жанг да Бўри полвон отасининг пирларига илтижо қилганлиги битилган ўринларни асардан топиб қайта ўқинг. Муносабатингизни билдириг.

13. Узидан ёш ва кучли рақибга ҳал қилувчи усулни қўллаётганда Бўри полвон нима деб ҳайқирганлигини эланг. Нега шундай деганини тушунтиринг.

14. "Ёшлик – ёшлигини, кўпни кўрганлик – кўпни кўрганлигини қилди! Тажриба! Тажриба зафар қозонди!" жумлаларига изоҳ беринг.

15. Қиссадан: "Кулаётган ёноқларидан мунчоқ-мунчоқ ёш оқди" тасвири ким ҳақида эканлигини аниқланг ва сабабини тушунтиринг.

16. Исмоил полвоини мағлуб этгандан кейин Бўри полвон қандай қарорга келди? Нега Полвон бундай қарорга келди деб ўйлайсиз?

25

Сут билан кирган жон билан чиқади!

Бўри полвон энди ўзи билан ўзи олиша бошлади. Давраларга қараб ўтириб, бирдан чиқиб олишгиси келди.

Айниқса данж полвонлар олишини кўрса, Бўри полвонга бир бўлак кун туғди. Ўтиролмай, ўридан туриб кетди. Қўлларини орқасига қилиб, давра сиртида асабий юрди.

– Кўғирчоқ! Полвон эмас булар, кўғирчоқ! – деди.

Ўз кишлоғи полвонлари мағлуб бўлса, бутун вужудини қалтироқ тутди. Полвоинлик қони кўзгади, даврага чорлади. Чик-чик, деди.

Начора дард бору дармон йўқ...

Бўри полвоинсиз давралар фэйзсиз бўлиб қолди.

Бўри полвон ўрни жуда-жуда билинди.
Эл Бўри полвон курашини қўмсади.
Бўри полвон-да давраларга интиқ бўлиб қаради. Бўри полвон ўзини излади!
Йўқ, Бўри полвон йўқ! Аксига олиб, аёли топгани-да қиз бўлди! Тўртинчи фарзанд кўрди – тагин қиз бўлди!..

...Яратганининг ўзидан давраларни гурсиллатиб-гурсиллатиб олишадиган ўғил тилади. Ҳартугул, бешинчи фарзанди ўғил бўлди!

Тилаб-тилаб топганим дея, отини Тиловберди қўйди.

Бўри полвон энди оруз билан овунди: ўғли Тиловберди балоғатга етяпти – от ўрнини той босади...

Ёлғиз ўғил Тиловберди тез етилди. Уни куёв қиладиганлар кўпайди. Айримлар тилга бориб айтди.

Аммо Бўри полвон рози бўлмади. Кампири қистаса-да кўнмади...

Бўри полвон ўғлини тарбия қила берди.

Ўғлини наҳорда уйқудан уйғотди. Тухум юттирди...

XXII

Давра айланаётган Тиловберди чўккалади. Ерни тавоф қилди: икки кафтини ерга суйкаб, юзларига тортди.

Давра тўрида ўтирган чоллар рўпарасига тиз чўкди.

Чоллар кафтларини баравар очди.

– Омин, белингга қувват, билагингга куч, юрагингга ўт берсин, оллоҳу акбар! – дея дуо қилди.

Полвонлар давра айланди. Қўл бериб кўришди.

Тиловберди полвон давра четиди бирдан бурилди. Желаклари этагини кетига сурди. Қўлларини туфлаб-туфлаб ҳўллади. Ўнг оёғини лапанглатиб-лапанглатиб олға ташлади. Қўлларини боши узра кўтарди. Бармоқларини ўйнатиб-ўйнатиб, Максим полвонга қараб борди.

– Ҳа, баракалла, ота ўғли! – деди давра. – Ўйна, отангга ўхшаб ўйна!

Бармоқлар мардона ўйнади, чаққон ўйнади. Давра жўшиб-жўшиб қийқирди:

– Ҳа-ҳа-а-а!

– Отасининг ули-да!

Бармоқ ўйини – полвонлар санъати! Бу санъатин ҳеч ким полвончалик ижро этолмайди!

– Ҳа, дў-ў-ўст!

Тиловберди полвон Максимнинг ичидан чил бериб чапга, сўнг, ўнгга кўтарди. Шиддат билан кейинга сурди. Тагин бўлмади.

Максим полвон орқасига тенгсарилиб-тенгсарилиб, жойида туриб қолди.

Полвонлар қўйиб юборишиб, яна давра айланди.

Тиловберди полвон бу сафар шиддат билан бориб туя чилга олди: Максим полвонни ёқасидан қўш қўллаб ушлади, ўнг оёғини орқасидан илдириб ўради, зарб билан кетига сурди.

– Ё-ё-ё! – дея айқирди.

– Су-у-ур! – дея жўр бўлди давра.

Максим полвон заранг таёқдай экан – қайрилмади!

Аксинча, Тиловбердининг ўзини кетига товлаб юборди.

Тиловберди ўмгани билан бориб ерга тушди. Қўлларини кенг ёйди. Мен қўйиб юбордим, сиз ҳам қўйиб юборинг, деган ишорани билдирди.

Аммо Максим полвон қўйиб юбормади. Тиловбердини қайириб, чалқанча босмоқчи бўлди. Худди самбо олишидагидай судради, ерга пийпалади.

– Ҳай-ҳай, судрама! – деди давра.

– Бу қанақа полвон ўзи!

– Калласи борми бунинг, ётган одамниям судрайдими!

Бўри полвон, Тиловберди жойидан туриб, Максим полвон билан ёқлашиб кетади, деб ўйлади.

Йўқ, ўгли вазмин йиғит бўлибди. Жойидан тура-тура, Максим полвонга ўқрайиб-ўқрайиб қаради. Шу билан бўлди қилди.

Бўри полвон даврага юзланди.

– Халойиқ, кўрдиларингиз, шўрчиликлар олишимизга бирмунча шак келтирди! – деди. – Биласиз, уккағар ўша самбодаям, эркин курашдаям, классик кураш, дзюдо деганидаям, барча-барчасида полвон дустаман¹, ё ёнбош йиқилса, ё, тиззалаб ўтириб қолса, иккинчиси ҳалол йиқитаман деб, бечора полвонни судраб, ерга пийпалайди. Ё бўлмаса, бирор жойини қайиради. Ерда юмалаб ётган одамни судрайди-я! Ё пирим-э, ё пирим-э... Бу эркакнинг иши эмас! Эркакмисан – оёғида тик турган эркак билан олиш!

Тиловберди полвон шиддат билан олишуви, иложи бўлса Максим полвонга ўзини ушлатмаслиги лозим. Ушлатса, Максим полвон албатта бирор ҳимоя йўлини қўллайди. Тиловбердини қимирлатмай қўяди.

Бонси, самбода ҳимоя ўргатилади!

Бизнинг олишимизда эса ҳимоя ҳақида гап бўлиши-да лозим эмас! Фақат ҳамла, ҳамла! Шундай экан, Тиловберди полвон шундай тезлик билан олишуви керакки, Максим полвон ўйлашга-да улгуролмай қолсин!

Бу фикр кўпчиликнинг, жумладан, Бўри полвоннинг-да хаёлига келди. Ўғлига айтмоқчи бўлди. Яна тағин фикридан қайтди.

“Шашти баланд, шундай олишса керак-ов, – деди ўзича. – Менинг ўғлим бўлса шундай олишади”.

¹ Дустаман - юзгубан.

Бўри полвон Максимга ўтирилди.

– Ҳа, айтгандай, полвон. – деди. – мавриди келганда айтиб қўяй, зинҳор-базинҳор тиззадан пастдан ушлама! Буям бизнинг рисоламизга тўғри келмайди!

Тиловберди полвон шитоб билан ўйнаб борди. Ўнг қўлини Максимнинг иштонбоғидан ўтказиб ушлади. Чап қўли билан ўнг тирсағидан ўраб ушлади-да, уччога олди.

– Ё-ё-ё!..

Диққат, Максим полвон Тиловбердининг уччосидан ошяпти! Қаранг-қаранг, Максимнинг боши ерга эгидди. Оёқлари Тиловбердининг боши узра кўтарилди. Қоқ яғрини билан ерга учиб келди!

Айқириқ-да ниҳоясига етди:

– ...Отамнинг пири!

Гуре!

СССР¹ спорт устаси Максим полвон юлдуз санади!

– Ҳало-о-ол!

– Э, яша, отасининг ули!

Тиловберди Максим полвонни жойидан турғазиб қўйди. Елкасига ёпишган сомонларни қоқди.

Қўл бериб хайрлашди...

XXVI

Бўри полвон тотли-тотли кулимсиди.

"Во уккағарнинг ўғли-е, отамнинг пири деди-я! – дея хаёлланди. – Шундай демаганда, йиқитолмасдиям-да! Уни меннинг пирим қўллади, ҳа! Э, бали, ўғлим-э, бали!"

Бўри полвон ўғли эмас, гўё ўзи голиб бўлмишдай керилди. Теваракка керилиб-керилиб қаради.

Шўрчиликлар, Максим полвон йиқилади, деб ўйламади. Хаёлига-да келтирмади. Шу боис, ҳанг-манг бўлиб қолди. Даврага энди қайси полвонларини чиқаришларини билмади.

Шунда шўрчиликлар оқсоқоли:

– Тиловберди полвон бир майдон дамнини олсин, биз унгача кимни чиқаришни кенгашиб оламиз! – деди.

Тиловберди полвон тўнни фотиҳа берган чоллар олдига қўйди.

¹ СССР – Союз Советских Социалистических Республик (Совет Социалисти Республикалари Иттифоқи): мустақилликдан бурун ўн беш республикани ўнда бирлаштирган улкан ашраат шови. Қирғизистон ҳам шу давлат таркибиди эди.

XXVII

Бўри полвон давра айланди.

Ёнига бир полвон гурсилаб тушди: Темир полвон Берди полвонни итчилга олиб йиқитди.

Берди полвон орига ўрта ёшлардаги бир полвон чиқди.

Темир полвон талабгор юз-кўзига қаради. Кейин ўзига-ўзи фотиҳа ўқиди. Гап йўқ, сўз йўқ, даврадан чиқди-кетди.

Давра ҳайрон бўлди. Бўри полвон бориб, гапиришиб келди.

Юзларида табассум ўйнади. Овози тўла фахр бўлди, овози тўла ғурур бўлди:

– Халойиқ! – деди. – Мен Темир полвон билан гапиришдим, ҳа! Уккағар, қойилман деяпти! Нимага дейсизми? Манави талабгор Чори полвон ўз вақтида Темир полвонга бош-кош бўп, тўйларга олиб борган, ўзининг ҳунарларидан унга-да ўргатган экан! Шунга, Темир полвон айтяптики, у киши менга устоз бўладилар, мен устозимнинг ёқасидан ушламайман, деяпти! Сиз нима дейсиз, халойиқ!

– Отасига раҳмат ўша полвоннинг!

– Асл полвон экан!

– Шундай фарзандларнинг умри узоқ бўлсин!

– Туф-туф-туф, кўз тегмасин-э, асл ўзимизга тортибди!

Бўри полвон кўзлари олма терди. Охири гапни айтмиш одами излади. Аммо тополмади.

“Бали! Бизнинг аслимиз ана шундай эди! – Бўри полвон хаёлан шу гапни айтмиш одам билан гапиришди. – Инчунун, ўз аслига тортмаган, ўз аслини унутган одам – одам ҳам эмас!”

XXVIII

Шўрчиликларда ҳали олишмаган ё битта, ё иккита зўр полвон қолди. Бордию, улар-да Тилобердидан йиқилса, унда, давра охирида олишадиган бошқа полвонлари қолмайди.

Шу бонс, шўрчиликлар оқсоқоли тобоқ ташлашгача вақтни чўзиш учун муғомбирлик қилди.

Тобоқ нима? Бир вақтлар қовурдоқ гўштлик тобоқлар давра ўртасига қаторлаштириб қўйилди. Ҳар бир тобоқ бир совринни билдирди.

Ҳозир бир оз ўзгача...

Бўри полвон бош баковул билан кенгашиб, тобоқ қўйди. Давра ўртасига иккита матони бўлак-бўлак узатиб ташлади. Ҳар бировига алоҳида-алоҳида таъриф берди:

– Халойиқ, эътиборингизни менга қаратинг! Мана, ҳўкиз тобоқ! Кўтарса, унга бир ҳўкиз, бир жуфт... Ранс бова, калиш нечиламчи эди? Ҳа-е, хў-ўш, бир жуфт иккиламчи калиш, бир тўн, ўн сўм пул қўйилди! Ҳўкиз бўлгандаям сўйса

бир қишлоқни тўйдирадиган ҳўкиз! Манави гилам тобоқ! Буига бир туркманча гилам, бир уйқудан уйғотадиган соат, ўн сўм пул қўйилди!.. Қимнинг кўнгли қайси тобоққа чопса, келиб кўтара берсин! Армонда қолманг, тобоқларга қўйилган зотларни қайтарамаи...

Давра бирдан жонланди. Полвонлар шивирлашди. Ўзаро маслаҳатлашди. Бир полвон даврага бошини камтарона эгиб келиб, ҳўкиз тобоқни кўтарди. Бўри полвон тобоқ кўтармиш полвонни барчага танитди:

– Кўряпсизми, халойиқ, полвонларнинг юрагига гулгула тушди! Ҳўкиз тобоқни шўрчилик Абрай полвон кўтарди.

Даврада гилам тобоқ қолди. Бўри полвон ҳўжасоатлик полвонларга қаради.

Ҳўжасоатлик полвонлар бу қараш маъносини тушунди. Фимирлаб қолди. Шунда, Тиловберди полвон келиб, гилам тобоқни кўтарди.

– Кўрдингизми, халойиқ, – деди Бўри полвон, – гилам тобоқни Тиловберди полвон кўтарди! Қани, тобоқни кўтарган полвонларга талабгор бўлса, даврани бир айлансин, кўрайлик! – деди.

Абрай полвонга ҳўжасоатлик Жонибек полвон чиқди. Талабгор давра айланиб, ўзини кўрсатиб кетди.

Термизликлар бир зўр полвонини асраб ўтириб эди, шунини Тиловбердинга чиқарди.

Издан шўрчилик Шоди полвон даврага чиқди. Буям Тиловбердинга талаб қилди. Бўри полвон ҳайрон бўлди: бирданига иккита талабгор...

Худди шу ерда келишмовчилик юз берди.

Термизликлар:

– Тиловберди полвон билан бизнинг полвон олишади, у қурга биринчи бўлиб талаб қилиб чиқди! – деб туриб олди.

Шўрчиликлар:

– Йўқ, бизнинг полвон олишади! – деди.

Масала ҳал бўла бермади.

Шунда шўрчиликлар оқсоқоли ўрнидан турди. Сўзини қалин-қалин қилиб айтди:

– Биродарлар, биз бош тобоқни қизғанаётганимиз йўқ. Аввало, гапни эшитинг. Ҳўжасоатликлар ўтган ҳафта Шўрчидаги даврада бизнинг яғринимизни ерга теккизиб келди! Ўз уйимизда яғринимиз ерга теккани полвонларимизга кў-ў-ўл алам қилди! Шу боис, биз белимизни беш жойдан бойлаб келдик!

XXIX

Шундай қилиб, Тиловберди полвон билан шўрчилик Шоди полвон олишадиган бўлди.

“Менга дарёнинг нарёғиям бир, берёғиям бир. Барибир ўғлимдан зўри йўқ, – деди ўзича Бўри полвон. – Лекин Шўрчида Абрай деган бундай катта полвон йўқ эди-ку? Бу ким бўлди экан? Ё, шўрчиликлар аламларини олиш учун бошқа ёқдан полвон ёллаб келдилармикини? Бундай воқеалар кўп бўлади...”

Бўри полвон шўрчиликлар тўпи рўпарасига ўтирди. Паст овозда сўради:

– Иним, бу, Абрай полвонларингни эшитмаган эканман, у кимлардан?

– Абрайми? Насим полвоннинг ули бўлади. Яқинда армиядан келди.

Бўри полвон бирдан сергак тортди. Жавоб бермиш одамга тикилди-тикилди, оҳиста жойидан турди.

Ажабтовур ҳислар оғушида қолди. Хивич ушлаган бармоқлари қалтиради. Хивич сиқувида қаҳр бўлди, нимадир қилишга чоғланиш бўлди. Титроқ чап қўли, лабларига ўтди.

Даврадан қандай чиқди, билмади. Амир полвон елкасига қўлини қўйди. Оғир энтикди. Нимадир демоқчи бўлди. Деёлмади, томоғи қуриб қолди.

Амир полвон Бўри полвон ҳолини билди. Дарров қўлтиқлари остидан олди.

– Полвон бова, нима бўлди? Тиловберди, сув опке! – деди.

Бўри полвон совиган чой ичди. Энтикди. Лабларини ялади. Жилмайди.

– Қаридик, укам, қаридик. Юрак ярамай қоляпти! – деди. – Амир, сен берман ке.

Бўри полвон Амирни қоронғига эргаштириб кетди.

– Амир, менга қара, шу Абрай деганига бизнинг Тиловбердини чиқар, хўпми?

– Э, полвон бова, давра билиб қолди-да?

– Йўқ, сен гапга кир.

– Қийин дейман-ов, шўрчиликлар кўнмас-ов?

– Кўнади, уларга барибир...

Бўри полвон давра сиртида туриб қолди. Ўзини ўйглаб олди.

Тағин даврага кирди. Синиқ овозда жар солди:

– Халойиқ, эшитмадим демаиғлар! Хўкиз тобоқни кўтарган Абрай полвонга Тиловберди полвон чиқадиغان бўпти! Гилам тобоқни эса Жонибек кўтарадиган бўпти. А? Энди уёғини билмадим, халойиқ! Ўзлари шундай фикрга келибди, бир билганлари бордир-да!

Дарҳақиқат, шўрчиликлар учун барибир бўлди. Бонси, Тиловберди-да, Жонибек-да давра эгалари бўлди.

Даврага биринчи бўлиб Шоди полвон билан Жонибек полвон чиқди.

Жонибек полвон Шоди полвонни биринчи қўлдаёқ чап оёғига сиртидан илдириб кўтариб, тўлғаб урди.

Гилам Жонибек полвонда кетди.

XXX

– Қани, энди даврага ҳўқиз тобоқни кўтарган полвонлар чиқсин!

Бўри иполвон шундай дея, давра айланди. Кўз остидан Насим полвонга тикилди.

“Насим ошна, ўелинга, бир оғизгина чикма, у Бўри бобонгни ўғли экан, демадинг-а, – дея, ич-ичидан ўпкаланди. – Демайсан, деёлмайсан. Чунки сен ўша Насимсан... Сендан бундай гап чиқмайди. Мана ҳозир биласан, сенинг фарзандинг киму менинг фарзандим ким...”

Насим полвон тўғрисида оёқ илди¹. Соқолини силади. Томоғини қирди.

“Мени бир умр мағлуб этдим, қойил қилдим деб юриб эдингми? Ошна, адашасан...Ҳозир кўрасан, менинг ким эканимни. Олдиндан салом бериб ўтаман...”

XXXI

Насим полвон тарафдан Абрай, рўпарў тарафдан Тиловберди полвон даврага тушди.

Тиловберди полвон қўлини кўксига қўйди. Абрай полвонни олдинга таклиф этди.

– Қани, полвон, тортинг! – деди.

Абрай полвон Тиловберди полвонга йўл берди.

– Йўғ-э, йўл боши сиздан, полвон! – деди.

Тиловберди полвон олдинда юрди. Абрай кетидан эргашди.

Бўри полвон шуни, айнан шуни кутди. Юзларида табассум ўйнади. Олисроқда бўлса-да, Насим полвонга тағин қаради.

“Кўрдингми, Насим ошна? Ўғлинг менинг ўғлимдан олдинда юришга юраги дов бермади. Менинг ўғлим ҳаминша биринчи...”

Бўри полвон ўғилларни бир-бирига қислади. Айниқса, Абрай полвоннинг син-симбатига синчиклаб-синчиклаб тикилди.

“Момоқизнинг ўғли хушсуврат йингит бўпти. Аммо Момоқизга ўхшамайди. Отасига тортибди. Насимнинг ўзиям ҳусендор эди-да. Фақат буринининг пучуқлиги Момоқизга келбат беради...”

Бўри полвон соқоли учини буклаб тишлади. Сезилар-сезилмас бош ирғиди.

“Борди-ю, Момоқизга етганимда, шу Абрай полвон менинг ўғлим бўларди...”

Абрай полвонга суқим кирмасин дея, назарини қувди, ён-верига туфлади:

– Туф-туф-туф!..

¹ Оёқ илди – ўхшайди.

Полвонлар қўл бериб кўришди.

Тиловберди полвон жалаклари ўнгирини кетига сурди. Енгларини хиёл тортди. Бармоқларини тили билан ҳўллади. Ўйнаб-ўйнаб, Абрай полвонга қараб бора берди.

Абрай полвон кўзлари қаршисида мардона ўйнаётган бармоқлар орасида ҳеч нимани кўролмади. Кўзлари пирпиради. Кейинга тисарилди.

Тиловберди полвон Абрай полвон кўзларига тикилди: Абрай полвон кўзлари ҳайиқди! Ана энди ҳамлага ўтса бўлади!

Тиловберди полвон ўнг қўли билан Абраининг ёқасидан ушлади. Ичидан чил берди. Шиддат билан кетига сурди.

Абрай полвон кетига селтанглаб-селтанглаб борди. Кимнингдир фонусига қоқилиб кетди. Одамлар устига чалқанча тушди.

Тиловберди полвон йиқитдим дея, қўлларини кўтарди.

Насим полвон қабатидагилардан ташвишли овозда сўради:

– Нима бўлди-а, нима бўлди?

Насим полвоннинг овози жуда хаста бўлди, фақат кўзи ожизларга хос овоз бўлди.

Хўжасоатликлар Тиловберди полвонни олқишлаб қичқирди:

– Ҳал-о-о-ол!

– Тиловберди полвоннинг ҳақи берилсин!

– Хайрият, одамлар устига тушди, агар шу зарб билан ерга тушганда ичаги узиларди!

Тиловберди полвон баковул қошига чўккалади.

Бўри полвон юзларида кувонч ифодаси кўринмади. Вағир-вуғур қилаётган ҳамқишлоқларига амирона қўл силтади:

– Халойиқ, жим! – деди. – Кўп жавраманг, жим бўлинг! Халойиқ, даврадаги

Бўри полвон сўзим; Тиловберди полвон Абрай полвонни йиқитолмади!

Қони тез хўжасоатликлар бидиллаб кетди:

– Э, қўйинг-э, полвон бова, чалқайрамон ташлади-ю!

– Бундан зиёд қандай йиқитиб бўлади!

– Ё ерга киргизиб юборсинми!

– Халойиқ, сўзлаб бўлдингизми? – деди Бўри полвон. – Ай, Менгтўра халфа, гапни бўлмайд туринг, барака топинг! Қайтариб айтаман, Тиловберди полвоннинг йиқитгани бекор!

– Нимага бекор бўлар экан?

– Чунки у, одамлар устига йиқитди! – деди Бўри полвон.

– Сизга барибир эмасми, қаерга йиқитгани!

– Йўқ! Полвон полвонни осмоннинг кўкига отсаям бекор! Йигитмисан – ерининг устига йиқит! Қани, бошқатдан олишинглар!

– Тавба, тагин ота эмиш бу одам!

Тиловберди полвон отасига ўқрайди. Қобогини уйди. Тагин давра айланди.

Бўри полвон билди, ўғли ундан иорози бўлди.

“Ўҳ, қанийди ўғли ҳозир йиқитган бўлса! Ўғли буни билмайди-да!

Билмагани яхши...”

XXXIII

Бўри полвоннинг кўпни кўрган кўзлари бир нимани сезиб қолди: Абрай полвон кўкрагини бериб олишди. Бўри полвон бундай вазиятларда ёқадан кўшқўллаб ушлайди. Тик турганча бирдан яғринга олади. Шунда, ганими албатта юлдуз санайди...

Абрай полвон ана шунга жуда ўнг келади! Ўғли шуни сездимикин? Айтсамикин? Айтган билан қийин-ов, Тиловбердининг ўнги яғрин эмас.

Бўри полвон ўғлига разм солди. Ўғли қобоқ-тумшуғи осилиб давра айланди.

Абрай полвон оёқларини чўққа гоблади.

Бўри полвон ана шундан фойдаланди. Ўғлини имлади. Қоронғига олиб борди. Ўғли елкасига қўлини қўйди.

Тиловберди отаси қўлини пастга тушириб ташлади. Юзини тескари ўтирди.

– Нимага иддао қиласан? – деди Бўри полвон. – Нима, ҳаромни ҳалол деб имонимдан кечайинми? Полвон бўлсанг ҳалол йиқит! Кўп терсайма! Сездингми. Абрай кўкракларини бериб олишяпти! Ёқасидан жуфт қилиб ушлаб, тиккасига яғринга ол-чи. Магарам, ошиб кетса! Олаётганингда ё. отамнинг пири, де! Тайин айт, бор...

Бўри полвон ўғлининг елкасига қоқиб-қоқиб даврага юборди.

XXXIV

Полвонлар бир-бирини тинмай таъқиб этиб, ўртага юрди.

Абрай полвон Тиловберди полвон оёқларига ҳадиксираб-ҳадиксираб қаради.

Тиловберди полвон Абрай полвон кўзларига тик боқди. Паит пойлади. Отасининг санъатини қўллаш йўлини ўйлади. Ўйлади-ўйлади, юраги дов бермади.

Отаси ўнги яғрини бўлди, боласи ўнги учмоси бўлди.

Қийин, оталар санъатини ишлатиш қийин!

Тиловберди полвон янада шиддат билан ҳамлага ўтди.

Оёқларини кериб ташлади. Қулочини кенг ёйди.

– Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ! – дея, айқириб-айқириб борди.

Абрай полвон кетига тисарила бошлади. Тисарилаётганда ўзини бирдан орқага ололмади. Хусусан, чап оёғи олдинда қолиб кета берди.

Тиловберди полвон ана шу вазиятни билиб қолди. Аммо ўзини билмасликка олди. Абрай полвон кўзларига тик боқиб бора берди. Шу вазият тагин такрорланди.

Ана шунда Тиловберди полвон эпчиллик билан Абрай полвон билагидан ушлади. Чап оёғига оёғини илдириб, ўзига тортди. Қўлини ёнбошига босди. Абрай полвон чап яғрини билан йиқилаётиб, қўлини тортиб қолди. Оқибат, оёғи кўтарилиб, кўкраклари билан тушди. Жойидан ирғиб туриб кетди. Жимжит бўлиб қолмиш давра бир қалқиб тушди Юзлаб юраклар бараварига:

- У-у-ух! – деб юборди.

XXXVI

Тиловберди полвон ғолибона юришда давом этди.

Ўнг оёғини лапанглатиб-лапанглатиб олға ташлади. Баъзан, ҳаддан зиёд олға ташлаб юборди. Шунда гавдаси орқада қолиб-қолиб кетди.

Абрай полвон сизди! Аммо Тиловберди оёғига атайин қарамади! Кўзларига тик боқиб бора берди. Бор диққат-эътибори эса оёғида бўлди. Бўлажак вазият тўлишиб келажак сайини кўзлари янада бесранжом боқди, янада бежо боқди.

Хўжасоатликлар Тиловберди полвон бепарволлиги оқибатида рўй бераётган нозик вазиятни кўриб турди. Аммо Тиловберди полвонни огоҳ қилишга журъат этолмади. Эҳтимол кўзлари тик боқаётган Абрай полвон бу вазиятни пайқамаетгандир? Борди-ю, овоз берсалар, Абрай полвон билиб қолмайдими?

Хўжасоатликлар ана шу ташвишда миқ этмай ўтирди. Жумладан, Бўри полвон-да миқ этмади.

Қалтис вазият бўлди! Давра нафасини ютди.

Теварак сув сепгандай жимжит бўлди.

Фақат Тиловберди полвон билан Абрай полвон нафаси эшитилди.

Полвонлар бир-бирини руҳан арбади!¹

XXXVII

Бўри полвон давра четига чордона қурди. Ўзини, жамики оламни унутди...

Қўйнидан тасбеҳини олди. Доналаб-доналаб тасбеҳ ағдарди.

Шиқ!

Ичида калима қайтарди. Ўнг кафтини юзига тортди. Боши чапга хиёл кийшайди. Ўғлининг лапанглаётган оёғидан кўз узмади.

“Ўғлим, оёғингни ол!”

Шиқ!

Бўри полвонни зўр ҳадик босди. Қадди тобора чўкиб борди. Томоғини қирди. Овозини ёлғиз ўзи эшитди. Оғзини анграйганнамо очди.

“Ўғлим, сенга айтаман!”

¹Арбади – авради, қалғотди

Шиқ!

Йўқ, зафарли юришларга ўрганиб қолган отасининг ўғли оёғини олмади.
Аксинча, хуруж қилиб бора берди!

Шиқ!

“Ўғлим, оёғингни ол, ол!”

Шиқ!

Абрай полвон Тиловберди полвон кўзларидан кўз олмади. Кўз айирмади.
Тиловберди полвон оёғи ерга теккунча, зарб билан қоқиб юборди.

– Хап-а-а-а! – дея айқирди.

Ҳайқириқ ниҳоясига етмаёқ, Тиловберди полвон икки яғрини билан
гупиллаб тушди!

XXXIX

Шиқ!

Бўри полвон қўлидаги тасбеҳ ерга тушди.

Кўзлари юмилди, боши орқага хиёл чалқайди. Кейин, ўзини ўнглаб олди.

Насим полвонга қаради. Мунғайиб-мунғайиб қаради.

Насим полвон илжайди. Насим полвон тантана қилди!

Бўри полвон бошини хам қилди. Ерда кулча бўлиб ётган тасбеҳини олди.

Оҳиста қўзғолди. Даврадан энкайиб-энкайиб чиқиб кетди. Давра сиртида
кийинажак ўғли овозини эшитди.

Ўғли йнглаб-йнглаб айтди:

– Мен йиқитганда фирром деди, мана оқибати! Отамиз ниятига етди! Отамиз
бор экан, бизга ғанимнинг кераги йўқ!..

Бўри полвон оёқ илди. Нимадир демоқчи бўлди. Аммо сўзлашга мадори
етмади. Оҳиста-оҳиста одимлади. Қоронғиликка кириб кетди. Дуч келмиш
ғўзапоя уюмига чиқди. Елкасидан нафас олди. “Қоронғи қандай яхши, одамлар
кўрмайди...” Телпагини кетига сурди. Титраётган бармоқлари тасбеҳ
доналарини суръат билан санади: шиқ, шиқ, шиқ, шиқ...

XLII

Бўри полвон кўнгли тўлиб-тўлиб келди.

Кўнгли тўридан нималардир ўқсиб-ўқсиб кела берди. Ўқсиб зарбидан
елкалари силкина берди. Ёноқларидан маржон-маржон ёшлар оқди. Оҳлар
юракдан, ёшлар – кўздан бўла берди...

“Насим ошна, кўзимга кўриниб, ярамни янгилadini. Яна тағин, ўғлимни-
да йиқитдинг... Билиб қўй, ошна... изингдан сурганим-сурган! Қарда давра
бўлса, изингдан қувиб бораман! Тиловбердини ўғлинг билан уч сафаргача
олиштираман! Борди-ю, уч мартасида-да ўғлинг ўктам келса... унда, на илож,
учдан кейин пуч...”

Барибир қўймайман! Ана, невараларим бор! Насиб бўлса, наварамни неваранг билан олиштираман!

Ишончим комилки, неварам бобосининг орини олади!

Сен кўрмаялсан, ошна, ой ботиб, юлдузлар сўниб-сўниб бораёпти.

Ўғлим ўқтамлигида юлдузлар ёнгани ёнган бўлди. Ўғлим мағлублигида сўнгани сўнган бўлди...

Ҳар банданинг кўкда ўз юлдузи бўлади, ошна. Шу юлдузнинг ёнгани – шу банданинг ёнганидир. Шу юлдузнинг сўнгани – шу банданинг сўнганидир.

Йўқ, ошна, йўқ! Юлдузим ҳали ёнади! Давраларим ҳали давом этади!

Невараларим давраларда:

– Ё, бобомнинг пири! – дея айқириб-айқириб олиша беради!

Юлдузим мангу ёнади!”

Савод ва топшириқлар:

1. Бўри полвонининг давраларда курашга тушишни ташлаган дастлабки кезлардаги руҳий ҳолати тасвирига эътибор беринг ва муносабат билдинг.

2. Асарда: “Аксига олиб топгани-да қиз бўлди” деган тасвирда гап нима ҳақида бораётир деб ўйлайсиз?

3. Тиловберди табиатига хос сифатларга эътибор беринг. Унинг Максим билан жанжаллашмаганига муносабат билдинг.

4. Сиз бутун қисса мобайнида кураш ва курашчилар ичида яшаб келяпсиз. Айтинг-чи, курашда фақат куч ва ҳадис етарлими ёки юрак ва ақл ҳам керак бўлади деб ўйлайсизми?

5. Максимни йиқитаётганда Тиловберди нима деб ҳайқирганлигига эътибор қилинг. Бу хилдаги ҳайқирқ олдин ҳам бўлганмиди?

6. Ўзидининг ғалабаси Полвон бобога қандай таъсир қилганлигини матнга таяниб аниқланг. Ота ҳиссиётининг сабабларини тушунтиришга урининг.

7. Темир полвонининг қарори давра аҳлини нима учун бу қадар тўлқинлантириб юборганини аниқланг.

8. Ўзидининг Абрай полвон билан курашга солишдан Бўри полвонининг мақсади нима эди?

9. Полвон бобонинг ошниси Насим ва унинг ўғли ҳақидаги ўйларига эътибор беринг. Абрайга суқим кирмасин деб ёнига туфлаганини изоҳлаб беринг.

10. Тиловберди полвон Абрайни йиқитолмади деб эълон қилиш отага осон бўлди деб ўйлайсизми? Уша ўринларини асардан қайта ўқинг, фикрлашинг.

11. Сиз Тиловбердининг йиқитганлигига ишонасизми?

12. Тиловбердининг ғалабаси бекор деб эълон этилгандан кейинги ҳолатига эътибор қилинг. Унинг хатти-ҳаракатларини тушунтиришга урининг.

13. Бўри полвонининг имони ва ҳалоллиги ҳақида ўйлаб кўринг. Шу хилдаги одамларни кўргансиз ёки бировлардан эшитгансиз?

14. Абрай ва Тиловберди полвонлар олишуви саҳнасини яна бир ўқинг. Уларга ёндош равишда Насим билан хаёлан жанг қилаётган Бўри полвон изтиробларини солиштиринг.

15. Тиловберди полвон ғалабаси кимга кўпроқ керак деб ўйлайсиз: отагами ёки ўғлига? Худосангизни асосланг.

16. Мағлуб бўлган ўғил ва ота руҳиятларини шарҳлашга урилиб кўринг.

17. Бўри полвоннинг асар сўйиғида Насим ошнаси билан хаёлий суҳбати сизга қандай таъсир қилди?

18. Бўри ва Насим полвонлар ўртасидаги қарама-қаршилик икки курашчи ёки икки собиқ ошна ўртасидаги зиддиятми ёхуд сиз бошқа чуқурроқ маъно кўряписизми?

19. Бўри полвоннинг қисса сўйиғида: “Юлдузим мангу ёнади!” деган ишончига муносабат билдиринг.

20. Қиссадан олган таассуротларингиз ёки ўзинингиз кузатган кураш ҳақида “Кураш – миллий спорт ўйини” мавзусида эссе ёхуд ҳикоя ёзишга ҳаракат қилинг.

ЮЛДУЗИ МАНГУ ЁНАДИ

Тоғай Мурод 2003 йил 27 майда вафот этган эди

Кўкда юлдуз учди: юзимга фотиҳа тортдим. Учган юлдуз Тоғай Мурод ҳаётини олиб кетганини билгач, юрагим эзилди. Хаёл учқур-да: ўлим хабарини эшитганда Бўри полвон зўр курашга баковуллик қилаётганди. Бир зум қотиб қолди:

– Аттанг, чакки бўлибди... Олишаётган полвонлар бир-бирларининг елкаларига маънос бош қўйишди. Зиёдулла кал югура келиб отига минди, изиллаб йиғлаганича отини чоптириб кетди. Қоплон бобо, Оймомо ая зумда чўкиб қолишди:

– Болам-а... болам-а... Бизларга фарзандлик қилувдинг-а... Китоб қилиб ёзувдинг-а...

Дехқонқул хотинининг куйиб кетганига, болаларининг бўзлаб қолганига чидаган эди. Тоғай Муроддан айрилгач, ўзини қўярга жой тополмади. Тошкентга шошилди. Жанозада қатнашди. Чигатой қабристонини ҳамма тарк этгач, Тоғайнинг тоғдай қабри пойига чўккалади, онасидан ўрганган оятларни билганича такрорлади: оят сўзлари кўз ёши бўлиб, янги қабр тупроғини ҳўллаб бошлади.

Тоғай Мурод ўзбек юртининг тоғу тошларини, қир-адирларини, дарё-ю кўлларини, об-ҳавосини юракдан ҳис қиларди. Баҳорнинг сўнгги кунлари чақмоқли, гулдуракли, ёғин-сочинли келди. Она табиат зинда¹ фарзандининг ўлимини олдиндан сезганмиди?!

Тоғай Мурод адабиётга дангал кириб келди. Шартта бурилди-ю, ҳаётдан кетди-қолди. Ундан ўн-ўн беш кичик асар, тўрт қисса, икки роман, иари борса, уч жилдга жо бўларлик мерос қолди. Аммо ёзувчи асарлари руҳини, улардаги ўзбекона гурур, сурур, қатъият, орият, жўмардликни жобажо қиладиган ҳажмини топиш мушкул. Тоғай Мурод ўтда ёнамас, сувда чўкмас асарлар, юрагида ёли

¹ Зинда – тирик, барҳаёт.

бор қаҳрамонлар тимсолларини яратдики, улар ҳамиша, ҳар қасрда, ҳар қандай шароитда ўзбекининг ўзлигини намоён этаверади.

У ўнга ҳос, мисоли тоғ сўқмоғидек мураккаб ва мукамал услуб ярата олади. Унга ҳамиша сергакланиб, эҳтиёткорлик билан одим ташлаш жоиз. Акс ҳолда, “фарғоначи” сўзи оёққа тикандек санчилиши, Болхин момонинг милтиқнинг ўқидек сўзлари кишини яралаб қўйиши, Деҳқонқулнинг жўяли, мантиқли фикр-мулоҳазалари одами каловлатиб юбориши, Зиёдулла калнинг оддий шумликлари замиридаги зил-замбил ҳақиқатлар кишини чуқур ўйга толдириши ҳеч гап эмас.

Кўкда юлдуз учди. Юлдузнинг учини — сўниши эмас! Тоғай Муроднинг кўкдаги юлдузи мудом порлаб учаверади. У улуг устозлар юлдузларига яқинлашганида ҳам ҳаракатланаверади. Тоғай Мурод юлдузи мангу ёнади.

Абдуғафур Расулов, адабиётшунос

Қисса жанри ҳақида

Сиз йил давомида сочма йўлда битилган анчагина асарлар билан танишдингиз. Улар насрий асарлардир. Насрий асарлар ҳам бир неча хил бўлади. Сиз куйи синфларда “Улоқда”, “Хелладос”, “Бемор”, “Музқаймоқ”, “Қоплон”, “Урушнинг сўнги қурбони”, “Нақорат”, “Ўзбеклар”, “Ўғри”; бу йил эса “Зарб”, “Анойининг жайдари олмаси” каби насрий асарлар билан танишиб чиқдингиз. Улар ҳикоя жанрига мансуб асарлардир. Сиз бу ҳақда бешинчи синфда ҳам маълумот олгансиз.

“Алишернинг ёшлиғи”, “Дунёнинг ишлари”, “Қишлаб қолган қалдирғоч”, “Шум бола”, “Сеҳрли қалпоқча”, бу йил танишганингиз “Саодат соҳили” ва “Юлдузлар мангу ёнади” сингари асарлар эса қисса жанрига оиддир. Бу икки жанрдаги асарларни бир-биринга солиштириб қарасангиз ораларидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Чунончи, қисса ҳам, ҳикоя ҳам сочма йўсинда битилади. Ҳар иккаласида ҳам инсон ҳаётининг бирор парчаси қаламга олинади. Айни вақтда, бу икки жанр ўртасида жиддий фарқлар борлигини ҳам пайқаш мумкин. Қиссада ҳикояга нисбатан *тасвир кўлами кенгроқ* бўлади. Қиссанинг *ҳажми ҳам каттароқ* бўлади. Унда бир қанча қаҳрамонга доир бир неча ҳаётий муаммо тасвирланади. Ҳозир биз тилга олган хусусиятларни “Саодат соҳили” асарида ҳам, “Юлдузлар мангу ёнади” асарида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам сизнинг дарслигингизда ўша қиссалардан парчалар берилди. Ҳолбуки ҳикояларни ҳеч қандай қисқартиришларсиз ўқиб чиқдингиз.

АЪЗАМ РАҲИМ

(1971 йилда туғилган)

Мустақил Қирғизистон Республикаси ҳудудида қадим-қадимдан истиқомат қилиб келаётган ўзбекзабон аҳоли орасидан етишиб чиққан истеъдод эгалари нафақат мумтоз адабиётимиз хазинасига, балки Янги ўзбек адабиёти хирмониغا ҳам ўзларининг сезиларли ҳиссаларини қўшиб келганлар. Юсуф Хос Ҳожиб, Хўжаназар Ҳувайдо, Салоҳиддин Соқиб, Самарбону каби сўз санъати усталарининг XX асрдаги издошлари – Маҳжурий, Мирзакалон Исмоилий, Иззат Султон, Ёқубжон Шукуров, Мирзохид Мирзараҳимов, Турсунбой Адашбоев, Шавкат Раҳмон, Қўлдош Мирзо, Муғанний, Усмои Темур,



Авлиёхон Эшон каби шоир ва ёзувчиларнинг ижоди Катта ўзбек адабиёти майдонида ўз муҳлисларини топган, эътироф этилган. Айниқса, адабиётшунос Умарали Норматов қайд этганидек, Чўлпон бошлаб берган эрксеварлик шеърятини XX аср сўнгида мантиқан якунлаган Шавкат Раҳмон замонавий ўзбек шеърятининг сўнмас юлдузларидан бири бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ҳам Қирғизистондаги ўзбек адабиёти, хусусан, шеърятини янги-янги истеъдодларни кашф этиб келмоқдаки, бу унинг келажаги борлигидан дарак беради.

Ана шундай ёрқин истеъдодлардан бири марҳум Шавкат Раҳмон таълимини оз бўлса-да, олишга улгурган шоир Аъзам Раҳимдир.

Аъзам Раҳим (Абдуразаков) 1971 йил Ўш шаҳрида туғилди. 1978 – 1986 йилларда шаҳардаги 23-ўрта мактабда ўқиди. Мактабни битириб, бир гуруҳ тенгдошлари билан бирга шу йили Ўш қурилиш техникумига ўқишга кирди. Бинокор бўлишни орзу қилди. 1990 йил техникумни муваффақиятли якунлади, бироқ бинокор бўлмади. Бадний адабиётга бўлган кучли ҳавас уни Тошкент шаҳрига етаклади. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ҳужжат топширди. Лекин омади келмади. Вақтин бой бергиси келмаган бўлажак шоир Фарғона Давлат университети ўзбек филологияси факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди ва аynи пайтда ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлади. 1997 йилда университетни аъло баҳолар билан тугатди. Қисқа вақт ичида у шаҳардани энг таниқли ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари сафидан ўрин олди. Қирғизистон маорифи аълочиси бўлди. Мактаб директори этиб тайинланди.

Аъзам Раҳим техникумда ўқиб юрган йилларидан бошлаб шеърят билан шуғуллана бошлади. Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон шеърларини севиб ўқиди, улар шеърятидан маҳорат сирларини ўрганди. Улар билан бир неча бор учрашди, суҳбатлашди, маслаҳатлар олди.

1995 йили Аъзам Раҳимнинг биринчи шеърлар тўплами “Сабр чечаклари” нашр қилинди. 1999 йили Ўшда “Илҳом” ижодий тўгарагининг иқтидорли аъзолари “Ялдо карвони” номли тўплам нашр этдилар. Тўпламдан Аъзам Раҳимнинг ҳам бир туркум шеърлари ўрин олган эди. 2005 йилда эса энди шоир сифатида танилиб қолган Аъзам Раҳимнинг “Шаҳсувор туйғулар” номли шеърлар тўплами босилиб чиқди. Китобга шеърятни ўта нозик тушунадиган адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев каттагина сўз боши битди. Сўз бошида шоир шеърлари ҳақида жуда илқ фикрлар айтилган, Жумладан: “Ўшлик шоир Аъзам Раҳим битганлари билан танишиш асносида унинг шеърятни кўнгил жилваларини ифодалаш воситаси деб билган ва ташқи оламга элтадиган йўл ўз ички дунёси орқали эканини англаб етган ижодкор эканига имон келтирдим”, – деб ёзди.

Ҳақиқатан ҳам, Аъзам Раҳим – кўнгил шоири. Бироқ у “кўнгил жилваларини”, нозик туйғулари ва кечинмаларини жўн, яланғоч мисраларда ифодаламайди, балки ташбеҳларга бой образли мисраларда ифодалайди. Натижада, шоирнинг янгича ташбеҳлари, образли ифодалари сизни ҳайратлантиради, завқлантиради. Бунга Аъзам Раҳимнинг қуйидаги шеърларини ўқиб, муҳокама қилиб ўзингиз гувоҳ бўлшингиз мумкин.

Кайфият

Ҳали ҳаёлимда орзулар тирик,
Бардошнинг бошига ёққан эмас қор.
Юракнинг қатига қадалган гулнинг
Югурик ўйлари тўқийди ашъор.

Отаётган тонгнинг ҳарир пардаси
Мудроқ туйғуларни турар силкитиб.
Тунлар сочларини таратиб ойга,
Интизор кўзлар-ла туради кутиб.

Фараҳ ой юзидан бўсалар олиб,
Ровийлар кўшкидан келтиради нур.
Демак, умидимнинг йўллари равон,
Тонгнинг насмида туғилажак ҳур.

Демак, кўзларимга сурур бахш этган,
Кунларининг сафига сафдошдир шукуҳ.

Орзулар раҳида ўсгувчи гуднинг
Бугуни сўлимдир, эртаси ёруғ.

Савол ва тошшириқлар:

1. Лирик қаҳрамон кайфиятидаги ёруғлик ифодаланган мисраларни аниқланг. Уларнинг ўз ва кўчма маъноларини изоҳланг.
2. Тирик орзулар, югурик ўйлар, мудроқ туйғулар каби ифодаларнинг шеърий нутқдаги вазифасини аниқланг.
3. Шеърда лирик қаҳрамон кайфиятидаги ишонч туйғулари бўрттирилган мисраларни аниқланг. Бу мисраларда қандай бадий воситалар қўлланган?
4. Шеърни ёд олинг.

Шеърят

Онам бошидаги кумуш толалар,
Ўғлим кўзидаги уммоний ҳайрат,
Бир тутам сеҳрга дўнган болалик,
Балки шудир асли, асил шеърят.

Мажнунтол сочига илашган сирлар,
Кўзим пардасини забт этган сийрат,
Ялдо кечасида ёққан лайлакқор,
Балки шудир асли, асил шеърят.

Бир нигоҳ тафтини туйганим маҳал,
Қалбим сўқмоғини тутган ҳидоят,
Юрагим зарбига эврилган забон¹,
Балки шудир асли, асил шеърят.

Савол ва тошшириқлар:

1. Шеърят ҳақидаги ўз тасавурларингиз ҳақида сўзланг.
2. Асил шеърятга берилган биринчи банддаги тасавурларни қандай изоҳлайсиз?
3. **“Мажнунтол сочига илашган сирлар, Кўзим пардасини забт этган сийрат”** мисраларини мустақил изоҳлашга ҳаракат қилинг.
4. Қалб сўқмоғини тутган ҳидоят нима бўлиши мумкин? Ҳидоят йўлининг асосий талаблари нима?
5. Тилнинг, забоннинг юрак зарбига эврилишини қандай изоҳлайсиз?
6. Шеърят ҳақидаги тасавурларингиз асосида **“Шеърят – кўнгил ойнаси”** мавзуда эссе ёзинг.
7. Шеърни ёд олинг.

¹ Забон – тил

Учоқдаги¹ ташбеҳлар

Осмоннинг мағриби алвон долазор,
Машриқдан ёйилар бўри галаси.
Шом қоронғусида осмон муқаддар².
Сукунатни ёрар учоқ ноласи.

Мени чорлаётган шафақ устида
Аждарнинг қиличдай тили узяр.
Гўёки ямламай ютмоқ истаги
Амрига бўйсуниб мордай³ бўзарар.

Чоғдай ойначага тинчи бузилган,
Пароканда еллар урилар увлаб.
Қуйинга қарасам, кўкдан узилган
Юлдузлар товланар бир-бирин кувлаб.

Кўзга ташланади ястанган тоғлар,
Ер бетига сингиб кетаётгандай.
Қандайдир ҳижиллик дилимни боғлар,
Қалбда умид шамси⁴ ботаётгандай.

Йўқ, йўқ, умидим ул доғли шафақда,
Бораман журъатдан оқ кўшин тортиб.
Майли илнжларим ҳиммат қилмаса,
Қайтарман ул қора доғларни артиб...

Савол ва топшириқлар:

1. 1- ва 2-банддаги манзара тасвирининг ҳаётий ва кўчма маъноларини аниқланг.
2. Шоир чизаётган манзаранинг манзилда кутилаётган воқеаларга таъсири борми?
3. 3- ва 4- бандлардаги лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини аниқлашга урининг.
4. «**Бораман журъатдан оқ кўшин тортиб**» мисрасида журъатнинг моддийлашиш ҳолатини изоҳланг.
5. Шеърни ёд олинг.

Эркинлик

Ҳар кун киядиган оппоқ яктагинг,
Эгнингга иласан андиша билан.
Кўйлакка ҳам сенинг келади раҳминг,
Ранжитиб қўйишдан жуда қўрқасан.

¹ Учоқ – самолёт

² Муқаддар – авра, хираланган.

³ Мор – илон.

⁴ Шамс – қуёш.

Ёлғиз дардларингга ҳамдard хонангга,
Хайр, деб чиқасан, эшик гичирлар.
Ортингдан эргашиб қолар йўқчилик,
Соянг қулогингга аста пичирлар.

Тўйиб-тўйиб эркин нафас оласан,
Вужудинг эзилар, кўнглинг тўлмайди.
Юрагинг орзиқар, кутиб толасан,
Ичингда ўлмасинг – умид ўлмайди.

Атрофга қарайсан, таскин излайсан,
Қўллариңг шалвираб тушар бўшлиққа.
... Изғиб елаётган дарбадар шамол
Овози ўхшайди мунгли қўшиққа.

Дарахтнинг учида қолган япроқчун,
Илтижо қиласан, бардош тилайсан.
Совуқда тентираб юрган кучукнинг,
Бошини меҳр-ла секин силайсан...

...Қайтасан қадрдон хонангга охир,
Елкангга осилиб умид ухлайди.
Умидни кўтариб юрмоқлик оғир,
Кўча-кўйга ташлаб кетиб бўлмайди.

Савод ва топширивқлар:

1. Шеър нима учун эркинлик деб номлангани ҳақида ўйлаб кўринг. Шеърда қандай эркинлик ҳақида гап кетяпти?
2. Лирик қахрамон нима учун ўз руҳий ҳолатини иккинчи шахсга қарата баён қилляпти?
3. Умиднинг ўлмаслигини қандай тушуниш мумкин?
4. Дарахтнинг учида қолган япроқ нимани аңлатиши мумкин?
5. Сўнги бандини ўқиб хаёлингизда қандай туйғулар кечганини гапириб берни.
6. Шеърни ёд олинг.

Эътиқод

Тераклар, азамат, буйчан тераклар,
Кўкларга бўй чўзган қадингиз расо.
Лекин шамол тортиб тортқилаганда,
Эгиласиз, руҳга бўлмайсиз асо.

Тоғларга қиёс йўқ, улуғвор, буюк.
Қутурган бўрон ҳам қилолмайди қор.
Қалъадай салобат, метин ирода,
Кўксинда йўғрилган абадий виқор...

Тенглашса-да терак бўйи тоғларга,
Кўкнинг оғушида туролмайди тик.
Шамолга шохлари дош бера олмай,
Қарсиллаб синиб кетиши хунук.

Бир умр шу тоғлар этагидамиз.
Лек руҳи қалбларга кетмади иниб.
Синаётган терак остида қолмай,
Кетсайдик тоғларнинг бағрига сингиб.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърда терак билан тоғнинг қиёсланишида уларнинг қандай сифатларига ургу берилган?
2. Терак ва тоғ тимсолида қандай кишилар назарда тутилмоқда?
3. **“Синаётган терак остида қолмай, Кетсайдик тоғларнинг бағрига сингиб”** мисраларини қандай шарҳлайсиз?
4. Шеърни ёд олинг.

* * *

Ёмғир ёғиб ўтди, борлиқ мусаффо.
Чиннидай ювилган фалак ойнаси.
Сабзалар бир-бирига сирийн шивирлар,
Оҳорий рангларда янги либоси.

Шаҳсувор¹ туйғулар келар қуйилиб,
Замҳарир² кунларнинг унут губори.
Шу дамда яшагинг келади фақат,
Нафасим тўлдирар ҳаво ифори.

Ҳар бир нафасимда шукрона таъми
Бутун вужудимни қилади сармаст.
Юрак кўрғонида митти малаклар
Маромий бир куйга тушадилар рақс:

Уйғоқ орзуларнинг карвони узун,
Бир муддат мудраган умидим сарбон.
Дарахт сочларида тириклик гулин
Уйғоқ зарралари кўрсатар нишон.

Буюк уйғонишнинг буюк сафари
Буюк манзилларга элтар йўллари.

¹ Шаҳсувор - моҳир чавандоз.

² Замҳарир - кишининг қаттиқ совуғи.

Қадим сарҳадларда қадим кенгликлар
Яшил яловини тутар қўллари...

Савол ва җавоблар

1. Шеърда табиатнинг қайси мавсуми манзараси чизилган?
2. Табиат манзараси тасвирининг лирик қаҳрамон руҳиятига таъсири қандай?
3. **“Юрак қўрғонда митти малаклар Маромий бир куйга тушадилар рақс”** мисраларини мустақил шарҳланг.
4. Охириги бандда **“буюк”** сўзига қандай маъно кучи юкланган?
5. Шеърни ёд олинг.

Тестларни ечинг.

1. Қайси жавобда қирғизистонлик шоир ва ёзувчилар рўйхати тўғри берилган?
А. Чўлпон, Шавкат Раҳмон, Қўлдош Мирзо, Муғанний, Авлиёхон Эшон.
Б. Фитрат, Усмон Темур, Мирзоҳид Мирзараҳимов, Жўрабой Қурашев, Зулфия
В. Усмон Темур, Шавкат Раҳмон, Қўлдош Мирзо, Муғанний, Авлиёхон Эшон.
Г. Ҳалима Худойбердиева, Қўлдош Мирзо, Маҳжурий, Турсунбой Адашбоев.
Д. Абдулла Қаҳҳор, Шавкат Раҳмон, Қўлдош Мирзо, Муғанний, Авлиёхон Эшон.
2. **“Тунлар сочларини таратиб ойга, Интизор кўзлар-ла туради кутиб”**, мисраларида қандай тасвирий восита қўлланган?
А. Истиора. Б. Муболаға. В. Жонлантириш. Г. Ўхшатиш. Д. Тазод.
3. **“Онам бошидаги кумуш толалар, Ўғлим кўзидаги уммоний ҳайрат”** байтидаги тасвирий воситаларни аниқланг.
А. Истиора. Б. Эпитет. В. Жонлантириш. Г. Муболаға. Д. А, Б, Г.
4. **“Осмоннинг мағриби алвон долазор, Машриқдан ёйилар бўри галаси”** байтидаги **“алвон долазор”** бирикмаси қандай маъно ифодалайди?
А. Долазор маъносини. Б. Қизил булутлар маъносини. В. Шафақ маъносини.
Г. Тонг маъносини. Д. Шом маъносини
5. **“Осмоннинг мағриби алвон долазор, Машриқдан ёйилар бўри галаси”** байтидаги **“бўри галаси”** бирикмаси қандай маъно ифодалайди?
А. Бўрилар галаси. Б. Булутлар. В. Қоронғулик. Г. Тонг. Д. Тун.

(1915 – 1950)

Ёзувчилигим ҳақида



Мен ёзувчиликка болалигимдан қизиқар эдим. 1927 йили ўн уч ёшимда қайси бир дарсликда босилган “Яйлов” номли ҳикояга (муаллифи эсимда йўқ) ошиқ бўлганим эсимдан чиқмайди. Она тили ўқитувчимиз ўша ҳикояни бизга ўқиб берди-да (баҳор охирида қолган эди): “Яқинда яйловга чиқиб кетасизлар, куз келгунча шу мавзуда ҳикоя ёзиб келинглар”, – деди. “Қандай қилиб ёзаман”, – деган ўй мени жуда қийнади.

1929 йили мен 1925 йилдан бери ўқиётган Тўқмоқ шаҳридаги интернатнинг деворий газетасида биринчи шеърим чиқди. Шундан бошлаб бадий ижод билан шуғуллана бошладим.

1929 йили Фрунзедаги педагогика билим юртига ўқишга кирдим. Ўша пайтда билим юртида ўқиганлар

бадий адабиётга алоқадор бўлганлари учун менинг бадий ижодга қизиқишим янада ортди.

Шундан сўнг Пушкин, Лермонтов, Лев Толстой, Тургенев, Некрасов, Гогол каби рус классиклари ижоди билан таниша бошладим, қозоқ адабиёти классиги Абай Қўнанбоев шеърларини ўқиб юрдим.

1929 йил қишида А. С. Пушкиннинг “Қиш оқшоми” шеърини таржима қилдим. Ўша йили Ўғилтой исмли қиз ҳақида ёзган шеърим деворий газетада босилди.

1930 йил сентябрь ойида “Сабрли бўл” деган Республика газетасида “Қизил карвон” номли шеърим чиқди. Бу шеърини газетада ўқиб шундай қувондимки, туни билан ухламай чиқдим. Газетани қўйнимга тиқиб, кунига ўн марта ўқийман. Эртаси яна битта шеър ёзиб газетага олиб бордим, сўнг яна.. яна.. бўш пайтим бўлиши билан шеър ёзаман. 1931 йил қишида “Ёш ленинчи” газетасида менинг ижодимга алоҳида бир саҳифа бағишладилар.

1935 – 1937 йиллари мен бадий таржима билан шуғулланиб, А. С. Пушкин лирикасини, М. Ю. Лермонтовларнинг шеърларини, “Қочқин” поэмасини, 1936 йилда Криловнинг “Масаллар”ини таржима қилдим.

1937 йили Москвага боришда ҳам, қайтиб келишда ҳам Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” дostonининг таржималари ва у ҳақдаги мақолалар билан танишиб, уни қирғиз тилига таржима қилиш тўғрисида ўйладим. Бу ўй менинг тивчимни ўғирлади, кечалари уйқу бермади. “Улғайдим, йигит бўлдим, энди бир катта иш қилмасам, Алиқул деган номим қаерда қолади?” – дейман. Бунинг устига бу ўқимишни дoston мени жуда қизиқтирди.

1938 йил май ойидан бошлаб бу буюк дoston таржимасига киришдим... бутун куч-қувватимни ишга солдим. Дostonдан ажрала олмайман, кўпинча тонггача ўтираман, ўқийман, таржима қиламан, ҳайратланаман, қувонаман!.. Дунёда фақат менгина бахтлидай туюлади. Китоб 1940 йили Қозонда босилиб чиқди. Бир йилдан сўнг айилда туғилган чақалоқларга Автандил, Гинатин, Таризл, Даражан деган исмлар қўйилаётганини эшитдим. Бундан китоб қирғиз халқига етиб, уни жуда қизиқтиргани маълум бўлди...

1945 йил ҳаётимнинг ва ижодимнинг энг гуллаган йили бўлди, деб ҳисоблайман...”

Алиқул Ўсмонов халқ оғзаки ижодига қизиқиб, уларнинг кўпини ўзи тўплаган. “Толубой синчи” ҳақидаги афсоналар, ҳикоялар, эртаклар эл орасида кенг тарқалган бўлиб, унинг бир қанча вариантлари мавжуд. Шундай афсоналарнинг бири асосида 1937 йили Алиқул Ўсмонов “Толубой синчи” дostonини ёзди.

Алиқул Ўсмонов шеърятни қирғизистонлик ўзбек китобхонлари учун ҳам аслиятда, ҳам таржимада яхши таниш. Кейинги йилларда шоир шеърларини ўзбекчага ўгириш соҳасида талай ишлар қилинмоқда. Турсулбой Адашбоев, Қўлдош Мирзо, Усмон Темур, Феруза Мамашева, Қурбон Саттор каби мутаржимлар шоир шеърларидан намуналарни газета ва журналларда, Алиқул Ўсмонов ижодига бағишланган адабий кечаларда эълон қилмоқдалар.

Алиқул Ўсмоновнинг фаол таржимонларидан бири бозорқўрғонлик шоир Қурбон Саттордир. Шоир Қурбон Саттор Жалолобод вилояти, Бозорқўрғон туманидаги Ўзбекгова қишлоғида туғилган. Ҳозир 64 ёшда. Шоирнинг “Умрим мезони” номи шеърлар тўплами чоп этилган. Ўзбекистонда чиқадиган “Жаҳон адабиёти” журналида қирғиз ёзувчиси Мурза Гапаровнинг “Мурғобликлар” қиссаси унинг таржимасида босилган. У яқинда Алиқул Ўсмоновнинг “Қирғизистон-Сорос” фонди томонидан 1996 йилда нашр этилган “Кўл тўлқини” китобига кирган ва бошқа манбалардаги бир қанча шеърлари таржимасини тугатди. Куйида унинг таржимасидаги шеърлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Умрга

Шамол ҳайдаб кўлнинг лойқа кўпигин,
Зилол умрим, лойқа сувдан бўлиндинг.
Йиллар ўтиб, ўтган сари ёшлик кун,
Бора-бора сулув, иссиқ кўриндинг.

Дарахтдирман, мевасига қурт тушмас,
Жавлон урдим, келажакка умидвор.
Эҳ, болалик, қайтиб келмас бебаҳо,
Парвозида оққушларнинг шашти бор.

Камол топдим саҳийликка эш бўлиб,
Йироқ мендан такаббурлик заволи.
Эҳ болалик, забтига бас келолмас
Ўқдек учган қалдирғочнинг шамоли.

Бандасига қош-қовоғим уймадим,
Виждонимни ёмон йўлга оздирмай.
Умр деган бедор нарса экан-ку,
Баҳордаги майдалаган ёмғирдай.

Дўстларимга ҳеч қилмадим хиёнат,
Умрим бўйи қитмир кулгу сенга ёт,
Умр деган мангута ёш, навқирон,
Туғилган ҳар гўдак билан барҳаёт.

Биздан кейин ёд этишса авлодлар,
Шудир бизнинг умримиздан қолган из.
Олдимизда, шукр, ҳали йўл олис,
Ортада қолсин умри боқий ўғил-қиз.

Саховат

Оби ҳаёт оддийгина сувлардай
Оқиб ётса қадам етмас хилватда,
Ўзим ичмай, умри боқий бўлсин, деб
Улашардим одамзодга, албатта.

Чунки бу сув бир ўзимга ножоиз,
Инсон зоти тез қариган бир ожиз.
Обизамзам мангу қайнар булоқдай
Тўхтатмаса то қиёмат қайнови.

Тани соғлом, филдай кучли бўлсин, деб
Одамзодга бурар эдим пайновини.
Бу қарорга келганимга бир исбот –
Одамизод кўп ҳориган махлуқот.

Луқмон ҳаким мерос қилган гиёҳлар
Сероб бўлса ҳар қадамда ҳамиша,
Улашмоққа минг бир дардга даво, деб
Ундар мени савоб деган андиша.

Нечун юргум бу хаёл-ла мен бедор?
Одам борки, бир касалга гирифтор.
Инсон жони топилса гар аттордан,
Иккиланмай кўплаб харид қилардим.

Узоқ умр ҳам фаровон ҳаётни
Ўзимгамас, ўзгаларга тилардим.
Ўзгартириб нича тақдир азални,
Қолдирардим доғда савил ажални.

Ангишвона, сақич, ҳуштак қатори
Гўдак умри сотилса-чи растада?
Ўзим олмай, улашардим ҳаммага –
Фарзанд доғи эзган дили хастага.

Бола умри нечун бўлди харидим?
Башар насли болажону ғарибим.
Ҳатто мени ёмон кўрган кимсанинг
Жони учун келган бўлса Азозил,
Агар жоним жуфт бўлсайди, унинг-чун
Берар эдим биттасини беҳазил.
Эл дардин торт, якка дардинг – дард эмас.
Эл дардидан йироқ кимса мард эмас.

Қизимга марсия

Етим ўсдим, ота-онам афтини
Эслолмайман, улар эрта кетган-да.
Ошиб ўтиб қаттол турмуш довоини
Эндигина оғиз ошга текканда,

Ой туғса ҳам, кун туғмади етимга,
Кулфат босди яна ўнгу сўлимдан.
Ота бўлиб бошим кўкка етганда
Номард ажал тортиб кетди қўлимдан.

Ҳолва экан етим ўсган кунларим,
Кўп ярасин унутганман у дамнинг.
Маҳрум бўлдим нуридийдам тафтидан,
Малҳами йўқ юракдаги ярамнинг.

Ҳаёлимда булбул даркор эмасди,
Тили чиқиб чуғурлашсам ўргилиб.
Ажал савил еткурмади у кунга,
Бор экан-да қисматда бу кўргилик.

Ер юзида гуллар сероб хуш исли,
Гуллар бисёр – қизил, яшил, напармон.
Иси бошқа экан, аттанг, ҳар гулнинг,
Отасига Жипар иси – зўр армон!

Ёшлик ширин, севишу ҳам севилиш,
Ога, она... ширинга бой бу дунё.
Шунча ширин неъматларнинг ичидан
Отаси-чун Жипар эди энг аъло.

Ўлди гўдак, кетди борса-келмасга,
Бир “лип” этиб, сўнгра сўнган шам мисол.
Кафтдеккина тирқишига жо қилиб,
“Еди-қўйди” ер уялмай бемалол.

Фарзанд деган қариганда асодир,
Келажагинг ора йўлда қолмасин.
Умр деган узун-қисқа йўлингда
Ҳеч кимсага фарзанд доғин солмасин.

Бемор шoir

Бемор оқин
Ғамга яқин,
Умри унинг аросат.
Қадрин билмай,
Қўлин чўзар
Азроил бефаросат.

Бемор оқин,
Сўзи олтин,
Ҳолсиз, ёлғиз ўлтирар.
Таслим бўлмай
Оқ қоғознинг
Бетин шеърга тўлдирар.

Бемор оқин
Умрининг
Шеърларидир давомин.
Эслаб қўяр
Авлодлари –
Хоҳ дониш, хоҳ оми.

Бемор оқин
Соғлиқ фарқин
Соғдан яхши этар ҳис.
Кимдир келар,
Кимдир кетар,
Йўловчидан қолар из

Бемор оқин,
Ўйлаб боққин,
Сендан элга не наф бор?
Орта қолсин
Умри боқий
Шеъринг, майли, тўрт қатор.

Мардлик, номус
Мавзунг бўлса,
Фурсат ҳолис тарози.
То тириксан,
Дардин олсанг,
Ота, онанг, эл рози.

Абадият

Меъ ўзимга турғазмайман эсдалик,
Тиригимда зор эмасман ҳайкалга.
Куним битса, аста сингиб кетарман
Дорулбақо – йўқлик деган пайкалга.
Ётса ҳамки мурдам лаҳад ичида,
Сиртда қолар сизга шеърим – давлатим.
Ғофилларга бўлмас балки керагим,
Огоҳларга Асқар тоғдай савлатим.
Қабр менга битта рамзий қафасдир,
Мен сайроқи, умри боқий булбулман.
Лаҳадни ҳам ёриб чиқиб кишнаган
Жисми ўлик, руҳи асов дуддулман.

Ўқувчи ва ўқувчи:

1. Шоир Аликул Ўсмоновнинг таржimai ҳоли ҳақида сўзлаб беринг. Бу таржimai ҳол Сизда қандай кайфият уйғотди?
2. Шоирнинг “Умрга” шеърисида қандай фикр-туйғулар ифодаланган? Шеърин Алишер Навоийнинг “Жондин сени кўп суярмен, эй, умри азиз” рубоийси билан қиёсланг ва топганларингизни ўртоқлашинг.
3. “Эҳ болалик, забтига бас келолмас Ўқдек учган қалдирғочнинг шамоли” мисраларини шарҳланг.
4. Саховат” шеърисида шоирнинг қандай ҳаётий шиорлари, принциплари ифодаланган?
5. “Қизимга марсия”, “Бемор шоир” шеърларидаги фожиавийлик ҳақида фикр юритинг.
6. “Абадият” шеърисида шоирнинг қандай кайфияти ифодаланган? У нимага ишонади?
7. Шоир шеърларидан бирини ёд олинг.

Кўл тўлқини

Поэма

Иссиқкўл гоҳи сокин, гоҳ долғали
Тўлқини юрагимга яқин, сирдош.
Дустларим кўп, топмаганман лек унингдек
Салобатли, вазмин, сирли битта қурдош.

Иссиқкўл соҳилларнинг сабрин синаб,
Ҳар дақиқа тўшин уриб, кўяр калла.
Сув куймас-ку, лекин боқсанг, бир мўъжиза
Тўлқинлари ловуллаган, нақ аланга.

Кўл келтириб шукроналар ҳур замонга,
Довул қоқиб, кўш соҳилга қуда-анда.
Йўловчию кутганларга дийдор учун
Бандаргоҳга зўр кемалар кўяр танда.

Ёшу қари, висол – ҳижрон шу ерда жам,
Турфа эл, турли миллат – барчаси бор.
Тирикмиз – билинмайди қадр-қиммат,
Айрилгач, оҳ-воҳларнинг бари бекор.

Келган эл соҳил сари талпинади,
Асов кема депсинар лангар ташлаб,
Топишар ака-ука, амма-жигар,
Кимдир шод “қулуним!” деб кўзин ёшлаб.

Ота юрт муҳит каби бепоёндир,
Мўл бўлсин тинчлик кунлар баракаси.
Эврилди ёмон кунлар яхшиликка,
Тугади қайғу зорнинг маъракаси.

Оломон аравада пиёдалар...
Чор тарафда шодлик, қувонч мўл, зиёда.
Барчаси нур порлаган шаҳар сари
Кетишар, кимдир отда, ким пиёда.

Тоғ томонга кўчган гўё катта карвон,
Йигитлар хандон ташлаб кетиб борар.
Ҳаёт, афеус, бўлмас экан ҳеч мукамал,
Бир кам дунё, бир кемтиги тўлмай қолар.

Ҳамма кетиб, ҳувиллаган бандаргоҳда
Бир чол қолди, ёлғиз ўзи, ана, қаранг.

Тошлоқ йўлда тошдан безган тулпор каби
Оёғини ердан узар араг-аранг.

Таништирай: бу қария – Мингбой ота,
Ҳар келганда ғарб томонда икки кўзи.
Кўздан кутар ёвга кетган ўғлонини,
Кутинлари беҳудадир, билмас ўзи.

Женгишбек ёлғиз ўғли эди чолнинг,
Қўлга асо, кўзига нур, умрига зеб.
Турмушнинг бир “жанги”да ғолиб чиқиб,
Исмини қўйган эди Женгишбек деб.

Ҳар келганда қайтса ҳамки ёлғиз, хомуш,
Келаверар яна такрор, боз боумид.
Жондан кейин умид чиқар бу тандан,
Инсон шундай, шайтон эмиш ноумид.

Елкасида қимиз тўла меши билан
Чолдан махфий гоҳо келар бойвуччаси.
Фарзанди йўқ. Элга бериб қимизини,
Дуо қилар: “Соғ бўлсин-да тўрт мучаси”!

Билдирмасдан отасию онасига,
Қизи келар ташна ака дийдорига.
Мунгли қайтар хаёлларнинг асираси,
Куруқ умид ярамасдан дард, корига.

Барчасидан қийини шу Мингбой чолга,
Умид маҳкам чангал солган пеш барига.
Ёлғизликда ҳамроҳ унга кўл тўлқини,
Панжа урган соҳилларнинг тик жарига.

“Орзуларим тўлқинлардай бисёр эди,
Тангрим мени куруқ қўймай ўғил бердинг...
Ўғлим билан бирга кетган умид оти,
Нега ўзинг яйдоқланиб, ёлғиз келдинг?”

Яшаш учун шукр, бари мўл-кўлчилик,
Тангрим, ўзинг ризку рўз ҳам уй-жой бердинг.
Қўш қанот-ла олис кетган сафарингдан,
Умид, нечун бир қаноти майиб келдинг?”

Беришингнинг қизиги не, олар бўлсанг?”
Бояқиш чол чувранади ўз-ўзига.

Хаёлларин гирдобиди бир неча бор
Ўғли Женгиш кўриди ҳам чол кўзига.

Чол ниҳоят қантарилган отин миниб,
Эрта яна келиш учун ташламай тоб,
Доимгидек ёлғиз кетди боши куйи,
Беҳафсала, отга урмай қамчи шитоб.

Лек, оёғи тортмади ҳеч ўз уйига,
Ҳар гал ёлғиз бориш унга – охир замон.
Бу гал унинг кўнгли тусаб бир дардкашини,
Отин бурди Қурманбекнинг уйи томон.

Қурманбеги унга қурдош – етмиш ёшда,
Олтмиш баҳор қаршилаган кампирини.
Аскияда бас келолмас ёш-яланглар,
Бир – биридан яширмайди дард-сирини.

Салом-алик, меҳмон олди тўрдан жойни,
Дийдорлашди қадрдонлар, суҳбат – майиз.
Мингбой чолни овутади Қурманбеги,
Панд-насиҳат дастурхонга қўшди файз.

“Мингбой дўстим, ироданг кўп бўш-да сенинг,
Ғам-ғуссадан бошинг чиқмай қолди сира.
Токайгача “ёлғизимлаб” оҳ урасан?
Ғайрат қил-да, энди бошинг кўтар, жўра!

Ёв енгилди, омон бўлса бир кун келар,
Шаҳид бўлса, Ота юрти тўккай кўз ёш.
У кўмилган қабри узра йил айланиб,
Ўсиб чиққай бир қарағай – навқирон, ёш.

Бир ўзимдан олтитаси кетди жангга,
Мендайлардан қанча, хато топ сўзимдан.
Олтитадан иккитаси қайтди майиб,
Ўшанда ҳам чиқармадим ёш кўзимдан.

Тақдирга тан бериб, яна қилдим шукр,
Илдизимни қуритмади қодир Худо.
Ёш саксоннинг бўсағасин ҳатлаганда,
Ана кўргини, яна ўғил бўлди бино.

Улғайганда юрт бошига иш тушса гар,
Майли, Ватан олаверсин бунисин ҳам

Ёвга кетиб, қайтмаса гар ойлаб, йиллаб,
Оҳ-воҳларсиз, бардош билан кутгум ҳар дам”.

Болакайни кўриб хурсанд Мингбой деди:
– Исмин Женгиш қўйса жуда бўларкан соз,
Дардкаш суҳбат ҳамда мурғак бола боис.
Мингбой чолнинг кўтарилди кўнгли бир оз.

Мезбонга ҳам маъқул келди дўст таклифи,
– Етмиш ёшда топган ўғлим – катта хирмон.
Кўйган исминг тўққизинчи майга мосдир,
Женгиш бўлса, майли бўлсин, – деди Қурмон.

Отга миниб Мингбой йўлга бўлди равон,
Уйга эмас яна кўлга қараб чопар.
Кўлда ҳамон шалоपлаган довул, тўлқин,
Кўл қаъридан нени излаб, нени топар?

Эсиз бола, ёлғизгина ўғил эди,
Отасига, онасига ҳўп меҳрибон.
Варшавага яқин ерди улар мангу,
Дўстлик қабри бўлди унга сўнги макон.

Энди бизга салом айтиб, қўлин бермас,
Эркаланиб онасига демас “ойи”.
Ҳув анови келаётган оқ кемада
Ҳамишага бўшдир энди унинг жойи.

Женгишбеги ғалабага қурбон бўлди,
Нақ манглайдан душманларнинг ўқин еган.
Кўлни тугён урдирувчи изғиринга
Отамларга мандан дарак бергин деган.

Шундан бери отасига белги бериб,
Кўл безовта тўлқинларин қилмай қанда
Лек, инсонда умид экан чиқмаган жон.
Ота шўрлик кўлга ҳар кун қўяр танда.

Қўйинг, отам, беҳудага йўл пойламанг,
Инсон кўрар неки бўлса пешонада.
Тўққизинчи май кунлари шам ёндиринг,
Женгишбекнинг руҳи мавжуд парвонада.

Иссиқкўл соҳилларинг сабрин синаб,
Ҳар дақиқа тўшин уриб, қўяр қалла.

Сув куймас-ку, лекин боқсанг бир мўъжиза,
Тўлқинлари ловуллаган нақ аланга.

Савол ва ҷавоблар

1. "Кўл тўлқини" дostonини ўқиб чиқдингиз. Дoston қандай тарихий воқеа туфайли ёзилган?
2. Дostonнинг кириш қисмида Иссиқкўл банларгоҳи қандай тасвирланади?
3. Ҳамма тарқади. Бир Мингбой чол қолди. Унинг кўллари Фарб томонида. Нима учун?
4. Дostonда Мингбой чол ўтмиши қандай тасвирланган? У нимани умид қилади?
5. Чолнинг кампири ва қизининг хатти-ҳаракатларини аниқлап. Қиёсланг, дostonнинг бу ўринлари Абдулла Қаҳҳорнинг "Асрор бобо" ҳикоясига нимаси билан яқин?
6. Қурманбеги ким? У Мингбой чолга қандай таъбеҳ беради, қандай овутади?
7. Женгишбек нима учун қурбон бўлди? Тириклар уни эсдан чиқарадими? Нима учун?
9. Дoston нега "Кўл тўлқини" деб номланган? Тўлқинларнинг Мингбой чол қисматиға қандай алоқаси бор?
10. Дostonнинг бадийи хусусиятлари, тасвирий воситалари ҳақида мулоҳаза юритинг.

Тестларни ечинг.

1. Қирғиз шоир ва ёзувчилари рўйхати қайси жавобда тўғри берилган?

- А. Тўқтағул, Тўғолоқ Мўлда, Чингиз Айтматов, Алиқул Ўсмонов, Фитрат.
- Б. Тўқтағул, Тўғолоқ Мўлда, Чингиз Айтматов, Алиқул Ўсмонов, Мўлда Ниёз.
- В. Тўқтағул, Фурқат, Тўғолоқ Мўлда, Чингиз Айтматов, Алиқул Ўсмонов.
- Г. Тўқтағул, Тўғолоқ Мўлда, Чингиз Айтматов, Алиқул Ўсмонов, Чўлпон.
- Д. Тўқтағул, Тўғолоқ Мўлда, Ойбек, Чингиз Айтматов, Алиқул Ўсмонов.

2. "Она бугу" эртаги Чингиз Айтматовнинг қайси асарни таркибида келади?

- А. "Эрта келган турналар" да.
- Б. "Жамила" да.
- В. "Биринчи муаллим" да.
- Г. "Оқ кема" да.
- Д. "Қиёмат" да.

3. Чингиз Айтматов асарлари қайси жавобда тўғри берилган?

- А. "Юзма-юз", "Жамила", "Биринчи муаллим", "Улоқда", "Оқ кема".
- Б. "Асрга татиғулик кун", "Қиёмат", "Кассандра тамғаси", "Шайтанат".
- В. "Сомон йўли", "Алидо, Гулсари!", "Оқ кема", "Бўтакўз", "Жамила".
- Г. "Сарвқомат дилбарим", "Эрта келган турналар", "Гилам пайпоқ", "Бемор".
- Д. "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар", "Сариқ девини миниб", "Тоғлар кулаганда".

3. Шоир Алиқул Ўсмонов ўқувчилик йилларида қайси ҳикояни ёқтириб қолган?

- А. "Она бугу".
- Б. "Кўзгу".
- В. "Яйлов".
- Г. "Кўл тўлқини".
- Д. "Манас".

4. Алиқул Ўсмонов шеърлари қайси жавобда тўғри берилган?

- А. "Қизимға марсия", "Бемор шоир", "Саховат", "Абадият", "Кўл тўлқини".
- Б. "Қизил қарвон", "Умрга", "Бемор шоир", "Толубой синчи", "Яйлов".
- В. "Бемор шоир", "Саховат", "Қочқин", "Толубой синчи", "Саховат", "Умрга".
- Г. "Умрга", "Бемор шоир", "Қизил қарвон", "Қизимға марсия", "Саховат".
- Д. "Қизил қарвон", "Умрга", "Бемор шоир", "Саховат", "Абадият", "Яйлов".

6. Алиқул Ўсмонов ўзининг стим ўсганлигини қайси шеърда эслатади?

- А. "Умрга".
- Б. "Абадият".
- В. "Саховат".
- Г. "Қизимға марсия".
- Д. "Бемор шоир".

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

(1928 – 2008)

Қирғизистонда Чингиз Айтматов номини эшитмаган ўқувчи бўлмаса керак. Чунки юртдошимиз ўз асарлари билан бутун дунёга машҳур. Сиз ҳам бу номни яхши биласиз, чунки куйи синфларда ёзувчининг “Оқ кема”, “Сомон йўли” қиссаларидан, “Қиёмат” романидан парчалар ўқигансиз.

Чингиз Айтматов 1928 йил 12 декабрда Талас вилояти Шакар овулида туғилди. Унинг дадаси Тўракул Айтматов Қирғизистоннинг таниқли жамоат арбобларидан бири эди.

Чингизнинг ёшлик йиллари Иккинчи жаҳон урушининг машаққатли даврига тўғри келди. Чингиз мактабда ўқиш билан бирга турли вазифаларни бажара бошлади.

Чингиз ёшлигидаёқ бадий адабиётга улкан меҳр ва ихлос қўйган, мидний, қардош ва жаҳон адабиётининг нодир намуналарини севиб мутолаа қилган эди. Техникум ва институтда ўқиган даврда бадий ижод, хусусан, насрий асарлар яратиш билан астойдил шугулланади. 50-йилларнинг бошларида унинг дастлабки ҳикоя ва қиссалари эълон қилинади. Чингиз Айтматовнинг «Момо ер», «Оқ кема», «Алвидо, Гулсари», «Асрга татиғулик кун», «Кунда» асарлари жаҳон адабиётининг бебаҳо дурдоналарига айланиб кетди. Чингиз Айтматовнинг қиссалари ва романдарини Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суён Қораевлар маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилганлар. Биз қуйида яна адибнинг профессор Суён Қораев томонидан таржима қилинган “Ўтар қуш ноласи” ривоят-ҳикояси билан танишамиз.

Ўтар қуш ноласи

(Ривоят)

Този деганингиз алламбало ит-да – овулдан бир тўп отлиқ чиқди дегуича ҳозир у нозир. Тўс-тўполонда эргашиб олганини сезмай қоласиз, энди уни ҳайдаб, орқасига қайтариб бўлсиз, дўқ-пўписаларингиз бир пул – бари-бир кетмайди, гўё ҳайиққандай четга чиқиб, лўкиллаб кетаверади. Ростдан ҳам тозилар ғалати махлук – уларга дала-дашт бўлса, шовқин-сурон бўлса, одам гавжум бўлса бас, шундай пайтларни кутгани-кутган; эҳтимол шунинг учун ҳам овчи ит дейилса керак.



Эломон итнинг кетидан қувиб Кўлгача чолиб борди. У дафн маросимида сўйиш учун мўлжалланган икки яшар наввосни бойлаб беришда хотин-ҳалаж, қари-қартаг билан бирга кетаётган акаси Турманга қарашиб юрганида този ити Учар оломонга илашиб, аzza-баzza сафарга отланиб қолибди: қувончи ичига сиғмай у ёқдан бу ёққа чопади, ҳали уни, ҳали буни ҳидлаб-ҳидлаб қўяди, буталар атрофида сакраб-сакраб, гоҳо бир зум тўхтаб, ҳуриб қўяди, одамларни сафарга тезлайди. Эломон итнинг отини айтиб ҳам, авраб-алдаб ҳам қанча чақирмасин, бари бефойда кетди. Одамларнинг овга эмас, балки таъзияга – кеннойиси Олмошнинг қўшни қишлоқда тўсатдан вафот этиб қолган ўн етти ёшли синглисининг жанозасига бораётганларини ақлсиз ит қаёқдан билсин, дейсиз; буни бияларга, ҳўкизларга миниб олганлар орасида чопқир отли биронта ҳам ёш йигит йўқлигидан билиб олса бўларди. Иссиққўл атрофларини макон тутган барча эркаклар, жамики энг яхши отлар, қурол кўтаришга қурби етадиган қирғизман деган йигит борки, бариси, ўша куни узоқда, тоғларнинг нариги томонида, бу ердан уч кунлик йўл бўлган Толчуй водийсида босқинчи жуңғор лашкарлари билан жон олиб жон бериб жанг қилаётганига този итнинг ақли етармиди! Мана, беш кундирки, Толчуй водийсидан ҳеч бир хабар йўқ. Аҳмоқ ит, саранг ит – бутун бир халқнинг тақдирини не кечгани номаълум бўлиб турган бир пайтда қандай одам ов ҳақида ўйлай оларди?

Аслини олганда, одамларнинг ғам-ташвишлари ит учун бир пул, уруш, айрилик, ўлим, умуман инсон боласининг гурбатлари билан итнинг нима иши бор; қани эди, унинг олдидан лип этиб қуёни, тулкини чиқа қолса-ю, тўзғитиб қува кетса, бундай онларда отлиқлар ҳам тозидан қолишмайди – жонини жабборга топшириб, ўлганига қарамай ўлжа кетидан от солишади...

Този тоқати тоқ бўлганидан ўқтин-ўқтин фингишиб-фингишиб қўяр, гоҳо ҳаммаининг олдига ўтиб, қисқа-қисқа хурар, сакраб-сакраб одамларни гир айланиб “бунчалик имилламасаларинг”, дегандек, шошилишга ундар, “тезроқ юринглар”, деган даъвати шундай кўзидан, бутун борлиғидан кўриниб турарди. Лекин сира Эломонга тутқич бермасди. Итга қўйиб берса, қани эди, суворийлар Учар кетидан отларини чоптирсалар, узангиларида тик туриб қий-чув солсалар, ёв кетидан қувганларидек шовқин-сурон кўтарсалару бутун борлиқ ов завқ-шавқи билан яшаса. Този ҳамманн ана шундай ов нашъасини суришга чорларди...

Э-воҳ! Одамлар овга эмас, жанозага кетишаётганди. Чолу кампирлар ғам-аламдан бошларини ҳам қилиб, жангарлари Сенгирбойнинг келини Олмошнинг бошига тушган кулфатга шерик бўлиб, қондошлик бурчларини ўташ учун кетишаётган эди. Шу боис қора този ит Учарга ҳеч ким эътибор бермасди. Шум хабар уруғдошлар учун энг оғир ва хатарли бир пайтда етиб келди. Улар бундан, бор-йўғи олти ой бурун Сенгирбойнинг ҳурмати деб эмас, – ахир, у ким бўлибди, – балки Олмошнинг эри, ҳозир Толчуй водийсида улкан қирғин-барот жаида қатнашаётган Кўйчимашнинг ҳурмати, энг муҳими, ушоқ қашшоқ бўзуйлар уруғининг фахри, буюк ўтовсоз уста Сенгирбойлар оиласига келин

бўлиб тушган Олмошнинг ҳурмати учун тишларини-тишларига қўйиб чидаётган эдилар бу оворагарчиликларга. Сенгирбой бобо эса, мана уч кул бўлибдики, туролмасдан ётибди – чолни кўпдан бери юраги безовта қиларди, қудалар тарафдан келган совуқ хабар устани йиқитди – Сенгирбойлар келинининг бир қориндан талашиб тушган синглиси – ўн етти яшар Улқан дунёдан кўз юмибди. Ўтовсоз уста қудаларининг ҳурмати ва уруғдошларнинг удуми, деб бўйига етган қиз боланинг дафи маросимида иштирок этиш учун шоша-пиша пўстинини кийди, ўсмир ўғилларидан Турман билан Эломон чолнинг икки қўлтиғидан ушлаб ҳовлида эгарлоғлик турган отга томон юришаётган эди. Сенгирбой бобо ўтов бўсағасидан ўтиши биланоқ юрагини чапгаллаб қолди, оёғини узанинга солишга ҳам улгура олмади. Оғриқдан инграб, отнинг ёлига ёпишганича, оёқда базур туриб йиқилгудек чайқалди.

Шунда урф-одатга кўра, бутун ишларни хотини Кертўлга-заифа ўз қўлига олди. Кампир лозим бўлса, ҳамма ишни жойига қўяди. Кертўлга-заифа чолнинг ўғиллари ёрдамида уйга олиб кирди, ечинтирди, тезгина ўрнига ётқизди ва ўтовсозга деди:

– Уста, қудаларникига жанозага бора олмасангиз, Худо кўриб турибди, ўзи кечиради. Бу ишни менга топширинг. Сиздан кейин бу уйнинг кайвониси мен эди, вақти келар, бўзуи уруғимизнинг уруғ онаси ҳам мен бўламан. Мотамда йиғлаш учун бўзуйликларга мен бош бўлиб борсам, қудалар хафа бўлишмас. Ҳозир хафа бўлишининг мавриди эмас – Толчуй водийсида нималар юз бераётганини ҳеч ким билмайди: ўғилларимиз ғалаба билан қайтишадими, худо билади. Ҳозирча ҳеч хабар йўқ – ҳамма юрагини ҳовучлаб турибди. Сиз худодан тани соғлиқ сўранг, жанг қилаётганларга омад тиланг! Ўзингизни эҳтиётланг, сиз бўзуйликларнинг бошчисисиз, менинг учун эса, уч боламнинг отаси, энг улуғ одамсиз. Мана шу мусибатли хизмати адо этишни менга ишонинг. Ўрнингиздан турманг, ётинг, Эломон сизга қараб туради, биз ҳаммамиз йўлга отланамиз.

Шундай гап сўз бўлиб ўтди. Бу гаплардан кейин рангида ранг қолмаган, юзини тер босган ўтовсоз уста Сенгирбой бошини ёстиқдан кўтармасдан эшитилар-эшитилмас деди:

– Сен ҳақсан, кампир. Мен боролмагач, сен боришинг керак. Сен бўзуйликларнинг барини эргаштириб бор. Келинимиз Олмош қариндош-уруғлари орасида ёлғизланиб қолмасин. Узоқдан йиғи беринглар, ҳамма эшитсин, барча бўзуйликларнинг йиғлаганини халқ билсин, овозларининг баланд кўтариб гиря қилингларики, қудаларимиз куёвлари Қўйчиман билан ўлим тўшагида ётган катта қуда – менинг йўқлигимни сезишмасин. Билиб қўйинглар: ҳаммамиз инсон эканмиз, уруш қанча даҳшатли бўлмасин, ўлганларни ҳурмат-иззат билан дафи этишни унутмаслигимиз керак...

Шу равнишда, ушоқ бўзуи уруғидан бўлган болали аёллар, чол-кампирлар йўлга чиқишди, уларнинг бутун қалби жунғор ўйротлари билан бўлаётган жанг

нима билан тугаркан, деб безовта эди. Ҳамма ўша томонда, Толчуй водийсида нималар содир бўлаётгани ҳақида ўйларди: нега, ҳеч хабар йўқ? Нега, ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди? Уруғнинг, халқнинг ор-номусини сақлаб қолиш учун йигитлар қирғин-баротга юз тутиб кетишган. Улар кўнгиллари ғаш, зўр хавотирда жўнаб кетишган.

Учарни тутиб, бўйнига камарни солиш Эломон учун осон бўлмади – тозининг одамларга қўшилиб кетиб қолиши ҳеч гап эмас эди-да! Шунда ҳам Учар бўйнидаги боғичи билан олға интилар, бўшаб кетишга уринарди. Лекин итни қўйиб юбориш мумкин эмас – ёт жойларда тозини овул итлари галаси ғажиб ташлаган бўларди. Албатта, шундай бўларди.

Эломон учарни бўйнидан ушлаб турар экан, нима дейишини билмай туриб қолди. Жанозага кетаётганларга “Яхши бориб келинглар” дейишмайди-ку! Онаси оти устида жиловни тортиб, турар экан, ўғлига: нега серрайиб туриб қолдинг? Тезроқ уйга борсанг-чи! – деди қовоғини солиб. – Отангга қара, эшитяпсанми? Олдидан бир қадам ҳам кетма, уқдингми?

Эломон “тушундим” дегандек бош ирғади. Онаси айтганларининг ҳаммасини қилади. Эломон онасига, унинг буғдойранг, ажинлар билан қопланган ғамгин қаримсиқ юзига боқар экан, кампирнинг ҳозиргидай ташвиш тортганини ҳеч эслай олмайди. Эломон онасига қараб деди: “Кўргиликларимиз бор экан, энди сиз кетаверинг. Биз учун ғам еманг. Мен энди ёш бола эмасман-ку! Ҳамма тайинлаганларингизни қиламан, Отамдан бир қадам нари жилмайман. Фақат Қўйчиман акам от устида узангисига оёқ тираб омон келса бас. Жасадини эгарга ўнгариб келишмаса бўлгани. Илоҳим, барча йигитлар от устида тик туриб келишсин, эгарга бўктарги қилиб кўндаланг ётқизиб келгилдик этмасин! Отам билан мен ҳақимда ташвиш тортманг, сизнинг буюрганларингизнинг ҳаммасини қиламан”.

Кертўлға-заифа тизгинни тортиб турар экан, қора този ити билан ёлғизоёқ йўлда қолган кенжатоёнга кўз қирини солар экан, тўсатдан юрагида оғриқ пайдо бўлди, хаёлидан шундай ўйлар кечди: бу ҳали бола-ку, отаси нима бўларкан, акаси Қўйчиман саломатмикан ёки ўйротларнинг найзасидан ер тишлаб қолдимикан? Чолимнинг, ўғилларимнинг ҳоли не кечаркан, барча-барчасининг, эл-юртнинг бошига қандай кунлар тушаркан? Ана шу даҳшатли ўй-хаёллارини билдириб қўймаслик учун ғўлдирди:

– Ўғлим, овулга чоп, сени ва отангни Тангрига топширдим. Сал юргач, яна тўхтади – боришинг билан отангга ҳалиги ўтдан дамлама қилиб ичир...

– Хўп бўлади, дарров дамлама қилиб бераман, – деб онасига ваъда берди.

Кампирнинг бу гапларга кўнгли тўлмади шекилли, дорини тайёрлаш йўлларини тушунтира кетди:

– Ўтнинг устига вақирлаб турган қайноқ сув қўйиб дамлаб кўясан, сал совиғандан кейин отангга берасан, терлагулча ичсин, шундан кейин кўкраги бўшаб енгил тортиб қолади.

– Менинг гапларимни уқдингми, тушундингми? – деб қайта-қайта сўради ўғлидан Кертўлга-заифа.

Айтганларининг ҳаммасига ўглининг тушуниб олганига ишонч ҳосил қилгач, бойвучча бошқалар кетидан отига қамчи босиб қўл бўйлаб кетди. Лекин сал ўтмасдан у ёқ-бу ёққа аланг-жалаң қарар экан, яна тўхтади-да отдан тушди:

– Эломон, бу ёққа кел, болам, – деб ўялини чақирди. – Отни ушлаб тур, мен Қўлга сиғиниб олай. Кетдик.

Кампир шундай деди-да қўлга томон юзини бурди ва шошилмасдан қўлга қараб салобат билан тантанавор қадам ташлади. Қаттиқ шамоллар турганда тўлқин-тўлқин бўлиб уюлиб қолган топ-тоза қизғиш майда кум устидан юрди. Бошига сурдан саллага ўхшатиб томоғигача қаттиқ ўраб олган опшоқ қордай катта элачакдан бойвуччанинг фақат юзи кўринарди; элачакда кампир бироз яшаргандек туюлса-да, чаккасидан оқ сочлари кўришиб турарди. Бойвучча қариса ҳам жисмонан ҳали бақувват, ҳатто хушбичим эди. Олмошни келин қилиб туширгунгача бутун тирикчиликни ўзи қилар эди-да – тўртга эркак: уч ўғил билан эрига қарашнинг ўзи бўлмайди, уй ишларида эса, эркакларнинг фойдасидан зарари кўпроқ.

Қўл ёқасидаги кум устида оҳишта оёқ босар экан, Кертўлга-заифа дунё ва оила ташвишларини бир зум унутгандек, фикрини жамлаб, қўлга қараб юрди-да, қандайдир ҳаяжон ва руҳий кўтаринкилик билан ўйноқи мовий сув юзига, узоқ-узоқларда бўзариб турган қорли чўққиларга, тоғ тепаларидаги хири булутларга назар ташлади. Буларнинг ҳаммаси одам учун макон қилиб яратилган зоҳирий бир кенг дунё, илоҳ каби қудратли, унинг ердаги тимсоли каби ҳаётбахш дунё эдики, бани башар ана шу дунё измида бўлиб келган.

Кертўлга-заифа кўпириб келиб-кўпириб қайтиб турадиган қирғоқ тўлқини етар-етмас жойда майда шағаллар устида тўхтади. Эломон ҳам бир қўли билан отни етаклаб, иккинчисида тозисини ушлаб шу ерга келди. Она чўкка тушиб ўтирди, ўғли ҳам чўккалади; шундан кейин кампир секин ва оҳишта пичирлаб Қўлга ёлвора бошлади:

– Эй, Иссиққўл, сен Ернинг кўзисан, сен ҳар доим осмонга боқиб турасан. Мен сенга илтижо қиламан, сен – мангу, музламайдиган Иссиққўлсан, мен Кўкка, ҳокими тақдир бўлмиш Тангрига муножот қиламан, Тангри сенинг қаърингга назар ташлаганда менинг ўтинчларимни билиб олажак.

Эй Тангри, хатарли ва даҳшатли дамларда ўйротларга қарши курашда бизга куч-қудрат бер. Тоғларингда сенинг неъматларингдан татиб, яйлов-ўтлоқларингда чорва молларини боқиб кун кўрадиган олти аймоқли қирғиз халқимизни ўзинг асра. Бизнинг ўчоқларимизнинг ўйрот отлари туёқлари остида топталишига йўл қўйма. Одил бўл – аёвсиз очиқ жангда бизга ғалабангни дариг тутма. Хув, анави тоғлар ортида, Толчўй водийсида нималар бўлаётганини билмаймиз. На бир хабар бор, на бир чопар бор жанг майдонидан

– кутавериб кўзларимиз тешилди, юракларимиз адоий тамом бўлди. Нималар бўляпти? Бизларни эртага нималар кутяпти? Тангрим, душман билан аёвсиз жанг қилиш учун кетган йигитларнинг жонларини омон сақла. Бизларга уларни эгар устида кўришни насиб эт, жасадлари отларига ортиб келгулик қила кўрма, илойим.

Менинг ибодатимни эшит, мен уч ўғилнинг онасиман...

Эломон ҳам чўкка тушиб, бир қўли билан тозиси Учарнинг бўйнидаги камардан, иккинчи қўли билан эса ёлдор жийрон биянинг тизгинидан тутиб турарди. У қўл юзасининг нафас олгандек бир пасайиб, бир кўтарилиб турган қорамтир сағрисига аҳамият берди. Кўл ҳозир сокин эди, сув юзаси майда тўлқинлар ёлқинида жонланиб ётарди. Узоқ чўзилган қишнинг адоғида, баҳор бошларида Иссиққўл соҳили овлоқ қолгандек, ўт-ўлансиз эди – тўқайлар шип-шийдам, қуруқ хас-чўплар фэйзсиз; на бир ўтов бор, на бир отлиқ, на кўч-кўрон, на далада мол подалари...

Бироқ Иссиққўл бўйида қишлаб қолган ўтар қушлар баҳор ҳидидан янги ўлкаларга йўл олиш пайти яқинлашиб қолганини сезиб, кўл устида тўп-тўп бўлиб уча бошлайдилар, улкан галаларга уюшган қушлар эса тоғ этаклари бўйлаб парвоз қилиб, тез учиб машқини оладилар. Қаёққа қараманг, қушларнинг шодон қичқириқлари ва овозлари ёғдули баҳор ҳавосида узоқ-узоқларга таралади.

Мана, яқингинада бир қизилоёқли, кулранг ғозлар галаси шиддат билан учиб ўтгани кўзга чалинди. Ғозлар бебош шовқин кўтариб, овозларининг борича ғақиллаб шундай паст учиб ўтдиларки, қанот патларининг шовуллагани ҳам эшитилиб турди. Эломон кўз устида учиб юрган бир неча гала ўтар қушларни кўрди. Будар ғозларми, ўрдакдарми, оққушларми ёки узуноёқ очпушти қизилғозларми – бола фарқлай олмасди. Чунки бу қушлар жуда узоқда ва баландда тўп-тўп бўлиб учиб ўтарди. Фақат уларнинг чуғур-чуғури баъзан аниқ эшитилса, баъзида элас-элас қулоққа чалинарди. “Демак, бу қушлар эртами-индини учиб кетади”, деб ўйлаб қолди бола.

Онаси эса, дилдаги бутун дардини айтиб, жон-жаҳди ва эҳтирос билан Кўк Тангрига тавалло қиларди. У эри – буюк ўтовсоз Сенгирбойга раҳм-шафқат этишини сўради, ахир устанинг дарди тобора кучайиб бораётир, ҳатто бугун отга ҳам мина олмади.

– Тангрим, отамиз, қўли гул устанинг жонини омон сақла, – деди у. – Бизнинг диёримизда ўтовсоз Сенгирбойнинг қўли билан ясалмаган биронта ўтовни топиш амри маҳол. Унинг ўз умрида қанча ўтов ясаганини ҳеч ким билмайди! Ахир, ҳеч ким бошпанасиз яшай олмайди – ёш ҳам, қари ҳам, бой ҳам, камбағал ҳам, қўйчивон ҳам, бия соғувчи ҳам!

У яна Тангрідан неваралар сўради, яна қанчадан-қанча илтижолар қилди... Ахир, одамнинг орзу-ҳаваси, дарду алами кам дейсизми бу дунёда...

Қордан чойшаб ёпинган қояли тоғлар орасида осмонга кўз қадаган буюк кўк кўл суви тиним билмас, жонли махлуқдай тўлганар, ўз-ўзидан пайдо бўлиб, яна йўқоладиган улкан эринчок тўлқинларин бағрида эркалар эди. Оби омбор кечаси бўрон кўтариш учун уммон янглиг керишиб куч йиғаётгандек эди. Ҳозирча эса, шаффоф кўл устида, унинг баҳор қуёшини эмган зилол сувлари тепасида дунё бўйлаб янги узоқ ва хатарли сафарга отланадиган пайт яқинлашаётганини сезган ўтар қушлар ҳамон юксакликда чаппор урар, ҳамон жўровоз бўлиб, жар солиб осмонни бошига кўтарарди.

Она бўлса ҳамон астойдил, бутун борлиғи билан муножот қиларди:

– Тангрим, эшит, ўзининг оқ она сутим ҳурмати-ла, ёлвориб ўтинаман! Сенга, буюк ҳокими тақдирга – Кўк Тангрига илтижо қилиш учун биз бу ерга, сенинг Ердаги кўзингга – муқаддас Иссиқкўлинига келдик. Мана мен, менинг ёнимда ўғлим Эломон – менинг кенжатоийим, энди мен на яхши, на ёмон фарзанд туға оламан, фақат сендан сўраганим шуки, менинг эркатойимга отаси Сенгирбойнинг усталигини бер, ўзининг усталikka эби ҳам бор... Кенжатоийим акаси Қўйчимаанга ўхшаб – “Манас” айтмоқчи. Бу илтижомни ҳам ижобат қил, энг аввало ва энг муҳими, унга азалий Сўзининг қудратини ато эт – ўша Сўз илдиз отгандек жон ва тан билан чирмашиб кетсин, у Сўзни – аждодлардан авлодларга ўтадиган, ўз болалари ва неваралари учун қоладиган Сўзни асраб-авайласин, аждодлар қирғиз номини олган даврдан этиб келган Сўзни ўзида жо қила оладиган куч-қудрат бер унга...

Мен уч ўғилнинг онасиман, Тангрим, менинг илтижоларимни қабул қилгайсан. Одам билан доимо ёнима-ёни яшайдиган тилсиз махлуқлар – ўғлимнинг ўнг тарафида турган ва манаман деган йиртқични қувиб етадиган бизнинг този итимиз Учар ҳам, ўғлимнинг чап тарафида турган, бирон марта қисир қолмаган жийрон бия ҳам бизлар билан бирга ўтиниб сўрайди Сендан...

Эломонга шундай туюлдики, онаси гарчи пичирлаб, эшитилар-эшитилмас оҳангда муножот қилган бўлса ҳам, унинг сўзлари ҳаммани сеҳрлаб қўйган жўшқин хитоб сингари бутун кўл бўйлаб янграб, ҳамма ёққа ёйилиб таралиб кетди; гўё унинг сўзлари кўл атрофидаги тоғларда “Тангрим, менга қулоқ сол, менинг сўзларимни эшит...” деган ташвишли ва аниқ аке-садо берди.

Онаси отга миниб, кўлининг жиягида кичкина тўп бўлиб узоқлашиб кетган шериклари ортидан шоша-пиша жўнаб кетгандан кейин ҳам Эломон севикли тозиси Учарни ушлаганича аича вақтгача жойида туриб қолди. Бола ҳали ўша кунини, Кўлда онаси Тангрига илтижо қилган ўша дақиқаларни умрида бир-икки мартагина эмас, балки кўп марталаб эсга олажанини, хурсандчилик онларида ҳам, бошига иш тушган пайтларда ҳам йиғлаб эслаяжанини, онаси Эломоннинг буюк манасчи бўлишини Тангридан сўрагани учун, шунинг шарофати бўлса керак, халқ уни “Момақалдироқдек гулдираган манасчи Эломон” деб атагани учун тақдирдан рози бўлажанини ҳали билмасди. У ўзининг ёшлик даври ўйротларининг босқинчилик йилларига тўғри келишини,

қирғизларнинг “Манас”ни Эломон ижросида овлоқ дараларга яшириниб олиб, йиғлаб эшитажакларини хаёлига ҳам келтирмасди. Эломон “Манас” айтишга киришишдан аввал онасининг Кўл бўйидаги дуосини албатта эслаяжагини, манасчи ўғли Эломонни яширгани учун онасини ўйротлар ўлдиражакларини, дostonнинг юракдан чиққан бошламаси Эломон учун ҳам таскин, ҳам халқ руҳи буюклиги, ҳам халқнинг умрбоқийлиги куйланган Сўзнинг гўзаллиги ва тераиллиги ифодаси бўлажаги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди. У “Манас”нинг Эломон оғзидан чиққан куйидаги сўзларини одамларнинг бутун вужуди қулоққа айланиб, нафас олишдан ҳам ўзларини тийиб эшитажакларини билмасди:

“Қирғизлар, қирғизимиз, ҳаммамиздан буюгимиз Манас ҳақида сўз очай.

Ўша кунлардан то шу кунларгача қанча кунлар қумдай оқиб кетди, бир-бирларини қувиб сон-саноқсиз тунлар ўтди қайтиб келмасдан, йиллар ва асрлар қарвони исиз поёнсизликда йўқолди... Бу дунёда ўша кунлардан буён қанча жонлар келиб-кетди, дунёда қанча тошлар бўлса шунча одамлар, балки ундан ҳам кўп одам келиб, кетгандир. Улар орасида буюк кишилар, кўплар танимайдиган кишилар ҳам бор эди. Яхши одамлар ҳам, ёмон одамлар ҳам ўтди. Тоғқомат полвонлар ҳам, йўлбарселбат баҳодирлар ҳам бор эди, аллома донишмандлар ҳам, кўли гул усталар ҳам ўтди, қанча халқлар келиб-кетди, уларнинг фақат номлари қолди.

Кечаги бор нарса – бугун йўқ. Бу дунёга ҳамма келади ва ҳамма кетади. Бу дунёда фақат юлдузлар мангу туради, мангу ойма қараб олам кезади, фақат мангу қуёш абадий Шарқдан чиқади, фақат Ерғина ўзининг абадий ўрнида туради. Ерда фақат одамларнинг хотираси ҳаммадан узоқ яшайди, одамнинг умр йўли эса қисқа – қош билан қовоқ орасида. Одамдан одамга ўтадиган фикргина боқийдир; авлодлардан авлодларга қоладиган сўзгина абадийдир...

Ўша кунлардан буён ўтган вақтда Ер ўз қиёфасини кўп марта ўзгартирди. Тоғлар йўқ текисликларда ўрқач-ўрқач тоғлар юксалди. Олдинги тоғлар ўрнида қуруқ даштлар пайдо бўлди. Жарлар емиридиб сайхонликларга айланди; дарё-сойлар оқиб ётган ўзанлар текисланиб кетди. Айни вақтда ер устида ёмғир-қор сувлари чуқурликлар – жарликлару даралар ҳосил қилди. Дунё яратилгандан бери чайқалиб турган мовий денгизлар ўз ўрнини қумли чўлларга бўшатиб берди... Шаҳарлар қад кўтарди, шаҳарлар вайрон бўлди ва чордеворлар ўрнида янги деворлар тикланди...

Ўша кунлардан бу кунларгача сўз сўз туғди, фикр фикрга қўшилди, қўшиқ қўшиққа уланиб кетди, эртақ чўпчакка айланди. Саноқсиз душманларга қарши курашган қирғиз қабилаларининг халоскорлари бўлиб қолган Манас билан унинг ўғли Семетей ҳақидаги дoston бизга ана шундай етиб келди...

Бу дostonда биз ота-боболаримизнинг овозини эшитамиз, айни вақтда, неча асрлар олдин учиб ўтган қушнинг юксак парвози, тулпор туёқларининг аллақачон сўйган дукур-дукурлари, душманлар билан яккама-якка олишган ботирларнинг

ҳайқириқлари қулоғимизга келади. Йиғи овозларини ғалаба суронлари қулоққа чалинади. Ана шу сўзимизда ўтмиш ҳаёт тирикларнинг кўз олдиди, тирикларга ҳамду сано айтиш, тирикларни шарафлаш учун яна намоён бўлди...

Алқисса, биз буюклардан буюк Манас ҳақидаги ва унинг жасур ўли Семетей тўғрисидаги достонимизни бошлаймиз – тирикларга ҳамду сано айтиш учун, тирикларни шарафлаш учун..."

Бу болакай ўзининг Худонинг марҳамати ила қирғизларнинг жунғорларга қарши ҳаёт-мамот курашининг жарчиси бўлиб қолажagini ҳали билмасди, у ўз боши учун душман мингта тулпор ваъда қилажagini, хонлар ушлаб бергач, қозоқларнинг жазирама чўлида бутун танаси чавақланиб, кўзлари ўйилиб, қийноқларда ўлажagini ҳали ҳаёлига ҳам келтиролмасди. Ахири, қонига беланиб, ташналиқдан жон бераётган сўнитти онларда яна мана шу кунни, шу соатни, шу Кўлни – онаси илтижо қилган Кўлни; узоқ ўлкаларга учиб кетиш учун тўпланган ана шу қушларни яна эсга олажagini ва буларнинг ҳаммасини ўнгидатидек кўз олдига келтиргач, "Онажон!" деган хитоб билан жон беражagini ҳали билмасди.

Буларнинг ҳамма-ҳаммаси – шон-шухрат ҳам, кураш ҳам, ҳалокат ҳам олдинда эди...

Ҳозир эса, у Исикқўл ёқасида, онаси сажда қилган жойда тозиси Учарни ўз қўлидан чиқиб, одамлар ортидан чопиб кетмаслиги учун бўйнидан қаттиқ ушлаб турар эди. У бирдан касал отаси эсига тушиб, шошилиб қолди.

– Кетдик, Учар, кетдик, – деди у итига буйруқ бергандек ва тоғ ёнбағридаги овулга қараб шоша-пиша юра кетди. Кўлдан узоқлашганда ҳам қуш ғалаларининг бетиним чағир-чуғур, ғоқ-ғоқ овозлари қулоққа чалиниб турди...

* * *

Ўша кечаси тонг саҳарда кенжатоё Эломоннинг кўзи олдиди буюк ўтовсоз Сенгирбой фоний дунёдан кўз юмди. Отасининг охириги дақиқаларида хириллаб, нафаси тиқилиб ғализ айтган сўзларини деярли тушуниб бўлмасди. Лекин бола титраб-қақшаб ва йиғлаб отасининг юзига эгилиб турар экан, ўчоқдаги оловнинг ним ёруғида чол лабларининг ҳаракатида отасининг нима демоқчи бўлганини пайқайди, бола икки сўзини тушунди:

– Толчуйда... нима...

Тушунди-ю, лабини тишлаб йиғлаб юборди, сўнгра қаттиқ ҳўнгради ва ўзини йиғидан тия олмасдан деди:

– Йўқ, ота, ҳеч қандай хабар йўқ! Мен сизга қандай ёлғон гапирай! Ҳеч дарак йўқ. Мен бир ўзимман. Эшитяпсизми? Мен кўрқяпман. Ўлманг, отажон, сиз ўлманг, Тезда онам келади, тезда онам келади...

Ўғлининг сўзларига ота тушундимиди-йўқми, Худо билади. Шу заҳоти унинг жони чиқиб кетди, кўзлари очик қолди. Отаси жон таслим қилиш билан, яшн тезлигида келган ўлим чолнинг юзини кўрқинчли тусга киритиб, бутунлай

ўзгартириб юборгани заҳоти бола кўрққанидан ўтовдан отилиб чиқди ва нима қиларини билмай, ваҳимага тушиб, дод солиб ҳўнграб боши оққан томонга чопа кетди. Учар ҳам нима бўлганини тушунмаса-да, думини қисиб, кўрққаниса Эломон ортидан чопаверди. Эломон Иссиққўлнинг тўлқинлари мавжланиб ётган қирғоғига етгандагина ўзига келди. Шу ерда у серрайиб, туриб қолди.

Иссиққўл ўша кеча жунбушга келиб, шиддатли чайқалиб, тўлқинларни ўйнатмоқда эди. Бироқ Эломоннинг қулоғига бошқа товушлар – тўхтовсиз қий-чув эшитилди. У осмонга қаради ва нимқоронғи осмонда сон-саноксиз кушлар булутини кўрди. Беадад, тумонат кушлар. Қушлар Кўл устида катта доира ҳосил қилиб, айланиб учмоқда, йўлда учрайдиган тоғлар тепасидан ошиб ўтиш учун юксакликка кўтарилаётган эди. Ниҳоят, кушлар Кўл устидан охири марта айланиб учиб ўтди ва турнақатор тизилишиб, янада баландга кўтарила бориб Бўум дараси томон йўл олди ва довондан ошиб Толчуй водийси йўналишида кўздан ғойиб бўлди. Бола кушлар йироқ ўлкаларга узоқ муддатга учиб кетганини, уларнинг Толчуй водийсидан ўтишини, ундан наридаги номальум ва нотаниш юртларга боражатгани тушунди ва ўзини қўлга олиб, жони борича қичқирди:

– Бизнинг отамиз ўлди! Қўйчимаан акамга айтинглар – отамиз вафот этди! Отамиз ўлди, ўлди!..

* * *

Биз тоғлар устидан учдик. Довонга етганимизда қаттиқ шамол туриб, қоп-қора булутларни қаршимизга ҳайдаб келди. Олдин ёмғир томчиледи, кейин ҳўл қор ёвди, шалоббо бўлган қанотларимиз яхлади, учиб қийинлашди. Бизнинг галамиз орқага қайтди. Биз ҳаммамиз бақириб-чақириб яна кўл устида айланиб уча бошладик, қанотларимиз сергиди, айланиб учганимиз сари юксакликка кўтарила бордик, сўнг яна йўлга тушдик. Лекин бу гал шу қадар баланд кўтарилиб учдикки, тоғлару булутлар жуда пастда қолиб кетди, қуёш нурлари бизни қувиб етганда довондан ошиб ўтган эдик, остимизда узоқда Толчуй водийси кенг ёйилиб ётарди. Эҳ, роҳатбахш Толчуй, буюк чўлларга туташиб кетган гўзал водий! Бутун водий бошдан-оёқ қуёш нурларига чўмилиб ётарди, ерни яшил майсалар гилами қоплаган, дарахтларнинг новдалари эса, бўртиб, куртак боғлаганди.

Водийнинг ўртасида иланг-биланг бўлиб қумушранг Чуй дарёси оқиб ётибди, йўлимиз худди шу дарё ўзанидан ўтиши керак. Биз соғинганимиздан осмондан туриб водий билан ўз тилимизда қийқириб саломлашдик, сўнг дарё бўйлаб аста-секин пасая бошладик ва ерга яқинлашиб бордик. Чунки сал нарида дарё бўйида сувли қамишзор бор, куш қарвонларининг кўлдан бошланган донмий буюк йўлида биз биринчи марта ана шу ерга қўниб ўтишимиз керак.

Бу ерда биз дам олишимиз, озикланиб бўлгач, яна сафарга отлашимиз дозим. Бироқ бу гал одатдаги жойга қўниб ўтиш насиб этмади.

Галаларимиз қанотлари ва думлари ёрдамида парвози секинлашиб, биринкетин жонажон қўним жойимизга яқинлашганимизда қирғинбарот жанг устидан чиқиб қолдик. Бу даҳшатли бир манзара эди. Сон-саноқсиз одамлар, минг-минглаб отлиқ ва пиёдалар шу ерда, бизнинг қўним жойимизда жон бериб, жон олишмоқда эди. Даҳшатли ҳайқириқлар, ваҳшиёна овозлар, бўкириш-ўкиришлар, наъралар, чинқиришлар, инграшлар, отларнинг кишнашлари, пишқиришлари осмону фалакни қоплаганди. Кенг майдонда одамлар бир-бирларини жаҳаннамга жўнатишмоқдайди. Кишилар бир қарасанг, наъра торттиб бир-бирларининг устига найза ўқталиб ёпирилишар, тўқнашиб қолганда бир-бирларини ерга йиқитишар, тириклайин устига от қўяр; бир қарасанг, бир-бирларидан қочиб узоқлашар; бир қарасанг, бировлар қочиб кетаётган бўлса, бошқалари қувиб кетарди. Кимлардир қамини орасида пичоқ ва қилич билан жанг қилиб, бир-бирини бўғизлар, қоринларини ёрарди. Қасоққа қараманг, одамларнинг жасадларини отларнинг ўликлари тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётар, сув кенг ёйилиб оққан жойда сон-саноқсиз мурдалар дарё сувини тўсиб қўйганди, қип-қизил қон аралаш сув ҳамма ёққа ёйилиб, отларнинг туёқлари остида қон халқобларини ҳосил этганди.

Бизнинг галаларимиз юраклари орқага торттиб, саросимага тушиб, гангиб қолди. Осмонда қий-чув бошланди, сафларимиз бузилиб кетди ва ҳаммамиз ваҳимага тушиб бетартиб булутлар каби бир жойда айланиб уча бошладик. Анча вақтгача ўзимизга келолмадик, бир-бирларини ўлдирган бахтсиз одамлар устида бирпас учиб юрдик. талая вақтгача галаларимизни тўплаш билан овора бўлдик, аллавақтгача тинчий олмадик. Охир-оқибат, биз ўша ерга қўниб ўта олмадик, ўша машъум жойдан кетишга ва сафарни давом эттиришга мажбур бўлдик...

* * *

Кечиринглар, ўтар қушлар! Бўлиб ўтган ваҳшийлик учун кечиринглар, бўлажак ваҳшийликлар учун кечиринглар. Бани одам ҳаёти нима учун шундай эканини, нега она заминда шунча ўлдирилганлар ва ўлдирилаётганлар борлигини мен тушунтириб бера олмайман, сизлар тушуна олмайсизлар... Кечиринглар, Худо ҳақи, кечиринглар, мусаффо кенгликларга сафар қиладиган самовий қушлар... Жанг тугагандан кейин у ерда қузғунлар базми бошланди, ўлимтиххўр қушлар жигилдони ёрилувча одам гўштига тўйиниши, учуш у ёқда турсин, қанотини ҳам қимирлата олмай қолишиди. Жангдан кейини шақаллар базми бошланди – чиябўриларнинг одам гўштига қорни шу қадар тўйган эдики, гавдаларини зўрға судраб кетишиди. Қушлар, кетинг бу ердан, бу муҳиш жойдан узоқ-узоқларга учиб кетинг.

Ибтидоий табиат мавжудлигидан буён шундай: ҳар сафар вақти етганда – эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас – ҳар йили бир хил вақтда қушлар узоқ сафарга отланади. Улар, албатта, учиб кетади, учганда ҳам фақат ана шу учар қушларгагина маълум ўзгармас ҳаво йўллари бўйлаб учиб, дунёнинг у чеккасида бу чеккасига боради. Момақалдиروқлари бўронлардан ўтиб, кечаю кундуз қанот қоқиб учади, ҳатто учаётиб ухлаб кетади. Уларнинг тириклик моҳияти шунда: табиат дунёсида нарсаларнинг ўзгармас тартиби мавжуд. Қуш қарвонлари шимолга, азим дарёлар бўйларига, азалдан уя ясаб бола очадиган жойларга учиб боради. Кузда эса, вояга етган болалари билан жанубга учиб келади, шу зайдда бу жараён узлуксиз такрорланаверади...

Мана, биз қанча қушлардан бери учиб кетяпмиз. Ана шу осмону фалақда, ана шу совуқ ҳукмрон юксакликда шамол мангу дарё каби шовқин солиб оқиб ётади. Бу дарё чексиз Коинотда нозоҳирий Вақтнинг номаълум томонга тиним билмай қилаётган ҳаракатидир.

Бизнинг бўйинларимиз камон ўқи, танамиз юрак бўлиб чарчоқ нима эканини билмасдан шиддат билан ҳаракатда. Ҳали сафар узоқ, толмасдан қанот қоқаверамиз, қанот қоқаверамиз...

Биз борган сари баланд кўтарилиб парвоз қилмоқдамиз... Энди тоғлар текисликдек бўлиб қолди, кейин эса, умуман кўринмай кетди, курраи замин бўлса узоқлашгандан узоқлашиб, ер юзаси чаплашиб кетгандай бўлди – қаерда Осиё, қаерда Оврупо, қаерда океанлару қаерда қуруқлик эканини фарқлаб бўлмай қолди. Гир атрофимизда бўшлиқ ҳукмрон, чексиз Коинотда фақат бизнинг Ер сайёрамизгина чўлда яшаган бўталоқ каби олам кезмоқда, секин сузиб онасини қидириб юрибди. Хўш, ўша она туя қани? Ернинг онаси, онаизори қани? Савол – жавобсиз! Фақат шамол, хилват юксакликларнинг шамоли гувиллайти, фақат Ер курраси ёш боланинг бошидек яқка-ёлғиз сузиб, чайқалиб қўймоқда – еримиз беқарор, еримиз беқарор. Наҳотки, ана шу ер шунчалик Яхшиликлар маскани, шунчалик Ёвузликлар макони бўлса?! Йўқ, ёвузликка эрк бермаслик керак, ўтинаман, кадхудолар, сўзамоллар, ижодкорлар!

Мен ана шу парвоз қилаётган галада бор-йўғи бир қушман. Мен турналарга кўшилиб учиб кетяпман ва ўзим ҳам турнаман. Мен турналар билан бирга қоронғу кечада юлдузларга қараб, кундузи экинзорлар ва шаҳарлар устидан учаман. Ўйларга толаман...

Қушлар галаси узоқда кўздан ғойиб бўлади. Қанотлари кўринмай кетади. Мана, гала осмонда бир кичкина нуқтага ўхшаб қолди ва у ҳам ғойиб бўлди...

Ҳадемай, яна баҳор келди ва яна осмони азимда турналар “қур-қур”и инграй бошлади...

Савол ва топшириқлар:

1. Муаллиф този ит характери, феъл-атворини тасвирлаш орқали қандай фожеа ҳақида хабар беради?
2. Бўзуйликларнинг қўшни қишлоққа жанозага боришга ҳозирланиши тасвири жараёнида қирғиз халқининг қандай ўзига хос удумлари кўрсатилганлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.
3. Жанозага борувчилар орасида нега эркаклар, бўй етган йигитлар йўқ?
4. Кертўлға-заифа кимнинг онаси? У қандай масъулиятни зиммасига олди ва нима учун? У йўлга чиқиш олдида нимага астойдил сиғинди?
5. Иссиққўлнинг қирғиз элига энг қадрли неъмат бўлиб қолишига нима сабаб деб ўйласиз?
6. Эломон келажакда ким бўлиб етишади? Буни муаллиф қандай баён қилади? Отаси ўлган пайтдаги Эломон ҳолатига мунсабатингиз?
7. Нима учун душманлар Эломоннинг боши учун минг тулпор ваъда қилдилар? Сўзининг қудрати, кучи ҳақидаги фикрларингизни айтинг.
8. Ўтар қушлар нигоҳи ва ҳикояси орқали муаллиф қандай фожеани тасвирлаб кўрсатди?
9. Асар нима учун “Ўтар қуш ноласи” деб номланган?
10. Ўтар қуш инсон тимсоли ҳам бўлиши мумкинми?
11. Муаллиф нима учун қушлардан зорланиб кечирим сўрайди?

ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН СЕРГЕЙ ЕСЕНИН

(1893–1925)



Сергей Есенин номи нафақат рус китобхонларига, балки ўзбек шеърхонларига ҳам яхши таниш. Унинг кўнгил лирикаси ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Чунки бу шеърят Ватанга, рус табиатига чексиз муҳаббат туйғулари билан тўлиқдир. Сергей Есенин рус адабиётининг “кумуш даври” вакилларида биридир. Бу давр рус адабиётининг жаҳонга таниқли Максим Горький, Александр Блок, Владимир Маяковский, Михаил Булгаков, Борис Пастернак, Анна Ахматова, Алексей Толстой каби адиблари бор эди.

Сергей Александрович Есенин 1895 йил 21 сентябрда Рязань губерниясининг Константиново қишлоғида туғилди. Болалигидан бобоси қўлида тарбияланди. Бобоси унга савод ўргатди, кўҳна қўшиқларни куйлади, Библияни ўқиб берди. Бувиси ва энагаси унга рус эртақларини айтиб бердилар. “Болалигимдан мен халқ ҳаёти ҳавосидан нафас олиб ўсдим”, – деб эслайди шоир.

Қишлоқ мактабини тугатгач, уни шаҳардаги икки йиллик ўқитувчилар мактабига бердилар. Шу ерда унда рус адабиётига қизиқиш уйғонди, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов шеърятини уни мафтун этди ва улар ижоди таъсирида ўзи ҳам шеърлар машқ қила бошлади.

1912 йили Есенин Москвага отасининг олдига келди. Савдо дўқонида отасига ёрдам бериш билан бирга ёзувчи бўлишни орзу қилган Есенин шоир Иван Суриковнинг адабий-музикавий тўғаратига қатнаша бошлади. Ўзининг шеърини машқларини Москва журналларида эълон қилди. Бундан ташқари ёзганларини Петроград нашриётларига юборди, 1915 йилда ўзи ҳам Петроградга борди.

Бу ерда замонасининг таниқли шоири Александр Блок билан танишув шоир ҳаётида катта воқеа бўлди. Блок унинг шеърларини эшитиб юқори баҳолади. У Есениннинг Петроградда жойлашувига ҳамда пойтахт адабий жамоатчилигига қўшилишувига ёрдам берди.

1916 йилда Есениннинг биринчи шеърлар тўплами “Радунице” номи билан босилди. Тўпلامдан диний афсоналар асосида ёзилган шеърлар билан бирга, асосан, рус табиати гўзаллигини куйловчи шеърлар ўрин олган эди.

1917 йилда содир бўлган Октябрь инқилобини Сергей Есенин қувонч ва эҳтирос билан кутиб олган бўлса-да, кейинроқ бу инқилобнинг инсон ҳақ-ҳуқуқи ва эркини оёқ ости қилувчи натижаларини кўриб, ундан кўнгли совий бошлади, маҳзун шеърлар ёзди.

1922 йил май ойида Есенин чет элга саёҳат қилади ва 1923 йил август ойида қайтиб келади. Келаси йили қишлоғига бориб, сўнг Кавказга кетади, Бакуда бўлади. Чет эллардан Ватанга қайтгач, шоир ижодида бир оз кўтаринки кайфият пайдо бўлди. Социализм ғалабаларини олқишлаб бир қатор шеър ва достонлар ижод қилди: “Ватанга қайтиш”, “Ленин”, “Замин дарғаси”, “Совет Руси”, “Станслар”, “Аёлга мактуб”, “Йнгирма олтилар балладаси”, “Улуғ жанг қиссаси” ва бошқалар.

Бироқ шоирнинг ҳақиқий юрак шеърятини маҳзунлик, ҳаётдан безиш, норозилик, бегубор болаликни, ўтмишни қўмсаш туйғуларни тарқ этмади. Шоир “ҳаёт йўлим” шеърисида ёзади:

Тор кулба. Ачимсиқ қорамой иси.
Кўҳна саждагоҳу липиллаган шам...
Қандай соз, ўша илк болалик ҳисси
Юрагимда яшар то шу дам.

Сергей Есенин шахс сифатида ўта эҳтиросли, ҳиссиётли, поэтик табиатли, бир қадар ўжар киши бўлган. Унинг муҳаббат лирикаси ўзинга ҳос ва бетакрордир. Шоир муҳаббат туйғуларини ғоят самимий ва нафис ифода қила олади. Унинг ошиқ лирик қаҳрамони ўзининг юрак сирларини, қайғу ҳасратини номдор кишининг итига сўйлаб дардлашишдан ҳам (Навойнинг Мажнунига ўхшаб) тортинмайди. “Бир кун спектаклдан қайтиб уйга келсам, - деб хотирлайди СССР халқ артисти В. И. Качалов, - Есенин шеър бағишлаган Джим исмли итимнинг қувноқ улиши эшитилди. Уйга кирдим ва аллақачон танишиб диванда кучоқлашиб ўтирган Есенин билан Джимга кўзим тушди. Есенин бир қўли билан Джимнинг бўйнидан кучиб, бир қўли билан панжаларини кафтида тутиб бўғиқ овозда шивирларди: “Туғилганимдан бери бунақа қўлчаларни кўрмаганман...”. Мана шу ҳолатда шоирнинг машҳур “Качаловнинг итига” шеъри дунёга келган:

Кел, Джим, узат панжангни менга,
Момик қўлчанг бунчалар майин.
Мен ҳам бу кеч қўшилиб сенга
Ойга боқиб нола қилайин,
Кел, Джим, узат панжангни менга...

...Меҳмонларинг кўп жуда, сонсиз,
Бир-бирига ўхшамас албат,
Мабодо бир ўйчан, маънос қиз
Шу томонга ўтмадим, айт?

У албатта келади бир кун,
Остонангдан ўтганда дилдор,
Менинг бор-йўқ гуноҳим учун
Қўлларин ўп, йиғла-ю, ёлвор.

Муҳаббат мавзусидаги шеърлари орасида шоирнинг “Форе тароналари” номли туркум шеърлари, айниқса, машҳурдир. Бу туркум шеърларда Шарқ гўзалига бўлган қайноқ, эҳтиросли шу билан бирга етиб бўлмас муҳаббат туйғулари, муҳаббат армонлари юксак бадният билан нафис ифода қилинади:

Бир жуфт оққуш жонон қўллари
Шўнғир олтин сочларим аро.
Бу дунёда одамлар бари
Ишқни куйлар такрор ва такрор.

Куйлаганман мен ҳам бир маҳал,
Букун яна такрорлар кўнгил,
Огаш сўзим боиси ўшал,
Нафис шеърим сабаби ҳам ул...

...Қандай яшай энди, билмайман,
Ё Шаҳи-ла кечсин тунларим.
Қариганда ё қилай армон
Ишқни куйлаб ўтган кунларим.

1924 – 1925 йиллар Есенин ижодининг энг гуркираган йиллари бўлди. Бу йилларда “Ўттиз олтилар достони”, “Анна Снегина” поэмаси, “Буюк юриш ҳақида кўшиқ” каби асарлари дунёга келди. Бироқ шу билан бирга шоир шахсиятидаги, руҳиятидаги зиддиятлар кучайиб, чуқурлашиб борди. Шоир ичкиликка берилди, ҳеч бир масалада ўз эҳтиросларини жиловламай қўйди. Ўзини бир оз ўнглаб олиш ниятида Москвадан Ленинградга кетди. Бироқ бу кўчиш ҳам шоир ҳаётини сақлаб қололмади – 1925 йил 27 декабрда у ўз жонига қасд қилди. Бу ўша даврдаги Шўро идораларининг хулосаси. Аслида шоир ўдими ҳозиргача сирли бўлиб қолмоқда. Шоир ўзини-ўзи ўлдирганми ёки ўлдиришганми? Аниқ жавоб йўқ.

Ачинарлиси шуки, иқтидорли рус шоири Сергей Есенин ўттиз ёшида ҳаётдан бевақт кўз юмди. Унинг ўлими рус шеърхонларини, унинг мухлисларини чуқур қайғуга ботирди.

Юқорида қайд қилганимиздек, Есенин шеърнати ўзбек китобхонлари учун ҳам бегона эмас. Унинг шеърнати шахси ва қисмати ўзига ўхшаб кетадиган Усмон Носирини мафтуи этган эди. Адабиётшунос Наим Каримов шоирнинг “Баргдай узлиб кетсам, Унутмас мени боғим” мисралари Сергей Есениннинг машҳур “Узиб ташлар бир кун куз – кекса боғбон Менинг бошимдаги заъфарон баргин” мисралари таъсирида битилганига ишора қилади.

Ёки ўтган асрнинг 60-йилларида шеърнатга кириб келган ўзбек шоирлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар ҳам Сергей Есениннинг ашаддий мухлислари эдилар. Шоир Эркин Воҳидов шоир шеърларини юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирди, аниқроғи Есенинни ўзбекча куйлатди. Юқоридаги ва қуйида бериладиган шоир шеърлари таржимаси Эркин Воҳидов қаламига мансуб. Сергей Есенин ҳақида Эркин Воҳидов шундай ёзган эди: “Одатда шоир таваллуд санасини нишонлаганда “у тирик бўлганда фалон ёшга кирар эди” деган сўзларни айтишади. Мен негадир Сергей Есенинни тўқсон ёшли чол сифатида кўз олдимга келтиролмайман. У дунёга чақмоқдек келиб кетди. Лаҳзадек умрида бор нурини сочиб, бутун борлигини намоён қилди. Есенин барча мухлислари тасавурида ўттиз ёшли ўт юрак йиғит, туйғулари тизгин билмаган ёш шоир бўлиб қолади”.

Савол ва ғошириқлар:

1. Сергей Есенин деган шоир номини бурун эшитган эдингизми? Шеърлари билан танишдингиз? Яна қайси рус шоир ва ёзувчиларини биласиз?
2. Есенин таржимаи ҳоли ҳақида гапириб беринг.
3. Унинг шоир сифатида ўсишига кимлар ёрдам кўрсатди?
4. Есенин шеърнатиининг асосий мавзулари ҳақида гапиринг. У қандай шеърлар яратди?
5. Шоир муҳаббат мавзусида қандай шеърлар ёзган?
6. Инқилобий-тарихий воқеалар Есенин ҳаёти ва ижодига қандай таъсир қилди?
7. Сергей Есенин ижодининг ўзбек шеърнатига таъсири ҳақида нималар дея olasiz?

* * *

Гўдакликдан маълум ҳар одам,
Бола бошдан деган гап тўғри.
Мабодо мен шоир бўлмасам,
Бўлар эдим безори, ўғри.

Жиккаккина шум бола эдим,
Тенгдошларим ичра “қаҳрамон”.
Қайтар эдим кўчадан доим
Бурним пачоқ, усти бошим қон.

Кўрқиб кетган онам қошида
Дердим туғиб узимни маҳкам:
“Ҳечқиси йўқ, қоқилдим тошга,
Эртагача қолмас ўрни ҳам”.

Йиллар ўтди, кетди болалик,
Ниҳоя йўқ армонларимга.
Ёшликдаги шўхлик, оловлик
Кўчдан шеъру дostonларимга.

Болалигим кетди борини –
Сатрларда қолдириб бутун.
Шеърларимда шум безорининг
Хислатлари акс этар бу кун.

Мағрурлигим ҳамон қолмаган,
Ҳамон баланд ўтли кўкрагим.
Болаликда бурним қонаган,
Бугун эса қондир юрагим.

Мендан кулган тўда қошида
Дейман тутиб ўзимни маҳкам:
“Ҳечқиси йўқ! Қоқилдим тошга,
Эртагача қолмас ўрни ҳам”.

Синглим Шурага

Бу дунёда мен бир йўловчи,
Шодон менга қўл силки, эркам.
Худди шундай тинч, эркаловчи,
Зиё тўқар куз фасли ой ҳам.

Исинурман оининг тафтига.
Илк бор ундан ором олар жон.
Аллақачон сўнган севгига
Умид боғлаб яшайман ҳамон.

Бунга боис – шу маконимиз,
Шу ер – оппоқ, шўр манглай турбат,
Қайлардадир топталган номус,
Кимлардадир қадрдон гурбат.

Яширмайман, ҳар ким ҳам билар:
Бошқа-бошқа эмас, жон синглим,
Иккимиз ҳам бир севги билан
Шу ватанга қўйганмиз кўнгил.

Ит ҳақида достон

Қуёш ўйнар жавдар хирмонда
Чипталарда нури тилла ранг.
Болалади она ит тонгда,
Етти кучук туғди малла ранг.

Ювиб-гараб тиллари билан
Оқшомгача эркалади у.
Она итнинг иссиқ бағридан
Қор устида эриб оқди сув.

Шўрлик она чопди кетидан,
Узоқ-узоқ қувлаб борди у.
Муздек терлар оқиб этидан,
Ачиқ-аччиқ увлаб борди у.

Оқшом пайти, товуқлар энди
Қўноғига тизилишган дам,
Уй эгаси хўмрайиб келди,
Қонга солди еттовини ҳам.

Бечорага эрмаклаб, кулиб,
Нон ўрнига отишгандек топ,
Ит кўзидан юлдузлар бўлиб
Қорга оқди томчи-томчи ёш.

Шўрлик она боласин сўраб
Кўкка боқиб увлади хаста.
Янги ой ҳам аста гилдираб
Тушиб кетди уфқдан пастга.

Ботқоқлардан кечиб ўтди лой,
Оёқлари толди, уринди.
Қайтар экан том устида ой
Боласинга ўхшаб кўринди.

Тонг отади беозор ва жим,
Туман ичра бўзарар осмон.
Букун яна сени эсладим,
Меҳрибоним, мунис онажон.

Авалгидек яна ҳойнаҳой
Тепаликка чиқарсан ҳар тун.
Сув устида қалқиб турган ой —
Тасвирига боқарсан маҳзун.

Қарайсану ўйга чўмарсан,
Ўртагучи дард кўксинг аро,
Хаёлингда ўғлинг бемаскан,
Ватанини ўйламас асло.

Қабристонга борасан аста,
Тошга боқиб кўрасан кимни?
Хўрсинасан майини ва хаста,
Ўйлаб ака-сингилларимни.

Гарчи ўсдик безори, чапан,
Қизлар эса май гулисимон.
Лекин хира кўзларинг билан
Бунча ғамгин боқма, онажон

Етар кулфат, етар ғам, алам,
Тушун ҳаёт алдоқларини.
Маъюс қолур ҳатто дарахт ҳам
Йўқотганда япроқларини.

Ноёблик бор қувончда, бахтда,
Висолдан кўп ҳаётда фироқ.
Чиригандан кўра дарахтда
Шамолларда ёнган яхшироқ.

* * *

Хайр энди, хайр, дўстгинам,
Қалбимдасан, кўнгил малҳами.
Муқаррар бу айриликнинг ҳам
Висоли бор олдинда ҳали.

Хайр, дўстим, сўзга очма лаб,
Кўй, мен учун ўртама бағир.
Бу ҳаётда ўлмоқ-ку бор гап,
Яшамоқ ҳам янгимас, ахир.

Савол ва топшириқлар:

1. "Гўдакликдан маълум ҳар одам" шеърдаги шоир кайфиятини аниқлашга интилинг.
2. *"Болаликда бурним қонаган, Бугун эса қондир юрагим"*, дейди лирик қаҳрамон. Сабаби нимада?
3. *"Синглим Шурага"* шеърда лирик қаҳрамоннинг қандай кайфияти зуҳур этган?
4. *"Ит ҳақида дoston"*нинг мазмунини сўзлаб беринг. Хўжайини ва она ит образларига шарҳ беринг. Шеърдаги ўхшатиш ва истиораларни топиб изоҳланг.
5. *"Тонг отади беозор ва жим..."* шеърдаги Она ҳолатига изоҳ беринг. У нега маъюс ва ғамгин? *"Маъюс қолур ҳатто дарахт ҳам Йўқотганда япроқларини"* мисраларидаги тасвирни реалик билан солиштиринг. Шоир ҳақми? Бу мисраларда рамзийлик борми?
6. Ушбу шеърда ифодаланган шоирнинг ҳаётини шioriни тошинг ва изоҳланг.
7. *"Хайр энди..."* шеърдаги шоир кайфияти, руҳий ҳолати ҳақида фикр юритинг. Шоир Абдулла Ориповнинг *"Ёмғирли кун энди..."* деб бошланувчи шеърини топиб, уни мазкур шеър билан солиштиринг. Улардаги ўхшашлик ва ўзига қосликни, фарқиятни аниқланг. Уларда кайфият яқинлиги бор деб ўйлайсизми?
8. Шеърларни ёд олинг ва ифодали ўқишга ҳаракат қилинг.

“Форс тароналари” туркумидан

Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,
Билсанг шимол Ватандир менга.
Далалардан сўйлайми сенга,
Ой нур сепган бошоқлардан ҳам.
Шаҳинам, о менинг Шаҳинам.

Билсанг шимол ватандир менга,
Унда ой ҳам юз бора улкан.
Шероз қанча бўлмасин кўркам,
Азиз ўлка Рязандир менга,
Билсанг шимол ватандир менга.

Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,
Шимол ёқда бир нозанин бор.
Сенга ўхшар, ғоятда дилдор,
Балки мени ўйлар ул санам...
Шаҳинам, о менинг Шаҳинам.

* * *

Ҳаво тоза, мусаффо, зангор.
Гулзор бўлди менга сайилгоҳ.
Уфқларга йўл олган сайёҳ,
Етолмайсан манзилга зинҳор,
Ҳаво тоза, мусаффо, зангор.

Далалардан ўтасан танҳо,
Боғлар сенга очади қучоқ.
Сен-чи бўлиб гулга маҳлиё.
Тиканларга босмагин оёқ,
Далалардан ўтганда танҳо.

Мана, узоқ кезиб пиёда
Чарчаганининг энгу матлаби:
Эсар салқин, хушбўй шаббода,
Шимиради қақраган лабим.
Эсар салқин, хушбўй шаббода.

Далалардан сўйлайми сенга?
Сочим олмиш бугдойидан ранг.
Бармоғингга ўра хоҳласанг,
Зарра оғриқ сезилмас менга,
Далалардан сўйлайми сенга?

Ой нур сепган бошоқлардан ҳам
Олтин сочим сўйласин, дилдор.
Кул, ўйна-ю даламни зинҳор
Эслатмагин менга жонгинам.
Ой нур сепган бошоқларни ҳам.

Шитирлар, йўк, шивирлар барглар,
Нафис, гўё Саъдий ғазали.
Кўзларингга кўкнинг гўзали –
Олтин ойдан ёғилади зар,
Нафис, гўё Саъдий ғазали.

Дил қўшигинг басталар пари,
Най сасидек майин, дилрабо.
Оғушига олса ул бариво
Кетар дилдан ғам, ҳижрон нари,
Най қуйлайди майин, дилрабо.

Хуросонда бир дарбоза бор,
Остонаси гулга кўмилган.
Унда яшар бир пари рухсор,
Хуросонда бир дарбоза бор,
Хайҳот, уни очолмадим ман.

Қўлларимда куч ҳам етарли,
Сочларимдан олтин ранг олган,
Асир этди мени ул пари,
Қўлда гарчи кучим етарли,
Ул эшикни очолмадим ман.

Хайр энди, хайр, паризод!
Дарбозангни очолмасам-да,
Ширин гаминг бирла умрбод
Куйлаб ўтай сени ўлкамда
Хайр энди, хайр, паризод!

* * *

Талпинма кўп, девона кўнгил,
Барчамиздан юз ўгирмиш бахт,
Шафқат тилар гадолар фақат...
Талпинма кўп, девона кўнгил.

Фусункор ой кийиб зар либос,
Шуъла тўкар каштанлар узра.
Қўйиб Лаълим сийнасига бош,
Ниқобини тортаман юзга.
Талпинма кўп, девона кўнгил.

Биз барчамиз гўдакмиз бир оз,
Гоҳ кўзда ёш, гоҳ лабда кулгу.
Бўлмиш ушбу дунёда мерос
Одамларга шодлик ва қайғу.
Талпинма кўп, девона кўнгил.

Мардлигим не ишқ майдониди,
Айтинг, кимга қилай шарҳи гам?!
Севмас бўлса Шаҳи жонидан,
Ул эшикни очолмас бўлсам,
Мардлигим не ишқ майдониди?!
Яна тушди Русь сари йўлим,

Эрон, сендан кетгумми ҳали.
Наҳот, сени боз кўрмас бўлдим?
Она юртга меҳрим туфайли
Яна тушди Русь сари йўлим.

Кўрганман кўп элатларни мен,
Толе излаб кезганман жаҳон.
Юрагимнинг эзгу истагин
Энди ортиқ қидирмам сарсон,
Талпинма кўп, девона кўнгил.

Умидим бор ҳаётдан ҳали.
Тугамаган кўнглимда бардош,
Кел, бир нафас ором ол, қалбим,
Ухла кўйиб ёр кўксига бош.
Умидим бор ҳаётдан ҳали.

Зора тақдир бошимиз силаб,
Саодатга ёр этса бизни.
Толе булбул овози билан
Аллаласа пок севгимизни.
Талпинма кўп, девона кўнгил.

Савол ва ҷоншириклар:

1. Сиз танишган шеърларнинг **“Фурс тароналари”** деб аталиши сабабини тушутиринг.

2. **“Шаҳинам...”** деб бошланувчи шеърдаги лирик қаҳрамон ошиқ. Бироқ у икки ўт орасида. Шу ҳолатни шарҳланг. Шеърдаги тасвирий воситаларни топинг ва изоҳланг. **“ой нур сочган бошоқ”** билан **“олтин соч”** орасида қандай ўхшашлик бор деб ўйлайсиз?

3. Мазкур шеърнинг биринчи банди билан қолган бандларни солиштиринг. Қандай ўзгачаликни аниқладингиз?

4. **“Ҳаво тоза, мусаффо, зангор...”** шеърда шоирнинг Шарққа муносабати қандай ифодаланган? У нега **“Сен-чи бўлиб гулга маҳлиё, Тиканларга босмагин оёқ”**, дея ўзини-ўзи огоҳлантиради?

5. **“Хуросонда бир дарбоза бор...”** шеърдаги ошиқ кайфиятини шарҳланг. Ушбу шеърнинг **“Шаҳинам”** деб бошланувчи шеър билан яқинлиги, боғлиқлиги борми? Такдирга таянган ошиқ кайфияти ифодаланган мисраларни топинг ва изоҳланг.

6. Нима деб ўйлайсиз: шоир чиндан ҳам Шаҳина исмли Шарқ қизини севиб қолганми? Ёки унинг севгиси рамзий, хаёлийми? Унинг **“Нафис гўё Саъдий ғазали”** дейишида қандай маъно бўлиши мумкин?

7. **“Талпинма кўп, девона кўнгил...”** деб бошланувчи шеърдаги лирик қаҳрамон руҳиятини, кайфиятини шарҳлашга ҳаракат қилинг. Унда қандай шахс кайфияти ифодаланган?

8. **“Бўлмиш ушбу дунёда мерос Одамларга шодлик ва қайғу”**. Бу фикрга қўшиласизми?

9. Сергей Есениннинг юқоридаги шеърларини **“кўнгил лирикаси”** дейиш мумкинми? Бундай лирика қандай хусусиятларга эга?

10. Шеърларни ёд олинг ва ифодали ўқишга тайёрланинг.

Тестларни ечинг.

1. **Сергей Есенин Россиянинг қайси губерниясида туғилган?**

А. Владимир. Б. Самара. В. Новгород. Г. Петербург. Д. Рязань.

2. **“Иккимиз ҳам бир севги билан Шу ватанга қўйганмиз кўнгил” мисралари Сергей Есениннинг қайси шеърда учрайди?**

А. “Качаловнинг итига”. Б. “Хуросонда бир дарбоза бор”. В. “Синглим Шурага”.

Г. “Талпинма кўп, девона кўнгил”. Д. “Гўдақликдан маълум ҳар одам”.

3. **“Умидим бор ҳаётдан ҳали Тугамаган кўнгилда бардош” мисралари Сергей Есениннинг қайси шеърдан олинган?**

А. “Качаловнинг итига”. Б. “Хуросонда бир дарбоза бор”. В. “Синглим Шурага”.

Г. “Талпинма кўп, девона кўнгил”. Д. “Гўдақликдан маълум ҳар одам”.

САДРИДДИН АЙНИЙ

(1878 - 1954)

XX аср тожик ва ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири атоқли сўз санъаткори Садриддин Айнийдир. У ўзининг “Дохунда”, “Қуллар” романлари, “Одина”, “Етим”, “Судхўрнинг ўлими” сингари қиссалари, тўрт қисмдан иборат “Эсдалиқлар” асарлари орқали янги, замонавий тожик адабиётига асос солди шунингдек, қардош ўзбек маданияти, адабиёти ва санъати ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Шу сабабли, Айний ижодиёти ҳар иккала қардош халқ учун қадрли ва қимматлидир.



Садриддин Айний халқимизнинг XX аср тарихида юз берган энг муҳим ўзгаришларнинг шоҳиди ва фаол иштирокчиси бўлган адиб. У XX аср бошидаги миллий озодлик ҳаракатларини ҳам, маърифатпарварлик интилишларини ҳам, Октябрь тўнтариши ва ундан кейинги юз берган талай мураккаб давр воқеа-ҳодисаларини ҳам ўз кўзи билан кўрди, жамият ҳаётида фаол иштирок этди. Халқ тарихий тақдирини ҳақида ғоявий-бадний тўлақонли, севиб ўқиладиган асарлар яратди.

Садриддин Айний (Садриддин Саидмуродов) 1878 йил 15 апрелда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Соқтаре қишлоғида ўрта ҳол деҳқон оиласида дунёга келди. 1884 – 87 йилларда қишлоқдаги бошланғич мактабда, 1890 – 1900 йилларда Мир Араб, Олимжон, Бадалбек, Ҳожи Зоҳид, Кўкалош мадрасаларида таҳсил олди. Талабалик йилларида у форс-тожик ва туркий халқлар маданий меросини, яъни Фирдавсий, Рўдакий, Жомий, Навоний каби буюк санъаткорлар ижодини қунт билан ўрганади. Шу даврда бўлгуси ёзувчи уларнинг таъсирида шеърий асарлар машқ қила бошлайди. Жумладан, Садриддиннинг “Гули сурх” (“Қизил гул”) номли илк ғазали 1895 йилда ёзилгандир.

Айтиш керакки, Садриддиннинг болалиги, ўсмирлик ва талабалик йиллари улкан моддий қийинчиликлар исканжасида ўтди. У кун кечириб, илм-маърифат эгаллаш учун ўзгалар, ўзига тўқ талабалар, мударрислар хизматини қилади, таътил пайтларида оғир жисмоний ишларни бажаради. Бу ҳақда кейинчалик адиб ўз таржимаи ҳолида, “Эсдалиқлар” асарида батафсил тўхталиб ўтади.

Садриддин Айний мадрасада таҳсил кўрар экан, фақат диний билимлар доираси билан чекланиб қолмайди, балки замонавий билим ва маърифат эгаллашга интилади. Адиб дунёқарагининг шаклланиши ва ривожига, илгор анъаналар билан бир қаторда XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон

халқлари тақдирида юз берган ижобий ва салбий бурилишлар, хусусан, чор Россиясининг сиёсий, ижтимоий ва маданий сиёсати оқибатида ўлкада тараққийпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларининг кенг тарқалиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга машҳур маърифатпарвар арбоб Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоє”, Хожа Мароғийнинг “Иброҳимбекнинг саяҳати” асарлари жиддий таъсир кўрсатади.

Садриддин Айнийнинг ўтган аср бошларидаги фаолияти халқни илм-маърифатли қилишга бағишлангандир. У Бухорода янги усулдаги мактаблар очди, улар учун ўқув қўлланмалари, ёшларни илм-маърифатга чақирувчи шеър ва ҳикоятлардан иборат “Ёшлар тарбияси” номли дарслигини тузади. Бадий ижод, хусусан, шеърят билан жиддий шуғулланди. Адабиётдаги “зуллисонийн”лик (“икки тилда ижод этиш”) анъаналарини давом эттирди.

Садриддин Айний ўтган асрнинг 20-йилларидан эътиборан шеърятдан насрий ижодга ўтди. Унинг насрий жанрдаги асарлари шухрат қозона бошлади. Адибнинг “Одина” (1924), “Қулбобо ёки икки озод” (1928) қиссалари, “Дохунда” (1930), “Қуллар” (1934) романлари унинг номини жаҳонга танитди. Кейинчалик “Судхўрнинг ўлими”, “Етим” қиссалари, тўрт қисмдан иборат “Эсдаликлар”и (1949 – 1954) тожик ва ўзбек адабиётларининг сезилари ютуқларидан бирига айланди. Айний асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима этилди, адабиёт соҳасидаги юксак мукофотларга сазовор бўлди.

Садриддин Айний Тожикистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси қилиб сайланган улкан адабиётшунос алломалардан бири эди. Унинг тожик ва ўзбек адабиёти тарихи ҳақида битилган “Тожик адабиётидан намуналар”, “Фирдавсий ва унинг “Шоҳнома”си”, “Камол Хўжандий”, “Шайхурраис Абу Али ибн Сино”, “Устод Рўдакий”, “Алишер Навоий”, “Мирзо Абдулқодир Бедил” каби илмий тадқиқотлари ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Санъаткор Тожикистон Фанлар академиясининг биринчи Президенти сифатида қардош халқ илми, маданияти ривожига самарали ҳисса қўшди.

Садриддин Айний ўзбек адабиёти ва ўзбек санъаткорларининг яқин дўсти-қардоши эди. У Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон каби ўзбек адиллари, талай тилшунос ва адабиётшунос олимлари билан самарали ижодий ҳамкорлик қилди. Айниқса, унинг ҳамюрти Абдурауф Фитратни ўтган аср бошларида ўзи ташкил этган “Хайрия жамияти” кўмагида бухоролик ёшлар сафида Туркияга ўқишга юбориши, улкан ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий билан яқин ижодий муносабатда бўлиши, ўзидан ёш бўлишига қарамай уни устоз сифатида эътироф этиши, ундан маслаҳатлар олиши диққатга моликдир. Адибнинг тожик ва ўзбек адабиётлари ривожига, иккала қардош халқ миллий маданиятларини юксалтириш соҳасидаги

Берса-ку, жуда яхши, бермаса ҳам зарари йўқ, аммо “Ишкамба-одам”нинг қандай махлуқ эканини бир кўриб қолай.

– Ўзим у билан шахсан таниш эмасманки, сени таништираман, – деди дўстим, – фақат дуч келган вақтда кўча-кўйда сенга кўрсата оламан, ундан кейин ўзинг йўлини топиб танишиб оласан.

Мен рози бўлдим.

II

Кунлардан бир куни дўстим билан Бухоронинг Лаби ҳовузи Девонбегисида саёҳат қилиб юриб эдик, дўстим сартарошхонага кираётган бир одамни менга кўрсатиб:

– Ана шу одам “Қори Ишкамба”, – деди.

Мен унинг фақат орқасидан кўриб қолдим, афти башарасига кўзим тушмади.

– Ундай бўлса мен шу ерда қоламан, агар ўнқови келса танишиб, хужра сўрайман, бўлмаса афтини таниб олиб, келажак учун йўл ҳозирлайман, – деб дўстимдан ажралдим.

Мен Қори-Ишкамба кирган сартарошхонанинг олдига бориб, супачада ўтирдим ва ўзига билдирмасдан уни кўздан кечира бошладим.

У ўрта бўйли, қорни катта, семиз, бўйни калта ва йўғон, боши ҳам катта ва сергўшт бир одам эди, бўйинининг йўғонлиги ва юзининг сергўштлиги шу даражада эдики, унинг гавдаси сув тўлдирилган мешдай текис кўринар эди. Агар унинг қалин соқоли ва сочи олиниб, кийимлари ҳам ечиб ташланса, нортуянинг ошқозонига ўхшаб қолар эди, фақат фарқи шундаки, бу туянинг ошқозонидан каттароқ ва туси ҳам қизғинроқ бўлиб, ою кунни тўлган семиз, туллаган кекса бўғоз чўчқанинг худди ўзи бўлиб қолар эди.

Бундай қиёфани кўрган ҳамон менинг кўнглимга, “Ажаб эмас-ки, халқ бу одамнинг қорни катталиги учун эмас, балки гавдасининг юм-юмалоқлиги учун унга “Ишкамба” лақабини муносиб кўрган бўлса”, деган фикр келди.

Дуруст бу одамнинг қорни бошқа одамларнинг қоринларидан кўра жуда катта эди, лекин гавдасининг бошқа жойлари, ҳатто бўйни ва юзлари ҳам шундай йўғон ва семиз эдики, унинг аъзойи бадани шу катта қорин билан теп-текис бўлиб кетган эди.

* * *

Соч олдириш навбати Қори-Ишкамбага етди.

Сартарош устарасини қайраб туриб:

– Қани, бу ерга марҳамат қилинг, – деб унга ойнанинг оддидаги курсини кўрсатди.

Қори-Ишкамба гавдасининг оғирлигиданми ё бирон касаллиги сабабиданми, зўрға ўридан турди. Лекин юзининг ялтираб, қизариб турганидан, унинг семизликдан бошқа касали йўқлиги билинар эди.

У ўрнидан туриб, узоқ эснагандан кейин икки қўллаб салласини бошидан олди ва сартарошхонанинг деворндаги лунгилар осилган қозикқа илиб қўймоқчи бўлди.

Лекин сартарош бунга йўл қўймади ва чаққонлик билан қўлидаги устара ва қайроқни ойна олдидаги жавон устига қўйди-да, саллани икки қўллаб Қори Ишкамбанинг қўлидан ола туриб:

– Саллангиз шундай катта ва оғирки, агар у ерга илсангиз, қозик синиб, лунгилар ерга тушиб, тупроққа беланган бўлур эди, – деди ва саллани супача устига қўйди.

– Хайриятки, – деди Қори-Ишкамба, – лунгиларингиз туфайли менинг салламни ҳам тупроққа беланишдан қутқардингиз, бўлмаса беш мисқол совунга куйган бўлар эдим.

– Сизнинг саллангиз тупроққа тушса ҳеч бир зарарланмас эди, – деди сартарош, – кўпдан бери жомашов¹ юзини кўрмаган бўлса керакки, тупроқдан ҳам фарқсизроқ ҳолга келган.

Ҳақиқатан ҳам, Қори-Ишкамбанинг салласи печларига қозон сочиқ кистириб ўрагандек, парча-парча қора доғлар кўринар эди.

Мен ўйлардим: “Бир салла қанча катта ва қандай оғир бўлса ҳам, қозикни синдиროлмаслиги аниқ”. Буни сартарош ҳам яхши билар эди; аммо унинг саллани қозикқа илдирмасликдан мақсади, унинг кирини лунгиларига юқтирмаслик эди.

– Бундай катта саллани ҳафтада бир жомашовга солиш мумкин эмас, – деди Қори-Ишкамба, – у ҳолда совуннинг уйи куяди.

– Нега бўлмаса кичикроқ қилмайсиз? Кичикроқ бўлса-ку, доқа ҳам озроқ кетади, совун ҳам кўп сарф бўлмайди, – деди сартарош.

– Бу саллам – йиртиш² олувчи салла, – деди Қори-Ишкамба жавобида, – буни бошимга ўраб мазорбошида, ўликларни кўмаётган чоғда ҳозир бўлсам бошқа одамларга бир газдан³ йиртиш бераётган бўлсалар, менга икки газ берадилар.

Сартарош гапира-гапира устарани қайраб олди. Устара билан билагидagi жунларни тарошлаб, ўткирлигини синаб кўргандан кейин, Қори-Ишкамбанинг бўйинига лунгини ўраб яна гапира бошлади.

– Сизни танимаганлар, албатта, жанозаларига хабар қилмайдилар, танийдигаилар бўлса хоҳ саллангиз катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, сизга муносиб кўрилган ўлчақда йиртиш берадилар. Бунинг учун саллани катта қилиб, доқани нобуд қилиш нега керак?

– Сиз содда экансиз, – деди Қори-Ишкамба, – агар, мени жанозаларига хабар қиладиган ўликларнинг йиртишларига қараб турсам, соч олдириш пулини қаердан топаман? Мен кунда пешини намози вақтида Девонбегни хонақо-

¹ Жомашов – бир ювдиданган тоғора.

² Йиртиш – узинка савоби тегсин деб жанозада қатнашганларга берилган тахлима парчаси.

³ Бир газ – 60 сантиметрга тенг узунлик ўлчови.

ҳининг саҳнида ҳозир бўламан. Жаноза ўқиш учун у ерга келтирилган ҳар бир ўликнинг (таниш бўлсин, бўлмасин) “худойи” жанозасини ўқиб, унинг орқасидан қабристонгача бораман ва насибага яраша йиртиш олиб қайтаман. Агар ўлик эгалари мени танимасалар яна ҳам яхшироқ, у вақтда салламнинг катталигига қараб каттароқ йиртиш берадилар.

– Сиз соч олдириш учун ортиқча пул ҳам тўламайсиз-ку, унинг ташвишини чекиб нима қиласиз? – деди сартарош бир кафт сувни Қори-Ишкамбанинг бошига қуйиб, сочларини ишқалаб тургани ҳолда, – бошқа одамлар ҳафта-ўн кунда соч олдириб турсалар, сиз икки ойда бир марта соч олдирасиз, устара ҳақини ҳам бошқалар берадиганининг ярмисича бериб қочасиз.

Қори-Ишкамба бир оз зарда қилиб, бошини сартарошнинг кўли остидан торти-ди ва бўйинини чўзиб, бошини кўтариб, кўзини сартарошнинг юзига тикиб, деди:

– Мен хоҳ ҳафтада бир марта соч олдирай, хоҳ икки ойда бир, бунинг сизга ҳеч бир алоқаси йўқ. Менинг сочим хоҳ ўсиб кетган бўлсин, хоҳ ўсмаган бўлсин, сиз бир марта устара урасиз, узун соч учун икки марта устара ишлат-майсизки, меҳнатингиз ортиқ сарф бўлса. Агар мен соч олдириш ҳақини бошқа-лардан кўра камроқ берсам, бу тўғрида шикоят қилишга ҳаққингиз йўқ, чунки ўзингиз кўриб турибсизки, бошимнинг ярмисо сочсиздир ва сиз у ерга ҳеч бир устара урмайсиз.

Мен Қори-Ишкамбанинг кейинги сўзларидан огоҳланиб, унинг бошига қарадим, дарҳақиқат бошининг тепаси сочсиз ва териси бурма-бурма бўлиб, қотиб қолган экан.

Сартарош Қори-Ишкамбанинг бузилган кайфини тарқатиш учун бўлса керак узр оҳанги билан:

– Мен ҳазил қилдим, Қори амаки, – деди, – хоҳ кўп ҳақ беринг, хоҳ оз, сиз-нинг пулингиз табаррук. Икки бошдан мен бой бўлмайман, қайси сартарош ё косиб бой бўлсинки, мен бой бўлар эдим.

– Бойлик, қашшоқлик худодан, – деди Қори-Ишкамба ишонтирувчи бир оҳанг билан, лекин унинг масхаралаб, илжайиб туришидан ўзининг ҳалиги сўзига ишонамаганлиги билиниб турарди.

Сартарош Қори-Ишкамбанинг сочини олиб бўлди, лунгини унинг бўйнидан олиб, бир чеккада турган қути устига олиб бориб қоқди. Лунгини сочлардан тозалаб, қайта бошдан Қорининг бўйнига ўраб, унинг бошига сув қуймоқчи бўлганида:

– Керакмас, – деди Қори-Ишкамба, – мўйловимни қайчиласангиз бас, бошининг кирини тозалатиришга фурсатим йўқ.

– Нега? Бирон жанозанинг вақти яқинлашдимики, мунча шошиласиз?

– Жаноза учраса соат ўн иккиларда хонақоҳ саҳнида учрайди, – деди Қори ва сартарошхонанинг деворида осилган соатга қараб, яна деди:

– Ҳали соат ўн, бошқа зарур ишим бор.

– Яна қандай зарур иш экан у? – деб сўради сартарош.

– Шу вақт банка ходимларининг чой ичиш вақтлари, агар бир оз кечиксам чойдан қоламан.

– Хўп, ундай бўлса... – деди сартарош салмоқлаб ва Қорининг лабини икки бармоғи билан буриб ушлаб, мўйловини қайчилашга киришди.

Мен бу сўз ва бу ҳолларнинг ҳеч биридан Қори-Ишкамбанин қандай одам эканлигини аниқлай олмай қолдим. Мен “Агар бу одам бир неча зархарид ҳужранинг эгаси бўлса, нега ўзининг тирикчилигини, ҳатто соч олдириш пулини танимаган ўликларнинг йиртиши устига қўйган, ҳолбуки бундай иш, уйсиз-жойсиз, қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган гадоёларнинг иши. Агар ҳақиқатан бу одам уйсиз-жойсиз гадоёдай бўлса, нега ўзини банк ходимлари билан ойна кўрсатади, ҳатто уларнинг тушлик чойи устига етиб боришни зарур санайди? Ҳар ҳолда бу қизик махлуқ кўринади. Буни таъқиб қилиб яхшигина танишиб олишим керак. Хужра сўраш масаласи бунга бир баҳона бўлади...” дердим ўз-ўзимга.

Сартарош Қори-Ишкамбанин мўйловини қайчилаб бўлган ҳамон у ўрнидан ирғиб турди ва салласини супачадан олиб, бошига қўндирди-да, сартарошхонадан чиқди.

– Қори амаки, соч олдириш пули нима бўлди? – деб сартарош унинг орқасидан товуш берганда, у қайрилиб қарамасдан ва қадамини секинлатмасдан:

– Майдам йўқ, яна соч олдирганда иккисини бир қўшиб бераман, – деб тезроқ юриб кетди ва бир нафасда кўздан гойиб бўлди.

III

Иккинчи кун, мен яна Қори-Ишкамбани дуч келтириб, иложи бўлса, у билан танишиш иниятида кўчага чиқдим. Лаби ҳовузи Девонбегини айлашиб, хонақоҳнинг жануб томонидан бошланадиган баззозлик راستасига тушдим. Баззозлик дўконлари олдида ўтирган одамларни бир-бир кўздан кечириб, бу راستанинғ ғарб томонидаги адоғида бўлган “Сесува”¹ чиқдим-да, у ердан шимол томонга қараб борадиган راستага бурилдим. Бу раста чинни бозори бўлиб, ўрта белида сандиқ саройи ва сандиқ сотиладиган дўконлар бор эди.

Растада ҳали ўн қадам ҳам босмаган эдим, кўзим Қори-Ишкамбага тушди. У бир чиннифурушнинг дўкони супачасида оёғини осилтириб ўтирар эди.

Мен ҳам унинг рўпарасига яқинроқ бориб, ишнинг ёниқ бир дўкониин супачасига ўтирдим ва сичқон пойлаган мушукдай икки кўзимни унинг томонига тикдим.

Чиннифурушнинг олдида бир чойнак чой бўлиб, у чойдан пиёлага қўйиб, навбат билан бир дафъа ўзи, бир дафъа Қори ичишар эдилар. Шу вақтда бир новвой бошида бир сават, қўлида бир сават нон билан “суви мой, уни шакар, иссиқ нон. Эҳтиёт бўл, қўлинг куяди!” деб растадан ўта берди...

¹ Сесува – уч томон, бунинг уч томонга айрилган жойи (Муҳаррир ишоди)

Қори-Ишкамба новвойни чақирди, новвой унинг олдига бориб, қўлидан саватни пастлатганда, у, икки дона қип-қизил нонни ташлаб олди. Нонларни синдириб чиннифурушнинг елпуғичи устига ташлади ва бир бурдани оғзига тикқандан кейин қўлини ён чўнтагига солди.

Мен унинг бу ишдан жуда таажжубда қолдим, унинг бу иши тунов кун сартарошхонада кўрганам одамнинг ишларига ўхшамас эди: тунов кун у ўзини тирикчилиги ўликларнинг йиртиши устига қолган исқирт бир одам қилиб кўрсатган эди, соч олдириш ҳақида бошининг сочсиз жойларига ҳисоблаб, охири ҳақ бермасдан қочиб кетган эди: бугун бўлса савдолашмасдан икки нонни олди, уни бошқа бир одамнинг дўкони олдида синдириб, биргалашиб ейиши билан бу кун, у, менинг кўзимга “Ҳотами Тоний” бўлиб кўринди.

Қори-Ишкамба чўнтагига тикқан қўлини олиб бошқа чўнтагига тикди. Бу орада тагин бир бурда нон олиб лунжига жойлади. Новвой: “Тез бўлинг, Қори амаки, мени узатинг, номим совиб, бозордан қолмасин”, – деб қистар эди.

Қори-Ишкамба ҳамма чўнтакларини ахтариб бўлгандан кейин, чиннифурушга қараб:

– Ука, шу нонларнинг пулини сиз бериб туринг, чўнтагимда пулим йўқ экан, агар пулим йўқлигини бошдан билсайдим, нонларни синдирмас эдим, – деди ва ўзи хотиржам бўлиб, икки қўллаб нон ейишга киришди.

Чиннифуруш мангайини буриштириб, бир нонга қаради, бир Қорига, охири новвойдан ноннинг нарҳини сўрагандан кейин қаладонидан пул чиқариб, тўлаб юборди.

Аmmo Қори-Ишкамба новвойга ҳам, чиннифурушга ҳам қарамай икки кўзини нонга тикканича лунжига нон бурдаларини тикмоқда эди. Фақат чиннифуруш новвойни узатиб, ўз олдига қуйиб қўйилган чойни ичаётганида Қори-Ишкамба унга қарамагани ҳолда қўли билан уни нон ейишга таклиф қилди.

Чиннифуруш нондан бир бурда олиб еб, қўлидаги пиёлани бўшатгунча, Қори-Ишкамба синдирилган нонларни еб тугатаётган ва елпуғич устидаги синдирилган нон камайган сари, Қори-Ишкамбанинг иштаҳаси орта борарди. Охири шу даражага етдики, чайналмаган нон билан тўлган лунжини кимирлата олмайдиган, томоғидан нон ўтмайдиган ва оғзи гапиршига имкой тополмайдиган бўлди. Қўли билан чиннифурушга чойнақини кўрсатиб, ишорат билан бир пиёла чой қуйиб беришни сўради.

Чиннифуруш илжайгани ҳолда пиёлага чой қуйиб, унга узатди. Қори-Ишкамба бир қўлини елпуғич устида қолган энг охириги бир бурда нон устига қўйгани ҳолда иккинчи қўли билан пиёлани олиб, бир ҳўплаб чой ичди. Шу билан оғзидаги нонлар юмшаб, лунжи бир оз бўшаган бўлса керакки, энг охириги нон бурдасини ҳам оғзига тикди ва пиёладаги чойни ҳўриллатиб ичгандан кейин, оғзидаги нонларни чайнай-чайнай ўридан туриб кетди.

Мен ҳам унинг орқасига тушдим...

Қори-Ишкамба йўл юришда унча шошилмас эди, аста-аста қадам ташлаб, икки томондаги дўкон ва дўкондорларини бир-бир кўздан кечирар. кўзи тушган одамлар билан “салом-алик” ҳам қилар эди...

...Мен тимчадан анча узоқликда ўтирган жойимдан туриб, Қори-Ишкамбанинг орқасидан етишмоқ учун дарров йўлга тушдим ва тимчага кириб, унга етиб олдим. У ҳам бу гал бир оз тез юрар, икки томондаги дўкон ва дўкондорларга кўп қарамас эди. Фақат бора туриб бир дўппифурушнинг дўкони олдида тўхтаб қолди.

Теваракда муносиб ўтирар жой бўлмаганидан, мен ҳам ўзимни харидор кўрсатиб, дўппифуруш дўконининг олдида турдим.

Қори-Ишкамба дўппифуруш билан саломлашгандан кейин ундан:

– Менинг дўппиларимни сотдингизми? – деб сўради.

– Йўқ, ҳали сотганим йўқ, – деди дўкондор.

– Сотгансизку-я, лекин пулини бир неча кун ишлашмоқчисиз? – деб Қори-Ишкамба дўкондорнинг гапига ишонмаганилигини билдирди.

– Қори амаки, сиз одамга ишонмайдиган бир кишисиз, – дегани ҳолда дўкондор орқасига қайрилиб қўлини рафчаларининг бирига узатди ва устма-уст қўйилган бир даста дўппини олиб Қори-Ишкамбага кўрсатди:

– Шулар сизнинг дўппиларингиз эмасми?

– Шулар менинг дўппиларим, – деди ва қўшимча қилди, – бошда ҳам мен сизнинг гапингизга ишонган эдим, фақат бир ҳазил қилган эдим-да, дарров аччиғингиз келмасин.

– Нега аччиғим келсин? Сизнинг мунақа “ҳазил”ларингизни эди эшитаётганим йўқ-ку.

– Хўп, ҳазилни бир ёққа қўяйлик, – деди Қори-Ишкамба, – мен бу кун пулга жуда муҳтожман. Бир иш қилиб шу дўппиларнинг пулини, ҳеч бўлмаганда ярмисини бериб турсангиз, мени жуда миннатдор қилган бўлар эдингиз. Шундай қилинг, жон ука! Илоҳи бодаларингизнинг тўйини кўринг!

– Бу гапингиз ҳазил бўлса ҳам яхши эмас, чин бўлса ҳам, – деди дўппифуруш жиддий бир оҳанг билан.

– Нега?

– Шунинг учунки, – деди дўппифуруш, – сиз мендан ўз дўппиларингизни чакани нарх билан сотиб беришни сўраган эдингиз, агар мен ўз дастмоемдан сизга буларнинг пулини аввалдан бериб қўйиб, кейин битта-битта сотиб, у пул-нинг ўрнини тўлдирсам, менга фойда бўлмайдигина эмас, балки зарар бўлади. Чунки сизнинг ўзингиз ҳар юз тангангиз учун менинг ўзимдан ҳар ойда икки ярим танга фойда olasиз. Шундай бўла туриб, “ўз пулидан менга бериб тур”, дейсиз.

Қори-Ишкамба, дўппифурушнинг бу гапига жавоб тонолмаганидан бўлса керак, ўйлаб қолди ва дўппифуруш яна сўзга киришди:

– Бўлмаса бир иш қилайлик – на сиз куйсин, на кабоб.

– Қандай иш? – деб сўради Қори-Ишкамба.

– Сиз ўз дўппиларингизни кўтара нарх билан баҳолаб менга сотинг, мен ҳам буларнинг пулини сизга нақд тўлай, ундан кейин чакана нарх билан ўз ҳисобимга битта-битта сотай, у ҳолда менга ҳам бир нарса қолади, сиз ҳам пулингизни ҳозирдан оласиз, нима дейсиз?

– Бундай савдо менга тўғри келмайди, у вақтда дўппилар пулингизни қарийб тўртдан бири қўлимдан кетади, – деди Қори-Ишкамба ва кетмоқчи бўлди.

– Утиринг! Дўппиларингиз пули устидан битта чой дамлай, – деди дўппифуруш ҳазиллашиб.

– Раҳмат, мен ҳозир банкага бориб чой ичаман, – деди Қори ва қўшимча қилди, – менинг дўппиларим пулидан бўладиган чойга на сизнинг тишингиз ўтади, на ўзимники.

Дўппифуруш Қори-Ишкамбанинг бу гапига куларкан, мандан:

– Сизга нима керак? – деб сўради.

– Дўппи!

Кетармон бўлиб қадамни олға босган Қори-Ишкамба менинг бу гапимни эшитиб, йўлдан қайтиб тўхтаб қолди ва дўппифурушга қараб:

– Бу кишига менинг дўппиларимдан кўрсатинг! – деди. Дўппифуруш Қори-Ишкамбанинг дўппиларини дастаси билан менинг қўлимга бериб:

– Маана булардан бирортасини танланг! – деди. Мен ҳам уларнинг орасидан биттасини ажратиб:

– Маана шуниси қанча туради? – деб сўрадим.

– Беш танга, – деди дўппифуруш.

– Икки танга! – дедим мен дўппиларни дастаси билан унинг қўлига қайтариб бериб.

– Инсоф қилинг, ука, – деди Қори-Ишкамба менга қараб, – буларнинг ҳар бирига тўрт тангалик масаллиқ сарф бўлган, ақалли ўша масаллиқнинг пулини беринг, тикиш ҳақини сизга бағишласинлар.

– Бу киши дўппи олмайдилар, – деди дўқондор дўппиларни рафчага қўя туриб, – бекорга хомтама бўлманг.

* * *

Қори йўлга тушди, мен ҳам...

Қори-Ишкамба тимчанинг атторлик растасига ўтиладиган томондан чиқиб, бир атторнинг дўқони олдида тўхтади. Мен ҳам дўппифуруш дўқони ёнидаги тажрибамни ишлатиб, ўзимни харидор кўрсатиб унинг ёнига бориб турдим.

Қори-Ишкамба аттор билан саломлашгандан кейин унга: – “авараси” ҳисобидан бир тишлам гулқанд беринг, иштаҳадан қолибман, – деди.

Аттор кулимсираб, олдидаги мис тоснинг қопқоғини очди ва унинг ичидан темир белча билан ёнғоқдай гулқанд узиб, Қорига узата туриб деди:

– Хайриятки, иштаҳадан қолган экансиз Қори ака, бўлмаса бутун дунёни еб қўяр эдингиз.

Қори-Ишкамба белчани атторнинг қўлидан олиб, унинг учидаги гулқандни тиши билан узиб олди ва белчани атторга узатиб:

– “Авараси” жуда ҳам кичик бўлипти, тишларимнинг қавагида йўқолиб кетди, – деди.

– Дўконим кичкина, молларим бўлса бобо олиб набира сотадиган моллар, бу ҳолда “авараси” бундан катта бўлмайди.

– Хўп, “авараси” учун бўлмаса худо учун яна бир тишлам беринг, дуо қиламан, – деди Қори-Ишкамба.

Аттор яна бир тишлам гулқанд узиб, белча билан Қорига узатди. Қори бу дафъа белчани атторнинг қўлидан ола туриб, менга қараб:

– Ука, менда бiron ишингиз борми? – деди тўсатдан. Мен унинг бу саволидан шошиб қолдим, чунки бундай саволини ундан кутмаган ва жавобига ҳозирланмаган эдим. Мен “Ҳа, сизда ишим бор, овлоқ ерда айтаман” деб, уни бир чеккага тортиб, хужра масаласини унинг олдига қўйиш ўрнига, бошқача ҳаракат қилдим: аттор агар: “Ҳа, ука, сизга нима керак” деса, унинг жавоби учун ҳозирлаб қўйган сўзимни телбаланиб, Қори-Ишкамбага айтиб юбордим.

– Ҳа, менга мурч керак! – дедим.

Албатта бу жавоб Қори-Ишкамбанинг “ука, менда бiron ишингиз борми?” деган саволига тамоман алоқасиз бўлиб тушди. Буни дарҳол ўзим сездим, шунинг учун тезлик билан қўлимни ён чўнтагимга тикдим, дарров бир оз мурч олиб, у ердан қочмоқчи бўлдим... Бахтга қарши, чўнтагимда бiron пул ҳам йўқ экан, қизариб-бўзариб атторга қараб:

– Ҳозир ёнимда пулим йўқ экан, бориб пул келтириб, сўнгра оламан, – дедим-да, тура солиб у ердан қочдим. Атторнинг дўкони олдида узоқлашаётганимда кўзимнинг қири гушди: Қори-Ишкамба куйи лабини юқори лаби устига тортиб, менинг ҳақимда ниманидир ишорат билан атторга аңлатмоқда эди...

VIII

Илгариги замонларда, Бухорода ҳар йили ҳамал ойи бошида “Наврўз” сайили бўлиб, бу шаҳарга яқин “Ширбадан” деган қишлоқда бўлар эди. У сайилда ош дамлаб сотадиган ошхоналар билан қаторида қозон-товоқ ва ўчоқ тайёрлаб ижара қўядиган “ошхоначилар” ҳам бўлар эди. Бундай ошхоначилар усти очик бир ерда қатор ўчоқ қазиб, қозон қуриб, ўтин тайёрлаб, харидор кутиб ўтирардилар. Баъзи одамлар масаллиқни келтириб, шундай ошхоналардан бир қозонни олиб, ўзлари ош пиширардилар. Ошхоначига қозон-товоқ ва ўтин учун ҳақ тўлардилар.

Сайилга борган ошналаримиздан бир нечаси шундай ошхоналарнинг бирида ош қилмоқчи бўлди, улар орасида мен ҳам бор эдим. Бундай вақтларда ошпазлик вазифаси менинг бўйнимга тушар эди, ўртоқлар бу хизматим муқобилида мени “ҳарифона” пули тўлашдан озод қилар эдилар.

Ўртоқлар ош масаллигини сотиб олиб, мен билан бирга ҳалиги ошхоналарнинг бирисига бордилар, улар гўшт, ёғ, пиёз, сабзини тўғраб бергандан кейин томошага чиқиб кетдилар. Мен ош пишириш учун у ерда қолдим.

Мен ёғни эритиб, доғлаб, пиёз, гўштни солиб қовурдим, кейин сабзини босиб, бир оз сув куйиб қайнатиб, гўштининг пишишини кутиб ўтирдим.

Ҳали ошга гуруч солмасимданоқ, қаердандир Қори Ишкамба пайдо бўлди. У мен билан саломлашиб, одати бўйича, “ҳужра керакми?” деб сўраб, мenden “йўқ!” жавобини олгандан кейин, шериклик ош қилаётган йўлдошларимнинг кимлар эканлигини сўради.

Мен бир неча кишининг номини айтдим.

– Ҳа, ҳаммалари “ўзимизники” эканлар-ку, – деб, менинг олдимдан кетди ва қўшнидаги ошхонага кириб, ошларининг тайёр бўлишини кутиб ўтирган бир тўда одамлар даврасига жойлашди...

Мен гуруч солиб, ошни дамладим. Бизникилар ҳам етиб келиб, давра олиб ўтирдилар. Бу орада Қори-Ишкамба жойлашган давранинг оши сузилди. Улар емоққа киришдилар...

Қори-Ишкамба ҳар бир ошам ошни луижига тикқандан кейин бўйинини чўзиб, бизнинг қозонимиз томонга кўз ташлар эди...

Мен ҳам ошни сузиб, ўз даврамизга келтириб қўйдим. Қори-Ишкамба бизнинг даврага ош келганини кўргани ҳамон ўрнидан турди. Лекин у даврадаги товоқнинг тагида бир ошамча ош қолган бўлиб, алдаким унга ҳазиллашиб, “Қори амаки, шуни ҳам енг, увол бўлмасин”, деган бўлса керакки, у эгилиб, товоқдаги ошни сидириб олди-да, ёғини томиза-томиза ошнинг оғзига тикқани ҳолда бизнинг даврага югурди.

Бизнинг даврада, отаси ўртача бойлардан бўлган бир киши бор эди, шу киши Қори-Ишкамба билан ошна ва ҳазилкаш экан. У келиб бизнинг даврага ўтиргандан кейин, ҳалиги бойвачча унга:

– Қори амаки, сизнинг қўлингиздан қутулиш куни йўқ экан-да, – деди.

– Машақ-да, бошингиздан айланай бойвачча, машақ. Бечора одамнинг иши машақ теришдир.

– Ҳовлига бориб-ку, “навираси” деб ошни ейсиз, эди бу ошни нима деб ейсиз?

– Бу “авираси”, бошингиздан айланай! – деди Қори кулиб. Суяклар тозаланиб бўлганидан кейин, ош учун “олинг-олинг” бошланди. Аммо Қори-Ишкамба ҳеч бир кишининг “олинг” дейишини ва ошдан олишини кутиб турмай, товоқ устига эгашди. Ундан кейин у на бирон кишига гапирар ва на бирон кишининг гапига жавоб қайтарар эди, беш бармоғини ёзиб ошни гўшт

ва ёғи билан чақалоқнинг калласидай қилиб олиб оғзига тикқани ҳамон яна ошга панжасини узатар эди.

Қори-Ишкамбанинг, чўзилиб товоқнинг тагигача суқилаётган бармоқларини кўриб, бизникилардан бири унинг кўлига ишорат қилиб:

– Қори амаки, бу панжамни, паншаха? – деб сўради.

– Паншаха-да, – деди бошқа бириси, – Қори амаким машақчи бўлганларидан кейин тўғри келганда хирмонни совура берадилар, шунинг учун ўзлари билан бирга панжа ўрнига паншаха олиб юрадилар.

Аммо Қори-Ишкамбанинг ўзи бу сўзларга кулимсирашдан бошқа жавоб бермас ва бошини товоқ устидан кўтармас эди. Ёлғиз ора-сира ўнг кўлини товоққа босиб тургани ҳолда чап кўли билан косани олиб, сув ичар эди.

Қори-Ишкамба оғзига ошини шу қадар кўп жойлардики, чайнаётган вақтида гуруч доналари оғзидан товоқ устига сочилар эди. Мен бу ҳолни кўриб, ош емоқдан кўл тортдим, бошқа ўртоқлар ҳам ошнинг тагидан – унинг оғзидан сочилган гуручлар тушмаган жойидан оз-оз олмоқда эдилар...

Косадаги сув тугади. Қори-Ишкамбанинг устма-уст оғзига жойлашган оши томоғига тикилиб қолди. Мен ошхоначига қараб:

– Сунба келтиринг, сунба! – дедим. Ошхоначи таажжубланиб:

– Менда сунба йўқ! Сунбани нима қиласиз? – деди.

– Ахир, бировнинг томоғига ош тикилиб қолса, нима билан қорнига жойлаш керак?

Ошхоначи товоқ теварагида ўтирганларга қарар экан, оғзи тўла ош бўлиб, уни ютолмай турган Қори-Ишкамбани кўриб, бирдан тушунди ва косани олиб бориб, сув тўлдириб келтириб, унинг олдига қўйиб:

– Томоғига ош тикилганларнинг сунбаси сув бўлса керак, – деди.

Қори-Ишкамбанинг яна бирон жойда “искаб” қўйган оши бўлса керакки, бизнинг товоқни бўшатганидан кейин, товоқни олишини ва дастурхонни йиғиштиришини ҳам кутмасданоқ, ўридан ирғиб турди-да, кўлининг мойини маҳсусига артиб, ошхонадан чиқиб кетди.

Бизнинг даврадагиларнинг бу қақирилмаган жирканч “меҳмон”нинг қилиқларидан таблари тирриқ бўлган ва димоғлари куйган, мен бўлсам тамом асабийлашиб кетган эдим: ўзим меҳнат қилиб пиширган ошдан маҳрум бўлганим устига, унинг ош ейишидан кўнглим шундай айнидики, оч бўлсам-да, кўнглим ош тусамай қўйди.

Мен “Мусонинг аламини Исодан олмоқчи” бўлиб, бойваччадан сўрадим:

– Бу итнинг сен билан қандай алоқаси бор эдики, сенинг исингни искаб келиб, бизнинг даврани булғатиб кетди?

– Бу одамнинг мен билан қандай алоқаси борлигининг ҳикояси узун, уни бошқа вақт айтиб бераман! – деди.

– Мен у билан сенинг орангда гапирилган “навираси”, “авираси” деган сўзларнинг маъносини англамадим. Агар сен шу илмоқли сўзларни менга очиб берсанг, ҳаммасини бағишлайман! – дедим.

– Бу одам судхўр, – деди бойвачча, – пулни орттириб олиш шарти билан қарзга беради, пулнинг танидан орттириб олган фойдасини пулнинг “боласи” дейди, пулнинг фойдасининг фойдасини “навираси”, фойданинг фойдасининг фойдасини “авираси” дейди.

Бойвачча судхўрларга хос бу ибораларни айтиб берганидан кейин, изоҳга киришди:

– Ҳар ким бу одамдан қарздор бўлса, албатта бу одамдан пулнинг танини шарт қилинган фойдаси билан бирга бира тўла олади, бундан бошқа у одамнинг қарздорлик муддати орасида кунда ёки ора оқшомда унинг уйига бориб, овқат қилади. Мана шу овқатини “навираси” деб атайдди.

Бойвачча у билан ўз алоқасининг ҳикоясини бошқа вақтга қолдирган бўлса ҳам, ўзи сезмасдан, у ҳикоянинг бир қисминини айтиб юборди:

– Менинг ҳам ундан бир маблағ қарзим бор, шу муносабат билан у тунов кун оқшом бизнинг уйга келиб, “навираси” деб ош еган эди. Аммо бугунги ошни “авираси” деб атади, яъни менга қарз берган пулнинг фойдасининг фойдаси ҳисоблади...

Савдо ва тасвириқлар:

1. Талаба-ҳикоячи, яъни лирик қаҳрамон 1895 йилда нима ахтарар эди?
2. У Қори Исмаи – “Қори-Ишкамба” ҳақида қандай гапларни эшитди?
3. Асарда Қори-Ишкамба портрети, яъни қиёфаси қандай чизилган? Сиз ҳаётингизда шундай қиёфали одамларни учратганмисиз?
4. Қори-Ишкамбанинг соч олдириш воқеаси мазмунини айтинг. У нега катта салла ўрайди?
5. Қори-Ишкамба ва сартарош мунозарасидан нимани англадингиз? Сартарош нега унинг салласини қозиққа илмади?
6. Эртасига чинифуруш дўкони олдида ўтирган Қори-Ишкамба нега талаба кўзига “Ҳотами Тоний” бўлиб кўринди? У “Ҳотами Тоний” эканми?
7. “Ука, шу ноиларнинг пулини сиз бериб туринг, чўнтагимда пулим йўқ экан, агар пулим йўқлигини бошдан билсайдим, ноиларни синдирмас эдим”. Бу гўни Сиз айта оласизми? Айтсангиз, қандай шарт билан айтгардингиз?
8. Қори-Ишкамба нега дўппифуруш билан келина олмади? Унинг илтимоси савдо шартларига тўғри келадими?
9. Наврўз сайидаги “ҳарифона” ошда Қори-Ишкамбанинг очкўзлиги қандай тасвирланган? Сиз шундай одамларни учратганмисиз?
10. Қори-Ишкамба нутқидаги “боласи”, “навираси”, “авираси” сўзлари нимани англатади? Бу унинг судхўрлигини билдирадими? Судхўрлик Ислоҳда қандай қораланади?

Кунлардан бир кун Қори-Ишкамба Бухоронинг Мағоқ мечитида бомдод намозини ўқиди, намоздан кейин бўладиган маснавийхонлиқни эшитди, сўнгра мечитдан чиқиб, эшик олдидаги супачага ўтириб, қандайдир дуоларни ўқиб, тасбеҳ ўгира бошлади.

Шу вақтда оддий деҳқон кийимида бир одам келиб, қўл қовуштириб, унга салом бергандан кейин, мечит эшигининг бошқа бир супачасига ўтириб, Қори-Ишкамбага қарай бошлади.

Қори-Ишкамба у одамни “Мағоқ” мечитига назр атаган ва ўзини мечитнинг назрхўри, деб гумон қилган бир деҳқон”, деб ўйлади ва ундан кўпроқ назр ундрини учун бир неча минут яна ҳам баландроқ овоз билан дуо ўқиб, тасбеҳ доналарини ҳисоб чўтидай шарақлатиб ўтиргандан кейин, қўлини юзига суртиб, унинг саломига жавоб қайтарди ва унга:

– Хўш, назр-ниёзингиз бўлса чиқаринг, ука! – деди.

– Менинг назр-пазирим-ку йўқ, лекин сиздан қарз сўрамоқчиман, – деди у деҳқон.

– Қанча қарз олиб, қанча фойда бермоқчисиз ва заркафилнингиз¹ ким? – сўради деҳқондан.

Қори-Ишкамба билан деҳқон гаплашаётган чоқда Мағоқ мечити олдида дўконлари бўлган атторлар кела бошладилар, улар ўз дўконларини очишдан бурун буларнинг нималар тўғрисида гаплашаётганларига қизиқиб, гаплашувчиларнинг олдиларида тўплана бердилар.

Пул муомаласини ва умуман пул тўғрисидаги ишни ҳаммадан яширишни истаган Қори-Ишкамба одамлар олдида ўзининг бояги сўроқларига жавоб олишни, ўзича “муносиб” кўрмай деҳқонга:

– Туринг, мен билан юринг, бошқа бирон хилватроқ жойга бориб гаплашамиз, – деб ўридан турди ва деҳқонни эргаштириб шонатарошлик² тор кўчасидаги таҳоратхонага кирди.

Намоз вақти бўлмаганидан у ер таҳорат олувчилардан холи эди. Шундай бўлса ҳам, Қори-Ишкамба “эхтиёт юзасидан” таҳоратхона эшигини ичкаридан заنجирлади ва деҳқон билан бирга супачага ўтириб, унга ҳашиг саволларни қайта бошдан берди.

– Қанча қарз олиб, қанча фойда бермоқчисиз ва заркафилнингиз ким?

– Қори амаки! – деди деҳқон, – аввал сиз менинг дардимни эшиттинг, у вақтда менинг қанча пулга муҳтожлигим ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади ва қанча фойда бериш кераклиги ҳам ўшанда аниқланади.

– Хайр, гапиринг!

¹ Заркафил – қарздор билан қарз берувчи ораларида туриб қафил бўлган одам.

² Шонатарошлик – тароқчилик.

– Мен Гала Осиега қарашли Бўлмаҳўрон қишлоқлик, ер-сувли, уй-жойли деҳқонман. Сангсабз қишлоғининг оқсоқоли Арбоб Рўзи ўз ери ёнидаги ерларимни қўлга киргиши учун устимдан бир жанжал чиқарди. Қишлоғимизнинг оқсоқоли Арбоб Ҳамид ҳам унга ён босди. Ўн беш кун қамалиб чиқиб, кейин қозихона эшигига қатнай-қатнай бу жанжал мажжонан¹ чиқарармикансиз деб, олдингизга бўйин эгиб келдим.

Қори-Ишкамба “бундай ёлғиз ўлжа қандай бўлиб, қишлоқ ўлимсаҳўрлари чанғалига тушмай, менга келибди, бу орада бирон тузоқ йўқмикин”, деб шубҳаланиб деҳқондан сўради:

– Қишлоғингизда ҳолингизни биладиган, ҳалоллигингизга кўнгли тўладиган бирон судхўр бой йўқмидики, сиз уларга бормаи, менга келдингиз?

– Бор! – деди деҳқон, – менинг бошимда ўша жанжални қўзғаган Арбоб Рўзи ва унга ён босган Арбоб Ҳамид қишлоқнинг судхўр бойлари, лекин улар, қарзга берган пулларнинг фойдасига қаноат қилмайдилар, балки ер-сувни гаровга олиб, фойда устига фойда замлаб, оз вақтда мени ердан маҳрум қиладилар. Боя сизга айтганимдай, уларнинг бу жанжалдан мақсадлари еримни қўлимдан тортиб олишдир.

– Мен ҳам, – деди Қори-Ишкамба, – ерингизни гаровга олмасдан туриб, сизга пул қарз бера олмайман.

– Тузук, – деди деҳқон, – сиз ҳам еримни гаровга олиб, қарз берсасиз, лекин менинг эшитишимча, сиз қишлоққа чиқиб ер-сув эғаллаб, деҳқончилик қиладиган одам эмас экансиз. Шунинг учун қишлоғимиздан бир киши: “Агар шу кишидан қарз олсанг, еринг ўз қўлингда қолади”, – деб мени сизга юборди.

– Хўп, – деди Қори Ишкамба розилик оҳанги билан, – ҳар юз танга учун ойда қанча фойда берасиз?

– Беш танга?

Ҳалигача ҳар юз танга учун ойда икки ярим тангадан ортиқ фойда юзини кўрмаган Қори-Ишкамба “беш танга”ни эшитиб, юраги ёрилар даражада шодланган бўлса ҳам, яна бир оз орттириш умиди билан:

– Йўқ, – деди, – ҳар юз танга учун ойда ўн танга берсангиз, бу ишни қиламан, бўлмаса ерингизга кўз тиккан ўша қишлоқ судхўрлари олдига бора берин!

– Қишлоқ судхўрлари, – деди деҳқон, – жумладан, Арбоб Рўзининг ўзи ҳам, менинг ерларимни гаровга олиш шарти билан ҳар юз танга учун ойда ўн танга таклиф қилдилар. Мен “ерим қўлдан кетади”, деб бу таклифни қабул қилмадим. Сизни менга инсофли судхўр, юз танга учун ойда икки ярим тангага рози бўладиган судхўр, деб дарак бердилар. Шундай ҳам бўлса мен инсоф қилиб, қишлоқ бойлари таклиф қилган баҳосининг ярмисини, аммо ўзингиз шаҳар халқидан олиб сурган фойданинг икки бараварини таклиф қилдим. Агар

¹ Мажжонан – тегили, беҳадрат.

бунга унамай, ўша қишлоқ судхўрлари талаб қилгандай ойда ун танга талаб қилсангиз, сиз билан улар орасида қандай фарқ қолади? Натижада барибир менинг ерим оз вақтда қўлимдан кетади. Чунки бундай оғир фойдани тўлай олмайман, сиз дарров менинг ерларимни ўша бойларга соттириб olasиз, лекин ўшанда ҳам шарт қилинган ҳамма фойда унмайди. Бир иш қилинги, “на сих куйсин, на кабоб”, на менинг ерларим қўлдан кетсин, на сиз шаҳар халқидан оладиганингиз фойданинг икки баравари бўлган фойдадан маҳрум қолинг!

Қори-Ишкамба ўзининг манфаатига мувофиқ бўлган бу сўзга қарши айта оладиган бирор жавоби бўлмаса ҳам, бошқа йўл билан фойдани яна бир оз орттирмақчи бўлди.

– Хайр майли, боринг, барака топинг, фақат менинг намозхон покиза одамлигимни назарга олиб, дуоларимдан умид қилиб, юз танга учун ойда олти танга фойда беринг, бир ойда бир танга қаерга кетмайди! Ушанда ҳам сиз учун беш юз танга, ҳар ойда қозихона самоварчисига берадиганингизга кўра етти юз йнгирма танга арзон тушади.

– Хайр майли, боринг, сиз ҳам барака топинг! – деди пешин вақти яқинлашиб қозихона самоварчисига бериладиган пулнинг яна беш танга орттиришдан кўрққан деҳқон, – ундай бўлса, пулни дарров беринг, мен олиб самоварчига тўлай.

– Эй, қизиқ гапирасиз-ку, – деди Қори-Ишкамба, – мен сизни танимасдан қандай қилиб сизга пул бераман? Аввал бориб ер-сувингизни аниқлашим, уни хатлашим керак, бундан бошқа сиз бирор инобатли, ерли-сувли заркафил тошингиз керак. Ундан кейин мен пул бера оламан

– Хўп, – деди деҳқон, – боринг, ўз кўзингиз билан ерларимни кўринг, кўшиларимдан менинг қандай одамлигимни текширинг. Лекин “заркафил топ” деб ўтирмай, чунки, биринчидан заркафил – қарздор пул бера олмаган вақтда нақд пул чиқариб бериш учун керак. Менинг дўстларим орасида унақанги пулдор одам топилмайди, уларнинг ҳаммалари кундалик меҳнатлари билан кун кўриб юрган одамлар, иккинчидан, заркафил пул эгасининг кўнглини тўлдириш учун керак, мен ўз ерларимни сизга хат қилиб берганимдан кейин, агар мен сизнинг пулиңизни бера олмасам, сиз дарров ерларини соттирасиз. Бу орада заркафилнинг нима кераклиги бор?

– Хўп, – деди Қори-Ишкамба бу шартга ҳам рози бўлди.

– Энди ерларимни текшириш ва васиқа қилиш учун қачон борасиз?

– Шу икки-уч кун орасида.

– Жон Қори ака, эрта-индин боринг, самоварчининг гарданимдаги қарзи оғирлашиб кетмасин, – деб деҳқон ўрнидан кўзгалди.

– Тез бориш учун ҳаракат қилиб кўраман, – деб Қори-Ишкамба ҳам ўрнидан турди ва таҳоратхонадан чиқа туриб, деҳқондан сўради:

– Бўлмаҳўронга борсам сизни ким деб сўроглай?

– Ҳамроҳрафик, – деди деҳқон ва Қори-Ишкамбадан тезроқ боришини яна бир марта ялиниб сўрагандан кейин, тароқчилик кўчасидан ўтиб, راستадан

чиқиб кетди. Қори-Ишкамба бўлса, катта растадан чиқиб, кундалик ишлари орқасидан тушди.

* * *

Қори-Ишкамба Ҳамроҳрафиқ билан қилган суҳбатининг эртасига эрта билан шаҳардан чиқиб, Гала Осиё томонига қараб пиёда йўлга тушди.

Пиёда юришда семизлиги, қорининг катталлиги азоб берса ҳам, у иложи борича тезроқ югурмоқда ва терга ботиб, нафаси қисилса ҳам, йўртиб лўкилламоқда эди. Унинг бундай шошилишидан мақсади Гала Осиёдаги қозикалон ноибни қишлоқларга чиқиб кетмасидан бурун бориб ноибхонада топмоқ ва унинг воситаси билан Ҳамроҳрафиқнинг аҳволини текширмоқ эди.

Қори-Ишкамба Гала Осиёга етишиб, ноибхонага кираётганида ноибни от устидан учратди. У Қори-Ишкамба кутгандай қишлоқларга чиқаётгир эди.

Қори-Ишкамбанинг кириб келишини кўрган ноиб отдан тушди-да, у билан қучоқлашиб кўришди.

Қори-Ишкамба билан ноиб кўришаётган чоқда ноибхонадаги мулозимлар, сайислар¹ ва отбоқарлар ширқлашиб кулишдан ўзларини тия олмадилар, чунки буларнинг кўришишлари икки одамнинг қучоқлашиб кўришишидан кўра, кўпроқ ёнма-ён қўйилган икки хумга ўхшар эди – ноиб ҳам Қори-Ишкамбадай қорин катта ва семиз бир одам эди. Ноибнинг Қори-Ишкамбадан фарқи фақат боши ва юзининг кичиклигида, кам соқолигида эди, боши шу даражада кичкина эдики, узоқроқдан уни кўрганлар “ғалла тўлдириб оғзи боғланиб қўйилган қанор бўлса керак”, деб ўйлар эдилар. Ҳақиқатан ҳам унинг йўғон гавдаси устидagi кичкина боши тутамлаб боғланган тўла қанорнинг оғзига ўхшар эди.

Бир-бировларига ёпишганлари ҳолда қўллари бир-бировларининг қўлтиқларига етмаган бу бесўнақай икки дўст ўз аҳволларидан ўзларининг ҳам кулгилари қистаб, кўришиб бўлгач, қўл ушлашиб кула-кула меҳмонхонага кирдилар.

Ноиб, овқат ейишда ҳам Қори-Ишкамбанинг ўзгинаси эди, бу тўғрида унинг фарқи ёлғиз шу эдики, Қори-Ишкамба қоринини ўз ҳужранишинлари ва қарздорлари дастурхонларидан “тўлдирса”, ноиб ўзига иши тушган қишлоқ бойларининг ёлғиқ зиёфатларини ейиш билан бирга, камбағал деҳқонларни талаб, тўплаган қўй, қўзи ва сўқимларини сўйиб, ўз уйида ҳам ер эди ва камбағалроқ одамларни ўз дастурхони бошига йўлатмаса ҳам, ўзи ва Қори-Ишкамбага ўхшаган қорин катталардан зиёфатини аямасди.

Меҳмонхонага кириб ўтиришлари биланоқ ноиб ўз маҳрамини чақириб, дастурхон буюрди.

¹ Сайис – отларнинг эгар-жабдулари билан шугулланувчи.

– Ҳозирча дастурхон билан бирга бир товоқ яхна гўшт келтир ва дарров икки товуқни қовуришга буюр! – деди-да, Қори-Ишкамбага қараб сўради:

– Қандай сабаб билан шаҳардаги жавоб муомалаларингизни ташлаб қишлоққа чиқдингиз?

– Чой буюринг, бир-икки пиёла чой ичиб, ҳам ҳордиғимни чиқарай, ҳам қоринни сиз дастурхонга қўядиган таомларни шипириш учун тайёрлай, бир оз дам олганимдан кейин, қишлоққа чиқишимнинг сабабини айтиб бераман. Бир тош¹ йўлни пиёда босиб, жоним халқумимга кела ёзди.

– Э, ҳали пиёда келдингизми? Шундай вақтларда фойдаланиш учун нега биров улов сақламайсиз?

– Мен тиши бор аррани уйимга йўлатмайману, от ёки эшак сақлайманми?.. – деди Қори-Ишкамба ва маҳрам олиб кирган чой билан дастурхонга кўзи тушган ҳамон гапдан тўхтади.

Дастурхон ёзилди, яхна тўғралиб ўртага қўйилди ва чой қўйилди.

Қори-Ишкамба овқатдан бурун чой ичмоқчи бўлса ҳам, яхна гўштни кўрдую, чойдан кечиб яхна солинган товоқнинг устига бутун гавдаси билан эгилди.

Уй эгаси ҳам ёғлиқ парчаларни олиб оғзига тикишда ўз меҳмонидан қолишмасди.

Қори-Ишкамба овқат вақтида гапиришга одат қилган бўлмаса ҳам, уй эгасининг ўзидай овқат ейишидан қулашиб² бўлса керак:

– Сиз ҳам ҳалигача овқат емаганми эдингиз?

– Еган эдим, – деди ноиб, – лекин ёлғиз ейилган овқатнинг мазаси бўлмайди ва иштаҳа ҳам яхши очилмайди.

– Иштаҳангизни очиш учун сизга ҳамтовоқ керак экан, нега ўз одамларингиздан бирортасини дастурхонга чақирмадингиз.

– Доимий ҳамтовоғим бор – ўз маҳрагим, у ҳар маҳал дастурхон бошида мен билан бирга ўтиради. Лекин у овқатни жуда оз ейди, “чимхўр ҳўкиз очликдан ўлади”, деганларидай, унинг “чили-чили” қилиб овқатланиши менинг иштаҳамни баттароқ бўғиб қўяди, – деди ноиб ва изоҳ беришга киришди. – Чунончи шу бугун эрта бир дона қовурилган товуқ билан бир товоқ тўғралган яхнани дастурхонга келтириб қўйдилар, ҳамтовоғим бўлган маҳрагим бир-икки бурда нон билан бир-икки парча яхна гўштдан ортиқ ея олмади. Буни кўриб менинг ҳам иштаҳам бўғилди. Кўнгил тилар-тиламас зўра товуқни еб тугатдим, аммо яхнадан бўлса уч парчадан ортиқ ея олмадим.

Қори-Ишкамба ўз одатининг аксича ўлароқ, овқат вақтида бир-икки оғиз гапириб, у вақтда товоқдан овқат олиши бирмунча кейинга қолган бўлса ҳам, бундан зиён кўрмади, овқат ейишда дунёда бирдан-бир рақиб бўлган ҳамтовоғини гапга солиб қўйиб, ўзи гўштарни чайнамай юта берди, ноиб ўз

¹ Бир тош – 8 чақиримса таш узунлик ўлчови

² Қулашиб – қилганиб, гаши келиб.

чимхўрлигини гапириб бўлгунча яхна товоғи бўшади ҳам унинг ўрнига қипқизил қилиб қовурилган иккита товуқ келтирилди, бир охурдан кунжара еяётган бир жуфт ҳўкиздай икки дўст товуқ гўшти устига энгашидилар. Энди уй эгаси ҳам индамасдан овқат ейишга киришди, у “олинг-олинг” дейдиган манзиратга ҳам ўрни қолдирмай, товоқдан катта парчаларни кўтараётган ҳамтовоғини меҳмондорлик назокати учун ора-сира боши ва кўли билан “олинг” деган маънода имлаб қўйса ҳам, бирон оғиз гапирмасди...

Товуқлар ҳам ейилиб бўлиб, дастурхон йиғиштирилиб олингандан кейин, чой навбати келди ва чой вақтида Қори-Ишкамба ўзининг қишлоққа чиқиш сабабини айтиб бериб, ноибдан унинг кўл остида бўлган Бўлмахўрон қишлоғидаги Ҳамроҳрафиқнинг аҳволини сўради ва:

– У билан олди-берди қилсам куйиб қолмасмиканман? – деди.

– Йўқ, куймайсан, – деди ноиб, – биринчидан, у ўзига тинч бир деҳқон, беш таноб милк ери¹, бир тоқа² ҳўкизи ва бир сигири бор: оға-иниси ёки кўлидан иш келадиган катта ўғли бўлмаса ҳам, ўзи ишчан одам бўлганидан ерларини гулбоғчадай обод қилган ва беш таноб ердан ўн таноб, балки ундан ҳам кўпроқ ернинг ҳосилини олади, иккинчидан, у тўғри ва кишининг ҳақиқдан қўрқадиган одам, учинчидан, жуда содда, софдил ва ишонувчан бир киши, шунинг учун “ёмғирдан қочиб, қорга тутилган” одамдай, қишлоқ судхўрларидан қочиб сизнинг тузоғингизга илинибди.

Қори-Ишкамба ноибнинг бу гапидан завқланиб кулди ва ноиб ўз сўзини давом эттириб деди:

– Мана шундай мулкни, асбоб-ускунални, ўзига тинч, тўғри ва содда дил деҳқонда сиздай одамнинг пули куймайдигини эмас, балки у сизга говминш сигирдай бир неча йил суг, қаймоқ бера олади.

– Биров уни йўлдан оздириб, виятидан қайтарса нима қиламан?

– У вақтда, – деди ноиб, – қозикалон муҳри билан муҳрлатиб сизга бериладиган бир парча хат сизнинг қўлингизда “ўткир пичоқ” вазифасини бажаради ва у пичоқни ишлатиб, унинг терисини шилиб, сизга топширадиган “қассоб” мен бўламан.

– Демак, Ҳамроҳрафиққа пул қарз беришим маслаҳат?

– Маслаҳат, – деди ноиб, – лекин у қишлоққа бориб, у ернинг катта-кичиклари орасида гаплашиб, васиқа тайёрлашимиз керак.

– Ундай бўлса, ўша ерга борайлик.

– Борамиз! – деб ноиб отларни тайёрлашга буюрди...

¹ Амир аломчиси Бухоро Ҳасаншоҳи Вуғича “милк ери” деб йодшоҳликка солиқ бермайдиган ерни айтиб ўтади. (Муаллиф таълиқи)

² Тоқа – йона

Кейинги бобларда ҳикоя қилинишича, Қори-Ишкамбанинг Ноиб, Арбоб Камол каби амалдор ва судхўрлар билан “тил бириктириб” қинғир йўллар билан катта фойда эвазига қишлоқ деҳқонларига қарз беради, уларнинг уйларини, ер-мулкларини гаровга олади. Қарзин катта фойдаси билан вақтида тўлай олмаган деҳқонларнинг уйларини, ерларини тортиб олиб сотади, уларни хонавайрон қилади ва шунинг эвазига бойиб боради. Бойинган сари унинг очкўзлиги ҳам ошиб-кучайиб боради. У бойиш, пул тўплаш, пулни кўпайтириш йўлида ҳеч қандай пасткашликдан, юзсизликдан, ҳатто, ўғирликдан ҳам қайтмайди. Қори-Ишкамба фойда олишнинг турли-туман йўллариини ўйлаб топади. Натижада унинг пули мисли кўрилмаган даражада кўпайиб, уч миллионга етади. У пулларини ҳеч кимга ишонмайди, уйда сақлашга кўрқади. Оқ подшо, яъни Россия банкига кўяди. Бу орада Оқ подшоҳ тузумига қарши халқ исёнлари яқинлашиб қолади...

XV

...Февраль революцияси бўлди. Қори-Ишкамба кўрқадиган ҳодиса бир ҳақиқат бўлиб, унинг бошига тушди – подшоҳ тахтдан қувилди. У таажжуб билан ўзининг “императори Аъзам ҳақида” қилган дуоларининг беасар қолганини ўз кўзи билан кўрди. Подшоҳнинг тахтдан ағларилганини эди банкнинг директори ҳам инкор қилмасди. Лекин, у эди Қори-Ишкамбани юпатиб турмасди:

– Императори Аъзам ҳазратлари бекор бўлган бўлсалар ҳам, зарари йўқ. Ҳукумат бошида ўтирган одамларнинг ҳаммалари бизнинг банкларнинг катталаридирлар. Улар бизнинг банкнинг сенишига ва сиз каби банкирларни содиқ кишилари бўлган одамларнинг пулларининг куйишларига йўл қўймайдилар. Ажаб эмас, Николай ҳазратларининг ўринларига у кишининг амакилари – Великий князини подшоҳ кўтарсалар... – дерди.

Лекин Қори-Ишкамба эди буздай юпатишлар билан унча тинчий олмасди; чунки у ўзини кўп вақтдан бери кўрқитиб келган революционерлар деб аталган одамларнинг бу ишларни қилаётганларини кунда неча бор ишончли одамлардан эшитарди. “Оёқ яланг мужик”лар катта ер эгаларининг ерларини, ҳовли ва деҳқончилик асбобларини босиб олаётирлар, заводларда, фабрикаларда ишчилар ўз комитетларини ташкил қилиб, хўжайинларини менсимай бошлаганларини эшитарди.

“Улар бир кун заводлар сизники эмас, бизники”, деб хўжайинларни қувиб юборсалар-а.

“Шундай бўлгандан кейин, – дер эди Қори-Ишкамба ўз-ўзига, – нақд пул билан тўлиб-тошган банкларни пулдорлар қўлида қолдирармиканлар? Агар

банкларни ҳам босиб олсалар, бошқа пуллар қаторида менинг пулларим ҳам қўлимдан кетади... Энди нима қилиш керак!”

Қори-Ишкамба ўзига-ўзи берган бу кейинги саволга жавоб тополмай қон ютарди. У ўғрилар хавфидан пулларини уйида ёки саройда сақлай олмасди. Бошқа одамлар ундаи қарзга пул сўрамасдилар. Агар пулларини элтиб амир ҳукуматиغا омонат топширса, у очикдан-очик унинг пулини еб кетар эди. Бундай ҳолатда “болта келгунча кунда дам олар” деб ўз пулларини банкка қўйишдан бошқа чораси йўқ эди...

XVI

Қори-Ишкамба 1917 йилнинг кузида “Большевиклар ҳукуматни ўз қўлига олган эмиш”, деган хабарни эшитди. У бу хабарни эшитгач, “большевиклар?” деб ўйлади. Илгари у бундай номни эшитмаган эди. У, банк директоридан қандайдир “...князь деган кишини, ажаб эмаски, подшоҳ қилиб кўтарсалар”, деб эшитган эди. Лекин бу у номга ўхшамас эди, ёнги қарилги сабабли у директор айтган номни унутганим, бу ўша номнинг ўзими?..

У бу номнинг ва бу гапнинг таги-тубини билиб олмоқчи бўлиб, банкка жўнади. Мақсади – дунёда “ягона ростгўй” бўлган директорни кўриб ундан сўраш эди.

Аммо у банкка етиб боргунча соат учдан ошган, банк ёпилган, унинг ходимлари директор билан бирга кассаларини кўтариб Когонга жўнаган эдилар.

У банкнинг эшиги олдида ёлғиз банкнинг тилмочига дуч келди, тилмоч ҳам портфелини кўтариб, ўз уйига кетаётир эди. Тилмоч, Бухоро шутқорларидан бири эди, шунинг учун Қори-Ишкамба ундан гап сўрашни истамади. “Бу шум рост-ёлғон гапларни гапириб, кўнглимни қора қилиб қўяр”, деб ўйлади. Аммо бир оз ўйлаб тургандан кейин “ёмон айтмагунча яхши келмас” деганлар, деди ўз-ўзига, у ёмон гапларни айтаверсин, зарари йўқ, худодан у ёмонларни яхшига айлантиришни сўрайман”.

Қори-Ишкамба шу қарорга келгач, кейин тилмочдан:

– “Русия ҳукуматининг бошига большевиклар келган”, дейдилар. Бу хабар ростми, ёлғонми? – деб сўради.

– Рост! – деб жавоб берди тилмоч.

Қори-Ишкамба қувонч билан яна сўради:

– Бу директорингиз “аҳтимол подшоҳ бўлса” деган ўша “вел” ёки “век” ёнги “велка князь” (сабил қолгур исмини эсимдан чиқарибман) эмасмикан?

– Йў-ў-ў-қ! – деди тилмоч чўзиб, – большевиклар князларнинг оёғини осмондан келтирдилар.

Қори-Ишкамба бу гапни эшитиш билан:

– Хўй, ҳазилни бир фасл бир томонга қўйиб туриб, ростини айтинг, большевик неча ойлاردан бери бош кўтариб дунёни безовта қилган Николай ҳазратларидай улуг ва кучли бир подшоҳни тахтдан туширган революцио-

нерлардан яхшироқ эмасми? Ва у биздек емай-ичмай, рост айтиб, ёнгон айтиб, беш пул-ўн пул тўплаганларнинг ҳолига раҳм қилмасмикин? – деб сўради сесканиб кетиб.

Тилмоч бир оз ўйлаб тургач гапга киришди:

– Сиз бу кунгача кўрқиб юрган революционерларнинг ишлари ишнинг бошланғичи эди, бу фурсатдан фойдаланган сиз каби одамлар аввалгидай уч миллион пулни банкка қўйиб, йилда бир юз эллик-икки юз эллик сўм процент олиб, ишламай-нетмай қоринларини қашиб юрадилар. Баъзи бир текникхўрлар бугун бир нарсани бир сўмга олиб, эртага ўн сўмга сотиб, меҳнаткашларнинг қонларини ичишни давом эттирадилар. Энди ҳукумат большевикларнинг раҳбарлиги остида ишчи-деҳқон қўлига ўтди, энди сиз каби текникхўрларнинг кўни битди. Энди ўтган кушларни тушингизда кўрасиз.

Қори-Ишкамбанинг ранги-кути ўчди, аъзойи бадани титрай бошлади, ўзини туголмай орқаси билан деворга суяниб бир оз жим тургач, ўзини юпатиш йўли билан деди:

– Хайр, менинг пулим кассасида бўлган сизнинг банк ҳозирча соғ, тиш-ку. “Илдизи сувда бўлган дарахтдан мева умид мумкин”, деганлар. Ҳали бошимга келмаган ўлимдан бу қадар кўрқиб, кунда неча марта ўлиб, нега ўзимни мунча азоблай?

– Сизнинг “дарахтингизнинг илдизи сувда эмас”, – деди тилмоч, Қори-Ишкамбанинг юрагини ёрарлик бир оҳанг билан, – Петроград, Москва ва бошқа катта шаҳарлардаги банкларни қўлга олдилар, фабрика-заводларни олдилар, қонларни олдилар, бутун мамлакатдаги поездларни олдилар, дарёлардаги пароходларни олдилар, бутун мамлакатдаги ерлар, деҳқончилик асбоблари билан бирга ўзи ишловчи деҳқонларники деб декрет чиқардилар... Бас, бу ҳолда сизнинг “дарахтингизнинг илдизи” қандай қилиб сувда бўлади? Илдингиз сувда эмас, ўтда! Илдингиз ёнмоқда, балки ёниб кул бўлди. Уй пойдеворидан бузилаётир, аммо сиз “томи ҳали тузук деб, ўзингизни юпатмоқчисиз...”

Қори-Ишкамба ўзича “тилмоч” навбатдаги ҳазилларини бошлади, у ҳали келмаган ажал билан мени ўлдирмоқчи. Бўлмаса, “большевик” номли бир кишининг чиқиб шу қадар ишларини қила олиши мумкинми? У шундай мулоҳазалар билан газабланиб тилмочга деди:

– Йўқол кўздан! Илоҳи тилгинанг кесилсин! Қараб тур! Эрта сени нима қиламан? Агар директорга айтиб сени банк хизматидан қувламасам, одам эмасман...

Тилмоч кула-кула ўз йўлига кетди. Қори-Ишкамба деворга суяб қўйилган жонсиз ҳайкалдай бўлиб қолди.

“Энди бу ерда туриш фойдасиз, директор кассасини кўтариб Қоғонга кетган...” Шундай мулоҳазалар билан Қори-Ишкамба ҳам ўз уйига йўналди.

У, йўлда шошиб қадам ташлар эди, яна бирон шутқорига дуч келиб улдан ҳам жон олувчи шум хабарларини эшитиб, ҳали келмаган ажал билан ўзини ва жонидан ҳам азизроқ пулларидан ажралишдан кўрқарди.

Қори-Ишкамба у кеча ҳеч ухлай олмади. Тонг қоронғиси билан туриб, таҳорат қилди, хотинлари хатми қуръон қилган кундан бери қўлига олмаган Қуръонни тоқчадан олиб, бир-икки оят ўқиб, “императори муаззам” ҳақиға дуо қилди, қайтадан тахтга келишини тилади.

Тонг ота бошлади. Қори-Ишкамба уйдан чиқиб, кундалик одати бўйича “Мағоқ” мачитига борди, унда бомдол намозини жамоат билан ўқиди. Лекин у кундалик одатини бузиб, эрта намоздан кейин, у ерда бўладиган маснавийхонлик мажлисига қолмади ва намозини ўқиб бўлгач, мачитдан чиқиб, тўғри Бухоро пассажида¹ бўлган подшоҳлик банкининг биноси олдига борди ва у ердан тош ва цемент билан ясалган супачада ўтирди.

Ҳали банкининг очилишига икки соат вақт бор эди, шундай бўлса ҳам, Қори-Ишкамба тезроқ директорни кўриб, ундан хабарларни аниқ англаб олмоқчи ва император давлатига душман бўлган “шум хабар” тилмочни чақиб, банкдан қувдирмоқчи бўлиб, кута бошлади.

Соат саккиз бўлди, аммо Когондан бирон киши келмади. Тўққиз бўлди, ҳали ҳам банк ходимларидан дарак йўқ. Соат ўн бўлди, тағин ҳеч гап йўқ, ҳатто кунда эрта билан келиб банк биноси ичини супириб-сидирувчи хизматчи ҳам шу вақтгача келмади.

Қори-Ишкамбанинг юраги сиқила бошлади. У қанча вақтдан бери гўшти қочиб, териси суякларига ёпишиб қолган кўксини шишиб бораётгандай сезар эди, унинг бошига “кўкрагим шишиб ёрилар ва у ердан юрак ва ўпкаларим чиқиб ерга тўкилар”, деган хаёл келди. У ёрилишдан сақлаб қолмоқчи бўлиб икки қўли билан кўкрагини босди. Лекин у ернинг шишиши босилмас эди, балки тобора қабашиб кўтарилмоқда эди.

Соат ўн бир бўлди, лекин ҳеч киши келмади. Энди у ўз-ўзига айтарди: “Ўша шум хабар” тилмоч келса ҳам майли эди. Ёлғон бўлсин, ҳазил бўлсин, ҳар нима бўлса бўлсин, бирон гап айтарди. Бундай, ичига ўт тушган сомондай тутагандан кўра ёнғинда қолган керосиндай бирдан алангаланиб ёниб, йўқ бўлиш яхшироқ”. Бахтга қарши, тилмоч ҳам келмади.

Қори-Ишкамбанинг юраги тартибсиз урарди, гоҳо ҳаракатдан қолаёзиб даражасигача сусайиб кетарди.

Унинг нафас олиш йўли тобора тораярди, бир вақт шу даражага етдики, у ерга йиқилаёзди. У, нафас йўлини бир оз кенгайтириш умиди билан тикка турди, лекин боши айланиб кўзининг олди қоронғиланди, у деворга суяниб, ўзини йиқилишдан зўрға сақлаб қолди.

Чўзиб-чўзиб бир-икки нафас олди, нафас йўли бир оз кенгайди. У қўйин мўнтагидан соатини чиқариб қаради, соат ўн иккига яқинлашган эди.

¹ Пассаж – томон рафта, усти ёпишган, ичида битловлик, резаворфурушнинг дўконлари бўлган бозор.

У ўз соатига ишонгиси келмади, “эҳтимол соатим бузилиб илгари кетган бўлса”, деб ўзини юпатди ва бу тахминни тасдиқлатириш учун бир йўловчидан сўради:

– Соат неча бўлди экан?

У одам юришни секинлаштириб соатига қараб:

– Соат ўн икки! – деб ўз йўлига кета берди.

Қори-Ишкамбанинг кўнглига ўзига ёқарлик яна бир эҳтимол келди: “Директор балки касал бўлгандир ёки отига бирон офат теккандир, ёнги фойтуни сингандир. Шунинг учун банк бу кун очилмагандир..”

“Хўп, – деди Қори-Ишкамба ўз-ўзига, – менинг ҳар бир умидимга қарши соатнинг ўн икки бўлганлиги, директор ва банк ходимларининг шу вақтгача келмаганликлари ҳақиқат. Пешин намози ва Девонбеги хонақоҳиси саънинг келтириладиган жанозаларнинг вақти ҳам бўлди. Энди бу ерда кутиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, балки зарари бор, чунки, бу ерда буидан ортиқ қолсам “худойи” жанозаларнинг “йиртиш”идан маҳрум қоламан, фойдасиз бир жойда туриб, фойдани қўлдан бериш ақлсизларнинг иши. Ҳали ҳам менга анча зарар бўлди: бу ерда ўтириб, ижарачиларимнинг паловидан қолдим...”

Қори-Ишкамба шундай муҳокама қилганидан кейин, пассажнинг цементланган йўлаги билан Девонбеги хонақоҳи томонига қараб йўналди.

У бир неча қадам босгандан кейин йўлда тўхтаб ўйлади: “Катта йўлдан борсам яхшироқ. Чунки йўлда Когодан келаётган банк ходимларига дуч келсам, ажаб эмас. Улардан бирон хушхабар эшитиб, кўнглим тинчиб хонақоҳга бораман, намоз учун кўнгил тинчлиги шарт”.

Қори-Ишкамба шундай мулоҳазалар билан бораётган йўлидан қайтди ва пассажнинг жануб томонидан баззозлик растасига тушди, бу кўча Когодан келадиغانларнинг йўли эди. У шарқ томонга, Девонбеги ҳовузи томонга йўналди...

У ҳар қадам босганда қаршисидан келаётганларни бирма-бир кўздан кечирарди. Кўча от-арава, фойтун, эшак ва пиёдалар билан тўла эди. лекин улар орасида пул халталари юкланиб, устига банк ходимлари ва яроқли соқчилар минган уч отлик узун арава кўринмасди.

Бу ерда усти ёпиқ раста тугаб, ундан у ёғида йўлаксыз, лой йўл бошланарди. Қори-Ишкамба бу ердан Лаби ҳовузи Девонбегининг кириш йўли томонига бурилмади, “охирги – ҳовузининг шарқи-жанубдаги кириш йўлигача борай, қани мақсадимга етиша одамани?” деб лой йўл билан шарқ томонга йўналди.

У ҳар қадамда кавуш-маҳсиси лойга ботар, оёғини қўтарганида, кавуш ботқоқда қоларди, у ерга эгилиб, кавушини қўли билан лойдан тортар ва уни кийиб, яна олдинга қараб қадам босарди.

Шу ҳол билан йиқила-сурила совун бозори кўчаси бошигача борди. У ерда Лаби ҳовузи Девонбегига қирадиغان йўлнинг сўнггиси бўлиб, беда бозори кўринарди.

Қори-Ишкамба у ерда туриб, яна бир марта Когон томонидан келаётганларни кўздан кечиради, яна банк ходимларидан бирон кишини кўролмади. Энди умидини бутушлай узиб, ҳовуз томонига бурилмоқчи бўлганида, узоқдан бир узун арава

келаётганини кўрди. У арава кела туриб, бир-бировларига тўқнашиб, йўлни банд қилиб қолган араваларга тиралиб қолди.

Қори-Ишкамба у узун аравани кўргач, қувончидан юраги ёрила ёзди: аравага қўшилган отлар худди банкнинг аравасига қўшиладиган отлардай қора ва катта эди. Фақат шутгина фарқ бор эдики, банк аравасига уч от қўшилди, ammo бу аравага эса икки от қўшилганди. “Ажаб эмаски, бир отнинг оёғига ем тушган ёки бошқа бирон нарса бўлиб унга дам берган ва бутун икки от қўшиб келган бўлсалар”, – деди ўз-ўзига.

Аmmo араванинг узунлиги, узоқдан аранг кўринадиган устидаги юки банкниқидан фарқсиз эди.

Лекин, у арава тездан етиб келолмасди, Қори-Ишкамба бўлса, унинг устидаги банк ходимларини кўриб ва улардан гап сўраб, кўнглини тинчлатишга шошилди. “Кўча қолиби” аталган Бухоронинг икки ёлдиракли, сербар баланд юк аравалари унга йўл бермасдилар. Бу аравалар бир-бировлари билан дуч келган, йўлнинг торлигидан ва араваларнинг кенлигидан биров арава рўпарасидан келган араванинг ёнидан ўтиб кета олмас, ўзар аравақашларнинг ҳеч бири у бирисига йўл қўйиб, ўз аравасини кейин тислатмасди. Шунинг учун араваларнинг орқасига тиралган узун арава ҳам тўхтаб туришга мажбур бўлган эди.

Қори-Ишкамба пиёда бориб узун аравани кўрмоқчи ва унга минганлардан “хушхабарлар”ни эшитмоқчи бўлса ҳам, беда бозорининг лойи уни бир қадам олдин боришга қўймади. У ҳам узун аравадай, “кўча қолиблари”нинг бир ёқли бўлишини кутишга мажбур бўлди.

Оқибат “кушойиш” бўлди, олдинда бораётган аравақашлар қаршиларидан келаётган аравақашлардан мағлуб бўлиб, ўз араваларини тислантиришга мажбур бўлдилар ва қаршидан келаётган аравалар бирма-бир келиб, Қори-Ишкамбанинг олдиндан ўта бердилар.

Энг охирида узун арава ҳам келди. Лекин унинг бутун орзу ва умидларига қарши, бу арава банкнинг араваси бўлиб чиқмади, унинг устидаги юк ҳам пул жойланган халталар ва унда ўтирган одамлар ҳам банк ходимлари ва қуролли еоқчилар эмасдилар, балки бу арава Бухоро касалхонасининг араваси бўлиб, унинг устидаги юк – тиббий текширишлар учун касалхонага олиб борилаётган ва тўсатдан кўчада ўлиб қолган бировнинг ўлиги ва аравада ўтирганлар эса касалхона ходимлари эди.

Бу ҳолни кўрган Қори-Ишкамба ихтиёрсиз, ёшлигида ёдлаб олган “Менинг жонимга, менинг кўзимга сен шундай жойлашиб олгансанки, узоқдан ҳар бир нарса кўзимга кўринса сен” деб ўйлайман” – деган мазмундаги Жомийнинг бир байтини ўқиди ва чапга томон бурилиб, Лаби ҳовузи Девонбегига кириб кетди.

У, ҳовуз олдига бориб лойга белашган қўл-оёқ, кавуш ва маҳсисини ювганидан кейин, хонақоҳнинг саъйига чиқди. Хонақоҳнинг ичи-тиши намозхонлар билан тўлган эди. Саҳнадагилар ўз жойнамоълари устида ўтирдилар, ҳамма азонни кутомоқда эди.

Хонақоҳнинг жануб томонидаги саҳннинг тўрида учта тобут кўринарди, у тобутларнинг бири теварагига сурп, иккинчисига айниган эски ва паст заррин ва учинчисига янги ва аъло сифат қизил кимхоб тортилган эди.

Қори-Ишкамба бир оз кувонди ва “Илоҳи бу тобутларнинг ҳаммасини бир қабристонга олиб борсинлар, токи мен ҳар учаласидан уч йиртиш олиб, бу кун мажбуран маҳрум бўлганим ҳужрамда ўтирадиган муллабаччанинг оши ўрини қоплаб олай”, деб кўнглидан ўтказди. Сўнгра бир оз ўйлаб: “Агар ҳеч бўлмаганда, иккаласини бир мазорга олиб борсалар ҳам майли эди, у вақтда икки йиртиш олар эдим, агар бу тобутларни бошқа-бошқа қабристонга олиб борсалар, нима қилишим ва қайсисининг орқасидан эргашиб боришим керак?” деб ўз-ўзига савол берди ва бу сўроқнинг жавобига “албатта теварагига қизил кимхоб тортилган тобутнинг орқасидан боришим керак!” деб узил-кесил қарорга келди ва бу қарорга далил қилиб ўз-ўзига айтди:

“Бу тобутдаги ўликнинг ёш ва бой хонадондан бўлганлиги унинг теварагига ёпилган аъло сифат кимхобдан маълум. Ёшликда ўлган кишининг қариндошлари “бу дунёда ҳеч нарса кўрмай кетди, деб тузукроқ йиртиш берадилар, бойлар ҳам ўзларини камбағаллардан юқорироқ тутиш учун йиртишларини каттароқ берадилар, аммо ҳам ёш ва ҳам бой хонадондан бўлган ўликнинг йиртиши жуда ҳам ёғлиқ бўлади”.

Қори-Ишкамба шундай мулоҳазалар билан ўз йўлини белгилагандан кейин, намоз учун саф тортиб ўтирганлар орасига кириб кетди ва орадан бировнинг жойнамосидан бир одам снгарлик жой топиб, чўккалаб ўтирди.

Кўп вақт кутишга тўғри келмади: сўфи пешин намози учун азон айтди. Одамлар туриб намоз ўқинишга киришдилар. Қори-Ишкамба ҳам ўридан туриб намозга киришмоқчи бўлиб, қиблага қараб икки қўлини кўтарди.

Шу вақтда паканагина бир одам орқасидаги сафдан бир қадам олдин босди, ўнг томонидан унга яқинлашди ва унинг қулоғи тубида шивирлади

– Қори амаки!

Қори-Ишкамба икки бош бармоғининг учини қулоғининг юмшоқ жойига ёпиштиргани ҳолда овоз келган ўнг томонига бошини бир оз қайириб, гапирувчи пакана одамга қаратиб, бир оз қайириб, бир оз эгилиб, унга қулоқ солди. Пакана одам сўзини давом эттириб:

– Эшитдингизми? – деб сўради.

– Нимани?

– Большевиклар Когонда қўзғолон кўтариб банкни, бутун қоғоз ақчаларни, олтин, қумуш пул ва бошқа қимматли ашёларни қўлга олиб, халқиники деб аълон қилганлар.

Қори-Ишкамба бу хабарни эшитгач:

– Оҳ!.. Большевик!.. – деб бир ёни билан ўша гапирувчига қулоқ солиб турган вазиятда ерга йиқилди.

Бу хабарни Қори-Ишкамбага етказган киши бир қадам орқага босиб, намоз ўқишга киришди, бошқа одамлар бу ҳодисага эътибор бермадилар ва намозларини бузмадилар.

Аmmo намоз ўқилиб бўлгандан кейин, Қори-Ишкамба теварагида тўпланган одамлар кўрдиларки, саҳнга унинг оғзидан қон ва йиринг оқиб, юзи ва чаккасининг тошга урилган жойи бир оз кўкарган, бош бармоғининг учи қулоғининг юмшоқ ерига ёпишганча қўли қотиб қолган.

У ўлган эди!

Савол ва топшириқлар:

1. Қори-Ишкамбанинг диний эътиқоди ва амалларига қандай баҳо берасиз? Улар мутаносибми? Унда Қори-Ишкамба ким?

2. Бўлмахўронлик деҳқон Қори-Ишкамбадан қандай ёрдам сўрагани келди? Уларнинг илк суҳбати, яъни келишуви қандай кечди?

3. Қори-Ишкамба қишлоққа қачон ва қандай қилиб етиб келди? У билан нонбининг кўришишини ёзувчи қандай тасвирлайди?

4. Қори-Ишкамбанинг **“Мен тиши бор аррани уйимга йўлатмайману, от ёки эшак сақлайманми?..”** жавобини қандай изоҳлайсиз?

5. Қори-Ишкамба ва Ноиб Ҳамроҳрафиқ каби қишлоқ деҳқонларини қандай хонавайрон қилишди? Уларнинг хатти-ҳаракатлари одамийликка тўғри келадими?

6. Бизнинг замонда ҳам Қори-Ишкамба, Ноиб, Арбоб Рўзи, Арбоб Ҳамид сингари муҳтожларни хонавайрон қиладиган кишилар учрайдими? Судхўрларга уй-жойини, ерини, дасмоясини бой берган, яъни “банкрот” бўлганларининг ўзларида ҳам гуноҳ бор деб ўйлайсизми?

7. Кейинчалик Қори-Ишкамба пул кўпайтиришнинг яна қандай йўлларида фойдалана бошлади? Унинг бойлиги қанчага етди?

9. 1917 йилдаги тарихий воқеалар ҳақида нималарни биласиз? Бу воқеаларга Қори-Ишкамба қандай муносабатда бўлди? У сиёсий воқеаларни қандай тушунди?

10. Таҳликали кунлардаги Қори-Ишкамбанинг хатти-ҳаракатлари, руҳий ҳолати тасвирланган ўринларни қайта ўқинг ва изоҳланг.

11. Большевиклар ҳокимиятини олгани ҳақидаги хабар келгач, Қори-Ишкамба қандай ҳолатга тушди? Унинг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини оғзаки баён қилинг.

12. Бандадаги пуллари тақдирини хавф остида турган пайтда ҳам, масжидга келтирилган тобулларга қараб Қори-Ишкамба нималарни режалаштирди? Буни **“Отнинг ўлими – итнинг байрами”** деса бўладими?

13. Қори-Ишкамба қандай ўлим топди? Унинг масжидда – Аллоҳнинг уйида намоз пайтида жон таслим қилиши Аллоҳга етишганлигини билдирадими?

14. Қисса мазмуни асосида **“Судхўрлик – кечирилмас гуноҳ”** мавзусида ишро ёзишга тайёрланинг.

ЎЛЖАС СУЛАЙМОНОВ

(1936- йилда туғилган)

Таниқли қozoқ адиби Ўлжас Сулаймонов 1936 йилнинг 18 майида Қozoғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида туғилди. Отаси Умар ҳарбий хизматчи эди. Ўлжас ўрича мактабда ўрта маълумот олди. Сўнг Қozoғистон Давлат университетининг геология факультетини битирди. Бадний ижодга катта муҳаббат қўйган Ў. Сулаймонов 60-йилларда Москвада М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтида ҳам таҳсил олди.

Ў. Сулаймонов бадний ижоднинг турли жабҳаларида ўзини синаб кўрди. 1962–1971– йилларда „Қozoқфильм“ студиясида бош муҳаррир, „Простор“ журнали бўлим мудирини, 1972 йилдан бошлаб Қozoғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котиби лавозимида ишлади, Қozoғистоннинг Италиядаги элчиси сифатида фаолият кўрсатди. Булардан ташқари турли-туман расмий ҳамда жамоатчилик вазифаларини бажариб келмоқда.

Ўлжас Сулаймонов ўрис тилида ижод қилади. Лекин қozoқ халқига хос миллий хусусиятларини, урф-одатларини, миллатнинг ҳаётидаги шонли ва оғриқли нуқталарини яхши билади. Шу боис унинг асарлари қozoқ халқининг миллий руҳини теран ифодалашини билан диққатга сазовордир. Шоирнинг биринчи асари – „Аргумоқлар“ 1961 йилда дунё юзини кўрди. Шундан кейин унинг „Қуёшли тунлар“, „Ажойиб тун“, „Шарофатли вақтлар“, „Маймун йили“, „Лой китоб“, „Оловнинг кўчиши“, „Юмалоқ юлдуз“ ва „Аз и Я“ каби ўнлаб шеърини, насрий, илмий китоблари чоп этилди.

Ў. Сулаймоновнинг бадний асарларида қozoқларнинг ўзинга хос турмуш тарзини, ўй-фикрларини, ҳис-туйғуларини ақс эттирилса, илмий асарларида туркий халқларнинг дунё маданияти тараққиётидаги улкан ўрни тарихий далиллар асосида ёрқин кўрсатиб берилган. Ў. Сулаймонов „Аз и Я“ асарида, европа-парастлар айтганларидай, туркийлар ёввойин ва маданиятсиз қавм эмас, балки дунёнинг энг қадимий маданиятли миллатларидан эканлигини асослади.

Ў. Сулаймонов „Қойилмисан инсонга, замин“ деб аталувчи достони билан дунёга машҳур бўлди. Инсон имкониятлари ва иродасига битилган мадҳия бўлган мазкур асарда кониотини забт этган ва жаҳон тақдирида янги босқичини бошлаб берган инсон ҳақидаги мушоҳадалар фоят таъсирчан ифодаланади.



Шоир шеърнатидаги қаҳрамонлар – гурурли, ўз қадрини биладиган, айни вақтда, ўзганинг ҳам қадрига етадиган шахслардир. Улар феъли кенг, танги, фалсафий мушоҳадаларга мойил, чапани ва жўмард кишилар сифатида ёркин бўёқлар, кучли шеърний тимсоллар воситасида жозибатор тасвирланган. Уларда қозоқ халқининг, туркий қавмларининг тарихий ўтмиши таъсирли лавҳаларда ўз аксини топган.

Арғумоқ

(Азим Суюн таржимаси)

Йилқиси билан машхур,
Қадим қипчоқ ерида
Оқиб боради уюр,
Куйган ўтлар селида.

Томиримда қайнар қон,
Тулпоридан сайлаб бер.
Елдирай мисли бўрон
Остин-устин бўлсин ер.

Еллар аланга олсин
Арғумоқнинг қонида.
Қиёқ, алафлар қолсин
Туёқлар тўзоннида.

Яшаш, кураш нимадир,
Билиб кўйсин арғумоқ.
Жасорат бизга тақдир,
Гулдураб кетсин сўқмоқ!

Силон ва топшириқлар:

1. „Йилқиси билан машхур, Қадим қипчоқ ерида“ сатрларида қайси юрт кўзда тутиладиғанини айтинг. Буни сиз қандай аниқладингиз?
2. „Оқиб боради уюр, Куйган ўтлар селида“ ташбеҳини изоҳланг. Нега ўтлар куйган ва улар не боис селга ўхшатилади деб ўйлайсиз?
3. „Елдирай мисли бўрон, Остин-устин бўлсин ер“ ифодасини изоҳлашга урининг.
4. „Еллар аланга олсин, Арғумоқнинг қонида“ тасвирини тушунтириб бering.
5. „Қиёқ, алафлар қолсин Туёқлар тўзоннида“ сатрлари замиридаги ҳаётий ва бадний маъно ҳақида мулоҳаза юритинг.
6. „Яшаш, кураш нимадир, Билиб кўйсин арғумоқ“ сатрларининг мазмунини изоҳланг.
7. „Жасорат бизга тақдир, Гулдураб кетсин сўқмоқ!“ сатрларидан қандай бадний маъно аниқладингиз? Сўзлаб бering.
8. Сизнингча, шеърдаги арғумоқ тимсоли нимани аниқлади?
9. Шеърнинг зарбига, маромига эътибор қилинг. Чопаётган арғумоқлар шиддатини назмга кўчиришда қандай воситалар қўл келганлигини аниқланг.
10. Шеърни ёд олинг.

ОҚСОҚ ҚУЛОН

(Азим Суюн таржимаси)

Еттисув даштида ёввойи отлар
Уймаланиб турар,
Қирлардан ногоҳ

Қоровул – сергак,
Тулқинлар сут каби оппоқ – дарёда.

Ҳа, булар ёввойи,
Титрашмас бир оқ.
Вужудин қамраган туйғулар қизгин.
Жангларда асқатар – тишлайман сиртмоқ,
Ҳам шукроналикни ўрганаман мен.

Айғир сувга қонди.
Чикди қирғоққа,
Силкинди ва кетди тепалик томон.
Отлар-чи, отилди
Бирдан сувлоққа,
Бўғзигача сувга ботдилар шу он.

Дашт дарёси, ёху, қуриди секин,
Бетоқат туюқар пастлик – этаклар,
Ҳансираб, ютоқиб ичишар бетин,
Тентаксои сувини ёввойи отлар.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърда ёввойи отлар табиати қандай акс эттирилганлигини матидан келиб чиқиб, тушунтириб беринг.
2. Оқсоқ қулон табиатини тавсифланг.
3. Уюрнинг бир оқсоқ қулонга бўсунишида адолат кўрасизми, адолатсизлик?
4. Оқсоқ қулоннинг “очликка балоғардон” лигида қандай сифатлар кўрасиз?
5. “Чўнг олишув пайтида синган оёқла” жумласини қандай тушунасиз?
6. Шеърни ёд олинг.

Мамбет ботирнинг¹ қатл олдидан айтганлари *(Шавкат Раҳмон таржимаси)*

Бисмиллоҳ!
Ўзимни унутгайман олис йўлга тушганда,
Жанг-жадалдан тўйганман,
Айтсам, кўпдир озорим,
Эгарда туғилгандим,
Ўлмоқдаман кишанда,
Тонгда мени ит каби қиладилар сазойи.
Ҳориб терлаган отнинг ҳидини унутгайман,
Сўғишлар² урҳосини унутгайман зиндонда.

¹ Мамбет – рус босқинчиларига қарши курашган ботир Мақамбет Утемиш ўғли.

² Сўғиш – уруш, жангу жадал.

Тонгда жисмим бурдалаб, алангага тутгайлар,
Шон-шухратин йўқотгай бошим бундай видода.
Унутгайман хотинларнинг титраб-қақшаб турганин,
Яланғоч қиличдайдим,
Занг босади тигимни.
Чалажон бир илондай томоғимда юрагим.

Э йўқ,
Менинг юрагим – пати юлинган шунқор.
Унутгайман,
Ягона нажоткорим – худони,
Унутгайман ёнғишлар, қирғишлар ҳам дуони”.

Ҳайҳот, даштда ой сузар
Барханларни қиялаб,
Мояларга¹ илиқиб юрадир нортуялар.
Қозоқнинг қозонида вишилдаб сут тошади,
Итлар зерикканидан бир-бирин қонга бўяр.
Мамбет ботир зиндонда кўкка қараб ётади,
Тўлин ой-чи ботирнинг қўлига нондай қўнар.

Савол ва топширмақлар:

1. „Ўзимни унутгайман олис йўлга тушганда“ шаклидаги эътироф табиатан курашчан қаҳрамоннинг қайси жиҳатларини аке эътиради деб ўйлайсиз?
2. „Эгарда тугилгандим, Ўлмоқдаман кишидан“ сатрлари замиридаги ҳаётий ва бадний маъноларни ифодалашга урининг.
3. „Тонгда мени ит каби қиладилар сазойи“ тарзидаги ҳавотирнинг сабабини изоҳланг.
4. „Ҳориб терлаган отининг ҳидини унутгайман, Сўғишлар урҳосини унутгайман зиндонда“ мисраларига асосланиб қаҳрамон ҳаёти ҳақида сўзланг. Табиатини тасаввур қилишга урининг.
5. „Яланғоч қиличдайдим, Занг босади тигимни“ сатрлари замиридаги улкан андуҳни изоҳланг ва унинг ифодаланиш тарзига эътибор қаратинг. „Яланғоч қилич“, „ занг босган тиг“ ташбеҳларининг ҳаётий ва бадний илдишларини тошинг.
6. „Чалажон бир илондай томоғимда юрагим“ сатрида аке эътирилган руҳий ҳолат ҳақида мулоҳаза қилиб кўринг. Чалажон илон ва безовта юрак тимсолларини қиёсланг.
7. Лирик қаҳрамоннинг: „Э йўқ, Менинг юрагим пати юлинган шунқор“, деган эътирофини шарҳлашга урининг.
8. „Ҳайҳот, даштда ой сузар Барханларни қиялаб“ тасвири қайси юрт манзаларларини кўз оддигизга келтирганлигини айтинг ва бу тасвирининг вазифасини тушунтиринг.
9. Сўнгги банддаги тасвири изоҳланг. Тутқун дардининг миқёси, фожиасининг билашдиги билан турмушнинг шафқатсиз оддийлиги ўртасидаги индиётга эътибор қилинг.
10. Ботир қўлига „лондай қўнган ой“ тасвири сизда қандай туйғулар уйғотганлигини айтинг.

¹ Моя – ургочи тую.

БИР ЭТИКДҮЗ БҰЛАРДИ БИЗНИНГ ОВУЛДА

(Азим Суюн таржимаси)

Этикдүз барчага тикарди этик
ўзига мослаб,
хаммани тенг қилмоқ истарди шўрлик
наздида боплаб.
Бонапарт бүйидай эди бүй-басти,
лек биз дарозларга этиги тўғри келмасди.

Ва ҳар ким ўйларди: этикни худо
яратган шу алфоз –
муслмонлар ўқисин деб
вақтида намоз.
(Намоз вақти ечасан этикни,
танда тетиклик)
Шундай қилиб десанг, намоз бу –
увушган оёқлар кўшиғи.

Мачитга ошиқар
кекса ҳам, ёш ҳам
оқсоқланиб, қилиб “оҳу воҳ”
(бармоқлар сиқилган қадоқ).
“Аллоҳу акбар!”
Худога ишонмас фақат ялангаёқ
ҳам чувринди кас,
этикдүз ўзи ҳам ишонмас.
Ахир, этиги қисмас.

Савол ва топшириқлар:

1. Этикдўзининг феъли шеърда қандай тасвирланганига эҳтибор қилинг.
2. Овул одамлари фикрлаш йўсини этикдўзникидан ортиқроқ деб ўйлайсиз-ми?
3. Оёққа тор келган этик ва Аллоҳга эътиқод ўртасидаги боғлиқликка эҳтибор қаратинг.
4. Шеърдаги юмористик оҳанг манбаига диққат қилинг.

Тестни счинг:

1. “Чалажон бир илондай томонимда юрагим. Э йўк, Менинг юрагим – лати юлинган шунқор” мисраларида қандай руҳий ҳолат ифода этилган?
А. Қўрқинш. Б. Хавотир. В. Эрка ташналик, буйсуимаслик, Г. Иложсизлик. Д. Курашдан чекинш.

МУСТАҚИЛ ҲҲИШ УЧУН

АЗИЗ НЕСИН

(1915 - 1995)

Азиз Несин жаҳонга таниқли турк ёзувчисиدير. Асл исми Маҳмуд Нусрат бўлган Азиз Несин Истанбул яқинида деҳқон оиласида туғилди. У болалигидан адабиётга, санъатга қизиққан, ўн ёшлигиданоқ ёзувчи бўлишни орзу қилган. Моддий муҳтожлик туғайли бепул ҳарбий билим юртида ўқийди ва зобит (офицер) бўлиб етишади. Бироқ у кейинчалик ўз орзусига етмоқ учун нафис санъат Академияси машғулотларига қатнашади. Дастлаб шеърлар, сўнгра ҳикоялар ёза бошлайди. Ҳажвий ҳикоялари унга катта шуҳрат келтиради. Ёзган асарларига “Азиз Несин” деб имзо қўяди.

У XX аср жаҳон сатирикларидан биридир. Азиз Несиннинг кўплаб ҳажвий ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилиниб нашр қилинган. Унинг “Томдаги жинни”, “Даҳшатли туш”, “Фарзанд”, “Шармандий қачон туғилган” каби ҳажвий ҳикоялари, “Чумчуқ ови”, “Шафқатли иг”, “Тулки овлаган айиқ”, “Она тарбияси” каби болаларга аталган ҳикоялари жамланган “Мушт кетди”, “Ғаройиб болалар” каби китоблари ўзбек тилида босилган.

Азиз Несиннинг “Ғаройиб болалар” романи мактублардан иборатдир. Мактубларнинг муаллифлари Аҳмад билан Зайнаб – собиқ синфдошлар бўлиб, Истанбулда ўқишарди. Шароит тақозоси билан Зайнаблар оиласи Анқарага кўчиб кетишади. Шундан сўнгра Аҳмад билан Зайнаб ўзаро хат ёзишиб, мактабларида, маҳаллаларида содир бўлаётган қизиқарли воқеалардан, бошларидан ўтган саргузаштлардан бир-бирларини хабардор қилиб турадилар. Хатлар мазмуни турк болаларининг ҳаётидан, катталарининг феъл-атворидан, мактаблардаги аҳволдан ҳикоя қилади.

Романдан икки бобини ҳукмингизга ҳавола қиламиз.



ГАРОЙИБ БОЛАЛАР

(Романдан боблар)

Дарслар янгидан бошланди

Истамбул, 23 ноябрь, 1963 йил.

Дўстим Зайнаб!

19 ноябрда ёзган хатингни олиб, қанчалик қувонганимни таърифлаб беролмайман.

Хунук бир янгилик бор: ўқитувчимиз мактабдан кетди. Бошқа вилоятга ишга ўтганмиш. Унга қаттиқ ўрганиб қолган эканмиз, эшитиб жуда хафа бўлдик. Охириги дарсида биз билан хайрлашди, шунда баъзилар кўз ёши тўкиб олишди. Ўпкам тўлиб, ўзимни аранг босиб ўтирган эдим, синфдан чиқаётиб бошимни силашни билан мен ҳам чидаб туролмадим. Ҳўнграб йиғлаб юбордим.

Аслида ўқитувчимиз ҳўв ўша инспектор¹ келган кундаги воқеадан кейин менга унчалик рўйхуш² бермай юрган эди. Шу хайрлашув куни бизга бир-икки оғиз ширин гап айтиб, ҳаммамизга муваффақият тилади.

– Яна кўришгунча хайр, болалар!

Шундай деди-ю, эшикка қараб юрди. Ёнимдан ўтиб кетаётганида эса бошимни аста силаб қўйди.

Янгиси ҳам эркак ўқитувчи. Биринчи дарсига кириши биланоқ нималарни ўтганимизни суриштира кетди. Ҳар қайсимизни бирма-бир турғизиб, кетма-кет саволлар берди. Жавобларимиздан сира қониқмади.

– Афсус... Минг афсус... Ҳеч нимани билмас экансизлар! – деди у охири бошини чайқаб.

Дамир бор-ку, Дамир, синфимизнинг аълочиси. Ҳатто шу Дамирнинг жавобларидан ҳам кўнгли тўлмади-я. Навбат менга келди. Билганимни гапириб бердим. У бўлса нуқул “эсиз, эсиз!” деб тиззасини шапатिलाб ўтирди. Менга қолса, сўраган нарсаларига тўғри жавоб бердим.

Болалар бири-кетин дарсларни гапириб беришяпти-ю, у бўлса дам-бадам:

– Шунча йил ўқиб, ҳеч нима ўрганмабсиз-да? Бекорга келиб-кейтиб юраверибсизлар-да? Эсиз вақт, эсиз... Ўқиш эмас, уқиш керак эди, уқиш, – деб полийди бошини чайқаб.

– Нима, сўраган нарсангизга тўғри жавоб бермадимми? – деди бир пайт Минне ўпкаси тўлиб.

– Йўқ, жавобинг тўғри бўлди, – деди янги ўқитувчимиз. Кейин қўшимча қилди: – Ҳа, тўғри жавоб бердинг. Лекин юзаки, саёз. Ҳаммаларинг шунақа, билимларинг саёз экан.

¹ Инспектор - мактабларни текширувчи шаҳар ёки район маориф бўлими ходими.

² Рўйхуш (рўй - кўз, хуш - хушнуд), рўйхуш бермастик - совуқ муомала.

Унинг бу гапидан қаттиқ ранжиган бўлсак ҳам индамадик. Эски ўқитувчимизнинг дарсларидан ёмон баҳо олиб юрган уч-тўрт бола буни эшитиб гимирлаб қолди. Янги ўқитувчининг гапи уларга мойдек ёккан эди.

– Эски ўқитувчимиз яхши дарс берарди, ёмон ўқимасдик, – деди Дамир ўзини тутолмай.

– Ҳа, жавобларингиздан билиниб турибди, – пичинг қилди янгиси.

Шундан кейин у стол атрофида бирпас айланиб юргач, мулоимлик билан гап бошлади:

– Болалар! Мана энди келишиб олайлик. Илгари ўқиган нарсаларингизни энди унутасиз. Мутлақо эсдан чиқаринглар. Ҳамма дарсларни янгидан бошлаймиз. Тушунарлими?

Дамир қўл кўтариб сўради:

– Ахир биз китобда нима ёзилган бўлса, шуни ўқиган эдик-ку?

– Мен сизларга энди ҳаммасини эсдан чиқаринг, деб айтяпман!

Янги ўқитувчининг биринчи дарси шундай ўтди. Танаффусда болалар тарафма-тароф бўлиб кетишди. Баъзилар эски ўқитувчининг ёнини олган бўлса, бошқалар янгисини ҳимоя қилишди. Очигини айтсам, ҳеч кимга қўшилмай бетараф қолдим.

Бир пайт қўшни 5-синф ўқувчилари билан гаплашиб қолдик. Маълум бўлишича, уларга ҳам ўқув йилининг бошида янги ўқитувчи келган экан. Худди бизникига ўхшаган воқеа юз берибди. Уларнинг янги ўқитувчиси ҳам дарсга биринчи кирган кунидек: “Илгари нима ўтган бўлсангиз, ҳаммасини эсдан чиқаринглар!” деб буюрибди.

Янги ўқитувчимизнинг бу услуби айрим болаларга жуда қўл келиб қолди. Ўқитувчининг бирор саволига нотўғри жавоб бериб, дакки эшитадиган бўлишса, дарҳол:

– Олдинги ўқитувчимиз бизга шундоқ деган эдилар, афандим, – дейишди.

Ўқитувчимизнинг эса баттар фикри фалакка чиқади:

– Минг марта айтдим-ку сенларга, илгари ўтилган нарсаларни эсдан чиқаринглар деб!

Мияга ўрнашиб қолган дарсларни унутиш қийин бўларкан. Бу иш фақат Дамирнинг қўлидан келди, холос.

Бир кун дарсга мактаб директори кириб қолди. Тарих дарси эди. Директор дарсларни қандай ўзлаштираётганимизни билмоқчи бўлди шекилли, Дамирни ўрнидан турғизиб, қатор саволлар берди:

– Ўрта аср маданияти нима?

Дамир индамади. Директор бошқа саволга ўтди:

– Китоб босишни ким кашф этган?

Дамирдан садо чиқмади. Директор унинг аълочилигини биларди, шунинг учун ҳайрон бўлди:

- Ҳа, нима бўлди, нега индамайсан?
- Ҳаммасини унутдим, - деди Дамир.
- Бўлмаса, Америка қандай кашф этилганини сўзлаб бер.
- Унутдим, афандим.
- Уйғониш даври деб нимага айтилади?
- Эсдан чиқардим, афандим.
- Бу қандоқ гап, ҳеч нарса эсингда қолмапти. - хуноби ошиб деди директор.
- Хўш, нимани биласан ўзи, шуни гапириб бер.
- Ҳозир ҳеч нарса билмайман. Билганларимни эсдан чиқариб юбордим.
- Ҳа, нечук?
- Янги ўқитувчимиз шундоқ дедилар, эски ўқитувчингиз нимани ўтган бўлса, эди ҳаммасини унутиб юборинглар, деб айтдилар.

Директор мени чақирди.

- Ҳиндистонга денгиз йўлни биринчи бўлиб ким очган?

Ана холос! Аксига юриб, шу топда кашфиётчининг исмини унутиб қўйибман. Аслида тилимнинг учиди турибди-ю, лекин ҳечам эслаёлмадим. Дамир боя жўрттага айтган бўлса, мен ростакамига унутган эдим.

- Эсимда йўқ, афандим, - дедим охири ноилож.

Директор кўзойнагининг устидан ўқитувчига бир қараб қўйди-да, индамай синфдан чиқиб кетди. Гўё ҳеч нима бўлмагандай, ўқитувчи дарсни келган жойидан бошлаб юборди:

- Хўш, ёвуз Салим султонга келсак...

Танаффусда болалар Дамир икковимизни ўраб олиб, тасанно айтишди. Аслида эса Ҳиндистонга денгиз орқали борадиган йўлни ким кашф этгани мутлақо ёдимдан кўтарилган эди.

Мендаги бу парижонхотирлик касали бошимга яна кўп савдолар солди. Мана, яна бир шингилни эшит. Жуда шармаида бўлдим.

Воқеа бундай бўлди. Ўзинг биласан, мактабда ота-оналар кенгаши, оила-мактаб иттифоқи, деган нарса бор. Бир куни ота-оналар мажлисидан кейин қўлбола концерт қўйиб беришга аҳд қилдик. Менга декламация¹ қисмини топиришди.

Илгариги ўқитувчимиз бир дарсда қўйни жуда мақтаб гапирган эди. Қўй ғоят фойдали жонивор, сут беради, ёғ қилади, гўшти лаззатли бўлади, жунидан матолар тўқилади, терисидан иссиқ пўстин чиқади, суяклариди илик бўлади, унинг қийи ўғитнинг зўри ҳисобланади, деб айтган эди.

Уша куни дарсдан чиқибоқ битта шеър ёзиб ташлаган эдим. Мана ўша шеър:

¹ Декламация - шеърни ифодали ёл ўқини.

Қўй

Думбаси бор жиққа мой,
Елини-чи, сутга кон.
Майингина жуни бор,
Кийимбоп экан обдон.
Соп чиқади шохидан,
Гўшги – лаззат уяси,
Териси пўстин берар,
Ўғитман, дер қийиси.

.....

Кўклам келса қўзилар,
Суякка илик тўшлар.

Ёзган шеърим эски ўқитувчимизга жуда маъқул бўлди. У, ота-оналар мажлисидан кейин концерт бўлади, ўшанда албатта ўқиб берасан, деб тайинлади.

Ўзимда йўқ суюниб кетдим. Шундан кейин шеърни пухта ёдлаб олмоқчи бўлдим. Беш-олти кунгача шу иш билан овора бўлдим. Мақсад – ўзим ёзган шеърни концерт пайтида шариллатиб ўқиб бериш эди. Аммо омадим келмади – мени концертда чиқармоқчи бўлган ўқитувчимиз доп этиб бошқа мактабга ишга ўтиб кетди. Унинг ўрнига келган янги ўқитувчи менинг тайёргарлигимдан хабар топган экан, шеърни ўз қулоғи билан эшитмоқчи бўлди. Ўқиб бердим.

– Бу шеъринг мутлақо ярамайди, – деди у. – Илгари ўқиган нарсаларни миядан чиқариб ташланглар, деб айтган эдим-ку, ахир. Бошқа шеър бераман, концертда шунини декламация қиласан.

У менга ўқиш китобини очиб “Ватаним” деган шеърни кўрсатди.

– Мана шунини ёдлаб ол. Концертда яхшилаб декламация қиласан!

Аммо ёдлашга вақт қани! Мажлис эртага белгиланган. Бир кунда уни ёдлаб бўладими. “Ватаним” шеърини сен билсанг керак. Ўқиш китобларимиз бир хил бўлса, ўша саҳифани очгин, кўрасан. Тополмасанг, мана ўқиб кўр:

ВАТАНИМ

Эй, заррин либосларга зап ўралиб олган,
Эй, бўлиқ бошоқлару бог-роғларга тўлган
Ва осмон бўйи дoston битган ватаним, ҳей!

Эй, ўша буюк инсонни берган онанинг,
Эй, жабру жафо, кураш, имон ҳамда ноланинг
Ва Синон битган чўнг қуббанинг ватани, ҳей!

Хуллас, “эй” билан бошланиб, “хей” билан тугайдиган оддий бир шеър! Аммо қанчалик ҳаракат қилмай, вақт жуда оз бўлгани учун уни яхши ёдлаб ололмадим.

Эртасига мактабга келишим билан ўқитувчимиз:

– Қани, концертдан олдин бир репетиция қилиб кўрайлик-чи. Ўқи шеърни, эшитамиз, деб қолди.

Ўзим билганимча ўқиб берган эдим, унга маъқул бўлмади:

– Ярамайди. Шеър деган бундай декламация қилинмайди, – деди у норози бўлиб.

Яна қайтариб декламация қилдим. Барибир унга ёқмади.

– Шеърни шеърдек ўқиш керак, бўтам. Бу сенга кўчада ўтган-кетгандан адрес сўраш деган гап эмас. Жойига қараб овоз янграб чиқиши ёки майин бўлиши лозим. Баъзан пардани титратиб бос. Лозим бўлса овозинг ипакдек майин бўлсин, керагида эса арслондек наъра торг. Шуни ҳам айтиб қўяйки, шеър ўқиётганингда чап қўлни белга тираб, ўнг қўлни тўғрига узатиб тур. Иннайкейин, “хей” деган ундов келганида оёғинг билан полни қаттиқ дўпиллатиб ур. Мана, ҳозир сенга кўрсатаман, кўриб қўй. Шеър декламация қилиш мана бунақа бўлади.

Ўқитувчимиз шеърни ўзи айтгандек қилиб ўқиб берди. “Хей” деган жойга келганда ўнг оёғини даст кўтариб, полни зарб билан бир тепди.

– Гап деган бундоқ бўпти. Фанимларнинг бошини янчиб, ер билан яксон қилмоқчи бўлган одамдек, бор кучинг билан полни тепишинг керак.

Айтганини қилдим. Аммо хаёл оёққа кетиб, шеърнинг баъзи мисраларини нутиб қўя бошладим. Аслида-ку ўз билганимча декламация қилаверганимда ҳечам янглишмасдим-а...

Шеърни айтган усулида бошлаб ўқиб бердим, аммо тепинишларим унга ёқмади. Ҳар гал полни дукиллайтиб тепганимда: “Қаттиқроқ, қаттиқроқ теп! Пошна билан, пошна билан!” деб турди.

Кўп уришиб кўрдим, барибир кўнгли тўлмади. Охири сабри чидамади:

– Мана, қараб тур, яна бир кўрсатиб бераман!

Ўқитувчи “хей” деб ўкирганича полни гурсиллатиб бир тепган эди, синфининг дерижа ойналари шарақлаб кетди.

– Ана, кўрдингми энди. Турк ўғлони депсинганида ер мана шундай ларзага келмоғи керак. Ҳа, шундоқ бўлсин.

– Сиздай қилолмайман, афандим. Чунки сиз энг камиди юз кило келасиз, мен бўлсам бор-йўғи қирқ икки киломан, – жавоб бердим унга ўзимни оқлаш учун.

Меҳнати зое кетди, айтганини ҳечам эпллолмадим. Қаттиқ дарғазаб бўлди. Яна бир гал: “Ва осмон бўйи дoston битган днёрим, хей!” деганича жаҳл билан оёғини кўтариб полга бир урган эди, қаттиқ додлаб юборди.

Ўзинг яхши биласан, синфимизнинг подлари чириб кетган. Шу чириган тахталардан бири синиб, оёғи кириб қолипти. Дарҳол ёрдамга келдим. Икковлашиб оёғини ковакдан зўрға тортиб олдик. Шовқинни эшитиб, бошқа ўқитувчилар ҳам чопиб келишди. Ҳамма: “Нима бўлди, тинчликми?” деб сўрайди.

– Энди кўрдингми, бўтам, – деди ўқитувчи бир оёғини судраб ташқари чиқар экан. – Оёқ ҳар гал ерга текканида ҳаммаёқ ларзага келсин, худди ер қимирлаганга ўхшаб чайқалиб кетсин.

Ўқитувчи чиқиб кетганидан кейин бундоқ оёғимга разм солиб қарасам, ишнинг пачаваси чиқипти, ҳадеб ҳейлайвериб товонни шишириб қўйибман.

Концерт нақ икки соат давом этди.

Мен ўзим ёзган “Қўй” шеъримни салкам бир ой ёд олиб юрган эдим. Шунинг учун ҳам унинг сатрлари миямга қаттиқ ўрнашиб қолган экан, ҳадеб эсимга тушаверади. “Ватаним” шеърини ёдлаб юрганимда ҳам бенихтиёр ўзимнинг сатрларим кўз олдимда турди. Бу янги шеърни бир амаллаб ёдлаб олдим, лекин ҳадеб оёқ кўтараверганим учун сатрларини адаштира бошладим. Афтидан, оёққа зўр бериб, мияни ишдан чиқариб қўйганга ўхшайман.

– Навбатинг келди! Тез бўл, саҳнага чиқ! – деб болалар мени орқамдан туртиб саҳнага чиқаришди.

Зал ота-оналар билан лиқ тўла экан. Ўқитувчимиз саҳна ортида бизга суфлёрлик¹ қилиши керак.

Мен саҳнага чиқдим. Меҳмонларга бошимни салқиб, салом бердим. Аммо бошимни қимирлатишим биланоқ декламациянинг сарлавҳаси хаёлдан қочди. Бу қандай бедаволикки, Зайнаб, шу топда миямга ўзимнинг “Қўй” шеърим келса бўладими! Мен тушмагур илғари ёдлаб олган нарсаларимни унуттиш ўрнига, янги ўрганган шеъримни эсдан чиқариб ўтирибман-а.

Қанчалик мушкул аҳволда қолганимни ўзинг бир тасаввур қилиб кўр. Мен саҳнадан туриб залда ўтирганларга термуламан, улар эса менга. Хуллас, анча вақтгача бир-биримиз билан кўз уриштириб туравердик.

Хайрият, ўқитувчимиз жонимга ора кирди – орқадан шеъринг номини пичирлаб айтди. Дарҳол овозим борича “Ватаним!” деб қичқирдим. Уёғи яна эсда йўқ. Нима қилиш керак? Индамай турган билан бўлмайди. Сарлавҳани яна бир қайтарай, зора унгача буёғи эсга тушиб қолса, деган мақсадда яна бир марта “Ватаним!” деб ҳайқирдим. Яна жим бўлдим. Залда қарсақлар янгради. Ҳайрон бўлдим. “Ватаним!” деганимда нимага чапақ чалишганига тушунолмадим. Шу пайт яна ўқитувчимизнинг ним² овози эшитилди. Келган жойидан бошлаб юбордим. Аммо олдинги гал томоққа қаттиқ куч бериб қўйган эканман шекилли, овоз чиқмай қолди, хириллаб, зўрға “Эй!” деддим, холос. Яна чапақвозлик бўлди. Очиги гапигиб қолдим. Миямда сатрлар бир-бирига

¹ Суфлёр – театрдa парда ортида туриб матнни ижронига жлатиб зурувчи киши.

² Ним – ярим, бу ерда швет маъносидa.

³ Бир гaз – узунлик ўлчови 60 сантиметргa тенг.

қоришиб кетди. Зўрға ўзимни қўлга олиб, декламацияни бошлаб юбордим. Болалар кейин гапириб беришича, бу ажойиб шеърни шундоқ деб бошлабман:

“ВАТАНИМ!”

Эй, заррин либосларга зап ўралиб олган,
Эй, бўлиқ бошоқлару боғ-роғларга тўлган
Ва осмон бўйи дoston битган ватаним, ҳей!

“Ҳей”ни айтган заҳоти полни зарб билан бир тепган эдим, турган жойимда бир газ¹ осмонга сакратиб юборди. Биласанми, нимага? Боя ўқитувчи билан репетиция қилаётганимизда пошнамдаги миҳ жойидан кўчган экан, билмабман. Ўша миҳ шу топда шарт этиб товонга кириб кетса бўладими?! Кўзимдан ўт чақнаб кетди. Товонимга биров бигиз қадаб, ўпкамни тешиб юборгандек бўлди.

Азобнинг зўрлигидан ёд бўлиб қолган сатрларни ҳам паққос унутдим-қўйдим. Мен нима аҳволдаману томошабинлар қийқириб кулишади. Ўқитувчидан мадад келар, деган умидда ўқтин-ўқтин орқага ўгирилиб қараб кўяман. Ўқитувчи ҳолимни сезди, шивирлаб айтса барибир қулоғимга кирмаслигини фаҳмлаб, овозини бемалол қўйиб юборди:

“Эй, ўша буюк инсонни берган онанинг”.

Дарҳол илиб кетдим.

– Эй, ўша буюк инсонни берган онанинг... Онанинг... Онанинг...

Кейин нима келади, эслаёлмайман... Зора лоп этиб эсимга тушса, деган хаёл билан яна икки-уч марта шунни қайтариб айтдим. Бўлмади. “Онанинг” дейману игнаси юрмай қолган пластинкага¹ ўхшаб у ёғига ўтолмайман. Вужудимни қалтироқ босди. “Онанинг... Онанинг...” деб йиғламоқдан бери бўлиб турган эдим, кўққисдан ўзим ёзган сатрлар миямга келиб қолди. Таваккал қилиб буёғини улаб кетдим:

Онанинг... Онанинг... Онанинг...

Думбаси бор жиққа мой,

Елини-чи сутга кон,

Майинггина жуни бор...

Ўқитувчимиз ҳам сатрларни кетма-кет етказиб турибди. Олдин ундан эшитганимни қайтараман-да, кейин ўзимникини тиркаб юбораман.

Эй, жабру жафо, кураш...

Соп чиқади шохидан,

Гўшти – лаззат уяси.

Ўғитман, дер қийиси, ҳе-ей!

¹ Пластинка – қўниқ ёзилган мум диск.

Декламацияни тугатдим узимни ичкарига урдим. Гулдурас қарсақлардан мактабимиз чайқалиб кетди.

– Нима қилиб қўйдинг ахир, Аҳмад? – деди ўқитувчимиз синиқ овоз билан.

– Иложим қанча, афандим, – дедим унга қараб. – Одамзод билган нарсасини дарров унутиб юбора олмас экан, жуда қийин бўларкан.

Яна бир нима дейдиган бўлсам, аламиндан йиғлаб юбораман. Ўлкам тўлиб турибди. Ўқитувчи икковимиз чўлоқланиб йўлга тушдик. Яна миҳ кириб кетишидан қўрқиб, зўрға оёқ босаман.

– Катта истеъдодинг бор экан-ку, ўғлим, – деди уйга қайтгач дадам. – Қулдиравериб ҳамманинг ичагини уздинг-ку.

Ойим унинг галига қўшилди:

– Кўзда ёшим қолмади кулавериб. Нақ жинни бўлаёгандим-а...

Шеърларни янглишиб аралаш-қуралаш қилиб юборганимни ҳеч ким сезмабди. Ҳамма жўрттага қилипти, деб ўйлабди.

Хуллас, Зайнаб, кейинги кунларда шунақа машмашалар бўлди.

Сенинг даданг ҳам мактабда нуқул аъло ўқиганим, деб сўрабсан. Йўқ, дадам, афсуски, аълочи бўлмаган. Нега десанг, у ўқимаган. Агар мактабга қатнаган бўлганида менга аъло баҳолар билан ўқиганман, деб айтган бўларди, албатта.

Мен завқ билан ўқийдиган хатларингни кутаман. Соғ бўл.

Собиқ синфдошинг Аҳмад Тарбай.

САККИЗ ҚИЗНИНГ ОТАСИ

Анқара, 10 декабрь, 1963 йил.

Аҳмад!

7 декабрда ёзган хатингни олдим. Ўқитувчингиз жуда аламли воқеани гапириб берган экан. Директордан калтак еб, ерда чўзилиб ётган ноғирон бола ҳамон кўз ўнгимда турибди. Бирам юрагим эзилиб кетдики...

Синфимизда Ҳикмат деган бир қиз бор. Шу дугонам яқинда менга бир гап айтган эди, сенга ёлайми, йўқми, деб роса иккиландим. Охири унинг айтганларини хатга солишга қарор қилдим. Сабаби шуки, Ҳикмат бу гапни синфда ҳеч ким билмасин деган эди. Мен ҳам ҳозиргача бировга айтганим йўқ, сир сақлаб юрибман. Сен Ҳикматни танимайсан, бинобарин унинг сирини сенга айтган билан сўзимдан қайтган бўлмайман. Шундайми?

Мен бу билан дугонамнинг вийбатини қилмоқчи эмасман. Масала анча жиддийроқ, мени жуда ўйлантириб қўйди. Бу ҳақда сенинг фикрингни ҳам билмоқчиман.

Мактабга янги келган қуларим Ҳикматга унча эътибор бермаган эканман. Беозоргина юрадиган, камгап қиз эди. Олдинига мен уни ўғил бола деб юрган эдим. Кўрган одам уни чиндан ҳам ўғил бола дейди. Ўғил болаларга ўхшаб

кийиниб юради, сочлари ҳам калта қилиб қирқилган. Жуда нимжон. Танаффус пайтида қизларга ҳам, ўғил болаларга ҳам қўшилмайди, анча одамови. Кимлигини отига қараб ҳам билиб бўлмайди. Ҳикмат деган исм ўғил болалардаям, қизлардаям бор.

Бир куни физкультура дарси кетаётган эди. Ўқитувчи болаларни икки тўпга бўлди – қизлар бир томонда, ўғил болалар бошқа томонда. Ҳикмат қизлар гўдасига бориб турди. Олдинига тушунолмаб ҳайрон бўлдим. Шундагина унинг қиз бола эканини билдим. Жуда қизиқиб қолдим.

Бир куни Ҳикмат мактабга руҳи қаттиқ эзилган ҳолда келди. Сабабини сўрасам, айтмади. Жуда қистаганимдан кейин охири:

– Ростини айтсам, мен ҳам бор гапни айтиб, бир оз енгил тортгим келади, – деди. – Аммо ҳамманинг оғзига тушишдан қўрқаман.

Мен ҳеч кимга айтмасликка сўз бердим. Шундан кейингина у бутун дардини тўкиб солди.

Отадан улар саккиз фарзанд экан. Ҳаммаси қиз бола эмиш.

Ҳикматни баъзан мактабга ўзидан каттароқ бир бола олиб келгувчи эди. Мен акаси бўлса керак, деб ўйлаб юрардим.

– Бўлмаса у бола сенга ким бўлади? – деб сўрадим.

– Опам-ку у. Кийимини кўриб ҳамма уни ўғил бола дейди.

Ҳамма опалари шунақа кийиниб юришаркан. Сабабини сўрадим.

– Дадамнинг раъйи шу.

– Хўш, нима қилти? Шунга ҳам хафа бўласанми?

Гапига қараганда, отаси ўғил кўришни орзу қиларкан. Тўнғичи қиз туғилганда роса кўнгли ўқиб юрибди. Ҳа, майли, кейингиси ўғил бўлар, деб ўзини овутибди. Ҳатто ирим қилиб, чақалоқ туғилмасданоқ отини тайёрлаб қўйибди. Танлаган исми ўғил боланики экан. Гўё бола исмга қараб туғиладигандек... Унинг яна омади келмаптими ёки аксига олибми, хуллас иккинчисига ҳам қиз кўрибди. Ота печа ҳафтагача кар-соқов бўлиб юрибди. Таниш-билишлари уни юпатиб, “ҳали ёшсан, яна кўп фарзанд кўрасан”, дейдиган бўлса, “булар ҳам қиз бўлса нима қиламан”, деб ич-ичидан куюнармиш. Яна фарзанд кўрадиган бўлишибди. Учаласи ҳам кетма-кет қиз бўлмас ахир. Ота шу умид билан яна ўғил боланинг исмини мўлжаллаб қўйибди. Ўзига ишониб юборганидан хотинини туғруқхонага жўнатиши билан ошна-оғайнларини уйга чақириб, зиёфат қилиб берибди. Зиёфат айни қизиб турганида туғруқхонага телефон қилган экан, яна қиз кўрганини айтишибди. Буни эшитиб, ҳуши бошидан учибди. Лекин номуси зўрлик қилиб, меҳмонларга буни билдирмабди. Ҳаммага ўғил кўрдим, деб эълон қилибди. Хотини билан қизларига нўписа қилиб, бировга гуллаб қўймасликларини қаттиқ тайинлабди.

Ўғиталаб ота ўйлаб-ўйлаб охири хотинидан ажралишга қарор қилибди. У ўғил туғмайдиган хилдан экан, деган фикрда хотинини қўйиб, бошқасига ўйланибди. Тақдирнинг тақозосини қараки, янги келинчак бир йўла эгизак қиз

туғиб берибди... Олдинги хотини бошқа кишига турмушга чиқиб кетган экан, арслондай ўғил кўрибди. "Аҳмоқ эканман, хотинимнинг энди ўғил туғадиган пайти келганда кўйиб юбориб, чакки иш қилган эканман" деб боёқшишнинг ичидан роса қиринди ўтибди.

Ўғил доғида куйиб юрган ота бешта қиз кўрганига номус қилибди. Энди нима деган одам бўлдим, ошна-оғайнимнинг юзига қандай қарайман, деган андиша билан бошини олиб, бошқа юртларга кетибди. Оралам анча вақт ўтгандан кейин уйига қайтиб, иккинчи хотинини ҳам талоқ қилибди.

Ҳикмат бу тафсилотларни бошқалардан эшитган экан, менга ҳам шу эшитганларини гапириб берди.

Ўғил кўришни ният қилиб олган бу одам энди бир бева хотинга уйланибди. Бева учта ўғил кўрган экан, шунинг учун ўғил туғишнинг қонуи-қондасини билса керак, деб ўйлабди.

Карнай-сурнай билан тўй қилишибди. Эр яна бир исми танлаб, орзу-умид билан хотинини туғруқхонага кузатиб кўйибди. Бу гал ҳам ошна-оғайниларига катта ўтириш қилиб берибди. Дам-бадам дастурхон тепасидан туриб, туғруқхонага телефон қоқармиш. Хуллас, ярим кечага борганда натижа маълум бўлибди. Қовоқ-тумшуғи осилибди-ю, лекин сирни бой бермабди. Меҳмонлар:

– Ҳа, қалай, ўғилми, ҳолва? – деб сўрашган экан:

– Эркакнинг хўрозига хўроз муносиб-да, ҳа! – дебди керилиб. Аммо боёқшишнинг ичига чироқ ёқса ёришмасди ўшанда.

Дугонам Ҳикмат шу зайлда дунёга келган экан.

Олтинчисига ҳам қиз кўрган шўрлик ота ноилож кейингисидан умид қилишга мажбур бўлибди. Пешонаси шўр эканми, яна умиди пучга чиқибди – қиз кўришибди. Шундан кейин анча вақт хотини туғмай юрибди. Эри энди бўлди, кўяман, деб юрганида хотини яна оғироёқ бўлибди.

– Яна қиз туғадиган бўлсанг, ўшанақаси кетавер, уйга қайтиб келма! – деб нўписа қилибди эри уни туғруқхонага элтиб.

Ҳикматнинг онаси ҳам: "Илоҳим ўғил бўлсин", деб кўп зорланибди-ю, аммо дуоסי ижобат бўлмабди. Яна қизмиш. Бунисига Сувд деган исми танлаб кўйишган экан. Сувд бўлса Сувд-да! Ўғил болагаям, қиз болагаям бўлаверади бу исм.

Ҳикматнинг онаси туғруқхонанинг бош ҳамширасига йиғламоқдан бери бўлиб аҳволни тушунтирибди. Мабодо эрим телефон қилиб қолса, қизлигини айтманг, деб ялинибди.

– Суяюнчини чўзаверинг, ўғиллик бўлдингиз, – дебди бош ҳамшира ҳам отани қутлаб.

Боши осмонга етган ота ўпкасини қўлтиқлаб туғруқхонага югурибди.

– Қани, қани, азамат ўғлимни бир кўрай! – деб туриб олган экан, йўргакланган чақалоқни кўрсатишибди.

– Уч ойгача уйимиз тўйхонага ўхшаб тўлиб турди, – ҳикоясини давом эттирди Ҳикмат. – Дадам ҳамиша чақалоқни “валиаҳдим”, “шаҳзодам” деб чақирарди. Шаҳзоданинг онаси – маликага кунига ҳар хил совға-саломлар келарди. Биз ҳам эркин нафас ола бошладик. Қиз бўлиб туғилганимизни дадам энди юзимизга солмади. Дадамиз Сувдни яланғоч ҳолда кўриб қолмасин, деб ҳаммамиз ўлиб-тириллардик. Дадам келгунча ойим чақалоқни ювиб-тараб, тагини алмаштириб кўярди. Дадам бор пайтларида Сувдни чўмилтирмасдик! Бир кунмас-бир кун сир ошкор бўлиши аниқ эди-ку, лекин биз ўша машъум кунни қўлдан келганича нарироқ суришга ҳаракат қилардик. Унгача дадамиз анча ҳовуридан тушиб қолар деб ўйлардик.

Дадам ширакайф бўлиб келган кунлари, “ҳаммаларинг ўғлимдан айланиб-ўргилларинг”, деб оёғини тираб туриб олар, ойим эса, қўйинг ҳозир ўзи сал шамоллаб турибди, деб уни зўрға шаштидан қайтарарди. Эҳ, бундан икки кун олдин уйимизда қиёмат қойим бўлди... Ҳаммамиз ухлаб ётган эдик, бирдан шовқин кўтарилди. Уйғониб кетдик. Дадам овозини борича бақирар, ойим эса ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Кечаси дадам нима бўлиб ҳам Сувд ўғил бола эмаслигини билиб қолибди. Роса тўполон қилди. Чақалоқни оёғидан даст кўтариб олганча, ҳадеб: “Мени алдабсанлар... Ўғилларинг шуми ҳали”, деб бўкиради. Сувд бечора биг-биг йиғлайди.

Охири дадам чақалоқни ойимга қараб ирғитиб юборди.

– Йўқолларинг кўзимдан! Мени роса чув туширибсанлар... Эсиз-эсиз кетган пулларим... Жўналаринг уйимдан!

Дадам бизни уйдан ҳайдаб чиқарди. Қўшнимизникида тунни ўтказдик.

Ҳикмат ҳўнграб йиғлаб юборди. Дадаси билан ойиси энди ажралишармиш.

Кетма-кет саккизта қиз кўрган одамга олдинига кулдим, кейин Ҳикматга қўшилиб мен ҳам йиғлаб олдим.

Ўша қуни мактабдан қайтгач, ойимни сўроққа тутдим.

– Ойи, опам туғилганида дадам хурсанд бўлганмилар?

– Ҳа, албатта.

– Мен туғилганимда-чи? Ундаямми?

Ойим жеркиб берди:

– Кўп вайсама! Бор, ишингни қил!

Мен ойимни ўз ҳолига қўймадим.

– Айта қолинг, ойижон, дадам мени эшитиб, хафа бўлганларми – йўқми?

– Буниси ўғил бўлади, деб ўйлаган эди.

– Метин туғилганида роса суюнган бўлсалар керак-а?

– Ҳа, ўзини кўярга жой тополмай қолган. Ўртоқларини чақириб, катта ўтириш қилиб берган.

– Борди-ю, Метиннинг ўринига яна қиз кўрганингизда нима бўларди, ойиг?

– Қайдам.

– Дадам ўғил бўлсин, деб гуриб олармидилар?

– Ким билади дейсан... Эҳтимол шундайдир. Хўш, намунча суриштириб қолдинг буни?

– Ҳзим, шундоқ.

Томоғимга бир нима қадалгандай бўлди. Ташқари чиқиб кетдим.

Ҳикматнинг бошидан ўтган воқеа мени жуда ўйлантриб қўйди. Ўшандан бери бир фикр менга тинчлик бермайди – хўш, бахтсиз одам қиз бола бўлиб туғилади-ю, пешонаси ярқирагани ўғил бўлибми?

Бу хусусда сен нима фикрдасан? Шунини билмоқчиман.

Ойим боядан бери, “ёт энди, кеч бўлди”, деб қўймапти. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Майли, ётсам ёта қолай. Эртага мактабдан қайтишда хатни кутига ташлайман.

Омон бўл, дўстим, Аҳмад.

Зайнаб Ёлқир.

Савол ва тоштинриқлар:

1. Хатларни ўқиб чиқдингиз. Улар сизда қандай таассурот қолдирди?
2. Эски ўқитувчининг болалар билан хайрлашиб бошқа мактабга кетишига муносабат билдириг. У тўғри қилдими?
3. Янги ўқитувчининг болалар билимини синаш усулига муносабат билдириг. Унинг болалар билимини синаш усулини маъқуллайсизми? Нега?
4. “**Янги ўқитувчининг гапи уларга мойдек ёққан эди**”, Улар кимлар ва янги ўқитувчининг гапи нега уларга ёқди?
5. Янги ўқитувчининг “**Болалар! Мана энди келишиб олайлик. Илгари ўқиган нарсаларингизни энди унутасиз. Мутлақо эсдан чиқаринглар. Ҳамма дарсларни янгидан бошлаймиз. Тушунарлими?**” деган буйруғига муносабат билдириг. Ўқитувчи ҳақми? Нега?
6. “**Директор кўзойнагининг устидан (янги) ўқитувчига бир қараб қўйди-да, индамай синфдан чиқиб кетди**”, Танаффузда директор ва янги ўқитувчи ўртасида бўлиб ўтадиган “суҳбат”ни тасаввур қилишга урининг.
7. Сизларга янги кирган ўқитувчилар ҳам Аҳмаднинг янги ўқитувчиси каби билимингизни синаб кўрадилми? Эслаб кўринг. Фарқи нимада?
8. Аҳмаднинг муваффақиятсиз декламациясидан қандай асосий хулоса келиб чиқади? Хулоса матнда берилганми? Берилган бўлса, топиб кўчиринг.
9. Аҳмаднинг хатидаги кулгиди воқеалар орқали нимадир ҳажвий танқид қилинади, яъни кулги қамчиси билан саваланади?
10. Зайнаб Аҳмадга ёзган хатида қандай воқеани ҳикоя қилади? Воқеа мазмунидаги фожиавийлик ва кулгилликни аниқланг.
11. Нима учун оталар ўғил кўришни истайдилар?
12. Ҳикматнинг отаси тўғри иш қилдими? Уни ҳақиқий мўмин деб бўладими? Нега?
13. Зайнаб нима учун отасининг опасига ва ўзига муносабатини билгиси келади?
14. Отанинг “**Буниси ўғил бўлади, деб ўйлаган эди**”, деган жавоби отанинг фарзанди туғилган пайтдаги қандай кайфиятини билдиради?
15. Ҳиз ҳаётинида Зайнабининг отасига ўхшаган кишини учратган ёки эшитганими?
16. Ўзингиз гувоҳ бўлган ёки эшитган воқеани ҳикоя тарзида ёзишга ҳаракат қилиб кўринг.

УСМОН АЗИМ

(1950 йилда туғилган)



Усмон Азим 1950 йил 13 августда Сурхондарё вилояти, Бойсуи туманида таваллуд топган. Ўзбекистон халқ шоири (2000). Тош ДУнинг журналистика факультетини тугатган (1972). Илк китоби – “Инсонни тушуниш” (1979), “Ҳолат” (1979), “Оқибат” (1980), “Кўзгу” (1983), “Сурат парчалари” (1985), “Дарс” (1985), “Иккинчи апрель” (1987), “Бахшиёна” (1989), “Фаройиб аждарҳо” (1990), “Уйғониш азоби” (1991), “Ғусса” (1994), “Узун тун” (1994), “Сайланма” (1995), “Куз” (2001) каби шеърӣй ва “Жоду” (2003) насрий тўпламлари нашр этилган. Драмалари: “Бир қадам йўл” (1997), “Алпомишнинг қайтиши” (1998) ва бошқалар; “Алишер Навоӣй” киноқиссаси (1990), “Алпомиш” киностони (1997), “Севги” (1998, шу номли ҳикоя асосида) ва 2 серияли “Алпомиш” (2000) фильмларининг сценарийсига муаллифлик қилган. Польша Элӣюар, В. Вацетис, К. Доғларжа, А. Вознесенский, Ю. Марцинкявичюс ва бошқа шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Грузиянинг Маяковский номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган (1982). Дўстлик ордени соҳиби (1998).

“БАХШИЁНА”¹

Биродарлар, ана энди Элбек бахши² Асқар тоғининг бошида ўтирибди. Атрофга қараяпти: бир томон Сайхун,³ бир томон Жайхун,⁴ бир тараф кўл,⁵ бир тараф чўл.⁶ Ана Самарқанду Бухоро, ундан нари Хоразм, шундоқ тўғрида Сурхонн азим...

Бахшининг дили тўлиқиб, ичида дoston тўкилиб келяпти. Тилида кўшиқлар тузиляпти, кўли дўмбирага чўзиляпти... Шу алфозда кўзлари сузилиб, кўнгли бузилиб турган эди. “Ҳорманг, бахши бобо”, деган товуш кулоғига урилди. Бахши бурилиб қараса, Оқботир билан Қоработир отлариши етаклаб, дарадан чиқиб келишяпти. “Энди бир кўшиқ айтиб берасиз”, деб кулиб келишяпти.

“Нимадан айтайин?”, – деб сўради Элбек бахши овози титраниб.

“Бўлар элнинг фарзанди қандай бўлади-ю, шўрлик элнинг фарзанди қандай бўлади – шундан айтинг”, – дейишди ботирлар.

¹ Бахшиёна – халқ бахшиларига эргашиб халқ дostonлари услубида битилган кичик дostonлар.

² Бахши – халқ шоири; Элбек бахши – муаллиф тўхмаси.

³ Сайхун – Сурдарё.

⁴ Жайхун – Амударё.

⁵ Кўл – Орол денгизи.

⁶ Чўл – Қизилқум.

Ўзи кўшиқ ҳам бахшининг юрагидан ўрлаб, бўғзига етган эди – дўмбрасини олди-да, айтиб юборди:

Ҳар ким ўз элида бекдир, тўрадир,
Ўз элида бек бўлмаган ўладир.
Бўлар элнинг фарзандлари, ботирлар,
Кўзин ўйиб олишса ҳам кўрадир.

Мард дунёга келган тупроқ зўр бўлар,
Номард оёқ босган замин шўр бўлар.
Шўрлик элнинг фарзандлари, ботирлар,
Икки кўзи очиқ туриб кўр бўлар.

Ҳар ким ўз элида даврон сурадир,
Мардлар элин тўғри йўлга бурадир.
Бўлар элнинг фарзандлари, ботирлар,
Оёқларин кесишса ҳам юрадир.

Ёмон тўғри сўзда мудом хун кўрар,
Тушларида эл оғзида мум кўрар.
Шўрлик элнинг фарзандлари, ботирлар,
Юртин эшакдайин миниб кун кўрар.

Шоирлар шеърларин юксак тахт дейди,
Лоф урмагин, айтгин мудом нақд дейди.
Бўлар элнинг фарзандлари, ботирлар,
Тилин кесиб ташлашса ҳам “ҳақ” дейди.

Юрак керак доим ҳақин демоққа
Дилим ёнди – иси тегди димоққа.
Шўрлик элнинг фарзандлари, ботирлар,
Оғиз очар фақат овқат емоққа.

Куйсин дунё! – мудом ўтга ташлайди,
Асл эрлар ўтда чўғдай яшнайди.
Бўлар элнинг фарзандлари, ботирлар,
Душман минг бор ўлдирса ҳам яшайди.

Ғариб дунё тасодифга тўладир,
Тасодифга ғариб бошлар кўнадир.
Шўрлик элнинг фарзандлари, ботирлар,
Ўзи билмай тирикликда ўладир.

Куйсин дунё! – ғамни ҳаддан оширар,
Ғамни сочиб, шодлигини яширар.
Бўлар элнинг фарзандлари, ботирлар,
“Ё, халқим..”, деб жаллодга жон топширар.

Ғариб дунё ғарибликда кўп хордир,
Ўзи боқиб – бовлигани агёрдир.
Шўрлик элнинг фарзандлари, ботирлар,
Элин сўйиб емоққа ҳам тайёрдир.
Гап келганда гап қиличдай жаранглар,
Ўткир сўздан ачишдими яранглар?
Эна элим фарзандлари, ботирлар.
Тоғдан туриб энди юртга қаранглар...

Элбек бахши бу сўзларни айтяпти, ботирлар тоғдан туриб пастга қараяпти...
Ким билсин – нимани кўришяпти? Бу дунёдан ҳамма истаганини кўриб ўтади,
деган экан яхшилар!

* * *

Элбек бахшидан “Чиройли нима?” – деб сўраганларида, шундай дебди:

Осмонда юлдузлар чиройли,
Дунёда кундузлар чиройли,
Тўйларда кулганлар чиройли,
Вақтида ўлганлар чиройли.
Баҳор сели билан чиройли,
Йнгит эли билан чиройли,
Деҳқон дала билан чиройли,
Аёл бола билан чиройли.

Элбек бахшидан “Нима ёмон?” – деб сўраганларида, шундай дебди:

Юлдузи йўқ осмон ёмон,
Кундузи йўқ жаҳон ёмон.
Тўйларда йиғлаган ёмон,
Вақтида ўлмаган ёмон.
Баҳорсиз келган сел ёмон,
Ботирсиз қолган эл ёмон.
Даласиз деҳқонлар ёмон,
Боласиз армонлар ёмон.

Элбек бахшидан “Нима йиғлатади?” – деб сўраганларида, шундай дебди:

Осмонсиз юлдуз йиғлатар,
Жаҳонсиз кундуз йиғлатар,
Бўлмаган тўйлар йиғлатар,
Бемаҳал ўлган йиғлатар.
Тирамоҳда дард йиғлатар,
Элсиз қолган мард йиғлатар,

Дехқонсиз дала йиғлатар,
Энасиз бола йиғлатар.

Элбек бахшидан “Нима энг чиройли?”, “Нима энг ёмон?”, “Нима энг кўп йиғлатар?” – деб сўраганларида, шундай дебди:

Энг чиройли жасоратдир,
Энг ёмони хиёнатдир.
Жон чиққунча йиғлайверинг,
Ўлдирсалар диёнатни.

Элбек бахшига яна кўп саволлар бердилар, у даврадаги йигитларга қараб: “Ҳамма саволга жавоб – ўзларинг”, – деди-да, этагини қоқиб, ўтовдан чиқиб кетди.

* * *

Элбек бахши шогирди Эломонга¹: “Дунёга айтадиганингни айтгин, димоғингни чоғ қилиб, кўксингни тоғ қилиб, эсон-омон қайтгин”, деб дўмбирасини қўлига тутқазиб, сафарга жўнатган эди.

Ана энди Эломон қайтди. Элбек бахши шогирдининг кўлидан ушлаб, кўнглини хушлаб: “Дунёга нималарни айтдинг, ў, болам”, деб сўраб, Эломон жавоб бериб турган жойи экан:

Майсага эзмайман, деб айтдим,
Дарахтга кесмайман, деб айтдим.
Тупроғимга, сен деб ўлсам,
Оғриқни сезмайман, деб айтдим.
Аёлга суяман, деб айтдим.
Ишқингда куюман, деб айтдим.
Сенинг босган изларингга
Бошимни қўяман, деб айтдим.
Сахрога тоғ бўласан, деб айтдим.
Кечага оқ бўласан, деб айтдим.
Шайтонга, аёлни севсанг
Имондай пок бўласан, деб айтдим.
Қушларга отмайман, деб айтдим,
Еримга сотмайман, деб айтдим.
Ҳақни айтсам – ўтда куймайман,
Сувларга ботмайман, деб айтдим.
Чинорларга хассаң, дедим,
Осмонларга пастсан, дедим,

¹ Эломон – муаллиф туқамаси.

Юлдузларни қўлда тутиб,
Тутганим йўқ – мастсан, дедим.
Тоғ устига чиқдим мастон,
Кўз олдимда Ўзбекистон.
Йиглайвердим, йиглайвердим,
Дедим: илоё, бўл омон.
Кўз ёшга арзир – сен, дедим,
Кувончга арзир – сен, дедим.
Бу бошим дунёга арзир,
Шу бошга арзир – сен, дедим,
Қўшиғим тарзи – сен, дедим,
Юрагим мағзи – сен, дедим.
Отамдан мерос қолгансан,
Боламдан қарзим – сен, дедим.

Эломон яна кўп айтди, эмраниб туриб хўб айтди, жўшиб айтди, шоир-да, баъзан қўшиб айтди. Шунда Элбек бахши: “Ў, болам! Шоирликда мен етмаган нолам, бахши бўлиб тўлиқиб қолибсан, илҳом деганга йўлиқиб қолибсан, энди сенга охириги насихатим шудир”, деб кўксига қўзғалган елга соқоли пириллаб, овози чақмоқдай гуриллаб, бир сўз деб турган экан:

Устозим деганинг шеърфуруш чиқса,
Суйганим деганинг эрфуруш чиқса,
Подшоҳим деганинг элфуруш чиқса, –
Чидагин болам-а, чидагин,
Дардларинг танингга жойлансин.
Чидагин, болам-а, чидагин,
Оҳларинг қўшиққа айлансин!
Чин қолиб, ёлғонлар топса марҳамат,
Яхшимас, ёмонлар топса марҳамат,
Алдамчи замонлар топса марҳамат –
Чидагин болам-а, чидагин,
Дардларинг танингга жойлансин.
Чидагин, болам-а, чидагин,
Оҳларинг қўшиққа айлансин!
Амир ўғри бўлса, қози – риёкор,
Вазир – шуҳратпараст, ўғри – зиёкор
Ва улар халқингдан кулсалар беор –
Чидагин болам-а, чидагин,
Дардларинг танингга жойлансин.
Чидагин, болам-а, чидагин,
Оҳларинг қўшиққа айлансин!

Донолар қорани оппоқ десалар,
Шоирлар ҳаромни шу пок десалар,
Қўрқсалар, душманни ўртоқ десалар –
Чидагин болам-а, чидагин,
Дардларинг таниннга жойлансин.
Чидагин, болам-ей, чидагин,
Оҳларинг қўшиққа айлансин!

Одамман деб турса темирлар, тошлар,
Десалар: дунёдан битди кўз ёшлар.
Туғларнинг устидан юрса молбошлар, –
Сен чида, болам-ей, сен чида.
Куйлагин – тўхтама бир нафас!
Сен куйла қиличнинг тиғида –
Ўшанда эл-юртинг чидамас!

Бу қўшиқни айтиб, Элбек бахши қуёшга тик қараган экан, кўзи ёшланмабди.

* * *

Элбек бахши фарзандларини теграсига ўтқазиб, “ҳеч қачон эсларингдан чиқарманглар”, деб тайинлаб, ҳар замон-ҳар замонда шундай қўшиқ айтар экан:

Дарёдай озод оққин
Ойдайн эркин боққин,
Шамоллардай озод кез –
Қояларга суянма.
Елкангдан босиб олам
Тор келса ёруғ олам,
Қояларга суянма,
Элингга суян, болам!
Хас каби қалтирама,
Ўтган елнинг қошида.
Дарахт бўл, саратонда
Қолганларнинг бошида.
Тирикларга одил бўл,
Марҳумларни унутма.
Бу юрт сенки, болам,
Талатма ҳар хил итга.
Кўр бўлма, дунёга боқ,
Бошдан адоғигача,

Одамларни қўшиқ қил.
Қўлин қадоғигача.
Қарға олдида қарға
Бўлиб сайрама, болам,
Булбулсан, булбуллардай
Жон ўртар бўлсин нолан
Кулгинг келмаса, кулма,
Уялма кўз ёшидан.
Пешонанг қаттиқ бўлсин
Асқар тоғнинг тошидан,
Ғамни ўзингга қолдир,
Элингга бергин шонни.
Элингни ҳеч қийнама,
Қийнагин ширин жонни.
Тошдаймас, тоғдай бўлгин,
Қоянда қуш уйғонсин.
Элинг сенга қоқилмасин,
Элинг сенга суянсин.

Ўлар бўлсанг, пул деб ўлма –
Номард бўлиб кетарсан.
Ўлар бўлсанг, ишқ деб ўлгин –
Жўмард бўлиб кетарсан,
Ўлар бўлсанг, мансаб дема –
Тубан тушиб ўларсан.
Ўлар бўлсанг, дил деб ўлгин –
Баланд учиб ўларсан,
Ўлар бўлсанг, қочиб ўлма,
Жангда қурбон бўл, болам!

Ёв пойида жон бермагин,
Мудом осмон бўл, болам!
Яшашга ҳам, ўлимга ҳам,
Йигит учун сабаб кўп –
Бир яшаш бор, бир ўлим бор
Барчасидан, болам, хўп:
Умринг узун бўлсин, аммо
Рост гап чоғидир бу дам –
Элинг учун, болам, яша,
Элинг учун ўл, болам.

* * *

Шоир нима қилади? Ботирга мадад, хуркакка далда беради. Қадим замонларда Элбек бахши ҳам журъатсиз йигитларга мана шундай далда берар экан:

Раини бўздай
Титраб турган эр йигит,
Бир қадам қўй,
Ботир бўлиб кетарсан.
Қочмай туриб,
Аввал ёвга боқкин тик,
Бир қадам қўй,
Ғолиб кулиб кетарсан.
Алп бўлмадим
Деб ҳеч чекмагин алам,
Интилганга
Олгин дейди бу олам.

Бир қадам қўй,
Ботир бўлиб кетарсан –
Қўрқоқликдан
Мардликкача бир қадам.
Ёнаётган
Болам, кўзинга чўғдир,
Журъатсизлик,
Йигит қатлига ўқдир.
Қўрқоқликдан
Жасурликка бир қадам,
Жасурликка
Сотқинликдан йўл йўқдир.

* * *

Қоработир юртининг эркаси, жўраларининг серкаси эди. Бой эди, егани гўшту мой эди. Алп эди, лекин юзик қалб эди. Эртаю кеч жўраларига базм берар, аммо буни ҳеч кимнинг юзига солмас: “Дўстларимдан ноним тугул, жонимни ҳам аямайман”, дер эди.

Оқботир унинг жўраси эди. Жўралари ичида энг ғўраси эди. Уни яхши кунда эслашмаса ҳам, ёмон кунда йўқлашарди. Йўқлашмаса ҳам бўларди, чунки бировнинг бошига ғам тушса, у бир зумда этиб келарди.

Кунлардан бир куни юртни ёв босди. Не-не йигитлар аёвсиз урушда жон бердилар. Қоработир билан Оқботир отиша-отиша, чопиша-чопиша бир чўққига чиқдилар. Душман чор атрофини ўраб олди. Ана энди икковлари бир катта тош орқасида, ганимларни пойлаб ётиб, шундай суҳбат қурдилар:

Оқботир:

Чопа-чопа отлар қулади,
Жанг-жадалда синди қиличлар.
Дўст, сен омон қоласан ҳали,
Мени ёвга топширсанг агар!

Қоработир:

Кўзларимга қуёш кўринмас,
Рақибимиз зўр экан – аён.
Дўстим, сенга фидо бўлай, бас,
Сен учун мен топширайин жон.

Оқботир:

Тўрт тарафда ганим лашкари,
Минг ярадан қон оқур танда.
Дўст, сен эдинг кўнглим раҳбарин.
Мени боғла, топшир душманга.

Қоработир:

Тепамизда танҳо самоват,
Пойимизда шу бир парча ер.
Дўст, илоё, бўлгин саломат,
Боғла мени, ёв қўлига бер.

Оқботир:

Агар ўлсам, мендан не қолур?
Булутдай оқ, чиройли тулпор.
Уни минсин бир йигит – ёвкур...
Қўлим боғла, дўсти вафодор.

Қоработир:

Сурув-сурув кўйлар қолади,
Уюр-уюр отлар яйловда...
Дўст, нотанти санама мени,
Қўлим боғла, топширгин ёвга.

Оқботир:

Ўлсам куяр фақат волидам –
Қарилликда ёлғизлик ёмон...
Дўст, кўдимни боғлагин маҳкам,
Мен ўлайин, сен қолгин омон.

Қоработир:

Аза очар мен ўлсам бир халқ,
Кўк кияди не-не боёилар.

Йўқ, сен ҳаёт кучоғида балқ,
Майли, мени чақсин чаёнлар.

Оқботир:

Сенинг қўш-қўш хотинларинг бор,
Ўлсанг, ботар қайғуга олам.
Менга насиб қилмади ишқ, ёр...
Дўст, қўлимни боғлагин маҳкам...

Қоработир:

Улуғ элнинг мен кўрар кўзи,
Ҳам фарзандман, ҳам унга ота...
Майли, ўлай, сенга чин сўзим,
Душман солсин бўйнимга болта.

Оқботир Қоработирга ялинди, оёқларига йиқилди. Икковлари узоқ тортишдилар.

Охири Қоработир кўнди. Оқботирнинг қўлини боғлаб, ёв қошига ҳайдаб келди. Ёв сахий экан – Қоработирга инъомлар берди, ёв танти экан – Оқботирни ҳам озод қилди.

Шунда **Оқботир** бир сўз деди:

Озод қилдинг дўстимни ганим,
Аммо, менга керакмас эъзоз.
Жонсиз қолди барибир таним,
Мени ўлдиришлар, илтимос!

Бу дунёда бошим кўтариб,
Тирик юрмоқлигим қолмади.
Дўст жонини қолди қутқариб,
Менинг била ўла олмади.

Дўст дўст учун жондан кечмаса,
Дўст дўст билан бормаса дорга,
Дўст дўст учун оғу ичмаса,
Қуёш қаро тортмасму ордан.

Умр кўрсин дўстим минг йиллар! –
Ҳаёт недир мендай фақирга?
Еллар, беринг юртимга хабар:
Суянмасин Қоработирга.

Оқботир муродига етолмади. Ёв Қоработирни ўлдирди. У замонларда ёв ҳам мард бўлган экан.

Ҳеч ким ёвга бош эгмади.

“Бу элнинг шоирини топинглар”, – деди ўнг қўл вазир.

От чоптириб, бир жанг майдонида ярадор ётган Элбек бахшини топиб келдилар.

“Бизни мақта!” – деди чап қўл вазир.

Бахши эшитмаганга олди.

“Бизни мақта!” – деди ўнг қўл вазир.

Бахши гум-гурс тураверди.

“Бизни мақта!” – деди подшоҳ азим.

“Подшоҳ бўлсанг, ўзингга, – деди шунда бахши бир тўлғониб, – шоирнинг бўлса олиб кел, гаплашсам шоирнинг билан гаплашаман”.

Бир шоирни олиб келдилар.

Элбек бахши жавоб беришга ҳозирланиб, ҳалиги шоир “Бизни мақта!” деб турган жойи:

– Элбек бахши, бу дунёнинг ўтарин айт,
Бу дунёга умр келиб-кетарин айт,
Манов бизнинг паҳлавонлар кўкрак кериб –
Майдон кирса, фалакни ҳам йиқарин айт.

– Мен кўрганман осмонларнинг тиниғини,
Тошлар тегди, териб олдим синиғини.
Бешикдаги гўдакларга тиғ санчдилар,
Шунда билдим мардларингнинг қилиғини.

– Тоғдай бўлиб турган одам – навкарбоши,
Ўлчаб кўргин – ер-осмонни босар тоши.
Элбек бахши, мақтайвергин, кам бўлмайсан,
Марднинг шундай бўладими кўзу қоши?

– Нодон шоир, бугдой дейсан тариқниям,
Кўргум ахир, бу саройдан нариниям,
Навкарбошинг ортдан келиб пичоқ санчар,
Тўғри келса енголмайди ариниям.

– Элбек бахши, тилгинангни тийиб сўйла,
Етти эмас, юз ўлчаб, бир қийиб сўйла.
Манов турган хазиначи – номдор одам,
Мол-дунёнинг қулфи шунда – суйиб сўйла.

– Бахши дединг – бахши руҳи осмондадир,
Қўлмакка жо бўлганим шу замондадир,
Номдор одам кўзларини олиб қочди,
Унинг асли ҳовли-жойи индондадир.

- Элбек бахши, унга эмас, менга гапир,
Сабил бўлиб қолмагандир жонинг, ахир.
Мақтовини келтиравер, аҳмоқ бўлма,
Чап қўл вазир ёмон эмас – бола фақир.
- Сен нимани биласан ҳам гапдан бошқа.
Чап қўл вазир йўлни билмас чапдан бошқа.
Саройдаги аёлларнинг бари бир-бир –
Сел бўлишиб суйкалишар шул қум-тошга.
- Элбек бахши, бошинг кетар билмайсан-а,
Бу дунёни назарингга илмайсан-а.
Ана турган ўнг қўл вазир – доно одам,
Хизматларини суйиб эмас, жўшиб сана.
- Бир чўғ эдим, ёв қошида кетдим ёниб,
Ўч оларим бор экан-ку, қониб-қониб.
Бу донишманд подшоҳингнинг теграсида
Айланади, енг ичига пичоқ солиб.
- Элбек бахши, бўлма бунча “ширинзабон”,
Тилларингдан айланайин, ҳолинг ёмон.
Тўрда турган подшоҳимиз – ҳеч бўлмаса,
Шуни мақта, қоларсан-ку, эсон-омон.
- Мени кўйгин, менга тақдир тошдир азал,
Аммо дунё тўғри сўзга очдир азал.
Шоҳинг кимдир? Қўрқоқ, хоин, хиёнаткор,
Бузуқларнинг даврасига бошдир азал.
- Мард экансан, аммо феълинг азоб тугар,
Подшоҳимиз ҳар бир сўзни дилга тугар.
Ҳазабланиб лашкарига “кесгин” деса,
Элбек бахши, элинг тугар, юртинг тугар.
- Ҳақ гап учун ҳар бир ишга кўнади эл,
Тўғри сўздан кўпаяди, тўлади эл.
Дордан қўрқиб, ёлғон айтиб турганим йўқ,
Шоирлари ёлғон айтса, ўлади эл!

Ана энди, ёвнинг шоири оҳ уриб, пешонасига муштлади. Мен ҳам шундай айтишувларнинг ошиғиман-да. Мана неча йилдирки, суриштираман, бу айтишув нима билан тугади? Элбек бахшининг ҳоли не кечди?

Анигини билай деб, гаңим шоир элатининг дарагини сўраб, суриштирдим, тарихин кавлаштирдим, аммо ҳеч натижа чиқмади. Айтишувдан йигирма, ўттиз

йил ўтгач, бу халқ осмонга чиққанми, ерга кирганми, ишқилиб изсиз ғойиб бўлган. Шунда шўрлик шоирнинг оқ ургани маънисига етгандай бўлдим...

* * *

Алпомиш¹ Қалмоққа кетадиган бўлди.

Барчиннинг² бўйида уч ойлик гумонаси бор эди. Барчин Алпомишнинг кетарини билиб, қимтиниб, уялиб, керагага³ суяниб, бир сўз деб турган экан:

Йўлларда кўп меннинг гумоним,

Кетарсан – ичимда фиғоним,

Олти ой ўтган сўнг келмасанг.

Болангга не дейин, султоним?

Сени зор кутарман дилпора,

Ҳижронда ошиқлар бечора,

Айтиб кет, султоним, фарзандинг –

Қай сўзни эшитсин илк бора?

Остида ўйнайди Бойчибор⁴,

Кўзимда ёшларим шашқатор.

Оталик гапингни айтиб кет,

Болангни нима деб суяй, ёр?

Болангга кўксимни тутганда,

Гўдагим оқ сутин ютганда,

Неларин шивирлай болангга,

Жонимни оромлар титганда,

Оғирдир, ёр, сениз паллалар,

Мудраса кечаси далалар,

Бешикда тамшанган болангга.

Айтайин қанақа аллалар?

Алпомиш Барчиннинг сочини силаб, эсон-омонлик тилаб, тасалли бериб, сўзларни авайлаб териб турган жойи:

Қўлингга тутганда боламин,

Барчиним, ўйлагин оламин.

Аждодлар руҳини тавоб қил,

Яширма қувончу ноламин.

Оламда кўп эрур ибора,

Бир сўз бор – оғриқдан иборат.

У – Ватан! Барчиним, у – Ватан!

Боламга, “Ватан” де илк бора.

Сўзлагин энг юксак тилакдан,

Бўтадай бўзлагин юракдан.

“Ватан” де... Боламининг қонига

Оқиблар кирсин у юракдан.

Ақлинг ҳеч бўлмасин фаромуш,

Боламин қил яхши парварин.

Барчиним, боламга яна айт,

Отаси – Алпомиш!.. Алпомиш!

Елдаини, селдаини бул ҳаёт,

Сафардан қайтмасам умрбод.

Барчиним, аллага қўшиб айт,

Элининг отидир Қўнғирот.

Ой чиқса бўлади ойдин де,

Лочиндай қанотинг ёйгин, де.

Барчиним, суйганда суйиб айт,

Туғилган туғроғинг Бойсуи, де.

¹ Алпомиш – “Алпомиш” эпоси қаҳрамони Ҳакимбег

² Барчин – “Алпомиш” эпоси қаҳрамони

³ Керага – буз уйнинг эшиги устуни

⁴ Бойчибор – Алпомишнинг афсонавий оти

Хасдайн чўлларда учиб айт.
Замондан замонга кўчиб айт.
Боламнинг танига жойлансин,
Қучиб айт, қучиб айт, қучиб айт!

Бойликка бўлма де харидор,
Бойликдан баландда эл-юрт бор.
Айт, ёвни қақшатган алп бўлсин,
Айт, бўлсин юртига хизматкор.

Барчиним, фарзандим шер бўлсин,
Юртига суяңчиқ, эр бўлсин.
Ватанни дилига жо айлаб,
Бахшилар тилида шеър бўлсин.

Ў биродарлар, Барчин эсли хотин эди! Фарзанд кўрганида боласига нималар деган, билмайман, аммо биз томонларда бахшилар Алпомишнинг ўғли Ёдгор¹ ҳақида ҳам дoston айтишади...

* * *

Шундай қилиб, биродарлар, Алпомиш Қалмоқдан қайтмади.
Қалдирғоч² ойим туя боқиб туриб, кўзидан ёши оқиб юриб, бир сўз деб турган экан:

Саҳар чоғи мизғигандим, бир туш кўрдим,
Бир чоҳ кўрдим, чоҳ тубинда бир қуш кўрдим,
Қанотлари синган қушнинг суратинда.
Оға, сизни ноҳуш кўрдим, ноҳуш кўрдим.

Ёрни излаб Қалмоқ сари учган оғам,
Нодон оғам, зиндонларга тушган оғам,
Ўн минг уйли элинг мадад бера олмас,
Соғ бормисан, зах тупроқни кучган оғам.

Қоражоннинг³ қора кунлар бошидадир,
Мушфиқ синглинг Бойсун тоғу тошидадир.
Шўрлик Барчин Ёдгорингни қучиб йиғлар,
Сарқамишнинг чўли қонли ёшидадир.

Оға, энди Қўнғиротга дунё торма,
Ғаним учун тўй-томоша, бизга дорма?
Ҳеч бир эл-юрт эрларидан айрилмасин,
Сабр битди, Бойчиборни, оға, чорла –

Туя боқдим, товоңларим фикжа тикан,
Сен келмасанг Асқар тоғ ҳам чўкадиган.

¹ Ёдгор – "Алпомиш" эпоси қаҳрамони.

² Қалдирғоч – "Алпомиш" эпоси қаҳрамони.

³ Қоражон – "Алпомиш" эпоси қаҳрамони.

Сабр битди, Бойчиборни, оға, чорла!
Ҳар бир элга бир эр йингит керак экан!

Ана энди, Қалдирғоч ойим бу сўзни айтди. Алпомиш чоҳ тубида ётиб, синглисининг ноласини эшитди, ёвни енгиб Бойсун-Қўнғиротга қайтди.

Ў, биродарларим-а, Фозил шоирга¹ етиш кўп қийин, ҳамма билганини айтади-да...

Мен ҳам билганимни айтдим.

Савол ва топшириқлар:

1. “Бўлар эл” деганда нимани тушунасиз? Элбек бахши кўшиғида баён қилинган “Бўлар эл фарзандларининг сифатлари”ни топинг ва айтинг.

2. “Шўрлик эл” фарзанди қандай бўлади?

3. Элбек бахшининг “нима чиройли”, “нима яхши”, “нима ёмон”, “нима энг кўп йиғлатади? каби саволларга берган жавобларига кўшилмасми?

4. Элбек бахшнинг шоғирди Эломонга берган насиҳатларида қандай аччиқ ҳақиқат бор?

5. Қоработир ва Оқботирга матиға таяниб тавсиф беринг. Оқботир нега душмандан ўзига ўлим тилади? Сизнингча Оқботир ҳақми? Нима учун?

6. “Шоирлари ёлғон айтса ўлади эл” мисрасини шарҳланг.

7. Достон мазмунига асосланиб Элбек шоирга тавсиф беринг

8. Алпомиш ўғлига нима ҳақида алла айтишларини сўрайди?

9. Қалдирғоч монолоғида нимага даъват бор?

10. Достондан парчалар ёд олинг.

¹ Фозил шоир – XX асрда яшagan халқ шоири Фозил Ысломов ўғли.

ШАВКАТ РАҲМОН

(1950 — 1996)



Шавкат Раҳмон... Қирғизистонлик ўзбеклар учун бу ном нақадар азиз ва муътабар эканлигини биласизми? Ҳа, XX аср ўзбек шеърлятида ўзига хос овози билан чуқур из қолдирган, ўз даври шеърлятига янгича руҳ — исёнкорлик руҳини олиб кира олган бу “ўжар” шоир Сиз билан бизнинг юртдошимиздир, ватандошимиздир ва биз У билан ҳақли равишда фахрланамиз. Афсуски, Шавкат Раҳмон жуда қисқа — 46 йил умр кўрди, холос.

Юртдошимиз Шавкат Раҳмон 1950 йил 12 сентябрда Ўш вилоятининг Қорасув туманига қарашли Помир маҳалласида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, дасглаб, “Ленин йўли” (ҳозирги “Ўш садоси”) вилоят газетасида ишлади. Сўнг 1975 йилда Москвадаги

Адабиёт институтини тугатди. Шеърлятга бўлган кучли интилиш уни ҳозирги ўзбек адабиётининг маркази бўлган Тошкент шаҳрига етаклади. У қизғин ижодга берилди.

1977 йили унинг биринчи шеърлар тўплами “Рангин лаҳзалар” номи билан босилиб чиқди ва ўзбек шеърляти осмонида яна янги бир шоир пайдо бўлганидан хабар берди. Шундан сўнг унинг “Юрак қирралари” (1981), “Очиқ кунлар” (1984), “Гулдаётган тош” (1985), “Уйғоқ тоғлар” (1986), “Хулво” (1988) каби тўпламлари нашр этилди.

XX аср испан шеърлятининг таниқли вакили Федерико Гарсиа Лорка ижодига қизиқиб қолган Шавкат Раҳмон Лорка шеърларини испан тилидан таржима қилиш учун қисқа муддат — 3 ой ичида испан тилини ўрганиб олганлиги кишини ҳайратга солади. У Лорка шеърларини таржима қилиб, “Энг қайғули шодлик” деган ном билан китоб шаклида нашр эттирди.

Шавкат Раҳмон оғир касаллик туфайли 1996 йил 2 октябрда Тошкент шаҳрида вафот этди ва шу ерга дафи этилди.

Оташнафас ҳам миллатпарвар шоир юртдошимиз Шавкат Раҳмон ҳаётлик чоғида ўз кўли билан тартиб берган шеърлар тўплами “Сайланма” номи билан босиб чиқарилди. Китобнинг биринчи саҳифасида қуйидаги сўзлар битилган: “Ўйлаймизки, виро китоби XX аср ўзбек шеърлятида, умуман, умумтуркий адабиётда чинакам ҳодиса бўлган ШОИР шахсияти ва унинг қўнгил кенгликларию юрак қирралари тўғрисида ўқувчига тўла-тўқис тасаввур беради”.

Эътиборингизга шоирнинг ривоятларидан айримларини ҳавола қиламиз, азиз ўқувчим!

ИККИ ДҮСТ

Бир кунн икки бахтсиз
безиб молу хулѳдан¹,
шайланибди бахт излаб
бахтиқаро дунѳдан.
Сўйлашибди ушлаб нон:
“Мудом бирга бўлармиз,
бахтли бўлсак – ёнма-ён,
ўлсак, бирга ўлармиз”.
Хуллас, худди эртақдай –
зумда битар каму кўст.
Юк бўлиб бир эшшакка,
йўлга чиқар икки дўст.

У замонлар йўллар ҳам
ўнқир-чўнқир, тош экан.
Иккала дўст камбағал,
содадил ҳам ёш экан.
Ўйлашибди бахт ҳақда,
баҳор-да ёз бўлибди.
Куйиб ётган бир даштда
шўрлик эшшак ўлипти.
Сўйлашибди ушлаб нон:
“Мудом бирга бўлармиз,
бахтли бўлсак – ёнма-ён,
ўлсак, бирга ўлармиз”.
Дўстлар яёв йўл босиб,
не-не доvon, қир ошар.
Ёзнинг ёрқин либосин,
куйдирибди қуёш ҳам.
Бўшаб қонти хуржулар,
кўзлари ҳам гўлайиб,
бод² учирган юлғундай³
судралишар сулайиб.
Шундаям ичарлар онт:
“Мудом бирга бўлармиз,

бахтли бўлсак – ёнма-ён,
ўлсак, бирга ўлармиз”.
Куи богай деган чоқда
бир манзилга етдилар.
Барс изларин сўқмоқда
кўриб титраб кетдилар.
Янгигина эди излар,
келганча сўл томондан
тор сўқмоқдан, шубҳасиз,
кетган эди доvonга.
Баландлик бор сўл ёқда,
ўнгда эса – тубсиз жар.
хатарли, қалтис роҳда⁴
титрар икки биродар.

Бирови дер кўп ўйлаб,
очмиз, сира мадор йўқ,
бизни йўлбарс еб қўйса,
қўй, дегувчи садо йўқ.
Яхшиси, эс борида,
жонни асраб қолайлик,
анов тоғнинг ғорида
шу кеча дам олайлик.

Бошқаси дер, кўп ўйлаб:
очмиз, сира, мадор йўқ,
бизни йўлбарс еб қўйса,
қўй, дегувчи садо йўқ.
Бироқ ғорда нима бор,
қордан бўлак нима бор,
очлик, кўрқув, ўлимдан,
ордан бўлак нима бор?

Бирови дер, қўйсанг-чи,
шундоқ ўлмоқ шарафми,
Қарагин, деб кўрсатар
барс келган сўл тарафни.

¹ Хулѳ – безак, ҳашамат.

² Бод – чўл шамол.

³ Юлғун – чўл усманлиги.

⁴ Роҳ – йўл.

Кўнглим сезар, шу ёқда
бир макон бор қандайдир.
оч йўлбарс ҳам ўшоқдан¹
ўлжа олиб қайтгандир.
Бошқаси дер, биродар
бу гапларни қўяйлик,
барсга дуч келсак агар,
қарқиратиб сўяйлик.
Кўнглим сезар, доводда
бирон кулба, қишлоқ бор,
димоғимга бўй келар –
олов, бўза, пишлоқ бор.
Баҳслашади икковлон,
гезарганча лаблари.
Турмайдилар ёнма-ён,
қовушмайди гаплари.
Хуллас, бири доводга –
кетди йўлбарс изидан.
Йўлбарс келган томонга
бири кетди физиллаб.

Вақт ўтар,
кун ёришар
оламни шод этгани.
Турар довод бошида
барс изидан кетгани.
Ўнг тарафда қишлоқ бор,
худди ўзи айтгандай.
Йўлбарс эса сўл ёқдан
орқасига қайтганди...
Шамол урар димоққа
нон ва олов ҳидларин.
Ҳура бошлар йироқдан
қишлоқнинг дов итлари.
Ўнгга юрар,
эслар аммо:

Савол ва җопшириқлар:

1. Икки дўст нима учун сафарга чиқдилар ва бир-бирларига қандай онт бердилар?
2. Йўлда улар қандай машаққатларга дуч келдилар?

¹Ўшоқдан – тева; ўша ёқдан.

²Жумард – мард, ботир йигит маъносиди.

“Мудом бирга бўлармиз,
бахтли бўлсак – ёнма-ён,
ўлсак, бирга ўлармиз”.
Мард эмасми,
пўстинсиз,
турса ҳамки изиллаб,
ўйлаб шўрлик дўстини,
қайтади барс изидан.
Бир гап қолган азалдан,
бир донишманд айтганмиш:
барс ов қилган маҳалда
битта йўлдан айланмиш...

...Мана кенглик очилиб,
ногоҳ ҳушин йўқотар.
Кўз ўнгида сочилиб,
сўлга кетган дўст ётар...
Эй, воҳ,
қандай ёвуз дарс,
турар дўстдан айрилиб.
Ўлжасига ёвуз барс
қарамасди қайрилиб...
Қизғиш қорда бемадор
ётаркан барс чўзилиб,
тик қарайди бемалол
тирик одам кўзига.
Бир-бирининг сабрини
бир зум синов этарлар.
Сўнг жимгина қайрилиб,
ўз йўлига кетарлар.

Шундоқ қилиб жумардга²
жумардлар тенг бўлади.
Хулоса шу, йўлбарсга
қўрқоқлар ем бўлади.

3. Бу қийинчиликлар уларнинг онтини бузишларига сабаб бўлдимиз?
4. Йўлда йўлбарс изларига дуч келгач, улар қай аҳволга тушдилар ва вазият ҳақида қандай фикр билдирдилар. Уларнинг фикрларини таҳлил қилдинг.
5. Нима учун йўлбарс издан доvon томонга кетган йигит тирик қолди, унинг ҳақиқий дўст эканлигини кўрсатувчи мисраларни топиб ўқинг.
6. Сўз томонга кетган йигитнинг ўлимига нима сабаб бўлди?
7. “Хулоса шу: йўлбарсга қўрқоқлар ем бўлади”, – мисраларини тушунтириб беринг.

Бир минг бир юз бир шоир

Юртдан омад юз бурмиш,
шоҳ саройи – сукутгоҳ.
Кеча-кундуз ўй сурмиш
адолатли, доно шоҳ.

Юрт тўлибди гадойга,
эл аҳволи оғирдир.
Шундай чоқда саройга
қасидалар ёғилмиш.
Бари тўла ҳамд-сано,
бари ёлғон, ғамзада.
Тинглайвериб тасанно,
шоҳ бўлибди дарғазаб.
Вазирига, бермай сир,
бир кун кулиб доно шоҳ,
буюрибди, қани бил,
юртда неча шоир бор.

Жарчилар ишлапти соз,
бирор лаҳза олмай дам.
Юртнинг барча хушовоз
шоирлари бўпти жам.
Вазир, – улуғ шоҳим, – дер,
таъзим қилиб, мулойим, –
юртингизда бор экан
бир минг бир юз бир шоир.
Вазирдан кулибди шоҳ
ҳам тагин жаҳли кепти.
Шоирларни ҳозироқ
зиндонга ташла, депти.
Бир йил ўтиб орадан,
шоҳ сўрапти вазирдан.

билгин, бахти қаролар
шеър ёзарми ҳали ҳам.
Вазир зиндон айланиб,
шоҳга бир сўз айтибди.
мингта шоир, найлайин,
шеър ёзишдан қайтибди.
Қолганлари шам тутиб,
кезиб худди бемордай,
бор оламини унутиб.
ёзмиш ҳатто деворга.
Шоҳ кулибди мийиқда:
минг шоирни озод қил,
қолганларин сийлагин.
не истаса, бажо қил.
Кўчир сарой боғига,
майли, синов баҳона,
бирор йил бу шоирлар
яшаб кўрсин шоҳона.

Йил ўтипти,
доно шоҳ
депти бир кун вазирга:
баҳра олсак бугуноқ
шоирларнинг назмидан.
Барча шоир жам бўпти,
давра ҳангу манг бўпти.
юзта пўрим шоирнинг
оғир боши ҳам бўпти.
Турар фақат бир шоир,
турар шоҳга тик қараб,
бир тараф бўпти дунё.

шоир эса – бир тараф.
Шеър айтганда қилвири,
имонсизлар титрабди,
эл дардини билмаган
виждонсизлар титрабди.

Қолмапти эл армони,
шўришлардан айтибди.
Зумда ҳақсиз дунёни
бир айланиб қайтибди.
Титрабди дов овоздан
салтанатнинг садлари,
гуддирабди равоқлар,
кўпайибди дарзлари...
Дудоқлардан учар оҳ,
жимлик чўқар қасрга.
Ғолибона сўйлар шоҳ
ўсал бўлган вазирга:
бир пайтлар шошилиб,
менга хато сўйладинг..
Йиғсам барча шоирни,
ишонар, деб ўйладинг
Аммо вазир,
кўп бекор
шоирларнинг ҳисоби.
Юртда битта шоир бор
мана, сенга исботи:
мингта шоир шунчаки
шеър ёзарди эрмакка,
нижик қалбнинг кундалик
нафсига дам бермакка.
Мана, зиндон баҳона
синаб кўрдик кучини,
бир йилдаёқ зиндонда
маълум бўлди пучлиги.

Юзта шоир тақдирдан
аламзада шеър ёзган,
истеъдодни таҳқирлаб,
иззат-обрў деб озган.
бердим унвон, эътибор,
тилло қилдим тошларин,
мана, бари бўлди хор,
куйи солди бошларин.

Бироқ битта шоир бор,
турланмагай ҳар жойда.
асло ўзин қилмас хор,
зиндонда ҳам саройда.
Азалий ишқ, нафратдан
айтмоқ унга жоиздир.
Салтанатни ғафлатдан
огоҳ қилган шоирлар.
Демак, вазир, унугма,
бир умрга эслаб қол,
бундан буён бу юртда
бир шоиру бир шоҳ бор.

Шундоқ қилиб хаёлга
берилар шоҳ ниҳоят.
Худди мана шу жойда
тамом бўлар ривоят.
Хўш, шоир-чи, қаерда,
шоҳ ё меҳр қўйдими?
Бирон макр тайёрлаб,
қарқиратиб сўйдими?

Келинг, энди оҳ уриб,
ярашар бир жилмайсақ.
Не қилайлик, охири
ҳанузгача билмасак.

Савол ва Ҷавоблар

1. Шоҳнинг бир минг бир юз бир шоирни зиндонга ташлаши сабабини тушутиринг.
2. Бир минг шоирга тавсиф бериң.
3. Бир юз шоир ҳақида қандай фикрдасиз? Шоҳнинг фикрига қўшилдасизми?
4. Нима учун шоҳ бундан буён бу юртда бир шоиру бир шоҳ бор, дея ҳукм чиқаради?
5. Шоир, шоир дарди, шеър ҳақидаги фикрларингиз қандай эди? Фикрингиз ўзгардими?

МУНДАРИЖА

ДАВР, ИЖОДКОР ВА АДАБИЁТ.....	3
БОБОЛАРАН ТИНЛАБ ҲИКОЯ	
Кунтуғмиш.....	8
Ишқий-қаҳрамонлик дostonлари.....	40
ОРЗУ ВА АРМОННИНГ САРҲАДЛАРИДА	
Абдурауф Фитрат.....	42
Маҳжурий.....	48
Муҳаммас ҳақида.....	61
Асқад Мухтор.....	64
Саид Аҳмад.....	87
Саида Зуннунова.....	104
Хуршид Даврон.....	119
Хайриддин Султонов.....	131
Муғанний.....	154
Зоҳир Аълам.....	159
Эркин Аъзам.....	175
Ҳалима Худойбердиева.....	193
Шароф Бошбеков.....	201
СЎЗНИНГ ЖИЛВАСИДАН ЯШАРАР КЎНГИЛ	
Лутфий.....	227
Фурқат.....	232
Мусаддас ҳақида.....	236
Муҳаммад Юсуф.....	238
Тоғай Мурод.....	245
Қисса жанри ҳақида.....	292
Аъзам Раҳим.....	293
ҚИРГИЗ АДАБИЁТИДАН	
Алиқул Ҷсмонов.....	300
Чингиз Айтматов.....	311
ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН	
Сергей Есенин.....	324
Садриддин Айний.....	333
Ўлжас Сулаймонов.....	361
МУСТАҚИЛ ҶҲИШ УЧУН	
Азиз Несин.....	367
Усмои Азим.....	380
Шавкат Раҳмон.....	394

Уқув наشري

Қозоқбой Йулдошев, Саидакбар Махсумханов, Валижон Қодиров

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Ўрта мактабларнинг 8-синфи учун дарслик – мажмуа

Бош муҳаррир **А. Ҳиринбоев**
Рассом **А.Джэмбаев**
Техник муҳаррир **М. Аҳмедов**
Мусахҳиҳ **С. Махсумханов**
Компьютерда саҳифаловчи **Д. Аббосова**

Теришга 01.03. 2011 рухсат берилди. Босишга 16.12.2011 имзо чекилди.
Офсет қоғози № 1. Формати 70x90 ¹/₁₆. "Таймс" гарнитураси.
Ҳажми 25,0 физ.босма тобоқ. Адади 15 000 нусха.
Буюртма 744.

«Учкун» ОАЖ босмаҳонасида чоп этилди.
720031, Бишкек ш., С.Ибраимов кўчаси, 24.







